O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

# BAG‘RIKENGLIK VA TINCHLIKSEVARLIK KONTEKSTIDA ISLOM ILMIY-MA’NAVIY MEROSI

**Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya**

**M A T E R I A L L A R I**

**18.06.2021**

# ИСЛАМСКОЕ НАУЧНО-ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ В КОНТЕКСТЕ ТОЛЕРАНТНОРСТИ И МИРОЛЮБИЯ

**М А Т Е Р И А Л Ы**

**международная научная онлайн конференция**

**18.06.2021**

# ISLAMIC SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE IN THE CONTEXT OF TOLERANCE AND PEACEFULNESS

**M A T E R I A L S**

**of the international scientific online conference**

**18.06.2021**

**Navoiy – 2021**

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 февралдаги №78-F-сонли фамойиши асосида Навоий давлат педагогика институтида 2021 йил 18 июнь куни ўтказилган “Бағрикенглик ва тинчликсеварлик контексида ислом илмий-маънавий мероси” мавзусида халқаро илмий конференция материалларидан иборат.

Халқаро илмий конференция мақолалар тўпламини тайёрлаш учун масъуллар:

Масъул муҳаррир: **Б.Б.Собиров,** профессор, Навоий давлат педагогика институти ректори

Илмий муҳаррир: **Н.О.Сафарова,** фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Э.Э.Каримов,** тарих фанлари доктори, профессор, Hofstra University (АҚШ)

**Ш.Ю.Зиёдов,** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Техник муҳаррир: **М.Х.Норқобилов**

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар.

© Навоий Давлат педагогика институти, 2021

## Сўз боши

Анъанавий бошқа жаҳон динлари қатори ислом ҳам инсоният цивилизацияси ривожида ўзининг беқиёс ўрни ва аҳамиятига эга. Ислом азалдан бағрикенглик ва тинчликсеварлик дини бўлиб келган. Дунёнинг турли қитъаларида яшаган турли ирқ ва миллат ҳамда маданиятлар ва тарихга эга бўлган халқларни ислом ягона эътиқод орқали биродар бўлиб яшашига замин яратган. Ислом нафақат унга эътиқод қиладиган кишилар ўртасида, балки бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳам бағрикенглик ва тинчликсеварлик муносабатни шакллантира олган. Бунга тарихан турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қилган Ўзбекистон заминини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бугунги ахборотлашган тезкор даврда дунё халқларининг ижтимоий муносабатлари тизимида исломнинг маънавий потенциалидан барқарор ривожланишни таъминлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса ислом маънавиятини илмий-фалсафий ўрганиш долзарб академик муаммолардан бўлиб келмоқда.

Янги Ўзбекистонда ислом илмий-маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси билан анчагина салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент Ислом университети негизида Халқаро Ислом академияси, Халқаро ислом цивилизацияси маркази, халқаро Имом Бухорий илмий тадқиқот марказининг ташкил этилиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Юқоридаги муассасаларни ташкил этилиши ислом илмий-маънавий меросини ўрганишга амалий хизмат қилади. Ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудуди ислом цивилизацияси марказларидан бири бўлган. Буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Исо ат-Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Ал-Мотурудий, Замахшарий, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандийлар исломнинг ҳадис, калом, фиқҳ ва тасаввуф илмини ривожланишига улкан ҳисса қўшишган. Мамлакатимизнинг қадимий Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Термиз, Шаҳрисабз ва Тошкент каби шаҳарлар ўрта асрлардаги биринчи ва иккинчи Ренессанс даврида ислом цивилизацияси марказларидан бўлган. Юқоридаги аждодларимизнинг ва шу ўринда умумий ислом илмий-маънавий меросини бугунги тараққиёт учун амалий аҳамиятидан келиб чиқиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 февралдаги №78-F-сонли фамойиши асосида Навоий давлат педагогика институтида 2021 йил 18 июнь кунига мўлжалланган “Бағрикенглик ва тинчликсеварлик контексида ислом илмий-маънавий мероси” мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этилди. Ушбу халқаро конференцияни институтимизда ўтказилиши ҳамда унга республикамиз ва ҳориждан соҳанинг етакчи мутахассисларини таклиф этилиши аҳамиятлидир. Ушбу халқаро конференция доирасида бериладиган илмий хулоса ва таклифлар бағрикенглик ва тинчликсеварлик контексида ислом илмий-маънавий меросини ўрганишда илмий-назарий аҳамият касб этади.

**Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**
**Абдуллаева Маҳбуба Нуриллаевна**

## 1-SHO’BA. YEVROPA RENESSANS DAVRI TARAQQIYOTIDA ISLOM ILMIY VA MA’NAVIY MEROSINING O‘RNI

### ИСЛОМ ДИНИ – БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ОМИЛИ СИФАТИДА

**Турсунов Қобул Бекназарович**
**Навоий вилояти ҳокими, сенатор,**
**Навоий давлат педагогика институти фахрий профессори**

Дин ва диний қадриятлар ҳар доим тарихда жамиятнинг маънавий жиҳатдан етакловчи руҳий кучи бўлиб келган. Барча анъанавий динлар инсон ва жамият ҳаётида поклик ва эзгулик учун хизмат қилган. Инсоният тарихида охирги шаклланган анъанавий диний таълимот сифатида ислом кўпгина халқларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутган. Чунки, ислом маърифатпарварлик, яратувчанлик, поклик, хусусан, бағрикенглик ва тинчликсеварлик динидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев 2021 йил 15 апрель куни Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига ташрифи чоғида “Муқаддас динимиз бизни инсонпарварликни, тинчлик ва осойишталикни қадрлаб яшашга, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Мана шундай тушунча ва қараш билан ҳар бир оила ва маҳаллада, бутун жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эриша оламиз”, – деб эътироф этди.

Ўзбекистонда ислом 14 асрлик тарихга эга. Шу давр оралиғида ислом дини юртимизда тил, маданият, урф-одат ва анъаналар, фан ва бошқа соҳаларни шаклланиши ва ривожига улкан ҳисса қўшди. Исломда дунёвийлик инкор этилмайди. Шу боисдан ўрта асрлардаги анъанавий исломни шаклланиш даврида диний илм билан бир қаторда дунёвий фан ҳам ривож топди. Хусусан, Марказий Осиёдаги биринчи ва иккинчи ренессанс даврида исломнинг ҳадис, фиқҳ, калом, ақоид ва тасаввуф илми билан бир қаторда дунёвий фан соҳалари – математика, астрономия, тиббиёт, география, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, мусиқа назарияси кабилар ҳам ривожланди. Шу даврда Имом Бухорий, Исо ат-Термизий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбандий каби диний уламоларимиз билан бирга Мусо ал-Хоразмиз, Абу Наср Фаробий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби олим ва шоирларимиз ижод қилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон замини ислом дини ва дунёвий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган марказ бўлиб қолди. Юқорида номлари келтирилган аждодларимиз нафақат ислом дунёсида, балки бутун дунёда эътироф этилади. Мамлакатимиз асрлар давомида нафақат фан ва маданият маркази, балки ислом цивилизацияси маркази ҳам бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасида дунёвий давлат тамойилари амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан дин давлатдан ажратилган. Бироқ, давлат динни жамиятнинг ажралмас қисми сифатида қўллаб-қувватлайди. Юртимизда динга эътиқод қиладиган ва қилмайдиган ҳамда турли дин вакиллари бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари тенг кафолатланади. Мамлакатимизнинг 95 фоизидан ортиғи анъанавий ислом динига эътиқод қилувчи халқлардан иборат эканлиги асосида ислом халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмидир. Шу боисдан, ислом маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда уни ўрганиш давлатимизнинг бу борадаги устувор сиёсатидан ҳисобланади. Кейинги йилларда ислом маънавий мероси билан боғлиқ

масалаларга оид бир қанча Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида республикамизда ислом маънавий меросини тиклаш ва ўрганиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Навоий вилояти заминида ҳам ислом маънавий меросининг ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган буюк аждодларимиз яшаб ўтишган. Улар қаторидан Қосим Шайх Азизон, Мавлоно Ориф Деггороний, Мир Саид Бахром, Ҳўжа Хисрав, Шайх Худойдод Валий, Саид ота ва Бадр ота кабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу буюк аждодларимиз исломдаги тасаввуфни ривожида ўз ўрниларига эга бўлиши билан бирга мамлакатдаги сулҳпарварлик, тинчликсеварлик ва бағрикенглик сиёсатини амалга оширишдаги ҳиссалари каттадир. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, вилоятимиздаги исломий зиёратгоҳларнинг аксариятида ободонлаштириш ишлари олиб борилди ҳамда халқимиз ва ҳорижлик зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди. Хусусан, Кармана туманидаги Қосим Шайх Азизон ва Мавлоно Ориф Деггороний зиёратгоҳлари, Нурота туманидаги “Чашма” мажмуаси ва Хасан ибн Ҳусайн зиёратгоҳи, Хатирчи туманидаги Оқмасжид ва Қизилтепа туманидаги Боязид Бистомий зиёратгоҳларини мисол келтириш мумкин. Бундан ташқари кейинги йилларда Навоий вилоятида мусулмонларнинг ўз эътиқодларини эркин амалга оширишлари учун ҳам катта шароитлар яратилди. Хусусан, 2019 йил вилоятимизнинг Қизилтепа туманида Абу Бакр Сиддиқ ва 2020 йил Навбаҳор туманида Ҳашман жомеъ масжидари давлат рўйхатидан ўтказилди, 2021 йил Кармана туманидаги Ҳўжа Сабр ота ва Конимех туманидаги Мих ота жомеъ масжидларининг янги бинолари қурилди. Бугунда вилоятимиздаги масжидлар сони 80 та бўлиб, улар халқимизнинг диний ибодатларини амалга ошириш учун хизмат қилиб келмоқда.

2021 йил 18 июнда Навоий давлат педагогика институтида ўтказилаётган “Бағрикенглик ва тинчликсеварлик контекстида ислом илмий-маънавий мероси” мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши Навоий вилоятида ислом маънавий меросини ўрганишдаги ишлардан биридир. Ушбу халқаро илмий конференцияга вилоятимиз ва республиканинг етакчи олимлари билан бирга ҳорижлик соҳанинг йирик мутахассисларини қатнашаётганлиги унинг кўлами ва салмоғидан далолат беради. Бу халқаро конференция доирасида илгари сурилган хулоса ва таклифлар соҳа мутахассислари ва ёш тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ислом дини асрлар давомида халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган. Исломдаги эзгу ғоялар жамият барқарорлиги ва тараққиётига хизмат қилади. Ислом маънавий меросини илмий тадқиқ этиш эса жамият маънавий юксалиши учун муҳимдир.

# ИСЛОМДА ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

**Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири,**
**иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)**

Барча даврларда дин кишиларни ҳамиша яхшилик ва эзгуликка чорлаб келган. Ҳақиқий диний эътиқод ҳеч қачон инсонни ёмон йўлга етакламайди. Фақат динни нотўғри тушуниш ва ундан бошқа мақсадларда фойдаланиш салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Халқимизнинг асрлар давомидаги муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди. Исломнинг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бой ислом маънавий меросини илмий ва холис ўрганиш кишиларда дин ҳақидаги тўғри тасаввур ва инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Давлат раҳбаримиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида “Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом — ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади” – деб таъкидлаган эди.

Исломнинг бағрикенглик ва тинчликсеварлик ғояси унинг бирлаштирувчилик ва яратувчанлик характерини белгилайди. Дастлабки даврлардан то ҳозирги кунгача ислом ирқи, миллати, жинси ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барча инсонлар ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилган. Исломнинг асосий қоидаларидан бири бу – инсонларнинг Аллоҳ олдида тенглигидир. Бу фикрни исломнинг барча манбалари орқали тасдиқлаш мумкин. Хусусан, Қуръони каримда шундай дейилади: “Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл(Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила(элат)лар қилиб қўйдик” (Ҳужурот, 13). Шундан кўринадики, Ислом дини азалдан бағрикенглик дини бўлган ва инсонларни жинси, миллати ва ирқига қарата ажратмаган..

Бизга маълумки, жамият ҳаёти характерига кўра дунёвийлик ва динийликка бўлинади. Шундан келиб чиқиб таълимнинг дунёвий ва диний шакллари ҳам мавжуд. Тарихан Ўзбекистон заминида дунёвийлик ва динийлик уйғун бўлган. Ислом ҳеч қачон дунёвийликка қарши бўлмаган. Бунга ислом манбаларидан кўплаб далиллар келтириш мумкин. Хусусан, “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур” (Мужодала, 11) ёки пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Олим мўмин обид мўминдан етмиш даража устундир”. Бу исломнинг дунёвий илмларни ўрганишдаги бағрикенглиги билан бирга уни қадрлашидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига кўра, “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.” Бу норма фуқароларнинг диний таълим олиш ҳуқуқига зид келмайди. Шу боисдан, мамлакатимизда диний таълим олиш учун ҳам етарли имкониятлар яратишга эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим олиш имконияти кенгайиб бормоқда. Бу янги олий ўқув юртларини очилиши ва олий таълимда қабул квоталарини оширилиши ҳисобига амалга оширилаяпди. Шу билан бирга мамлакатимизда фуқароларнинг диний таълим олиш ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги диний таълим муассасалари ҳам ташкил этилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда исломий диний таълим муассасаларининг умумий сони 13 тадан иборат ҳамда ундан 10 таси ўрта махсус ўқув юрти ва 3 таси олий таълим

муассасаси ҳисобланади. Шулардан Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Бухородаги “Мир Араб” олий мадрасаси олий диний таълим муассасалари ҳисобланади. Улардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон қарорига асосан Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Ушбу Академия бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигидаги диний ва дунёвий билим беришга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий тадқиқот муассаси ҳисобланади. Бу таълим муассасида диний ҳамда дунёвий фанларни уйғунликда ўқитиш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга асосий эътибор қаратилган. Академиянинг асосий вазифаларидан бири ислом динининг асл моҳиятини ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этишдан иборат. Бундан ташқари бошқа диний таълим муассасаларида ҳам диний билимлар билан бир қаторда дунёвий фанлардан ҳам таълим берилади. Булар мамлакатимизда дунёвийлик ва динийликнинг уйғунлиги ҳамда дунёвий ва диний таълим олиш ҳуқуқларини кафолатланишидан далолат беради.

Тарихимизнинг маълум бир даврларида даҳрийлик мафкураси таъсири остида динни қоралаш ва диний эътиқодни чеклаш сиёсати олиб борилди. Бу албатта муқаддас диний қадриятларимизда узоқлашишга олиб келди. Одамларни диний таълим олиш ва билимларга эга бўлиш имконияти чеклаб қўйилди. Олий таълим муассасаларида илмий атеизм фанини ўқитилиши ёшлар онгида даҳрийлик туйғусини шаклланишига хизмат қилди. Мустақиллик даврида динга муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши жараёнида уни илмий ўрганиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Динни илмий ўрганиш уни танқид қилишга эмас, балки унга холис ёндашишга асосланишига керак.

Таълим муассасаларида ижтимой-гуманитар фанлар доирасида ўқувчи ёшларга дин, хусусан ислом дини ҳақида илмий билимлар берилади. Бу билимлар ёшларда нафақат дин ҳақидаги илмий дунёқарашни, балки инсоний фазилатларни ҳам шаклланишига хизмат қилади. Диндан илмий билим бериш ёшларда диндорлик туйғуларини шакллантиришга қаратилмаган бўлсада, улар диний таълимот ва қадриятлар тўғрисида холис ёндашувни шакллантиради. Бундан ташқари, дин тўғрисидаги илмий дунёқараш ёшларда диний бағрикенглик ва дин ниқоби остидаги салбий иллатларга нисбатан муросасизликни ҳам шакллантиради.

Исломни илмий ўрганиш ва уни илмий тушунтириш ёшлар таълими ва тарбиясида муҳим аҳамияга эга. 2021 йил 18 июнда Навоий давлат педагогика институтида ўтказилаётган “Бағрикенглик ва тинчликсеварлик контекстида ислом илмий-маънавий мероси” мавзусидаги халқаро конференцияси ислом маънавий меросини ўрганишда ижобий ҳолатдир. Халқаро конференцияга республикамиз олимлари билан бир қаторда етакчи ҳорижий мутахассисларни иштирок этаётганлиги таҳсинга сазовордир. Ушбу конференциянинг илмий хулосалари соҳага оид илмий тадқиқотларни давом эттириш ва ёшларда ислом дини ҳақида илмий тушунчаларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ислом дини дунёвийлик ва динийлик маслаларида бағрикенглик тамойилига асосланади. Ислом диний таълимот сифатида инсоннинг дунёвий илм ўрганишини қўллаб қувватлаган ва рағбатлантирган. Шу боисдан, бугунги кунда исломнинг маърифатпарварлик имкониятларидан таълим ва тарбия масалаларини ечишда илмий-амалий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

# ИСЛОМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

**Баҳодир Бойпўлатович Собиров, профессор**
**Навоий давлат педагогика институти ректори, Ўзбекистон**

Бугунги янги Ўзбекистонда халқимизнинг ўтмишига, миллий-маънавий меросига, ота-боболаримизнинг хотирасига, муқаддас урф-одатлар, миллий анъаналарга катта ҳурмат кўрсатилиб, бизга маълум бўлмаган тарих зарварақлари қаторида пинхона ётган қадриятларимиз, ноёб қўлёзма асарларимиз, қадимий ёдгорликларимиз тадқиқотчи олимларимиз томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, бу каби ҳайрли ишлар халқимизнинг ва асосан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқараши, ижобий фазилатларини шаклланишида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Миллий ўзликни англаш – ҳар бир миллат(элат)нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини ҳамда манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишни англатади. Бизга маълумки, ислом Ўзбекистон халқи маънавий меросини шаклланишида муҳим аҳамият касб этган ва шу билан бирга буюк ватандошларимиз ислом илмини ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Исломнинг бағрикенглик ва тинчликсеварлик тамойиллари халқимизнинг миллий менталитетида ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.”[1] – деб таъкидлаб ўтилган.

Аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида ислом дини таъсири остида яратилган ғоят бебаҳо ва улкан маънавий-маданий, илмий меросни ўрганиш умуммиллий муаммо ҳисобланади. Бу улкан хазина маънавий-маърифий, тарихий ва педагогик жиҳатдан ёш авлодда мустақилликка нисбатан ихлос, имон-эътиқодни шакллантиришда таъсирчан воситадир. Ҳозирги кунда ислом маънавияти асосида шаклланган миллий меросимизни яхлит қадрият сифатида ҳар жиҳатдан тадқиқ қилиш мумтоз бадиий адабиёт ва илмий-ирфоний меросимизга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон тарихий моддий ва маънавий мерос масаласида ислом дунёсида қатор устуворликларга эга. Жумладан, турли давр ва тамаддунларга мансуб бўлган 7 мингдан зиёд моддий ва маънавий объектлар, Самарқанд, Хива, Бухоро, Шахрисабз сингари қадимий шаҳарлар ҳам шулар жумласидандир.

Маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Халқаро ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Халқаро ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадис, фиқҳ, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди. Албатта, бизнинг бу ишларимиз чуқур илмий ва амалий асосларга эга.

Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг дунёвий ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга онгига сингдириш бўйича етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ тан олиш керак. Мамлакатимиздаги диний ва дунёвий илмларга оид бой меросни ҳар тарафлама тадқиқ этиш ва унинг жаҳон илм аҳли ҳамда жамоатчилигига кўрсатиб бериш бугунги дунёда исломга нисбатан бўлаётган салбий муносабатларни ижобий томонга ўзгартиришга ҳам хизмат қилади. Бу борада

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг халқаро миқёсдаги катта ташаббусларидан бири бу – БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилганлигидир. Шу сессиядаги нутқида давлатимиз раҳбари “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.”[2] Тарихдан соғлом фикрлайдиган барча кишиларга маълумки, ислом маърифат динидир. Соф исломий ғоялар ҳеч қачон кишиларни жаҳолатга, муросасизликка ва ўзаро адоватга чорламайди. Жахонда яшаётган ноисломий конфессия вакиллари онгида гуёки “ислом ақидапарасликка мойил дин” деган тушунчани ўзгартириш учун уни объектив илмий ўрганиш муҳимдир.

Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?

Бизнинг ушбу йўналишдаги барча амалий ҳаракатларимиз айнан мана шундай эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, нафақат мамлакатимиз ва мусулмон дунёсида, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйғотмоқда. Ана шундай бебаҳо бойликка, минглаб билимдон уламолар, фаол зиёлиларга эга бўлган, бу соҳада катта ташаббуслар билан чиқаётган халқ ва давлат сифатида юртимиздан қандайдир ақидапараст диний оқимларга қўшилиб қолган кишиларнинг борлиги бизга ярашмайди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ислом маънавий мероси ва унда буюк аждодларимизнинг ўрнини илмий тадқиқ этиш орқали динимизнинг маърифатпарварлик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик характерини очиб беришга хизмат қилади.

## ПРОБЛЕМА СЛУЧАЙНОСТИ В ТРУДАХ ИБН СИНО И СОВРЕМЕННОСТЬ

**М.Н. Абдуллаева - д.ф.н., проф.,**
**Г.Г. Гаффарова - д.ф.н., проф. ЧГПИ**

**Аннотация**. В истории науки и философии, в ходе развития науки, открытая новых аспектов взаимосвязи материального мира, не было постоянным отношение к случайному, случайности. В статьи анализируется проблемы случайности в взглядах Ибн Сина и современность.

**Ключевые слова:** случайность, Ибн Сина, концепция, современность, взгляд, развития, проблема.

**Annotation.** In the history of science and philosophy, in the course of the development of science, the discovery of new aspects of the relationship of the material world, there was no constant attitude to the accidental, chance. The article analyzes the problem of randomness in the views of Ibn Sina and modernity.

**Key words:** chance, Ibn Sina, concept, modernity, view, development, problem.

В истории науки и философии проблема случайности всегда интересовала исследователей. Как проблема на каждом этапе развития человечества она приобретала свою специфичную интерпретацию. Концепции случайности, ее трактовки, классификация изменялись: от непризнания до осознания ее конструктивной роли в бытии и научном познании.

Случайность и необходимость составляют систему, они взаимосвязаны. Каждая случайность проявления и дополнения необходимости, необходимость проявляется в форме случайности. В системе «причина и следствие» случайность есть проявление незнания.

Проблема случайного и необходимого изучалась мыслителями средневековой Центральной Азии. Так, Ибн Сина анализируя предшествующие концепции случайности писал о многообразии подходов в трактовке понятия случайность, «одна из концепций состоит в том, что признает случайность абсурдной и твердит, что каждая вещь имеет определенную причину и не нуждается в случайных причинах. Но этот довод не приводит к желаемому выводу, что неправильно говорить: поскольку каждая вещь имеет причину, постольку нет случайности. Ибо, если причина,

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрдаги 72-сессиясида сўзлаган нутқи. /www.prezident.uz

обуславливающая вещь не постоянна, или же не часто повторяющаяся, то она суть случайности» [1, 31]. В данном контексте, Ибн Сина подчеркивает детерминистский характер случайности. Существование случайности зависит от причин.

Эмпедокл, например, «рассматривал ход вещей как регулируемый скорее случайностью и необходимостью, чем целого». Ибн Сина показывает фиксированные условия, которые обусловливают существование случайности, что он связывает с непостоянным и не часто повторяющимися факторами. В данном случае нам представляется интересной мысль Л.Гудмана, который пишет, что Ибн Сина совершил в своем учении синтез аристотелевского (научного) детерминизма с распространенной в исламской теологии метафизической случайностью. Через этот синтез Ибн Сина создает одну из величайших метафизик понимание мира как случайного (возможного) самого по себе, но необходимого с точки зрения цепи причин. В этого, Ибн Сина создает метафизику случайности мира и реальной его необходимости. В метафизике, Ибн Сина место случайности занимает понятие возможность, сохраняющее в то же время и смысл случайности [6, 178].

Ибн Сина, подчеркивая новый статус случайности, отмечает «для всякой вещи, которая по своей природе является возможной, существование или не существование вследствие причины, является необходимым. Стало быть, поскольку ее познают посредством причины, ее познают как необходимость, стало быть, возможное познается, постольку оно является необходимым» [5, 147].

Анализируя идея Ибн Сины, созвучие мысли средневекового философа и философов позднейшего периода, выявляя идейные связи и созвучие мысли, Ибн Сину можно поставить в один ряд с немногочисленной плеядой последующих философов: Спинозой, Кантом, Гегелем, возможно Уайтхедом, Гуссерлем или Дьюи, и конечно, не с Августином, Фомой, Маймонидом или Декартом, которые были великими мыслителями в своей области, но не были столь радикальными как метафизики. Фараби пишет: «Случайный признак бывает двух разновидностей: постоянный случайный признак, неотделимый от того предмета, в котором он существует или от некоторых предметов, в которых он существует, и отдельный случайный признак, который то бывает, то исчезает, хотя его носитель продолжает существовать».

Случайность, в взглядах ученый Средней Азии, - непостоянная, возникающая в некоторых условиях. Представляется, такая классификация случайности в какой-то мере предопределила дальнейшее развитие учения о случайности. Каждый период развития научной мысли дает свое понимание случайности; случайность и необходимость взаимосвязаны; случайность определяет направление дальнейшего развития и т.д.

Классический период науки рассматривал в основном выявление однозначной зависимости при определенных, фиксированных условиях. Случайность рассматривалась как устранимый момент в познавательном процессе, как результат незнания, как нечто поверхностное. Так, Дарвин писал: «До сих пор я иногда выражался таким образом, как будто изменения… были делом случайности. Это выражение, конечно. Совершенно неверно, но оно ясно обнаруживает наше незнание причины каждого конкретного изменения» [4, 267]. Но далее Дарвин подчеркивает значимость случайности в процессе развития органической материи, «уместно заметить, что все существа в значительной мере подвергаются и случайному истреблению, почти или вовсе не имеющему отношение к естественному отбору» [4, 267].

Теория Дарвина показала, что материи свойственно стремление к усложнению, самоорганизации. Ключевые слова теории Дарвина: идея флуктуаций, случайного отбора и идея эволюции, необратимого зарождения новых структур. Дарвин был одним из первых основоположников синергетиков, установивший механизм возникновения и развития упорядоченной системы из хаотической, случайной изменчивости [3, 30]. Конечно, исследования сложноорганизованных объектов выявили, что однозначная зависимость не может адекватно представить изучаемый предмет. Сложные системы, подвергаются многочисленным случайным воздействиям и находятся в многообразных взаимоотношениях с другими системами. Для их исследования были разработаны статические методы.

Познание объективных, естественных процессов трансформирует изменение во взгляде на роль случайности в развитии. «История любого вида животных может казаться случайной, зависящей от других видов и флуктуации окружающей среды. Но трудно отделаться от впечатлений, что общая структура тропического леса, например, все многообразие живущих там видов животных и растений, соответствует некоторому архетипу порядка», - говорят И.Пригожин и И.Стенгерс.

Переход к изучению сложных систем наряду с однозначной зависимостью позволяет рассматривать более многозначные, мультивариантные зависимости и закономерные взаимосвязи. В структуру мышления была внесена случайность. Как показывает история развития форм

рациональности, чем сложнее и многообразные мир, тем значительнее роль случайности и в этом мире. И это естественно, поскольку «мир очень сложен, а человеческий разум явно не в состоянии полностью постичь его. Именно поэтому человек придумал искусственный прием – в сложной природе мира винить то, что принято называть случайным и таким образом смог выделить область, которую можно описать с помощью простых закономерностей» [2, 9], - отмечает Е.Вангер. небольшой экскурс в историю развития науки показывает, эволюцию понятия случайности.

Итак, небольшой экскурс в историю развития науки показывает, эволюцию понятия случайности. От классической традиции случайности до онтологизации случая. В современной науке синергетике, изучающей сложные, самоорганизующиеся системы, случайность есть фактор, ответственный за образование новой непредзаданной прошлым траектории развития. Методом синергетики является нелинейное мышление, которое органически включает в себя случайность и вероятность.

Список литературы:


1. Абу Али Ибн Сина. Избранные произведения. - Душанбе, 1980. - С.31.
2. Вагнер Е. Этюды к симметрии. М., 1971, С.9.
3. Волькенштейна М.В. Современная физика и биология // Вопросы философии. 1989. №9, -С.30.
4. Дарвин Ч. Соч. Т.3. – М. - Л., 1939. -С.267.
5. Ибн Сина. Избранные философские произведения. - М., 1980. -С.147.
6. Фролова Е.А., Гудман Л.Э. Авиценна // Вопросы философии. 1995. № 7, -С.178.


## СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРОЦЕССЕ СОХРАНЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ (на примере программы ЮНЕСКО MemoryoftheWorld)


**Каримов Элёр Эрикович –** доктор исторических наук, профессор.
Hofstra University (США).


На протяжении длительного исторического периода времени одной из основных задачмировойнауки былоприумножение и накопление знаний. В настоящее же время наука, активно используя современные информационные технологии, сосредоточивается на способах усвоения накопленных знаний и их сохранении.

Организация Объединённых Наций по вопросам образования, науки и культуры(ЮНЕСКО)[3] стремится поддерживать меры, направленные на расширение прав и возможностей людей, с тем чтобы они могли получить доступ к потокам информации и знаний и внести в них свой вклад.

Такой цели служит программа ЮНЕСКО по защите всемирного документального наследия «MemoryoftheWorld»[4] (Память мира), образованная в 1992 году.

Эта программа призвана способствовать сохранению всемирного документального наследия и расширения доступа к нему.Сюда входят ценные объекты архивных фондов и коллекций библиотекмира. Это наследие отражает многообразие языков, культур и народов, является отображением мира и его памяти. Однако эта память недолговечна. В связи с этим, целью данной программы является следующее:

- защита всемирного документального наследия;
- обеспечение равноправного доступа пользователей к документальному наследию;
- распространение всеобщей осведомлённости о существовании и значимости документального наследия;
- продвижение программы и её произведений в среду широкой общественности.

В рамках программы с 1997 годана международном, региональном и национальном уровнях ведутся реестры документального наследия. Включение памятника (объекта документального наследия) в Международный реестр программы «Память мира» (MemoryoftheWorldInternationalRegister) проводится путём утверждения кандидатуры Международным консультативным комитетом, который является высшим органом управления программой, и одобрение его Генеральным директором ЮНЕСКО[5].

[3]UNESCO — The United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization
[4]http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/flagship-project-activities/memory-of-the-world/homepage/
[5]http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/flagship-project-activities/memory-of-the-world/register/

Для этого объекты документального наследия должны соответствовать критериям всемирного значения. Отбор ведется Международным консультативным комитетом данной Программы, который собирается на сессию каждые два года.

Заявки на включениев Международный реестр направляютсяразными странами мира через свои Национальные комиссии по делам ЮНЕСКО, а также Национальные комитеты программы ЮНЕСКО «Память мира». Информация о номинациях публикуется на сайте ЮНЕСКОв сопровождении с иллюстрациями (фотографиями или слайдами) и звукозаписями, которые также можно включить для более полного описания заявки.

Вопрос о включении объекта в реестр - достаточно сложный и трудоемкий процесс. Процедура включает в себя обсуждение группой экспертов, подкомитетом Международный реестр(RegisterSub-Committee[6]) и Международным консультативным комитетом (IAC–InternationalAdvisoryCommittee), чьи рекомендации затем направляются Генеральному директору ЮНЕСКО для принятия окончательного решения.

Реестр «Память мира» в настоящее время насчитывает в общей сложности 301 объект документального наследия из 107 стран[7]. Это архивные и документальные коллекции, манускрипты, библиотечные собрания со всего света.Реестр содержит документы на всевозможных носителях из разнообразных материалов (камень, кинопленка, пергамент, магнитная лента и многое другое).

Кстати,логотип этой программы ЮНЕСКО перекликается с изображением знака авторского права и глобуса. Также эмблема включает символическое отображение материальных носителей документального наследия, сохраняемого в рамках Программы, - граммофонной пластинки, катушки кинопленки и диска[8].

От Узбекистана в 1997 году в Международный реестр была включена Коллекция рукописей Института востоковедения им. Аль-Бируни Академии наук и хранящийся в Ташкенте Коран Усмана(TheMuslimBoardofUzbekistan)[9].

Такова, вкратце, программа ЮНЕСКО«MemoryoftheWorld» по сохранению национальных и общечеловеческих ценностей и обеспечению к ним всеобщего доступа.

[6]http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/flagship-project-activities/memory-of-the-world/about-the-programme/international-advisory-committee-iac/register-sub-committee/
[7]http://en.wikipedia.org/wiki/Memory_of_the_World_Programme
[8]http://portal.unesco.org/ci/en/ev.php-URL_ID=29023&URL_DO=DO_TOPIC&URL_SECTION=201.html
[9]http://www.unesco.org/new/en/communication-and-information/flagship-project-activities/memory-of-the-world/register/access-by-region-and-country/asia-and-the-pacific/uzbekistan/

# ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ДАВЛАТЧИЛИК ВА ҲОКИМИЯТ ТУЗИЛМАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ (ГЕНЕЗИСИ) ТАРИХИЙ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**М.Ражабова, фалсафа фанлари доктори, профессор,**
**ИИВ Академияси жиноят процесси кафедраси, Ўзбекистон**

Аннотация: Ушбу мақолада ислом таълимотида давлат, давлатчилик, ҳокимият тузилмалари ривожланишининг (генезиси) тарихий ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек диний бағрикенглик ва тинчликсеварлик исломий давлатга хос хусусият эканлиги ҳақидаги фикрлар баён қилинган.
*Таянч иборалар: Давлат, давлатчилик, ислом таълимотига асосланган давлат, пайғамбар Муҳаммад (С.А.В), халифалар, халифаликлар, ҳокимият тузилмалари, бошқарув.*

Историко-правовые аспекты развития (генезиса) государственных и властных структур в исламском праве.

Аннотация: В статье анализируются историко-правовые аспекты развития (генезиса) государства, государственности, властных структур в исламском учении. Утверждается также, что для Исламского государства характерны религиозная толерантность и миролюбие.
Ключевые слова*: государство, государственность, государство, основанное на учении ислама, пророк Мухаммад (С.А.В), халифы, халифаты, властные структуры, управление, миролюбие толерантность*.

Historical and legal aspects of the development (genesis) of state and power structures in Islamic law.

Annotation: The article analyzes the historical and legal aspects of the development (genesis) of the state, statehood, power structures in the Islamic teaching. It is also argued that the Islamic State is characterized by religious tolerance and peacefulness.
Key words: *state, statehood, state based on the teachings of Islam, prophet Muhammad (S.A.V), caliphs, caliphates, power structures, government, tolerance and peacefulness.*

Ислом давлатининг пайдо бўлиши VI аср охири ва VII асрнинг биринчи ярмида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Бу даврда араб қабилачилиги ва уруғчилигига асосланган тузум емирила бориб, янги сиёсий институтлар шакллана бошлаган эди. Ўзига хос ислом давлатининг шаклланиши Муҳаммад алайҳиссаломнинг бевосита раҳбарликлари остида кечди.

Арабистон ярим оролидагилар қабила-қабила, яъни тўп-тўп бўлиб яшаган. Ҳар бир қабиланинг ўз сардори бўлиб, арабларнинг аксари бадавий (саҳройи) эди[10]. Бу даврда Маккада бутпарастлар, мажусийлар, христианлар[11] ва бошқа динларга мансуб аҳоли яшаган. Умуман олганда, VI асрда дунё халқларининг ижтимоий ҳаёти жуда оғир аҳволда бўлиб, Ғарбдаги аксарият давлатлар инқирозга учрай бошлаган эди. Сиёсий, иқтисодий, маънавий ва диний емирилишлар оқибатида 476 йилга келиб (кейинги барча йиллар милодий ҳисобда берилган) Рим империяси батамом қулаган, шунингдек, Византия империяси ҳам сиёсий ва иқтисодий зиддиятлар таъсирида ич-ичидан нураётган эди. Абдурауф Фитратнинг берган баҳосига кўра, бу даврда ер юзи тамоман хароб аҳволга келганди[12].

Мусулмон дунёси олимларининг фикрича, ислом дини пайдо бўлишидан олдинги давр «жоҳилият даври» деб аталиб, унда жабр-зулм, адолатсизлик жуда кучайган, айникса, Арабистон ярим ороли ва унга яқин ҳудудларда ичкиликбозлик, қиморбозлик, ахлоқий бузуқликлар авж олган, қабилалар ўртасида ўзаро адолатсиз тўқнашувлар, урушларнинг кети узилмас, бирор-бир кишидан қасос олиш учун бутун қабила аъзоларини қириб ташлаш, аёл зотини инсон ўрнида кўрмаслик,айрим жоҳилларнинг қиз фарзанд кўришни ор деб билиб, улардан қутулиш пайида бўлиши[13] ва бошқа ваҳшиёна жиноий таомиллар одатий тусга айланган экан. Аҳолининг маънавияти жуда қолоқ бўлиб, аксарияти ёзиш ва ўқишни билмас эди.

Инсониятни жаҳолат гирдобидан чиқаришга ва энг муҳими, Арабистонда илк бор ўзига хос давлатнинг пайдо бўлишига айнан ислом дини сабабчи бўлди. Исломнинг асосий мақсади ўз диний ғояларини қабилалар орасида тарғиб-ташвиқ қилиш масъулияти Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар

[10] **Абдурауф Фитрат.** Мухтасар ислом тарихи. «Нур», 1992, 6-б.
[11] **Закои Кўнрапа**. Пайғамбаримиз ва Ашараи Мубашшара. Биринчи китоб. Т., «Мовароуннахр», 1995, 51-б.
[12] **Абдурауф Фитрат**. Мухтасар ислом тарихи. «Нур», 1992, 6-б.
[13] **Закои Кўнрапа**. Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини. Иккинчи китоб. Т., «Мовароуннахр» 1995, 169-бет.

зиммасига тушди. Бу улуғ инсон муқаддас ислом динининг дастуриламал илоҳий манбаи ҳисобланган Қуръони каримдаги диний, ҳуқуқий ва ахлоқий ғояларни йигирма уч йил давомида аста-секинлик билан ижтимоий ҳаётга жорий этиш орқали аҳолининг маънавиятини ислом ғоялари билан бойитишга эришган.

Ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида фойдаланилган манбалар VII асрда Арабистонда вужудга келган ислом давлатининг ташкил топиш жараёни кескин кураш, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар кучайган шароитда давлатдаги бошқарув тизимининг жуда оддий шаклини жорий этиш йўли билан амалга оширилганидан гувоҳлик беради. Бу давлатда ҳуқуқ манбаи сифатида муқаддас китоб - Қуръони каримдан самарали фойдаланилган. Қуръони карим қоидаларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш жараёнида Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг суннатлари (ҳадислар) ҳам иккинчи асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Қуръондаги диний-ҳуқуқий ғоялар жамиятда иймон, инсоф, адолат, тенглик, инсонпарварлик, дўстлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, тинчликсеварлик каби умуминсоний қадриятларнинг қарор топишига қаратилган эди.

Ислом давлати ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало Қуръон ёки ҳадисда акс этган қоидалар ҳуқуқий хусусиятга эга эканини эътироф этишимиз лозим. Шу билан бирга ҳар иккала асосий манбалардаги диний ғоялар ҳуқуқ нормалари билан уйғунлашгани учун ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳуқуқий баҳо бериш мумкин эмас.

Таъкидлаш лозимки, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар илк ислом жамоасини бошқарган даврларда (610-632) ҳали давлат механизми, уни бошқариш тизими тўла-тўкис шаклланган эмас эди. Аммо шунга қарамай, тарихий-ҳуқуқий манбаларда қайд этилишича, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан Мадинада амалга оширилган қатор чора-тадбирлар фақат исломдаги диний ғояларни рўёбга чиқаришдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки ҳуқуқий нормаларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, илк ислом давлатчилигини ривожлантириш ва маълум бир ҳудудда ўзига хос сиёсатни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутган. Жумладан, ўша даврда мазкур давлатда солиқ тизимига асос солиниб, закот, хайр-эҳсон, ўлжалар ҳисобидан байтул-мол - хазина (давлат бюджети) вужудга келтирилган; ташқи ва ички душманлардан ҳимояланиш мақсадида қўшин тузилган, қўмондонлик лавозими таъсис этилган. Давлатнинг рамзи сифатида оқ рангли байроқдан фойдаланилган, қабилалар бирлашиши оқибатида араб миллати тушунчасига асос солинган[14] ва давлатга хос бир қанча белгиларни ифодаловчи қонун-қоидалар жорий этилган.

Шу ўринда Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг сиёсий фаолиятига дахлдор бўлган минтақада тинчликни таъминлаш мақсадида бир-бирига қарама-қарши томонларни ўзаро ҳамкорликка чақирган «Ҳудайбия сулҳи» тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз, деб биламиз. Ҳуқуқий хусусиятга молик мазкур ҳужжат 628 йилнинг 13 мартида Макка билан Мадинада истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида тузилган бўлиб, унда икки муҳим масала ўз ечимини топган. Уларнинг биринчиси – ўн йилга мўлжалланган сулҳ бўлиб, унда мусулмонларнинг Макка зиёратлари маълум муддатга кечиктирилган.

Иккинчиси - икки томондан (қурайшлар ёки мусулмонлардан бирининг ҳимоясига ўтмоқчи бўлган бошқа қабилаларга «ихтиёрийлик», «тенглик»[15] ҳуқуқининг берилиши эди. Яъни бирор-бир қабила хоҳласа[16], Расули акрам бошчилигидаги мусулмонларга, хоҳласа, қурайш жамоаси таркибига қўшилиш имкониятига эга бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, бугун цивилизация маркази деб тан олинган Европада катта аҳамият касб этиб келаётган «ихтиёрийлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш» каби ғоялар бундан ўн уч аср муқаддам ислом давлати асосчиси Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан ҳаётга татбиқ қилингани диққатга сазовордир.

VII асрнинг биринчи ярмида, аниқроғи, 632 йилнинг мартида ислом дини ғоялари асосида Арабистонда ўзига хос давлатга асос солинганига Муҳаммад Мустафонинг Арофат Тоғида 124 минг нафар мусулмон ҳожилар, яъни бир неча давлатлардан келган турли миллат вакиллари ҳузуридаги «Вадо» (видолашув) нутқида айтилган фикр-мулоҳазаларни далил сифатида келтириш мумкин. Унда диний йўсиндаги ибодат қоидалари билан биргаликда давлатни бошқариш, мерос, фуқаролик, жиноят, оила ва никоҳ ҳамда бошқа ҳуқуқий соҳаларни акс эттирган бир қанча қоидалар ўз ифодасини топган.

Аллоҳнинг китоби - Қуръонни сизларга омонат қолдиряпман, унга маҳкам боғланганингиз сари йўлингиздан ҳеч адашмайсизлар», дея сўзларини якунлаганлар Расулуллоҳ. Ўша учрашувдан сўнг ислом динининг асосий манбаи - Қуръони карим оятларининг нозил бўлиши тугаганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилган.

---

[14] **Закои Кўнрапа**. Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини. Иккинчи китоб. Т., «Мовароуннахр» 1995, 65 – 66-бетлар.
[15] **Закои Кўнрапа**. Ўша китоб. 150-бет.
[16] **Закои Кўнрапа**. Алвидо, дунё! Ассалом, охират. Учинчи китоб. Т., 1996, 14–16-бетлар.

Таъкидлаш жоизки, VII асрда Арабистонда асос солинган мазкур давлат бу ҳудудга ташқаридан зўрлаб киритилган эмас, балки шу ҳудуддаги ижтимоий муносабатларнинг маҳсули сифатида шаклланган.

Манбаларда қайд этилишича, ислом давлатининг пайдо бўлишига диний сабаблар билан бирга ижтимоий, сиёсий, иқтисодий зиддиятлар ҳам катта таъсир кўрсатган. Маккадаги бой-бадавлат ва шуҳратпараст кишилар иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган камбағалларга нисбатан жабр-зулмни кучайтирган пайтда исломнинг тенглик, инсонпарварлик, ижтимоий адолат, бағрикенглик ва тинчликсеварлик ғоялари тарғиб қилина бошланган эди. Қурайш қабиласидагилар бошқа уруғларга, айниқса, ҳошимий уруғига қарши очиқдан-очиқ тазйиқ ўтказишга уриниб, ташқи кучлар ёрдамида мусулмонларни ҳар томонлама таъқиб эта бошлаган. Улар фақат тижорат билан шуғулланиб, бойлик орттиришга ҳирс қўйганида ислом асосчиси Муҳаммад (САВ) - пайғамбар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш, ҳалол меҳнат эвазига даромад олиб, иймон-эътиқодли бўлишни тарғиб қилган. Бу ғоялар эса Макка зодагонларининг қаршилигига учраган.

Ниҳоят, жамият тараққиёти жараёнидаги кучли қарама-қаршиликлар, курашлар натижасида ислом давлатига асос солинган. Айни пайтда, давлат бошқарувининг ҳуқуқий тамойиллари Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан ишлаб чиқилган.

Ислом давлатини шакллантиришда ҳуқуқий нормаларнинг ҳам ўрни беқиёс бўлган. Зеро, давлат бошқаруви бевосита ёзилган қонун қоидаларга асосланган ҳолда ташкил этилган бўлиб, улар жамият тараққиётига мутаносиб равишда такомиллаштирилиб борилган. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан бошқарилган ислом давлати учун қатъий қонунлар мажмуаси ҳисобланган Қуръони карим давлат сиёсатини амалга оширишда асосий манба бўлиб хизмат қилган. Қуръондаги диний, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларнинг ўша давр ижтимоий воқеалари, жамиятдаги турли ҳодисаларга бевосита боғлиқ эканлиги исботланган. Қуръони карим, унинг сура ва оятлари дунёвий ҳаёт тарзини ҳисобга олган ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассамлаштирган манба сифатида хам хизмат қилиб келган.

Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан бошқарилган кезларда ислом давлати ташқи сиёсат борасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширган. Жумладан, қўшни Византия, Эрон, Миср, Ҳабашистон, Яман давлатларига давлат бошлиғи номидан элчилар юборилган. Элчилар томонидан етказилган мактубларда асосан қўшничилик,тинчликсеварлик ва бағрикенглик асосида муроса билан яшаш ва исломга даъват ғоялари ифодаланган[17].

Таъкидлаш лозимки, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар даврида қабила-уруғларнинг ихтиёрий равишда ислом давлатига бирлашиш жараёни кечган. Эндигина ривожлана бошлаган ислом давлати муайян маъмурий ҳудудларга, вилоятларга бўлинган ҳолда бошқарилган. Ҳар бир ҳудудни волий (ҳоким) бошқарган, улар ўз ҳудудида ижрони таъминловчи давлат органи ҳисобланган.

Илк ислом давлатида ҳокимият ,тизими деярли ривожланмаган эди. Чунки Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ўзлари умумий раҳбарликни амалга оширганлар, жумладан, қозилик хам йўлга қўйила бошланган. Ҳар қандай ҳуқуқий муаммолар Қуръони карим оятлари ва Пайғамбар суннатлари асосида ҳал этилган.

Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётликларида ҳокимиятни у киши вафотидан сўнг айнан ким эгаллаши тўғрисида аниқ фикр-мулоҳазалар айтмаганлар. Аммо, Қуръони каримда «Эй мўъминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган мусулмон ҳокимларга бўйсунингиз!”[18] деган оят мавжуд.

Илк ислом давлатидаги давлат бошлиғи институти замон ва маконга кўра такомиллашиб борган ва якка ҳокимиятчиликка асосланган

Хуқуқий пойдевори Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан қўйилган ислом давлатини пайғамбаримиз вафотидан сўнг халифалар бошқарган ва давлат сиёсатини ҳам улар томонидан юритилган. Зеро, «халифа» сўзи араб тилида “ўринбосар» деган маънони англатади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) вафоти олдидан шундай деган эканлар: «Халифалик мендан сўнг умматим ичида ўттиз йилдир, ундан сўнг подшолик бўлади!»[19]

Ҳақиқатан ҳам, халифалар: Абу Бакр икки йил, Умар ўн ярим йил, Усмон ўн икки йил, Али беш йил, Ҳасан олти ой давлат бошлиғи лавозимини эгаллаган. Юқорида қайд этилганидек, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар томонидан башорат килинган ўттиз йиллик халифалар ҳазрати Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва Ҳасандир. Умуман олганда, ислом давлатчилигида халифа лавозимини эгаллаган шахсга жуда масъулиятли вазифани бажариш юкланиши ҳисобга олиниб, ундан илмли, адолатли, иқтидорли бўлиш ва жисмоний камчиликлардан (кар, кўр, соқов каби камчиликлардан) холи бўлиш талаб этилган.

---

[17] **Закои Кўнрапа**. Ҳазрати пайғамбаримиз ва ислом дини. Иккинчи китоб. Т., «Мовароуннахр» 1995, 69-бет.

[18] **Алоуддин Мансур**. Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар. Т., “Чўлпон”, 1992, 60-б.

[19] **Зуҳриддин Ҳусниддинов**. Ислом дини ва диний экстремизм: ғоялар кураши. “Халқ сўзи», 1999 й., 22 сентябрь.

Ўрганилган манбаларда «хулафои рошидийн»лар, яъни тўғри йўлдан борган халифалар давлатни бошқарганида ҳам жамиятдаги турли фитначи гуруҳларнинг қаршилиги сезилгани қайд этилган. Ислом давлатчилиги тарихини ўрганиш билан шуғулланган олимлар бу даврни шартли равишда иккига: «олтин» (632 - 650 йиллар) ва бошбошдоқлик (650 - 661 йиллар) даврига бўладилар. Халифа Усмон ва Али давлатни бошқарган даврда фитна кучайиши оқибатида давлат раҳбарлари ўлдирилгани ўша даврда ҳам экстремистик унсурларнинг борлигидан далолат беради.

Ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланганда, халифаликнинг илк даври демократик принциплар асосида тузилган республика шаклидаги давлатни бошқариш тизимидан иборат бўлган эди, десак хато қилмаймиз. Чунки дастлабки халифалар - «хулафои рошидийн давридаги давлат бошлиқлари сайлов асосида ҳокимиятни эгаллаган. Халифалик лавозими учун ўтказилган сайловлар умумий сайлов, номзод танлаш усули, хусусий сайлов[20] йўли билан амалга оширилган.

Умумий сайлов шундан иборатки, бунда халифа барча умматларнинг кўпчилиги томонидан овоз (байъат) бериш йўли билан сайланган. Биринчи халифа Абу Бакр, тўртинчи ҳамда бешинчи халифалар бўлган Али ва Ҳасан шундай йўл билан сайланганлар.

Номзод танлаш усулида илгариги халифа ўз ўрнини ким эгаллашини, бўлажак халифа номини айтади ва бу номзодни кўпчилик ёқлаб овоз беради. Ушбу усулда иккинчи халифа Умар сайланган. Унинг номзоди халифа Абу Бакр томонидан тавсия этилган.

Хусусий сайловда илгариги халифа томонидан танлаб айтилган, ҳокимият тизимида ишлаган бир неча номзоддан бирини халифаликка муносиб деб ҳисоблаган нуфузли сиёсатчиларнинг овоз беришлари орқали давлат бошлиғи сайланган. Бундай сайлов икки босқичли сайлов сингари амалга оширилган. Санаб ўтилган уч йўсиндаги сайлов ижмои уммат» - умматлар келишуви» деб юритилган.

Таъкидлаш жоизки, Арабистондаги ислом таълимоти асосида ташкил топган мусулмон давлатида давлатчиликни ривожлантириш (632-661) мақсадида ўз даври учун демократик ҳисобланган кўпгина қонун-қоидалар ишлаб чиқилган. Жумладан, турли сайлов тизимини жорий қилиш орқали халифа сайланган. Аммо жамиятнинг тараққий этишига хизмат қилган бу сайлов усуллари жуда содда, такомиллашмаган, ўша давр ижтимоий-сиёсий тараққиёти даражасига мос ва хос бўлган.

Кишилик жамияти юксалиб, тараққиёт юқори даражага кўтарилган ва давлатчиликни ривожлантиришда демократик усуллар такомиллашган ҳозирги даврда мазкур сайлов тартибларидан фойдаланишга бирор-бир эҳтиёж қолмаган. Қолаверса, бугунги кунда дунёдаги барча давлатлар ўзларининг ривожланиш тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллашган сайлов тизимига эгадир. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тараққиёт жиҳатида дунёвий давлатлар қаторига киради. Қолаверса дунёвий давлатчилик йўлини танлаган Ўзбекистоннинг истиқболини белгилаб берган Конституцияси ва конституциясига асосан қабул қилинаётган қонунлар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида рўй берган ўзгаришлар ёки ҳар қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солаши муқаррар.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, ислом таълимотига асосланган давлатчиликнинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларни ўрганиш ҳуқуқ тарихимизни янада теран англашимизга кўмаклашиш баробарида диний бағрикенглик ва тинчликсеварлик принципларини жамиятда чуқур илдиз отишига хизмат қилади. Глобаллашув жараёнида турли қарама-қаршилик, динлараро низоларни барҳам топишида ислом ҳуқуқидаги тинчликсеварлик ғоялари беназир таъсир кўрсатади деган фикрдамиз.

## НРАВСТВЕННАЯ КУЛЬТУРА ЛИЧНОСТИ В ХРИСТИАНСТВЕ И ИСЛАМЕ: ОБЩЕЕ И ОСОБЕННОЕ

**Навныко В.Н., Ректор УО «Мозырский государственный педагогический университет им. И.П. Шамякина», г. Мозырь, Республика Беларусь**

*General and specific features used to form the culture of personal ethics in Christian and Muslim Pedagogy have been investigated in this article. The ideas of Christian and Muslim thinkers about the ways of human and society development have been studied; the role of enlightenment in the ethical upbringing has been determined.*

[20] **Закои Кўнрапа**. Алвидо, дунё! Ассалом, охират. Учинчи китоб, Т., 1996, 121 -б.

Глобализация культурного пространства, включая сферу образования, обусловливает необходимость более пристального научного интереса к проблеме интериоризации традиционных педагогических ценностей в современный воспитательный процесс.

Нравственная культура личности представляет собой целостное образование, элементами которого выступают: принципы и нормы нравственного поведения, нравственный идеал, опыт, мотивы и отношения нравственной деятельности. Системообразующий элемент нравственной культуры в традиционной педагогике белорусов и узбеков – религия, которая определяет ценности нравственного бытия человека. По мнению В.И. Слободчикова, «ценности воспитания» - это его человеческие смыслы, общественно одобряемые и передаваемые из поколения в поколение образцы педагогической культуры.[21]

Ключевой ценностью нравственной культуры личности в христианстве выступает человеколюбие. Как отмечают христианские мыслители, человеколюбие проявляется в разных направлениях: прощение, милостыня, забота об окружающих, взаимопомощь и т.д. Феодосий Печерский в «Слове и терпении, и о любви, и о посте» пишет о том, что нравственный (т.е. боголюбивый) человек всегда желает добра тому, кто рядом.[22] Любовь к ближнему необходимо подкреплять реальными поступками, ведь «любовь к Богу не в словах совершается, а в действительных делах».[23] Наши предки часто говорили, что «в Рай входят святой милостыней» и «Нищий богатым питается, а богатым молитвой нищего спасается».[24]

В исламе человеколюбие, помощь ближнему также являются ключевыми ценностями нравственной культуры личности. В трудах ученого и философа Абу Насра аль-Фараби подчеркивается, что нравственный человек всегда стремится овладеть добродетелью, которая проявляется в совершении добрых дел.[25] Большое воспитательное значение имеет закят, который первоначально представлявший собой добровольную милостыню во имя Аллаха, а затем ставший обязанностью для очищения от грехов. В исламской повседневной культуре широко распространена садака – добровольное пожертвование (1/40 часть годового дохода) в пользу малоимущих.

И в христианстве, и в исламе подчеркивается деятельный характер веры человека в Бога. Кроме того, большое значение в структуре нравственной культуры личности имеет знание, просвещенность. Сам процесс познания должен осуществляться только с позиций веры и имеет ярко выраженную аксиологическую направленность.

Иоанн Дамаскин обращал внимание на то, что «уподобление Богу возможно через мудрость»[26]. Кирилл Туровский акцентировал внимание на необходимости сохранения «чистоты ума»[27]. Мыслитель отмечал, что божественное слово не всегда явно, а потому необходимо прибегать к разуму, просвещению. Разум нуждается в строгом контроле, так как «грех есть духовный груз» и «не достигнут цели слова грешники, лишённые благодати Святого духа».[28] Разум, не направленный на служение высшим духовным ценностям, априори аморален, так как не создает преград на пути порока. Следовательно, необходимо уравновесить разум и знание истиной Церкви, верой. «Познавай веруя», – такова парадигма любой интеллектуальной, научной, просветительской деятельности.

Известный мусульманский мыслитель Насирэддин Туси в «Книге мудрости» обращает внимание на то, что «знание – это лекарство, которым пользуется человек…», поэтому необходимо, прежде всего, четко представлять себе цель получения знаний и уметь избрать правильный путь к их достижению. Арабские ученые-энциклопедисты выступали против образованных, но безнравственных людей, а также против «благочестивых невежд».[29] По их мнению, имеющие знания, но безнравственные в своем поведении люди дискредитируют саму науку, а «благочестивые неучи

---

[21] Слободчиков, В.И. Антропологический императив современного отечественного образования / В.И. Слободчиков // Живая вода: научный альманах. – Калуга: Калужский государственный институт модернизации образования, 2012. Вып.1. 216 с. – с.123.

[22] Печерский, Феодосий. Слово о терпении и о любви / Федосий Печерский // Златоструй. Древняя Русь X-XIII вв. – М.: Молодая гвардия, 1990. – С.154-156.

[23] Там же, с.156

[24] Майхрович, А.С. Становление нравственного сознания / А.С. Майхрович // Минск: Белорусская наука, 2003 – 423 с. – с.231.

[25] История педагогики и образования. От зарождеия воспитания в первобытном обществе до конца XX в. / Под ред. А.И. Пискунова. - 2-е изд., испр. Дополн. – М.: ТЦ Сфера, 2012. – 512 с. – с.342.

[26] Лейн, Тони. Христианские мыслители / М.: Владос. – 2008. – 347 с. – с.212.

[27] Туровский, Кирилл. Притча о человеческой душе и теле / Кирилл Туровский // Златоструй. Древняя Русь X-XIII вв. – М.: Молодая гвардия, 1990. – С.190-195. – с.192.

[28] Там же, с.194

[29] История педагогики и образования. От зарождеия воспитания в первобытном обществе до конца XX в. / Под ред. А.И. Пискунова. - 2-е изд., испр. Дополн. – М.: ТЦ Сфера, 2012. – 512 с. – с.345.

способствуют распространению глупости».[30] Даже в несовершенном мире человек может быть счастливым, достигнув определенного уровня развития ума, который уже сам по себе должен способствовать нравственному совершенствованию индивида.

И в христианской, и в исламской педагогической традиции огромная роль в формировании нравственной культуры личности отводится учителю, воспитателю. Как писал Фараби, цель деятельности учителя – помочь найти воспитаннику путь к достижению счастья, т.е. к добродетели. Учитель должен «все видеть и слышать, обладать проницательным умом, быть принципиальным, уметь выражать свои мысли и передавать любовь к знаниям своим ученикам». [31]

При наличии ряда общих подходов к определению сущности нравственной культуры личности и способов её формирования, необходимо констатировать и существование принципиальных отличий между мусульманской и христианской педагогикой в определении уровня свободы человека в своем духовном развитии и жизненном самоопределении.

В христианской этике идея свободы воли человека занимает одно из ключевых мест. По мнению исследователя христианства Оливье Клемана, свобода является орудием нравственного совершенствования, способом действия.[32] Одна из главных тенденций развития православной антропологии заключается в попытке гармоничного сочетания Божественного предопределения и свободы воли в нравственном развитии личности.

В исламе очень сильно выражена вера в божественное предопределение. Все подчинено воле Бога. Воля Бога ничем не связана и непостижима. В 6-ой суре аят 125 говорится: «Кого пожелает вести Аллах прямо, уширяет тому грудь, а кого пожелает сбить с пути, делает грудь узкой, тесной, как будто бы он поднимается на небо».[33] В то же время, определенная свобода человеку предоставляется. Коран неоднократно подчеркивает, что «никто не будет отвечать за грехи других».[34] М. Афифий в своих исследованиях отмечает, что «свобода, дарованная людям Аллахом, ограничена свободой уммы (общины)».[35]

Таким образом, в педагогических традициях христианства и ислама центральное место занимает проблема формирования нравственной культуры личности, которая определяет систему отношений к окружающему миру, обществу и самому себе. Духовное наследие наших народов объединяет мысль о том, что смысл жизни человека состоит в спасении своей души, т. е. в духовном «самостроительстве», стремлении к добродетели.

## УКРЕПЛЕНИЕ РЕЛИГИОЗНЫХ ПРАВ И СВОБОД НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РЕФОРМ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**д.п.н., профессор ТашГУВ Р.З.Джумаев**
**Докторант ТашГУВ Г.Ш.Кадирова**

Такие вопросы как влияние религии на политические процессы и сферу внешней политики, взаимодействие религии и государства, религиозный фактор в межгосударственных и международных отношениях, занимают достаточно продолжительное время видное место в дискурсе, затрагивающем как сферы научных дисциплин, так и прикладную политику.

Само появление ислама, последовавшее затем формирование и становление теократического государства, фиксация некоторых обязательных элементов политической системы в религиозной доктрине является уникальным, актуализируя взаимодействие религии и политики на принципиально новом уровне.

Столкновение идей прозападной модернизации с традиционными устоями, произошедшее в мусульманском мире в XIX – XX вв., вызвало широкие дискуссии касательно места ислама в политике, общественной, экономической, культурной жизни, а также повлекло попытки пересмотра сложившихся представлений либо в сторону «очищения» ислама и «возвращения» к его истокам, либо к отказу от той или иной части его традиционной роли в жизнедеятельности общества и политической системе.

---

[30] Там же, с.346
[31] Там же, с.348
[32] Лейн, Тони. Христианские мыслители / М.: Владос. – 2008. – 347 с. – с.212. – с.195
[33] Введение в рлигиоведение: теория, истрия и современные религии: курс лекций. – М.: Центр, 2015.- 240 с. – с.190.
[34] Жданов, Н.В. Исламская концепция миропорядка // Н.В. Жданов. – М.: Международные отношения. - 1991. – 216 с. – с.105
[35] Там же, с.116

В зависимости от исторического наследия и особенностей политической системы влияние исламского фактора в разных государствах проявляется по-разному, однако во всех случаях, он оказывает значительное воздействие на внешнюю политику мусульманских стран.

Влияние ислама проявляется также в рамках государственной внешнеполитической стратегии. Государства стремятся продвигать «свою» версию ислама как единственно верную, пытаясь монополизировать использование религии в политических процессах.

Ислам является также предметом использования негосударственными акторами. Претензии негосударственных исламистских организаций воспринимаются правительствами как экзистенциальная угроза, так же как и отличающиеся от их собственной альтернативные трактовки ислама, продвигаемые другими государствами на региональном или международном уровне.

Республика Узбекистан является частью мусульманского мира, обладает богатым исламским и культурно-историческим наследием. Будучи светским государством, страна граничит с исламскими республиками, выступая за «сохранение и продвижение священных исламских ценностей, укрепление солидарности между мусульманскими народами, обеспечение устойчивого развития, содействие прогрессу и процветанию народов государств-членов ОИС».

В октябре 2017 года Узбекистан впервые посетил Специальный докладчик ООН по свободе религии и убеждений А.Шахид. Тогда по итогам визита в Узбекистане было разработано 12 рекомендаций, исходя из которых парламентом страны была утверждена «Дорожная карта» по обеспечению свободы совести и убеждений. Кроме того, хорошо известно, что 20 мая 2020 года в Законодательной палате Олий Мажлиса состоялось парламентское слушание по мониторингу исполнения этой «дорожной карты», утвержденной Совместным постановлением Кенгаша Законодательной палаты и Кенгаша Сената Олий Мажлиса от 4 мая 2018 г.

Сейчас коренные изменения в сфере религиозной свободы – являются действительностью и составной частью политико-правовых реформ в Узбекистане. Эти изменения, предусмотрены задачами, определенными стратегией действий развития Узбекистана, направленными на обеспечение межнационального согласия и религиозной толерантности. Следует отметить, что еще одним историческим событием в этой сфере стало принятие 12 декабря 2018 года Генеральной ассамблеей ООН Резолюции «Просвещение и религиозная толерантность», инициатором которой был Президент Узбекистана Ш. Мирзиёев.

Отдельного уважения заслуживают международные партнеры, которые содействовали в реализации реформ в политической и судебно-правовых сферах, повышении роли институтов гражданского общества, в том числе в сфере религиозной свободы. Нужно также отметить, что Узбекистан не рассматривает отдельно вопросы религиозной свободы, вероисповедания и безопасности.

Идет процесс рассмотрения и изучения проекта закона «О свободе совести и религиозных организациях» в новой редакции. Следует отметить, что в ходе подготовки данного проекта были учтены национальный, зарубежный и международный опыты правового регулирования взаимоотношений государства и религии.

Все это объясняется тем фактором, что Узбекистан является многонациональным и многоконфессиональным государством. Сегодня на территории республики действуют 2 277 религиозных организаций 16 различных религиозных конфессий. 2094 из них являются исламскими, включающими 2067 мечетей. В целом, в стране насчитывается 166 христианских религиозных организаций, 8 еврейских общин, 6 общин Бахаи, одно общество кришнаитов и один буддийский храм, а также межконфессиональное Библейское общество Узбекистана. Два раза в год проводятся заседания Совета по делам конфессий при Комитете по делам религий, в ходе которых в 2019 году обсуждены изменения и дополнения в закон «О свободе совести и религиозных организациях». Произошли коренные изменения в религиозном образовании, наблюдается последовательное развитие научно-исследовательской деятельности. Регулярно проводятся различные запланированные «дорожной картой» встречи и мероприятия с участием зарубежных экспертов. Так, в ноябре 2019 года в Ташкенте и Самарканде был проведен узбекско-американский научно-практический семинар «Религия и приоритетность закона», организованный совместно с Глобальным институтом вовлечения США.

На сегодняшний день в стране осуществляют деятельность такие образовательные учреждения, как Международная исламская академия Узбекистана, Ташкентский исламский институт, Высшее медресе «Мир Араб», ещё 9 медресе, в том числе 2 специализированных женских учебных заведения, Ташкентская православная духовная семинария, Ташкентская христианская семинария. В стране созданы Центр исламской цивилизации и международные исследовательские центры имени имама аль-Бухари, имама аль-Матуриди и имама ат-Термизи. В областях открыты пять

научных школ, специализирующихся на изучении «калама», «хадиса», «фикха», «акиды и тасаввуфа».

Также действует Центр Христиан полного Евангелия Узбекистана, Союз церквей Евангельских христиан-баптистов Узбекистана и другие. Международная исламская академия Узбекистана ввела в учебный план новые религиоведческие специальности «теология», «фикх», «Коран», «хадис» и др. В целях подготовки квалифицированных кадров в сфере религиозного образования, в академии открыты такие кафедры, как «Корановедение и хадисоведение», «История ислама и источниковедение», «Акида» и др. По этим религиоведческим специальностям приняты на учебу 100 студентов.

По мнению представителей религиозных конфессий, происходящие в Узбекистане грандиозные реформы в религиозной сфере, закрепленные законодательными и практическими механизмами, являются явным свидетельством практической реализации государственной политики в данном направлении.

## БУХОРО ЖАҲОН ИСЛОМ ОЛАМИ МАДАНИЯТИ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИДИР: ТАРИХ ВА БУГУН

**Сулаймон Иноятов,**
**БУХДУ профессори, т.ф.д.**

Ўзбек халқининг аждодлари томонидан 3000 йил муқаддам юртимизда асос солинган Бухоро шаҳри нафақат Ўзбекистон ёхуд Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳон тарихидаги энг кўҳна ва қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бухоро шаҳри ўрта асрларда Бухорои шариф - Шарофатли Бухоро деб эъзозланган. Тарихий Бухоро (Бухоро воҳаси) ҳудудида кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро билан бўйлашадиган кўплаб шаҳарлар, кентлар ва туманлар мавжуд бўлиб, улар Бухорони ҳимоя қилиб келганлар.

Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, уни умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришни орзу қилмаган маърифатли инсон курраи заминда бўлмаса керак.

Бухоро - қадимий ва мўътабар шаҳар бўлиб у бутун инсоният маданияти, маънавияти, маърифати ва тарихида улкан ўрин тутувчи муқаддас маскандир. Бугун ҳам дунёда миллион-миллион кишилар Бухорони зиёрат қилиш, уни тавоф этиш орзуси билан яшамоқда.

Чиндан ҳам Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машхур этган. Унга Бухорои шариф деган ном ҳам бежиз берилмаган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: «Ҳақиқатан ҳам, азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган боқий Бухоро, унинг кўпни кўрган, илм-маърифат, дину диёнат, бунёдкорлик борасида ном қозонган халқи ҳар қандай ҳурмат ва эътиборга муносибдир.

Азим Зарафшон дарёси бўйида жойлашан бу гўзал воҳадаги Варахша ва Наршах сингари қадимий цивилизация ўчоқлари, кўҳна Арк, Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Аюб, Минораи Калон, Чор Бакр ва ўнлаб ноёб меъморий обидалар бизнинг тарихимиз, маданиятимиз қандай чуқур илдизларга эга эканини яққол тасдиқлайди.

Бу қутлуғ заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Мир Саид Кулол, Хўжа Ориф Ревгарий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламида машҳурдир.» [36]

Бухоронинг ўзига хос қиёфаси, ўзига хос шеваси бор. Шу заминга қадам қўйганда одам ўзини бошқача сезади. Негаки, бу заминда яшайдиган инсонларнинг чеҳраси очиқ, юзида доимо табассум, деб таъкидлаган эди донишмандлардан бири. Бухоро “қуббатул ислом”, яъни “ислом динининг гумбази” ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, “қуввати дини ислом” деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлиши билан эътирофлидир[37].

***Самарқанд сайқали рўйи замин аст,***
***Бухоро қуббатул исломи дин аст.***

Муҳтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев “Қадим Бухорони биз нафақат **“Ислом динининг қуввати”,** балки айни пайтда миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ноёб чашмаси сифатида ҳам

[36] Мирзиёев Ш. буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2007. –Б.145.

[37] Қаранг: Каримов И.А. Бухоро шаҳрининг 2500 йилигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи.// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-т.: Ўзбекистон, 1998, Б.368.

яхши биламиз”[38], дейишлари бежиз эмас.

Буюк ипак йўлининг чорраҳаси сифатида бутун жаҳон аҳлини ўзига жалб этган бу қадимий маскан – Бухорои шарифда нафақат савдо-сотиқ, маданият, балки илм-фан, шу жумладан, ислом маърифати ҳам бирмунча тараққий этган. Муҳаммад Наршахийнинг гувоҳлик беришича, ислом оламидаги илк мадрасалардан бири Бухорода ташкил этилиб, “Фаржак” номи остида фаолият юритган. Кейинчалик эса ушбу илмий анъаналар янада тараққий топиб, Бухоро мадрасалари ўзига хос халқаро университет мақомида фиқх, тасаввуф, ҳадис илми сингари диний, алжабр, ҳандаса (геометрия), тиббиёт сингари дунёвий фанлар таълимида етакчи бўлган.

Шунинг учун ҳам бумуқаддас тупроқда Бухоро фақиҳлари академияси асосчиси Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом ал-Бухорий, Шайхур Раис Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Калободий, Шайх Мустамлий Бухорий, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк сиймолар етишиб чиқишди. Шайх Юсуф Ҳамадоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Исо ат-Термизий, Хожа Аҳрор Валий каби улуғ зотлар шу ерда таҳсил олиб, маънавий камолотга эришган.

Шу боис ҳам 2020 йилда шариф шаҳримизнинг “Бухоро ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши қадимий масканнинг ислом цивилизациясидаги ўрнининг ўзига хос эътирофи бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу масалага бағишлаб “Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни ва унга қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро онлайн (2020 йил 28 май) видеоконференция алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг ўттиз асрлик йулини кўрамиз.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

X асрнинг машхур тарихчиси Абу Бакр Мухаммад Наршахий нақл қилишича, Бухорога туркий қабилалар асос солган бўлиб, бу ерда “сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга хуш келиб, шу ерга жойлашганлар”. Наршахий шуни ҳам таъкидлайдики, энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган. [39]

Бу табаррук тупроқда милоддан аввалги VI асрда эронлик Кайхусрав, милоддан аввалги IV асрда юнонистонлик Искандар Зулқарнайн, милодий VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларининг тажовузлари не-не кулфатларни халқ бошига солмади. Аммо халқ ўзлигини йўқотмади, бухорийлар Бухорони асради.

Бухоролик машҳур аллома ва давлат арбоби Абдурауф Фитрат (1886 - 1938) ўз она шаҳри ҳақида бундан 100 йил олдин шундай деб ёзган эди: “Бухоро бизнинг муқаддас ватанимиздир, Бухоро бизнинг мехрибон онамиздир, Бухоро бизнинг нашъу намо жойимиз, Бухоро бизнинг саждагоҳимиздир. Бухоро бизнинг азиз маьшуқимиздир, Бухоро бизнинг жонимизла баробар махбубимиздир, Бухоро биздандир, биз Бухородан. Бас, бу қадар ғафлат ва танбаллик, бехабарлик ва жохилликда ўтирганимиз…”.[40]

Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган Широқ,, Спитамен, Махмуд Торобий, Томир хотун (Тўмарис), малика Қабаж хотун каби аждодларимиз жасорати бугун авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсоли бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўтган уч минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган кадимий хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар...

Бухорони қадимда ва илк ўрта асрларда аввал Балх ва Рим билан, сўнгра Марв ва Афина билан, ўрта асрларда Париж ва Қохира билан, янги даврда эса Нью-Йорк ва Шанхай шаҳарлари билан қиёслашган. Бухорои шариф, Бухоро – ислом динининг қуббаси ва қуввати, Бухоро – Шарқ гавҳари, Бухоро – Туркистон Рими, Бухоро – Туркистон Макка ва Мадинаси, Бухоро – Шарқ Парижи каби таърифларда олам-олам маънолар мужассамлашган [41].

Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. Бухорода биринчи дорилфунун IX асрда вужудга келди.

Бухорода IX асрда бунёд этилган Фаржак мадрасаси, манбаларда таъкидланишича, «мусулмон оламидаги дастлабки мадраса» сифатида эслатиб ўтилади. Бу дорулфунун 937 йил май-июнь ойларида ёнғиндан зарар кўрган бўлса-да, у кейинчалик қайта таъмирланиб, муғуллар

[38] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: Ўзбекистон, 2017, Б.147

[39] .Қаранг: Муҳаммад Ан-Наршахи. Таърих-и Бухара. История Бухары. Т.: «SML-ASIA», 2011. 600 с.

[40] Абдурауф Фитрат. Мунозара // Танланган асарлар. 1-жилд. Т.: «Маънавият», 2000.-Б.96-97

[41] Ражабов Қ. Иноятов С. Бухоро тарихи. Т.: “Тафаккур”.2016. б.442

босқинигача фаолият кўрсатгани тарихий манбаларда кўрсатилган. [42] IX-XII асрларда Бухоро илмий марказ сифатида дунё илм толибларини ўзига жалб этган.

Бухородаги мадрасаларнинг нуфузи ва илмий салоҳияти юқори бўлган. Шу сабабдан омма орасида турли минтақалардан бу ерга келиб таълим олишга қизиқиш катта эди. Муаррих Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (1113-1167) "Китоб ал-ансоб (Насабнома) асарида унинг илм-маърифат маркази эканини қуйидагича таърифлайди: "Бухоро шон-шуҳрат маъкони, салтанат каъбаси ва замонасининг зиёлилари жамланган, Ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда фозилларга паноҳ бўлган маскан эди".

Ҳали XIII асрнинг бошидаёқ машҳур Шайх Мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1273) Бухорога таъриф бериб, қуйидаги байтни ёзганлар:

***Бул Бухоро чашмаи ирфон эрур,***
***Ким бухорийдир, азиз инсон эрур.***

Алоуддин Отамалик ибн Баҳовуддин Муҳаммад ал-Жувайний (1226-1283) Бухоро ҳақида қуйидагиларни айтади: "Қуббат ул-ислом Бухоро шарқ ўлкаларидан бири, у ердаги ноҳиялар ичида Мадинат ул-ислом мартабасидадир. Унга туташ жойлар фуқаҳо ва уламонинг ёрқин нури ила орастадир[43].

Бухоронинг маънавий ва маданий шуҳратини юксакликларга кўтарганлардан бири буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурдир. У Бухоронинг қайси дарвозасидан кирмаса Бухоро менинг Она шаҳрим, Онам таваллуд топган замин деб шаҳар дарвозасидан отдан тушиб, шаҳарда пиёда юрар эди. Амир Темур ва шоир Ҳофиз Шерозий ўртасида бўлган мунозарани барча яхши билади ва эслаб юради:

***Агар он турки шерози ба даст орад дили моро,***
***Ба ҳоли ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.***

Бобосининг буюк ишларини давом эттирган темурий султон Мирзо Улуғбек ҳаётининг кўпгина қирралари Бухоро билан боғлиқлигига тарих гувоҳ. Машҳур тарихнавис Абдураззоқ Самарқандий ёзишича, Мирзо Улуғбек 1419 йил 28 ноябрда ўзи бунёд этган Бухоро шаҳридаги мадрасага кириб, «илм талаблару муҳтожларига инъомлар улашиб эътибор кўрсатди». [44] Чиндан бу мадраса «Мирзо Улуғбекнинг маданият ва маърифатни юксалтиришга хизмат қиладиган бундай иморатлар қуришни Бухородан бошлаши ҳам эътиборга лойиқ ҳодисадир. Айниқса, бу мадрасанинг эшигига «Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон ва муслимага фарздир» деб ёздириши бу ислом динининг бош шиорларидан биридир.» [45]

Шайбоний хонлардан Абдуллахон ва Убайдуллахон Бухоронинг гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшган шаҳзодалардир.

Иқтидорли тарихчи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо "Тарихи Рашидий" асарида Бухоро хони Убайдуллохонга таъриф берар экан, бу кишига ўхшаган шоҳни кўрмадим ва эшитмадим. У "жасорат ўрмонида ботир шер бўлса, саховатпешалик денгизида кафти марварид чиғаноғига айланарди. Унинг бахт-иқболга тўлиқ шахсияти хилма-хил фазилатлар билан безанган эди. У етти хил хат ёза оларди.

Унинг туркий, араб ва форсий тилларида битилган девони мавжуд. Унинг пойтахт шаҳри Бухоро олиму фузалоларнинг тўпланиш жойи бўлган, ҳаётлик даврида бу шаҳар (яъни Бухоро) Султон Ҳусайн Мирзо давридаги Ҳирот даражасига етди"[46], деб таъкидлайди.

Биринчи Президент Ислом Каримов Бухоро вилоятининг мустақиллик йилларидаги дадил одимлари ҳамда бухороликларнинг шавкатли фаолияти тўғрисида қуйидагича фикр билдирган эди: "Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий саноат, қишлоқ, хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шукуҳ топмоқда" [47].

Бугун Бухоро фарзандлари қадимий анъаналарни давом эттириб, Бухоронинг шуҳратига ўз илмлари, ҳунармандчиликлари, тадбиркорликлари, одам-охунликлари билан жаҳон аҳлининг меҳрини тортмоқдалар.

Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

---

[42] Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. Т.: «Академнашр», 2017.-Б.422-423.
[43] Алоуддин Отамалик ибн Баҳовуддин Муҳаммад ал-Жувайний. "Тарихи жаҳонкушой" асари. Т., 2015.-Б217.
[44] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. 2-жилд. 1-қисм. Т.: «Ўзбекистон», 2008.-Б.353-354
[45] Қаранг: Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. Т.: «Академнашр», 2017.-Б.356-357
[46] Мирза Ҳайдар. Тарихий Рашидий. Т.: «Шарқ», -2010. –Б.-400
[47] Каримов И.А. Каримов И.А. Бухоро шаҳрининг 2500 йилигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи.// Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6-т.: Ўзбекистон, 1998, Б.372.

Бухоронинг тенгсиз **зардўзи либослари**, олтинга тенг пилласи, қоракўл терилари жаҳон бозорида муносиб баҳосини олмоқда.

Бухоро қадим-қадимдан ўзининг **зардўзлик санъати** билан дунё аҳлининг диққатини тортган. Ҳали эрамизнинг I-II асридаёқ зарфбоҳ Бухоро матолари дунё мамлакатларига тарқалган. Наршахийнинг таъкидлашича, Бухорхудотлар подшоси Малика Қабаж Хотун зардўзи этигининг бир пойи араблар қўлига тушганда, у VII асрла 200 минг дирҳам баҳоланган . [48]

Амир Темур саройида Бухоронинг зардўзи кийимлари тарифини испан элчиси Руи Гонсалес Клавихо ўз китобларида келтиради.

Демак, зардўзларимизнинг аждодлари Бухоро зардўзлик санъатининг шуҳратини асрлар давомида жаҳонга машҳур қилиб келганлар.

Бухоро кулолчилик, мисгарлик, кандакорлик, каштачилик, сангбурлик санъати қадимдан ривожланиб келган ва мутахассисларнинг ярмаркаларида мунтазам намойиш қилиб келинган.

Шарқ, меъморчилик санъатининг ноёб намуналари бўлган барча қадимий обидалар мустақиллик шарофати билан яна асл шаклига қайтмоқда.

Бухоронинг ва бухороликларнинг яна бир катта ютуғи шундаки, бугун бу табаррук заминда турли миллату динга мансуб кишилар тожиклар, туркманлар, руслар, яхудийлар, қозоқлар, корейслар, арманлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари ўзбеклар билан бирга қўлни-қўлга бериб, дўстона, аҳил, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшамоқдалар.

Илм-маърифат ва зиё маскани бўлган «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуасининг бунёд этилиши бу Бухорои шарифга қўйилган ҳайкалдир.

2018 йилнинг феврали ва 2019 йилнинг март ойларидаги Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташрифлари давомида режалаштирган ишлари Бухоронинг жамолини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бугун бунёд этилаётган «Бухоро Сити» бу Бухоро шаҳри ичидаги 83 гектарлик беқиёс шаҳарчадир. Муҳтарам Президентимизнинг кўрсатмаси билан ташкил топган Бухоро давлат университетининг Тарих ва маданий мерос факультети ҳамда «Бухоро тарихи» кафедраси бу Бухоронинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини белгилаб берувчи илм-маърифат зиё масканидир.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрини кезар эканлар, унинг тарихий ёдгорликларини кўздан кечириб: “Бухоронинг кўҳна ва боқий шаҳар, деб аталишида катта маъно бор. Бу ердаги қадимий обидалар, осори-атиқалар, халқимизнинг бетакрор қадриятлари, ўлмас анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда.Чет элликларнинг, тарихчи ва мутахассисларнинг уларга қизиқиши доимо юқори бўлган. Бундан самарали фойдаланиш керак”, [49] деб таъкидлаган эдилар.

Юртимизда истиқлол йилларида мазкур анъаналар қайта тикланиб, Бухоро яна ислом маърифати марказларидан бири мақомини эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда бугун вилоятда учта мадраса, 100дан ортиқ исломий йўналишдаги диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари, муҳтарам Шавкат Миромонович ташаббуслари билан Бухоро давлат университетида “Ислом тарихи ва манбашунослиги” таълим йўналиши очилди. Бухоро Мир Араб мадрасаси олий таълим муассасаси мақомига кўтарилди. Мир Араб мадрасаси ҳузурида “Тасаввуф илми мактаби” ташкил этилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарияти томонидан Бухородаги ислом маънавияти дарғалари, буюк алломаларимиз зиёратгоҳлари таъмирланиб, уларнинг бой маънавий-илмий мероси чуқур ўрганилмоқда. Бугун янги ўсиб келаётган авлодларимиз ўз тарихини, юртини, азиз- авлиёларини, осори-атиқаларини эъзозлаб, умумбашарий қадриятлар хазинасига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоқдалар.

Ҳа, бугун гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизнинг кўрки - Бухорои шарифнинг тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар бир бухороликнинг бурчидир.

Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Кўҳна ва боқий Бухоро 2020 йилда «Ислом олами маданиятининг пойтахти» деган юксак ва шарафли номга эга бўлиб, жаҳон маданиятининг ўчоқларидан бири сифатида дунё аҳлига ўз бағрини кенг очиб келмоқда.

[48] Қаранг: Раҳмонова М., Ҳамроев А., Ҳамроев С. Бухоро ҳунармандчилиги зебу зарлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. Б.112.
[49] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: Ўзбекистон, 2017, Б.147

# ХОЖАГОН ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСИ

**Сафарова Нигора Олимовна ф.ф.д., проф.–** Навоий давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири
**Шамсутдинова Нигина Каримовна–** Навоий давлат педагогика институти докторанти

**Резюме.** Авторы статьи рассматривают суфийского учения ходжагон, как путь постижения истинной реальности, учение не только о том, кто есть человек, но и каким он должен быть в идеале. А достижение этого уровня открывает перед человеком предельно широкие возможности. Задача суфийского учения Ходжагон – поднять человека на более высокую ступень совершенства «Комил инсон».

**Summary.** The authors of the article consider the Sufi teachings of Hodjagon as a way of understanding the true reality, a teaching not only about who a person is, but also what it should be ideally. And the achievement of this level opens up extremely wide possibilities for a person. The goal of the Sufi teachings of Khojagon is to raise a person to a higher level of perfection, «Komil Inson».

Хожагон таълимотида тавҳиднинг энг мукаммал ифодаси бўлган орифлар ва сиддиқлар тавҳиди «тавҳиди илоҳий» маъносида талқин қилинади. Чунончи Ориф Ревгарий ёзади: «Аллоҳнинг толиби ва хақ йўлидаги солик! Дунёни тарк этмоқ дегани («фано филлоҳ - С.Н.») Аллоҳдан бошқа нақш (ном)ни қалбдан ўчирмоқ, йўқотмак демакдир ва бу иш олий даражага етмоғингга ҳужжат бўлғай. Барча роҳ-равиш йўлда охирги мақсадга эришмоқ ихлосли бандалар учун фақат шу тарзда амалга ошгай»[8:3].

Яна: «Агар мардум (халқ) ориф нури-тажаллийсини кўрса, анда куйгай ва ориф вужуд (Худо) нурини кўрса, - анда куйгай! Ориф Ҳақдан Ҳаққа, олим далил исботдан -Ҳаққа бормагай, важд бу ҳар икки ҳолга ҳам муҳтож эмас».

Хожагон тариқатида «ваҳдатул вужуд» таълимоти «Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай борлиқ йўқ» тарзидаги тавҳид бўлиб, у Аллоҳга яқинлик пайдо қилиш натижасида ҳосил бўлган бир ҳолдирки, солик бу мартабада Аллоҳдан ташқаридаги ҳамма нарсани, ҳатто, ўзини ҳам йўқ ҳисоблайди. Имом Ғаззолий «Мишкот ул анвор» асарида бу тушунчани аниқ ифодалаб, бундай дейди: «Орифлар мажоз чуқуридан ҳақиқат сари юксалиб, маънавий меърожларини тамомлагач, мушоҳада йўли билан кўрдиларки, борлиқда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ ва унинг борлиғидан бошқа ҳар нарса ҳалок бўлувчидир». Бу ердаги «ҳалок бўлгувчидир» ифодаси билан маълум бир замон тушунилмай, абадийлик устида сўз бораётир, чунки Ревгарий таъбирича, дунёни тарк этмоқ дегани Аллоҳдан бошқа номни унутмоқдир.

Хожагон тариқати мутасаввифлари таъкидлашича, орифнинг энг юксак мақомга этишган ҳолати - бу унинг фаришта (малак) даражасига кўтариишидир. Чунончи, Ориф Ревгарий ёзади: «...Одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзини малоикага монанд этсин. Яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф (руҳдек пок.- Ш.Н.) бўлиш ва ҳамма вақт зокир (Аллоҳни зикр этувчи) ва мудом бандалик аҳду паймонига жидду жаҳд айлаб саъй-ҳаракат қилсин. Яъни хақ азза исмуҳу ва зотуҳудан ўзга зотни ўзига маҳбуб этмасин ва Аллоҳдан ўзга кишидан умидвор бўлмасин»[8:3].

Мутасаввифлар руҳ ва жисмдан иборат инсонни илоҳий олам билан жисм олами орасидаги чегара деб биладилар ва тонгга ўхшатадилар. Тонг тун ва кунни бир-биридан ажратувчи чегара бўлгани каби, инсон ҳам моддий олам билан илоҳий олам ўртасидаги чегарадир.

Хожагон тасаввуфий таълимотининг фалсафий асоси «ваҳдатул вужуд» бўлиб, борлиқ-ягона асл зотнинг тажаллийси, нури деб қаралади. Мутасаввифларнинг таълимоти бўйича, бутун борлиқ Хақнинг жамоли ва жалоли (буюклиги)нинг тажаллийси ва кўринишларидир. «Қалб тўла софликни топганидан сўнг, - деб ёзади Хожа Али Ромитаний, - унда ваҳдониятнинг нури порлар, у тажаллий аҳли бўлур». [5:25]

Мутасаввифлар таълимотига кўра, бу тушунча «тавҳиднинг энг сўнг эришиладиган ва энг муккаммал ҳолидир». [8:172]

Тасаввуф таълимотига кўра, инсон бир томондан руҳ, жондан ташкил топган, иккинчи томондан, жисмдан таркиб топган. Инсоннинг руҳи жони унинг илоҳий абадий томонини ташкил этади. Руҳ барча мутасаввифлар, шу жумладан, Хожагон тариқати мутасаввифлари фикрича, илоҳийдир. «Руҳ қалбнинг илоҳий кўзгусидир». Ҳар бир инсонда руҳ мавжуд экан, бинобарин у ўзидаги илоҳий томонини англаши, унга интилиши зарур. Ўзидаги буюк оламни тушуниши ила у хақни англаб етади. Шунинг учун «Худшуноси Худошуноси аст», яъни «Ўзини англаган Ҳақни англайди» дейдилар. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон бунда юксакликка эришиш учун ўзи ҳам унга интилиши керак. Юксалиш инсоннинг яшаш тарзи, аъмол ва қилмишларига боғлиқ бўлади. Маънавий юксалишга интилса, у юқорига томон юксалиб, Худо васлига, илоҳий оламга етишиши

мумкин. Руҳ жисмдан ажралмасдан ҳам шу мартабани эгаллаши мумкинми? Мумкин, дейди тасаввуф аҳли. Агар инсон камолоти олий даражага кўтарилиб, у Ҳаққа восил бўлган бўлса, яъни илоҳий маърифат, ҳикмату-дониш-ла лиммо-лим бўлиб, моддий вужудини унутиб, руҳий-илоҳий вужудга айланиши мумкин.

Хожагон тариқати мутасаввифлари соликларни, ўз асҳобларини, мурид-у, шогирдларини орифона ҳаёт кечириб, шундай ҳолатга эришишга чақирганлар. Шундай ҳолатга эришишларига тилакдош бўлганлар. Аммо, уларнинг фикрича, бундай мақомга фақат «важд» ҳолатига тушган орифгина эришиши мумкин. Масалан, Ориф Ревгарий ёзади: «Инсон хулқи, табиати ва ҳол-аҳволидаги нарсалар Аллоҳ Таолло томонидан берилгандир. Лекин касб-ҳунар мақомига эришмоқ учун толиб бўлмоқ зарур. Шу толиблик жараёнида саъй-ҳаракат ва таважжуҳ, риёзат чекишини ва жидду-жаҳд ила ёмон хислатларни йўқотиши оқибатида покизалик ва пок хислатлар ҳосил бўлгай ва даража-ма-даража тараққий этиб, камолот мартабаси ва шарафи висолга эришгай. Аммо бу ўринда солик учун бирламчи важд (завқ-шавқ, ҳаяжон) лозимдирки, ул кашфнинг муқаддимаси ва кашф-маърифатнинг ва маърифат мушоҳаданинг муқаддимасидир. Ва шундан сўнггина унга ғайб эҳсони муясар бўлур. Агар мардум (халқ) ориф нури тажаллийсини кўрса, анда куйгай ва агар ориф Вужуд (Худо) нурини кўрса, анда куйгай. Ориф Ҳақдан Ҳаққа, олим далил исботдан хаққа бормагай, важд, бу ҳар икки ҳолга ҳам муҳтож эмас».[8:6]. Демак, важд бу ориф учун Ҳаққа етишмоқнинг мақомларидан биридир.

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожагон тариқати фалсафий асосини ботиний фалсафа деб баҳолаш мумкин, зероки, у ботиний ҳақиқатга етишиш йўллари ва воситалари ҳақидаги таълимот яратишга ҳаракат қилган. Агар моддий олам қонуниятлари илм, ақл- идрок ва тажрибага асосланган зоҳирий билимлар билан англанса, ботиний фалсафа бўлган Хожагон таълимоти кашф, илҳом, мушоҳада илоҳий ишқ воситаси билан ҳақиқатга етишишни уқтиради. Агар инсон ўзининг ботиний оламига саёҳат этса, уни таҳлил этса, ўшанда яратувчисини англайди, яратувчисини инсон жисмоний кўз билан кузата олмайди. Ҳақ васлига етишиш учун валийлар шундай руҳий ҳолатда бўлганларки, буни «важд ҳолати» деб билганлар, яъни ўз жисмидан ажралиб, маконда чегарланмаган руҳий саёҳат қилганлар. Чунки тасаввуф фалсафасида хар бир одам танасида икки одамни кузатиши мумкин:

1. Жисмда мужассамлашган одам, яъни «олами асғар» ва ички, руҳий, ботиний олам - «олами акбар». Бошқача қилиб айтганда, «микрокосм» ва «макрокосм». «Олами асғар» бутун жисмоний табиий оламнинг кичиклаштирилган ҳолати бўлса, «олами акбар» руҳий дунёнинг катталаштирилган ҳолатидир. Ўзининг аслини билган, «олами акбар»ни англаган инсонлар учун жисм - бир либос. Либос ичида инсоннинг танаси жойлашганидек, жисм ичида инсоннинг аслий ҳақиқати жойлашган бўлади. Инсон ўзининг руҳий, яъни хақиқий, абадий томонига эътибор бериб, юксакликка интила бошлайди. Инсонда руҳ ва жисм кураши муқаррар бўлиб, юксаклик ана шу жисм талабларини енга бориш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киради. Комил инсоннинг сифат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан, илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Солик мана шундай ҳолатга тушгандагина орифлик даражасига кўтарила олади.

Хожагон мутасаввифларининг илм-маърифат ҳақидаги ғояларининг улкан тарбиявий аҳамиятларидан бири шундаки, уларнинг илмни муқаддас ҳисоблаб, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида илм қадрига етмаганларга «дастурхон» қилиб ёзишини ёки пуллашини қаттиқ қоралаганлар. Буни илмни хор этиш деб ҳисоблаганлар. «Ориф эмас, ул кишиким, илм ва маърифатни пулдор дунёпараст ва бадавлат одамлар олдига «дастурхон», бозор, балки хор айлагай». [8:7].

Мутасаввифларнинг таъкидлашича, солик илм олиш йўлида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта олиши керак. Бу мақсадга эришиш учун соликка сув ва олов, дашт ва саҳро ҳам тўсиқ бўла олмаслиги керак. «Аллоҳ Таолло фармонларига мутаважжиҳ бўлинг! Қаерда бўлманг, илм талабидан узоқда юрманг ва агар обу оташ дарёларига дуч келсангиз ҳам, ғаввос бўлиб кечиб ўтинг-у, илмга етинг», - деб уқтиради Амир Кулол.

Муҳими шуки, Хожагонларнинг панд-насиҳатларида илмли одам комил инсон, юксак ахлоқли киши билан тенглаштирилади. Шунинг учун ҳам шайх ва муршид ўз муридини бор билимларидан хабардор қилишни, яъни ҳам илоҳий, ҳам дунёвий билимларни унга ўргатиши керак.

Хожагонларнинг таъкидлашича, билим инсонни икки дунё- ҳам моддий дунё, ҳам охират саодатига етказувчи асосий омилдир. Манбаларда Амир Кулолнинг бу ҳақдаги ушбу фикрлари келтирилган: «Ва яна олимларга мулозамат қилинг, уларга яқинлашинг, чунки бу тоифа Муҳаммад саллоллоҳу алайҳу васалламнинг ворисларидур. Чунки Расуллолоҳ алайҳисалом бу ҳақда

айтибдурларки, «Ал-уламоу ворисан набий». Эй, ёронлар, зинҳор бундай олимлар билан алоқани узманг, ҳар икки оламда ҳам нажот топгувчилардан бўлгайсизлар». [1:31]

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тасаввуф аҳли билимни иккига: зоҳирий ва ботиний билимларга ажратади. Хожагонлар фикрича, шариат билимлари ва дунёвий билимлар зоҳирий билимдир. Зоҳирий билимлар Яратганни билишнинг биринчи босқичидир. Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланади. Чунки моддий олам, борлиқ Аллоҳ Таолонинг тажаллийси бўлиб, улар ўртасида изчил уйғунлик бордир. Хожагонлар моддий олам ҳақидаги ва шариат билимларини илм ал-яқин ва айн ал-яқин деб атаганлар.

Солик эришган маърифат босқичи эса ботиний илм ҳисобланиб, солик эгаллаган «Хаққ - ал-яқин» («Шак-шубҳасиз хаққа етишиш»-С.Н.) даражасидаги илмдир. Хожагонлар таъкидлашича, бу икки хил, икки даража илмлар ўртасида узвий алоқа мавжуд. Масалан, Хожа Ориф Ревгарий ёзади: «Илм ал-йақин ва айн ал яқин бўлмаганидан кейин бу ҳақда (яъни хақ ал-яқин ҳақида - С.Н.) ўйлашнинг фойдаси йўқ» [8:7].

Шу муносабат билан тасавуфда, хусусан, Хожагон-Нақшбандия тариқати ирфоний таълимотида «яқиний» ва «ладуний» билимлар ҳақидаги фикрларда бироз тўхталиб ўтиш зарур. Бу илмларнинг моҳияти ҳақида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Рашоҳот айн ал-ҳаёт» асарида шундай маълумот келтирилади: «Ладуний ва яқиний илмларнинг орасидаги фарқ шундаки, яқиний илм асл зотининг нури ва илоҳий сифатларини идрок этишдан иборатдур. Ладуний илм эса илҳом орқали унинг маъносини ва хақнинг каломларини фарқлай олишдадир» [3:28].

Демак, ушбу таълимот бўйича яқиний илм орқали сўфий Тангрининг зоти ва сифатларини, нурларини идрок этади. Ладуний илмда эса илҳом орқали Ҳақ моҳияти ва каломларини фаҳмлай олади. Мутасаввифлар уларни юқори қўйиб, илмларнинг энг юксаги деб қараганлар. Чунки асл мақсад нурларни кўриш эмас, балки хақ моҳияти ва каломларининг маъносини англамоқдир.

Агар яқиний илмлар мусоҳаба ва мушоҳада йўллари билан эгалланса, ладуний илм мукошифа йўли билан эгалланади. Бундай билимларни эса фақат ҳол мақомига эришган солик эгаллаши мумкин. Ҳол мақоми эса бир неча босқичлардан иборат.

Биринчиси - қурб, яъни соликнинг Аллоҳ Таолога яқинлашиш ҳолати. Иккинчиси-муҳаббат: қалбда кучли туғён бўлиб, соликнинг бетоқат бўлиши. Учинчиси - шавқ мақоми: муҳаббатнинг зўрайишини билдиради. Тўринчиси-унс мақоми: Худога муҳаббатдан қувонч. Бешинчиси - мухосаба: ҳар бир дамни ҳисобга олиб, уни ғанимат билмоқ. Олтинчиси - мушоҳада мақоми бўлиб, соликнинг Ҳақ жамолини кўра олиши. Еттинчиси - мукошафа: илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очилиши.

Солик ўз жидду-жаҳди, риёзати илк маълум босқичда илоҳий иноят билан ҳол мақомига эришади. хол мақомига эришган соликнинг тили эмас, дили сўзлайди, кўзи билан эмас, балки қалби билан кўрадиган бўлади. Хожагонлар уларга нисбатан «кашф аҳли» деган иборани қўллаганлар, яъни илоҳий кашф иқтидорига эга бўлганлар деб ҳисоблаганлар. Масалан, Амир Кулол шундай ёзади: «Яна бир тоифа бордирки, улар аҳли кашфдурлар. Бошқаларнинг мақсади маърифат бўлса, аҳли кашф учун ягона мақсад - Хақ Таолонинг ўзи. Бошқалар далил - бурхонга таянса, кашф аҳли висолга таянади» [11:27].

Хожагон тариқати мутасаввифлари фикрига кўра, илм-маърифатнинг ана шу икки даражаси, босқичини тўлиқ ва мукаммал эгаллаган солик хақиқий орифлик даражасига кўтарила олади.

Орифлик нима? Ориф ким?

Хожагон тариқати мутасаввифлари асарларини таҳлил қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, ориф Аллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифатдан мукаммал хабардор солик. Борлиқда фоний бўлиб, Хақнинг борлиғида тирик юрмоқ орзуси ила яшаш туфайли орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдиллик кўзга чалинмайди. Ориф мушоҳада юритаркан, Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода , қудрат сингари сифатларини теран идрок этиш ёки ўзлаштириш билан чекланмайди, балки бутун коинот, борлиқ ва оламнинг сир-асрорларидан ҳам чуқур огоҳликка етишади. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, «валийлик ишоратларини англамоқ» учун давомли ва сокин бир назар билан Тангри даргоҳига талпинади. Ориф - илоҳий файз одами. Орифнинг дил-нур маскани. Абу Туроб Наҳшабий фикрича, ориф ҳеч нимадан тийралашмайдиган, балки ҳамма нарса ундан равшанлашадиган комил зот, деб тушунган.

Орифлик даражасига етишишнинг воситалари, унинг қийинчиликлари, бу йўлдаги тўсиқлар ҳақида Ревгарий шундай ёзади: «Эй, Аллоҳнинг толиби ва хақ йўлидаги солик! Дунёни тарк этмак дегани Аллоҳдан бошқа нақш (ном)ни қалбдан ўчирмоқ, йўқотмоқ демакдир. Ва бу иш олий даражага етмоғингга ҳужжат бўлгай. Барча роҳ, равиш-йўлда охирги мақсадга эришмоқ ихлосли бандалар учун фақат шу тарзда амалга ошгай. Бир мақом (даража)дан иккинчи мақомга

кўтарилмоқ, аҳли нақлия ва кашфия учун оғир риёзатлар орқали ҳосил бўлади; зеро ҳою-ҳавас ва нафси аммора юқорига кўтарилмоққа тўсиқдир» [8:8].

Нужно отметить, что этот период чрезвычайно богат и другими версиями переводов Корана на русский язык. Буквально через два года (СПб.,1792 г.) появился «Алкоран Магомедов»[4], поэта А. В. Колмакова, перевод со сравнительно хорошего английского варианта Дж. Сэйля. Этот труд, как и все предыдущие переводы Корана, был переполнен церковно-славянской лексикой, вследствие чего терминологически был далек от живого арабского языка подлинника. Несколько раньше, в 1787 году, в Петербурге было осуществлено первое в России издание арабского текста Корана. Исполненное по поручению Екатерины II специально отлитым для этой цели шрифтом, который воспроизводил почерк одного из лучших каллиграфов муллы Усмана Исмаила и превосходил все арабские шрифты, существовавшие тогда в типографиях. За короткий промежуток времени до 1798 года издание было повторено пять раз. С ним связаны и заслужившие хорошую славу позднейшие казанские издания Корана.

**Литература**


1. Дю Рие, Андре (ок. 1580 – ок. 1650) — французский дипломат (дипагент в Константинополе, консул в Александрии) и востоковед (кроме перевода Корана, автор «Грамматики турецкого языка», перевода сборника притч Саади «Гулистан»). Подробнее см.: Hamilton Al., Richard Fr. André Du Ryer and Oriental Studies in Seventeenth-Century France. Stock, 2004.
2. Сейль, Джордж (ок. 1697 – 1736) — британский ориенталист. Полное название издания его перевода — «The Koran, commonly called the Alcoran of Mohammed, translated into English immediately from the original Arabic; with explanatory notes, taken from the most approved commentators. To which is prefixed a preliminary discourse. By George Sale».
3. Кантемир Д.К. Книга Систима, или Состояние мухаммеданския религии. СПб., 1722, с. 8.
4. Ал-Коран Магомедов, переведенный с Арабскаго языка на Англинский, с приобщением к каждой главе на все темные места изъяснительных и исторических примечаний, выбранных из самых достовернейших историков и арабских толкователей Корана Сейлем, и с присовокуплением обстоятельнаго и подробнаго описания жизни лжепророка Магомеда, сочиненнаго славным доктором Придо. С Англинскаго на Российский перевел Алексей Колмаков. В 2-х чч. СПб., 1792, с. III.

# ИСЛАМСКАЯ НАСЛЕДИЯ ШИГАБУДДИНА МАРДЖАНИ В РАЗВИТИИ ЕВРОПЕЙСКОГО РЕНЕССАНСА

**Хакимов Муслихиддин Шиджоиддинович**
**Болгарская Исламская Академия Россия, р. Татарстан.**

**Аннотация**: научные результаты работы представляют собой информативный блок, создающий основу для дальнейшего изучения татарской богословско-философской мысли в связи с мусульманской богословской традицией. Материалы данного исследования могут быть использованы на лекциях по истории татарской общественной мысли и в процессе подготовки учебных пособий.
Содержащиеся в исследовании положения и выводы могут способствовать воплощению принципов мирного сосуществования и добрососедства между представителями различных этно-конфессиональных традиций, в том числе и внутри мусульманской общины между ее различными течениями и группами.
**Resume:** тhe scientific results of the work represent an informative block that creates the basis for further study of the Tatar theological and philosophical thought in connection with the Muslim theological tradition. The materials of this research can be used in lectures on the history of Tatar social thought and in the process of preparing textbooks.
Contained in the study, the provisions and conclusions of the embodiment of the principles of peaceful coexistence and good neighborliness between various ethno-different traditions, including within the Muslim community between its various trends and groups.

Ш. Марджани окончательно сложился как ученый-историк в казанский период своей жизни под влиянием петербургских и местных ориенталистов и историков. Хотя в Средней Азии, а также после возвращения на родину его и занимали мировоззренческие вопросы и проблемы обще-мусульманской культуры, в последний период его жизни интересы исторической науки, особенно проблемы национальной истории взяли верх над всеми остальными. Подготовке исторических сочинений и изданию их он отдает все свои силы, пытаясь продолжать работу даже тогда, когда болезнь почти лишает его возможности писать.

Разумеется, не все факторы, изложенные здесь, равнозначны. Социально-экономическое развитие России и острота политической борьбы в стране во второй половине XIX в. , воздействие которых несомненно испытал на себе Ш. Марджани, а также тесная связь с Х. Фаизхановым, под влиянием которого он стал интересоваться насущными проблемами национальной истории и стал проявлять неослабный интерес к наследию Ибн Халдуна, были серьезными факторами, способствовавшими окончательному формированию его исторических интересов, определившими в какой-то мере содержание и проблематику его произведений. Однако нельзя забывать, что один и тот же фактор может играть как положительную, так и отрицательную роль. Например, 11-летний[137] среднеазиатский период жизни дал Марджани возможность, усовершенствовать свои знания восточных языков, пользоваться в богатейших библиотеках Бухары и Самарканда древнейшими рукописями, даже автографами, которые, будучи авторитетными источниками, легли в основу его исторических произведений и в конечном счете определили его сильные стороны как историка-источниковеда.

Но, с другой стороны, длительное пребывание в Средней Азии привело к тому, что мировоззрение Ш. Марджани начало складываться вдали от европейских культурных центров. Этим отчасти об'ясняется определенная ограниченность Ш. Марджани в подходе к проблемам познания и в решении им коренных мировоззренческих проблем. Этот фактор в некоторой степени определил, на наш взгляд, и то обстоятельство, что, отдавая дань восточной традиции, значительную часть своих исторических трудов светского содержания Ш. Марджани облекает в формы восточных сочинений и пишет на арабском языке, часто прибегая к трудной для понимания, но принятой в то время в ученых кругах Востока изысканной рифмованной прозе. Итак, истоки формирования исторических взглядов Марджани можно найти как в восточной, так и в западной культуре. Если влияние первой

[137] Юсупов М.Х. Шигабутдин Марджани / М.Х. Юсупов - Казань: Тат. кн. изд-во, 2005. - 271 с.

было сильным и непосредственным, что видно из содержания сочинений Ш. Марджани, то влияние второй было опосредствованным, оно менее ярко выражено и в основном вытекает лишь из контекстов его трудов.

Жизнь[138] Ш. Марджани была многогранной, он много путешествовал как по России, так и за границей, посещал библиотеки, встречался с интересными людьми. Благотворной для его творчества оказалась также его переписка со своими учениками. Такова совокупность социально-экономических, политических и культурных факторов, под влиянием которых сформировалось мировоззрение Ш. Марджани-историка. Деятельность Ш. Марджани, как и других татарских просветителей, "об'ективно была направлена против русификаторской, колониальной политики царского самодержавия, против национального угнетения, ибо эта политика наряду с религиозным фанатизмом сдерживала культурное развитие нации и просвещение масс". Поэтому не случайно, Н. И. Ильминский в своем письме к победоносцеву, перечисляя вероятные кандидатуры на пост муфтия, указал на недопустимость занятия его Ш. Марджани. Совершенно прав был В. В. Бартольд, когда писал, что "представители русской власти нередко видели главную опасность для русского господства именно в прогрессивных элементах мусульманского общества, оказывали поддержку мусульманам-староверам, считая только их верными подданными России, и принимали от них доносы против их прогрессивных единоверцев". Ш. Марджани[139] осуждал подавление национальных свобод со стороны царского самодержавия. Он сочувственно относился к освободительной борьбе дагестанского народа во главе с Шамилем. Однако утверждение Х. Хисматуллина о том, что Ш. Марджани переписывался с вождем дагестанского освободительного движения Шамилем, не соответствует действительности. Ш. Марджани подчеркивает, что встречаться или же переписываться с Шамилем ему не приходилось. В автографе второго тома "Мустафад ал-ахбар.... " имеется биография Шамиля, а также описывается выступление татарского населения во главе с Ишбулатом против "подвигов" Луки Канашевича по насильственной христианизации нерусского населения, приводятся различные факты национального и колониального гнета царизма по отношению к народам Среднего Поволжья, изъятые царской цензурой при опубликовании книги.

Но в то же время в отличие от феодально-клерикальной прослойки татарского общества и фанатичного духовенства Ш. Марджани видел закономерность сближения и взаимодействия культур, разных по своим национальным истокам и традициям. И поэтому он был далек от противопоставления татар русским, а наоборот, выступая за преодоление национальных барьеров, пропагандировал необходимость изучения татарами русского языка и русских законов, поскольку татары живут бок о бок с русскими. И самое главное, в своих произведениях он доказал эту необходимость, приведя ряд веских аргументов.

**Список литературы**


1. Мухаметшин Р.М. Идейное наследие Шигабутдина Марджани в контексте религиозного обновления татарского общества в 1990-е годы Р.М.. – Казань, 1998. –.400. С
2. Якупов Р.И. Толерантный российский ислам / Р.И. Якупов // История и современность, 2005. - № 1 -255. С
3. Юсупов М.Х. Шигабутдин Марджани / М.Х. Юсупов - Казань: Тат. кн. изд-во, 2005. - 300 с.


[138] Якупов Р.И. Толерантный российский ислам / Р.И. Якупов // История и современность, 2005. - № 1 - С. 189-199.

[139] Мухаметшин Р.М. Идейное наследие Шигабутдина Марджани в контексте религиозного обновления татарского общества в 1990-е годы Р.М. Мухаметшин // Шигабутдин Марджани: наследие и современность. Сборник статей. – Казань, 1998. – С. 160-166.

# ДУХОВНОСТЬ КАК ЛИЧНОСТНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА

**Корсак Н.В.** старший преподаватель
УО «Гомельский государственный университет имени Ф. Скорины»,
г. Гомель, Беларусь

**Аннотация**. В статье проводится анализ понятия «духовность» с учетом разнообразных научных направлений. Описываются критерии и характеристики духовности. Затрагиваются вопросы становления духовности и нравственности у подрастающих поколений.

**Annotation.** The article analyzes the concept of "spirituality" taking into account various scientific directions. The criteria and characteristics of spirituality are described. The issues of the formation of spirituality and morality among the younger generations are touched upon.

Анализ научных публикаций, посвященных пониманию процессов развития и формирования личности, роли воспитания и образования, месту различных социальных институтов в них, убеждают в том, что данные процессы осмыслены с разных сторон в работах как зарубежных, так и отечественных философов, социологов, культурологов, теологов, психологов и педагогов, и в определенной степени затрагиваются вопросы становления духовности, нравственности у подрастающих поколений, у будущих специалистов. Как известно, понятие «духовность» производно от «духа». Этим термином в русском языке издавна обозначается то, что противоположно субстанциальной основе бытия - «материи».

В христианской психологии духовность рассматривается в связи с высшими силами божественной либо демонической природы, которые проявляются в человеческих поступках. При этом существование каких-либо других видов духовности христианская психология отрицает. В подавляющем большинстве подходов к духовности она рассматривается как явление, выходящее за рамки индивидуальности и связанное со сверхличностными, божественными или космическими силами. Духовность является признаком зрелости личности, вышедшей за пределы своих узких интересов и преходящих ценностей[140].

Нам представляется возможным рассмотреть данный феномен изучив его психолого-педагогический аспект. Так психологический словарь понятие «духовность» человека характеризует как «индивидуальную выраженность в структуре личности двух фундаментальных потребностей: индивидуальной потребности познания и социальной потребности жить и действовать для других».

В педагогических справочниках духовность рассматривается в трех аспектах: как высший уровень развития и саморегуляции зрелой личности, когда основными ориентирами ее жизнедеятельности становятся непреходящие человеческие ценности; как ориентированность личности на действия во благо окружающих, поиск его нравственных абсолютов; с христианской точки зрения - сопряженность человека в своих высших стремлениях с Богом. В педагогике духовность нередко трактуется как индивидуальная выраженность в системе мотивов личности двух фундаментальных потребностей: идеальной потребности познания; социальной потребности жить и действовать «для других».

Хотелось бы особо выделить позицию В.П. Зинченко, который, считая, что понятие духовности шире понятия религиозности и что духовность может носить вполне светский характер, дает следующее ее толкование: «Духовность - путь человека к самому себе, но не к «себе идеальному», а к «себе реальному». Этот путь, по мнению автора, проходит через разум и культуру. В таком случае духовность понимается как вертикаль роста человека. В связи с этим автор выделяет 3 пласта человеческого сознания:

- пласт бытийный (чувства, переживания, реальное состояние души);

- пласт рефлексивный (поиск смысла и значения этих чувств, переживаний человека, их понимание);

[140] Леонтьев, Д.А. Духовность // Энциклопедия эпистемологии и философии науки / Составление и общая редакция. И.Т. Касавин - Москва: «Канон+» РООИ «Реабилитация», 2009. — С. 217-218.

- пласт духовный (пласт сознания, в котором происходит диалог «я» реального и «я» идеального)[141].

Продолжая характеристику понятия «духовность», необходимо подчеркнуть, что духовность - нравственное начало в человеке, являющееся воплощением всей совокупности ценностей личности для общества, для людей, для самого себя. Она - отражение в психике человека его бытия, отражение его в сознании, высокая мера приобщения к культуре общества. Для более детального рассмотрения данной категории необходимо касаться глубины и гибкости ума; возвышенности чувств, благородства души, деликатности в отношении к людям, стремления улучшить и облагородить свой внутренний мир и окружающую среду.

Как известно, критериями духовности являются поведение человека, его отношение к самому себе, к окружающим людям, к труду, к любви, к обществу и Отечеству. В соответствии с таким подходом, представляется необходимым определить характеристики., которыми должен обладать человек стремящийся к развитию своей духовности. Такими характеристиками на наш взгляд являются: потребность в познании мира и самопознании; благородство души, бескорыстность, мировоззренческий поиск и понимание смысла жизни; стремление к добру и справедливости; потребность в красоте, понимание прекрасного; целостность внутреннего мира; позитивное и оптимистическое отношение к жизни; постоянная готовность к работе над самосовершенствованием личности.

Духовность реализуется в стремлении к смыслу жизни (С.Л. Франк, В. Франкл, Б.С Братусь, В.И. Слободчиков и др.). Исследование позволило сделать вывод, что психологическими основами субъективного духа человека является его способность к самотрансценденции (А. Маслоу, В.И. Слободчиков). Духовность есть ценностно-смысловое основание человеческого существования, реальность которого подтверждается тем, что его отсутствие низводит человека к уровню чисто биологического животного вида, к уровню живых организмов.

В этом случае процесс воспитания духовности молодежи и будущих специалистов может быть представлен как смыслопоисковое взаимодействие субъектов - носителей экзистенции, включающее следующие этапы: целеполагания, переживания, осмысления, отношений, саморефлексии, моделирования и «преодоления» открытой экзистенциальной перспективы.

Таким образом, духовность в широком понимании - высший уровень культурного развития, характеризующий собственно человеческое в данном человеке, способность руководствоваться в своем поведении высшими ценностями социальной общественной жизни. Духовность открывает человеку путь к любви, совести и чувству долга; к праву, правосознанию и государственности; к искусству и художественной красоте, к молитве и религии.

Согласно проделанному анализу понятия «духовность», опираясь на частоту употребления, отдельные его признаки можно расположить в такой последовательности: свобода, добро, стыд, жалость, любовь, творческая активность, истина, разум, воля, интеллект. Ядром духовности считается «нравственность». Отсюда, становится очевидным, что современное образование и воспитание должно стремится к развитию духовности молодежи, будущих специалистов в разных сферах деятельности.

[141] Зинченко, В.П. Сознание как предмет и дело психологии // Методология и история психологии. 2006. Том 1. Выпуск 1. С. 207-231.

# ЮНОН ВА ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИДАГИ БИЛИШ МУАММОСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

***(Беруний ва Ибн Сино карашлари мисолида)***

**Шамсутдинова Н.К.**– НавДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси докторанти , Навоий

**Abstract** The report provides a comparative analysis of the problem of epistemology in ancient and Sufi philosophy on the example of the views of Beruni and Abu Ali Ibn Sina.

Жаҳон фанининг энг йирик вакиллари қаторидан ўрин олган, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз илмий мероси бир неча асрлардан бери ўзига нисбатан катта қизиқиш уйғотиб келмоқда ва ҳозирги замон илм-фани ва маданий тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг илмий ютуқлари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқларининг қадимдан ривожланиб келган бой ва кўп қиррали илмий-маданий анъаналарини, ўз даврида бошқа халқлар эришган муҳим илмий натижаларни умумлаштириш билан бирга жаҳон фанига улкан кашфиётлар бўлиб кирган ва унинг алоҳида муҳим ривожланиш босқичини белгилади. Шу даврда қатор омиллар таъсирида Мусулмон Шарқида ижтимоий-маънавий юксалиш, илмий тараққиёт, шаҳарлар, шаҳар маадниятининг ривож топиши ва бошқа тараққий этишнинг аломатлари кузатилади.

Оламни билиш масаласида Ибн Сино юнон ва тасаввуф фалсафасидаги фикрини қиёсий таҳлил қиладиб, улардаги умумийликни аниқлайди. Ушбу фалсафий таълимотларда билиш аслида унутилган нарсаларни хотиралашдир деб тушунган Абу Али Ибн Сино.

Маълумки, хотирлаш жоннинг танадан-танага кўчиши билан боғлиқдир. Ҳиндлар танадан-танага кўчишни “инкарнация”деб аташса, юнонларда буни “метампсихоз” деб атайдилар. Бу фикрларнинг барчасида билиш воқеликни инсон онгидаги инъикоси эмасдир, балки олдинги ҳаётдаги жоннинг таассуротлари ва хотираларидир. Жон бошқа танага ўтгандан кейин хотирадаги билим қайтадан жонланади ва эсга тушади. Ҳиндларнинг фикрича, билиш қобилияти мия билан боғлиқ бўлмай, балки билиш-бу жоннинг фаолиятидир. Жон танага кирганида тананнинг моддий эҳтиёжлари жоннинг нурини хиралаштиради ва ундаги эслаш қобилиятини пасайтиради. Бу борада Беруний ҳиндларнинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Жон моддадан ажралса, илмли бўлади, моддага кирса булғаниб илмсиз бўлиб қолади; ўзини фоила(яъни ишловчи) ва дунё ишлари ўзи учун белгилаб қўйилган деб гумон қилиб дунё ишларига тутинади; сезилувчи нарсалар унда нақш олади, бадандан ажраганида унда сезилувчиларнинг излари қолади, ундан тамом ажралиб кетмайди; жон моддага муштоқ бўлиб, унга яна қайтади ”. Ҳиндларда яна шундай дейилади:” Расо олим бўлган киши инсонларнинг энг фазилатлисидир; чунки у тангрини, тангри эса уни дўст тутади; у, қайта-қайта ўлиб тирилган; у бутун умрида камолотни талаб қилиб, ниҳоят унга етишган”.

Билиш масаласида Беруний ҳиндларнинг фикрини юнонлар фикрига ҳам ўхшашлигини кўрсатади ва Суқротнинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Жон (баданда) бўлиб турганида бизнинг илм ўрганишимизни (қайтадан) эслашдан бошқа нарса бўлмайди. Чунки жонларимиз шу инсонлик сувратига айланишдан илгари бирон жойда бўлган. Агар одамлар болалик чоғларида ишлатиб, одатланган нарсаларни бировда кўриб қолсалар, бундан таъсирланиб, ёшликдаги ишларини эсга келтирадилар. Демак, унутиш билимнинг кетишидан, илм эса, жоннинг баданга киришидан илгари ўрганганини эслашдан иборатдир.”

Ибн Сино эслаш жараёнининг заифлашиш сабаблари жоннинг танага кириши билан боғлиқдир. Жон танага кирганида унинг хотираси заифлашади. “Эслаш ва унутиш сўзлагувчи жонга хос ишлардир. Сўзлагувчи жоннинг ҳамиша мавжудлиги аниқ. Шундай бўлгач, унинг ҳамиша ҳам илмли бўлиб, баданга кирганида илмни унутади. Чунки сўзлагувчи жон бадандан ажраганида ақл макони бўлиб қолаверади. Жон баданга кирганида (бадан) унинг устидан куч билан бир қадар ғалаба қозониб, маконлик мартабасидан пастга туширадилар.”

Масалан Жалолиддин Румий ўзининг “Ичингдаги ичингда” асарида ақл қул ҳақида гапирар экан, унинг инсон қалбида яширинган деб таъкидлайди. Унинг фикрича, бу билим жонга хосдир. Зоҳирий, яъни дунёвий билимларда мавжуд бўлган барча фикрлар ақли қулда ҳам бордир. Лекин ақли кул оддий одамларда яширинган ҳолатда мавжуд. Уни юзага чиқариш учун тасавуфда тўртта босқич мавжуддир.

Ибн Сино ақл тана билан бевосита боғлиқдир ва инсон ҳаёти давомида шаклланиб боради. Ақлий билим ҳам жонга хизмат қилиши керак. У, яъни ақлий билим жонни ўз-ўзини англаши учун ёрдам бериши керак. Мутафаккир фикрини тахлил этиб, ақлнинг энг яқин ёрдамчиси фикр ва табиат, энг узоқ ёрдамчиси бешта сезги эканлигига амин булиш мумкин. Сезгилар билинганлардан бир бўлагини фикрга етказса, фикр уни сезги янглишишлардан тозалаб, ақлга топширади. Ақл уни умумий (илм)га айлантиради ва буни нафсга билдиради, нафс шу билан олимликка айланади.

Юқоридагилардан кўринадики, юнон, ҳинд ва сўфийлик мазҳабидагиларнинг фикрича, тафаккур инсоннинг ҳаёти давомида шаклланиб боради ва унинг асосий вазифаси инсоннинг моддий оламга мослашишига ёрдам беришдир. Жондаги билим эса руҳий тусга эга бўлиб, инсоннинг ҳаёти давомида шаклланмайди, балки туғилиб бешикка беланиши биланоқ ҳосил бўлади.

Ҳинд, юнон ва сўфийлик мазҳабидагилрнинг фикрича, тафаккур инсоннинг жонига, қалбига хизмат қилиши керак.

XX асрнинг бошларида ижод қилган француз файласуфи А.Бергсон асарларида интеллект билан бир қаторда интуицияга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. А.Бергсон интеллектни интуиция тўлдириб туриши керак деб ҳисоблаган ва интуитив билимни спонтан образли хотира билан боғлаган. Унинг фикрича, интуиция кўпроқ ички кўриш қобилиятига асосланади ва шу қобилият орқали интеллектнинг чегаралари кенгаяди.

Беруний ҳам ўтмишда ўзининг “Ҳиндистон” асарида юнон, ҳинд ва суфия мазҳабидагиларнинг билим ҳақидаги фикрларида рационаллик билан бир қаторда иррационал дунёқараш мавжуд эканлигини кўрсатиб берган.

Демак, Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ғоялар бутун жаҳон фани ва фалсафаси, умуман Ер юзидаги цивилизацион ривожланишга туртки бериб келган бўлиб, ҳозирги замон фанида қўлга киритилаётган ютуқларда бевосита ёки билвосита ўз ўрнига эгадир. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан илгари сурилган табиий-илмий ва ижтимоий сиёсий ғоялар ўз моҳиятига кўра ҳозирги давр жамиятини ривожлантириш ва илм-фанни янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга этиб, бу ғоялардан инсоният бевосита ёки билвосита фойдаланиб келмоқда.

## ЕВРОПА РЕНЕССАНС ДАВРИ ТАРАҚҚИЁТИДА НАСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ ЎРНИ

**БухДУ “Миллий ғоя,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси мустақил тадқиқотчиси Абдуллаева Феруза Шариповна**

**Abstract:** In the following article the author makes discourses on the life and the creations of the great scholar of the 13th century Nasiruddun Tusi, at the same time mentioning his discoveries in mathematics and astronomy, gives information on the construction of the obsetvatory of Maragha, also reminds of the contribution of the philisopher to the development of the science in Europe.

**Keywords:** East, philosophy, school, ethics, scholar, heritage, science

IX-XIII асрлар Яқин ва ўрта Шарқ ўз даврининг илғор илмий фикрлаш маркази бўлган. Бу вактда дунёнинг ушбу қисмида фалсафа, математика ва астрономия каби фанларнинг ривожланишида таниқли олимлар жуда катта ҳисса қўшлганлигини айтиш мумкин. Жумладан, Мусо Хоразмий, Бируний, Ибн Сино, Умар Ҳайям ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга илм-фанни ривожлантиришда юқорида тилга олинган буюк алломалар қатори ўз ўрнига эга бўлган, ўзининг “олтин қатими ”билан математика, астрономия, педагогика, фалсафа, мантиқ, биология ва бошқа кўплаб асарларни бирлаштира олгин шахс, буюк олим Насириддин Тусийдир.

Тусий каби нодир олимлар ҳар бир миллатнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Файласуф ҳақиқаттан ҳам илм оламининг шоҳи эди. Алломанинг вафот этганига VIII асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам унинг илмий мероси ҳанузгача ўрганилиб келинмоқда.

Насириддин Туси 1201 йилнинг 18 февралида Хуросоннинг Тус шаҳрида туғилган. У биринчи маълумотни гуманитар ва аниқ фанларни ўрганишни отаси ва амакисидан олган. Аллома 21 ёшда бўлганида ёш бўлишига қарамай исломни жуда яхши билганлиги учун узтози Муаддин Салим Мисри унга Ҳадисни ўқишга рухсат берган ва атрофдагилар ҳурмат белгиси сифатида унга ҳожа деб

мурожаат қилишган. Насириддин Тусий Бахманиёрлар мактабининг таниқли издоши бўлган. 1235 йилда 34 ёшли файласуф бутун дунёга танилган машҳур асари “Аҳлоқи Носири”асарини ёзади. Бундай асарни фақат ноёб қобилиятга эга бўлган шахс ёзиши мумкин эди. Тусий ушбу асарда ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларини батафсил тушунтиришдан ташқари, умумий фалсафий масалаларга ҳам тўхталиб, инсон табиатининг турли қирралари, фазилатлари, инсонни такомиллаштирадиган фазилатларни ҳам ўрганган.[142]

Кўҳистонда исмоилийлар ҳукмдори Насириддин Муҳташамэрксевар муаллифнинг ушбу асаридан ғазабланади ва уни қўлга олиб, тоғли Аламут қалъасида қамоқда сақлаган. Файласуф бу ерда 20 йилдан ортиқ вақтга қадар сургун этилган шахс сингари жуда ёмон шароитда ўтирган. Аммо бундай тутқинлик кучли ирода эгаси ҳисобланган Тусийнинг илм-фан билан шуғулланишга бўлган қизиқишини сўндира олмайди. 1253 йилда Чингизхоннинг невараси Ҳулогу хон Яқин Шарққа ҳарбий юриш қилиб, Аламут қалъасини забт этади ва у ерда қамоқда сақланаётган Насириддин Тусий ва бошқа олимларни озод этади. Ҳулогу хон Бағдодни қўлга олгач, 1260 йилда Озарбайжонни ўзининг бепоён давлатининг марказига айлантиради. Беш юз йиллик аббосийлар ҳукмронлиги шу тариқа тугатилади.[143]

Файласуф олим Тусийнинг жаҳон илм-фани ва маданиятини тараққий этишдаги яна бир энг муҳим хизматларидан бири Мароға расадхонасини қурганлигидадир. Расадхонада 400мингга китобга эга бўлган кутубхона ва ушбу илмий марказ ходилари учун мактаб мавжуд эди. Шу билан бирга расадхона яқинида фаолият юритган мадраса ўша даврдаги барча билим соҳаларини, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий таълимотларни ўрганган.

Мароға расадхонасидаги илмий ишлар ва астрономик кузатувлар натижасида Насириддин Тусий “Илхонийлар астрономик жадваллари” номли асарини яратди. Ушбу асарда сайёраларнинг геоцентрик орбиталарининг асосий элементлари берилган бўлиб, уларнинг ўртача кунлик ҳаракати ўз вақтида ва ҳатто VII аср астрономик кузатувларига қараганда жуда аниқ кўрсатилган. Бундан ташқари асарда математик, астрономик ва географик жадваллар ҳам мавжуд эди. Айнан ушбу асари билан Тусийбутунжаҳон астрономияси тарихига ўз номини қолдиришга муяссар бўлди.

Насириддин Тусийнинг илмий кашфиётлари ва асарлари нафақат Шарқда, балки Европада ҳам геометрия, тригонометриянинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Жумладан, файласуфнинг илмий кашфиётлари француз математики Лежандр, инглиз математики Уоллис ва италиялик олим Сакчернинг ишларига катта таъсир ўтказганлигини таъкидлаш мумкин.

Насириддин Тусий математика, физика, тиббиёт, фалсафа, аҳлоқ, мантиқ ва астрономия бўйича юздан ортиқ жиддий илмий асарларнинг муаллифи бўлишига қарамай, тадқиқотчиларалломани Биринчи навбатда буюк математик бўлган деб ҳисоблашади. 1594 йилда Римда араб ва кейинчалик лотин тилларида таржима қилиниб нашр этилган “Таҳрири-Оглидис”(Евклид бошланмасининг тавсифи) Насириддин Тусийни Европада янада машҳур қилди. Бундан ташқари олимнинг тўртбурчак ҳақидаги беш жилддан иборат рисоласи ҳам Европада тригонометриянинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Шу асосда жаҳон илм-фан тарихида биринчи маротаба тригонометрияга мустақил фан соҳаси сифатида ёндашилди. Ушбу рисола инглиз, рус ва француз тилларида ҳам таржима қилинган ва ушбу соҳа мутахассислари учун бебаҳо манмага айланган.[144]

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда файласуфнинг илмий меъросини ўрганадиган маънавий фарзандлари ўн минглаб бўлиб, уни барча миллат вакиллари ҳурмат қилишади, эслашади ва катта эҳтиром билан севадилар.

[142]Ганира ПашаеваНародный фронт. - 2009. - 18 февраля. - С.7-11.http://www.anl.az/down/meqale/

[143]Чингиз Каджар. Выдающиеся сыны древнего и средневекового Азербайджана. Издательство “Азербайджан” Баку-1995. с.90

[144]Гюльшан Мехтиева Великий мыслитель Востока - Насреддин Туси Аналитическая группа «AzerbaijanRealities»

## SHARQ TAMADDUNI – G'ARB VA SHARQ O'RTASIDAGI KO'PRIK

**Muqimova S. –NavDPI.**

**Annotatsiya:** Sharqda IX-XII asrlarda o’z mavqeini yanada mustahkamlashga muvaffaq bo’lgan islom dini ijtimoiy, siyosiy hayotni o'ziga bo'ysindiribgina qolmay, u bilan uyg’unlashib ham ketdiki, bu hol bu yerdagi jamiyatning jipslashuviga, fan va madaniyatning gullab-yashnashiga yordam berdi va shu bilan birga Sharq Uyg’onishining tamal toshi qo’yilishiga imkon yaratdi. "Renessans" atamasi dastlab Italiyadagi madaniy-ma’naviy yuksalish (XIV-XVI asrlar)ga nisbatan qo‘llanilgan, uni o‘rta asrchilik turg‘unligidan yangi davrga o‘tish bosqichi deb baholaganlar. O'sha davrlarda Sharqda yetuk qomusiy olimlar paydo bo'lganki, dunyo dunyo bo'lib hali ularning ixtiro va asarlariga duch kelmagan va haligacha u darajaga teng kelolmaydi.

**Kalit so’zlar**: Islom dini, sivilizatsiya, qomusiy olimlar, ilm-fan, madaniyat.

Annotation: Islam, which managed to strengthen its position in the East in the 9th-12th centuries, not only subjugated public and political life, but also harmonized with it, which contributed to the consolidation of society, science and culture. And at the same time laid the foundation of the Eastern Renaissance. The term "Renaissance" was originally applied to the cultural and spiritual upsurge in Italy (fourteenth and sixteenth centuries) as a period of transition from medieval stagnation to a new era. At that time, encyclopedic scholars appeared in the East and the world scientists had not yet encountered their inventions and works, and still could not reach that level.

Keywords: Islam, civilization, encyclopedic scholars, science, culture.

Аннотация: Ислам, сумевший укрепить свои позиции на Востоке в IX-XII веках, не только подчинил себе общественную и политическую жизнь, но и гармонизировал с ней, что способствовало консолидации общества, науки и культуры. И одновременно положил начало Восточному Возрождению. Термин «Возрождение» первоначально применялся к культурному и духовному подъему в Италии (четырнадцатый и шестнадцатый века) как период перехода от средневекового застоя к новой эре. В то время на Востоке появились энциклопедисты, и мировые ученые еще не сталкивались с их изобретениями и работами. И все равно не смог достичь этого уровня. Ключевые слова: ислам, цивилизация, энциклопедисты, наука, культура.

Diniy e’tiqod insoniyat tarixining barcha bosqichlarida ma’naviy-madaniy hayotning muhim bo’lagi sifatida barcha mamlakatlar va jamiyatlarning ma’rifiy, iqtisodiy, ijtimoiy taraqqiyotiga bevosita yoki bilvosita o’z ta’sirini ko’rsatib kelgan.

Islom dinining paydo bo'lishi va uning sivilizatsiyasi dunyo madaniyati va ma'rifati rivojiga o'z ta'sirini o'tkazdi. Islom Sharq va G'arb sivilizatsiyalari o'rtasida o’ziga xos ko'prik vazifasini o'tagan: Sharq mamlakatlarining tarix, geografiya, algebra, adabiyot fanlarida erishayotgan yutuqlari va musulmonlarnung hayot tarzi, kiyinish madaniyati, muomala odobi, asosan, savdo karvonlari orqali g'arb mamlakatlariga beixtiyor singib boraverdi. Sharqda IX-XII asrlarda o’z mavqeini yanada mustahkamlashga muvaffaq bo’lgan islom dini ijtimoiy, siyosiy hayotni o'ziga bo'ysindiribgina qolmay, u bilan uyg’unlashib ham ketdiki, bu hol bu yerdagi siyosiy rejimlarni zaiflashtirish u yoqda tursin, aksincha, ularning sezilarli darajada mustahkamlanishiga, jamiyatning jipslashuviga, fan va madaniyatning gullab-yashnashiga yordam berdi va shu bilan birga Sharq Uyg’onishining tamal toshi qo’yilishiga imkon tug’dirdi. Islom vujudga kelgan davrda din siyosatdan, huquqdan, falsafadan ajralmagan holda edi. Tarixda, shu jumladan, g’arblik tarixchilarning yozishicha musulmonlar yer yuzida tarqalib, xalqlarga Islom da’vatini yetkazganlar. Shu bilan bir vaqtda o’sha yerdagi o’zlari uchratgan ilm-fan, madaniyat va san’atni o’rganganlar. Professor Sedilat o’zining “Arablar tarixi” kitobida shunday deydi: “Musulmonlar o’rta asarlarda ilm, fan va falsafada yagona edilar. Ular bu narsalarni qadamlari qayerga yetsa, shu yerga tarqatdilar. Bu narsalar ular orqali Ovrupoda ham tarqaldi. Ovruponing uyg’onishi va taraqqiyotining asosiy sababchilari ham musulmonlardir”.

Uyg‘onish davri (Renessans) -Markaziy Osiyo, Eron, Xitoy, G'arbiy Yevropada (IX-XII va XV-asrlarda) yuz bergan alohida madaniy va tafakkuriy taraqqiyot davri. "Renessans" atamasi dastlab Italiyadagi madaniy-ma’naviy yuksalish (XVI-XVI asrlar)ga nisbatan qo‘llanilgan, uni o‘rta asrchilik turg‘unligidan yangi davrga o‘tish bosqichi deb baholaganlar.

O'sha davrlarda Sharqda shunaqangi yetuk qomusiy olimlar paydo bo'lganki, dunyo dunyo bo'lib hali ularning ixtiro va asarlariga duch kelmagan va haligacha u darajaga teng kelolmaydi.

VIII asrda islom ilm dunyosi markazi Bag'dodda xalifa Xorun ar- Rashid davrida ilm-fan gullab yashnay boshladi. Hozirgi davr Oksford va Kembridjlari teng kelolmaydigan dorilfunun “Bayt-ul hikma” tashkil etilib, unga Hindiston, Yunoniston, Forsdan kitoblar keltirildi, tarjima ishlari boshlandi. Bu ilmiy jonlanish qariyb besh asr davom etgan. Musulmonlarning ilmga bo‘lgan muhabbati, g‘ayridinlarga bo‘lgan bag‘rikengligi tufayli ham yaxshi o‘rganildi. Xorun ar-Rashid Fransiya qiroli Katta Karlga g‘aroyib soat sovg‘a qiladi. Soat xona devoricha bo‘lib, suv quvvati bilan yurardi. Har soatda undan musiqa ohangi taralardi. Soatdan otliq haykalcha chiqib, aylanadi, so‘ngra yana joyiga qaytib kirardi. Bu soat haqida ma’lumotlar arab va ajam manbalarda keltirilgan. Podshoh va a’yonlari soatni ko‘rib qattiq hayratlanishadi. Saroy rohiblari esa soat ichida shayton bor deb o‘ylashadi, kechasi soatni sindirib ichini ochib ko‘rishadi, lekin "shayton"ni topa olishmaydi.

Ushbu akademiyada turli mamlakatlardan kelgan olimlar, jumladan, Markaziy Osiyodan Ahmad al Farg‘oniy, Muhammad Xorazmiy akademiya faoliyatiga mas'ul edilar. Xorazmiy asarlari XII asr boshidayoq Yevropa shaharlariga kirib borgani ma’lum. Yevropa idoralarida meros taqsimlashda, vasiyatnoma tuzishda, mol taqsimlashda, adliya ishlarida, savdoda va har qanday bitimlarda, shuningdek, yer o‘lchashda, geometrik misollarda,kanallar o‘tkazishga doir muammoli vaziyatlarni yechishda namuna sifatida qo'llashgan. Kitoblarga ehtiyoj kuchayganidan so‘ng ular lotinchaga tarjima qilingan. Xorazmiyning „Algebra“, „Arifmetika“, „Geografiya“si va „Zij“i XVI asrgacha G'arb universitetlarida darslik vazifasini o‘tagan. Xorazmiy asarlari o‘sha davrlarda Hindistonga ham olib ketilgani haqida dalillar mavjud. Xorazmiy boshlagan bu an’ana keyinchalik Leonardo da Vinchi, Lomonosov, Leybnits kabi olimlar tomonidan davom ettirilgan.

Beruniy ilk o'rta asrlarning buyuk qomusiy olimlaridan edi. Uning buyukligi o‘sha davrning deyarli barcha fanlariga qo‘shgan betakror ilmiy merosida namoyon bo‘ladi. G'arbda Beruniy asarlari Quyosh, oy tutilishi, galaktika dunyo xalqlari etnografiyasi, texnika, xaritalar yaratish, tibbiyot, farmatsevtika, falsafa, mantiq fanlarini o'rganishda foydalanilgan. Yevropada Beruniyning salohiyatiga mashhur sharqshunos olim I.Yu.Krachkovskiy „U qiziqqan ilm sohalaridan ko‘ra qiziqmagan sohalarini sanab o‘tish osondir“ deb baho bergan edi. G‘arb tadqiqodchilaridan M.Meyerxoff esa „Beruniy musulmon fanini namoyish etuvchi qomusiy olimlarning eng mashhuri bo‘lishi kerak“ degan fikrni bildiradi.Beruniyni chinakam o‘rta asrlar Sharqining ilm-fan qomusiy olimi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Amerikalik tarixchi Dj.Sarton buyuk olim haqida: “Astronomiya va matematika, astrologiya va jo‘g‘rofiya, antropologiya va etnografiya, arxeologiya va falsafa, botanika va minerologiya uning buyuk nomisiz qashshoqlashib qolgan bo‘lardi” degan.

Yevropaliklar keyinchalik, tibbiyot, dengizchilik va boshqa sohalarda bu ilmiy asarlarda erishilgan natijalardan ko‘p foydalandilar.

Islom sivilizatsiyasi olimlari kimyo fani rivojini boshlab berdilar. Ko‘pgina moddalar va jarayonlar ustida tajribalar o‘tkazgan olimlar umumiy tamoyillarini ifodalaydigan keng qamrovli nazariyalar yaratdilar. Bular o‘z navbatida tibbiyot rivojlanishiga jiddiy turtki bo‘ldi. Og‘riq qoldiruvchi moddalar yordamida birinchi marta islomiy tabiblar jarrohlik operatsiyalari o‘tkazganlar. Zakariya ar-Roziy (865—925) hatto chechak va qizamiqni samarali davolagan. Islom Sharqida dorishunoslar tayyorlaydigan o‘z davrida yagona bo‘lgan o‘quv yurti faoliyat ko‘rsatgan. Tabiblik qilish uchun tegishli sertifikat bo‘lishi tartibi o‘rnatilgan. Tabiblar iqlimning ta’siri, gigiyena va ovqatlanish muammolari bilan shug‘ullanishgan. Musulmon okulistlari ko‘z kasalliklarini jarrohlik yo‘li bilan davolaganlar.

Abu Ali Ibn Sino (980—1037) nafaqat islomiy sivilizatsiya doirasida, balki insoniyat hayoti o‘rta asrlar davrida universal bilim sohibi bo‘lgan. Uning tibbiyotga oid 43 ta asar yozganligi ma’lum. “Tib qonunlari” asari Yevropada 600 yil davomida yagona tibbiy darslik va qo‘llanma bo‘lgan. Bu asar ko‘p jihatlari bilan hozir ham o‘z ahamiyatini saqlab kelmoqda.

Aniq fanlar va ularni o’rganish usullarini, dehqonchilik va chorvachilik ilmlari, dengizda suzish, harbiy texnikani Yevropa Sharqdan olib rivojlantirdi. “Matematika, kimyo, tibbiyot sohasida musulmonlarning xizmati buyuk... bu fanlarda musulmonlar Yevropaning muallimlari bo’lib qoldilar” (G. Gerder) Sharqda ham, G’arbda ham uyg'onish davri insoniyat taraqqiyotining benazir davridir. Uyg'onish davri ijodkorlarining ilmiy va adabiy asarlari hozirda ham ma’naviyatimiz yuksalishiga xizmat qilib kelmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзиёев Ш. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби. 15.06.2017.
2. “Ўзбекистон Ресрубликаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Ресрубликаси Ррезидентининг қарори. 23.06.2017.
3. Ўзбекистон Ресрубликаси Ррезиденти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. 10.09.2017.
4. Ўзбекистон Ррезиденти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи. 19.09.2017.
5. Мирзиёев Ш. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. 18.10.2017.
6. Sulaymonova F. Sharq va G’arb. – Toshkent: O’zbekiston, 1997.
7. Zamaxshariy M. Oltin shodalar. – Toshkent, 2010.
8. Hoji Ismatulloh Abdulloh. Markaziy Osiyoda Islom madaniyati. – Toshkent: Sharq, 2005.
9. uz.Wikipedia.org
10. Ўзбекистон миллий энциклоредияси. У ҳарфи. www.ziyouz.com кутубхонаси.

## АНТИК ДАВР ЮНОН НЕОПЛАТОНИЗМДАГИ ВА ЎРТА АСР АРАБ-МУСУЛМОН ТЕОЛОГИЯСИДАГИ ЭРКИНЛИК ФЕНОМЕНИНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК ТАҲЛИЛИ

**Рахимджанова Дилнавоз Суннат қизи**
**Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти**

**Resume**

This article analyzes the problem of freedom in the teaching of the Greek Neoplatonism and the Arab-Muslim theology. And also, their views was compared. Their doctrine about freedom was considered thoroughly. Greek Neoplatonism’s and the Arab-Muslim theology’s linkage was substantiated in this article.

Дунёдаги барча ривожланишлар, ўзгаришлар айнан эркинлик заминида амалга ошмоқда. Тадқиқотчиларнинг эркин фикрлаши, олимларнинг ихтироларни эркин яратиши, ёшларни ўз инновацион ғояларини эркин билдиришлари дунё юзи ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Жумладан, эркинлик феномени тарихий ўзгарувчан ва кўп вариантли ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир янги турида эркинликни маданият, фан, технология, нуфузли қадриятлар, идеаллар ва нормалар ривожланиши даражасига қараб доимо янги талқини ишлаб чиқилади. Эркинлик тушунчасини нафақат қайта намоёни, балки дунёқараш парадигмаларидаги эркинлик категорияси акси, унинг ижтимоий субъектлар орқали англаниши ҳам ўзгаришга учрайди. Эркинлик маданият универсалияси сифатида маълум бир ижтимоий нормаларни, ўз-ўзини англашни ва мулоқотга киришишни кодлаштириш воситаси ҳисобланади. Шундай экан, эркинлик тушунчасини концептуал шакллантириш, унинг тарихий ривожини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Демак, ушбу мақолада эркинлик тушунчасини ғарбдаги неопллатонизм вакиллари ҳамда шарқдаги араб-мусулмон фалсафаси уламолари қарашларини компаративистик таҳлили орқали очиб беришга ҳаракат қилинади.

Неоплатонизм вакиллари ўзининг фалсафий тизимида Эзгуликни “мутлақ эркин ҳаракат” сифатида тушунади. Шунинг учун “эркинлик” деганда нимани назарда тутганини тушунмасдан туриб неоплатонизмнинг илк ибтидо борасидаги концепциясини тўғри англаб бўлмайди. Аммо, неоплатонизм эркинлик деганда нимани назарда тутганлигини тушуниш анча мураккаб вазифадир, бунинг оқибатида эса, ҳозирги фалсафа тарихчилари ўртасида бир бирини рад этадиган кўплаб фикрлар учрайди. Эркинлик ғоясини ҳисобга олган ҳолда неоплатонизм тизимининг ҳар бир моҳияти концепцияси барпо этилади, бироқ неоплатонизм тизимидаги барча “даражалардаги” “эркинликка” хос бўлган умумийликни ажратиб олиш осон эмас, бусиз биз ҳар бир “даражадаги” “эркинлик” нима эканлигини, шу жумладан, илк ибтидонинг “мутлақ эркинлигини” нима эканлигини тушуна олмаймиз. Шу боис, неоплатонизм эркинлиги концепциясини аниқлаштириш унинг тизимини янада тўлароқ баён қилиш ва тушунишга имкон беради.

Ақл мулоҳазасидаги [VI,8,3,22–23][145] эркинлик даражасини юқорилигига қарамасдан неоплатонизм Ақл эркинлигини тўлақонли деб айтолмайди. Ақл эркинлигининг чегаралангани унинг Ақл бўлиши учун эйдослар билан "тўлдирилиши"да Ягоналикликка мухтожлиги орқали ифодаланади. Бундан ташқари, Ақл "экзистенциал" бўлиб, Ягоналикликка мухтож. Агарда у бошқа нарсага боғлиқ бўлганда эди, унда у мавжуд бўла олмасди. Ҳозир биз Ақл эркинлиги абсолют эмаслигига қарамасдан "эрк" тушунчаси талабларини қондира олиши тўғрисида фикр билдирамиз. Ҳақиқатан ҳам, Ақлни бирон бир нарса мажбурламайди [VI,8,3,23–25]; Ақл билими мукаммал [VI,8,2,34–36]; Ақл иродаси унинг тафаккури билан айнан [VI,8,6,36–38]; мулоҳаза қилишни амалга ошириш қобилияти Ақлдаги фикрласа бўладиган ва мавжуд нарсанинг айниятидан келиб чиқади [VI,8,3,22–23; V,4,2,45].

Кўриниб турибдики, Ақлдан фарқли равишда неоплатонизм учун Эзгу тўла эркин [VI,8,20,33–35] саналади ҳамда "эрк" тушунчасини қаноатлантиради. Чиндан ҳам, Эзгу бирон бир нарсага тобе эмас, хатто, ўзининг "моҳияти"га ҳам [VI,8,19,15–17]; Эзгу "юқори тафаккур" [VI,8,16,30–37] кўринишидаги ҳақиқий тафаккурдан [VI,8,6,38–39] айро эмас (демак, шу ўринда, билим[146] ҳам айрилмаган); Эзгунинг иродаси ўз ўзига айнандир [VI,8,21,14–15]; Эзгу ўзидан мулоҳаза қилинган, хоҳиш билдирилган нарсани бажаради, бунга сабаб Эзгу ўз иродаси билан келишган ҳолда ўз ўзини бунёд этади (фақат ўзини) [VI,8,21,16–19].

Бироқ Ягоналик ва Ақлдан ташқари яна учинчи асос (ипостась) ҳам мавжуд – Қалб[147]. Ақлнинг ҳамма эйдослари алоҳида "ақллар"нинг мазмуни саналса, унда улар ҳам Ақл сингари анчайин катта даражадаги эркинликка эга ёки неоплатонизм вакиллари таъкидлаганидек, улар "ўз-ўзига бош" саналади. Чунончи, барча қалблар Ақлда худди ўзиниг шахсий "уй"идек юрадилар, яъни чиндан ҳам улар Ақл дунёсида бўладилар, уларнинг ҳиссий дунёга ташрифлари қанчалик иллюзия эканлиги, Ақл дунёсидаги мавжудликларидан шунчалик фарқланади. Шундай экан биз қалбларни эркинлигини ҳам тан олишимиз даркор.

Шундай қилиб, неоплатонизм тизимида биз: 1. Ягоналик; 2. Ақл ва "ақл" сингари эйдослар; 3. Ипостас бўлган Қалб ва умуман барча қалблар эркинлиги тўғрисида гапиришимиз мумкин. Ҳатто, тафаккури бўлмаган жониворлар ва ўсимликларнинг қалблари жуда билинмас даражада бўлса ҳам неоплатонизм томонидан "эркин" деб аталиши мумкин. Чунки уларнинг "фаолияти" жуда "хира тафаккур" саналишига қарамай, уларда Ақлнинг эркин тафаккурини бир қисми сақланиб қолади. Шуни эътиборга олиш зарурки, неоплатонизм учун ҳиссий дунёда ҳамма нарса – ер, олов ва бошқалар жонланган, шундан келиб чиқиб, қанчадир эркинлик ҳамма нарсага хос. Фақат ҳиссий материя фаолият олиб боришдан ҳоли, эркинликдан тўлақонли маҳрум бўлган.

Энди эркинлик муаммосини шарқ араб-мусулмон фалсафасидаги ўрнига эътибор қаратамиз. Маълумки, уларнинг фалсафаси неоплатонизм фалсафий манбаларидан ҳам андоза олган. Уларни қиёслаш орқали эса мақоланинг олдига қўйилган мақсад бажарилади.

Араб-мусулмон теологияси ва фалсафасидаги эркинлик масаласи манбайи Ислом дини муқаддас китоби Қуръонга бориб тақалади. Унда тез-тез инсон Оллоҳга боғлиқлиги эслатиб ўтилади. Жумладан, масалан, "эътиқод-билим" масаласида мусулмонларнинг муқаддас китоби ҳам турлича талқин этилиши мумкин. Қуръонда фатализм (қисмат битиги) масаласи босқичма-босқич ва икки хил маъноли кўринишда шаклланмаган деб айтиб бўлмайди.

---

[145] Биз неолатонизм асосчиси Плотинни "Эннеадалар"ига келтирилган ихтибосларни қуйидагича бериб ўтамиз. Вергул орқали эннеадалар рақами (рим рақамларида), шу эннеададаги трактат рақами кўрсатилиб ўтилади. Агар зарурият туғилса, тўла ихтибос келтирилади – трактат рақамидан сўнг вергул орқали шу трактатдаги бобнинг рақами ҳамда тире орқали келтириб ўтилаётган фрагментлар ва айтилаётган фикрлар қаторининг рақами. Барча ихтибослар Анри-Швицер нашриётига йўналтирилган.

[146] Неоплатонизм чиндан "абсолют билиш" маъносида Эзгу "юқори билувчи"га мос деган фикрни қўллайди, аммо унинг нуқтайи назаридаги қийинчилик шундаки, у келтириб ўтилган "асолютизация" тушунчасини аниқ кўринишда ёритиб бермайди ҳамда тез-тез биринчи бошланғич атрибутларида "юқори" сўз бўлаги шунчаки "эмас" инкор маъноси деган фикрни уйғотади. Аммо бизнинг таъбиримиз бўйича неоплатонизм фалсафасидаги "мистик" қисмларидан чекинишимизга ҳамда унинг илк бошланғич эркинлиги ҳақидаги таълимотида топса бўладиган барча "ижобий" ва "рационал" нарсаларни юзага чиқариш учун "таърифланмас" илк бошланғични "ҳатто, инсоннинг (чегараланган) ақли учун ҳам ҳар қандай аспектда англанмас" нарса сифатида тушуниш имконини кўриб чиқишга ҳаракат қилишимизга тўғри келади.

[147] Бу ерда биз ўқувчиларга "асос" терминини қўллаганимизни тушунтириб ўтсак. Биз Ягоналик, Ақл ва Қалб "асослари"га ананавий ёндошамиз. Биз Ю.А. Шичалин [Шичалин Ю.А. К истории переосмысления термина hypostasis // Античная балканистика. М.: Наука, 1978. С. 60–62.] томонидан қилинган, жумладан, бундай қўлланалаш баҳсга сабаб бўлишини инобатга оламиз.

Ушбу вазият турли нуқтайи назарларни келиб чиқишига сабабчи бўлган. Мусулмон илоҳиёти бошиданоқ фатализм, яъни инсон фаолиятининг Худодан тўла боғлиқлик ва белгилаб қўйилганлик ҳақидаги таълимоти позициясини эгаллаган. XI аср охирларида аль-Ғаззолий ўзининг асосий ишларидан бири бўлган "Иҳйа улум ал-дин" ("Эътиқод ҳақидаги илмларнинг жонланиши") бу қарашларга фалсафий тус берган.

Етарлича бу муаммога бошқа нуқтайи назар ҳам вужудга келган. Агар ҳамма нарса Худо томонидан аниқланиб қўйилган бўлса, унда инсон ўзининг на эзгу ва на ёвуз фикрлари, сўзлари ва қилмишлари учун жавоб бермайди. Агарда барча нарса Худо томонидан аниқ белгиланиб қўйилган бўлса, унда дунёда мавжуд бўлган ёвузлик ҳам Худодан – ва айнан у инсонни азобларга мубтало этади.

Шу ва шунга ўхшаш муаммолар кўплаб баҳсларга сабабчи бўлган. Олдин қадарийлар[148], сал кечроқ мутазилийлар[149] (ҳаракат асосчиларидан бири Амир ибн Убайд (VIII аср)) инсондаги ирода эркинлигининг мавжудлиги ҳақидаги ғояни илгари суришни бошладилар.

Ушбу ёндашув тасаввуф фалсафаси доирасида ўз ривожини топди. Тасаввуф антропологиясига мувофиқ, инсон ўзида икки бошланғични мужассамлаштирган: олий – илоҳий ҳамда қуйи – ҳайвоний. Оддий заминий одамда иккинчиси устунроқ. Шу туфайли унинг олий мақсади – охир-оқибат тўла "илоҳийлик сиғими" тарзига айланиш, яъни ўзининг туб моҳияти билан Худога бирлашиб кетиш учун руҳий комилликка интилишдир. Умум қабул қилинган диний ва ижтимоий қонунлар ва қоидалар инсонга мақсадга етишиш учун ёрдам бермайдилар. Бу ерда тор сўқмоқдан ҳақиқий илоҳий борлиқ дунёсига олиб ўтувчи руҳий устоз (мурид), авлиё донишманд – Комил Инсон (ал-инсал ал-камил) муҳим саналади.

Тасаввуфнинг комил инсон тўғрисидаги таълимоти ақидавий ислом антропологиясидан икки принципиал тафоввутга эга.[150]

Инсон ўзининг субъектив руҳий тублари орқали Худога етишиб борувчи ички илоҳий табиатга (теософ айтганидек, илоҳий оташ учқуни) эга. Шу ўринда, Худо теистик илоҳиётчилар таъкидлаганидек, эришиб бўлмайдиган, чегарадан ташқари (трансцендент) табиий дунё чегарасидан ташқаридан жуда йироқ жойлашган мавжудот ҳисобланмайди.

Инсон Комил Инсон ҳолатигача тусланиши мумкинлиги борасидаги ғоясининг ўзи фатализм тезисини шубҳа остига солиб қўяди. Ахир, агарда, ҳамма нарса аниқлаштириб қўйилган бўлса, унда ўз-ўзини комилликка олиб бориш хатти-ҳаракати ўз маъносини йўқотади – "ҳамма нарса Оллоҳ иродаси билан".

Пантеистик тасаввуф вакили Ибн Арабий айтганидек, Худо нафақат барча учун умумий зарурият, балки реал имконият ҳам беради. Инсон мазмунида имконият – бу Худо томонидан ато этилган ирода эркинлигидир. Аммо фақат баъзиларгина ўзларининг руҳий татабиатлари орқали мустақил иродани (танловни) ва мулоҳазани амалга ошира оладилар. Барча бошқалар эса Устоз иродасидан юрмоқлари даркор. Мустақил танлов ва мулоҳазага бўлган ҳуқуқ – олий англаш ва руҳий ўз-ўзини ривожлантириш натижасидир.

Шу тарзда, тасаввуфда инсон ирода эркинлиги масаласи унинг руҳий ривожланиши ва руҳий устози тамойиллари муаммоси билан чамбарчас боғланган.

Как видно из приведенных примеров, в настоящее время ислам продолжает оказывать значительное влияние на жизнь афганского общества. Причем преобладающей сейчас является жесткая форма ислама, которая во многих аспектах схожа с религиозно-политической практикой талибов в период существования ИЭА. И вызвано это не проведением политики исламизации, как было при талибах, а действием других факторов. Это прежде всего политическая нестабильность, которая в течение уже нескольких десятилетий мешает наладить мирную жизнь в стране. Продолжение междоусобной борьбы между региональными лидерами, действия вооруженной оппозиции против правительства, отсутствие уверенности в завтрашнем дне усиливают религиозное сознание простых афганцев, многие из которых являются неграмотными и до сих пор в определенной степени подвержены влиянию религиозных деятелей, которым доверяют больше, чем политикам.

Важнейшим фактором усиления радикальных тенденций в исламе является присутствие военных контингентов США и их союзников по НАТО на территории Афганистана. Религия в этой ситуации становится объединяющим фактором перед лицом внешней силы - иностранных военных, которые воспринимаются многими афганцами как оккупанты. Американцы и военные из других стран ведут в Афганистане борьбу против талибов и их союзников, однако эта борьба уже давно приняла затяжной характер, в ходе боевых действий часто страдают мирные жители, все более заметны признаки усталости и растущего раздражения населения страны от нескончаемых антитеррористических операций, эффективность которых вызывает все больше сомнений.

При этом усиливается разочарование афганцев политикой западных стран, выступающих в качестве доноров в деле восстановления Афганистана. В развитие экономики и инфраструктуры вкладывается недостаточное количество средств, но наряду с этим процветают коррупция и нецелевое использование значительных сумм, выделяемых разными странами и международными организациями. У многих исследователей создается впечатление, что иностранные специалисты в Афганистане больше беспокоятся о собственной безопасности, чем о восстановлении и развитии этой страны. Все это вызывает реакцию протеста у афганцев.

**Список литературы**

[1] Конституция Исламской Республики Афганистан 2004 год

[2] Фарукшин М.Х. Этнокультурные и конфессиональные конфликты в современном мире: Учеб.пособие. — СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2007

[3] В.Я. Белокреницкий, Р.Р. Сикоев. Движение Талибана и перспективы Афганистана и Пакистана- Москва Ж ИВ РАН 2014

[4] Оливер Руа .Афганистан, ислам и политическая современность 1985

[5] Хайдаров А., Влияние исламского фактора на советско-афганские отношения. (1978-1990) гг.). // Канд. диссертация, Москва, 1991 г . 190 с

[6] Акмалов Ш.И. Проблемы и преспективы становления современного Афганистана/ Центральная Азия в 21 веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной когференции.-Т.: Шарк, 2004.-223 с

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ФАЗИЛАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Хажиева Максуда Султановна –**
**УрДУ “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор**

**Резюме:** Ушбу мақола толерантлик, бағрикенглик – ўзгарларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш эканлиги ҳамда толерантлик бу ўзгаларнинг фикри, қарашлари ва хатти-ҳаракатига пассив, табиий равишда буйсунишни англатиши ҳақида фикрлар баён этилади.

**Resume:** In this article, tolerance is described as tolerance for the way of life of others, their behavior, habits, feelings, opinions, ideas and beliefs, as well as tolerance as the ability of passive, natural perception and submission to the thoughts, views and actions of other people.

XX аср инсониятга катта ижобий ижтимоий-иқтисодий ютуқлар, яъни мустақил давлатлар сонининг ортиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқаро муносабатларининг интеграциялашуви кабилар билан бирга ҳал қилиниши зарур бўлган ижтимоий ва халқаро келишмовчиликларнинг оғир юкини, миллий биқиқлик, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм ва фундаментализм сингари салбий иллатларни ҳам мерос қилиб қолдирди. Буларнинг барчаси толерантлик маданиятини умумбашарий қадриятга айлантириш масаласининг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Толерантлик (лот.tolerantia – чидам, сабр-тоқат), бағрикенглик -ўзгарларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, чидамли бўлиш. Бу бир-бирига ўхшамаган одамларнинг бирга аҳилликда яшашидир. Бирор-бир инсонда ёки бирор-бир бегона маданиятда бизга нимадир ёқмаслиги мумкин, бироқ ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказмаса, жорий қонунларни бузмаса уларнинг мавжудлиги ва ривожланишини тан олишимиз керак. Яъни толерантлик бу ўзгаларнинг фикри, қарашлари ва хатти-ҳаракатига пассив, табиий равишда буйсунишни англатмайди. Балки алоҳида одамлар, турли гуруҳлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, ижобий ҳамкорлик йўлидаги фаол ахлоқий нуқтаи назар ва психологик ҳамкорликни англатади[156].

Толерантлик ҳар бир инсоннинг ўз фикри, нуқтаи назари, ҳар қандай бошқа маданият, дунёқарашни, эътиқодни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиши, турли миллат ва элат вакилларининг бирга, аҳилликда яшашга интилишидир. Толерантлик маданиятининг тарихий-маънавий негизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, Ўзбекистон халқининг миллий менталитетига хос бўлган мазкур қадрият ўзида ҳам умуминсоний, ҳам минтақавий ва миллий жиҳатларни чабарчас боғлиқликда акс эттиради. Биринчи президентимиз, Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Минг йиллар давомида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди...

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийдар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар... Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали – Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизида ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас”[157].

Дунё давлатлари орасида Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб умумбашарий тавсифга эга мазкур муаммони ҳал этишга доир концептуал-назарий асослар яратилди ва тизимли тарзда амалиётга татбиқ этиб борилмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “... мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”[158]. Мазкур эзгу мақсадни ҳаётда ўз исботини топишида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Худди шунингдек, узлуксиз таълим жараёнида ёшларда ҳам толерантлик фазилатини шакллантириш миллий тарбиямизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Замонавий шарт-шароитлар ўсиб келаётган авлодни хилма-хилликка чидамли, бошқа фикрларни эшита олиш ва уларни ҳурмат қилиш, бир сўз билан айтганда, толерантлик руҳида тарбиялашни тақозо этади.

---

[156] Қаранг: Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.260-261; Тарбия: (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). / Тузувчи М.Н.Аминов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.416-417.

[157] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.528-530

[158] Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.10.

Толерант хулқ-атворга эга шахсни тарбиялаш масаласига қадимги даврларданоқ, алоҳида эътибор қаратиб келинган. Эркинлик, инсон шахсига ҳурмат, унинг индивидуаллиги каби қадриятлар тизими билан боғлиқликда мазкур фазилат ноёб ҳодиса сифатида энг қадимги даврлардаёқ, юзага келган.

Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланган "Авесто"да мазкур фазилатнинг моҳияти батафсил ёритиб берилган. "Авесто"даги ахлоқий тарбиянинг асосини терисининг ранги, тили ва яшаш манзилидан қатъий назар покният, ҳалол, қалбан соф инсонларни тарбиялаш масаласи ташкил этади. Шунингдек, ислом динининг муқаддас манбалари "Қуръони Карим" ва "Ҳадиси Шариф"ларда ҳам инсоннинг бағрикенглиги, меҳр-мурравват кўрсата олиши каби сифатлар улуғланади. Масалан, ҳадисларда бошқа динларга мансуб бўлган кишиларга тазйиқ ўтказиш, қоралаш катта гуноҳ экани айтилиб, одамларни бундай иллатлардан йироқ юришга даъват этилади: "Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан саваланади"[159].

Фалсафа фанлари доктори Г.Наврўзова Абдулхолиқ Ғиждувоний асарлари асосида бағрикенгликни қандай намоён бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ёшлар тарбиясида толерантлик маданиятини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

1. Инсоний бағрикенглик – инсоннинг бутун борлиққа муҳаббати ва уйғун ҳаракати.
2. Оилавий бағрикенглик – оила эшигининг ва оила аҳли қалбининг очиқлиги, меҳмоннавозлик, меҳрибон ва ғамхўр бўлиш.
3. Махаллий бағрикенглик – қавм-қариндош, қўни-қўшни, турли дин ва миллат вакилларининг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўзаро ёрдам қўлини чўзиб яшаши.
4. Эл-юрт бағрикенглиги – мамлакат аҳли бир-бирининг урф-одат, эътиқод, ғояларни тан олиб, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.
5. Халклар ва миллатлараро багрикенглик – миллати, ирқи, жинси даражаси, яшаш жойидан қатъий назар бирлик ва дўстликда умр кечиришдир.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилган даврларда турли жабҳаларда ривожланиб, барқарорлашиб бораётган ҳаёт тарзи ўзига хос толерантлик йўналишларини ва уларни толерантлик маданиятини шакллантириш вазифаларини амалга оширилишига асос бўлади. Бу жараён миллий ўзликни англаш, миллий маданият, миллат келажаги бўлган ёшлар онгида миллийлашув йўналишини таркиб топиши билан боғлиқ. Чунки ёшларимизнинг толерантлик маданиятини англаши аждодларимиздан қолдирилган моддий ва маънавий меросни, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни ўзлаштириш билан бирга, уларда миллий манфаатларни, Ватан тақдири ва мамлакатни хар томонлама тараққиёти учун маъсуллик туйғуларининг мустахкамланишини таъминлайди.

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ КОНТЕКСТИДА ЎРТА АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

**Сафарова Н. О.** ф.ф.д., проф. – НавДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси мудири

*РЕЗЮМЕ.* ***Разработаны историко-философские принципы борьбы с терроризмом; обосновано значение идейной борьбы по проблемам выявления потенциальных причин терроризма (агрессия, применение силы, насилие, конфликты, отчуждение, эгоизм); обоснованно место и престиж Узбекистана в международном сообществе в борьбе с терроризмом, а также важность принципа. «Против невежества только просвещением» в обеспечении мира и стабильности в Узбекистане.***

RESUME. **on the basis of logical arguments the insolvency of the islamists' definition of terroristic movement has been proved and the place in the improvement of the relations between religions and the ideas of religious tolerance and international agreement in the world outlook of Central Asian thinkers and their ideological significance in the struggle against religious fundamentalism, fanaticism and other defects have been systematically investigated; the role and the prestige of Uzbekistan in the world community, struggling against terrorism and also the importance of the principle: «Against ignorance there is only knowledge» in achieving peace and stability in Uzbekistan have been substantiated.**

[159] Ал Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис: Ал-жомеъ ас-Сахиҳ (Ишонарли тўплам). 4 жилдлик. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991, 1992, 1994, 1996.

**Ключевые слова:** террор, терроризм, международный терроризм, глобальный терроризм, сепаратизм, фундаментализм, религиозный фундаментализм, экстремизм, глобализация терроризма, массовый террор, фанатизм, националистический террор, терроризм под прикрытием религии ислам, толерантность, религиозная толерантность, компромисс, согласие, межнациональное согласие.

**Key words**: terror, terrorism, international terrorism, global terrorism, separatism, fundamentalism, religious fundamentalism, extremism, globalization of terrorism, mass terror, fanaticism, nationalistic terror, terrorism as a kind of religious islam, tolerance, religious tolerance, compromise, agreement, mutual respect.

Ўрта асрлар Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи халқаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик ва ўзаро ишонч, турли динга эътиқод қилувчи мамлакатлар халқлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликка интилиш орқали диний мутаассиблик ва адоватга қарши ғоявий жиҳатдан муваффақиятли кураш олиб борилганидан гувоҳлик беради. Сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жабҳаларда маълум натижаларга эришишда ўша даврларда вужудга келган назарий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий ғояларнинг ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихида диннинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий моҳиятига давр ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий шароити нуқтаи назаридан ёндашиш, унинг қадриятларини реал ҳаёт шароитларига татбиқ қилиш борасида илк ўрта асрлардаёқ бой анъаналарга эга бўлинган. Унда диннинг асосий хизмати, энг аввало, фуқароларни юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялаш, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка даъват этиш ва, оқибатда, жамиятда барқарорлик, одамлар ўртасида тинчлик-омонлик ва тотувликни таъминлаш ҳисобланган. Марказий Осиё мутафаккирлари халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик, адоват ҳис-туйғуларининг кучайишига сабаб бўлувчи диний мутаассиблик ва ғаразни қаттиқ қоралаб, диний бағрикенглик ҳамда муросасозлик ғояларини илгари сурганлар. Динга бундай ёндашув анъаналари ўрта асрларда ушбу ғояларни ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётда амалий қўллашга ҳаракат қилиш билан яна ҳам мустаҳкамланган.

Халқлар ўртасида тинчлик-тотувлик ўрнатиш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш ғоясини изчил ишлаб чиққан ва уни назарий-фалсафий асослашга ҳаракат қилган буюк мутафаккирлардан бири ватандошимиз Абу Наср Форобий (873–950)дир. Форобий ўзининг кўпгина асарларида, хусусан, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”, “Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида” рисолаларида инсон жамоалари келиб чиқишининг тарихий ва ижтимоий сабабларини кўрсатган. Шунингдек, инсонлар бир-бирининг ёрдамисиз яшай олмаслиги, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамгина инсон жамоалари вужудга келишини ҳамда жамият барқарорлиги ва равнақ топишининг ҳам энг асосий сабаби эканлигини кўрсатади. Бу ҳақда Форобий шундай деб ёзади: “Инсон ўз табиати жиҳатидан шундай таркиб топганки, ўзининг мавжудлиги ва олий даражадаги камолотга эришуви учун кўп нарсаларга муҳтождир. У буларнинг барчасига бир ўзи эриша олмайди ва уларга эришиш учун кишиларнинг қандайдир жамоасига муҳтож. Бу жамоанинг ҳар бир аъзоси у муҳтож бўлган нарсаларнинг биронтаси билан уни таъминлайди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам бир-бирларига нисбатан худди шундай ҳолатда бўладилар. Мана шу сабабли, бир-бирига ёрдам берувчи жуда кўп кишиларнинг бирлашуви орқали инсон ўзи интилган камолотга эришуви мумкин”[1-302]. Демак, инсонлар ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш орқали нафақат моддий эҳтиёжларини, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам қондирадилар, бунинг натижасида ҳар бир инсон ва бутун жамоа маънавий камолотга эришади.

Иккинчидан, инсонларнинг жамоа бўлиб яшаши, бирор кишилик жамоасига бирлашиши сабаби уларнинг қайси ирқ, миллат ёки динга мансублиги билан эмас, балки ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка муҳтожлиги билан изоҳланиши шарт. Албатта, мутафаккирнинг бу қарашлари, бир томондан, жамиятнинг асл моҳияти, унда ҳар бир аъзонинг тутган ўрни, бурчи ва вазифасини кўрсатувчи маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга ғоя бўлса, иккинчи томондан, инсонларни ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка даъвати ҳамдир.

Жамият ҳақидаги Форобий ғояларининг яна бир муҳим маънавий-ахлоқий ва ғоявий-сиёсий аҳамияти шундаки, у инсон жамоаларини ўз моҳияти, мақсади, интилишлари жиҳатидан фозил жамоа (мадинат ул- фозила) ва жоҳил жамоа (мадинат ул-жоҳила)га ажратар экан, уларни бир-биридан фарқлантирувчи омил уларда яшовчи фуқароларнинг қайси миллатга ва диний эътиқодга мансублиги эмас, балки ушбу жамоа аъзоларининг ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка бўлган муносабатлари эканлигини таъкидлайди. Масалан, бу ҳақда мутафаккир бундай деб ёзади: “Фозил шаҳар ўзига таянган, табиатан соғлом бўлган инсонлар гуруҳидан иборатки, уларнинг ҳар бири бахт-саодатга етказиш мумкин бўлган тушунчаларни қабул қилиб, бу йўлни бир-бирига ҳамкорлик қилиш йўли ила муштарак равишда босиб ўтадилар. Фозил шаҳарда инсонларнинг ўзаро алоқаси учун восита ва

уларни бирлаштирувчи нарса “умумий ашёлар” тўғрисидаги “умумий қараш” бўлиб, мазкур қарашларнинг ўзи “умумий фаолият”га айланган, яъни ягона ашёга нисбатан илм ва амал шаҳар аҳолисининг умумий хусусияти бўлиб қолгандир... Шаҳар аҳли руҳан бир вужудга айланади. Аҳоли учун замон ва маконнинг аҳамияти қолмайди, чунки у яхлит бир бутунликни ташкил этади. Зеро бундай ҳолда шаҳардаги ҳар бир “киши” ўз борлиғини “инсонийликка” бағишлайдики, оқибатда, фазилат занжири азалдан абадга қадар давом этади. Шаҳар аҳолиси бўлинмас бир бутунликка ва руҳан ягона бир жавҳарга айланадики, унда бошқарувдан тортиб хизмат кўрсатишга қадар босқичлар тизими мавжуд бўлади” [2-27].

Муҳими шундаки, Форобийнинг таъкидлашича, бундай жамоа аҳолиси турли ирқ, миллат, дин, урф-одатлар, анъаналарга мансуб бўлган кишилардан иборат бўлиши мумкин. Чунки “бундай шаҳар аҳолиси умумий қондошлик, яшаш макони, ирқи ва урф-одатларининг муштараклиги асосидагина бир ерга тўпланган эмас. Зеро фозил шаҳарда бу айтилган омиллардан ҳеч бири йўқ ёки уларнинг бўлиши шаҳарнинг афзаллиги ёхуд бирор имтиёзи борлигини белгиламайди” [2-29].

Форобийнинг ушбу фикрларини ҳозирги даврда республикамизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ўзгаришлар жараёнига, хусусан, миллий ва диний қадриятларимиз қайта тикланаётган шароитга татбиқ қилар эканмиз, исломга сиёсий тус беришга интилаётган ҳар қандай уринишлар сиёсий ва ғоявий жиҳатдан асоссиз эканлиги аниқ бўлади. Ислом миллий анъаналарининг, ислом маданиятининг тикланиш жараёни исломни ташқаридан ҳар қандай қилишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатга ислом руҳини бахш этишдан воз кечиш тўғри эканлигини кўрсатди. Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданиятининг ўзига хос жиҳати этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирганидир. Форобий ва Ибн Сино асарларида умуминсоний моҳиятга эга фалсафий, маърифий ғоялари нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий концепциялар негизда шаклланган қарашлардан иборат. Зотан мутафаккирлар кишилик жамиятининг ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириши тинчлик ва барқарорликнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий ва сиёсий қарашлари ҳозирги кунда ҳам узининг илмий ва фалсафий моҳияти жиҳатдан долзарбдир.

Шунинг учун ҳам мутафаккирнинг юқоридаги ғояларини республикамиз фуқароларининг тафаккурига ҳар томонлама сингдириш кўп миллатли мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилгани ҳолда, халқимиз онгини диний фундаментализм ва экстремизм ғоялари билан заҳарлашга ҳаракат қилаётган ваҳҳобийлар ва бошқа бузғунчи террорчилик гуруҳларига қарши курашда ҳам улкан ғоявий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Қандай омил фозил шаҳар аҳолиси салоҳиятининг мустаҳкамлигига сабаб бўлади? Бу инсонларни ягона бир бутунликда бўлган “фозил шаҳар” номи остига тўпланишининг умумий омили нимада? “Фозил шаҳар”даги аҳоли бошқа маданий жамоалар уюшмасидан қайси омилларга кўра фарқ қилади? Бу саволларга жавоб бериб, мутафаккир шундай деб ёзади: “Ҳар қандай ирқий қон-қариндошлик, ирсий, ягона раҳбарлик, шартнома, урф-одат ва тилдаги маданий умумийлик, ягона ҳудудда яшаш, бошқа қабилалар устидан ғалабага эришиш ва бошқа омиллар ягона миллат номи билан бирлашишга сабаб бўлиши мумкин, бироқ буларнинг ҳаммаси жоҳилиятдан нишонадир. Фозил шаҳарнинг бошқа шаҳарлардан моҳиятан фарқи унда илоҳий маърифат ва унинг иймоний эътиқод занжирлари ва бу илмдан кейин турувчи инсоний ахлоқ ва фазилатларга амал қилинишидир” [2-33].

Форобийнинг ушбу фикрлари адоват, уруш, низолар ҳеч бир ирқда, миллатда ва динда тарихий, ижтимоий, маданий-маънавий илдизга эга эмаслигини исботлаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган назарий асос ҳамдир. Ҳар қандай жамиятнинг ҳақиқий фазилати ва бошқалардан ажралиб турувчи сифати ўша жамият ва миллатнинг иқтисодий ва ҳарбий куч-кудрати нуфузида эмас, балки ушбу жамият фуқароларининг илм-маърифат, инсоний ахлоқ ва фазилатларга эришганлигидадир.

Форобий фозил шаҳар – давлатни соғлом инсон танасига ўхшатади. Бу тананинг ҳамма аъзолари тананинг соғлиғини ва камолотини таъминлаш учун бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлганликлари ва бир-бирларига ёрдам берганликлари каби, фозил шаҳар-давлатнинг фуқаролари ҳам бир-бирларига боғлиқдирлар. Уларнинг ҳар бири маълум мавқега эга ва маълум вазифаларни амалга оширади. [2-29]

Мутафаккир фикрларининг ҳозирги давримиз учун ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари устувор бўлган жамиятда ҳар томонлама мустаҳкам ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади. Бундай шароитнинг вужудга келиши эса жамиятнинг иқтисодий ва маънавий равнақига йўл очади. Бу омилнинг назарий асосланганлиги кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Ички сиёсий аҳволнинг

барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Жуда кўп миллат ва элат вакиллари, турли динга эътиқод қилувчи халқларни ўз бағрига олган юртимиз учун мутафаккирнинг юқоридаги ғоялари долзарб аҳамиятга эга. Форобийнинг ўлмас ғоялари, аввало, фуқаролар учун юртимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга сафарбар қилувчи бир ғоявий даъват бўлса, иккинчи томондан, диний фундаментализм ва терроризмнинг вужудга келишида ғоявий ҳамда сиёсий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик хавфига қарши курашда ҳам кучли ғоявий қурол воситаси бўлиши мумкин.

Бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик, тотувлик, озодлик сингари ижтимоий ҳодисалар ҳар бир индивиднинг ўзини сақлашга бўлган интилиши эканлиги Ибн Сино қарашларида ўзига хос тарзда кўрсатиб ўтилган. [3-29] Жамоа тузуми унинг аъзоларининг ўзаро ёрдамлашиш ва ҳамкорлик меъёрлари асосида барқарор бўла олади. “Агар улар орасида низо рўй берса, уларнинг ҳар бири адолатни шундай нарса, деб билсинки, у нарса жамоа аъзоларининг барчаси учун фойдали бўлсин, адолатсизликни шундай нарса деб билсинки, у нарса жамоа аъзолари учун зиён келтирувчи ҳисоблансин” [4-17].

Беруний таъкидлашича, одамлар бир-бирларига ёрдам бериш, турмуш учун зарур бўлган нарсаларни яратиш, ҳар қандай офатлардан сақланиш, ҳамкор, ҳамдард, ҳамдаст бўлиш ва хавф-хатарсиз яшаш мақсадида жамиятга уюшганлар. Кишилар жамоасининг вужудга келишининг асосий сабаби ҳам ана шу ўзаро ёрдам, ҳамдардлик, ҳамнафасликдадир. Шу билан бирга, Беруний инсонпарвар мутафаккир сифатида бу ҳолат ва тартиб кейинчалик турли ғоратчилик, талончилик, душманликлар натижасида бузилганлигини кўрсатади. Масалан, Беруний “Минералогия” асарида бундай деб ёзади: “Инсон эҳтиёжлари шу даражада хилма-хилки, унинг бир ўзи уларни қондира олмайди. Уларни қондириш учун ёрдамчининг ўзи кифоя қилмайди. Эҳтиёжлар хилма-хил ва жуда кўп. Фақат бир қанча одамлардан ташкил топган жамоа билангина уларни қондириш мумкин. Бунинг учун эса одамлар шаҳарлар бунёд қилишга муҳтождирлар” [5-11]. Олим ўзининг ушбу фикрларини “Геодезия” асарида ҳам таъкидлаб ўтади: “Ва ... (инсон) эҳтиёжларининг кўплиги ва ундан ўзини тийиш (имконияти)нинг камлиги, ўзини ҳимоя қилиш воситаларининг камлиги ва душманларнинг кўплиги туфайли ўз ҳамжинслари билан жамиятга уюшишга муяссар бўлганки, бу жамиятда унинг ҳар бир (аъзоси) бир-бирларига ўзаро ёрдам муносабатида бўладилар, унинг ва бошқаларнинг ҳам эҳтиёжларини қондирадиган иш билан машғул бўладилар” [6-83].

“Динга Беруний ўша давр қарашларидан келиб чиқиб, кенг маъно беради ва уни маънавий ҳаётнинг бутун мажмуи, ҳатто инсон амалий ҳаётининг кўп соҳалари деб тушунади” [7-47].

Шунингдек, Марказий Осиёда ўзида диний дунёқараш билан қомусий билимларни мужассам этган арбоблар кўп бўлганлиги ҳақидаги фикрларини назарда тутсак, юқоридаги тадқиқотчиларнинг хулосалари маълум даражада асосли эканлиги аёнлашади. Зеро ҳамма вақт жамиятда юз берадиган ижтимоий воқеа ва муносабатларнинг мазмун-моҳиятини, илмий ва тарихий асосини излашга интилган Берунийдек қомусий олим ва мутафаккир ўша даврда динда, шу жумладан ислом динида маънавий ҳаётнинг барча соҳалари мужассам эканлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши мумкин. Шундай экан, диний ақидапарастлик ва муросасизлик асосида келиб чиқувчи адоват, низо-жанжал ва қонли урушлар олим томонидан қаттиқ қораланган. У диний ақида ва кўрсатмаларга ақл тарозиси нуқтаи назаридан ёндашишни таъкидлаш билан бирга, бошқа динларга, уларнинг кўзлаган мақсад ва маънавий моҳиятига холисона баҳо беришга даъват қилади. Шу муносабат билан барча динларнинг моҳиятига холисона баҳо беришга интилган ўрта аср олимларидан бири Абул Аббос Эроншаҳрий ҳақида фахр билан қуйидагиларни ёзади: “Абул Аббос Эроншаҳрийдан бошқа оғишмай ва иккиюзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман. Чунки, у киши ўз китобида бironта ҳам динга тарафдорлик ёки қаршилик қилмаган. Балки динлар ҳақида асар ёзишда ўзича бир йўл ихтиро қилган ва бундай асар ёзмоқчи бўлган бошқа кишиларни ҳам шу йўлни тутишга чақирган. У яҳуд ва насороларнинг динларини, таврот ва инжилнинг мазмунини яхши ҳикоя қилган” [9-27].

Энди Берунийнинг бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга ва уларнинг маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзига бўлган муносабатини ифодаловчи бир фикрини келтириб ўтмоқчимиз. Беруний насроний (христиан) динидаги несторианлар мазҳабида илк ўрта асрларда одат бўлиб қолган ғайриахлоқий бир хатти-ҳаракатни қоралаган ҳолда, умуман насроний динидаги қавмларнинг мақтовга сазовор ҳаёт тарзи ҳақида шундай ёзади: “Биз Оллоҳдан дўст ёки душман бўлишидан қатъи назар бирон кимсани ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз. Шу жумладан, ҳаёт тарзлари камтарлик, ҳақгўйлик ва барчага нисбатан меҳр-мурувват ҳислари билан йўғрилган насронийларни ҳам ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз”[10-140]. Ҳақиқатан ҳам, бу ўзга динга эътиқод қилувчиларга

нисбатан бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромнинг юксак намунасидир. Бу динлараро ўзаро ишонч, муросасозлик, маънавий юксалиш томон ҳаракат қилиш ғояларини тарғиб қилувчи даъватдир.

Беруний буюк инсонпарвар сифатида бир халқни бошқа халқдан афзал кўриш ва бу билан уларни бир-бирига қарши қўйиш ғоясини қаттиқ қоралайди. Масалан, у “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида арабларни эронликлардан устун қўйишга уринган бир ўрта аср тарихчисининг фикрини шундай баҳолайди: “Унинг (юқоридаги) китобида айтиб ўтилган гапи у билан эронликлар орасида душманлик ва гиналар борлигидан далолат беради. Чунки, у “араблар эронликлардан афзал” дейиш билан қаноатланмай, ҳатто, уларни энг хор, энг паст, энг тушкун миллат деб, худо “Тавба” сурасида саҳройи арабларни ёмон тавсиф этганидан ҳам баттароқ ёмонлаган ва уларга турли қабиҳликларни нисбат берган. Агар у эронликлардан афзал қилиб кўрсатган миллатнинг (халқнинг) аввалини (тарихини) озгина фикрлаб эслаганда эди, бу икки халқ ҳақида чегарадан ўтиб гапирганларининг аксарида, албатта, ўзини-ўзи ёлғончи қилган бўларди” [11-283].

Беруний турли халқларнинг тарихи, фани, дини, маданияти ва умуман маънавий қадриятларига нисбатан менсимаслик муносабатида бўлиш, уларни инкор қилишни ғайритабиий, ғайриахлоқий ҳодиса деб билади. Масалан, “Ҳиндистон” асарида бошқа халқлар маънавий қадриятларига шундай муносабатда бўлган бир гуруҳ ҳақида афсус билан ёзади: “Аҳмоқлик – давоси йўқ бир касалликдир; шундайки, уларнинг эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз жинсларидан бошқа халқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳлар йўқ, ўзларидагидан бошқа илм ва динларидан бошқа дин йўқдир. Ўзларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрланиб билимсиз қоладилар” [12-144].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бошқа миллатлар вакилларига нисбатан халқимизга хос ҳурмат - эҳтиром, кенг феъллилик қадимий анъаналарга эга бўлган ҳамда бунинг назарий-фалсафий асослари Форобий, Беруний ва бошқа илк ўрта аср мутафаккирлари асарларида ёрқин намоён бўлган. Ушбу соф инсоний туйғу, масалан, ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенг феъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган”.

Демак, инсон тафаккури воқеаликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоя ва таълимотларни яратади. Мазмуни ва намоён бўлиш шаклларига қараб ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин: илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, диний ғоялар, бадиий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Бунинг исботи сифатида мусулмон қонунчилигининг энг нуфузли асосчиси, ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123–1197) бутун мусулмон дунёсида ўрта асрлардан бошлаб шу давргача мусулмон қонунчилиги бўйича энг мўътабар манба ҳисобланувчи “Ҳидоя” асаридан айрим фикрларни келтириш мумкин. Чунончи, исломнинг бешта фарзидан бири бўлган “закот”ни олишга ислом динига эътиқод қилувчилар ҳақли деб ҳукм чиқарилган бўлса-да, бошқа динга эътиқод қилувчилар ичида ҳам моддий ёрдамга муҳтож кишиларга хайр-эҳсон, садақанинг бошқа ҳамма турлари берилиши мумкин, деб ҳукм чиқарилади: “Расулуллоҳ (сав) Муозга (р.а.) “Мусулмонларнинг бойларидан закотни олгин ва уни уларнинг (мусулмонларнинг, фақирларига бергин”, - деган эдилар. Зиммийга закотдан бошқа садақалардан (яъни фитр[160] садақаси, ушр ва каффоратлардан)[161] берилади. Бизнинг далилимиз Расулуллоҳнинг “Барча динларнинг аҳлларига садақа бераверинглар”,- деган ҳадисларидир. Агар Муозга Расулуллоҳнинг юқорида зикр қилинган ҳадислари бўлмаганида эди, зиммийларга, ҳаттоки, закотдан ҳам бериш мумкин, – деб айтар эдик [15-406].

Марғинонийнинг фикрлари катта маънавий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, маълум даражада ғоявий ва сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Чунки уларда, биринчидан, инсонпарварлик, инсоний мурувват, меҳр-шафқат нуқтаи назаридан фикр юритилаётган бўлса, иккинчидан, бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг ислом давлатида нафақат моли ва жони ҳимояга олиниши ҳақида, шу билан бирга уларда моддий ёрдамга эҳтиёж сезилганида ҳам ҳимоя қилиниши ҳақида ҳукм чиқарилаяпти. Шунингдек, азалдан халқимизга хос диний бағрикенглик маълум даражада ҳуқуқий томондан ҳам эътироф этилмоқда. Бу жиҳатдан аллома қарашлари кўп миллатли республикамизда миллатлараро ва динлараро тотувликни яна ҳам мустаҳкамлашда ва, ҳатто, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда катта ғоявий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шу билан бирга мусулмон қонуншунослиги бўйича мусулмон давлатига савдо ёки бошқа бирор сабаб билан кирган ғайридин давлат фуқароси омонлик, яъни ҳимояга кафолат олиши шарт. Марғинонийнинг таъкидлашича, ғайридин давлатга бирор сабаб билан кирган мусулмон давлатлар фуқароси ҳам худди шундай омонлик, яъни ҳимояга кафолат олиш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, ўрта асрлардаёқ турли динга эътиқод қилувчи давлатлар ўртасида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлган ва бунга қатъий риоя қилиш талаб этилган. Шундай экан, ҳар икки

[160] Фитр–рамазон ойининг охирида бериладиган жон садақаси.
[161] Каффорат –англамасдан бирор гуноҳ қилиб қўйганлиги учун бериладиган садақа.

ҳолда ҳам бир хил қонун-қоидага амал қилинган. Бу ҳақда “Ҳидоя”дан қуйидаги фикрни келтириш мумкин: “Мусулмонлардан бирор киши омонлик (ҳимояга кафолат) олиб дорул ҳарбга (ғайридин юртига) борса ва бу ғайридинларнинг биронтасининг ҳовлисидан рикоз (бойлик) топиб олса, бу бойликни ўз эгасига қайтариб бериши лозим. Шундай қилса, хиёнатдан йироқ бўлади. Зеро ислом хиёнатдан қайтаради, унга хиёнат қилмаслик шарти билан омонлик берилган” [15-386]..

Ушбу ҳолат ўрта асрлардаёқ, бир томондан, мусулмон ва ғайридин мамлакатлар ўртасида тинчлик-омонлик ўрнатиш, иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантириш борасида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бўлса, иккинчи томондан, мусулмон ва ғайридин халқлар ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлашда катта ғоявий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Шу муносабат билан Марғинонийнинг бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан диний бағрикенглик ҳис-туйғуси билан ёндашишнинг маънавий асослари ҳақидаги қуйидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовордир: “Улар мусулмонларнинг барча молларини олиб қўйган тақдирда ҳам бизлар уларнинг барча молини олмаймиз. Чунки барча молни олиб қўйиш биз мусулмонларнинг шаънига лойиқ эмасдир. Агар улар бизлардан ҳеч нарса олмаётган бўлсалар, бизлар ҳам ҳеч нарса олмаймиз. Шунда улар ҳам бизнинг тижоратчилардан тўлов олмайдилар. Зеро биз мусулмонлар макорими ахлоқ (юқори ахлоқ) соҳиби бўлишга лойиқ кишилармиз”. [15-329].

Демак, мусулмон ҳуқуқшунослигида, хусусан, ватандошимиз Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида диний бағрикенгликнинг нафақат ҳуқуқий асослари, шу билан бирга унинг маънавий-ахлоқий томонларига ҳам катта аҳамият берилган.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, гарчи мусулмон давлатларда мамлакатни бошқариш масаласида адолат мезони шариат кўрсатмаси ва аҳкомлари асосида амалга оширилган бўлса-да, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида реал ҳаёт воқелиги эҳтиёжлари тақозоси билан ўтмишда шаклланган қонун-қоидаларга ҳам суянилган. Шу муносабат билан тадқиқотчи Азамат Зиёнинг қуйидаги фикрлари асослидир: “Шариат деганда ўша замонларда мусулмон жамиятидаги муайян бир ахлоқий-ҳуқуқий нормалар англанмоғи керак. Зеро “тўғри йўл” мазмунини берувчи шариат (аш-шариа) асосида Қуръон ва сунна ётса-да, лекин у аслида фиқҳ (ҳуқуқ ва юриспруденция) учун умумий мафкуравий, диний-ахлоқий манба бўлиб хизмат қилган. Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамият ҳаётининг турли соҳаларини бошқаришда қадимдан жорий бўлиб келган қонунчилик (тузукчилик) ва мусулмон қонунчилиги (фиқҳ) имкониятларидан ҳам фойдаланилган”. [18-185].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бошқа миллатлар вакилларига нисбатан халқимизга хос ҳурмат - эҳтиром, кенг феъллилик қадимий анъаналарга эга бўлган ҳамда бунинг назарий-фалсафий асослари Форобий, Беруний, Марғиноний, Абдураҳмон Жомий, Навоий, Бобур ва бошқа ўрта аср мутафаккирлари асарларида ёрқин намоён бўлган. Бу соф инсоний туйғу, масалан, ўзбекларда шу қадар ривожланганки, миллий-маънавий кенг феъллик уларнинг умумий маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Мазкур давр мутафаккирлари адолат ҳақидаги ғоялардан келиб чиққан ҳолда уруш масаласида давр, тарихий ва ғоявий шароит нуқтаи назаридан қатор илғор ғояларни баён қилганлар. Улар бу масалада ҳам ўзларининг инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларига содиқ қолганлари ҳолда, фақат ўз халқи ва ватанинигина эмас, бошқа халқлар ва уларнинг ватанларининг ҳам бахт-саодати ҳамда осойишталиги ҳақида қайғурганлар.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Қаранг: Хайруллаев М.М. Форобий. – Тошкент: 1975. Б. 302–303.
2. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Тошкент:Ёзувчи, 2001. – Б. 27–28.
3. Бу ҳақда қаранг: Ибн Сина. Избранные философские произведения. –М.: Наука, 1980.
4. Болтаев М. Абу Али Ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти. –Бухоро, 2001.–Б.17.
5. Қаранг: Абу Райхан Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия).–М.:1963. –С. 11.
6. Қаранг : Абу Райхан Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояния между населенными пунктами (“Геодезия”). Т. III. –М.: 1966. –С. 83.
7. Сафарова Н,О. Хожагон тариқати.-Т.: Файласуйлар миллий жамияти. 2003 .-Б.110
8. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. -Тошкент:Фан,1990. Б.96.
9. Беруний. Ҳиндистон. II том. –Тошкент: Фан, 1965. –Б.27.
10. Қаранг: Беруний. Избранные произведения. VI Том. –Ташкент: Фан, 1979. –С. 140.
11. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. –Тошкент: Фан,1968. – Б.283.
12. Қаранг: Шарипов А.Д. Великий мыслитель Беруни. –Ташкент: Фан, 1972. –С.144.
13. Қаранг: Джами А. Книга мудрости Искандара. Избранное. –М.: Наука,1984. –С. 337.
14. Қаранг: Бертелье Е.Э. Навои и Джами. –М.: Восточная литература, 1966. –С.283.

15. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. I- жилд . Закот китоби .-Тошкент: 2002. –Б. 406.
16. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. –Т. 2000.–Б.104.
17. Қаранг: Шарль Р. Мусульманское право. Предислвие Е.А. Беляева. –М.: Иност.литер., 1958. –С. 9.
18. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Тошкент: Фан, 2001. –Б.185–186.
19. NO Safarova. Classification of Modern Terrorizm.–International journal of Humanities and Social Science, 2011.]
20. Safarova Nigora. Terrorizm:tarikhiy falsafiy takhlil – Monografiya -Toshkent:Noshir, 2009
21. Safarova Nigora,Aslanova Nigina. New Research Approach: Cognitivi Abilities of a person . – International journal of Health Sciences, 2013
22. N.O. Safarova. Terror. Violence. Destructivi –Вопросы гуманитарных наук 2010 –elibrary.ru
23. Алишер Навоий. Маҳбуб- ул қулуб (Насрий баён муаллифи Иноят Махсумов).–Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.21–22 .
24. Богоутдинов А.М. Очерки истории таджикской философии /. Избр. произв. –Душанбе, 1980, –С. 196.

## ФАЛСАФИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

**Г.М.Рузматова –**
**ЎзМУ профессори, фалсафа фанлари доктори**

**REZUME**

The philosophical and scientific heritage, being an important part of the cultural heritage, making up its deepest layers, not only characterizes the national identity of culture, but also is its important part, showing its close connection with the universal cognitive process, with the world scientific and philosophical development.

Фалсафа энг қадимги фанлардан бўлиб, икки минг йилдан ортиқ ривожланиш даврида, унинг вазифаси, тузилиши, ўзгариб бойиб борди. Қадимги Юнонистонда милоддан аввал VI-V асрларда у ягона фан сифатида вужудга келган ва ундан аста-секин бошқа илмлар ажралиб чиқа бошлади. Хусусан, илк ўрта асрда шарқ, Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафа илмини сўнгги даври учун буюк хизмат кўрсатдилар. Уларнинг, хусусан, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд кабиларнинг илмий-фалсафий мерослари Европада Уйғониш даври (Ренессанс) маданияти шаклланишида муҳим роль ўйнади. Жумладан, “Шарқ тарихида Уйғониш (Ренессанс) даврида, - деб ёзади файласуф-олим М.М.Хайруллаев, - маданият, санъат, илм-фан равнақ топди. Феодал зулми, ислом диний ақидалари хукмрон бўлган шароитда чақмоқдек ярқираб ўтган бу давр инсоният маънавий маданияти тарихида муҳим роль ўйнади. У қадимги Шарқ ва Греция маданияти билан Европадаги Уйғониш ва янги давр маданиятини бир-бирига боғловчи, ўртада узвийлик, ворисликни сақлаб белгилаб берувчи давр бўлиб хизмат қилди”[162]. Демак, Ўзбекистонда 1960-1970 йилларда юқоридаги фикрларни исботловчи тадқиқотлар кенг миқёсда, илмий асосда, системали тарзда олиб борилди.

Жумладан, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихига бағишланган қатор тадқиқотлар вужудга келди. Хусусан, Марказий Осиё халқлари табиий-илмий, фалсафий фикрлари тарихининг муҳим даврларига бағишланган монографиялар: Ўзбекистон Фанлар академияси академикларидан Т.Н.Қори-Ниёзовнинг “Улуғбек астрономия мактаби”, И.М.Мўминовнинг “Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихидан”, Тожикистон ФА академиги АМ.Бахоуддиновнинг “Тожик фалсафаси тарихи бўйича очерклар”, Туркманистон ФА академиги Г.А.Чориевнинг Махтумқули тўғрисидаги ишлари, Ўзбекистон ФА академиги В.И.Зоҳидовнинг “Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари” ҳақидаги асари, С.П.Григорянниг “Ўрта Осиё ва Эрон фалсафани тарихидан” каби китоблари нашр этилди.

Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё халқлари маънавий маданияти ва фалсафий меросини ўрганишда атоқли рус шарқшунослари В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Е.Э.Бертельс, В.В.Семенов, Л.И.Болдирев, Е.А.Беляев кабиларнинг хизматлари ҳам катта бўлди. Улар ўзларининг

[162] Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. –Т.: Ўзбекистон, 1971. – Б. 7.

Шарқ тарихи ва адабиётшунослиги, филологиясига оид асарлари билан бу масалани ҳар томонлама ёритишга имконият яратдилар.

Шу ўринда айтиб ўтмоқ лозимки, бу даврларда маънавий маданият, жумладан, ижтимоий-фалсафий меросни ўрганишда методологик жиҳатдан икки, бир-бирига зид тенденция мавжудлиги аён бўлди. "Булардан биринчиси, - файласуф-олим М.М.Хайруллаев фикрича, - Шарқ ва Ғарб халқларининг инсоният маънавий маданияти ва ижтимоий-фалсафий фикрларининг ривожланишидаги ҳақиқий ўрни ва аҳамиятини тўғри, илмий-объектив равишда ёритиб беришга интилишдир. Бу тенденция учун "Шарқ" ва "Ғарб" "руҳи" деб аталувчи махсус муаммо йўқ бўлиб, бу илғор интилиш ўзининг назарий ва методологик асосларини ҳамда ҳар томонлама объектив намойишини илмий фалсафада топади.

Иккинчи тенденция - Шарқ халқларининг маънавий маданиятини менсимаслик, "Ғарб маданиятини" "Шарқ маданиятидан" устун қўйиш, "ғарб руҳини" улуғлаш, Шарқ халқлари фалсафий меросини ерга уришга интилишдан иборат бўлиб, бу тенденция илгариги тарихий-фалсафий адабиёти ва шарқшунослигида жуда кенг тарқалгандир"[163]. Ана шу европацентрик тамойилига кўра, яъни Шарқ халқлари маданиятига менсимаслик билан қараш, уни камситишга бўлган уриниш асосан Ғарб шарқшунослари орасида вужудга келди ва XIX аср ўрталарида авжига минди. Шарқ халқлари маданиятига, маънавий бойлигига қўшган буюк хиссасини мутлақо инкор этиш авж олди.

Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи, фалсафий меросининг аҳамиятини инкор этиш, Шарқ мутафаккирларини тўлиғича Европа фалсафаси, қадимги юнон фалсафаси таъсири билан боғлаб қўйиш ва фақат Ғарбий Европа фалсафасини эътироф этиш тенденцияси ўша даврдаги фалсафа тарихи ва шарқшунослик масалаларига бағишланган адабиётларда деярли ҳукмронлик қилди.

Яна бир масала, барча Европа шарқшунослари баб-баравар ва тарихий ривожланишнинг ҳамма даврида мутлақо бир хил позицияда турганлар ва ҳамфикр бўлганлар деб айтиб бўлмайди. Европа шарқшунослиги ва назарий принципларнинг бир томонламалигига асосланиб, Европа олимлари шу соҳада эришган барча ютуқларидан воз кечиш мутлақо нотўғридир.

Жумладан, барча Европа шарқшунослари ва фалсафа тарихчиларини бир текисда реакцион Европамарказчиликда айблаш ва шу асосда Шарқ тарихини ўрганиш соҳасида улар қўлга киритган ютуқларни тўлиғича инкор этиш ва бу ютуқлардан воз кечиш нотўғри бўлур эди. Европа шарқшунослиги ва фалсафа тарихчилиги конкрет материални ўрганиш, фактлар тўплаш, илмий тадқиқотнинг аниқ услубларини ишлаб чиқиш соҳасида бой тажрибага эга ва бу жиҳатдан унинг меросида муҳим фикр ва асарларни ҳам топиш мумкин.

Шундай қилиб, фалсафий таълимотлар ва ғояларнинг аҳамияти уларнинг "ғарб фикрига" ўхшаш ва ўхшамаслиги, унга таъсири билан эмас, балки бу фалсафий таълимотларнинг қанчалик чуқур мазмунга эгалиги, илмийлиги, унинг маданият, санъатнинг ривожлланишига, мазкур мамлакатдаги илғор ижтимоий ҳаракатга қай даражада ижобий таъсир кўрсатиши билан белгиланади. Шу мезонгина ҳар бир халқнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихига тўғри баҳо бериш имкониятини беради.

Шунингдек, 1950-1970 йилларда ижтимоий-фалсафий адабиётларда ҳукмрон бўлган Европамарказчиликка қарши бўлган яна бир оқим, яъни осиёмарказчилик оқими ҳам вужудга келди. Осиёмарказчилик Европамарказчиликка зид ўлароқ, Шарқни Ғарбга, Осиёни Европага қарама-қарши қўйди ва у ҳам территориал тамойилни олға сурди. У инсон маданиятининг, илм ва фалсафанинг барча ютуғини Осиё билан боғлаб қўйишга ҳаракат қидди. Осиёмарказчилик айниқса, диний белгини олға суришга уриниб, шу белги асосида бирлашишга ундади. "Ислом маданияти", "ислом миссияси" деган тушунчалар ёрдамида кўпинча фақат шу динни тарғиб қилган ва тарқатган гуруҳ, миллат, халқ биринчи ўринга сурилиб, ислом вужудга келган даврда VII-IX асрларда араб ҳалифалигига бўйсундирилган халқлар, жумладан, Марказий Осиё, Кавказ олди халқлари тилга ҳам олинмади.

Демак, юқоридаги фикрларни хулосалаб, шундай дейиш мумкинки, бир халқ маданиятини камситиш, ерга уриш ҳисобига иккинчисини улуғлаш илмий тамойилларга маданият тарихига, илмий, объектив назарияга тамоман зиддир. Дунё халқларининг маданияти, ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи турли схемалар, догматик принциплар бўйича эмас, балки илмий асосда, ҳар томонлама тўғри ёритиб берилмоғи ва бу бир бутун тарихий жараёнда барча халқларнинг, мамлакатларнинг роли тўғрисида кўрсатилмоғи лозимдир.

[163] Хайруллаев М.М. Ўрта Осиё халқларининг фалсафий мероси. – Т.: ЎзКТМК бирлашган нашр., 1965. – Б. 6.

Шу ўринда, фалсафий меросни ўрганишдаги яна бир тенденцияга тўхталиб ўтишимиз зарурдир. IX-XII асрлардаги Ўрта ва Яқин Шарқдаги маданий кўтаринкилик кўпгина Европа шарқшуносларининг асарларида “Араб Ренессанси” номи билан кўрсатилади, бу ҳақиқий тарихий фактларга асосланмаган, умуман объектив ҳақиқатни акс эттирмайди. Республикамиз файласуфлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни исботладики, у даврдаги Ренессансда араб халифалигига бўйсундирилган барча халқларнинг маданий ютуқлари баробар иштирок этади, бир бутун ҳолда IX-XП асрлар Ренессансини ташкил этади. Европа Ренессанси даврида лотин тили сингари араб тили ҳам бу даврда илмий алоқа қуролига айланган бўлиб, илмий асарларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалиши ва шуҳрат қозонишини таъминлар эди. Илмий асарларнинг араб тилида бўлиши, масалага юзаки қараганда, унинг яратувчиси, муаллифи фақат араблар эди деган нотўғри хулосага олиб келиши мумкин. “Араб Ренессанси” ана шунинг оқибатидир. Аслида “Араб Ренессанси” термини IX-XII асрларда Миср, Сурия, Ироқ, Мағриб каби араб мамлакатларида юз берган маданий ривожланиш сифатида талқин этишни тақозо қилади[164]. Европага араблар орқали, юнон олимлари, мутафаккирлари асарларига араб тилида ёзилган шарҳлар, араб тилига қилинган таржималар орқали ҳам олиб кирилди. Бу жихатдан Яқин ва Ўрта Шарқ даври уйғониш маданияти Европани қадимги юнон маданияти билан таништиришда катта роль ўйнади.

Демак, Шарқ Ренессансининг энг яхши ютуқлари, руҳи Европадаги Ренессанс даври мафкурасини тайёрлаш, унга фаол ижобий таъсир этиш орқали умуминсоний маданиятнинг, табиий-илмий фикрлар, илғор ғояларнинг ривожига хизмат қилди. Албатта, шу билан бирга Европа ва шарқдаги Уйғониш даври маданияти шаклланиши ва ривожида маълум фарқлар ҳам бўлган, лекин файласуф-олим М.М.Хайруллаев айтганидек: “...улар ўртасида ғоявий боғланиш ҳам бор ва бу фарқлар яхлит бир бутун босқичнинг жаҳон маданияти, жаҳон фалсафасининг умумий жараёнининг турли жабҳалари, жиҳатлари сифатида намоён бўлади”[165]. Шу ўринда рус адиби С.Б.Стульгинскийнинг фикрини келтиришни жоиз деб топдик: “Ғарб оқил, Шарқ-донишманд, Ғарб-кенглик, Шарқ-теранлик, Ғарб-ҳаракат билан яшаган, Шарқ эса орзу-умид билан. Хаёл, умиддан афсоналар туғилади, кейинчалик халқ афсоналаридан фалсафий тизимлар шаклланади. Халқ афсоналари фалсафаларнинг манбаидир. Агар Ғарбнинг атоқли олимлари фаол бўлсалар, Шарқда улар файласуфлардир. Олимлар Шарқ афсоналарида нафақат чуқур фалсафий тизимлар, балки. ҳамма фалсафий оқимлар, ҳинд Европа мифологиясининг ибтидосини топдилар. Ғарбга нисбатан бир неча асрлар аввал Шарқда ер юзидаги ҳамма” жонзотларнинг эволюцияси ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган эди”[166].

Демак, бутунги кунда фалсафа тарихини баён этар эканмиз, мутафаккирларнинг фалсафий тафаккур тараққиётига қўшган ҳиссасини холисона нуқтаи назардан баҳолаш имконияти туғилди. Фалсафа тарихи фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихидан иборат бўлиб, улар эволюцияси турли туманлигига қарамай, босқичма-босқич кечган ҳар бир даврда эски фикрларнинг айрим томонлари рад этилибгина қолмасдан, балки ривожлантирилган ҳам. Ҳар бир халқ фалсафий фикр тараққиётига бетакрор ҳисса қўшганини ҳисобга олиш керак. Инсоният тарихида фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ҳам, янги босқичга кўтарилиши ҳам тарихнинг бурилиш даври бўлган. Айрим даврлар эса бутун бир гуруҳ мутафаккирларнинг авлодини яратган. Буни тўғри ўқиб ўрганиб олиш бутунги кундаги жуда кўп фалсафий муаммоларни ҳал қилади.

## ГЛОБАЛ АХБОРОТ ЖАМИЯТИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ДИНДОРЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**У.Х.Имомов**
**Навоий давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н.**

Бугунги кунда жамият ҳаётини глобал ахборотлаштириш замонавий тараққиётнинг энг муҳим тенденцияларидан бири бўлиб, у истисносиз жамиятнинг барча соҳаларида (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий ва бошқалар) ўзини намоён қилмоқда. Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши дин соҳасига таъсир қилмаслиги мумкин эмас ва бу ерда у глобал ахборотлаштиришнинг таъсири оммавий динийликнинг динамикаси ва шаклларида аниқ намоён бўлади. Диний ва миллий ўзига хослик билан боғлиқ сиёсий мафкуранинг ўзгариши юз беради ва ўз

[164] Қаранг: Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: Ўзбекистон, 1971. – Б. 13-14.
[165] Хайруллаев М.М. Культурное наследие и история философской мысли. – Т.: Ўзбекистон, 1985. – С. 66.
[166] Стульгинский С.В. Космические легенды Востока. – Ростов-на-Дону, 1992. – С. 5.

навбатида диннинг жамият учун аҳамияти ўзгариб боради. Немис файласуфи ва социологи Ж.Хабермас “диний урф-одатлар ва диний жамоалар янги, шу пайтгача кутилмаган сиёсий аҳамиятга эга бўлди ... диннинг сиёсий мақсадлар учун аҳамияти бутун дунёда ортиб бормоқда” деб таъкидлайди.

Жамият ҳаётини ахборотлаштириш даври келиши билан дин ва диндорлик янги поғонани қабул қилиб, сифатли сакрашни амалга оширмоқда. Рус дин социологи, дин социологияси назарияси ва методологияси мутахассиси Ю.Синелина бу ҳақда шундай ёзади: “Исломнинг кучайган таъсири энг сезиларли, аммо халқаро диний майдонда ҳамма жойда консерватив одамлар ўсиб бормоқда, анъанавий ва православ ҳаракатлар. Бу АҚШда (протестантизмнинг асосий йўналишларининг пасайиши ва эвангелист оқимларнинг ўсиши), Россияда (православликнинг тикланиши), католик мамлакатларида, Исроилда (яҳудийликдаги консерватив ҳаракатнинг таъсирининг кучайиши) содир бўлди. Ҳиндистон (ҳиндуизм ва сикхизмдаги вазият). "

Ушбу даврда нафақат диндорлик ўзгариши, балки бу янги, дунёвий даврдан кейинги даврда, жамият ҳаётини глобал ахборотлаштириш даврида диннинг ўзи нима эканлигини қайта кўриб чиқиш зарурлигини англатади. Уларнинг асосий йўналишлари, шакллари ва хусусиятлари нимада эканлигига эътибор қаратилади?. Биз юқоридаги ушбу муҳим масаланинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Жамият ҳаётини глобал ахборотлаштириш шароитида коммуникатив соҳа биринчи ўринга чиқади, бу эса компютер технологиялари ва тизимларининг жадал ривожланишига, маълумотлар алмашинувининг принципиал жиҳатдан янги ва юқори самарали усулларининг пайдо бўлишига жавобан асосий соҳалардан бирига айланади. Ахборот жамияти энг ривожланган Америка Қўшма Штатлари мисолида буни энг яхши тарзда кўрсатиш мумкин. Ахборот жамиятида инсон энг катта диний билим ва маънавий озуқа нафақат Қўшма Штатлардаги каби тўғридан-тўғри шахслараро мулоқот жараёнида (чунки у ерда черковларда якшанба кунлари хизматга бориш дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади) олади. Шу билан бирга техник воситалар ёрдамида (радио, телевизор, мобил телефон, планшет, компютер, интернет) ҳам олиш имконияти кучайиб бормоқда. Ушбу янги жамият тури маълумот алмашиш учун ҳеч қандай чекловларни назарда тутмайди.

Бундай шароитда, бизга чексиз тарафдорлар бир-бири билан ҳам, виртуал диний марказ билан ҳам бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлган махсус тизим сифатида кўринадиган диний интернет жамоалари шаклланмоқда. Айниқса буни биз Telegram, Facebook тармоқларида кўпроқ кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида диндор бўлиш ва сирли нарсаларга ишониш муҳим деб ҳисобланмоқда, бу инсоннинг чуқур ички дунёси, унинг кўп қирралилиги ва маънавиятининг намоёнидир. Бундай вазиятда олимлар Ғарб жамиятига нисбатан “динни секуляризация қилиш” ва "дунёвийликни сакрализация қилиш" ҳақида гапира бошладилар. Шарқ мамлакатларида эса бу жараён сал бошқача кечмоқда.

Бу шуни англатадики, жамиятни маҳаллий этнодиний жамоаларга бўлинадиган анъанавий диний эътиқодлардан, янги диний ҳаракатлар ва ҳеч қандай тарзда чекланмаган диний интернет жамоаларига қараб бориши жараёни кузатилаяпти. Бундай шароитда диндорлик энди фақат анъанавий шаклларда мавжуд бўлиши мумкин эмас ва у ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга таъсир қилади, уларга мослашади, ўзгаради, замонавийлашади.

Дунё ва миллий динларга хос бўлган ҳаёт меъёрлари ҳақидаги анъанавий қадриятлар, тушунчалар ва ғоялар ўрнини янги маънавий ҳаракатларга хос сифат жиҳатидан янги қадриятлар, ғоялар ва дунёқараш категориялари эгаллайди.

Улар кўпинча анъаналарнинг интерпенетрацияси ва аралашиши билан ажралиб туради ва уни баъзан уларни синкретизм ва эклектизм деб баҳолашади. Ушбу шароитдаги анъанавий динлар, янги диний оқимлар сингари, ғайритабиий, аммо ҳукм сураётган ижтимоий воқелик шароитларига, диндорларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилиш усулларини (адептлар) қабул қилишга мажбур.

Йигирманчи асрда қабул қилинган фуқароларнинг виждон эркинлигини ҳимоя қилишнинг халқаро меъёрларини (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1948) сақлаб қолиш шароитида ушбу усуллар сифатида глобал бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган ёндашувлар анъанавий ёки янги диндорлик энди мажбуран татбиқ этилмайди, балки ихтиёрий равишда танланиши керак.

Динга бўлган талаб таклифни яратади. Тадқиқотчилар шахсларнинг диний хатти-ҳаракатларини ва диний ташкилотлар фаолиятини бозор иқтисодиёти фаолиятининг қонуниятлари (“диний иқтисодиёт назарияси”, “маркетинг парадигмаси”, "дунёдаги оқилона танлов назарияси”) нуқтаи назаридан таҳлил қилишни бошладилар.

Австриялик лютеран илоҳиётшунос ва социолог П. Бергер бу борада “диний гуруҳларнинг монополиядан рақобат курашида иштирок этадиган бозор субъектларига айланиши бор” деб ёзади.

Илгари диний гуруҳлар бўйсунувчи аҳоли устидан эксклюзив кучга эга бўлган муассасага мос келадиган тарзда ташкил қилинган. Энди диний гуруҳлар бир хил мақсадга эга бўлган бошқа гуруҳлар билан рақобат шароитида истеъмолчилар билан муваффақиятга эришишга имкон берадиган ташкилот шаклларини ишлаб чиқиши керак. Бунда тўсатдан “самарадорлик” масаласи муҳим аҳамият касб этади. Монополистик вазиятда ижтимоий-диний тузилмалар “самарали” бўлиши шарт эмас ва уларнинг "самарадорлиги" вазият билан олдиндан белгиланади... Рақобат шароитида “самарали” ҳаракат қилиш зарурати ижтимоий-диний рационализацияни келтириб чиқаради.”

Бозор шароитида талаб қанча кўп бўлса, таклиф шунчалик кўп бўлади. Бундай шароитда “диний бозорни” монополлаштириш энди мумкин эмас. Чунки, аксарият жамиятларда дин давлатдан ажратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунига кўра “диний бирлашмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдирлар”. Кўпгина мамлакатларда ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқ нормалари мавжуд.

Оммавий телекоммуникацияларга асосланган оммавий маданият томонидан мослаштирилган диний тушунчалар ва қадриятлар, сиз катта дивидендлар олишингиз мумкин бўлган инвестицияларни сотиш учун фойдали бўлган товарга айланди. Бугунда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам диний адабиётларни интернет орқали сотиб олиш мумкин, Аммо яқин вақтгача бу ишни фақат китоб дўконларида амалга ошириш мумкин эди. Бу диний масалада инсонларнинг имкониятларини анча кенгайтирмоқда.

Ахборот алмашинувида чекловларнинг йўқлиги ҳамда турли динлар ва диний оқимлар тарафдорлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа уларнинг тўхтаб қолишига олиб келди. Интернетда энди бундай алоқа учун анъанавий конфессионал, маданий, сиёсий ёки географик чегаралар мавжуд эмас. Ахборот жамиятидаги ҳар қандай диний ташкилот дунёнинг исталган нуқтасида ишлай олади. Диний маълумотни етказиб бериш воситалари ва диний алоқа имкониятлари ўзгариб бормоқда.

Минг йиллар давомида муқаддас матнлар, диний адабиётлар, нодир ва қимматбахо ёзма матнлар (қўлда ёзилган қоғозли китоблар) бўлган, аммо ҳозир бу аудио, видео ва электрон оммавий ахборот воситаларидаги, бутун Интернет кутубхоналаридаги матнлар. Агар илгари диний алоқа ва маросимлар учун тўғридан-тўғри масжид ёки черковга ташриф буюриш зарур бўлса, энди радио, телевизорни ёқиш ёки керакли веб-сайтга кириш кифоя, ва сиз ўзингизни онлайн ваъзлар, эътирофлар, ибодатларга буюртма бериш ва бошқа кўп нарсаларни топасиз. Кўп сонли сайтлар ўзаро алоқаларнинг интерактив шаклларини таклиф қилади. Меҳмон нафақат матнни ўқиши, видео кетма-кетлигини томоша қилиши, ваъзини тинглаши мумкин.

Ҳар бир инсон овоз бериш ёки сўровномада қатнашиши, бошқа ташриф буюрувчилар билан онлайн алоқада бўлиши, форумда нутқ сўзлаши, меҳмонлар китобига ёзув қолдириши, ибодат қилиши ва бошқа йўл билан ўзларининг диний ёки бошқа эҳтиёжларини англаб, фаол бўлишлари мумкин. Сиз ўзингизнинг компьютерингиздан чиқмасдан ва ҳеч қачон ушбу эътиқодларга эргашувчилар билан учрашмаган ҳолда баъзи диний жамоаларга аъзо бўлишингиз мумкин. Ҳатто ислом динига таълуқлини веб-сайтга кириб, шунчаки “исломни қабул қилиш гувоҳларнинг таклифи билан расмий тадбирларни, масжидга боришни ва ҳоказоларни талаб қилмайди” деб ёзилган ҳолда қабул қилиш мумкин. Юрак билан чин дилдан ишониш ва шаҳодатни айтиш - тавҳиднинг исботи кифоя”.

Глобал ахборотлаштириш шароитида инсоннинг диний онги синретик ва эклектик хусусиятга эга бўлиб, шу қаторда барча даврлар ва халқларнинг турли диний ваколатхоналари элементлари, афсоналар, эртаклар, ривоятлар, фильмлар, фантастика ва ҳк. Диний эътиқодларнинг эклектизми кенг тарқалмоқда, турли анъанавий, миллий, ибтидоий динлар ва культлар ва замонавий янги диний оқимлардан олинган бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ёки мантиқий бўлмаган тарихий эътиқодларни бирлаштириш. Диний ғояларнинг бундай плюрализми кўплаб замонавий диний оқимлар ва эътиқодларга хосдир.

Глобал ахборотлаштириш шароитида диний ўзгаришларнинг ўзига хос хусусияти бу динларнинг хилма-хиллигининг ўсиши, кўплаб янги диний оқимларнинг туғилишидир. Чунки, одамлар ўзлари учун динни қуриш имконига эга бўлган рамзий тизимлардан “диний бозор”, «a la carte» дин ёки синкретик дин ёки “бриколаж "деб номланган динларга ўтиш кучаяди.

Демак, диний омил сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий беқарорликнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган янги муаммоларни ўз ичига олади.

Умуман олганда, глобал ахборот жамиятидаги замонавий диндорликнинг хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– глобал ахборот жамиятидаги дин ва диндорлик ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки янги сифатга эга бўлади;

– “динни секуляризация қилиш” ва “дунёвий дунёни сакрализация қилиш” жараёнлари мавжуд;

– анъанавий динларнинг ўрни ва ижтимоий-маданий аҳамияти маълум даражада пасаяди;

– диний ташкилотлар ўз фаолиятида бозор иқтисодиёти қонунларидан фойдаланадилар;

– диний жамоаларнинг ноҳудудлашуви кучаяди;

– замонавий диний эътиқодларнинг синкретизми, плюрализми ва эклектикизми тарқалмоқда;

– янги диний ҳаракатлар пайдо бўлади;

– дин, мистика, оккултизм ва эзотеризмнинг ноанъанавий кўринишига қизиқиш ортиб бормоқда;

– диний омилнинг жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ортиб бормоқда.

Жаҳон ахборот жамиятидаги диндорликнинг янги шаклларининг хусусиятларини кўриб чиқиб, шуни хулоса қилишимиз мумкинки, дин ва диндорлик жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида нафақат ўз долзарблигини йўқотмаган, аксинча, қайта туғилишни бошдан кечирмоқда ва шу ўринда, балки аллақачон янги имкониятларда, янги муаммоларни келтириб чиқаради.

## ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИГА НИСБАТАН МУРОСА МАДАНИЯТИ

**доц.А.Азизқулов, ўқит. А.Алимов СамИСИ**

Глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган ҳозирги ахборотлашган жамият босқичида сайёрамизнинг кейинги тақдири кўп жиҳатдан кишилар ўртасидаги бағрикенглик маданиятининг даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Башариятга мусибат ва кулфатлар келтирган жаҳон уришлари, катта-кичик можараларнинг барчасининг асосини, кишилар ўртасидаги ишончсизлик, яъни бағрикенглик ва муроса маданияти даражасининг пастлигидадир. Шу боис ҳозирги таҳликали дунёда давр талаби бўлган бағрикенглик ва муроса маданиятини ёшлар маънавиятига сингдириб бориш таълим-тарбиянинг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Бағрикенглик маданияти чидамлилик, бардошлик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби жиҳатлардан иборат бўлиб, “бошқалар” ҳамда “ўзгача” нарсалар, ҳодисалар ва фаолият шаклларини ўзига хос хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шаклларини тўғри тушиниш ва англашгни билдиради. Бағрикенглик маданияти фуқаролардан муайян даражада билим ва шу билим негизида шаклланган қадриятлар тизимидан иборат[167].

Марказий Осиё халқлари ижтимоий турмуш тарзида бағрикенглик тамойили миллий қадрият сифатида кўп асрлик анъанага эга. Айнан мана шу тамойил, яъни, Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида турли хил миллат ва элат вакиллари билан бағрикенглик ва маданий ҳамкорликнинг азалдан мавжудлиги, унинг ҳозирги кунда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири сифатида эътироф этилишига олиб келди. Республикамиз Президенти таъкидлаганидек: «…бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитетини ташкил этади»[168].

Марказий Осиёни «Буюк ипак йўли» ва «Лаъл йўл»лари чорраҳасида жойлашганлиги аждодларимиз томонидан миллатлараро тотувлик ва маданиятлараро ҳамкорликнинг яхши ривож топишига замин бўлган. Бағрикенглик маданиятнинг натижаси ўлароқ ўлкамизда, айниқса, исломгача ва ундан кейин ҳам турли хил элатлар ўртасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамоили аждодларимизнинг ижтимоий муносабатларида муҳим ўрин эгаллаган. VIII асргача ўлкамизда буддавийлик, насронийлик, зардуштийлик, шомонизм, Моний ҳамда Маздак ақидаларига ва шу каби бошқа дин ва эътиқодларга амал қилувчи кўплаб элат вакилларининг тинч муроса қилиб яшаши бу – миллатлараро ва динлараро бағрикенглик тамоили бўлиб, халқларимиз муроса маданиятининг юксаклигидан далолатдир. Шу жиҳатдан ўлкамиз халқлари тараққиётида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик узоқ тарихий тажрибага эгадир.

---

[167] А.Очилдиев. Бағрикенглик маданиятининг моҳияти ва структураси. ТИУ, -2бет

[168] Ш.Мирзиёев. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик- халқимиз тинчлиги ва фаравонлигининг муҳим омилидир. /Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналминал маданият маркази ташкил этилганлигининг25 йиллигига бағишланган учрашувидаги нутқи. Халқ сўзи.2017 йил 25 январь, №18 (6712)

Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган диний эътиқодлар ва диний манбалардан ташқари мутафаккир алломаларимизнинг илмий меросларида бағрикенглик маданияти чуқур таҳлил этилиб, кенг тарғиб қилинган. Хусусан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг одоб-ахлоқга оид фалсафий қарашларида буни яққол кўриш мумкин. Алломанинг илмий меросида зардуштийлик динига нисбатан муроса маданияти хусусида озроқ тўхталамиз.

Кошифий ўзининг серқирра ижодий фаолиятида кўплаб диний, илмий, фалсафий ва ахлоқий асарлар яратди. Унинг салмоқли илмий мероси орасида «Ахлоқи Муҳсиний» асари алоҳида ўрин аҳамият касб этади. Асарни Шарқ ахлоқ фалсафасининг нодир дурдонаси деб баҳолаш мумкин. Кошифий мазкур асарида ахлоқ-одоб мавзусида яратилган кўплаб асарларни чуқур таҳлил этиб, ўзининг хулосалари билан мазмунан бойитади.

Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» асарида баён этилган барча мавзулар кишини яхши хулққа чорлагани ва бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилганлиги боис ҳар бир ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Асарни мутаола қилувчи ўқувчи диний ва миллий бағрикенглик тамоилини тарғиботини гувоҳи бўлади. Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан келтириб ўтилган ривоят ва ҳикоятларда қаҳрамонлар гоҳ насронийлик пайғамбари Исо ёки яҳудийлик дини пайғамбарлари Довуд, Сулаймон, баъзан зардуштийлик дини коҳини ёки ҳинд руҳонийси бўлиши мумкин. Асарда Қуръондан ташқари Инжил ва бошқа диний манбалардан ҳам далиллар келтиради. Нуширавон ҳузурида Рум Қайсари, Хитой ҳоқони, ва Ҳинд ройиси бўлиши, албатта бу муаллифнинг хаёлий тасаввури, аммо бунда тўрт хил миллат, тўрт хил дин ва тўрт давлат раҳбарларининг бир вақтда, бир жойда, биргаликда ўзаро ҳамсуҳбат бўлиши миллий ва диний бағрикенглик тамоилининг тарғиботидир[169]. Шунингдек Шом, Яман ва Рум қайсари билан бўлган воқеалар мисолида ҳам бағрикенглик тамоилини тарқиб қилади[170].

Исломдан авалги ҳукмдорлар, хусусан, Афросиёб, Нушировон, Искандар Зулқарнайн, Парвиз, Ардашер Бобак, Миср подшоҳи Паётала, Шеруя каби кўплаб ҳукмдорларни фаолиятидаги ибратли воқеаларни баён этар экан, кишиларни ҳамжиҳатликка даъват этади.

Хитой подшоҳи ва Искандар Зулқарнайннинг, Миср подшоҳи билан Рум Қайсарининг ўзаро суҳбатлари каби келтирилган ривоятлар орқали турли хил миллат ва дин вакилларини муроса маданияти орқали тинч тотувликка, бағрикенгликка чақиради.

Ислом динининг етук назариётчиси бўлмиш Ҳусайн Воиз Кошифий ибратли хулқларни тарғиб этадиган ривоятларда тез-тез зардуштийлик дини коҳини ва вакилларга мурожаат қилади. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг зардуштийлик динидаги умумбашарий ғояларни тарғиб этиши алломанинг муроса маданиятидан далолатдир. Ислом динида зардуштийлик оташпарастлик этиқоди сифатида қаралади ва ундаги ақидалар ғоялар рад этилади. Ҳусайн Воиз Кошифий гарчанд ислом динининг назарётчиларидан бири бўлсада муроса маданиятига амал қилиб оташпарастлик динидаги умумбашарий ғояларни кенг тарғиб қилади. Хусусан, зардуштийлик динида эътиқодда бўлган Нўширвон, Доро, Фаридун, Жамшид, Қубод, Хусрав Парвизлар ҳаётидан кўплаб ибратли ривоятларни келтиради. Хусусан, адолатпарвар ҳукмдор тимсоли бўлган Нўширвон ҳаётидан асарида 16 мартадан кўпроқ ҳикоя келтириб ўтади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало, Ҳусайн Воиз Кошифий ислом динининг эътиборли уламоси ва воизи бўлиши билан бирга зардуштийлик дини ва унинг назарий манбаларидан яхши хабардор бўлган. Аллома муроса маданиятига амал ыилар экан, зардуштийлик динидаги тараққийпарварлик ва адолатни тарғиб этувчи ғояларни ислом ҳукмрон бўлган ўрта асрларда ҳам тарғиб қила олган. Буюк алломанинг ахлоқий фалсафий қарашлари ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва ёш авлодни миллий маънавий қадриятларимиз асосида тарбиялашда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

## ЯССАВИЯ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДАГИ УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК

**Зойиров Эркин Халилович**
**Бухоро муҳандислик технология институти доценти, фалсафа фанлари номзоди**

Мамлакатимизда диний қадриятларни тиклаш, тасаввуф таълимотини чуқур ва холисона ўршанишдан кўзланган асосий мақсад комил инсон шахсини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш, жамиятни янгилашда тасаввуфнинг бугунги кун талабларига жавоб берадиган бой тажриба ва оқилона фойдаланишдир. Тасаввуф илми, унинг тариқатларидаги кенг

[169] Хусайн Воиз Кошифий.Футуватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2011. -327- бет
[170] Ўша асар 202-203 бетлар.

кўламли таълимотлар, узоқ ўтмишга эга бўлиб, илдизлари қадимий даврларга бориб тақалади. Президентимиз Ш.Мирзиёев 28 декабрь 2018 йилдаги Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур.

Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Тасаввуф таълимотининг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш ва ундаги ижобий томонларидан миллий истиқлол мафкурасининг теран илдизлари сифатида фойдаланиш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга ёрдам беради. Жамоанинг тинчлиги ва осойишталиги масаласи тасаввуф аҳлининг мунтазам диққат марказида бўлган.

**Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Андоқий сўфийлик биродарлигининг 3 та шарти :**

**1.** Ихвон **– яъни, муайян шахс**

**2.** Макон **– яъни, муайян жой**

**3.** Замон - **яъни, муайян вақт [1]**

**тўғрисида муҳокама юритган.**

Баъзи манбаларда Аҳмад Яссавий дарвешлик осон эгалланадиган маслак эмаслигини жуда яхши билган ҳолда дарвешсифат инсонларнинг етишишини замон, макон ва иршод унсурларига боғлаб бундай дейди: **"Мубтадийлар мурури, мутасаввифлар судури ва мунтаҳийлар зуҳури шу тўрт асосга боғлиқдир: Макон, Замон, Ихвон, Рабти султон".**[2]

Яссавийга кўра шариатни билмоқ ва унга мувофиқ яшамоқ сўфийнинг бирламчи вазифасидир. Шариатсиз тариқат бўлмаганидек, тариқат тарбиясининг яна бир шарти "сиёсатлиғ муршид"дир:

Тариқатга сиёсатлиғ муршид керак,

Ул муршидга эътиқодлиғ мурид керак.

Хизмат қилиб пир ризосин топмоқ керак,

**Мундоғ ошиқ Ҳақдин улуш олур эрмиш.[3]**

**Аммо Махдуми Аъзам ушбу қоидаларни қуйидагича шарҳлайди:**

**1. ХОН** – тариқат фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш ҳукмдорларга боғлиқ ва уларнинг бош вазифаси саналади.

**2. ИХВОН** (биродарлик) – тариқат аъзолари ўз ҳатти – ҳаракатларида ҳамдард, ҳамнафас, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлишлари керак.

3. МАКОН **(ўрин, мавқе) – тариқат аҳли барча вазифаларини бажариши учун яратилган муҳит : яшаш жойи, хонақо, жоме- масжид ва бошқалар,**

4. ЗАМОН **(вақт) – вақт, он, нафас, имконият ҳар бир нафаснинг қадр - қиммати ва огоҳликда ўтиши.[4]**

**Эътибор берсангиз Махдуми Аъзам шартлар қаторининг биринчи ўрнига** ХОН **тушунчасини қўяди ва бу билан сиёсий фаолиятнинг тариқат хизматида устунлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.**

**Шунингдек, пайғамбаримизнинг "**бир соатлик адолат олтмиш йиллик нафл ибодатдан афзал**" мазмунидаги хадисини эслатиб, давлат раҳбарлари ҳамиша адолат** тарозисини ҳар ишда, ҳар доим қўллашлари лозимлигини уқтиради, одилликни давлат мустаҳкамлиги, умрбоқийлиги ва равнақининг асоси эканлигини баён қилади. Бу адолатнинг ибодатдан афзаллигини, мўмин – мусулмон адолат тантанаси учун интилмоғи лозимлигини қайд этишдир.

Шу тариқа, мутасаввиф ХОН деб адолатни, унинг мезони қилиб - ҳақиқат ва икки палласи деб **шариат** ва **тариқатни** кўрсатади. Адолат инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган қудратли маънавий кучга эга бўлган ғоядир.

Марказий Осиё мутасаввифлари маънавий меросининг диний мутассиблик ва фундаментализмга қарши курашдаги аҳамияти яна шундаки, улар ислом динининг талаблари, ақидавий тамойилларига изчил риоя қилган ҳолда уларни умуминсоний қадриятлар билан, иймон, ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжихатлик ва меҳр - муҳаббат билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Шу муносабат билан тадқиқотчи Г.Н. Наврузованинг қуйидаги фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз: «Тасаввуф моҳиятан Қуръонга ва ҳадисларга асосланган бўлса-да, лекин умуминсоний қадриятлардан айримларини ўзида мужассамлаштирган таълимотдир;

Тасаввуф диний таълимот бўлиши билан бирга, тажрибада юзага чиқадиган амалий билим ҳамдир. Калом ва фалсафа имонни ақлий бир ҳодиса сифатида баҳоласалар, тасаввуф эса, имонни ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжихатлик, меҳр - муҳаббат ва ҳол сифатида баҳолайди». [5]Шунинг учун ҳам Марказий Осиё мутасаввифларининг жамоанинг тинчлиги ва осойишталигига доир

ғояларининг диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашдаги аҳамияти ҳам ана шундандир.

Ер куррасининг турли нуқталарида низо ва адоватлар ўчоғига чўғ қадалган ҳаракатлар бўлаётган ҳозирги жараёнда улуғ бобокалонларимиз Аҳмад Яссавий ҳамда Маҳдуми Аъзамларнинг тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ўзаро меҳр – оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтиришга қаратилган ушбу эзгу даъватлари ўзига хос долзарб аҳамият касб этади.

“Музаккир ул-ахбоб” асарида келтиришича, ҳукмдор Убайдуллохон ўз пири ҳазрат Маҳдуми Аъзамга ушбу рубоийни ёзиб юборади:

Аҳволи ним, эй дўст,  Яке-ду бинам,
Ҳаргиз,  ки бинам,  Ҳақ чунон ба ў бинам
Мустағриқи Ҳақ чунон шудам дарҳола ҳол,
Ҳақ гўяму, Ҳақ бишнаваму  Ҳақ бинам [6]

Мазмуни:

Ярим аҳволини, эй дўст бир-икки кўраман,
Нимани кўрсам барчасини у билан бирга кўраман.
Барча ҳолатда ҳам Ҳаққа шунчалар ғарқ бўлибманки,
Фақат Ҳақ дейман, Ҳақни эшитаман ва Ҳақни кўраман.

Убайдуллохоннинг бу  рубоийсига ҳам жавоб тариқасида Маҳдуми Аъзам “Шарҳи рубоиёти Убайдий”[7] рисоласини ёзади. Умуман мутасаввифанинг рисолалари тўпламидан “Убайдий” шеърларига бағишлаб ёзилган учта рисола, алоҳида диққатга сазовордир.

Убайдуллохон  Аҳмад Яссавий таълимотидан ҳам хабардор эканлигини қуйидаги девонидан билиш мумкин:

Барча машоих сарвари, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Сонсиз муридлар раҳбари, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Хизр Отонинг ҳамроҳи, огоҳларнинг огоҳи,
Доим илоҳий волаҳий, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Аллоҳ зикри ҳамдами, барча валилар аъзами,
Сирри илоҳи маҳрами, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Ҳам ишқ аҳли содиқи, ушшоқ хайли Вомиқи,
Дедор ганжи шоиқи, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Ўғли шаҳид ўлғон замон, берди хабар бир нотавон,
Аблақ отин берди равон, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Лозола раъсуссобирийн, манзўру куллиннозирийн,
Султону куллил- орифийн, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Бахту Саодат ахтари, жон махзанининг жавҳари,
Ҳикмат биҳорин гавҳари, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Эй дўст кони маҳамат, ҳам баҳри илму маърифат,
Султони мулки офият, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Кўнглумда қолмасдур ғамим, сиз каби бўлса маҳрамим,
Гар бўлса ҳар дам ҳамдамим, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Бўлғон ҳаво йўлида сад, айлаб ҳаво ишини рад,
Айлар боримизга мадад, Султон Хожаҳмад Яссавий.
Иззат самоси ховари, ҳам ишқ мулки довари,
Мискин Убайдий ёвари, Султон Хожаҳмад Яссавий.

Аҳмад Яссавий ва Маҳдуми Аъзамнинг қарашлари инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этган бўлиб, миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи таълимот вазифасини ўтайди. Мутасаввифларнинг инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган тасаввуфий қарашлари Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ҳамда дин вакилларини тинч ва тотув яшашига кўмаклашади, диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмга қарши курашда, миллий  ғоянинг мафкуравий негизини тушунишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Таянч сўзлар**: Аҳмад Яссавий, Маҳдуми Аъзам, умумийлик, хусусийлик, ихвон, макон, замон, хон, адолат, шариат, тариқат.

**Ключевые слова:** Ахмад Яссавий, Махдуми Аъзам, общий, индувидуальность, братьство, пространства, время, хан, спроведливость, шариат, тарикат.

**Key words:** Ahmad Yassaviy, Mahdumi Azam, general, individualism, brotherhood, space, time, khan, justice, sharia, tarikat

**Аннотация:** Аҳмад Яссавий ҳамда Махдуми Аъзамларнинг тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ўзаро меҳр – оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтиришга қаратилган ғояларидаги умумийлик ва хусусийлик таҳлил этилган.

**Аннотация:** Анализируется общая и частная идеях Ахмада Яссавий и Махдуми Аьзама а также создания и укрепления идеи стабильность условия мира, укрепление дружбы и единство, любви и милосердия.

**Annotation:** The article analyzes the general and particular ideas of Ahmad Yassaviy and Mahdumi Azam as well as the creation and strengthening of the idea of stability of the world, strengthening friendship and unity, love and mercy

**Файдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Идрис шоҳ. Нақшбандия тариқати. -Т., 1993. – 14 б.
2. Усмон Турар. Яссавийнинг Туркистон тарихидаги ўрни ва мутасаввифлиги // Хожа Аҳмад Яссавий. ҳаёти, ижоди, анъаналари. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – 129 б.
3 . Ахмад Яссавий. Девони ҳикмат / нашрга тайёрловчи Абдушукуров Р. – Т., 1992. – 8 б.
4. Хожагий Ахмад Косоний. Зубдат ус – соликийн ва танбеҳ ус – салотийн. Қўлёзма. Ўз Р ФАШИ № 501 / ХХ. - 143 – 144 в.
5. Наврузова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т., 2002. – 14 б.
6. Хасанхужа Нисорий. Музаккири ахбоб. -Т., 1993. - 23 б.
7. Хожагий Аҳмад Косоний. Рисола - йэ шарҳи Убайдий // Тарж. Абдулҳаким Шаърий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. -Т.:Адолат, 2001.–117 б.

## БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТИНЧЛИКПАРВАРЛИКНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАМОЙИЛИ СИФАТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

**Шарипов Абдухакимжон Зиётдинович,**
**Бухоро давлат университети, фалсафа фанлари номзоди, доцент**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинган. Ҳозирги вақтда ҳаётимизда бағрикенглик, тинчлик, тотувлик тамойилларини чуқур қарор топтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда турли низо ва қарама-қаршиликлар авж олиб, тинч-осойишта ҳаёт ва бағрикенгликка нисбатан тазйиқлар, хатарлар кучайиб бораётган даврда кўпмиллатли ва кўпконфессияли жамиятимизни янада бирлаштириш, ёшларимизни тинчликсевар ва бағрикенг этиб тарбиялаш маънавий камолотга интилиш туйғусини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бағрикенглик – ёт одамнинг турмуш тарзи, хулқи, урф-одатлари, ҳиссиёти, фикри, ғояси, эътиқодига тоқат қилиш, бағрикенглик билан ёндашув, чидам билан қарашдир.[171] Динлараро муносабатлар тизимида бағрикенглик бир маъно касб этса, ғоявий фронтда ўзгача маънони англатади. Агар, динлараро бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини кўрсатади. Дунёда мавжуд динлар эзгулик ғояларига асосланади, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланганлиги учун, миллий онгнинг асоси ҳисобланиб, ўзбек халқи толерантлиги негизини ташкил этади.

Бағрикенглик бу хилма-хил ижобий сифатларнинг уйғунлиги маъносида жаҳон маданиятининг, урф-одатларнинг, қадриятларнинг хилма-хиллиги бўлишидан қатъи назар ўзликни намоён қилиш шакллари ва инсоний фазилатларнинг ўзбек халқи маданияти, урф-одатлари, қадриятларида ифодаланиши ҳамда уларни хурматлаш ва қабул қилиш оркали янгидан-янги маданият тармоқларини, урф-одатларни, қадриятларни шакллантиришдир. Айнан ана шу қоидага

[171] Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. -Б.150.

асосан бағрикенглик тизимини янада жиддийлаштирадиган бўлсак, у сабр-тоқатлилик, ўз манфаатини халқ, Ватан манфаатларидан устун қўймаслик, андишалилик, тенглик ва ҳамкорликда яшаш, меҳр-оқибатлилик, олийжаноблик каби ўзбекона хислатлар мажмуи дейиш мумкин.

Толеърантлик – турли қараш, эътиқод, жаҳон маданиятига ҳурмат, умуминсоний қадриятларни бағрикенглик асосида қабул қилиш, тушуниш, инсоннинг ўзлигини намоён қилишга асосланган индивидуалликнинг аниқ намоён бўлишидир.[172]

Бугунги кунда толеърантликни ривожлантириш жараёнидаги муаммоларни ечиш ва амалиётга татбиқ қилиш долзарб масалага айланиб бормоқда. Чунки жаҳонда терроризм ва экстремизм кучаяётган ва уларга қарши кураш зарурияти ошиб бораётган шароитда толерантликни ўрганиш, унинг ёвуз кучларга қарши курашдаги имкониятларини очиб беришга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Тажриба кўрсатишича, жамият ўзгариб борар экан, онг ҳам ўсиб бағрикенглик йўналишидаги турли маънавий-маърифий фикр-мулоҳазалар ривожланиб, давлат миқёсида умуммиллат толерантлиги шаклланади. Жамиятни маънавий-маърифий янгилашдан кўзланган мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришишдан иборат экан, толеърантлик асосини ҳам комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ташкил қилиб, миллий ғоя, миллий мафкурага амал қилган ҳолда мустақилликни янада мустаҳкамлашга эришишдир.

Тинчлик – урушларга йўл қўймаслик, давлатлараро низо ва можароларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш, мамлакат ичидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш тамойилларини ифодаловчи тушунча.[173] Бугунги замонда маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, тинч-тотувликни қарор топтириш, маданий мерос, осори-атиқалар, урф-одатларни асраб-авайлаш, дунё халқларининг илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарур.

Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинч-тотувликка интилиб келган, у – барқарор тараққиёт гаровидир. Инсоният тарихига назар ташланса, кейинги беш минг йил мобайнида одамзод ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни бошидан кечирганини кўриш мумкин. Бу - уруш ва тинчлик, хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳанузгача инсоният олдидаги энг оламшумул муаммо бўлиб қолаётганидан далолатдир. Холбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади. Мустакиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ биз юрт тинчлигини энг асосий бойлик сифатида асраб келмоқдамиз. Бугунги ва кейинги насллар ҳам кўп меҳнат ва машаққатлар эвазига қўлга киритилган мана шу бебаҳо неъматни асраб-авайлаши зарур. Шундагина улар халқимизнинг асл орзу-интилишларига, аждодларимиз руҳига муносиб ворис бўла олади. Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги тинчликни сақлашнинг муҳим омилидир. Тинчлик, хотиржамлик ва тотувлик – булар ҳаётбахш чашмалар бўлиб, ҳозирги кунда ҳаёт кечираётганларнинг фарзандлари ва авлодларида эртанги кунга порлоқ келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Тинчликсеварлик – инсонларнинг тинч-хотиржам, яратувчанлик, бунёдкорлик, ижод қилиш, яратган ижод маҳсулларининг узоқ йиллар мобайнида халқи, эл-юрти, Ватани ва умуман, инсониятга хизмат қилишига ишонч-эътиқод, ҳаётнинг қадрига етиш, тирикликни улуғлаш руҳидаги фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ тарбиявий йўналиш бўлиб ҳисобланади. Тинчликсеварлик хусусияти ўзбек халқининг турмуш тарзи, қўшиқлари, алла ва эртаклари, достонларида ҳам ифодаланади. Чунки халқимиз тинч-тотув яшашни, бунёдкорлик, яратувчанликни афзал кўрадиган тинчликпарвар, меҳнаткаш, болажон халқ. Халқимизнинг эзгу ниятли, очиқ кўнгилли, ҳаммага яхшиликни раво кўриб яшайдиган халқ эканини кўпчилик чет эллик сайёҳлар, олимлар ҳам таъкидлаган. Тинчликсеварлик хусусияти киши хулқ-атворида, характерида тарбия орқали, кўп йиллик ҳаётий тажриба воситасида таркиб топади. Одатда бу хислат ёки фазилатлар кишиларнинг онг-тафаккурида шаклланa бориб, бутун бир халқнинг характери, маънавияти, миллий хусусиятини белгилайдиган омилга айланади. Мамлакатимизнинг ҳозирги сиёсати ҳам айнан халқимизнинг тинчликсеварлиги, яхши қўшничилик ибрати, беғараз ва соф ниятли халқ эканидан далолатдир.

Мана шу маънода, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш янги Узбекистонни барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан бағрикенглик

[172] Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. -Б.324.
[173] Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 2-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. -Б.321.

тамойили асосида яшашни, танчликпарвар бўлишни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асраш, бағрикенг ва толеърант бўлиш энг муҳим вазифа бўлиб қолади.

*Резюме. Ушбу мақолада бағрикенглик, толеърантлик тамойиллари, тинялик, тинчликпарварликнинг жамият ҳаётида амал қилиши, янги Ўзбекистон миллий тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг бўлган, халқаро ҳамжамиятда маънавий қиёфасини оширишга хизмат қиладиган, барқарор ривожланиш ва жаҳонда муносиб ўрин эгаллашига бекиёс ҳисса қўша оладиган ёшларни тарбиялашга қаратилган миллий ғоянинг концептуал тамойиллари сифатидаги роли ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилади.*

*Resume. In this article, the principles of tolerance, peace and tranquility in society, the national idea of educating young people who are in harmony with the Action Strategy of the national development of the new Uzbekistan, serve to enhance the spiritual image of the international community, contribute to sustainable development and its worthy place in the world. its role as a socio-philosophical analysis.*

## БАҲОВУДДИН ВАЛАД ВА МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН МУАММОСИ

**Чўлиева Васила Эркиновна-**
Ўзбекистон, НавДПИ, Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Барчамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, буюк мутафаккирларимиз илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, маънавий меросимиз бўлмиш қадимий қўлёзмаларни асраш, таржима қилиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз орасида китоб ўқиш ва китобхонлик маданиятини шакллантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай жараёнлар эса фалсафа фани тизимида маънавий ва фалсафий дискурс методологиясининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Баҳовуддин Валад Мутлақи вожиб ва материя ҳақида фикр юритаркан, унга кўра, оламдаги барча мавжудликларда – Инсондан тортиб токи энг майда кўз илғамас заррагача барча-барчаси Яратганнинг измидадир. Борлиқдаги ҳар қандай мавжудликнинг шакл-шамойилида Унинг тажаллийси зуҳр этади. Бу жараёнда яратилган нарсалардаги гўзаллик, жозибадорлик, мафтункорлик каби абстракт тушунчаларда ҳам Яратувчининг иноятн, раҳм-шафқати, меҳрибонлиги акс этади. Аксинча, чиркин ва ёқимсиз шаклларда эса Яратганнинг ғазаби намоён бўлади. У ўзи истаган мавжудликнинг сурати ва сийратини ўз истаганидек яратишга қодир зотдир, дея тушунтиради.

Мавлоно Жалолиддин Румий фалсафасида энг кўп таҳлил ва талқин этиладиган, турли баҳс-мунозаралар марказида турадиган, неча асрлардан буён инсонлар орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўладиган шундай фикр бор: “Борлиқ (вужуд) оғилидан жамоа оғилига, жонсиз борлиқлар оғилидан ўсимлик дунёсига, ундан ҳайвонликка, ҳайвонликдан инсонликка, инсонликдан малакликка ва шу сўнгсиз тарзда илгарилатади.У сенга буларни бир-биридан устун оғиллар борлигини қабул ва эътироф этмоғинг учун кўрсатгандир[174]”. Румийнинг бу антропологик ғоясини олмон шарқшунос олимаси А.Шиммель шундай талқин этади: “Мен минерал сифатида ўлиб, ўсимликка айландим. Мен ўсимлик сифатида ўлиб, ҳайвонга айландим. Мен ҳайвон сифатида ўлиб, Инсонга айландим. Мен инсон сифатида ўлиб, Олий Тангри ва фаришталар ҳузурига йўл олдим[175]”. Файласуф олим Н.Жўраев эса: “Бир қарашда жисмларнинг йўқ бўлиб кетмаслиги, фақат бир турдан иккинчи турга айланиши муқаррарлиги ҳақидаги табиат қонунига ўхшашроқ, аммо юксак маънавий ва руҳий заминга асосланган ғояларни баён этган Жалолиддин Румий “маъдан-ўсимлик-ҳайвон-инсон” формуласини илгари сурадики, бу ҳол доимий равишда айланиб турадиган улкан доира мақомини эгаллайди”[6.-Б.150.], деб ёзади. Дарҳақиқат, Румий томонидан илгари сурилган заррадан ўсимликка, ўсимликдан ҳайвонга, ҳайвондан инсонга, инсондан малакка айланиш тизимида борлиқнинг асосидаги мутлақ руҳ ўз асосидан кечмаган ҳолда оддийликдан-мураккабликка қараб ҳаракатланишига ишора қилинган. Биз Баҳовуддин Валадни “Маориф” асари билан яқиндан танишар эканмиз, бу ғояни субстанцияси айнан мана шу китоб таъсирида яратилганига бевосита гувоҳ бўламиз. Фарқли жиҳати шундаки, Баҳовуддин Валад ўз асарида бу ғояни умумий ҳолда шундай тавсифлайди: “Инсон заррадан яралади ва у ўз табиатидаги фазилатлари ёки иллатлари туфайли ҳайвонлик даражасида тубанлашади ёки малаклик даражасида юксалади”[17.-Стр.316.]. Эътиборли жиҳати шундаки, Баҳовуддин Валад ўз асарида бу ғояни умумий бир тарзда шарҳлаб ўтган бўлса, Жалолиддин Румий бу ўринда мантиқий

[174] Ўша асар.-Б.33.
[175] Шиммель А. Мир исламского мистицизма. - М.: Садра, 2012. стр. 288.

изчиллик тамойилига асосан, априор билимларга таяниб, синтезлаган ҳолда тушунтиради. Бунда Мавлоно ўз фикрини далиллаш учун диалектиканинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни тамойиллари асосида редукционизм нуқтаи назаридан фикр юритади.

Шунингдек, Баҳовуддин Валад ўз фалсафий-тасаввуфий таълимотида инсондаги руҳ ва тана мутаносиблиги ҳақида сўз юритаркан, унинг фикрича, Инсоннинг руҳи мутлақ руҳнинг инъикосидир. Инсон танасидаги руҳни у қафасдаги қушга қиёслайди. Қафасдаги қуш озодликни орзу қилгани каби, инсоннинг танасидаги руҳ, яъни, жон қуши ҳам эркинликни истайди. Мавлоно таъбири билан айтганда, Инсоннинг ичи ҳуррият оламидир[14-Б.113]. Банди қуш озодлик илинжида қафаснинг ҳар тарафига ўзини уриб, ўз жисмига озор етказгани каби, инсон ҳам моддий оламнинг ҳою-ҳаваслари илинжида ўз танасини зўриқтиради, қийноқларга маҳкум этади. Бу ҳолат эса ўз навбатида руҳнинг эркинликка интилиш илинжини кучайишига сабаб бўлади. Баъзан инсон ўз нафси ва меъёридан ошган моддий истаклари таъсирида боши берк кўчага тушиб қолганида, ҳаётдан тўйиши ёки ўз жонига қасд қилишга уриниши каби ҳолатлар ундаги руҳнинг ички исёни натижасида пайдо бўлади. Жалолиддин Румий ўзининг машҳур “Ичиндаги ичиндадир” асарида шундай ёзади: “У ер шундай бир шаҳарки, гўзал юзлилар ва кўнгилларнинг бошқа барча истаклари муҳайёдир. Бу шаҳар-инсоннинг вужуди. Агар унда сон-саноқсиз ҳунар қайнаб ётса-да, ўша маъно бўлмаса-беҳуда. Муҳими-руҳ маъмурлиги”[16.-Б.191]. Баҳовуддин Валаднинг фикрича, инсон вафот этганидан кейин унинг руҳи тана деб аталмиш қафасдан озод бўлади ва Ҳақнинг ҳузурига йўл олади. Танаси эса яна ўз фитратига, яъни, тупроққа қайтади. Унинг тупроққа қайтган танасидан моддий оламдаги бошқа мавжудотлар ва турли гиёҳлар пайдо бўлади. Аллома инсон вафот этганидан кейин унинг жисмини тарк этган руҳ абадий яшайди, дея таъкидлайди. Аммо у трансцендент (нариги дунё) ҳақида деярли сўз юритмайди. Баҳовуддин Валаднинг бу борадаги фикрларидан фарқли равишда Жалолиддин Румий трансцендентал (ҳозирги дунё) билан бир қаторда трансцендент дунё ҳақида ҳам фикр юритган ҳолда, ўз асарларида жаннат ва дўзах, охират куни ҳақида кўп ўринларда тўхталиб ўтганлигига гувоҳ бўламиз. Демак, дастлаб инсоннинг вужудини Баҳовуддин Валад ўзининг “Маориф” китобида қафасга қиёслайди ва бу ўхшатишга кейинчалик Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” ҳамда “Маснавий маънавий” асарларини бир неча ўринларида ҳам дуч келамиз. Бундай умумийлик эса Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румий фалсафий-диний қарашларидаги ғоявий муштаракликдан далолат беради.

Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий қарашларидаги мантиқий ҳамда диалектик боғлиқлик хусусида сўз кетаркан, шу ўринда уларнинг асарларидаги бадиий услуб ўртасида ҳам бир қанча боғлиқликлар, ўхшашликлар мавжудлигига амин бўламиз. Уларнинг услубидаги энг катта умумийлик жиҳати шундаки, “Маориф”, “Маснавийи маънавий”, “Ичиндаги ичиндадир”, “Мажолиси сабъа” ва “Мактубот” каби асарларнинг барчаси қомусий асарлар сирасига киради. Чунки бу асарларнинг ҳеч бири муайян бир соҳа доирасида яратилмаган, балки, уларда Олам ва Одамнинг яралиши билан боғлиқ фикрлар, шунингдек, диний ва дунёвий, ижтимоий, маънавий-маърифий, ахлоқий қарашларга оид мавзулар етакчилик қилиб, инсониятни маънавий камолот сари ундовчи умуминсоний қадриятлар хусусида сўз боради.

## ФИТРАТНИНГ “РАҲБАРИ НАЖОТ” АСАРИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК, ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ВА МАЪРИФИЙ-МАЪНАВИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ТИЛГА ОЛИНИШИ

**Темиров Фаррух Умедович – т.ф.ф.д (PhD). Бухду**
**Тоғаева Дилнавоз – ўқитувчи, Бухду**

*Ушбу мақолада машҳур ўзбек олими, маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитратнинг илмий-маънавий мероси ва унинг “Роҳбари нажот” асарида ахлоқий тарбия, фазилатли инсон тарбиялаш диний бағрикенглик ва маънавий-маърифий ғояларни муҳимлиги ва ёш бухороликларнинг ғоявий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган*

Давлатимиз мустақилликка эришгач, маънавий қадриятларимизни тиклашга, миллий ўзликни англашга асос яратилди. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ривожини таъминлаш бой маънавият ва руҳият илмидан самарали, одилона, окилона ва омилкорлик билан фойдаланишни такозо этмокда. Маънавий меросимиз яратувчиларини эъзозлаб, уларнинг мукаддас китобларини асраб-авайлаб, хаётга тадбиқ этишимиз лозим. Ана шундай адибларимиздан бири XX аср миллий уйгониш даврининг улкан намояндаларидан бири Абдурауф Фитратдир.

Бизга маълумки, Фитрат серкирра ижодкор, унинг кизгин ва куп киррали ижтимоий фаолияти бадиий ижодининг ўсишига сабаб булди. асарларининг мавзуини ранг-баранг килди, мазмунини чукурлаштирди юксак рух бағишлади. Бошка бир канча файласуфлар, олимлар, адиблар сингари Фитрат хам оила масаласи, унинг жамиятдаги ўрни, оиладаги психологик мухит, бола тарбиясида оиланинг роли масалаларида бир канча рйсолалар яратди ва уз асарларида инсон билими, умумий дунёқарашининг ўзгаришида, жамиятнинг ички тартиб-коидаларини тўғри ўрганиб, унинг талабларига жавоб бера оладиган инсон булиб етишишида тарбиянинг ролини бош масала сифатида таъкидлаб утди.

Адиб ўз асарларида инсоннинг маънавий хаётига таъсир этувчи икки жиҳат, яъни унинг ақли - онглилиги ва ахлоқи (хулк-атвори)га эътибор қаратган[176]. Унинг фикрича, таълим ва тарбия инсонни ақлий томондан хам ахлокий жихатдан хам комил инсон килиб етиштиришга қаратилмоги лозим. Фитрат рисолаларида таълим-тарбия системаси, мукаммал инсон тарбиялаш вазифапари ичида, хусусан, ақлий ва ахлоқий тарбияга алоҳида ўрин берган. У ўткир ақл ва гўзал хулқ маънавий инсон бўлиб етишишнинг асосий шартидир, деб хисоблайди[177].

Фитрат "Оила ёки оила бошкариш тартиблари" номли рисоласида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, бола руҳияти, ота-она ва фарзанд руҳияти нисбати, инсоннинг маънавий жихатдан етук ва мукаммал бўлиб етишиши учун зарур булган тарбия усулларига алохида гухталади. Инсоннинг маънавий жихатдан етук ва мукаммал бўлиб етишиши учун зарур булган тарбия турлари, хусусан, бадан тарбия - жисмоний тарбия, ақлий-интеллектуал тарбия, ахлокий тарбия ҳақидаги фикрларида таълим- тарбия ишига киришиш, уни бошлашдан аввал боланинг шахсий хислатларини билиш, ёш хусусиятларини хисобга олган холда тарбиялаш жараёнида назарда тутиш лозимлигини кўрсатади.

Фитрат бола тарбиясида хусусан ақлий тарбия, маърифат, ақлни мавжуд билимлар билан бойитишга жуда катга эътибор бериш лозимлигини такрор-такрор кайд этади. Бола ақлини тарбиялаш унинг зехни ва ақл-идрокини камолга етказиш деб хисоблайди. Фитрат карашларида ақл ва ақлий тарбия масаласи энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди[178].

Фитрат психологик қарашларида яхши билмоқ, яхши ўрганмок мукаммал фикр қилмокдир, дейди. Ана шу тафаккурни, зехн харакатини "мухокама" деб атайди. Унинг фикрича, инсон аклининг кучи ва заковати билан то мухокама этиб карор килмаса, бир ишни бошлаб ёки бирор ишни тухтата олмайди. У уз фикрларини хаётий мисоллар оркали атрофлича тушунтириб беради. Фитрат узининг психологик ва фалсафий карашларида ахлокий тарбиянинг инсон хаёти учун мухимлигини айтиб ўтган. У яхшилик, гурур, олийжаноблик, адолатлилик, жасурлик каби ахлокий кэтегорияларга хам тўхталиб утади ва агар ахлокий тарбия талаб даражасида булмаса, бола акли хамда жисмоний кучини ўзи ёки атрофидагилар зарарига ишлатади, деб хисоблайди[179].

Унинг рисолаларида ахлокий тарбия аклли, фазилатли инсон тарбиялашнинг энг мухим шартларидан булиб, ақлий тарбия билан узвий боглаб тушунтирилган. Унинг фикрича, ахлокий фазилатлар аклий фазилатлардан ажралган холда мавжуд булиши мумкин эмас, тула ва хаки кий маънодаги аклли киши албатта ахлокли хохлади. Адиб асарларида рухий жараёнлар тўғрисида хам фикр юритган. У билиш жараёнларини жуда аник ифодалайди, уларнинг узвий богликлигини, ақлий билиш хиссий билишсиз вужудга келмаслигини алохида таъкидлаш билан бирга уларнинг билиш жараёнидаги хусусиятларига эътибор беради.

Фитрат инсоннинг объектив борлиқни билиши нуқтаи назаридан, бу билиш жараёнларининг инсон билимларини бойитиш, маърифатли бўлишдаги роли жихатидан ўрганишга ва талкин килишга харакат килади. У ўзининг рухиятга оид карашларида сезгилар, тафаккур, диккат, хотира каби руҳий жараёнларга жуда катта эътибор берган. У руҳий жараёнларни инсоннинг индивидуал психологик хусусиятлари билан боглайди, уларнинг ўзаро богликлигини, фарқларини, тафовутларини хам кўрсатади. Фитратнинг ўз замонаси учун нихоятда дадил булган илгор фикрлари кеиинги ижтимоий, фалсафий, психолог ик фикрларнинг тараккий этишида мухим ахамиятга эга[180].

---

[176] Улуғова Ш. Фитратнинг оила ва руҳият ҳақидаги қарашларига бир назар. / Фитрат ва миллий тараққиёт. (“Мутафаккирлар мероси” серияси 3-китоб). Т: Фан, 2008. – Б. 61.

[177] Улуғова Ш. Фитратнинг оила ва руҳият ҳақидаги қарашларига бир назар. / Фитрат ва миллий тараққиёт. (“Мутафаккирлар мероси” серияси 3-китоб). Т: Фан, 2008. – Б. 61.

[178] Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари (Биринчи китоб). – Б.92-93.

[179] Улуғова Ш. Фитратнинг оила ва руҳият ҳақидаги қарашларига бир назар. / Фитрат ва миллий тараққиёт. (“Мутафаккирлар мероси” серияси 3-китоб). Т: Фан, 2008. – Б. 61.

[180] Улуғова Ш. Фитратнинг оила ва руҳият ҳақидаги қарашларига бир назар. / Фитрат ва миллий тараққиёт. (“Мутафаккирлар мероси” серияси 3-китоб). – Б. 62-63.

Асримиз бошларида қолокликка юз тутган, тор, биқиқ, ички муносабатлар билан ўралашиб коган, бир вақтлар мусулмон ва маданият оламининг маркази хисобланган Бухорода - умароларининг фукаро билан иши йук, уламолари диннинг асл ахлокий ақидаларидан узоқлашган, бидъатга ботган, фукаролари эса нодонликка махкум этилган юртда унинг бахти, келажаги ва тарккийси хакида уйлайдиган, унинг учунда қайғурадиган, харакат киладиган, "Мухтарам бир жамоа" - жадидлар харакати юзага келди. Жадидлар мамлакатда иктисодий-сиёсий, маданий-маърифий ислохотлар утказиш учун курашдилар. Улар тараккиётга маърифат оркали борилишини, унинг учун эса дин ва илм восита эканлиги гоясини илгари сурдилар[181].

Барча мамлакатларда, хамма даврларга мамлакат инкирозга томон кетганда улуғ йулбошчилар, буюк тафаккур эгалари "Нима килмок керак"? деган саволга жавоб излаганлар. Бухоро жадидларининг мафкурачиси булган Абдурауф Фитратнинг "Рахбари нажот" асари Бухоро халки ва унинг илғор фарзандлари олдида турган шу саволга жавоб сифатида ёзилган эди.

Фитратнинг "Рахбари нажот" асари 1915 йили Петроградда, ёш бухороликларнинг бўлғуси рахбари Абдувохид Мунзим (Бурҳонов) томонидан нашр килинган[182]. XIX аср маърифатпарварларига Аҳмад Донишнинг "Наводир ул-вакое"си кандай ўрин тутган бўлса, янги давр маърифатпарварлари - жадидларининг комусий асари сифатида "Рахбари нажот" хизмат қилган[183]. Фитрат "Раҳбари нажот", "Мунозара", "Хинд сайёҳи", "Хаёт ва хаёт ғояси" каби асарлари хамда мақолаларида илгари сурган фикрларини ривожлантирди ва умумлаштирди[184].

Асарда ёш бухороликларнинг ғоявий-фалсафий ва ахлокий карашлари акс этган[185]. Фитрат дин деганда шунчаки худога ибодатни назарда тутмайди. У динда илмни, маърифатни, ўзлигини англашни, инсонийликни куради. Фитрат вокеликка хаёт ғояси нуктаи назаридан ёндашаркан, жамиятда "Хеч кандай фойда келтирмайдиган одамлар" хакида ёзади[186]. Улар икки гурухга бўлинади. Биринчилари, хаётнинг мазмунини овкатланиш ва ухлашда, шароб ичмок ва ширинликлардан лаззат олмоқда кўришади. Улар инсон мажбуриятлари хакида ўйлашмайди, хеч нарсага қизиқишмайди. Яратувчи бундайин кишиларга бахт ато этмайди, дейди Фитрат.

Иккинчилари, ўз бахтларини хаёт ғоясида кўришади, лекин бу дунё бахти учун хеч бир тадбир килишмайди. Бу дунё бахти, дейишади улар, гайридинлар учун яратилган, мусулмонлар учун эса дунё дўзахдир, синовдир. Фитрат фикрича, дунё ишларига бефарк ва нариги дунё бахти билан машғул бу гурух кишилари жамиятга хеч кандай фойда келтиришмайди.

Хаёт ғояси кишилардан ибодатни талаб қилади. Фитрат бу масалада хам тўхталади. Фитрат бунда икки таноб хосилдор ери бор дехкон мисолини келтиради. Агар дехқончилик қуролларини ва уруғликни бахорги экинга тайёрлаб қўймаса, хамма вақт мачитга катнаб худодан "эллик халта буғдой етказишни" сўраб илтижо килса, унинг хохиши, албатга, инобатга ўтмайди. Унга карашли ер ҳам маълумки, ўз ўзидан хосил бермайди. Агар деҳқон факат деҳқончилик билан шуғулланса, оддий сув тошқини ёки экинга қурт тушиб хам хосил битмаслиги мумкин. Демак, деҳқон худодан табиатнинг қулай келишини сўрамоғи, хамда дехкончилик ишларини хал килмоги керак. Бу фикрлар бизга тасаввуф фалсафасини, накшбандчиликдаги "Дил ба ёру даст ба кор" талабини эсга солади.

Инсоният акл рахбарлигисиз саодатга эриша олмайди. Ақлга эса илм орқали эришилади. Натижада, Фитрат илмлар анализини, фанлар таснифини беради, уларни соҳалари бўйича туркумлайди. Аллома хар бир фанга алохида таъриф беради, уларнинг вазифаси ва бу фанларга хисса қўшган Шарк мутафаккирлари ҳақида сўзлайди, ўз фикрларини эса Қуръону хадислардан олган ҳикматлар билан далиллайди.

Жамиятнинг мавжуд аҳволига бахо бериш ва унинг тараккий этиш йулини кўрсатиш асарнинг бош мавзуидир. Жамиятнинг хозирги тараққий йули нотўгридир, халокатдир. Кишилар хаёт ғоясига амал килсалар саодатга эришадилар. "'Нима килмок керак?" Фитрат хадис оркали жавоб беради: “Қашшоқларга хайр-эҳсон қил, фойдали илмларни эгалла, яхши фарзандлар тарбияла: Агар бизнинг барча бойларимиз мана шу ҳикматларга амал килишганда эди, ривожланиш, бахт тинчлик сари юз тутган бўлар эдик”[187], дейди.

---

[181] Қосимов Б. Миллий уйғониш (Жасорат, маърифат, фидойилик). - Б.74.-75.

[182] Қосимов Б. Миллий уйғониш (Жасорат, маърифат, фидойилик). - Б.76.

[183] Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик (Илмий-тадқиқий мақолалар). Т: Алишер Навойи номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 75.

[184] Улуғова Ш. Фитратнинг оила ва руҳият ҳақидаги қарашларига бир назар. / Фитрат ва миллий тараққиёт. (“Мутафаккирлар мероси” серияси 3-китоб). Т: Фан, 2008. – Б. 63.

[185] Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар. Саккиз томлик. I-том. – Тошкент: Ўз ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963.

[186] Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик (Илмий-тадқиқий мақолалар). – Б. 78.

[187] Қосимов Б. Миллий уйғониш. (Илмий-тадқиқий мақолалар). –Б. 78.

# ГЛОБАЛ ЖАМИЯТДА БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ

**Шарипова О.Т.- БухДУ, Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди**

**Аннотация:** ушбу тезисда глобал жамиятда бағрикенглик маданиятининг намоён бўлиши, ўзига хос томонлари фалсафий таҳлил этилган

**Таянч сўзлар:** бағрикенглик, маданият, глобаллашув, жамият, меҳрибонлик, ҳуқуқ, ижодий фикр, ижтимоий-маънавий ҳаёт.

**Аннотация:** В данной тезисе даётся философский ангализ особенностей культуры толерантности в глобальном сообществе. .

**Ключевые слова:** толерантность, культура, глобализация, общество,мылосердие, право, творческое мышление, социально-духовная жизнь.

**Annotation** : this thesis provides a philosophical analysis of the specific aspects of the manifestation of a culture of tolerance in global socicty.

**Keywords**: tolerance , culture , globalization , society, kindness, law , social thought, social spiritual life.

Бағрикенглик тушунчаси кўп асрлар мобайнида шаклланиб келди ва бу жараён ҳали ҳам давом этмокда. У янгидан-янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимида мазмунан ва моҳиятан муҳим аҳамият касб атмокда.

Ушбу тушунча узоқ ўтмиш тарихига эга. У динларда, жумладан, буддизмда “инсон қариндошлари ва дўстларига нисбатан ўзининг муносабатларини бешта кўринишда билдириши мумкин, улар: бағрикенглик, эътиборлилик, меҳрибонлик, ўз сўзи устидан чиқа билиш ва ўзига раво кўрган нарсани уларга ҳам тилаш” каби афторизмда, ислом динида: “ким ўзини яхши кўргандек биродарини ҳам сева олмаса, ҳеч қачон мусулмон бўла олмайди, христиан динида: “барча нарсаларда одамлар сенга кандай муносабатда бўлишларини хоҳласанг, ҳам уларга шундай муносабатда бўл” каби ғояларда ифодаланади. Хитой донишманди Конфуций шундай деган эди: “...сенга қилишларини хоҳламаган ишни бировларга ҳам қилма”. Бу этиканинг олтин қоидаси ҳисобланади.

Ўтмишнинг энг етук мутафаккирлари табиий хуқуқ таълимотига асосланиб, инсоннинг иқтисодий ва сиёсий эркинлиги билан бир қаторда, унинг маънавий эркинлигини ёқлаб келгаанлар. Масалан, ўрта аср инглиз файласуфи ва сиёсий арбоби Ж.Локк ўзининг «Очерки о терпимости» (1667 й.) ва «Письма о терпимости» (1685 й.) асарларида кучли черков цензураси давридаёқ толерантлик ҳақида сўз юритган. Фуқароларнинг табиий ҳуқукдарини ҳимоя қилиш жараёнида жақон маданияти толерантлик ғоясини амалга ошириш борасида демократик тажрибаға эга бўлиб борди. Кескин ижтимоий ўзгаришлар, миллатлараро гўқнашувлар, якка хоким ғоявий концепцияларининғ емирилиши даврида бу тажриба адоҳида аҳамият касб этади.

Толерантлик ғоясини қарор топтириш механизмлари бутун ижтимоий муносабатлар тизими, конституционал-демократик ҳуқуклар ва эркииликларга риоя қилиниш даражаси, шахс ва умуман жамиятнинг маънавий маданияти савияси билан богликдир.

Толерантлик сўз эркинлигисиз мавжуд бўлолмайди. Фақатгина қонун томонидан кафолатланган ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи инсонга ўз эътиқодларини эркин ҳимоя қилиш имконини беради ва бир пайтнинг ўзида уларга нисбатан бошқа шахс, жамоа ски давлат томонидан хайрихоҳ муносабатни таъминлайди. Ҳар бир инсон ўзининг ички дунёси, ҳаётий тажрибаси, ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларига нисбатан ўз фикри ва баҳосига эга. Бу эса турли-туман қарашлар, зиддиятлар ва тўқнашувларга олиб келадики, уларнинг ечими толерант онғни талаб қилади. Сўз эркинлиги ижтимоий фикрнинг табиий муҳитини шакллантиради, жамоа фикрини ҳақиқатга яқинлаштиради, ҳаётий муҳим мақсадларнинг ечимида самарали йўл ва усулларни ишлаб чиқиш имконини беради. Мамлакатнинг бой маънавий потенциалини сақлаб қолиш ва ундан рационал фойдаланиш нафақат толерантлик ғоясини, балки бутун демократик ижтимоий тузилишни амалга ошириш механизмларини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Ижодий фикр толерант онг ва толерант хулқ-атворни қабул қилиш ва ўзлаштиришга имкон беради. Ўзга қарашларга нисбатан муросасизлик инсонпарварликка зиддир. У куч эмас, заифлик кўрсаткичи. Толерантлик ғоясини амапга ошириш догматик тафаккурға зид бўлған шубҳаланиш тамойилини кўзда тутади.

Шубҳаланиш - ижодий шахс белгиси, янгилик яратиш жараёнининг белғиси бўлиб, бунда инсон адашиши мумкин.. Бу инсонга ўзлигини намоён этиш ҳамда ижод эркинлигидан кечмаган ҳолда ўз ғоявий позициялари учун маънавий масъулиятни зиммасига олиш имконини беради. Шубҳаланиш - шахс маънавий маданиятининг кўрсаткичи, аввалambор ўзига, ўз фикрлари ва қарашларига танқидий

муносабатининг кўрсаткичи ҳисобланади. Маънавий дунёси бой шахсда шубҳаланиш ҳисси, билимсизга қараганда кучлироқ, шунинг учун у ўзгаларга, уларнинг қарашларига хайрихоҳлик билан қарамаслиги мумкин эмас. У ёки бу хатти-ҳаракат ёки фикрнинг тўғрилигига шубҳаланиш чуқур мулоҳаза қилинмаган қарорлардан саклайди.

Толерантлик ғоясини амалга оширишда ижодий мунозаралар, диалоглар учун шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. Улар фикрларни эркин ифода этиш ва ҳақиқатни топишга ёрдам беради.

Бундай шароитда масалаларнинг тенг муҳокамаси юз бермайди. Ўзаро танқидий чиқишлар жараёнида муаммонинг янгидан-янги қирралари намоён бўлади, бахслашилаётган масалалар бошқача, янада чуқурроқ англашилади. Ўзга фикрларга ҳурмат ҳисси билим ва юқори малакага, факт ва ахборотнинг ҳақиқийлигига асосланади

Глобаллашув жараёнида инсоният ҳамжамияти қаршисида пайдо бўладиган кўплаб муаммолар орасида бағрикенглик маданияти муаммоси бош масалалардандир. Бизлар баклавр ва магистрларга дарслар давомида глобаллашув, вужудга келиши, моҳияти, сабаблари, глобал коррупция кабилар ҳақида фикрлар билдирамиз. Шунингдек бу даврда бағрикенглик маданиятини янада ривожлантириш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Глобаллашув жаҳонни бир бутун социумга айлантирди. Маълумки, бугунги кунда энг янги коммуникация технологиялари туфайли ахборотлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда ва бизнинг шу топдаёқ унга ўз муносабатимизни билдиришимизни талаб қилмоқда. Халқаро, гуруҳлараро, шахслараро глобал алоқа тармокларининг юқори даражадаги зичлиги боғланишлардан қочишга, лоқайд ёки бетараф бўлиб қолишга йўл қўймайди. Муаммоли вазиятлар вужудга келиши мумкин. Бундай вазиятларни фақат юқори бағрикенглик маданияти ва кўникмалари бартараф этиши мумкин.

Ҳозирги даврда ҳаммамизга маълумки фалсафий фанлар тизимида кўп қисқартиришлар амалга оширилди. Мутахасислик фанларига кўпроқ соатлар ажратиш ҳисобига ижтимоий фанларда соатлар камайди.

Илмий билишда янги концептуал тизимларнинг пайдо бўлиши ва эскиларининг илм-фан тараққиёти жараёнида жамиятни тарк этиши бу олдинги билимлар ўз вазифасини бутунлай бажариб бўлди дегани эмас. Улар янги шароитда самарали бўлган ғояларга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун маданият, билиш тарихига ҳурмат, бу ўтмиш билан танқидий диалог-мулоқот янги билимлар яратиш жараёнига қўшилиб кетган.

Бағрикенглик мазмунининг бу нуқтаи назардан талқини “ўзга маданиятга ҳурмат” ва “ўтмишга ҳурмат” тамойилларининг уйғунлигини кўзда тутади. Толерантликнинг буидай талқинини қабул қилиш, уни сингдириш, амалда татбиқ этилиши мураккаб бўлса-да, бу ҳозирги давр талабидир. Факат маданиятларнинг танқидий мулоқоти, шахсий ва маданий манманликни тарк этиш, бир битимга кела олиш, ўз-ўзини ўзгартира олиш, ҳозирги замон цивилизацияси дуч келган муаммоларни ҳамкорликда хал қилиш йўли билангина цивилизациялар тўқнашуви ва уининг оқибатларини бартараф этиш мумкин. Инсониятга бағрикенгликнинг, оддийроқ қилиб айтганда, ўзаро ҳурматнинг, хайрихоҳ, муросали муносабатнинг етишмаслиги ҳаммага маълум. Кўп ҳалокатларнинг сабаби ҳам айнан мана шунда.

Давлат ҳамма вақт жамиятни ва алоҳида шахсни бошқаришга, яъни тоталитаризмга, кишиларни умумий давлат механизмининг алохида кичик мурватлари сифатида олиб қарашга мойил. Фуқаролик жамияти бу тенденцияга қарши туради ва у билан муттасил курашади. Ижтимоий, сиёсий, хайрияа диний ташкилотлар фуқаролик жамиятининг субъектларидир.

Хулоса қилиб айтганда, толераитлик ижтимоий ва сиёсий тараққиёт патижасида адолатсизлик ва ноҳақлик барҳам топган жамиятда қарор топиши мумкин. Шунинг билан бирга бунинг акси ҳам тўғри ижтимоий онгда қадрият сифатида тан олинган толерантлиликсиз тараққий этган жамият куриш мумкин эмас.Ижтимоий ҳаётда плюрализм тез суръатлар билан ўсиши ва глобаллашув жараёни толерантлик. маданияти мустахкамланишига эҳтиёж туғдиради. Ижтимоий жараённинг турли субъектлари фаолиятида хилма-хил қарашлар, позициялар, тамойиллар, барча иштирокчиларга маъқул бўладиган оптимал ечимни излаш ва топиш йўли билан борадиган шароитни яратиш зарур

Бағрикенглик ижтимоий тараққиётнинғ, ижтимоий-маданий ҳаётнинг ранг-баранглик, инновация асосида ривожланишининғ асоси бўлиб келган. Ўзбек халқида турли маданиятли халкдар билаи ижтимоий муносабатларга кириишб яшаш, улардаги ютуклардап баҳраманд бўлиб миллий бойликлар яратиш анъана бўлған. Ушбу тарихий-маданий апъанани давом аггириш, янғи давр нуқтаи назаридан унга маъно, моқияг бахш атиш мустақил Узбекистонда тинч-тотув яшашни таъминлаш, динлараро ва халклар, миллатлараро муносабатларни чуқурлаштириш омилидир.

Маданий жараёнлар ички ва ташқи таъсирлар остида кечади, уларда анъанавийлик билан замонавийлик, миллийлик билан умуминсонийлик кабилар ёнма-ён юради. Ресиубликамиз хаётини модернизациялаш ва демократлаштириш ушбу жиҳатларни ҳисобга олишни, улардаги ижобий

хислатларни қўллаб-қувватлаб, ҳар бир шахсиинг эркин яшаши, эркин ижод қилиши, ижтимоий ҳаётда эркин қатнашиши учум зарур имкониятлар яратишни тақозо қилади. Янгиланаётган Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришда икки муҳим омил ҳисобга олинди:

Биринчидан, ёшларда ижтимоий фаолликни шакллантириш ва уларни демократик ўзгаришларнинг актив субъектларига айлантириш;

Иккинчидан, ёшларни бошқа халқлар ва миллатлар маданиятлари билан интеграцияга киришиб, уларнинг ютуқларидан миллий тараққиёт манфаатлари йўлида фойдаланишга ўргатиш.

Замонавий бағрикенглик маданияти шаклланишида тарихий-маънавий, хусусан тарихий-фалсафий негизларнинг ишлатилиши муҳим аҳамият касб этади, чунки ўтмиш мутафаккирларимизнинг толерантлик билан бевосита ва билвосита боғланган қарашлари, ижтимоий-фалсафий таълимотлари ҳозирги замонда ҳам бағрикенглик маданиятини шакллантиришда асосий манбалар ҳисобланади.

## МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ВА УЙҒОНИШ ДАВРИ

**Улуғбек САФАРОВ-**
**Мустақил тадқиқотчи**

Сўнгги йилларда Муҳтарам Президентимиз ташаббуси ёшлар маънавияти, маданияти борасида қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда, ўз навбатида бу масалалар давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бўлиб қолмоқда. Глобаллашётган дунёда манфаатлар тўқнашувлари кетаётган бир пайтда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва бу борада ишларни янги босқичга олиб чиқиш албатта жамиятни юксалишига олиб келади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи маротаба: **“Марказий Осиё Уйғониш давринининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман”**, деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас. Шу ўринда савол туғилади, уйғониш даври алломалари қарашларининг ўзига хослиги нимада? Бугунги кунда жамиятда миллий-маънавий омилларни юксалтириш, миллий ўзига хосликни авайлаб асраш орқали ёшлар дунёқарашида миллий тарбияни юксалтириш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбекистон замини тарихда илм-фан, маданият ҳамда санъатнинг энг қадимги бешикларидан бири сифатида мавжуд бўлган. Исломга қадар мавжуд бўлган манбаларда ҳам ушбу маълумотлар келтириб ўтилган. Хусусан, бу борада “Авесто”да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида муҳим ғоялар илгари сурилган.

Шарқ Уйғониш даврида буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеъриятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, рассомчиликда Камолиддин Беҳзод баракали ижод қилганлар. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшди.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври — XIV-XVI асрлардаги иккинчи “Темурийлар Ренессанси”дир. Бунда Амир Темур бунёд этган улуғ салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳозирги даврда жаҳонга “ҳали-ҳануз ўз таъсирини ўтказаётган Ўрта Осиё цивилизацияси асосчиси”, қолаверса, тарихда ҳам ўчмас из қолдирган буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, моҳир дипломат, жонкуяр илм-фан ҳомийси, буюк бобокалонимиз Амир Темур асос солган салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. “XV аср тақдирини белгилаб берган буюк сиймо” — Соҳибқирон ва унинг ворислари Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этганди.

Амир Темур асос солган тамаддун XIV–XVI асрлар Турон тарихининг “олтин даври” – Уйғониш даврининг алоҳида босқичи “Мусулмон – Ренессанси” (А.Мец), “Шарқ Уйғониши” (Н.И.Конрад), ҳозирда “Темурийлар Ренессанси” номлари билан жаҳонда эътироф этилди ва тарихга абадий муҳрланди. Машҳур француз олими Люсьен Керен таъкидлаганидек, “европалик ижодкорлар Амир Темурни Шарқ Ренессансининг бунёдкори сифатида қадрлайдилар”.

Кўплаб тарихчи олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XVI асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг

манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган. Шарқ Уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадидлар амалга оширишлари мумкин эди. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилганлар. Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турган. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этганлар.

Президентимизнинг 2020 йилдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”даги нутқида алоҳида эътироф қилганидек, жадидларимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермаган. Улар ўша давр турли кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Дастлаб Рус подшоҳлиги, кейинчалик шўролар ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилган. Оқибатда миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати Ватанимиз учун ёрқин хотира сифатида қолди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ўлкан ривожланиш сари бормоқда. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўрт йилда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла чақиб кўрсак, навбатдаги Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

Президентимиз 2020 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, **“Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади”**.

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, маданий жараёнлар трансформациялашаётган бир пайтда миллий маънавий омилларни биринчи даражада ҳисобга олган ҳолда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, аввало, минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

Энг асосийси, фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлиб қолади.

Зеро, давлатимиз раҳбари **таъкидлаганидек,** “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

## ВЗГЛЯДЫ АБУ ХАМИДА ГАЗАЛИ О ДУХОВНЫХ КАЧЕСТВАХ ЛИЧНОСТИ

**Д.К. Сайфиллаева**
**БухГУ, кафедра “Национальной идеи, основ духовности и правового образования”, ст. преподаватель, доктор философии (PhD)по философским наукам**

Научно-просветительское наследие великих мыслителей, занимает важное место в духовно-нравственном совершенствовании граждан, в частности молодежи. В особенности, их гуманистические, плюралистические и толерантные идеи, защищающие честь и достоинство человека, являются основным теоретическим источником в образовании, воспитании и просвещении подрастающего поколения. Так как, их духовное наследие имеет гуманистическое значение для упорядочения в современных процессах трансформаций, сохранения общечеловеческих ценностей.

Изучение ряда идей Газали о семье, женщине, ее роли и месте в обществе позволяет сделать заключение, что в соответствии со своим временем он не только как ученый, но и как социально неравнодушный человек, гражданин сформулировал оригинальный концептуальный подход,

проникнутый неустанной заботой о сохранении и укреплении нравственности общества, о совершенствовании роли женщины в создании и укреплении семьи как необходимого социального института, улучшающего состояние общества.

Говоря об индивидууме, личности, философ указывает на его ценность в этом мире, давая характеристику, что человек был создан великим по значению и маленьким по размеру. Его тело — это город, в котором разум является правителем, который руководит своим подчиненным. И гносеологические критерии — это внешние и внутренние потребности – его защита, оборона. Внешние данные человека как его подчиненные. А внутреннее чувство призывает к негативным эмоциям, чтобы стать обладателем внешних и внутренних войск человека. Ненасытные желания личности, мыслитель считает, вредителями и врагами, которые если вовремя не останавливать могут полностью завладеть всем телом и погубить его. Абу Хамид Газали выработал свод духовных норм личности, соблюдая которые он может стать приближенным к Богу, как истинный мусульманин. И можно допустить, что именно это отличает его от суннитского схоластического богословия, в том числе от системы ал-Ашари. Газали смотрит на личность как на божье творение, при этом он разработал морально – этические нормы, которые будут служить основным контролирующим критерием человеческих отношений. Мыслитель, считает, что счастье человека может добиться, только достигнув совершенства, а оно, говоря его словами, зависит от хороших дел и от преодоления в себе неэтичных норм. Каким же философ описывает идеального по духовности личность. Поначалу, теолог говорит и направляет свое внимание к нашей душе, которая имеет Божественную природу, указывая на то, что человек создан из осязаемого тела, которое можно видеть глазами, и души, которую можно понять и почувствовать только интуицией, а не нашими чувствами, более того, он приписывает тело к глине, а душу - к Богу. То есть душа человека имеет божественное происхождение, тем самым, показывая и указывая на то, что душа имеет особую духовною структуру.

При этом наше тело относится к чувственному миру, оно – микрокосм по отношению к макрокосму мира чувств и соответствует последнему во всех своих частях. Бессмертными являются только души людей, но их тела смертны. Любое реформирование человеку необходимо начинать с собственной души, которая имеют силу, познающую и силу деятельную, и при этом каждую из них можно назвать умом. Но больше всего значения Газали придает силе деятельной, которая должна быть самостоятельна. В свою очередь, остальные должны подчиниться силе, указаниям которой они должны двигаться. Если она подчиненная, то в ней возникают желания ограниченные формой, и это называется дурным характером, а если эта сила будет еще и управлять, то в ней возобладает то, что принято называть добродетелью, или похвальными качествами.[188] Подводя итог, можно сказать, что мыслитель подразумевает силу воли, которая должна быть главой над другими силами и побуждать человека к добрым поступкам.

При этом говоря и описывая земную жизнь, Газали отводит особую роль приобретению богатства. «И говорят, что богатство – из средних благ, ибо с одной стороны оно приносит пользу, а с другой вред, и нельзя принимать во внимание лишь полезное, оставляя то губительное, что есть в нем. И основа этого – знание цели, ради которой было создано богатство».[2] И при разъяснении этого положения перечисляет несколько обязанностей в получении богатства:

Каждый человек должен понимать, что богатство относится не к религии и относить его к внешним вещам. Так как к внутренним относятся только духовные и телесные. Газали просит не отдаваться всецело искушению богатства.

Мусульманин должен заботиться о расходах и доходах. К доходам мыслитель относит те деньги, которые человек сам зарабатывает, и должен приносить в дом к детям только заработанное правильным путем, указанным в Шариате.

Это то, что принято отделять от излишества или умеренность. И при этом он делит имущество на три ступени: «И самая низшая ступень жилища – это огражденный участок земли, как постоялый двор, мечеть и другое. Средняя ступень – собственность, где не тесно и где ты можешь остаться наедине с собой и жить там всю жизнь, и оно самое меньшее по степени благоустроенности и количеству комнат. А самое высшее – это просторный большой дом с большим количеством комнат и дополнений».[189]

---

[188] Абу Хамид аль-Газали. Весы деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А. Минияновой, С. Сагадеева. Москва: «Ансар», 2007. С.21

[2] Там же. С.113

[189] Абу Хамид аль-Газали. Весы деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А. Минияновой, С. Сагадеева. Москва: «Ансар», 2007. С.116

Более того он указывает и на состав еды и отделяет пище особое место в своем труде. Отмечая при этом, что еда может принести и вред, и пользу. И здесь Газали делит на три ступени пищу: «самая низшая – необходимое количество, это то, что поддерживает силы человека. Средняя ступень – это довольствование достаточным количеством. И третья степень – это уже чревоугодие, т.е. когда злоупотребляешь едой».[190] Но и одежда не остается в стороне от взглядов Газали, который и здесь разъясняет три степени одежды. К низшей он относит самую грубую ткань, из которой соткана одежда, только, чтобы прикрывать тело. К средней, одежда без роскоши и излишеств и не из шелка. К самой высшей степени относит накопление различной одежды, что он считает признаком роскоши.

Не обходит стороной мыслитель и отношения с женщиной. И, по его мнению, даже в отношениях с противоположным полом необходимо соблюдать сдержанность. А объясняет мыслитель — это утверждение тем, что постоянное искание новых половых отношений характерно для проклятых. «Тот, кто просыпается со спокойным сердцем, здоровый телом и у кого есть еда на предстоящий день, - тот имеет все в земной жизни».[191] К четвертой обязанности, Газали относит важное и необходимое подаяние и вдобавок расходы на семейное содержание. Более того, расходы философ делит на злоупотребляемые и нерадивые. Тратить больше, чем необходимо для вас Газали называет расточительством, потому что вы тратите больше, чем у вас есть. И скупость для него — это когда человек экономит даже на самом нужном.

Ключевым в духовности и нравственности человека, Газали называет также наличие разума, который он сравнивает с охотником на коне, свое желание относит к добыче, а гнев сравнивает с псом, и соответственно если охотник опытный, то конь послушный, а собака воспитанная и послушная, в итоге он удостоится успеха. Мыслитель подводит нас к мысли, что воспитание силы разума является ключевым и важным условием достижения высокой нравственности и достижения целей в жизни. Но при этом нужным является наличие таких навыков, как способность различать подсказки ума от подсказок нафса. Газали думает, что сознание и разборчивость смогут помочь человеку прийти к правильному решению, хотя поначалу это может показаться неприятным и нереализуемым, но с вытекающими положительными и продуктивными последствиями.

В общем, предложенная система Газали — это идеалистическая система. Его онтологическое учение основано на теории эманации. Суть философии ученого выражается в том, что высшей реальностью признаётся в ней не природа, а Бог, определяющий и творящий всё сущее. Бог является абсолютной реальностью и началом бытия. Смысл позиции Газали заключается в том, что он различал два подхода рассмотрения - философский и теологический. Первый, заостряет ум, то есть сталкивается с эманацией, а второе, это дух и природа. Отказ от теории эманации, а впоследствии возвращение к ней является следствием внутренней борьбы у Газали теологических и философских взглядов.

**Список использованной литературы:**


1. Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева на 72-сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций. // http://www.press-service.uz/uz/lists/view/
2. İmam Gazzâlî. Tehâfütü'l-Felâsife( Filozofların Tutarsızlığ). trc. Bekir Karlığa. İstanbul: Çağrı Yayınları, 1981. – C. 32.
3. Абу Хамид аль-Газали. Весы деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А. Миняновой, С. Сагадеева. Москва: «Ансар», 2007. С.168


## ISLOM DINI TA'LIMOTLARINI TALABALAR ONGIGA SINGDIRISHDA KEYS-STADI METODIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI


**F.O.Xodjiyeva dots. , Sh . N. Ostonova 1-kurs magistrant - NavDPI, O`zbekiston**



**ANNOTATSIYA.** Ushbu maqolada Islom manbalarida tinchliksevarlik, bag'rikenglik g'oyalarining ahamiyati va Islom dini ta'limotini keys-stadi metodi orqali talabalar ongiga singdirish yo`llari, hamda ushbu metodning tuzilishi va uni amalga oshirish bosqichlari haqida fikri bayon etilgan.

**RESUME.** The importance of the ideas of peace and tolerance in Islamic sources, and the inculcation of Islamic teachings in the minds of students through the case-study method, as well as the


[190] Там же. С.116-117
[191] Там же. С.118

structure and stages of implementation of the method has been discussed in the article

Ota-bobolarimiz qo'llarini duoga ochishganida „Ilohim jannatmakon yurtimiz tinch bo'lsin. Yurtimizga ko'z tegmasin deb duo qilishadi. Ushbu duo zamirida Alloh taoloning muborak kalomidagi Ibrohim (a.s.) duolari esga tushadi. Shu duo necha yillardan buyon insoniyat tilidan tushmaydi. Haqiqatdan ham insonga ko'pgina ne'matlar berilsayu, tinchlik ne'mati berilmasa boshqa ne'matlarning lazzati tatimaydi. Islom dining ijtimoiy-siyosiy sohadagi qonunlari va tamoyillari tinchliksevarlik va bag'rikenglik g'oyalari asosiga qurilgan. Arab tilida „islom" so'zi ham „tinchlik" so'zining o'zagidan olingan. Bag'rikenglik ham dinimizning eng yaxshi fazilatlaridan hisoblanadi. Dinimiz ta'limotida keltirilishicha g'ayridinlarga, nasroniylarga, yahudiylarga keskin muomila qilish, dushmanchilik qilish mumkin emas.

Bugungi kunda bashariyat murakkab taraqqiyot jarayonini boshdan kechirayotgan bir paytda diniy bag'rikenglik, turli dinlarga mansub xalqlar o'rtasidagi muloqot, amaliy hamkorlikni kuchaytirish nihoyatda dolzarb muommo sanaladi. Bizga ma'lumki, inson uchun eng xavfli tahdid, bu ma'naviy tahdiddir. Darhaqiqat, bugun eng katta xavf sifatida diniy ekstremizm va terrorizm tilga olinmoqda. Terrorizm-insoniyat uchun eng muhim va qimmatli boylik ya'ni tinchlik, ko'ngil xotirjamligiga rahna soluvchi eng xavfli illat sifatida insoniyat nafratiga uchramoqda. Global muommo sifatida e'tirof etilayotgan „Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi" kurashda talabalarimizda mafkuraviy immunitetini oshirish va ularni yuqori darajadagi tanqidiy fikrlashga o'rgatish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi. Talabalarning fikrlash doirasini kengaytirish, muommoga yechim topa bilish ko'nikmasini shakllantirish uchun dars jarayonlarida keys–stadi texnologiyasidan foydalanish dars jarayoning ham qiziqarli ham mazmunli o'tishiga yordam beradi. Keys-stadi inglizcha sase – aniq vaziyat, study – ta'lim co'zlarining birikuvidan hosil qilingan bo'lib, aniq vaziyatlarni o'rganish, tahlil etish va ijtimoiy ahamiyatga ega natijalarga erishishga asoslangan ta'lim metodidir. Mazkur metod muammoli ta'lim metodidan farqli ravishda real vaziyatlarni o'rganish asosida aniq qarorlar qabul qilishga asoslanadi. Agar u o'quv jarayonida ma'lum bir maqsadga erishish yo'li sifatida qo'llanilsa, metod xarakteriga ega bo'ladi, biror bir jarayonni tadqiq etishda bosqichma-bosqich, ma'lum bir algoritm asosida amalga oshirilsa, texnologik jihatni o'zida aks ettiradi

Keys-stadi metodidan foydalanishda har bir keysning strukturasi alohida ahamiyaga ega bo'ladi.

Har qanday keys quyidagi strukturaga ega bo'ladi:

- ✓ vaziyat– muammo, hayotdan misol;
- ✓ vaziyatning konteksti – xronologik, tarixiy, joy konteksti, harakat ishtirokchilari o'ziga xosliklari;
- ✓ muallif tomonidan keltirilgan izoh;
- ✓ keys-stadi metodi bilan ishlashda topshiriqlar va savollar to'plami;
- ✓ ilova.

Keys-stadi metodini amalga oshirish bosqichlari:

- keys bilan tanishuv;
- asosiy muammoni ajratib olish va o`rganish (individual va kichik guruhlarda)
- g`oyalar yig`ish va muammoning yechimini izlash (kichik guruhlarda);
- keys yechimi uchun taklif etilgan g`oyalarning taqdimoti, tahlil va baholash (o`qituvchi va kichik guruhlar);
- keys yechimi va tavsiyalar(o`qituvchi, kichik guruhlar va individual).

Ta'lim tizimida keys-stadilardan foydalanish o'quv jarayonini faollashtiradi, talabalarda bilim olish imkoniyatini yuzaga keltirib ularda aniq vaziyatlarga ob'yektiv baho berish, qo`yilgan muammo-masala yuzasidan optimal qarorlar qabul qilish ko`nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Masalan, Islom manbalarida tinchliksevarlik va bag'rikenglik g'oyalarini keys-stadi texnologiyasi orqali talabalar ongiga singdirishda quydagi keysni taqdim etish mumkin.

Bizga ma'lumki, Islom dini tinchliksevar, bag'rikeng, inson qadr-qimmatini hurmat qiladigan, odob-axloqqa asoslangan din hisoblanadi. Lekin, g`araz maqsadlarni ko'zlayotgan kimsalar "hijrat kilmaganlar kofir, kofir yurtda yashash kufr" degan soxta da'vo bilan vatandoshlarimizni aldab, xorijdagi jangarilar tayyorlanadigan markazlarga jo'natishga harakat qilmoqda.

Savollar:

1.Muommo nimada?

2.Muammoning kelib chiqish sabablari nimada?

2. Siz bu muommoga qanday yechimlar taklif qilasiz?

3.Mazkur muommoni hal etish uchun qanday ishlar amalga oshirilishi lozim va natijasi qanday bo'ladi deb o'ylaysiz?

Mazkur holatda talabalar o'zlarining egallagan bilimlaridan kelib chiqib, yechim uchun zarur axborotni topishga harakat qiladi, ko`p variantli yechimlar taklif etadi, yechimlarni dalillar bilan asoslashadi, yechim variantlarini taqqoslab va baholashadi hamda yakuniy tavsiyalar ishlab chiqishadi.

Xalqaro terrorchilar va qo'poruvchilar aslida din niqobida parokandalik keltirib chiqarishga urinayotgan qora kuchlardir. Demak, har birimiz g'alamis kimsalarni g`arazli maqsadlarini vaqtida anglab, ularga qarshi tegishli zarba berish uchun yetarli bilim va sof e'tiqodga ega bo'lmog'imiz kerak. Bu vazifani amalga oshirishda esa ta'lim-tarbiya jarayonida keys-stadi interaktiv ta'lim metodidan o`rinli foydalanish ko`zlangan natijaga olib boradi hamda ularda bugungi kun uchun eng zarur bo`lgan tanqidiy tafakkurni rivojlantirishga xizmat qiladi.

## ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – БЕБАҲО ТИНЧЛИГИМИЗ ГАРОВИ

**Отабек МУҲАММАДИЕВ,**
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директор ўринбосари**

*Республикамизда миллатлараро тотувлик, динлар орасидаги бағрикенглик тамойиллари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бағрикенглик хислати халқимизга хос бўлган фазилатлардан биридир.*

***Таянч сўзлар:*** *бағрикенглик, толерантлик, мурувват, жизя, аҳли зимма.*

*Принципы межнационального согласия и толерантности между религиями в республике возвышены до уровня государственной политики. Толерантность является одним из особенных качеств нашего народа.*

*The principles of inter-ethnic harmony and tolerance among religions in the country raised to the level of state policy. Tolerance is one of the special qualities of our people.*

Юртимиз қадим асрлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи ва бир-бирига ўхшаш бўлмаган турли халқлар, миллатлар яшаб келаётган заминдир.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, *"Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади"*[192].

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар", – деб белгилаб қўйилганлиги, кўпмиллатли халқимиз ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун яратилган заминдир.

Мамлакатимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бағрикенгликдан асосий кўзланган мақсад инсониятни тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундашдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мулоқот борасида бутун дунёга намуна бўлмоқда. Республикамизда истиқомат қилаётган фуқаролар қайси динга мансуб бўлишидан қатъий назар биргаликда, тинч ва осойишта шароитда, юртимиз равнақи учун фаолият юритиб келмоқдалар. Юртимизда виждон эркинлигига доир қонун асослари янада такомиллаштирилди.

[192] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан.

Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

Тарихдан шу нарса маълумки, қайси жамият ҳаётида диний бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топса, ўша жамиятда ўзаро ҳурмат ва самимият қарор топиб, барча инсонлар тинч ва осойишта ҳаёт кечирадилар. Тинчликсиз тараққиёт ва фаровонлик бўлмагани каби, диний бағрикенгликсиз тинчлик барқарор бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсоният Ер юзида ҳаёт кечиришни бошлагандан буён бағрикенглик тамойилларига амал қилиб яшашга эҳтиёж сезади.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудуди қадим асрлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи, бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назаридан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий алоқалар қилгани ерли халқларнинг диний ва маънавий ҳаётига, шунингдек, Мовароуннаҳрдаги урф-одатлар ҳам ўзга юртлар маданияти ривожига салмоқли таъсир кўрсатган. Бу эса ўзига хос миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни шакллантиришдаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон заминида қадим замондан ислом дини билан бир қаторда бошқа дин вакиллари ҳам ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

Мана шундай диний бағрикенглик намуналарини юртимизда яшаб ўтган буюк аждодларимиз ҳаётида ҳам кўплаб кўришимиз мумкин. Айримларини мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг қўшини таркибида яҳудий ва яна бошқа динга мансуб аскарларни ҳам хизмат қилиши ёки Соҳибқироннинг ўғилларидан Мироншоҳ ўша пайтдаги Франция, Испания ва Англия каби давлатлар билан дипломатик алоқалар учун масъул этиб тайинлангани фикримизнинг тасдиғидир. Ҳиндистон халқи бугунги кунгача Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларини ҳурмат билан ёдга олади. Сабаби бобурийлар давлатни диний бағрикенглик асосида бошқарган эдилар.

Муқаддас ислом динимизда ҳам бағрикенглик тушунчаси диний истилоҳда “мурувват” деган маънони англатиб, кенг маънода чиркин нарсалар ва воқеалар қаршисида гўзалликни устун қўйиб, меҳрибонлик қилиш ҳамда ҳар бир воқеликка гўзаллик нуқтаи назаридан ёндошиш, эътиқод, маданият, анъаналарга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш демакдир[193].

Бошқа динлар сингари ислом дини ҳам азалдан инсониятга асл мурувватни, диндошларига, ҳатто, ғайридинлар (исломдан бошқа динга эътиқод қилувчилар)га ҳам эҳтиром ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб келган ва келмоқда. Маълумки, ислом ўзидан аввалги самовий динлар (яҳудийлик, насронийлик)ни шунчаки ҳурмат қилиш билан чекланмай, ўша дин вакилларига чексиз мурувватлар кўрсатган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини шариат қонунлари билан мустаҳкамлаб қўйган. Маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қараган. Асрлар давомида бу қоидаларга амал қилиб яшаган мусулмонлар бир-бирларига ва ҳатто, ораларида яшайдиган ғайридин (бошқа диндаги)ларга, аҳли зимма[194]га ҳам мурувватнинг мислсиз намуналарини кўрсатиб, бутун инсониятга ибрат бўлишди. Чунки, бу Аллоҳ таолонинг амри ҳамда Расулининг умматга берган кўрсатмаси эди. Аллоҳ таоло “Моида” сурасида шундай марҳамат қилади: **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳ учун (тўғриликда) собит турувчи, одиллик билан гувоҳлик берувчи бўлингиз: бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!...**”[195].

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисда эса: “Ким аҳли зиммага бирор заҳмат етказса, қиёмат куни мени ўзининг душмани сифатида кўради” – деб марҳамат қилганлар. Айнан ана шу ҳадисни эътиборга олган ҳолда ҳазрати Умар (р.а.) Амр ибн Ос (р.а.)ни Мисрни фатҳ қилишга юбораётиб: “Эҳтиёт бўлинг! Яна Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ўзингизга душман қилиб қўйманг” – деб огоҳлантиргандилар[196].

---

[193] Турсунов А. Ислом – бағрикенглик дини. www.xatib.uz.

[194] **Аҳли зимма ёки зиммий** (араб. бировнинг зиммасидаги шахс) – ислом давлати соясида яшайдиган ғайридинлар. Яъни, улар дини, жони, моли ва б. соҳаларининг тинч-омонлиги мусулмонлар зиммасида бўлганлардир. Улар б-н аҳднома тузилганда мусулмонлар ана ўша нарсалар ила уларни таъминлашни ўз зиммаларига олганлар. Пайғамбар (с.а.в.) даврларида Мадинаи Мунавварада яҳудийлар мусулмонлар б-н аҳднома асосида аҳли зимма бўлиб тинч-омон ўз динларига амал қилиб яшаганлар.

[195] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. –Б. 108.

[196] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Васатия – ҳаёт йўли. – Т.: Шарқ, 2010. –Б. 214.

Қуръони каримнинг бир неча оятларида миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик масалалари кенг ёритилган. Жумладан, “Оли Имрон” сурасида: **“Айтинг (Эй, Муҳаммад!): “Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва (унинг) авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарса (ваҳий)га имон келтирдик. Уларнинг орасида бирортасини (тасдиқлашда) фарқ қилмаймиз ва биз Унинг ўзигагина бўйин сунувчилармиз”**[197].

Шу суранинг охирги оятида эса: **“Эй, имон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағрикенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, зора (охиратда) нажот топсангиз!”** – деб амр қилинган[198]. Қуръони карим ўзидан олдинги муқаддас китоблар Забур, Таврот, Инжилларни тан олишга, аҳли китобларни, яъни, бошқа дин вакилларини ҳурмат қилишга чақиради. Одамларни ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳамкорликка чақириб, фитна, нифоқ ва низоларнинг ҳар қандай кўринишини енгиб ўтишга даъват этади. Муқаддас динимиз тарихидан ҳам бағрикенгликнинг юксак кўринишига намуна бўла оладиган мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Жумладан, Пайғамбар (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг у ердаги яҳудийлар билан аҳднома тузиб, тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорлик қилиш асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар.

Шунингдек, Хайбар ғазотида мусулмонларга ўлжа тушган нарсалар ичида Тавротдан бир қанча саҳифалар ҳам борди. Яҳудийлар келиб Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ўша саҳифаларни қайтариб беришни талаб қилдилар. Пайғамбар (с.а.в.) уларни яҳудийларга қайтариб беришга амр қилдилар. Зеро, бошқа дин вакилларининг қадриятларини эъзозлаш ислом динининг гўзал ахлоқларидандир. Шунинг учун яҳудийлар учун муқаддас ҳисобланган саҳифаларга заррача зиён етказилмай ўзларига қайтарилди. Бу воқеалар исломдаги диний бағрикенгликнинг ёрқин далилидир.

Имом Воқидий ва Ибн Асокир Абдуллоҳ ибн Абу Ҳудрад Асламийдан ривоят қилинади: “Умар ибн Хаттоб (р.а.) билан Жобияга келдик. У киши аҳли зиммадан бир чолнинг таом тиланиб юрганини кўриб қолиб, унинг кимлигини сўрадилар. “У аҳли зиммадан, ёши улғайиб, заифлашиб қолган”, дейилди. Умар (р.а.) унинг зиммасидаги жизя[199]ни бекор қилдилар. Кейин: “Ундан жизя олиб, заифлашган чоғида таом тилантириб қўйдингизми?!” деб, Байту-л-мол[200]дан ўн дирҳам нафақа жорий қилдилар. Унинг оиласи бор эди”.

Бундан ташқари, Қуръони каримда бошқа дин вакилларининг ибодатхоналари – монастир, бутхона ва синагогаларга ҳурмат билан қарашга буюрилган. Қуръони карим бизларга таълим берган яна бир муҳим ҳақиқат бу бошқа дин вакиллари, яъни насронийлар ва яҳудийлар ибодат қиладиган жойларга чуқур эҳтиром ва ҳурмат билан муносабатда бўлмоқликдир. Қуръоннинг хабарига кўра, аҳли китоблар ибодат қиладиган жойлар, яъни, монастирлар (роҳиблар узлатга чекинадиган ибодатхона), бутхона (насронийлар ибодатхонаси) ва синагогалар (яҳудийлар ибодатхонаси) Аллоҳ таолонинг ҳимоясидадир. “Ҳаж” сурасида: “Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф этиб турмас экан, албатта Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ Ўзига (динига) ёрдам берадиганларга ёрдам берур. Шубҳасиз, Аллоҳ кучли ва қудратлидир” – дейилган[201].

Ушбу оят ҳар бир мусулмонга аҳли китоблар ибодат қиладиган жойларни чуқур ҳурмат ва ҳимоя қилиш муҳимлигини очиқ-ойдин кўрсатиб қўйган.

---

[197] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. –Б. 61.

[198] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. –Б. 76.

[199] **Жизя** (араб. жон солиғи) – дастлаб араб халифалигида, кейинчалик б. мусулмон давлатлари (жумладан, Ўрта Осиё)да мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиги. Ж. балоғатга етганларга солинган (қариялар, аёллар, болалар, қул ва ишга яроқсизлар эса Ж.дан озод қилинган). Ж. асосан, пул ва натура тарзида ундирилган.

[200] **Байту-л-мол** (араб. “мол-мулк уйи”) 1) ислом мамлакатларида давлатга қарашли мол-мулк; 2) қимматбаҳо нарсалар сақланадиган бино. Б.ни дастлаб халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) таъсис қилган. Ундаги бойликлар асосан хирож, жизя, закот, хумс каби солиқлардан тўпланган.

[201] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. –Б. 337.

Бошқа дин (миллат)даги кишиларнинг ҳурматини жойига қўйишда ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) бизга ўрнак бўлганлар:

“Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалар билан бирга ўтирган эдилар. Одамлар бир жанозани кўтариб ўтишди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) маййит ҳурматига ўринларидан турдилар. Саҳобалар: “Эй Расулуллоҳ (с.а.в.) бу вафот қилган киши яҳудийку” – дейишди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Яҳудий одам эмасми?” – дедилар. Бу гаплари билан саҳобалардан ранжиганликларини билдириб, бошқа диндаги кишиларга нисбатан қандай муомала қилиш кераклиги борасида амалий кўрсатма бердилар.

Пайғамбаримиз (а.с.) Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, у ердаги яҳудийлар билан аҳднома тузиб, тинч-тотув ва жамият манфаати учун ҳамкорликда яшаш асосларини белгилаб, унга амал қилиб яшадилар. Муҳаммад (с.а.в.) бошқа дин вакиллари билан шахсан яхши алоқада бўлар, уларга гўзал муомала қилар эдилар. Жумладан, уларга ҳадялар бериб, улар томонидан қилинган ҳадяларни қабул қилиб ҳам олар эдилар. Масалан, Пайғамбар (с.а.в.) бошқа дин вакиллари томонидан ҳадя қилинган кийимларни кийиб юрганлари тарихда маълум ва машҳур.

Пайғамбар (с.а.в.) Ҳабашистондан келган насроний меҳмонларни ўз масжидларига туширганлар ва “Улар бизнинг соҳибларимизни ҳурмат қилган эдилар. Мен уларни ўзим икром қилишни хуш кўраман”, деб шахсан ўзлари уларга хизмат қилганлар. У зот (с.а.в.) Нажрон насоролари гуруҳини ҳам ўз масжидларига туширганлар ва у ерда ибодат қилишларига рухсат берганлар”[202].

Динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорларнинг, балки, бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Азал-азалдан юртимизнинг йирик шаҳарларида масжид, черков ва синагогалар ўз ибодатчиларига эмин-эркин хизмат кўрсатиб келгани, тарихимизнинг оғир синовли дамларида ҳам диний асосда ҳеч қандай можаро келиб чиқмаганлиги халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда том маънода диний бағрикенгликнинг юксак анъаналарига амал қилинаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Яҳудийлар жамоасининг вакилларидан бири Р. Бенеман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилганини, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтдаёқ етарли шарт-шароит яратиб берилганини таъкидлаб, “Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик, Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди”, – деб ёзади[203].

Ўзбек халқининг бағрикенглиги турли эътиқод ва маданиятларга ҳурмат билан қараши миллат ва элат вакиллари томонидан чуқур самимият билан эътироф этилмоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари, 16 та диний конфессия, 2200 дан ортиқ диний ташкилотларнинг диний бағрикенглик асосларига риоя қилган ҳолда ўзаро тинч-тотувликда умргузаронлик қилаётгани сўзларимизнинг яққол далилидир.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладики, жамиятнинг ривожланиши, тинч ва осойишта бўлиши, тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топиши учун инсонлар ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндошчилик ва қўшничилик ҳақларига риоя этиш, ўзга дин вакилларига бағрикенг бўлиш каби инсоний фазилатларда намоён бўлади.

Зеро, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб, ушбу тамойиллар юртимиз тараққиёти ва тинчлигининг гаровидир.

---

[202] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Васатия – ҳаёт йўли. – Т.: Шарқ, 2010. –Б. 276-277.

[203] Бенеман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия. “Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан)”. Материалы международной конференции. – Т.: 2002. –Б. 125-126.

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД РУБОИЙЛАРИДА БАҒРИКЕНЛИК ҒОЯЛАРНИ АКС ЭТИШИ

**Ходжаниязов Сардор Умарович,**
**Урганч давлат университети «Педагогика ва психология» кафедраси доценти**

**Резюме:** Ушбу мақолада, Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийларида, бағрикенлик ва маънавият масалаларини инсонларнинг оддий ҳаётидаги хулқ – атворлари, инсонлар хулқ - атвори, нафс, сабрлилик, чидамлилик ҳамда комил инсон ғоялари ҳақида фикр юритилади.

**Resume:** This article researches the issues of tolerance and spirituality from the point of view of human behavior in ordinary life, patience, endurance and the ideas of a perfect person, which are reflected in the rubai of Pahlavon Mahmud.

Хоразм тасаввуф вакилларидан бири Паҳлавон Маҳмуд 1247 йилда Хива шаҳрида пўстиндўз ҳунарманд оиласида туғилган. Ёшлик йилларда ота касби пўстиндўзлик билан шуғулланган, сўнгра хат-савод чиқариб, буюк шоир файласуф даражасига эришган. У жуда ҳам забардаст паҳлавон бўлиб 79 йиллик ҳаётида бирон марта кураги ерга тегмаган”[204]. Паҳлавон Маҳмуднинг бутун ижоди бағрикенлик ва маънавият масалаларига бағишланган. У ўзининг аксарият рубойиларида маънавият масалаларини инсонларнинг оддий ҳаётидаги хулқ - атворлари билан боғлайди ва инсонлар хулқ - атворини тўғри йўналишга соладиган ҳаётий мисолларни келтириб кўрсатади. Инсон ахлоқининг тўғри намуналари унинг қуйидаги шеъриятида яққол ифодалаб ўтилган.

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,
Тоза қалбга юқмас асло чангу гард,
Қулоқ солгин Пурёйвалий сўзига,
Қўрқоқлардан бирон чиққанмиди мард!

Рост айтади бу улуғ донишманд, ёмон одамдан фақат ёмонлик, ёвузлик кутиш мумкин, мардликка, валломатликка, эзгуликка у қобил эмас!

Паҳлавон Маҳмуднинг нодонлардан, жоҳиллардан нафрати шу қадар зўрки, уни шоирнинг ўз тили билан айтмасдан бошқача таъбир билан тушунтириш имкондан хориждир. Мана у нима дейди:

Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ[205].

Паҳлавон Маҳмуд комилликка эришиш йўлида инсон тарбияни ўзидан бошлайди, у ўзидаги барча иллат ва камчиликларга қарши курашади ва ичидаги яширинган душмани - нафсни енгади деган муҳим қарашларни илгари суради. Бу жараёнда динни ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Шу боисдан ҳам Паҳлавон Маҳмуд дин учун курашган, бутун куч қувватини тамоман Оллоҳ учун йўналтирган, тўғрини хатодан фарқлаган, ҳақни ботилдан айирган киши бўлган. Унинг фикрича инсон курашни, аввало, ўз нафси билан жанг қилишдан, яъни ўз ахлоқини тузатишдан бошлаши керак. Руҳий ривожланиш йўлида инсон таваккал қилиб Оллоҳдан яхши ният қилиши керак ва бу ниятга кўнгил қўйиб шубҳаланмаслиги керак. Шу боисдан ҳам “ўз нафсини енгган авлиё сифатида Паҳлавон Маҳмудга «Ёрлар – рижол ул-ғайблар ўғли» маъносини берувчи Пурёрвалий лақаби берилган”[206]. А.Зарринкуб ҳам бу Пурёрвалий лақаби ҳақида қуйидагича ёзади: «Ҳар ҳолда зўрхона (курашхона) суннат (иш)ларида футувват ва ирфоннинг камолот чўққилари Пурёйвалий шахсида мужассамлашган эди. Шу сабабдан бўлса керак, ҳанузгача курашчи паҳлавонлар унинг номи билан қасамёд қилишади, зўрхоналарда бўладиган маросимларда «Ё Пурёйвалий» дея зикр қилиб, ул зотдан руҳий мадад тилашади, тилларию дилларида ёд этишади. Бу паҳлавонлар пирининг ҳаёти кўпроқ афсона ва ривоятлар қаърига сингиб кетган...»[207]. Паҳлавон Маҳмуд фикрича, Оллоҳга таваккал қилган инсонга Оллоҳнинг ўзи ёрдам бериб, инсон ўз муродига етади. Паҳловон Маҳмуд Оллоҳнинг номини тилидан қўймайдиган, ҳамиша тоат-ибодат билан шуғуланадиган жувонмард инсон бўлган. Бу ҳақида Ж.Маҳмудов қуйидаги муҳим далилларни келтириб ўтади: “Паҳлавон Маҳмуднинг тасаввуфга муносабати юзасидан олиб борилган изланишлар унинг кубравия тариқатининг

[204] http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/458
[205] http://e-adabiyot.uz/kitoblar/nazm/777-ruboi.html
[206] Маҳмудов Ж. Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг ўрганилиши//Сино журнали. 2008. –Б.40.
[207] Зарринкўб, Абдулҳусайн. Жўстужу дар тасаввуф-э Ирон. -Теҳрон: 1365, –С. 354-356.

жавонмардлик йўналишига мансуб муршид бўлганлиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Айни пайтда, кенг феълли инсон сифатида у бошқа тариқатларга ҳам хайрихоҳ бўлган. Чунончи, Жомий келтирган зикрга асосланиб, А.Зарринкуб унинг хилватийлик тариқати шайхи Муҳаммад Хилватийнинг шогирди бўлгани, жаҳр зикри айтиб, хароботда тавба қилгани хусусида маълумот беради. Шунингдек, унда маломатийлик фазилатлари ҳам мужассамлашгани эронлик тасаввуфшунослар томонидан эътироф этилади"[208].

Инсонда нафснинг борлиги табиийдир. Агар инсонда нафс бўлмаганда, унга қарши курашишнинг ҳам кераги бўлмас эди. Худди шундай иймон ҳам куфрдан кейин келади. Агар куфр бўлмаса, иймон бўлмас эди. Паҳлавон Маҳмуд қарашларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, камолот йўлида ақлли инсон ўзи чеккан жафоларни шукр қилиб қабул қилади ва натижада улар унга руҳий куч қувват беради ва унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига олиб келади. Чунки, Оллоҳ севган бандасига дард беради ва турли хил балоларга дучор қилиш орқали синайди. Агар инсон Оллоҳ юборган қийинчиликларга бардош бериб, сабр қилса, у инсон Оллоҳнинг назарига тушади. Агар сабр қилиш билан бирга шукр қилса, унда у инсон, Оллоҳнинг энг севимли бандаларидан бирига, яъни комил инсонга айланади. Бундай ўзига хос сабр намунасини Паҳлавон Маҳмуд ўз ҳаётидан мисол келтириб шундай ифодалайди:

Кўнглим оппоқ, на кек ва на кинам бор,
Душманим кўп ва лекин мен ҳаммага ёр.
Мевали дарахтман, ҳар бир ўткинчи -
Тош отиб ўтса ҳам менга бўлмас ор[209].

Камолот сари руҳий ривожланиш йўлида инсон ўз ичида яширинган ҳасад ва ҳавасларни йўқотиб, бошқа одамларнинг камчилигидан кўра уларнинг яхши томонларини кўра билиши ва уларга эътиборни кучайтириб одамларга яхши муомалада бўлиши керак. Бу - оламни идеал шаклда кўриш дегани эмас. Бундай ёндашиш оламдаги камчиликларни эътибордан четда қолдирмайди. Лекин эътиборни кўпроқ яхши фазилатларга қаратади ва шу орқали яхшилик кучларини кўпайтиради.

Оламни гўзал гулистонга айлантирувчи хаёлдаги нур аслида, инсон қалбидаги Оллоҳга бўлган меҳр - нуридир. Бу меҳр нури барча инсонларга берилган. Чунки инсон Оллоҳ меҳридан яратилган ва яратувчининг меҳри унинг қалбида жойлашгандир. Лекин, бу меҳрни қалбдан юзага чиқаришга кўп тўсиқлар халақит беради. Бу тўсиқлардан асосийлари инсонни моддий оламга меҳр қўйишидир, шу жумладан ота - онасига, бола - чақасига, ёру - биродарларига боғланиб қолиши. Инсондаги ҳиссиёт кўпинча ўз меъёрини билмайди. Чунки инсон ўз ҳиссиётларини ирода кучи билан бошқара олмайди. Агар инсон иродаси ақлга таянмасдан, инсондаги ниҳоятда нозик, латофатли, рухга таянса, унда ҳиссиётлар меъёрига тушади ва инсоннинг ҳиссий оламида сукунат, хотиржамлик пайдо бўлади. Хотиржамлик инсон қалбида яширинган куллий билимларни юзага чиқазади. Бу билимлар инсон боши узра чарақлаб турган қуёшга ўхшайди. Инсондаги бу қуёш унинг жузъий ақлига ҳам куч - қувват беради ва бу ақлни покланишига олиб келади. Жузъий ақл ҳар кунги ҳаётимиздаги муаммоларни бартараф қилишга ёрдам бериб туради. У ҳам бамисоли бир қуёшга ўхшайди. Лекин жузъий ақлнинг нури қалбимизда яширинган меҳр қуёшининг инъикосидир. Бу иккала қуёш инсонни руҳий ва жисмоний баркамоллик йўлидан етаклайди.

Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийлари жуда чуқур мантиқий асосга эга. Улар, айниқса, инсонларда фалсафий мушоҳадани шакллантиришда катта ўрин тутади. Аллома бу мўъжаз шеърлар орқали умрнинг моҳияти, қисмат битиклари ҳақидаги ўйларини, ҳайрат-у иқрорларини тўкиб солади. Айниқса, у инсонга хос бўлган мардлик сифатига алоҳида эътибор қаратади. Инсондаги бу ахлоқий фазилат ҳақида шундай деб ёзади:

Ўз нафсингга бўлгин амир, шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма ҳақир, шунда мардсан.
Йиқилганни тепиб ўтиш мардлик эмас,
Афтодага бўлсанг дастгир, шунда мардсан[210].

Бағрикенликни юксалиши жараёнида инсон тафаккуридаги барча қадриятлар ўзгаради, яхши ва ёмонни билиш билан бир қаторда уларнинг нисбийлигини ҳам билади. Шунинг учун комил инсон ҳаётни оқ-қорага ажратмасдан унинг хилма-хил кўринишларини ва ҳодисаларини ранг-баранг ҳолатда кўради. У ёмонликда ҳам яхшилик уруғларини ажратиб, зулматни нур билан ёритишга ҳаракат қилади. Комил инсон учун зулмат, бу ёруғликнинг умуман йўқлиги эмас, балки унинг камлигидир ва ёруғликнинг кўпайиши зулматнинг аста -секин йўқолишига олиб келади.

[208] Маҳмудов Ж. Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг ўрганилиши//Сино журнали. 2008. –Б.41.
[209] http://www.adolatgzt.uz/society/5541
[210] http://www.adolatgzt.uz/society/5541

# ПРАВА И РОЛЬ ЖЕНЩИН В ИСЛАМЕ

**Назарматова Рухсора Выпускница ТашГУВ, PhD**
**Н. М. Ниязова, старший преподаватель кафедры «История, культура, политика и экономика Японии» ТашГУВ**

*«Существует разрыв между нашей верой в Бога, который является справедливым, и тем, что власти говорят о религии. Больше всего меня убивает, как женщины плачут, жалуются на свое жалкое положение и, не сумев найти выход, обращаются за помощью к религиозной верхушке. Но получают ответ, что так и надо, так как это законы ислама»*

*Зайна Анвар*[211]

В статье будет рассматриваться вопрос права и роли женщины в Исламе, причины нарушения прав женщин и перспективы развития движения феминизма в Исламе. Большинство людей думают, что любая религия направлена на подчинение женщины мужчине. Любое вероучение патриархально, создавалось, утверждалось и развивалось мужчинами. Они рассматривают женщину как существо несовершенное, приземленное, потому более греховное, зависимое, нуждающееся в контроле. Полагаем, что такое заблуждение возникло оттого, что изучалась не сама религиозная концепция роли женщины, а ее реализация в определенные исторические периоды. Между тем, для любой религиозной концепции характерно представление о мире как двоичном, биполярном образовании. Мир выступает как единство мужского и женского начал, которые равны и взаимозависимы.

Женщина, с точки зрения Ислама – это особое создание Господа, требующее чуткого, сострадательного обращения, уважения и понимания. В доисламские времена женщины являлись собственностью мужчин, и их положение было немногим лучше участи домашних животных: к примеру, вдовы были тогда всего лишь частью общего наследства, и наследник сам решал, то ли ему жениться на них, то ли попросту продать. Ну а арабы-бедуины вообще считали рождение девочки большим горем и нередко либо приносили этих несчастных в жертву своим мнимым языческим «божествам», либо просто зарывали живьем в песок, чтобы не тратиться на воспитание. Причем такая зверская жестокость по отношению к женскому полу наблюдалась в те далекие времена практически повсеместно. По приходу Ислама урегулировались такие проблемы так как в священной книге Ислама есть отдельные упоминание о роли, уважение и о правах женщин. Несмотря на то, что в Коране имеются суры, посвященные отдельным пророкам, т.е. мужчинам, они тем не менее не говорят о них как об отцах. Иными словами, в Коране отсутствует какое-либо восхваление и почитание мужчины в плане исполняемых им естественных или общественных функций. В этом смысле Коран, если можно так сказать, более «внимателен» и почтителен к женщинам. Коран, ведя речь о Марьям (Марии) и о матери Мусы (Моисея), освящает три достояния женщины: беременность, кормление грудью и ее роль как воспитателя. Более того, Коран освящает даже кровь женщины, которую она проливает ради продолжения человеческого рода. Коран дает понять, что физиологическое состояние, переживаемое женщиной в определенные дни каждого месяца есть не что иное, как высшая форма служения Богу. Это чисто женская форма ибада [поклонения Богу, богослужения] освобождает ее от обязанности совершения намаза.[212]Важен тот факт, что на протяжении достаточно длительного периода в развитии государств, исповедующих ислам, именно религиозные правила поведения, а не светские законы государств определяли общественное устройство в мусульманском мире. В ряде таких государств эта тенденция сохраняется в значительной степени и сегодня.

При правильном изучении вопроса о правах женщин в Исламе, нужно начать с того, что большее количество мусульман проживают в восточных странах, а на западе больше распространено христианство и другие религии. Поэтому если вопрос о равноправие будет изучен на примере востока и запада будет корректнее. Причины частого нарушения прав женщин в восточных странах могут быть разными, например не религия, а консервативные взгляды и соответствующий менталитет народа которые не соответствует современным реалиям. То есть, в менталитете народа установлены неписаные правила, ущемляющие права женщин, при этом эти правила и обязанности никакого отношения не имеют к религии. И такие неписанные правила в лучших случаях усложняют жизнь женщин, а в худших женщины становятся жертвами насилия и др. Но из-за того, что в странах,

[211]Зайна Анвар -видный лидер малайзийской неправительственной организации, активистка и мусульманская феминистка.
[212]Последний татарский богослов. Жизнь и наследие Мусы Джаруллаха Бигиева. Стр.33

где в основном население состоит из мусульман возникает впечатление что именно религия ущемляет права женщин. Но это не применительно ко всем странам, но во всех мусульманских странах нарушаются права женщин. К таким странам можно отнести страны, в которых, не смотря на то что, проживают в основном мусульмане, развивается движение феминизм и где варьируется гендерная политика (Турция, ОАЭ). Кроме этого существуют различные периоды в истории и страны где во главе страны или ключевую в роль в ней играла имено женщина как например Беназир Бхутто в Исламской Республике Пакистан или же сама Аиша бинт Абу Баки (р.а), которая стала одной из самых авторитетных фигур в истории Халифата после смерти пророка Мухаммеда(с.а.в), благодаря, которой до нас до шли огромное число хадисов так же нужно отметить что даже в такой стране как Исламская Республика Афганистан число женщин имеющих пост в высших и средних эшелонах власти больше чем в таких развитих странах как Япония, Южная Корея и др.

Еще одна важная проблема заключается в непонимании религии или ее неправильного толкования. Большинство критиков Ислама настаивают на тезисе о неравноправии женщин в исламском мире, приписывая Корану или шариату изначальную политику дискриминации женщин как существ низшего порядка, безответственных, неспособных распоряжаться своим имуществом и пр. В качестве примера приводятся положения из шариата о правилах наследования (когда дочь получает в два раза меньшую долю наследства, чем сын), правилах судопроизводства (когда свидетельства двух женщин в суде приравниваются к свидетельству одного мужчины) и др.[213]Есть подход который называется. Согласно ему, исламская концепция равноправия мужчин и женщин до конца не была реализована ни в истории, ни в современном мире. Одна из причин этого заключается в неверной трактовке положений Корана, неполной их интерпретации в мусульманских странах. Наиболее приемлемым нам представляется именно последний подход, который заключается в том, что исламская концепция положения и прав женщин по-разному трактовалась в разные исторические эпохи и периоды, в зависимости от социальных, экономических условий, социальной политики, нравственного состояния общества, уровня развития знаний, науки. Согласно этому подходу, дискриминация женщин, существующая в различных исламских странах, вытекает не из сущности мусульманского вероучения, а из его интерпретации в конкретном социуме.

Когда речь идет о равноправии полов нельзя не упомянуть движения феминизма. Ущемление и нарушение прав женщин существовали во всех временах и во всех религиях. Что и, собственно, спровоцировало появление такое движение как феминизм. Феминизм, одно из главных движений который развевается очень актуально, и благодарякоторому ущемление и нарушение прав женщин стало глобально актуальной проблемой.В Европейских странах движения женщин за признание прав женщин началось в начале XVIIIвека и до сегодняшнего дня было достигнутонемало. В Восточных и мусульманских странах феминизм начинает активно развиваться, даже можно сказать динамическим образом и для дальнейшего правильного развития нужно проработать именно Восточную модель феминизма так как Европейская модель развития феминизма не дает ожидаемых результатов. По мнению самих Европейцев, нынешний феминизм обретает более грубую и радикальную форму и достигает до точки абсурда. В восточных странах о феминизме в открытую заговорили не так давно: первые упоминания об этом термине встречаются в конце 80-х. Сегодня в узких научных кругах начали употреблять термин исламский феминизм. Но на наш взгляд, еще рано употреблять и в целом говорить об исламском феминизме. Если целью западного феминизма является обретение женщинами аналогичных с мужчинами прав во всех социальных сферах, то Ислам видит свою задачу в том, чтобы женщины смогли в полной мере выполнить свое женское предназначение. А если тому и быть, то “исламский феминизм” будет сильно отличатся от западного феминизма. Так какстандарты феминизма и религии Ислама сильно противоречат друг другу. Например, некоторые мейнстримные феминистки Европы, пытаясь помочь мусульманкам, говорят о том, что спасение — это избавление от догм ислама. По их мнению, феминизм и исламская религия несовместимы, а хиджаб и вовсе чуть ли не символ пут, сковывающих женщин Востока, даже если сами мусульманки феминистки не готовы отказаться от привычного элемента своей повседневности. Тем не менее, в XX веке движение за гендерного равенство в мусульманском мире было построено по образцу западного феминизма — лишь после 1980-х пошло своим уникальным путем. Мусульманки феминистки осознали разницу в ценностях Старого Света и Востока, в том числе и во взглядах на ношение хиджаба.[214] К тому же нужно взять в счет, что для некоторых мусульманских стран хиджаб, никаб, паранжу и др., считаются частью их культуры. Например, многие историки утверждают, что в Арабских странах доисламского периода из-за жаркого климата не только женщины, но и мужчины укрывались(носили

[213]Гульнар Балтанова доктор философских наук, профессор “Равенство мужчин и женщин в Исламе” http://www.idmedina.ru/books/history_culture/minaret/9/baltanova.htm

[214] Осман Эрсан. «Женщина в Исламе». Стр.56

арафатку), что для них ныне является традиционным головным убором. В любой религии также как и в Исламе очень много моментов, когда культурные аспекты смешивались с религией и до сих пор остаются глубоко не изученными. Также есть ряд острых пока нетронутые вопросы связанны с гендерным равенством. К тому же, говорят мусульманки, прежде чем бороться за свободу прав кого-то, нужно в этом разобраться. Например,на конференции ООН выступила одна из участниц и заявила, что организует свою конференцию против насилия над мусульманками. Но оказалось, что женщина не знает ни одной тематической организации и в целом плохо разбирается в ситуации. Как ранее было упомянуто ныне говорить об Исламском феминизме еще рано если оно, и будет, то Исламский феминизм будет сильно отличатся от западного феминизма, который порой даже для самихевропейцев становится очень радикальным.

В заключение, нужно подчеркнуть, что для развития гендерного равенства, гендерной культуры и социальной справедливости, религия не должна быть барьером, а наоборот способствовать улучшению жизни женщин и мужчин. Для этого социуму необходимо правильно изучать уставы религии, ментально и культурно развиваться, а также необходимо активное участие самих женщин в решении религиозных, политических и социальных вопросов. Ведь даже в период пророка Мухаммеда (с. а.в), праведных халифов мечеть было местом молитвы не только мужчин но и женщин где им специально отводилось место сзади них для того что бы мужчины во время молитвы не отвлеклись на них но и также зная что сзади них стоят их жены чувствовали ответственность к совершаемой их молитве, практика которого пропала уже после монгольских завоевании, когда весь исламский мир в своем развитии снова ушел назад из-за уничтожения огромного количества как умственных, так и материальных ресурсов. То есть среди людей должно увеличиться понимание и знания между разницей ислама как религии и традициями и менталитетом народа как образа жизни во всех аспектах, а не только касаемо праздников определяя, языческий он или нет, но создать четкое независимое понимание у людей о религии. Принимать прогресс и не стараться вернуть все во времена пророка при этом, смешивая религию с культурой и мировоззрением арабов, что толкает сегодня многих людей к радикальному фундаментализму. Из-за чего роль женщин ещё больше принижается, возвращая взаимоотношения между женщинами и мужчинами в период джахилии. Разработать восточный модель феминизма и не копировать тенденции западного феминизма, достигающий абсурда и просто делать то, что приписывает нам религия и наша логика, ведь это и есть главная сущность ислама поиск и развития. Это и есть главный стимул равноправия.

Используемая литература:

1. www.sistersinislam.org.my
2. Гульнар Балтанова доктор философских наук, профессор “Равенство мужчин и женщин в Исламе”
3. Последний татарский богослов. Жизнь и наследие Мусы Джаруллаха Бигиева. / А.Г.Хайрутдинов. – Казань: Иман, 1999. – 138 с. Беккин Р.
4. Осман Эрсан. «Женщина в Исламе». Перевод с турецкого. – ООО «Издательская группа «САД», 2009. – 3-е издание. 176 стр., тираж: 5.000 экз.
5. www.un.org

## ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.

**НавДПИ, Ачилова М.Э.**

*Резюме. Мазкур мақолада тасаввуф таълимотининг ислом дини тарихидаги ўрни тасаввуфшунос олимлар манбалар асосида ёритилган.*

Халқимиз маънавиятини узоқ асрлар давомида бойитишга хизмат қилиб келган тасаввуф таълимотининг асосий ғоялари – инсоннинг руҳий, ахлоқий покланиши, илоҳий муҳаббат билан юксалиб боришдир. Тасаввуфшунос Ҳ.Ҳомидийнинг сўзлари билан айтганда “... тасаввуф чуқур инсонпарварлик ғоялари билан омухта бўлиб, ҳақиқат талабида юрган одамлар қалбига йўл топди, одамларнинг поклик, абадий ҳаёт, кўнгил ҳуррияти ҳақидаги орзуларини ифодалаб келди. Халқимиз сўфий дарвешларга ҳурмат-эҳтиром орқали Аллоҳ таолога, Унинг инсонни улуғлаган қудрати ва файзу футуҳига эътиқодларини изҳор этганлар.”[215]

Шайхларнинг карoматлари, сўзлари ва сийрату сурати юксак ахлоқ ва илоҳий муқаддаслик намунаси сифатида қабул қилинган. Тасаввуф шайхлари халқнинг маънавий раҳбарлари, руҳоний

[215] Х.Хомидий. Тасаввуф алломалари. Т. “Шарқ”. 2004 йил, 3-бет.

мураббийси сифатида майдонга чиқиб, пайғамбар фаолияти, ҳолатларини давом эттиришга жазм этганлар.

Шу боис тасаввуфнинг тарихий тараққиёти, назарий жиҳатларини ўрганиш баробарида, йирик шайхлар, авлиёлар фаолиятини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Воқеан, назарий қарашларнинг ўзи ҳам шайхларнинг сўзи ва ҳолатлари, асарлари, насиҳатлари, улар ҳақидаги хотиралар, ривоят ва ҳикоятларни ўрганиш замирида умумлаштирилган.

Улуғ сўфий ва шоир Фаридиддин Аттор ўзининг "Тазкиратул авлиё" асари муқаддимасида қайд этадики, авлиёларнинг сўзи киши қалбининг малҳами ва руҳининг қувватидир, кимки авлиё сўзини дилига жо етса, У Қуръон ва Ҳадислар мағзига эшик очади, ўзининг ҳолати, ахлоқини, қилаётган ишларининг яхши-ёмонлигини ўйлайдиган бўлиб қолади ва ҳаёт, оҳират, инсонийлик хусусида мулоҳаза юритиб, ички оламини тартибга солади.

Дарҳақиқат, тасаввуф таълимотида ваҳдоният, яъни Оллоҳнинг бирлиги, Оллоҳ ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шахсиниг тангри таоло билан руҳан бирлашиб кетиши муҳим аҳамият касб этади.

Илк сўфийлар аҳолининг камбағал тоифаси орасида шаклланган бўлиб, улар қарашларида истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик кайфиятлари мавжуд бўлган. Маълумки тасаввуфнинг бир қанча тариқатлари мавжуд. Жумладан, муҳосибия, маломатия, тайфурия, жунайдия, нурия, қодирия, мавлавия, чиштия, бектошия... кабилар мавжуд бўлиб булардан кубравия, яссавия, нақшбандия каби тариқат сулуклари кенг тарқалган ва бу орқали таълимот ҳам моҳиятан, ҳам мазмунан бойиб борган. Оллоҳдан бошқа нарсага муҳтож бўлмаслик, ҳеч қандай мулкнинг қулига айланмаслик, борига сабр-қаноат қилиб яшаш, Оллоҳга етишиш учун қалбни поклаш, нафс балосидан озод бўлиш даркор. Фақат шундагина инсон дили нур билан тўлади, нуқсонларни бошқалардан эмас, ўзидан излайдиган даражага кўтарилади. Ҳақ сари яқинлашади, бемаъни қараш ва тушунчаларнинг қуллик кишанидан ўзинин озод қилади, чунки инсон қалби ҳурдир.[216]

Мазкур таълимотни кенг ўрганган олима Н.Сафарова унинг моҳиятини қуйидагича ёритади: "Тасаввуф фалсафасига кўра, инсон қарама-қарши икки асос модда ва руҳдан иборат. Шунинг учун унда шу икки асоснинг хусусиятлари мавжуд. Агар моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томони устун бўлса, илоҳийлик ривожланади.Руҳ жисм қулига айланиб қолмаслиги керак. Аксинча, руҳ жисм учун бир восита бўлиб хизмат қилиши керак. Руҳлари тараққий этган инсонлар ақлу-заковот, илҳом ижодкорлиги, илоҳий зеҳнлари билан ажралиб турадилар. Руҳ тараққий этган сари у жисмга сиғмай қолади, коинот билан алоқа боғлаб, олам асроридан хабар бериб, мўъжизалар кўрсата бошлайди. Масалан, Абулқосим Суламийнинг "Табакот – ус-Суфия" китобида келтирилиша, шайх Абусулаймон Доромий "Мен фаришталарни кўраман ва улар билан суҳбатлашаман", деган.[217]

Уч йил давомида фалсафани чуқур ўрганиш билан банд бўлди; "Фалсафанинг мақсади", "Фалсафа туҳфалари" номли китобларини яратди; фикх ва калом илмига оид бир неча асарлар ёзди. "Бу илмларни пухта эгаллагач сўфизм тариқатларига юз тутдим. Шунда маърифат билан тасаввуф тариқати бўлак-бўлак нарсалар эканлигини англадим. Яъни улар илм ва амал екан. Менга амалдан кўра илм осонроқ кўринди. Шунинг учун Абутолиб Маккайнинг "Қувват ал-қулуб"и, Ҳорис Масоҳибий асардарини, Жунайд, Шиблий, Боязид Бистомийларнинг китобларини мутолаа қилдим. Шундагина мен уларнинг ҳақиқатига илм орқали эмас, балки завқ ҳамда ҳол билангина етиш мумкинлигини тушуниб етдим" деб ёзган эди кейинчалик Ғаззолий.

Тасаввуф – Шарқ халқлари маънавий ҳаёти тарихида энг муҳим ҳодисалардан биридир. Унга хос хусусият таркидунёчиликка чақириш, бойлик ва дунёвий неъматлардан воз кечишни тарғиб қилиш эди.

Ҳозирги вақтда тасаввуфнинг (суфизм) тизим сифатидаги айнан ўхшаш таърифини бериш мумкин эмас. Негаки, ҳали ҳозир фанда Испания, Сицилияни қамраб олиб, Болқон ярим оролигача кирган, ушбу жуда мураккаб, кўп қамровли, қадама диний дунёқарашга нисбатан ягона ҳукм чиқарилган эмас. Тасаввуфнинг илк ривожланиши VIII – X асрларга тўғри келади. Бу вақтда у таркидунёчиликдан ажралиб чиқиб, мустақил диний–фалсафий–ахлоқий таълимот сифатида шаклланди. Аммо у вақтда ҳам, кейинги даврлардаги ўз ривожи босқичларида ҳам тасаввуф аниқ ифодаланган, тартибга солинган ва муайян қарашлар тизимини берувчи таълимотга айланмади. Бу нарса, айниқса, ўзининг яққол ифодасини тасаввуфнинг гуллаган даври бўлган X асрдан кейин топди. Бу даврда у ўзига қадимги даврнинг мистик–идеалистик фалсафаси ва христианлик

[216] Қ.Назаров. Фалсафа. Т. 2000 й. 85-бет.

[217] Н.Сафарова. Хожагон ва Нақшбандия тариқатларининг силсилавий боғланиши кенг тарқалишида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ўрни. "Ориф Деггароний – Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси" номли республика илмий-назарий конференция материалларидан. Навоий ш. 2007 й. 40-бет.

назариясининг ғояларини олиб ва уларни соддалаштириб, маҳаллий диний анъаналар ва халқ адиқалари билан қўшиб, ҳаракатнинг ташкилий шаклини – биродарлик жамиятини барпо қилди.

Демак, тасаввуф – бу ислом доирасидаги алоҳида сирли, диний–фалсафий дунёқараш бўлиб, унинг вакилларининг фикрича, инсон ўзининг шахсий руҳий тажрибаси воситасида Худо билан бевосита руҳий алоқа ўрната олади. Бунга жазава ёки ички порлаш йўли билан эришиш мумкинки, дил порлаши юрагида Худога нисбатан муҳаббати бўлган ва шу ишқ билан Худо "йўли"дан бораётган инсонга осмондан туширилади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф таълимотида инсонкамолотини кўзлаш, уни шарафлаш, илм маърифат тарғиби, ўз ғоялари, назарий фикрланири собитлик билан ҳимоя қила билиш бош масала бўлиб, бу барча замонлар учун долзарбдир.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

***Ш.Б.Туробова –*** *НавДПИ "ижтимоий фанлар" кафедраси катта ўқитувчи*

*Резюмье. Ушбу мақолада Марказий Осиё уйғониш даври маданиятининг юксалишида исломий маданият ва қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилган*

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари мамлакатлар ва халқларнинг ҳамжижат ҳаракати натижасида чуқурлашиб бориши, уларнинг ҳар бирининг тараққиётига хизмат қилиши мумкин бўлганидек, унинг салбий оқибатларини, жумладан, халқаро экстремизм ва терроризмдек бало-қазоларнинг ҳам тараққийпарвар кучларни бирлаштирган, якдил ҳаракат қилган ҳолда бартараф этиш мумкин. Тизимли ташкил этилган ғоявий – тарбиявий ва маънавий – маърифий ишлар фуқаролар онгида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан бири ҳамда экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳаётий ва таъсирчан омилларидан бири саналади. Бунда глобал миқёсдаги маънавий-маърифий ҳамкорликнинг ўрни ва аҳамияти биқиёсдир. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро тажрибасида динлараро бағрикенглик ғояси тарғиботи алоҳида ўрин тутмоқдаки, маълумотларга қараганда бугун уни тарғиб қилаётган кўплаб ташкилотлар дунё бўйлаб фаолият юргизмоқда. Уларнинг орасида ЮНЕСКО каби глобал миқёсда амал қилаётган нуфузли халқаро муассасалар ҳам бор. Бу йўналишда олиб борилаётган ишларда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг маънавий-маърифий асосларини кучайтириш жаҳон ҳамжамияти олдидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инсонпарварлик ва багрикенглик тараққийпарвар инсониятнинг азалий қадрияти сифатида асрлар давомида улуғланиб,сайқалланиб аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Дунёда кечаётган таҳликали жараёнларнинг жадаллашуви бугун инсоният олдида жуда маъсулиятли вазифа- юқорида таъкидланган эзгу ғоялар атрофида бирлашиб,инсониятни бахт-саодати йўлида ҳамжиҳат бўлишни тақозо қилаяди.Бу борада бизга аждодлариимиздан мерос қолган, теран тафаккур маҳсули бўлган бунёдкор ғояларнинг ўрни бениҳоя катта бўлиб,Президентимиз Ш.М. Мирзиёев "Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз"- деган фикрлари асосида аждоларимиз улкан маданий меросининг бугунги кундаги аҳамияти,унинг янги Ренессанс даври пойдеворини яратиш учун муҳим жиҳатларини ўрганишга даъват ётади.Албатта миллий тараққиёт сари илгарилаб бораётган миллатнинг маънавияти ҳамда маданиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, миллий ва умуминсоний қадриятларисиз тасаввур этиш қийин. Дарҳақиқат, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда буюк аждодларимизнинг маданий-маънавий меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, биз барпо этаётган жамият ўзига хос тамойиллар ва қадриятлар асосида ривожланар экан, бунда халқимизнинг бир неча асрлик бой мероси уни янада мустаҳкам илдизларга боғлайди. Ана шундай маданий мерос сарчашмаларидан бўлмиш ислом дини ва унинг Ўрта Осиёга кириб келиши,ҳамда Шарқ Уйғониш даври маданий юксалиш жараёнлари , таниқли олим М.Хайруллаев таъбири билан айтганда, «Ислом дини билан бирга араб тилининг кириб келиши, зиёлилар томонидан ўзлаштириш ва кенг фойдаланиши араб тилидаги бой маданий бойликлар билан якиндан танишишга хамда ўз маданий ютукларини кенг мусулмон оламига олиб чикишга имкон берди»[218].Дарҳақиқат,бу даврда қадим маданият бешиги бўлган Марказий Осиё ҳудудида ўзининг

[218] М.М.Хайруллаев Урта Осиёда илк уйгониш даври маданияти. Т. Фан. 1994.

азалий қадриятларига эга бўлган , барча соҳада илғор,бунёдкор, халқ вакиллари ҳамжиҳатликда истиқомат қилиб келган.Ислом дини ва маданиятининг Марказий Осиёга кириб келиши ҳамда бу ўлка халқларининг улуғвор қадриятлари билан уйғунлашуви ,сайқаллашуви барча соҳада тараққиётнинг юксалишига ,қолаверса , жаҳон маданияти хазиналарини бойитувчи юксак кашфиётларга сабаб бўлди. Ислом динининг гултожи сифатида улуғланиб,инсониятнинг энг катта бойлиги бойлиги саналмиш,"комил инсон" ғоясини тарғиб этувчи тасаввуф таълимотининг Марказий Осиёда шаклланиши фикримизнинг далилидир.Унинг Нашбандия тариқати ва бу тариқат билан боғлиқ улуғ алломаларнинг яратган юксак ғоялари бутун инсониятни эзгу максадлар сари бирлаштириб,ҳар қандай ёвузликларга қарши тура олиши билан диққатга сазовордир.Таниқли олима Н.О.Сафарованинг таъкидлашича, "Маълумки инсон муаммоси фалсафа тарихида ҳамиша турли таълимотлар ва назарияларнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб,мазкур масала бўйича турли фикр мулоҳазалар билдирилган.Аммо уларнинг ҳеч бирида тасаввуф таълимоти сингари инсоннинг руҳий камолоти билан боғлиқ маънавий жиҳати ,нафс тарбияси ва қалб орқали мутлақ ҳақиқатни билиш тарзида эътибор қаратилмаган"[219] Дарҳақиқат,инсоннинг руҳий камолотга эришуви инсонийликнинг асосий белгиси ,қолаверса бутун инсониятни бахт-саодатга етакловчи муҳим жиҳат бўлиб, албатта бунга фақат юксак эътиқод, қалб поклиги ,илм маърифатга интилиш ,таълим –тарбия орқали эришилар экан,бу борадаги Хожагон Нақшбандия тариқати намоёндаларининг ноёб маънавий қарашлари ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида шундай дейилади:"Хожагон тариқати мутасаввифларининг илм-маърифатнинг фазилати ,уни эгаллаш восита ва усуллари ,ҳар бир инсонни хусусан ,соликни илм-маърифатни эгаллашга этган даъватлари нафақат маънавиятимиз тарихи ,шунингдек ҳозирги давримиз учун ҳам катта маърифий қимматга эга.Иккинчи томондан,уларнинг илм-маърифат инсонни юксак камолотга элтувчи асосий восита эканлиги ҳақидаги ғоялари улкан ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга ҳам эгаки ,биз унга тариқат мутасаввифларининг ахлоқий таълимотини таҳлил қилиш асосида ишонч ҳосил қиламиз.Зеро улар тинмай билим сирларини эгаллашни ,касб-ҳунар ҳалол меҳнат билан машғул бўлишни , инсонни комилликка элтувчи фазилатлар деб қараганлар " [220] Нақшбандия тариқати намоёндалари "Етти пир" номи билан машҳур бўлиб, Абдухолиқ Ғиждувоний,Хожа Ориф Ревгарий, Анжир Фағнавий,Али Ромитаний,Бобойи Самосий,Амир Кулол,Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк авлиёлар бутун инсониятни комиллик сари етакловчи ноёб таълимоти асосида ҳалол меҳнат қилиш, илм-маърифатга интилиш,камтарона ҳаёт кечириш,нафс тарбияси билан шуғулланиб, эзгу амалларни касб қилиш ғояси ётади. Бу тариқат намоёндалари умрлари давомида бу борада эзгу амаллари билан халққа намуна бўлиб,ўрнак кўрсатиб келганлар.Улар устоз-шогирдчилик анъанарига амал қилиб,юзлаб шогирдларни етиштириб,уларга комиллик сирларини ўргатиб,бу таълимотнинг дунё бўйлаб ёйилишига , қолаверса ,инсониятни эзгулик ва ҳамжиҳатликка ундашга ҳаракат қилганлар. Жаҳон маданияти хазинасини бойитишга ҳисса қўшган, буюк алломалар,валийларларнинг инсоният олдидаги буюк хизматлари таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: , «Ҳақиқатан ҳам, азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган боқий Бухоро, унинг кўпни кўрган, илм-маърифат, дину диёнат, бунёдкорлик борасида ном қозонган халқи ҳар қандай ҳурмат ва эътиборга муносибдир.Азим Зарафшон дарёси бўйида жойлашган бу гўзал воҳадаги Варахша ва Наршах сингари қадимий цивилизация ўчоқлари, кўҳна Арк, Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Аюб, Миноpаи Калон, Чор Бакр ва ўнлаб ноёб меъморий обидалар бизнинг тарихимиз, маданиятимиз қандай чуқур илдизларга эга эканини яққол тасдиқлайди.Бу қутлуғ заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Мир Саид Кулол, Хўжа Ориф Ревгарий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламида машҳурдир.[221] Шу ўринда ислом дини ва маданияти билан боғлиқ равишда диёримизга кириб келган, ҳамда Шарқ услуби билан уйғунлашиш асосида равнақ топиб,алоҳида жозиба касб этган, махобати архитектура иншоотлари ҳақида ҳам қисқагина тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу даврда мамлакатнинг барча ҳудудларида йирик архитектура иншоотлари қад ростлади. Ўзининг кўркамлиги ,мақсадга мувофиқлиги ,улуғворлиги билан мамлакат довруғини юксалтирган, ҳали ҳануз инсониятни лол қолдириб, сайёҳлар оқимининг келишига сабаб бўлаётган бундай исломий иншоотларга - илм –марифат ўчоқлари бўлмиш , мадрасалар хамда ягона этикод атрофида бирлаштирувчи ,хамжихатликка чорловчи махобатли масжидлар, миноралар ,мақбаралар ва бошқа архитектура иншоотлари мисол бўлади. Бу меъморий обидалар бошка иморатлардан ўзига хос ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Мадрасалар араб тилида диний ва дунёвий илмлардан

[219] Нигора Сафарова"Хожагон тариқати",Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриётиТ.2003й.3-бет.
[220] Нигора Сафарова"Хожагон тариқати",Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриётиТ.2003й.42-бет.
[221] Мирзиёев Ш. буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2007й. 145-б

сабок берувчи улуғ илм даргохлари бўлиб**.** Мадрасалар одатда ҳукмдорлар, амалдорлар, нуфузли шахслар, йирик дин пешволари ва савдогарлар томонидан кўп ҳолларда пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб қурилган. Уларнинг биринчи қаватида мачит, қироатхона ва кутубхоналар, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар жойлаган.Мадраса талабалари диний билим бўлган Қуръони Карим, фиқҳ, шариат асослари, диний-ахлоқий адабиётлар билан бирга тил, адабиёт тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, хандаса (математика) каби дунёвий ва аниқ фанлардан ҳам таълим олганлар. Юқорида таъкидланганидек, бу мадрасалар Марказий Осиёда буюк алломалар, ноёб тафаккур ва каромат сохиблари, валийлар ,пиру –устозлар етишиб чикишига имкон яратди. Улар халкни ўз орқасидан эргаштириб, юзлаб шогирдлар етиштириб,хайрли амаллар қилиб , халқни эзгулик сари етаклади. Устозлари оламдан ўтгандан сўнг,бундай улуғвор инсонларнинг хотирасига бағишлаб ,ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида шогирдлари ,фарзандлари томонидан мақбаралар барпо этилди. “ Қорахонийлар даврда Бухорода катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилади: Работи Малик, Масжиди калон, Минораи калон (Арслонхон), Вобкент минораси, Жарқўрғон минораси, Мағоки аттори масжиди ҳамда кўплаб сарой, масжид, мадраса, минора, хонақоҳ, мақбара, тим ва карвонсарой каби иншоотлар бунёд қилинган”[222]

Ҳар бир ҳудудда жойлашган Аллоҳнинг уйи саналмиш масжидлар ўзига хос архитектура услуби билан ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлиб, ёзда салқинлиги ва қишда совуқдан ҳимояланганлиги билан муҳим аҳамият касб этган. Ҳар бир масжид ёнида барпо этилган миноралар ҳам ноёб архитектура намунаси сифатида диққатга сазовор. Минора араб тилидаги ”миноратун” сўзидан олинган бўлиб, “маёқ”,” йўл кўрсатувчи” маъноларини англатган. Масжидлар ёнида минораларнинг қурилиши муаззинларнинг азон айтишига мўлжалланган бўлиши билан бирга у Аллоҳнинг ягоналиги тимсолидир. Унинг баланд ва виқорли туриши эса, Аллоҳнинг улуғлиги ва ҳамма нарсани билгувчи, кўргувчи эканлигига ишора сифатида қаралади. Бундан ташқари минора Аллоҳдан бошқага бўйин эгмаслик, касу-нокасликдан ўзини баланд тутмоқ, ҳамма нарсага бир ҳил қараш, ўтмиш, бугун, келажакни бирдек кўриб туриш, иймон-эътиқод рамзидир.

Масжид деворларини безаб турган такрорланмас, жилокор нақшлар бир-бирига уйғун чирмашиб кетган “Куфий ”,” Сулс”хати ёзувларида мусулмон кишининг Аллоҳ Таоло билан танҳо мулоқотининг нозик жиҳатларини ифодаловчи хилқатлар мужассамлигининг гувоҳи бўламиз. Уларда Қуръон оятларидан парчалар, исломий ғоялар акс этган бўлиб, нақшнинг чодрага ўралган аёлга қиёсланиши бежиз эмас. Нақш-ҳаққониятни қўл билан ушлаб кўриш эмас, балки гўзалликни дилдан ҳис қилиш, чодра ортидаги вазиятга ўзини қалбан тайёрлаш ва унга кириб бориш тимсолидир. Исломий обидаларнинг нақшлари –олий баркамоллик, Аллоҳ ҳузурига йўл олиш рамзлари ҳамдир. Нақшдаги гуллар: гулсафсар -осойишталик, умри боқийлик, тўлқинсимон гул пояси-бойлик ва фаровонлик,новда ва япроқлар –навқиронлик тимсоли бўлса, зангори ранг- олий эътиқод, оқ ранг-бахт ва омад, қизил ранг -шодлик ва ёшлик тимсоллари сифатида ифодаланган. Том маънода нақшлар, ҳамма гўзалликларни яратган ва уни бандаларига неъмат қилиб берган ягона ва раҳмли Аллоҳ ҳузурига бориш ва унинг жамолига етишиш омилидир.Исломий обидаларнинг барпо этилиши, ўз навбатида мамлакат кўрки ,чиройи, юрт ободлиги,халк фаровонлигига хизмат қилди. Бу жараёнлар яъни Ўрта Осиё халклари маданиятининг ислом маданияти билан уйгунлашиши асосида архитектура, меъморчилик, наққошлик ,кошинкорлик, ўймакорлик, ганчкорлик, сингари ноёб санъат турларининг тараққий этдишига сабаб бўлди. Махсулотлар тури ва сифатининг ортиши эса,савдо-сотиқнинг ривожланиши, савдогарлар ҳамда саййёҳлар оқимининг кўпайишига , иқтисодий ривожланишга ,қўшни давлатлар билан алоқаларнинг ривожланишига, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида тинчлик ва ҳамкорликнинг тараққий этишига,бир сўз билан айтганда, маданий юксалишга асос бўлди. Ислом динининг моҳияти бирон-бир миллат ёки давлатга мансуб бўлмай, энг аввало, инсоннинг ўзига азиз ва мукаррам зот сифатида қараб, унинг маънавий камолотига хизмат қилади ва инсонпарварлик руҳи устуворлиги, меҳр-оқибат, диёнат, адолат, ҳалоллик ва покликка даъват этиши билан характерланади.Аждодларимизнинг ана шундай юксак маданий мероси дурдоналаридан бўлмиш,муқаддас ислом динимизнинг қадриятлари, фақат эзгуликка йўғрилган бўлиб, Марказий Осиё маданиятини юксак чўққига кўтарди.Бугунги кунда уларни чуқур ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, ҳаётга тадбиқ этиш давр талаби булиб, ўсиб келаётган баркамол авлоднинг онгу- шуурига диннинг асл моҳиятини сингдириш лозимки,токи улар онгида муқаддас ислом динини ниқоб қилиб ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиб,бегуноҳ инсонларнинг қонини тукилишига сабаб бўлаётган ёт ғоя ва мафкураларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш асосий бурчимиз ва вазифамиздир.

[222] Носир Муҳаммад. Турон давлатлари ва ҳукмдорлари йилномаси Тўлдирилган 2-нашр/ Тошкент, 2011й

# АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Сувонова Насиба Мардоновна –** НавДПИ, Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Барчамизга маълумки, ўзбек халқи бой маънавий-маданий қадриятларга ва буюк алломаларга эга бўлган миллатдир. Инсоният пайдо бўлибдики, тинч – тотув ҳаёт кечириш, бирдамлик ва ҳамжиҳатликда яшаш барча замонларда барча учун бирдек муҳим аҳамият касб этиб келган. Буюк мутафаккирларимиз, алломаларимиз ва мутасаввифларимизнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида ҳам бағрикенглик ва бирдамлик ғоялари асосий ўринни эгаллаган. Ҳозирги кундаги таҳликали замонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, миллатлараро тинч-тотув яшаш ва ҳамжиҳатликда фаолият юритиш учун бутун инсониятнинг маънавий мулкига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз маънавий меросининг ўрни беқиёсдир. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз – авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади”[223].

Шундай буюк алломаларимиздан бири Шарқда “Муаллимус - соний”-“Иккинчи муаллим” номи билан шуҳрат қозонган машҳур мутафаккир олим, қомусий аллома Абу Наср Форобий ўз асарларида гуманизм, адолат, донишмандлик, давлат бошқарувида одиллик каби фазилатларни жуда улуғлаган. Унинг машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарида юқорида келтирилган фазилатлар хусусида кўп сўз юритилган. Форобийнинг фикрига кўра, фозиллар шаҳри ҳокими ўзида 12 та хислатни мужассам этиши лозим. Шулардан ўн биринчиси адолатпарвар, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барч ани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасоз бўлиши зарур[224], деб таъкидлаган. Инсонларни севиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини адолат юзасидан ҳимоя қилиш ва энг муҳими муросасоз бўлиш каби хусусиятлар бағрикенглик, бирдамлик ва тотувликнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Форобий ўзининг ушбу асарида инсонларнинг бахт-саодатга эришуви бевосита ўзига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади, яъни инсоннинг ўткир ақл-заковат соҳиби эканлиги, дунёқарашининг кенглиги, унда фаҳм-фаросатнинг устунлиги ва нафсига эрк бермаган ҳолда ўзида инсонийлик фазилатларини шакллантириши бахт-саодатга эришувининг калитидир деган фикрларни таъкидлайди. Фозиллар шаҳрига зид бўлган амалпарастлар, ҳокимиятпарастлар шаҳри кишиларини Форобий шундай тасвирлайди: “Бундай шаҳар аҳолиси барча халқлар уларга бўйсунишини, ўзлари ҳеч кимга бўйсунмасликни хоҳлайдилар. Уларнинг фикри-зикри ғалабалар, футуҳатлар нашидасини суришга қаратилгандир”[225]. Бу ўринда мутафаккир инсондаги худбинлик, адолатсизлик ва бошқа халқлар тинчлигига раҳна соладиган кишиларни танқид қилган ва бу инсонларнинг бахт-саодатга эришувидаги энг зарарли иллат эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

“Аҳолиларнинг диний эътиқодлари хурофий, хато дунёқарашларга асосланган шаҳарларни жаҳолатдаги ёки адашган шаҳарлар деймиз”[226]. Мутафаккир “Фозил одамлар шаҳри” асарининг 34-бобини шундай жумлалар билан бошлаган ва баъзи мавжудотлар ўз-ўзини ҳимоя қилиш, ўз зотини йўқолиб кетишдан асраш учун бошқа ўзига қарши бўлган мавжудотлар билан курашишга интиладилар деб таъкидлайди. Шунингдек, кўп ҳайвонлар ўзларига зарар етказмасада атрофидаги бошқа ҳайвонларга ташланиб, уларни йўқ қилишни хоҳлайдилар. Бу билан эса улар ягона ҳукмронлик томон интилади деган фикрлари ҳам ушбу асарда илгари сурилган. Алломанинг ҳайвонлар мисолида келтирган ушбу фикрлари бугунги кунда бир-бирининг тинчлигига, хотиржамлигига раҳна солаётган инсонларга, халқларга ҳам тегишлидир. Чунки тинчлик ва осойишталикда яшаётган инсонлар ҳаётига раҳна солиш, бесабаб қон тўкилишига сабаб бўлиш ҳамда халқлар орасида турли диний ихтилофларни қўзғатиш гуноҳдир. Халқлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, ўзаро тотув ва ҳамжиҳатликда яшаш лозимлиги ғояларига Форобий ўз асарларида кўп тўхталган.

---

[223] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. // “ Ёшлар овози ”. 2017 й.23 декабрь.103-сон

[224] Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”.Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993 й. 160-б

[225] Ўша асар 162 б

[226] Ўша асар 163-б.

Мутафаккир инсонларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшашга даъват этган ҳолда улар ўртасида табиий ёки ихтиёрий боғланишлар йўқлигини, инсониятнинг бир-бирига зарар етказиши ёки тинчлигини бузишга қаратилган турли ғояларнинг илгари суриши замирида ўзаро манфаат ётишини таъкидлаб ўтган. Баъзи инсонлар ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун бошқа одамларни улар билан бирлашишга мажбур қилиб, атрофидагиларни ўзига бўйсундириб, ўзига етарли миқдорда хайрихоҳларни тўплайди. Баъзи тоифа одамлар эса меҳр-оқибат, ўзаро дўстлик ва толерантлик нуқтаи назаридан бирлашиб, тўқликда ва фаровонликда яшайди. Иккинчи тоифадаги кишилар биринчи тоифа кишиларига нисбатан кучлироқ, бахтлироқ ва ёқимлироқдир, дейди Форобий. "Яна баъзилар ўйлашича, одамлар ўртасидаги боғланиш робиталари шу одамларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига асосланади. Ҳар бир халқ ўзига хос мана шундай хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳар ҳар бир халқ вакиллари бошқа халқ вакилларига аралашиб, қўшилиб кетмаслиги керак. Чунки, турли халқлар худди ана шу хусусияти билан фарқланиб туради"[227]. Хуллас, Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар атрофида бўладиган мунозараларда муҳим аҳамият касб этади.

## ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИБН СИНО МАЪНАВИЙ МЕРОСИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

**НДПИ Катта ўқитувчи Ш.Б.Туробова.**

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада таълим- тарбия жараёнида қомусий аллома Ибн Синонинг ҳаёт йўли, маънавий мероси миллий ва умуминсоний қадрият сифатида талқин этилади.
РЕЗЮМЕ. В данной статье истолковывается жизнь и духовное наследие ученого-энциклопедиста Ибн Сина как общенациональная и общечеловеческая ценность в образовательном процессе.
RESUME. This article interprets the life and spiritual heritage of the encyclopedic scholar Ibn Sina as a national and universal value in the educational process.

Демократик жамиятда инсон олий қадрият бўлиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Айниқса таълим -тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ёшларимизниг жадал тараққиётга ҳамоҳанг ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Жамият келажаги бўлган ёш авлод тарбияси инсоният тарихида доимо муҳим вазифа саналиб, бу барада тарихга назар ташлайдиган бўлсак, педагогика атамасининг қадимги юнон тилида "пайдагогос" - "бола етакловчи " маъносини англатиши бунга яққол мисол бўла олади. Қадимги юнонистонликлар фарзандлари тарбиясини жуда ёшликдан , ҳар томонлама етук инсонлар қўлига ишониб топширишган. Инсоният қадим маданият бешиги саналмиш қадимги Шарқда ҳам бола тарбиясига катта эътибор билан қаралган . Яъни фарзандларини интилиш ва қизиқишларига қараб, донишманд, обрўли, сара сифатлар эгаси бўлган устозлар, уста- ҳунармандлар қўлига топширишган. Йиллар давомида миллий ва умуминсоний қадрият сифатида улуғланган бу анъаналар диёримиздан буюк алломаларнинг, юксак истеъдод соҳибларининг етишиб жаҳонга танилишига сабаб бўлан . Ана шундай буюк сиймолардан бири Шарқда "Шайхур-раис", Ғарбда " Авицена" номлари билан машҳур бўлган қомусий аллома Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижоди кишини лол қолдирадиган даражада ҳайратли ва ибратлидир .

Антик мерос асосида илмий тафаккурда янги йўналиш очиб, жаҳон илм-фани, маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган қомусий аллома Абу Али Ибн Сино 980 йили Бухоро яқинидаги Пешкў туманининг Афшона қишлоғида туғилди. Отаси Абдулло асли балхлик бўлиб, Сомоний ҳукумдорлар саройида хизматчи бўлган. Онаси Ситора бону эса афшоналик бўлган. Ибн Сино беш ёшга киргач, ўқитиш учун Бухорога кўчиб кетишади. Дарҳақиқат, Абу Алининг баркамол инсон бўлиб вояга етишишида отаси Абдуллонинг хизматлари катта бўлиб, фарзандининг интилиш ва қизиқишларини олдиндан англаб, жуда ёшлигидан устозлар қўлига топшириб, мукаммал илм олишига шароит яратиб берган. "Зеҳни ўткир Абу Али ўқиган нарсаларининг ҳаммасини енгилгина билиб олар, дарсларни ўқиган сари ундаги заковат намоён бўлар ва устодлари ҳам боланинг заковатига таҳсинлар ўқимай қўймасди. Шу тариқа Абу Алига маърифат даргоҳи кенг очилиб кетди. Абдуллоҳ ўғлига илмга бўлган иштиёқ ва ўргатилган барча нарсани енгилгина ўзлаштириб олиш қобилиятини кўриб, уни яна ҳам чуқурроқ билимдон

[227] Ўша асар 173-б.

қилишга, илмлардан яна ҳам кенгроқ, ҳали билиб улгурмаган фан соҳаларидан хабардор қилишга, бунинг учун эса янги-янги билимдон устодлар қидириб топишга ҳаракат қиларди”[228]. Бу даврда Бухоро Сомонийлар давлатининг маъмурий-сиёсий марказига айланган бўлиб, бутун Мовароуннаҳр қолаверса, ўрта ва яқин Шарқда маданият марказларидан бири сифатида машҳур бўлиб, шаҳарда табобат, тиббиёт, математика, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқшунослик, санъат, тарих билан шуғулланувчи алломалар, араб ва форс тилида ижод қилувчи олимлар тўпланган эди. Бу ҳақда тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, “Бухоро Ибн Сино яшаган даврда чиндан ҳам юксак маданиятга эга бўлган. Сомонийлар кутубхонаси X асрда танилган энг яхши кутубхоналардан бири эди. Ўша даврда бунга рақобат қиладиган йирик кутубхоналардан бири Шерозда бор эди.”[229] деб,таъкидланади.

Абу Али Ибн Сино Шарқу Ғарбда бундай шуҳрат топишига, унинг ёшлигидан ҳар бир ишга, ўқишга бўлган тиришқоқлиги ва қизиқувчанлигидандир. Ибн Сино бор-йўғи 57 йил умр кўрди. Мана шу қисқа умр ҳам таъқиб ва дарбадарликда ўтди. Шунга қарамай, бу алломадан жуда катта маънавий мерос қолган. Турли манбаларда мутафаккирнинг фалсафа, мантиқ, руҳшунослик, адабиётшунослик, шеърият, мусиқа, геология, минерология, физика, математика, тиббиёт, фалакиёт ва фаннинг бошқа соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асарлар яратганлиги қайд этилади. Бироқ бизгача Ибн Синонинг фақат 242 та асари етиб келган холос. Шундан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга, 43 таси табобатга, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалакиётга, 1 таси риёзиёт, 1таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга 8 таси бошқа олимлар билан ёзишмаларига тегишлидир”[2]

Қомусий аллома, буюк ақл ва заковат соҳиби Ибн Синонинг машҳур асарлари ҳақида европалик олимлар ҳам қимматли фикр билдиришган.

Ибн Синонинг табобат илмида яратган энг машҳур, ҳам қўлланма сифатида жуда зарур бўлган асари «Китоб ал–қонун фит-тиб” (“Тиб қонунлари”) ҳисобланади. Бу асар тиббиётга бағишланган беш жилдлик шоҳ асаридир. Бу китоб шунчалик маҳорат билан ёзилганки, ҳанузгача жаҳон медицина ривожида асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. “Тиб қонунлари” XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган. Ҳозирда бу машҳур асарнинг XV аср француз тилида босилган нусхаси АҚШнинг Канзас–Сити шаҳридаги «Саломатлик маркази” кутубхонасида сақланмоқда. Бу китоб то XVIII асрнинг охирларига қадар ҳам Ғарбий Европанинг тиббий ўқув юртларида асосий ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилган. Асар тиббиётнинг асосий соҳалари: анатомия, физиология, потология, терапия, доришунослик, гигиена ва парҳез билан даволаш ва бошқаларни ўз ичига олган. Ибн Сино нафақат қомусий олим ва мутафаккир, айни замонда у истеъдодли шоир ва адиб ҳам бўлган. Ибн Сино оммабоп тарзда назм билан ифодаланган “Уржуза” номли тиббий асар яратади. Шунинг ўзиёқ, олим ижодининг серқирралигини, тиббиёт илмини назмда ифодалаб, бадиий адабиёт соҳасини ҳам пухта эгаллаганидан далолат беради. Манбаларда таъкидланишича, Ибн Сино бир соҳага киришса, жуда қаттиқ асосли қилиб, билиб олмагунга қадар тиниб-тинчимайдиган олим бўлиб, бу ҳақда мутаффаккир Ибн Синонинг шогирди ал-Жузжонийнинг ҳикоя қилишича, бир куни Абу Али амир даргоҳида ўтирган экан. Бу ўтиришда араб тили грамматикаси билимдони Абу Мансур ал Жаббон ҳам бор экан. Суҳбат мавзуси араб тили грамматикасига бориб қолганда Абу Али ўз фикр-мулоҳазасини билдиради. Бунга жавобан Абу Мансур “Сиз файласуф ва ҳаким одамсиз, лекин луғат илмини чуқур ўқимагансиз, шунинг учун ҳам сизни гапларингиз бизни қониқтирмайди” дейди. Абу Али бу гапдан қаттиқ ранжийди ва араб тили ҳамда грамматикасини чуқур ўрганишга киришиб, уч йил давомида луғатга оид кўплаб китобларни ўрганиш билан бирга Хуросон ва бошқа шаҳарлардан тилшуносликка оид китобларни топиб, уларни ўрганиш асосида тил билимида шундай даражага эришган эканки, бундай камолотга камдан-кам одам муяссар бўлар экан. Шундан сўнг адабий тилда кам ишлатиладиган нодир сўзлардан фойдаланиб учта шеър ёзган. Кейин услуби оғир бўлган олимлар ёзадиган тарзда учта китоб ёзади .

Абу Али бу китобларни муқовалашни ва жилдига эскилик тус беришни буюради. Сўнгра амирга гўё бу китобларни овга чиққан пайтида даладан топиб олганлигини Абу Мансур ал Жаббонга айтиб, ичида нима ёзилганлигини ўқиб беришни ундан сўрашини илтимос қилади. Амир Абу Алининг илтимосини айтгандек бажаради. Абу Мансур бу китобни мутолаа қилар экан, кўп жумлаларнинг моҳиятига ета олмайди. Шунда Абу Али унинг ёнига келиб, у тушуна олмаётган жумлалар машҳур китобларда келтирилганлигини таъкидлаб, уларнинг

[228] Абдусодиы Ирисов Хаким Ибн Сино « Ўзбекистон» 1992 й.5-6-бет
[229]Абдусодиқ Ирисов”Ҳаким Ибн Сино””Ўзбекистон”1992 й.16-б.
[3] Абу Али ибн Сино «Тиб Қонунлари” уч жилдилик сайланма. 1-жилд.

номларини бирма-бир келтириб ўтади. Бу воқеадан сўнг Абу Мансур тил борасида Ибн Синони ранжитиб қўйганлигидан ноқулай аҳволга тушади, ва бу рисолаларнинг барчасини Ибн Сино ўша кунги ҳақоратга жавобан ёзганлигини англаб етади. Шундан Ибн Сино тил билимига оид "Лисон ал-араб " китобини ёзган экан.

Ҳозирги замон тиббиёти ривожини Ибн Синонинг тиббиётга оид асарларисиз тасаввур этиш қийин. Негаки Ибн Синонинг ўша даврлардаёқ ёзилган "Тиб қонунлари" асари ва тиббий уржузаларида бугунги кун тиббиётининг долзарб масалалари, ривожланиш қонуниятлари, касалликларга қарши курашиш усуллари ёритиб берилган. Ҳали-ҳануз дунё илм-фан аҳли Ибн Сино асарларини, унинг адабий–фалсафий ва тиббий меросини қунт билан ўрганмоқда .

Ибн Синонинг инсоният олдидаги хизматлари беқиёс бўлиб, аллома яратган таълимотлар жаҳон илм-фани, фалсафий тафаккури ривожига қўшилган бебаҳо хазина. Ибн Синонинг ҳаёт йўли эса улкан ибрат мактаби бўлиб, маънавий янгиланиш жараёнида ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида улардан миллий ва умуминсоний қадрият сифатида кенгроқ фойдаланиш, ҳаётга тадбиқ этиш орқали ёш авлод онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, илм-фанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## MA'NAVIY MEROS VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR

**NavDPI N.X.Tursunova, (PhD)**

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada milliy madaniy urf-odatlar, marosimlar xalq dostonlari tarkibida umumlashtirilib, madaniy meros va qadriyatlarini unutmaslik hamda yoshlar qalbida mer-muhabbat uyg'otish go'yalarining talqini xususida.

***Kalit so'z***: milliy qadriyat, marosim, doston, global, estetik, qahramon.

Ilm va fan texnologiyalarining jadal rivojlanishi, global dunyoda raqobatning ortishi sharoitida har-bir davlat va jamiyatning bu jarayonda raqobatdoshligi yoshlarning intelektual rivoji hamda ularning iste`dodi va qobilyatlarini to'liq amalga oshirishga e`tibor qaratish lozim bo'ladi. Shuning uchun bu masala har doim davlatlarning uzoq muddatli rivojlanishini ta`minlashga qaratilgan barcha strategiyalarida aks ettirgan. Yangi O'zbekistonda yangicha yashash, yangicha fikrlash, yangi umumbashariy qadriyatlarni targ'ib etish va qadrlash bugungi kun ta`lm sohasining muhim vazifalaridan hisoblanadi.

Shuningdek, xalq og'zaki ijodiyotining har bir janri o'ziga xos badiiy olami bilan ajralib turadi. Chunki ularning har biri xalqimiz hayotida muayyan estetik vazifa bajarishi tufayli asrlar davomida an'ana tarzida saqlanib, takomillashib, badiiy jihatdan sayqallashib kelgan. Xalqimizning ana shu folklor merosi bugungi kunda ham zamondoshlarimiz ma'naviy ehtiyojlarini qondirishning muhim vositalaridan biri vazifasini bajarib kelmoqda. Shu bois ham bugungi kunda xalq dostonlarini o'rganish, ularni ommalashtirish, dostonda tasvirlangan voqealar, qahramon xatti harakatlarini hayotiy voqelik bilan bog'lamasdan tasavvur qilish g'oyatda mushkul.

Bizga ma'lumki, milliy qadriyatlarimizni saqlab qolish va badiiy asarlar orqali keng targ'ib qilishning eng maqbul va samarali yo'llarini topib, o'ziga xos milliy qahramon obrazini yarata olish ijodkor ijrochidan juda katta mahorat talab qiladi. «Ravshan» dostoni aynan milliy qadriyatlarimizning uzoq o'tmishda yovuz bosqinchilar istibdodi iskanjasida azob chekkan o'sha davr voqeligihaqida hikoya qiladi. Garchi dostonning bosh g'oyasi muhabbat va ishqqa sadoqat bo'lsa-da, unda vatan, xalq ozodligi inson erki masalasi ham o'z ifodasini topgan. Bu borada yozuvchi O'tkir Hoshimovning fikrlarini inobatga olish lozim: «Badiiy ijod shunday bir daraxtki, uning shoxida umuminsoniy mevalar etiladi, ildizi milliy zaminda yotadi. O'z xalqi milliy va ma'naviy boyligini dunyoga ko'rsatish uchun ijodkor o'zining milliy boyligini dunyoga ko'rsatish uchun ijodkor o'zining milliy adabiyotini, qadriyatlarini yaxshi bilishi lozim»,-degan edi u.

«Ravshan» dostonida tasvirlangan voqelikda bolaning tug'ilishidan tortib, to uning hayotdan ko'z yumgunicha bo'lgan davrdagi turli xil xalqona urf-odatlar, marosimlar tabiiy ohanglarda berilgan bo'lib, aslida hayotda qanday bo'lsa, shundayligicha asarga olib kirilgan. Marosimlarning tarixi juda qadimiydir. Ayniqsa to'y marosimlari tug'ilgan chaqaloqqa aqiqa marosimi o'tkazishdan tortib, beshik to'yi, sunnat to'yi, bolaning voyaga etishi munosabati bilan o'tkaziladigan muchal to'yi va nihoyat, nikoh to'yigacha bo'lgan an'anaviy marosimlarning bari insoniyatning urug'-jamoa bo'lib yashagan davridagi qadimiy rituallar zamirida kelib chiqqan bo'lib, asrlar davomida xalq orasida an'ana bo'lib yashab kelgan. Har bir davr bu marosimlarning rivojlanishi va badiiy jihatdan sayqallanishiga o'z hissasini qo'shgan. Natijada ajdodlarimiz badiiy tafakkurining eng yaxshi namunalari marosim tarkibidagi udum, qo'shiq va urf-odatlarda

mujassamlashgan. Boshida bu marosimlar oddiy jo'n tarzda o'tkazilgan. Lekin keyinchalik odamlarning turmush tarzi va mehnat xarakteridagi o'zgarishlarga ko'ra bu marosimlarning har biri alohida -alohida tantana sifatida nishonlanishi an'anaga aylana borgan. «To'y marosimining o'zida o'tkaziladigan barcha tadbirlar, irim-sirimlar qo'shiqlarda o'z aksini topavermaydi, ammo ayrim qo'shiqlarning mavzusini bilmay turib tushunish qiyin bo'ladi». [230]

Bu masala to'g'risida folklorshunos B. Sarimsoqovning fikri shunday: «Marosim folklori» tushunchasi, o'z navbatida, ikki muhim komponentni o'zida mujassamlashtiradi. Bular marosimning syujetikasiga (kechish tarzi va bajarilishidagi hatti-harakatlar) va uning so'z (verbal) komponenti bilan bog'liq uzvlardan iborat».

«Ravshan» dostonida olim aytgan har ikki komponentni ham uchratish mumkin. Masalan, dostonda suyunchi tasvirini berish orqali oilaga yangi inson tashrif buyurganda bajariladigan an'anaviy udum hamda odatlarini badiiy tasvir ob'ektiga olib kiradi. Shu bilan birga asarda bu usul orqali qahramonning bolalarcha beg'ubor quvonchini hamda pok qalb dunyosi xalqona, sodda qilib ochib berilgan. Chunki o'gay o'g'ilning tug'ilishini bayramdek emas, balki, fojeadek qabul qilish ham mumkin edi. Ravshanning dunyoga kelishi dostonda g'ayri oilaviy hodisa sifatida tasvirlanadi. Bundan tashqari o'gay farzand asrash «Go'ro'g'li» turkumidagi dostonlarning o'ziga xos jihatlaridan sanaladi.

Xullas, « Ravshan» dostonining badiiy xususiyatlari borasidagi mulohazalarni quyidagicha umumlashtirish mumkin: dostonda voqealar rivoji sevgiga sadoqat, pok sevgi muhabbatga intilish va unga sodiqqolish asosiga qurilgan. Dostonning asosiy voqealari epik qahramonning ishqiy sarguzashtlaridan iborat; dostonda syujetni tashkil etuvchi asosiy vosita-o'gay o'g'il va uni asar voqealariga kirib kelish motivi voqealar rivojining boshlang'ich nuqtasi vazifasini o'taydi; dostonda epik qahramon atrofida sodir bo'layotgan voqealar mazmun mohiyati bilan qahramonning ishqiy maqsadiga erishishni ta'minlashga xizmat qilgan; asarning poetik xususiyatlaridan biri uning voqealari epik bayonida mubolag'a, sifatlash, bo'rttirish, tashbeh kabi she'riy san'atlarning ustivorlik qilishi bilan xarakterlanadi.

Bugungi kun yoshlarida xalqimiz tarixi, urf-odatlari, an`analari, milliy qadriyatlarini madaniy darajasini targ'ib qilish, ilmiy-ma`naviy merosni tub mohiyatini anglashiga muhim ahamiyat kasb etadi.

## ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДА БАҒРИКЕНГЛИК ВА МУРОСА МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

**Сувонова Насиба Мардоновна**
Навоий давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
(Ўзбекистон, Навоий)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашларидаги ҳамжиҳатлик ғоялари ҳақида сўз боради. Буюк мутафаккирларимизнинг илмий меросида, фалсафий таълимотида ижтимоий ҳаётдаги муносабатлар, давлат ва дин муносабати хусусида сўз борар экан, уларнинг ўзларининг толерантлик, бағрикенглик ҳақидаги Шарқона концепцияларини ярата олганликлари диққатга сазовордир. Айни пайтда миллий ўзликни англаш, бой маънавий меросимизни тиклаш, тадқиқ ва тарғиб этиш, буюк мутафаккирларимиз-у мутасаввифларимизнинг илмий-фалсафий қарашларини халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти билан омухта этган ҳолда, уларнинг беқиёс маънавий-маърифий ғояларидан халқимизни баҳраманд этишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Уларнинг бағрикенглик ва миллатлараро аҳил қўшничилик тамойиллари хусусидаги концепцияларининг асосий моҳияти инсон маънавий, руҳий ҳолати билан бевосита боғлиқ ҳолда талқин этилган.

**Калит сўзлар:** комил инсон, руҳий камолот, маънавий камолот, комиллик, толерантлик, дўстлик, тинчлик, эзгулик.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётида баркамол инсон тарбияси устувор аҳамиятга эга. Ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга қаратилган қонуний ҳужжатлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилаётган хайрли ишлар шу улуғ мақсадни амалга оширишга йўналтирилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг ислоҳотлар орасида буюк аждодларимиз илмий меросини ўрганиш, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида беназир алломаларимизнинг пурмаъно

[230]G.Tosheva.o`zbek-tojik To`y marosim folklori aloqalarining yo`nalish va printsiplari. O`zbek tili va adabiyoti.1993.4-son.
2N.Mallayev XX asr o'zbek adabiyoti tarixi. Toshkent. 1990. 236-b
3 H.Zarif. Kuntu'mish va Ravshan dostoni.Toshkent. 2011. 286-bet.

ҳикматлари ва асарларидан самарали фойдаланишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек:“Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс – садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин”[8.].

Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган далатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилишида, биринчи навбатда, ўсиб келаётган ёш авлодларимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, вояга етказишга боғлиқ.

Аслида инсоният цивилизациясининг маъно – мазмуни ҳам комиллик, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборатдир. Қурони Каримда: “Афвни ихтиёр этинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг! [2.-Б.107.], дея буюрилган. Комил инсон ғояси қадимдан халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб келган. “Авесто”да эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал комилликнинг уч белгиси сифатида ажратилиб кўрсатилганлиги фикримизнинг исботидир.

Айниқса, комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб, тўлақонли маъно касб этган. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Алишер Навоий асарларида, Имом Бухорий ҳадисларию, Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” тамойилида комил инсон ғояси такомилга эришди. Халқимиз, мутафаккир аждодларимиз ижодида кўплаб комиллик тимсоллари яратилди. Широқ, Алпомиш, Фарҳод сингари мардлик ва жасурликнинг бадиий тимсоллари, соҳибқирон Амир Темур ва Алишер Навоий сингари халқпарварлик, ватанпарварлик тимсоллари шулар жумласидандир. Комил инсон шундай инсондирки, у аввало, дину диёнатини мустаҳкам тутган, муайян ғоя ва маслакни эътиқод даражасига кўтарган, ўзидаги қусурларни илм – маърифат неъматлари асосида бартараф эта олган, нафс ва ҳою - ҳавасни иродасига таяниб бошқара олган кишидир. Махдуми Аъзамнинг таъбири билан айтганда:“кимки хизмат ва ғайрат қилса, хусусан, жамоат учун хизмат қилувчи бўлса ва унинг хизматидан бошқалар манфаат кўрса, ундайларга олам ул-ғайбдан кўп файзлар етади. Кимки, жамоат манфаатлари учун хизмат қилиб, олам ул-ғайб файзига мушарраф бўлган бўлса, бундай киши саодатли-бахтли кишидир.” [6.-Б.55]

Шарқ мутафаккирларининг асарларида ва фалсафий таълимотларида хамжихатлик, диний багрикенглик ғояларига кўп мурожаат этилди. Шундан келиб чикиб айтиш мумкин-ки, толерантлик тушунчаси барча замонларда долзарб мавзулардан хисобланган ва бугунги глобаллашув шароитида хам уз ахамиятини йўқотмаган мухим вазифалардан бири булиб хисобланади.

Шундай буюк алломаларимиздан бири Шарқда “Муаллими - соний”- “Иккинчи муаллим” номи билан шуҳрат қозонган машҳур мутафаккир олим, қомусий аллома Абу Наср Форобий ўз асарларида гуманизм, адолат, донишмандлик, давлат бошқарувида одиллик каби бағрикенглик фазилатларни жуда улуғлаган. Бағрикенглик фозил одамнинг энг асосий фазилати сифатида улугланади. “Аҳолиларнинг диний эътиқодлари хурофий, хато дунёқарашларга асосланган шаҳарларни жаҳолатдаги ёки адашган шаҳарлар деймиз” [11.-Б.163.]. Мутафаккир “Фозил одамлар шаҳри” асарининг 34-бобини шундай жумлалар билан бошлаган ва баъзи мавжудотлар ўз-ўзини ҳимоя қилиш, ўз зотини йўқолиб кетишдан асраш учун бошқа ўзига қарши бўлган мавжудотлар билан курашишга интиладилар деб таъкидлайди. Чунки тинчлик ва осойишталикда яшаётган инсонлар ҳаётига раҳна солиш, бесабаб қон тўкилишига сабаб бўлиш ҳамда халқлар орасида турли диний ихтилофларни қўзғатиш гуноҳдир. Халқлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, ўзаро тотув ва ҳамжиҳатликда яшаш лозимлиги ғояларига Форобий ўз асарларида кўп тўхталган.

Мутафаккир инсонларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшашга даъват этган ҳолда улар ўртасида табиий ёки ихтиёрий боғланишлар йўқлигини, инсониятнинг бир-бирига зарар етказиши ёки тинчлигини бузишга қаратилган турли ғояларнинг илгари суриши замирида ўзаро манфаат ётишини таъкидлаб ўтган. Баъзи инсонлар ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун бошқа одамларни улар билан бирлашишга мажбур қилиб, атрофидагиларни ўзига бўйсундириб, ўзига етарли миқдорда хайрихоҳларни тўплайди. Баъзи тоифа одамлар эса меҳр-оқибат, ўзаро дўстлик ва толерантлик нуқтаи назаридан бирлашиб, тўқликда ва фаровонликда яшайди. Иккинчи тоифадаги кишилар биринчи тоифа кишиларига нисбатан кучлироқ, бахтлироқ ва ёқимлироқдир, дейди Форобий. “Яна баъзилар ўйлашича, одамлар ўртасидаги боғланиш робиталари (богликлик) шу одамларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига асосланади. Ҳар бир халқ ўзига хос мана шундай хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳар ҳар бир халқ вакиллари бошқа халқ вакилларига аралашиб, қўшилиб кетмаслиги керак. Чунки, турли халқлар худди ана шу хусусияти билан фарқланиб туради”[12.-Б.173.]. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ўзининг машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарида шундай ёзади: “ ...кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати

бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради". Бундай ҳамжиҳатлик жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолатини таъминлайди. Хуллас, Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар атрофида бўладиган мунозараларда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда толерантлик ва ҳамжиҳатлик ғояси жамиятдаги барча қатлам, ижтимоий гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Ер юзидаги барча миллат ва элатлар, ижтимоий гуруҳлар ўзаро тинчлик ва тотувлик йўлида ижтимоий ҳамкорлик қилиши лозимлиги масаласи ҳам Жомий фалсафий – ирфоний қарашларида етакчи ўринни эгаллайди. Аслида ер юзидаги барча инсонларнинг дунёқараши, манфаатлари турлича бўлади, бинобарин, улар бир – биридан фарқ қилади. Лекин улар учун умумий мақсад – ўзи истиқомат қилаётган заминининг равнақи, тинчлиги, фаровонлиги пировард мақсад бўлиши бугунги жадал суратларда ривожланаётган ахборот асрида долзарб масалага айланиб бормоқда. Абдураҳмон Жомий таъбири билан айтганда, бутун инсоният ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилаш, жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш хилма – хил ғоялар ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахсларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлашга замин яратади. Ҳамжиҳатлик ва толерантлик инсонларнинг ўзаро турли манфаатлар, қарама – қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатини таъминлайдиган кучли маёқдир.

Алишер Навоий буюк давлат арбоби ва шоир сифатида Шарқ халқларида жуда машҳурдир. У ўзининг аҳлоқий – фалсафий қарашларида Одам ва Олам моҳияти хусусида кўп фикрлар билдирган. Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" асарининг ўн олтинчи мақолатида "одамийлик одамийси" ҳақида сўз юритиб, шундай дейди "неча жафо етса, вафо айлаган, турли синовларга ва машаққатларга сабр билан чидаган ва ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдиган киши "башар аҳлининг инсондир", дея таъриф беради. Шунингдек, Навоий асарларида дўстлик ва аҳиллик, адолат ва тинчлик категориялари хусусида ҳам тўхталиб ўтилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, тинч, фаровон яшаш, инсонларни ҳамжиҳатликка чорлаш, бирдамлик ва барқарорликда яшаш ғояси неча асрлардан буён ўз умумбашарий аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Буюк аждодларимиз маънавий меросини асраш, уларнинг эзгуликка йўғрилган ғояларига эргашиш ва ўсиб келаётган ёш авлодларни ватанпарварлик, моддий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кунда барчамизнинг олдимизда турган энг устувор масалалардан биридир. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Биз аввало туб негизида "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" деган ғоя мужассам бўлган Ўзбекистоннинг тинчлик ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўлини изчил давом эттирамиз. Ҳозирги ўта нотинч ва мураккаб замонда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек сақлаш, жамиятимизда миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг энг муҳим ва устувор вазифамиз бўлиб қолади"[7.-Б.13.].

**Библиография**


АБДУЛАЗИЗ МАНСУР. Қуръони Карим маънолар таржимаси, (Аъроф сураси, 199-оят) Б-107.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ. Фозил одамлар шаҳри.Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси, 1993 й. 160-б.

МАХДУМИ АЪЗАМ."Танбият ус-салотин". Таржима муаллифлари Б.Валихўжаев ва К.Каттаев.Суғдиёна –1994.Б. 55.

МИРЗИЁЕВ Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.:Ўзбекистон, 2017.-Б.13.

МИРЗИЁЕВ Ш."Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзланган нутқидан.

ПУГАЧЕНКОВА Г.А., РТВЕЛАДЗЕ Э.В. и др. Дальверзинтепе– кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент, 1978.-стр.52.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ.Гулистон. 46-б. www.ziyouz.com.

11. Ўша асар 163-б.

12. Ўша асар 173-б

# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА «МУБАЙЙИН» АСАРИНИНГ ЎРНИ

**Бердиев Ҳ.Х.**
**СамИСИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири**

**Annotation:** When considering the role of “Mubayyin” in the study of the philosophical essence of the work of Zahiriddin Muhammad Babur, it should be noted that this work was created under the influence of a number of works by thinkers such as Abdurahmon Jami, Alisher Navoi, belonging to the Naqshbandi sect. The article describes the observations in this regard.

**Key words:** philosophy, "Mubayyin," a work, a Naqshbandi sect, a thinker .

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодининг фалсафий мағзини ўрганишда «Мубаййин» асарининг ўрни хусусий – фикр юритилар экан, аввало, бу асар Нақшбандия тариқатига мансуб бўлган Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар томонидан турли давраларда яратилган бир қанча асарлар, чунончи, Навоийнинг «Арбаъин ҳадис» (1481-82), «Назмул жавоҳир» (1485), «Сирожул муслимин» (1499-1500)лар сирасига кириши, Бобурнинг улуғ устозларга издошлик анъанаси таъсирида яратилганини эътироф этиш зарур. Бундай асарларнинг пайдо бўлиши, биринчидан, уларнинг ўз эътиқодлари асоси бўлган ислом динига эҳтиромлари, қолаверса, кенг халқ оммасига исломий ғояларни етказиш эҳтиёжлари, иккинчидан эса, Нақшбандия тариқатининг маълум шартлари билан бевосита боғлиқдир.

Маълумки, Нақшбандия тариқатининг машҳур «Дил ба ёру даст ба кор» шиорига кўра, бу тариқат аъзоси қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар. Аллоҳ ёди билан яшамоғи ислом дини муқаддас китоби Қуръони карим ғоялари, шунингдек унинг фарз ва суннатларини қалбга нақш каби муҳрлаб олмоғи ва мудом ёдда сақламоғи лозимдир. Худди шу маънода, бу тариқат вакиллари бўлган улуғ ижодкорлар мазкур соҳада ҳам қалам тебратганлар. Бундай асарларда исломий амаллар, фарз ва суннат шаҳрига катта эътибор берилган. Гарчи Бобурнинг маснавийларидан бирида бу ҳақда:

Мушкилим олдида такрир этгил,
Ҳолатим шархини бир-бир этгил.

Дегайсен муътакиду маъмулум,
Равишу тавру сулуку йўлим.

Бордир андоққи, аён айлабмен,
Мен «Мубайин»да баён айлабман[1]

дейилган бўлса-да, «Мубайин» асари ҳам мавзу, ҳам мундарижасига кўра тушунтириш ва шарҳлардан иборатдир. Чунончи, ҳинд олими М.Радхаванинг рус тилида чоп этилган «Асрлар ошган боғлар» китобининг А.Ибраҳимов томонидан «Бобурнинг мероси» номи билан нашр эттирган ўзбек тилидаги таржимаси бу борадаги фикрларимизни бир қадар ойдинлаштиради. Китобнинг «Бобурнома»нинг ёзилмаган саҳифалари номли бўлимида Бобур ҳижрий 928, мелодий 1522 йилда адабий фаолият билан ниҳоятда банд бўлган, «Мубаййин»ни ҳам худди шу даврда Комрон учун ёзган деган фикрлар билдирилади: «У Комронга таълим бериш мақсадида икки минг мисрадан иборат бир туркий шеърий китоб ёзади. Ўша китобнинг номини Абулфазл ва Бадаюн «Мубаййин» («Тушунтириш») деб атаган. Шунинг учун бу китоб шу ном билан маълум ва машҳурдир. Китоб асл нусхасининг қўлёзмасида қуйидаги байт бор:

Чу баён қилдим онда шариат
Не ажаб гар мубаййин дедим от.

Бу ерда «Шариат» ва «Мубаййин» сўзларининг асл маънолари (мос равишда «аниқ ва соф йўл» ҳамда «аниқ» (ёрдамида ҳайротомуз бир маъно касб этилган. Бироқ «Нафис-ул маосир»да айтилишича, китобнинг номи «Дар фиқхи Мубаййин («Шариат баёни»)дир. Бу асар «Фиқхи Бобурий» («Бобурнинг диний йўл-йўриқлари) ёки «Бобур хотиралари») деб ҳам аталади».

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. Тошкент. 1994. 125-бет.

Комрон Мирзо «Девон»ини нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан ва масъул муҳаррир Алибек Рустамлар ҳам шу фикрда бўлганликлари учун қуйидагича изоҳ берадилар: «Ушбу асар (яъни, «Мубаййин» демоқчи, Ҳ.Б.). Ҳумоюн, Комрон Мирзоларга бағишланганлиги туфайли уни девонга кичик қисқартиришлар билан киритишни мақсадга мувофиқ деб топилди»[1].

Асарнинг номланишидан ташқари мундарижа кўрсаткичи ҳам «Мубаййин»да асосий масала ислом динининг беш фарзини қай йўсинда адо этиш масаласига қаратилганлигини кўрсатади. Чунончи, китоб беш қисмдан иборат бўлиб, унинг бўлимлари қуйидагича номланган: 1. «Эътиқодия», 2. «Китобу-с-салот», 3. «Китобу-з-закот», 4. «Китобу-с-савм», 5. «Китобу-л-ҳаж». Шунингдек, Китоб хотима номли қисм билан якунланади.

«Мубаййин» ўз номидан англашилиб турганидек тушунтиришлардан иборатдир. «Бобурнома»нинг милодий ҳисоб билан 1528 йил воқеалари баёнида қуйидаги сатрларга дуч келинади: «…Ҳумоюнга таржимониким, Ҳиндустонга келали айтқон ашъорни йиборилди. Хиндолга ва Хожа Калонга (Хожа Аҳрор Вали авлодларидан. Хожа Яҳёнинг набираси) ҳам таржима ва ашъор йиборилди. Бу ерда «таржима» сўзидан Хожа Аҳрор Валининг «Волидия» асарининг Бобур томонидан шеърий йўл билан амалга оширилган туркий таржимаси англашилади. Шунингдек, «Бобурнома»нинг 332-бетида «Комрон ва Хожа Калонга ҳам ушбу мазмун била хатлар» юборгани, «турк ва ҳинд умаросини чорлаб…буй ил худ бир сори юрумак кераклиги», бунинг учун пухта тайёргарлик кўрилиши ва ҳар хил масофаларда «манор» қурмоқ ваш у каби ишларни амалга оширмоқ ҳақида сўзлаб, масофа ва оғирлик ўлчовлари «Мубаййин»да кўрсатиб ўтилганини айтади.

«Бобурнома»даги «Мубаййин» асари яратилаётган даврдаги Бобур ҳолати ҳақидаги тасвирларга таяниб, «Мубаййин»да асосан солиқлар ҳақида сўз юритилса-да… унда Бобурнинг… тасаввуф адабиётидаги марказий қаҳрамон-ғариб характер ива аҳволига доир шарҳлари муҳимдир», деб ёзган И.Ҳаққуловнинг фикрлари диққатга сазоворлигини қайд қилмоқ зарур. Чунки, Бобур худди шу пайтларда ҳар хил ҳазил-мутойиба шеърлар айтишдан тилни тийиш лозимлиги, бу ахлоқ-одобга зид эканлиги ҳақида «Бобурнома»да шундай дейди: «Мундин бурун яхши ва ёмон, жид ва ҳазил ҳарне хотига етса эди, мутояба тарийқи била гоҳи манзум бўлур эди. Бу фурсаттаким, «Мубаййин»ни назм қиладур эдим, хотири фотирга хутур этти ва хазин кўнгулга мундоқ еттким, хайф бўлгай ул тилдинким, мундоқ алфозни дарж қилгай, яна фикрини қабиҳ сўзларга харж қилғай ва дарғ бўлгай ул кўнгулдинким, мундоқ маъоний зуҳур этгай, яна зишт хаёллар анда зуҳур этгай». Шундан сўнг, у бир-икки кун муқаддам Мулло Алихон ҳазил деб ҳар хил нарсаларни ўйлаш ва шеърга солишдан ўзни тутиш лозим. Зеро, бу фаҳш ва ёлғондан бошқа нарса эмас, деб қуйидаги мисраларни келтиради:

Не қилайин сенинг била, эй тил,
Жиҳатингдан менинг ичим қондур.
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър
Бириси фаҳшу бири ёлғондур.
Гар десанг куймайин бу журм била,
Жилавингни бу арсадин ёндур.

Демак, Бобурнинг фаҳш ва ёлғонни сўзлаган тилга ва шуни кўнгилга келтирмоққа ҳайф бўлсин деган фикрларни худди шу даврда, яъни «Мубаййин» яратилаётган вақтда хаёлга келтириши ҳам албатта бежиз эмас. Шунингдек, «Мубаййин»нинг «Эътиқодиййа» қисмидаги

Ҳамдига зокир улса ул тиллар,
Деса ҳамдини ойлару йиллар

каби мисраларда Аллоҳнинг ҳар жиҳатдан бетимсоллиги, инсон унинг марҳаматига муҳтожлиги ҳақидаги фикрларда ҳам маънавий юксакликка интилиш зарурлиги ғоялари илгари сурилгандир.

## БАҒРИКЕНГЛИК ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИДИР

**Б.Болтаев-Бухоро давлат университети**
**Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси**

**Resume: This article seeks to reveal the concept of tolerance and its historical roots, as well as aspects and directions of development on the example of Uzbekistan. In addition, attention is paid to the issues of friendship, cooperation and mutual respect in the educational process in the existing universities in our country.**

[1] Комрон Мирзо. Девон. Тошкент, «Ёзувчи», 1993, 47-бет.

Бағрикенглик – ён бериш, андиша ёки ҳушомад эмас. Бағрикенглик – энг аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Ҳар қандай вазиятда ҳам бағрикенглик ана шу асосий қадриятларга тажовузларнинг баҳонаси бўлиб хизмат қилмайди. Бағрикенгликни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим. Бағрикенгликнинг тарихий илдизларига мурожаат этар эканмиз, юқорида тилга олинган даврларнинг тарихий жараёнларларида хилма-хил эътиқодлар, урф-одатлар, моддий маданиятнинг кенг ҳудудий доирасида ёйилишига ёрдам берган тинч таъсир йўлини кузатиш мумкин. 2000 йилнинг сентябрида БМТнинг бўлиб ўтган Минг йиллик самитида, тўпланган дунёдаги кўпгина мамлакатлар раҳбарлари инсоният олдида турган ва цивилизацияни сақлаб қолиш мақсадида кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларни белгилаб олдилар. Чунки бугун миллатларнинг ўзлигини англаш жараёни глобаллашувнинг ўтказаётган таъсири натижасида ҳар қачонгига қараганда ҳам тез ривожланмоқда. Ўзининг номи билан аталувчи давлатлардан йироқда яшаётган миллат ва элатлар вакиллари энг замонавий ахборот воситалари ёрдамида ўз миллатдошлари[231], уларнинг турмуш тарзи, тараққиёт даражаси ва муаммолари ҳақида бир зумда зарур маълумот олиш имкониятига эгадирлар. Дунёдаги деярли барча мамлакатлар кўп миллатли ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир миллатнинг «Мен»лигини қарор топтириш заминида миллатларнинг ўзаро эркин ҳамкорлигига, маданиятларнинг ўзаро табиий таъсирлашуви натижасида уларнинг ҳар бирининг бойишига йўл очади. Бағрикенглик тарбиясига оид бирон-бир тадбирни ўтказишдан аввал бу ҳақида жамоатчилик фикрини сўраб кўриш мақсадга мувофиқдир, Мактаб ва коллежларнинг ўқувчиларигина эмас, ҳатто олий ўқув юртларининг талабалари ҳам, кўпинча "бағрикенглик-толерантлик" тушунчаси билан таниш эмасликлари фаолият давомида тез-тез маълум бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, "бағрикенглик" деган умумий ном билан мунозара клублари — давра суҳбатларини ўтказиш зарур[232].

Таълим соҳасидаги бағрикенглик ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу масалада педагогика жараёнини аниқ мақсадни кўзлаб, асосли равишда қайта қуриш, чунончи, таълимнинг мазмуни, тарбиявий воситалари ва ўқув усулларини пухта ўйлаб танлаш, ўқувчи ва талабаларнинг дарсдаги ва дарсдан ташқари машғулотларини ниҳоятда пухта ўйлаб йўлга қўйиш, аввало, бағрикенгликни ёшлар онгига сингдириш услубини чуқур ишлаб чиқиш керак бўлади. Шуни назарда тутиш керакки, ёшлар онгида янгича қадрият тушунчасини шакллантириш кўп жиҳатдан таълим тизими қандай ташкил этилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Бинобарин, Ўзбекистоннинг барча таълим муассасаларида ёшларни эзгулик, адолат, демократия қадриятлари руҳида тарбиялашга, уларни мустақил ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялашга тайёрлик, ижтимоий фаоллик, хилма-хил ахборотлардан тўғрисини танлаш ва уларни танқидий баҳолашга, билимларнинг янги-янги соҳаларини ўрганишга иштиёқманд қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор берилиши талаб қилинади. Агар масалага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, биз яшаб турган даврда бағрикенглик, кенг маънода олганда, умуман, жаҳондаги илғор тажриба замиридаги умумбашарий инсонпарварлик қадриятларни ва маданий халқлар миллий турмушидаги яхши анъаналарни давом эттириб, ривожлантириш баробарида ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамнафасликка замин яратади. Хуллас, глобаллашув шароитида цивилизация замирида орттирилган ва миллий маданиятлар заминида ривожланиб бораётган умумбашарий қадриятлар одамлар ўртасида замонавий бағрикенглик мавзуи мустақиллик шароитида, чинакам фуқаролик жамияти қурилганидан кейин ҳақиқий мақомга эга бўлганлигини алоҳида таъкидламоқ керак[233]. Ҳозирда кўп маданиятли таълим маконини вужудга келтириш муаммоси таълимнинг барча босқичларига татбиқ этилмоқда. Олий ўқув муассасаларида турли миллатларга мансуб йигит ва қизлар биргаликда таълим олиши сабабли, бу жойларда бағрикенглик тарбиясига эътиборни кучайтириш зарур. Миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш борасида Ўзбекистон ўзига хос тажриба орттирди. Бунда фақат миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш, миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш билан чекланмаслик, балки мамлакатдаги барча миллатларнинг умумий бирдамлигига эришиш тамойилига амал қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатьи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, дея қайд этилган[234]. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир

---

[231] Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (1989-2009 йй.). Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2010.

[232] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. 2017 йил 24 январь.

[233] Муртазаева Р.Х. Миграционные процессы в Узбекистане в конце XX – начале XXI веков: исторические события и новые тенденции (учебное пособие для магистров). – Германия: Lambert, 2015.

[234] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.7.

киши, миллати ва иркий мансублигидан, диний эътиқодидан қатъий назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносиб. Демак Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг насл-насаби, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатьи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили – ўзбек тилидир, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади," дея таъкидланган[235].Республикамизда миллатлараро тотувликни таъминлаш орқали тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб бориш ғояси давлатимиз биринчи раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб келган. "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида бу хусусда шундай дейилади: "Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор. Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, оҳир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз"[236].Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва изчил татбиқ этилган тараққиётнинг ўзбек модели туфайли юртимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топди. Мазкур масалага тўхталиб, Биринчи Президент "Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу - жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир", деган эди[237]. Айнан, худди шу тараққиёт йўлини танлаган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги[238] 5.1.масала ҳам хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишдан иборатлиги бежиз эмаслигини даврнинг ўзи исботламоқда .

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ҲИССИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ СИФАТИДА

**Ш.Б.Туробова - НавДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси**

Резюме. Ушбу мақолада глобаллашув шароитида барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда ўзликни англаш ҳиссиётининг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Resume. This article discusses the role and importance of a sense of identity in ensuring stability and coherence in the context of globalization.

Барқарорлик ва ҳамжиҳатлик инсоният цивилизациясининг асоси сифатида айниқса, глобаллашув жараёнида ўзликни англаш ҳисси турли миллат ва элат вакилларининг тинч тотувлигини ,барқарорлигини таъминлашда, муҳим аҳамиятга эга. Исталган ижтимиой тизимнинг барқарор тараққий этиши кўп жиҳатдан турли ҳамжамиятлар ва этник гуруҳлар ўзлигини англаши ҳамда бу жараёнга таъсир этувчи тарихий хотирага боғлиқ бўлиб, тадқиқотчилар фикрига кўра, инсон бутун умри давомида ўз макро (жинсга, оилага) ва микро (автоном шахс сифатида гуруҳга жамоага, касбга, миллатга, худудга, динга, давлатга ва бошқа йирик факторларга) ўзлигини англашга эҳтиёж сезади. Айниқса, янгиланиш миллий тикланиш билан боғлиқ жараёнларда юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш учун маълум ҳаётбахш муҳит зарур. "Янги таҳдидлар, жумладан "оммавий маданият" хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган одоб – ахлоқ қадриятларининг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда . Бугунги кунга келиб европацентризм назариясига қарама- қарши ўлароқ қадимги Шарқнинг дунё маданиятининг бешиги бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу сабабли менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб – авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир".[239]Шу

---

[235] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б.5.

[236] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 81 бет.

[237] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.414-421

[238] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

[239] Мирзиёев "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кутарамиз" Т.Узбекистон

[2]Н.Комилов "Тафаккур карвонлари". Т. "Маънавият" 1994 й, 4-бет.017

маънода у ёки бу жамиятларнинг миллий элиталари тарихнинг туб бурилиш жараёнида ўзига хос тарихий маъданий меросни қайта тиклашга, ўзликни англашга ҳаракат қиладилар. Бугунги кунга келиб европацентризм назариясига қарама- қарши ўлароқ қадимги Шарқнинг дунё маданиятининг бешиги бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўрта асрларга келиб христианлик Европа халқларининг ижтимоий – сиёсий маданий ҳаёти, фан ва санъати ривожига тўсиқ бўлган бир пайтда шарқда ислом дини айниқса тассаввуфнинг вужудга келиши туфайли қадимги юнон мутафаккирлари илгари сурган ғояларни ривожлантириш мусулмон Шарқи алломаларининг зиммасига тушди. “Шунда ўрта аср ислом фани унга янги ҳаёт бахш этди. Аристотель, Платон, Птоломей, Гален каби ўнлаб даҳоларни Арасту, Афлотун, Батлимус, Жолинус номларибилан Европага қайта танитди. Айни пайтда Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Фаробий, Беруний, Ибн Сино каби тафаккур машъалларини дунёга берди, ғарб яна шарққа эргашди”.[2]Бу даврда Ўрта Осиёда маданий ҳаёт юксак даражада тараққий этди. Хусусан Хоразм,Самарқанд, Бухоро, Фарғона ўлкаларида савдо – сотиқ, фан-маданият юқори поғонага кўтарилиб, йирик алломалар етишиб чиққан эдилар. Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий Аҳмад ал–Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Абдулла Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Абу Али Ибн Сино, Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Жалолиддин Румий, Мирзо Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, шарқнинг буюк сиймолари жумласидандир. Улар қадимги юнон ва қадимги шарқ фалсафасини, илм-фанини чуқур ўрганиб, уни янги ғоялар билан бойитиб жаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса кўшдилар.Бу улуғ сиймолар яратган улкан маданият Европа тафаккур тараққиётига ҳам ўзининг салмоқли таъсирини ўтказди. Яъни араб халифалиги қўл остида бўлган Испаниянинг кўпгина вилоятлари ҳам Шарқ илм-маърифатидан баҳраманд бўлдилар.

Дарҳақиқат, жамият тараққиётида бу муҳим жараёнларни илмий таҳлил қилиш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, баркамол авлоднинг, қолаверса, фуқароларнинг онгига сингдириш ,ахолининг миллий ўзлигин англашининг ўсишига бу эса ўз навбатида билан бирга бошқа миллат вакилларининг ўзлигини ва маданиятини ҳурмат қилишнинг ўсишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, бошқа халқлар ва маъданиятлар билан ўзаро алоқада бўлган халқгина ижтимоий, иқтисодий ва маъданий тараққиётда юксакликка эришади.

«Миллат фақат бир халқ вакилларидангина иборат тарзда шаклланмайди. Ҳозирги ўзбек миллатининг таркиб топишида барча туркий қабила ва уруғлар, олис ўтмиш, тарихдан илгари замонлардан бошлаб,

Туронзаминда яшаб келаётган аждодларимиз, шунингдек, қадим Суғд эли, Хоразм эли ва бошқалар хам иштирок этганлар. Бу ҳол тилимиз, дилимиз, қиёфамиз, маъданият, санъат, адабиёт ва меъморчилигимизда, боринки, меҳнат қуролларимизда ҳам зуҳр этиб турибди. »[240]

Дарҳақиқат, бу кўҳна замин азалдан, Шарқ ва Ғарб , Шимол ва Жанубнинг туташган жойи, инсоният тафаккури, қадим маъданият бешиги сифитада муқаддасдир. Бу диёрда турли миллат вакиллари ёнма-ён яшаб, ижод қилиб, фан ва маъданият уйғунлиги асосида инсоният тафаккури хазинасини бойитганлар.

Информацион хуружлар авж олаётган бугунги глобал тараққиёт асрида «Этник ва миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жиҳатдан одилона ҳал қилиниши энг аввало ҳар бир мамлакат ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»[241]

Глобаллашув шароитида ер юзида ҳудуд, миллат, давлат ёки чегара танламайдиган мафкуравий таҳдидлар инсоният бошига битмас - туганмас офатларни солаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Тезкор информацион ривожланиш даврида шу нарса аёнки, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистон ҳам бу сингари таҳдидлардан мустасно эмас. Айниқса, миллатчилик кўриниши билан боғлиқ вайронкор ғоялар мамлакат тинчлиги ва барқарорлигига раҳна солиб, тараққиётни издан чиқарашга ҳаракат қилмоқда.“Янги таҳдидлар,жумладан “оммавий маданият” хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган одоб – ахлоқ қадриятларининг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда .

Шу сабабли менинг фикримча инсон маънавий олами, халқлар мънавиятини белгилайдиган манбаларни асраб – авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”.[242]

---

3А.Иброхимов, Х.Султонов, Н.Жураев «Ватантуйгуси». Т., «Узбекистон» 1996-й. 78-бет.

[242] Н.Сафарова «Терроризм : манбалар.мақсади ва глобаллашув жараёни ” Т. “Фан” 2006 й 73 бет

Бундай қалтис вазиятда кўп миллатли халқлар истиқомат қиладиган Ўзбекистон халқи учун ҳудудий ўзликни англашдан кўра умумдавлат ўзлигига эътибор қаратиш аҳамиятлидир. “Одамлардаги кучли давлат ўзлиги ҳиссиёти ҳар қандай “халифат” тузиш ғояларига берилишига қарши бўла оладиган кучлардан биридир. Табиийки фуқароларда давлат ўзлиги ҳиссиётини шакллантириш, уларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан ҳамқадам бўлиши керак”[243]

Айни пайтда мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи “Миллий ғоя”нинг бош ва асосий мақсадларидан бири ҳам, мамлакатнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида “Ўзбекистон –ягона ватан” деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”[244] дейилади.

Шу маънода Ўзбекистон ўзининг мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ташқи ва ички сиёсатида ҳар қандай миллатга ва унинг маъданий, маънавий меросига ҳурмат, унга қардошларча муносабатда бўлиш принципи асосида фаолият олиб бормоқда. Бу тушунчалар бизга аждодлардан мерос бўлиб, азал-азалдан Туронзаминда инсонни қадрлаш, меҳр-шафқатли бўлиш, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар олий қадрият сифатида улуғланиб келган. Бугунги ўзликни англаш жараёнида қадимдан миллат сифатида шаклланиш билан боғлиқ бўлган қадриятларга содиқ қолган ҳолда амалга оширилмоқда. Зеро, ҳеч қандай миллат ўзлигини англамасдан туриб, бошқа халқларнинг қадрият ва анъаналарига ҳурмат билан қарай олмайди.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатда амал қилинаётган миллатлараро ҳамжиҳатлик, динлараро бағрикенглик тамойилларининг мазмун моҳияти миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган бўлиб, Ватан мустақиллиги, халқ фаровонлиги, жамият барқарорлигини таъминлашда хизмат қилади.

## IBN SINO ILMIY MEROSINING JAHON SIVILIZATSIYASIDA TUTGAN O’RNI

**Utayeva Feruza Xolmamatovna –**
**Buxoro davlat universiteti Buxoro kafedrasi katta o’qituvchisi**

**Аббосов Аббосали Зарипович**
**Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси совриндори**

**Annotatsiya.** *Bu maqolada Ibn Sino ilmiy merosining jahon sivilizatsiyasida tutgan o’rni haqida fikr aytilgan. Ibn Sino hayotida kitoblar olamiga kirishi uchun o’zining tabobat sirlaridagi kuchli bilimi sabab bo’ldi. Iinson tarbiyasida o’qituvchining roliga katta e’tibor qaratilganligi bayon etilgan.*

***Abstract.*** *This article gives an idea of the role of Ibn Sina's scientific heritage in world civilization. In the life of Ibn Sina, his strong knowledge of the secrets of Medicine became the reason for his entry into the world of books. It is stated that great attention is paid to the role of the teacher in the upbringing of Iinson.*

Buxoro o’lkamizning ming yillar davomida jahon tafakkuri, ma’naviy, madaniy va diniy qadriyatlari taraqqiyotiga ulkan hissa qo’shib kelayotgan muqaddas joylardan biridir. Zardushtiylar davrida Buxoro – “Ilmlar markazi” sifatida mashhur bo’lgan. Islomiyat davrida “Buxoroyi sharif” deb ulug’langan,”Qubbat ul- islom” unvoni bilan sharaflangan. YUNESKO tomonidan jahon madaniyati merosi xazinasiga kiritilgan. Buxoro jahonga mashhur bo’lgan ko’plab insonlarga beshik bo’lgan.

Sharqni butun dunyoga mashhur qilgan Abu Ali ibn Sino Buxoroning Afshona qishlog’ida 980 yilda amaldor oilasida tug’ilgan. 5 yoshida oilasi bilan Somoniylar davlati poytaxti Buxoroga keladi.

Ibn Sino istedodli, xotirasi kuchli, zehni o’tkir bo’lg’anligidan o’z davrida ma’lum bo’lgan ilmlarni tezda egallay boshlagan. Shqrq mutafakkirlarning asarlarini bilan bir qatorda, qadimgi yunon ilmiy, falsafiy merosini qunt bilan o’rgandi.

Ibn Sino uchun hayotida kitoblar olamiga kirishi uchun o’zining tabobat sirlaridagi kuchli bilimi sabab bo’ldi. Buxoro amiri Nuh ibn Mansur og’ir dardga chalinganda davolagani uchun buning evaziga mukofat tariqasida yosh olimga saroy kutubxonasiga kirib ishlashga ruxsat berildi. Kutubxona O’rta va

[243] Р.Крумм, К.Гюнтер, М.Клингенберг, Г.Риссел “Тарих ва ўзликни англаш” Т. 2007. 27-бет
[244]Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон” 1998 й. 10-бет

Yaqin Sharqdagi eng katta va boy kutubxona edi. Xorazmga ketgunga qadar saroy kutubxonasida o'zining ilmlarini chuqurlashtirdi. Ibn Sino bu haqda shunday yozib qoldirgan: Shunday kitoblarni ko'rdimki ko'pchilik hatto ularning nomini ham bilmaydi. Men bunaqa kitoblarni avval eshitmaganman. Men o'sha kitoblarni o'qidim va o'zim uchun ko'p foyda oldim, har bir olimning ilm fandagi o'rnini angladim deb o'z asarlarida yozib qoldirgan.[245]

Kitoblardan o'qib o'rganganlarini o'z ilmlarida shakllantirgan. Uning Aristotel ta'lumoti xususida Beruniy bilan va o'zining ozarbayjonlik shogirdi Baxmanyor bilan yozishmalari fan olamida mashhur. Farobiy asarlarini qunt bilan o'qidi. Farobiy boshlab bergan ilmiy nazariyalarni yanada taraqqiy ettirishga harakat qildi. Qoraxoniylar hukmronligi davrida Buxorodan Xorazmga ketishga majbur bo'ldi. Urganchda taniqli olimlarning ilmiy davralariga borib qo'shildi. U erda Beruniy bilan ilmiy muloqotlar olib bordi. Vaziyat taqozosi bilan Beruniy G'aznaga, ibn Sino Jurjonga ketdi. "Tib qonun"larining dastlabiki qismini yozdi.

1014 yilda Ray shahriga boradi va o'zining tabiblik mahorati to'fayli sayyidlarning hurmar e'tiboriga sazovor bo'ladi. G'aznaviylarning Rayga hujumini eshitgan ibn Sino Hamadonga ketadi. Hamadonda saroy tabibi va so'ngra vazirlik mansabiga ko'tarildi. Shu yerda "Tib qonunlari"ni yozib to'gatgan. Olim bir nech yil darbadarlikda yurishiga qaramasdan doim ilm bilan shug'ullanishdan to'xtamadi.

U "Donishnoma" (Ilmlar kitobini) yozdi. Bu kitobda: Insonning ulug'ligi aql idroki, so'zlash qobiliyati, bilimi, uquvi, hunarga egaligi, har bir kishi jamiyatga munosib bo'lib kamol topmog'i kerakligi aytilgan. Farzandlar tarbiyasi nihoyatda erta boshlanmog'i shart, shundagina ularning noo'rin hatti harakatlarga berilishning oldi olinadi. Buning uchun maxsus tayyorlangan tayyorgarlikka ega bo'lgan ezgu niyatli va pokiza murabbiy taklif etilishi kerak, shundagina bolalarimiz tog'ri tarbiya oladi degan fikrlarni bildirib o'tgan.

"Risolai ishq","Tib qonunlari", "Uy xo'jaligi" kabi qator asarlari mavjud bo'lib unda oila va ayollar masalalariga e'tibor qaratilgan.

Alloma Abu Ali Ibn Sino "Tadbir-al manozil" asarida "harakatdagi tanaga davo kerak emas" deb aytgan. Ta'lim va tarbiya masalalariga jiddiy va ijodiy yondoshgan. Allomaning bola tarbiyalash va o'qitish haqida ko'p fikrlari o'zining chuqurligi, insonparvarligi va teranligi bilan kishini hayratda qoldiradi. "Kimga qanday pandu nasihat qilsang unga avvalo o'zing amal qil" – deydi.

Ibn Sino komil inson tarbiyasida o'qituvchining roliga katta e'tibor qaratgan. O'qituvchi rostgo'y, ozoda kiyinadigan, xushmomila bo'lishi zarurligini uqdiradi.

Ibn Sinoning "Xikmat buloqlari" asarida ta'kidlanishicha, axloq-odob fani aslida odamlarning baxt-saodatli bo'lishini ta'minlovchi yo'l yo'riqlarni aniq ravshan ko'rsatib beruvchi fandir deb e'tirof etilgan.[246] O'qituvchilarga bolalarni tarbiyalashda quydagi usullardan foydalanishni ilgari surgan: nasihat tanbeh berish, amru-farmon, majburiyat qo'yishdir. Ta'lim, tarbiya berishda ustozni ulug'lab shunday yozadi: Uztozdan olgan pandu nasihatga quloq solmay behuda yo'llarda yurgan farzand o'zini o'zi rasvo qiladi deb nasihat qiladi. Insonning kamol topishiga ta'sir etadigan omillardan biri uning bilim olishi deb tushuntirgan. Davlat tarixda ilm - fan bajaradigan xizmat ustun turishini alloma o'z asarlarida ta'kidlab o'tgan.

Leonardo da Vinchi, Mikelanjelo, Frensis Bekon va boshqa ko'plab olimlar avlodi uning asarlarini o'qib, hayratga tushganlar.[247]

Manbalarida qayd etilishicha, Ibn Sino voyaga etib uylanish vaqti-soati kelibdi. Qizlardan hech biri unga maqul bo'lmabdi. Qo'shni qishloqda bir shakkok tili zaxar, qaysar qiz bor ekan. Shuni eshitib qolib, uylansam shunga uylanaman,-debdi. Ota-onasi u qizga bas kela olmaysan, seni qiynab qo'yadi deyishiga qaramay shu qizni olaman deb turib olibdi. Noiloj qizni Ibn Sinoga nikohlabdilar. Oradan unchalik vaqt utmay, qiz hamma ko'rsa havas qilguday odobli, shirinso'z uy bekasiga aylanibdi. Qizning ota- onasi ham qizlarining bunchalik o'zgarishiga Ibn Sinoning kaltaklari-y do'q-po'pisalari yoki "joduli kitobi" da yozilgan zahar tilni o'zgartiradigan dori sabab bo'lgan bo'lsa kerak deb, o'ylashib, qizidan so'rashganda, u: "Shirin tili va yaxshi muomalasi bilan meni o'zgartirdi" – deb javob bergan ekan.

Zamondoshlari ibn Sinoni "Shayx ar-rais" (donishmandlar sardori, allomalar boshlig'i), "Sharaf al-mulk" (o'lka, mamlakatning obro'si, sharafi), "hujjat ak-haqq" (rostlikka dalil), "Hakim al-vazir"

[245] Axmedov B. Tarixdan saboqlar. T., O'qituvchi 1994. B-47-48

[246] Nosirov N. Ibn Sinoning axloqiy qarashlari. // Falsafa va huquq 2008 y.-№1-B 40-41

[247] I.Karimov O'zbekiston erishgan yutuq va marralar- biz tanlagan islohotlar yo'lining tasdig'idir. T. O'zbekiston 2014 yil 22-tom, B-248

(donishmand, tadbirkor vazir) deb ataganlar. Jahon tarixi fanida qomusiy olim. Olimning asarlari arab va fors tillarida yozilgan. Falsafa va tibga oid kitoblari jahonning ko'pgina tillariga tarjima qilingan.

Jahonda ibn Sino merosiga hurmat va e'tibor katta. Yevropada olimning asarlari 12 asrda lotin tiliga tarjima qilinib universitetlarda o'qitila boshlagan. Yevropaning mashhur olimlari Jordono Bruno,Vilgelm Overnskiy, Aleksandr Gelskiy, Dante va boshqalar o'z ijodlarida foydalanadilar va ibn Sino nomini zo'r ho'rmat bilan tilga oladilar.

Yevropada Ye Bishmann, X.Korbin, Rossiyalikda Ye. E.Bertels, A.Ya.Borisov, Tojikistonda T.Mardonov, N.Raxmatullayev va boshqa olimlar ibn Sinoni ilmiy ijodlarini boyitib bordilar.

Italiyalik mashhur olim, matematik va shifokor Djirolamo Kardino (1501-1576) ibn Sino haqida shunday degandi: Mening hamma g'oyalarim ibn Sinoga taaluqli.[248]

AQShda Kanzas-Siti shahridagi tibbiyot kitoblari kutubxonasida ibn Sinoning 5-jilddan iborat kitobining XY asrda fransuz tilida bosilgan nusxasi bor.

Bu kitob oyna tagiga qo'yib ko'z qorachig'dek asrab qo'yilgan.

Shved botanigi Karl Linney (1707-1778) doimo yashil bo'lib turuvch bir tropik daraxtni "Avitsinnia" deb atagan. Belgiyaning Korteyk shahrida 2000 yil ibn Sino haykali o'rnatildi. Jahonda ibn Sino asarlari o'zgacha ahamiyatga ega. Ibn Sino asarlari dunyoning deyarli barcha tillariga tarjima qilingan.[249]

Mamlakatimizda kitobning insonlarni bilim orqali ongli qilishidagi, tarbiyashladagi, ilm o'rgatishdagi xizmatiga isbot berib, Kitob barcha bunyodkorlik, yaratuvchilik va aql- idrokning, ilmu-donishning asosidir, hayotni o'rgatuvchi murabbiydir deb baholagan holda olib borilayotgan besh tashabbusning to'rtinchi tashabbusida kitobxonlikni to'g'ri tadbiq qilish va yoshlarni ma'naviyatini yanada oshirishda kitob o'qishning yuksak ahamiyatiga e'tibor oshirildi. Shu o'rinda aytish kerakki: ibn Sino saroy kutubxonasida kechay-kunduz tinimsiz o'qib bilim darajasini oshirdi, va kitobga bo'lgan mehri uni jahonga mashhur olim bo'lib yetishishiga to'rtki bo'ldi

Ibn Sino o'zining ko'p tarmoqli mahsuldor ijodi, boy merosi bilan jahon madaniyati taraqqiyotida katta rol o'ynadi. Jahon olimlari ibn Sino asarlarini ko'pdan beri turli tillarda tarjima qilganlar va ilmiy ishlar olib borganlar. Hozirda jahonning barcha yirik tillarida ibn Sino haqida asarlar yaratilgan.

.

## САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**М.Х.Норқобилов**
**Навоий давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси, Ўзбекистон**

**Annotation.** The article discusses the emergence and development of Islamic philosophy, in particular, theology, and the practical significance of this science in the life of society in the development of the socio-historical period in which Saduddin Taftazani lived.
**Keywords.** Theology, mutakallim, socio-historical context, heresy hasana, theocratic management, rational thinking, development of creative thinking.

Жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётган маърифий воқеликлардан бири, мотуридия таълимоти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг маънавий мероси ҳисобланади. Жамият тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилувчи конструктив ғояларни ўзида жамлаган мутафаккирлар илмий мероси башариятнинг ижтимоий қиёфасини шакллантиришда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, мутафаккирлар маънавий меросидаги ислом маърифати билан замонавий билимларни уйғунлаштириш орқали ахлоқий камолотга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда объектив зарурият сифатида эътироф этилади.

Дунё миқёсидаги ижтимоий-тарихий давр контекстида муайян шахслар томонидан яратилган ғоя ва қарашларни ўрганиш, уларнинг маърифий билимларини илмий-назарий тадқиқ қилиш, жамиятнинг, қолаверса, инсониятнинг маънавий тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Шу маънода, Марказий Осиё ислом дини тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган Имом Абу Мансур Мотуридийнинг илмий меросидаги диний-ақидавий, маънавий-маърифий масалаларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш ҳамда исломий билимлар билан бир қаторда рационал тафаккур

[248] Sadriddin Ayniy Tanlangan ilmiy asarlar. T. Fan,1978,-B 35-36
[249] Sh Karimov,R.Shamsutdinov Vatan tarixi.Toshkent., 1997 -B 242.

мавзусига оид ғояларининг мазмун-моҳиятини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ислом динининг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, қолаверса, унинг яратувчанлик ва илмий-маърифий салоҳияти воситасида маънавий ҳаётимизни юксак поғонага кўтаришда аждодларимизнинг бой илмий меросини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Шу маънода айтиш мумкинки, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4802-сон «Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақола муайян даражада назарий манба бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, «Марказий Осиё Шарқ Уйғониш давринг кўплаб ёркин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси»[250] замонавий шахс дунёқарашини шакллантиришда, ёш авлодни аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялашда, уларда масъулият туйғусини шакллантиришда яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур мақолада, ўрта аср Шарқ заминида Мотуридия таълимотини минтақаларга тарқалишида тарғиботчи ва издошчи сифатида эътироф этилган буюк мутафаккир Саъдуддин Тафтазоний (1322-1392йй.)нинг илмий мероси ҳақида сўз боради.

Бугунги кунда мутафаккирнинг калом, ақоид, фиқҳ, фалсафа, мантиқ каби классик фанлар тараққиётига бағишланган илмий билимлари, хусусан, жамиятда фаровонлик, барқарорлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка даъват этувчи маънавий қарашлари мавзусида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса Саъдуддин Тафтазоний таълимотининг бугунги кундаги аҳамияти нечоғлик юқори эканлигидан далолат беради.

Аллома Абу Хафс Насафий маънавий меросидаги «Ислом таълимотига бағишланган «Ақоид» асари мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ривожидаги ўрнини қайта баҳолашга сабаб бўлмоқда»[251]. Саъдуддин Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий» асари Абу Хафс Насафийнинг «Ақоид» асарига нақлий ва ақлий далиллар асосида ёзилган шарҳ бўлиб, ушбу асар турли оқимлар тарихи, ислом илоҳиётшунослиги ва калом илми моҳиятини очиб беришда қимматли манбалардан бири сифатида эътироф этилади. «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий» асари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда Қуръони Карим, ҳадис ва бошқа мўътабар манбаларга асосланиб, қолаверса, алломанинг шахсий раъйи, фикри, яъни рационал тафаккуридан ҳам фойдаланилган ҳолда ижтимоий муҳитда содир бўлган ва бўлаётган муаммоларга ечим топишда назарий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Мотуридия таълимотининг кейинги тараққиёти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти борасида илмий изланишларни олиб борган аксарият тадқиқотчилар «Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий» асари Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» китоби билан ислом оламида шуҳрат қозонган»[252]лигини таъкидлайдилар. «Ақоид ан-Насафий» суннийлик эътиқодидаги аниқ, қисқа ва ихчам бўлиши билан бирга ўқувчи томонидан ёд олиниши қулай бўлган усулда ёзилган эди. Яна бир насафлик мутафаккир Абул Муин Насафийнинг «Табсират ул-адилла» асари мазкур асар дунёга келишига асосий манба вазифасини бажарган. Шу жиҳатдан олганда, немис исломшунос тадқиқотчиси Ульрих Рудольф «Абу Хафс Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий» асари мазмунан Мотуридия таълимотига, шаклан эса Абул Муин Насафийнинг «Табсират ул-адилла» асарига асосланган»[253], -дея таъкидлаган. «Табсират ул-адилла» асари мотуридия таълимотидаги энг улуғ асарлардан биридир. Аксарият тадқиқотчилар Имом Абу Мансур Мотуридийнинг «Тавҳид» асарига ёзилган кенгайтирилган шарҳ,-дея баҳолаганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобаллашув шароитида деструктив ғоялар таъсирида мураккаблашиб, асл мазмун-моҳиятини йўқотаётган иймон, тавҳид, фиқҳ, калом, каромат, ақида ва шу каби бир қатор мавзулардаги тушунчаларни ватандошимиз Абу Хафс Насафий (1069-1142йй.)нинг «Ақоид ан-Насафий» асари орқали ёритиб бериш ўзига хос аҳамиятга эга. Мусулмон оламида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ханафий-мотурудийлик таълимотининг асосий манбаси ҳисобланган ушбу асар маърифий исломни тадқиқ қилишда ва суннийлик ақидасининг амаллари бўйича муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Абу Хафс Насафийнинг «Ақоид» асарига ёзилган шарҳлардан энг машҳури ва оммабопи Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» асаридир. Ҳожи Ҳалифанинг «Кашф аз-зуннун» асарида айтилишича, «Ақоид ан-Насафий» асарига Тафтазоний билан бир вақтда 50га яқин

---

[250] Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамият асосидир// Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.:Ўзбекистон, 2018.-Б.253.

[251] Alloqulov A.A. Abu Xafs Nasafiyning «Aqoid» asari va uning sharhlari tahlili. 24.00.01 – Islom tarixi va manbashunosligi. Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiya avtoreferati.T.:2018.–b.6.

[252] Предисловие к книге Тафтазане: Выпуск 2. Издание второе. Казань. 1897. –с.14.

[253] Рудольф У. Ал-матруди. –с.250

муаллиф томонидан шарҳлар битилган. Уларнинг орасида Саъдуддин Тафтазоний томонидан ёзилган «Шарҳ ал-ақоид» асари ҳар томонлама энг мукаммал шарҳ сифатида эътироф этилади. Қолаверса, «Тафтазоний бу асарида ал-Мотуридийнинг калом мактабига қўшган ҳиссасини ва таъсирини”[254] батафсил таъкидлаб ўтади.

Тафтазоний ўз шарҳининг бошида мотурудий ақидавий таълимотидаги бошқа мутафаккирлар сингари маърифат ҳосил қилиш восита ва усулларини баён қилиш жараёнида ақлнинг тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтиради. Асар давомида мутафаккир исломдан ажралиб чиққан муътазилийлар, жабарийлар, қадарийлар ва карромийлар каби ботил фирқаларнинг фикрларидан иқтибос келтириб уларни қиёсий таҳлил қилади. Уларнинг нотўғри ғояларига нисбатан суннийлик (аҳли сунна ва вал жамоа) йўналиши юзасидан асосли раддиялар билдиради. Асоссиз манбаларга раддия бериш анъанаси Тафтазонийга имом Мотуридийдан “илмий мерос” бўлиб қолган, яъни “Мотуридий ...мўътазилий, ...қаромита” ...каби адашган фирқаларнинг умумий қарашларидаги хатоларни баён қилувчи кўплаб асарлар ёзган”[255].

Саъдуддин Тафтазонийнинг инсон тақдиридаги яхшилик ёки ёмонликни танлаш ихтиёри ҳақидаги фикри буюк мутафаккир имом Мотуридийнинг маърифий характердаги қарашларига айнан мос келади. «Абу Мансур Мотуридий исломдаги ирода эркинлигини шарҳлаб, инсонга берилган ақл-идрок унга ўз ҳатти-ҳаракатида яхшилик ва ёмонликни, ҳалол ва ҳаромни, савоб ва гуноҳни, тўғри ёки эгри йўлни танлаш эркинлигини берди, бизнинг келажагимиз шу йўллардан қай бирини танлай олишимизга боғлиқ, деб уқтирган»[256]. Ҳар иккала мутафаккирнинг прогрессив қарашларида доимий равишда жамият аъзолари ўртасида олижаноблик, одамийлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик, барқарорликка олиб борувчи ҳамкорлик ришталарини шакллантириш ҳамда турлича кўринишдаги салбий иллатлардан сақланиш асносида жамиятда ижтимоий тотувлик ва уйғунликка чорловчи омиллар ётади.

Аллома Тафтазонийнинг ақл-идрок ва сезгилар орқали Яратувчи ҳамда яратилмишларни англаб етиш мавзуси долзарб масала сифатида эътироф этилади. Шу жиҳатдан калом илми категорияларини ханафий-мотуридий анъаналари асосида алоҳида таснифлаб чиқиб қуйидагича характерланади.

Жумладан, ақлнинг сабабияти борасида роли ҳақида Абу Хафс Насафий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

وأما العقل فهو سبب للعلم أيضاً.

Маъноси:

Ақл у илм ҳосил қилишга сабабдир.[257]

Кейинги жумлаларда Насафийнинг юқорида қисқа сатрларда ифодалаган сўзларининг Тафтазоний томонидан келтирилган шарҳи бошланади.

«Худди бутун нарсани жузъидан катта эканлигини билиш каби, ундан (ақлдан) собит бўлган илм ўйланмасдан зарурдир (яъни, уни қабул қилиш зарурдир) ва далил келтириш билан собит бўлган илм, у касбийдир»[258].

وهو **قوة للنفس** بها تستعد للعلوم **والإدراكات**، وهو المعنيّ **بقولهم:**
**غريزة** يتبعها العلم **بالضروريات**، عند سلامة **الآلات**. **وقيل: جوهر**
**تدرك به الغائبات بالوسائط**، **والمحسوسات بالمشاهدة**،
بالدلائل
صرح **بذلك**؛ لما فيه من خلاف **السمنية والملاحدة** في جميع النظريات،
**وبعض الفلاسفة** في الإلهيات، **بناء** علي كثرة الاختلاف وتناقض الآراء.

Маъноси:

[254] Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000. –Б.23

[255]Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурдоналари. «Бадъул амолий» шарҳи. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2016.–б.25

[256] Тўраев Б.О. Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари. Танланган асарлар I жилд. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент – 2015 й. –б.370

[257] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –б.64, 66.

[258] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –б.64-72.

«Ақл маълумотларни ўрганадиган нафсдаги қувватдир, баъзи олимлар саломат ҳолатда зарурий нарсаларни билишлик лозим бўладиган ғариза (қувват)дир, деб таърифлаганлар. Яна у (ақл) ғойиб нарса-воситалар билан махсус нарса-воситалар (ҳиссиёт) орқали мушоҳада ва идрок қилинадиган ҳодисадир. У (ақл) илм ҳосил қилиш учун сабаб бўлади. Ақлни зикр қилинишининг сабаби, даҳрийлардан баъзи тоифалар фақатгина ҳис қилинадиган нарсаларгина бизга илм беради деб, ақлни инкор қилишган. Жавҳар – далилий ашёлар ва ғойиб нарсалар воситасида мушоҳада-идрок қилинадиган воқеликдир. Баъзи фаласафашунослар ақлни илоҳиёт илмларида қабул қилиб бўлмайди, деган фикрни айтишган, бунга жавобан жумҳур уламолар ақлни тўғри ишлата билмасликда, дея раддия беришган.

Мутафаккир Тафтазонийнинг калом илми назариясидаги ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласидаги прогрессив қарашлари асарнинг ирода-ихтиёр эркинлиги ҳақидаги фасли қуйидаги жумлалар билан бошланади.

((والله تعالى خالق لأفعال العباد كلّها من الكفر والإيمان والطاعة والعصيان))،

*Маъноси:*

Имом Насафий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

Аллоҳ таоло бандаларининг ҳамма амалларини, жумладан, куфрни, иймонни, тоатни ва маъсиятни яратади.

احتج أهل الحق بوجوه:

**الأول** (هو الدليل العقلي): أن العبد لو كان خالقاً لأفعاله لكان عالماً بتفاصيلها، ضرورة أن إيجاد الشيء بالقدرة والاختيار لا يكون إلا كذلك (أي مع علم التفاصيل)، واللازم (أي علم العبد بتفاصيل أفعالها) باطل، فإن المشي من موضع إلى موضع قد يشتمل على سكنات متخللة (أي واقعة في خلال حركاته) وعلى حركات بعضها أسرع وبعضها أبطأ، ولا شعور للماشي بذلك، وليس هذا (أي عدم الشعور) ذهولاً عن العلم، بل لو سُئِلَ (عن التفاصيل) لم يعلم، وهذا في أظهر أفعاله (وهو الحركة الظاهرة في الأعضاء الظاهرة).

Маъноси:

У (банда амаллари)нинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг иродаси, хоҳиши, ҳукми, қазоси ва тақдири билан содир бўлади. Бандаларга ихтиёр берилган ва уларга биноан бажарган амалларига яраша яхшилик бўлса савоб, ёмонлик бўлса жазо билан мукофотланадилар. Яхши амаллар Аллоҳ таолонинг розилиги билан бўлади, аксинча, ёмон амалларга эса розилиги бўлмайди, лекин тақдири билан бирга пайдо бўлади.[259]

Мутафаккир Тафтазоний айтади:

«Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, ҳеч бир банда ўзининг амалларини ўзи ярата олмайди».

Юқорида таъкидланган жумлаларга ақлий далиллардан тартибли тарзда мисоллар келтиради:

Биринчидан, агар банда ўзини амалларини ўзи яратганида эди, барча тафсилотларигача олдиндан билишлиги керак бўларди. Бунга яна бир ёрқин мисол: бу кўзга кўринмайдиган тана аъзоларини ҳаракатланиши, юрак уриши, нафас олиши, қон айланиши. Мазкур ҳаракатлар ўзининг ихтиёри билан содир бўлмаганлиги учун ҳам бандanинг амаллари ҳам ўз кучи билан содир бўлаяпти, деб эътиқод қилинмайди, балки Аллоҳ таоло яратади.

[259] Саъдуддин Тафтазоний. «Шарҳ ал-ақоид». Британия Дюзбри нашриёти. 15.12.2010.88-93 бетлар.

**الثاني**: النصوص الواردة في ذلك (أي في أن الله وحده خالق الأفعال)، كقوله تعالى: ﴿ **والله خلقكم وما تعملون** ﴾[15] أي عملكم (بناءً) على أن ما مصدرية لئلا يحتاج إلى حذف الضمير (يريد الشارح ترجيح المصدرية على الموصولة بأن الموصولة لا بد لها من حذف الضمير المنصوب والحذف خلاف الظاهر)، أو معمولكم (بناءً) على أن ما موصولة، ويشتمل الأفعال (لإنّها من جملة المعمولات)، لأنا (هذا دليل على صحة كون الفعل معمولاً) إذا قلنا أفعال العباد مخلوقة لله تعالى أو للعبد لم نرد بالفعل المعنى المصدري الذي هو الإيجاد والإيقاع (وهو المسمّى بالمعمول)، بل الحاصل بالمصدر الذي هو متعلَّق الإيجاد والإيقاع، أعني ما نشاهده من الحركات والسكنات مثلاً.

وللذهول (أي الغفلة) عن هذه النكتة (أي أن المراد بالعمل المعمول) قد يتوهم أن الاستدلال بالآية (والله خلقكم وما تعملون) موقوف (فقط) على كون ما مصدرية (ولا موصولة).

وكقوله تعالى: ﴿ **الله خالق كل شيء** ﴾[16] أي ممكن، بدلالة العقل (فهذه الآية لا تصدر على الواجب تعالى لأنه ليس بمُمكِن)،

Маъноси:

Иккинчидан, нақлий далилларда айтилишича, бандaнинг амалларини Аллоҳ таоло томонидан яратилишига далолат қиладиган ҳужжатлар бор:

«واللهُ خَلَقَكُم وَمَا تَعْمَلُون»(سورة الصافات 96)

«Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратганку?» Соффат сураси 96-оят.

Ва яна нақлий далиллардан:

«الله خالق كل شيء»(الزمر 62)

«Аллоҳ ҳар бир нарсани яратгувчисидир» (Зумар сураси, 62-оят).

لا يقال (إذا كان الخلق مداراً للعبادة): فالقائل (أي المعتزلة) بكون العبد خالقاً لأفعاله يكون من المشركين (لإنّ قوله زيد خالق لفعله كقوله زيد مستحق للعبادة) دون الموحدين (مع أن المذهب عدم تكفير المعتزلة لإنّهم من أهل القبلة)!!، لأنا نقول: الإشراك هو إثبات الشريك في الألوهية، بمعنى وجوب الوجود، كما للمجوس (فإنّهم يَعتقِدُون إلهَيْنِ (١) يزدان أي الله خالق الخير (٢) أهرمن أي خالق الشر)، أو بمعنى استحقاق العبادة كما لعبدة الأصنام (فإنّهم يعتقدون أنّ الواجب واحد ويزعمون أن الأصنام مستحقّة للعبادة لرجاء الشفاعة منها)، والمعتزلة لا يُثبتون ذلك، بل لا يجعلون خالقية العبد كخالقية الله تعالى، لافتقاره (العبد) إلى الأسباب والآلات التي هي بخلق الله تعالى، إلا أن مشايخ ما وراء النهر قد بالغوا في تضليلهم (في تضليل المعتزلة) في هذه المسألة، حتى قالوا: إن المجوس أسعد (أحسن) حالاً منهم (أي من المعتزلة)، حيث لم يثبتوا إلا شريكاً واحداً (وهو أهرمن)، والمعتزلة أثبتوا شركاء لا تحصى!!

Маъноси:

Бу билан куфр амаллар ва гуноҳ ишлар ҳам Аллоҳ таолонинг тақдири билан бўларкан, демак гуноҳларни бажараверсам ҳам бўлаверарқан ёки исломни қабул қилмаган киши ўзига-ўзи Аллоҳ таоло менга ҳоҳласа мусулмонликни ато этади, демак ҳалича ҳоҳламаяпти, деган хулосага келинмайди. Чунки бандага ихтиёр эркинлиги берилган.

(١) وهذا (أي مذهبهم) باطل لأنا نفرق بالضرورة بين حركة البطش وحركة الارتعاش، ونعلم أن الأول (البطش) باختياره دون

Ўз ихтиёри билан қўлларини қимирлатаётган ва касаллиги туфайли қўллари қалтираётган инсонларни бир-биридан ажрата оламиз. Шундан хулоса қилиш мумкинки, инсон яхши амални бажарса савоб, ёмон амални бажарса жазоланади[260].

Саъдуддин Тафтазоний асарларининг маърифий таҳлили шуни кўрсатадики, ирода-ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов тўғрисидаги концептуал ғоя ҳамда қарашлар мутафаккир маънавий меросидаги энг долзарб мавзулардан бири сифатида эътироф этилади. Мавзуни тадқиқ қилиш

[260] Саъдуддин Тафтазоний. «Шарҳ ал-ақоид». Британия ДЮЗБРИ нашриёти. 15.12.2010. 88-93 бетлар.

давомида тадқиқотчида, аввало, Тафтазоний сиймосига мос ва хос маънавий-ахлоқий қиёфанинг шаклланиш жараёни кечади. Тадқиқотчининг рационал маҳорати натижасида эса, мазкур ижтимоий воқелик бутун жамият маънавий руҳиятига сингиб борувчи таъсирчан воситага айланади. Пировардида, жамиятда Тафтазоний маънавий меросидаги исломий илмлар билан бирга рационал тафаккурни ҳам тадқиқ қилиш зарурати шаклланади. Бу эса, ҳар қандай ҳаракатга нисбатан масъулият билан ёндашиш тушунчасини қарор топишида туртки бўлади.

Саъдуддин Тафтазонийнинг нафақат калом, мантиқ, фалсафа, ақоид, фиқҳ каби фанларга бағишланган исломий билимлари, балки, риторика, грамматика, морфология, геометрия каби дунёвий фанларни юксак такомил даражасига етказган буюк мутафаккир сифатида эътироф этиш ўринлидир. Тадқиқотда, мутафаккирнинг Марказий Осиё минтақасида ислом фалсафаси негизини ташкил этувчи ақоид ва калом таълимотини Мотуридия қарашлари асосида такомиллаштириш билан бирга, бу борада ўзига хос мактаб яратганлиги, минтақамизда иккинчи Ренессенс даври учун алоҳида аҳамиятли эканлиги далилланган. Тафтазоний маънавий меросидаги ғояларни ёритиш орқали мутафаккир ижтимоий-фалсафий қарашларининг асосий хусусиятлари аниқланди.

Мотуридий таълимотининг буюк тарғиботчиларидан бири – Саъдуддин Тафтазоний асарларини тадқиқ қилиш давомида шу жиҳат аҳамиятли бўлдики, ижтимоий қатлам вакилларида ислом феномени ибодатдан иборат догматик ҳодиса эмас, балки маънавият, маърифат, илм-фан, маданият, фалсафа, калом илми каби креатив ғояларни бирлаштирган бутун бир ижтимоий воқелик эканлиги маълум бўлди. Мазкур ижтимоий воқелик жамият тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик масалаларини ўзида намоён этади.

**Таклифлар**

- Тафтазоний илмий меросининг ижтимоий зарурати, мутафаккир асарларида илгари сурилган ахлоқий-тарбиявий, маънавий-маърифий ва бошқа умуминсоний қадриятларни ханафий-мотуридий таълимоти нуқтаи назардан таҳлил қилиб, бугунги баркамол авлодни тарбиялашдаги прогрессив ғояларидан дарслик, ўқув адабиётлар, услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш;

- Тафтазоний асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва электрон каталогини яратиш орқали Тафтазонийнинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда бой илмий меросидан кенг жамоатчиликни баҳраманд қилиш;

- Тафтазонийнинг мушоҳадаталаб масалаларга ечим топишда мотуридия ақидаси асосида раддия бериш усули билан бир қаторда рационал тафаккурдан фойдаланиш методикасини тизимли йўлга қўйиш ва дарсликларда ифодалаш;

- Саъддуддин Тафтазонийнинг 2022 йилда 700 йиллик юбилей тантаналарини Республика миқёсида ўтказилишини ҳамда жаҳон илмий жамоатчилиги, хусусан, ЮНЕСКО ташкилотида мазкур юбилей тантаналарини халқаро миқёсда нишонлаш орқали мутафаккир илмий меросига бағишланган “Саъдуддин Тафтазонийнинг Мотуридия таълимоти тараққиётига қўшган ҳиссаси” мавзусида халқаро конференция ўтказилиши бўйича мутасадди ташкилотларга таклифлар киритиш.

**Фойдаланилган адабиётлар.**


1. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамият асосидир// Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.:Ўзбекистон, 2018.-Б.253.
2. Alloqulov A.A. Abu Xafs Nasafiyning «Aqoid» asari va uning sharhlari tahlili. 24.00.01 – Islom tarixi va manbashunosligi. Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiya avtoreferati.T.:2018.–b.6.
3. Предисловие к книге Тафтазане: Выпуск 2. Издание второе. Казань. 1897. –с.14.
4. Рудольф У. Ал-матруди. –с.250
5. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000. –Б.23
6. Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурдоналари. «Бадъул амолий» шарҳи. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2016.–б.25
7. Тўраев Б.О. Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари. Танланган асарлар I жилд. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент – 2015 й. –б.370
8. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –б.64, 66.
9. Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафий. Карачи. Покистон. Мактабат ул-бушро. 2009 йил 1-нашр. –б.64-72.
10. Саъдуддин Тафтазоний. «Шарҳ ал-ақоид». Британия Дюзбри нашриёти. 2010 йил –б. 88-93.

# ФОРОБИЙ ИЖОДИДА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИ

**М.М.Алимова – Бухоро муҳандислик-технология институти,**
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси**

Қадимдан халқимизда ижтимоий шууримизнинг ажралмас қисми бўлган ахлоқ масаласи улуғ аломалар ҳаёти ва ижодида, уларнинг инсоният тарихида бурилиш ясаган асарларида ўзига хос тарзда ифодасини топган.

Ҳақиқатан бизнинг Ватанимизга яшган буюк тафаккур эгаларининг қарашларида инсонни барча мавжудотларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий комиллик ва етуклик, адолат, инсоф, диёнат, иймон, эътиқод, инсонпарварлик, ҳақиқатпарварлик, бағрикенглик каби хислатларни ўзларининг илмий ва амалий фаолиятининг бош мезони сифатида англаганлар.

Ёшларни маънавий–ахлоқий такомиллаштиришда маънавий меросимиз сарчашмалари бўлган буюк мутафаккирларимиз Фаробий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоийларнинг маънавий-илмий меросини асос қилиб олишимиз мумкин. Бу билан ёшларда илмий дунёқарашни, маънавий-ахлоқий туйғуларни шакллантириш, ҳамда ривожлантириш билан биргаликда тарихимизни чуқур ўрганиш, ундан ғурурланиш ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятларимизни ҳурмат қилишга эришамиз.

Халқимиз урф-одатлари анъаналари буюк алломаларимиз асарлари, тарихий ёдгорликлар жамиятимиз учун фақат мерос бўлибгина эмас, барча маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир. Ана шундай аломалардан бири Форобий ниҳоятда сермаҳсул олим ҳисобланган. У илмнинг барча соҳаларида ижод қилган, буюк асарлар ёзган. XII-XIII асрларнинг йирик олими Захриддин ал-Байҳақий фикрича, ислом ўлкалари олимлари орасида унга тенг келадиган одам дунёга келган эмас.

Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқчи, риёзатчигина бўлиб қолмай, шу билан бирга социолог, филолог, табиб, психолог, мусиқа илмининг назариётчиси ва амалиётчиси ҳамдир. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи унинг номи билан боғлиқ. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билган ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитгани туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастуси” деб юритилган.

Форбий “Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?”, “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар”, “Мантиққа кириш”, “Шеър санъати”, “Шоирларнинг шеър ёзиш санъати конунлари” ҳақида, “Илмларнинг келиб чиқиши” тўғрисида, “Мусиқа ҳақида”, “Сўз”, “Оҳанглар таснифи ҳақида” китоб, “Ақл тўғрисида”, “Инсон аъзолари хакида рисола”, “Фозил шаҳар одамлари қарашлари”, “Давлат ҳақида” каби 160 дан ортиқ қимматли асарлар ёзган.

Фаробий инсонларнинг ўзаро ҳамкорликка чақиради, давлатни ҳар томонлама етук ўзида энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Фаробий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва тинчлик, меҳнат ва бошқалар қамраб олинган. Форобий “Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги” рисоласида жамият (“инсон жамоаси”)нинг келиб чиқиши ҳақида бундай ёзади: “Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади… Бундай жамоа аъзоларининг фаоли-яти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун, инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди”.

Фаробий бағрикенгликка, яхшиликка эришиш инсоннинг ҳоҳиши ва ҳатти-ҳаракатини эркин танлаши орқали амалга оширади. Фаробий давлатни инсон эҳтиёжларини қондириш учун яратилган ташкилот деб билади. Давлат ҳам фозил ва жоҳил давлатларга бўлинади. Кишилар истасалар ва ҳаракат қилсалар фозил давлатни барпо этишлари мумкин. Бунинг учун бағрикенг, оқил, адолатпарвар, қаттиққўл шахс зарур. Ана шундай шоҳ бошқарадиган фазилатли шаҳарда яхшиликнинг ғалабаси таъминланган бўлади.

“Фозил шаҳар одамларининг фикрлари” китобида Фаробий давлатни бошқарувчи ҳоким табиатан ўн иккита ахлоқий хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади:

1) Одамнинг барча аъзолари мукаммал тараққий этган бўлиши;

2) хотирасини бақувват бўлиши;

3) зийрак ва ҳушёр бўлиши;
4) мулоҳазани аниқ баён қила билиши;
5) эҳтиёжига яраша овқатланиши;
6) қимор ўйинидан йироқ бўлиши;
7) руҳининг ғурури ва виждонини қадирлайдиган бўлиши;
8) тилло ва танга каби буюмларга меҳр қўймаслиги;
9) адолатли бўлиб, адолатсизликка қарши нафрат-ла қараш билан бирга, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўз билармanликка берилмаслиги;
10) ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъиятлик кўрсатиши;
11) қўрқмас бўлиши;
12) жасур бўлиши билан биргаликда қўрқиш ва ожизликни билмаслиги.

Фаробийнинг «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари» асаридан келтирилган юқоридаги доно фикрлар ҳозирги мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатаётган шаҳар, туман, вилоят рахбарларига, олимларга, зиёлиларга, талабаларга, катаю-кичик барча кишига бевосита тааллуқлидир. Фаробийнинг илмий-фалсафий таълимоти одамларни ўзаро ҳурмат, ишонч олийжаноблик ва бағрикенгликка чорлаб, инсониятнинг мисилсиз маънавий бойлиги ва маданий – маънавий камолоти йулидаги дастур-амалдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Ал-Форобий сиймоси бутун инсоният учун жуда муҳим. Бу инсон бағрикенг ва эзгуликка мойил инсонлар истиқомат қилувчи комил жамият яратиш ҳақида орзу қилганди. Бу мавзуга кўплаб илмий ишларини бахш этган. Уларда ахлоқ каби жиддий мавзуни кўтарган, фозиллар юртида инсон қадай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритган. Айни мавзуни қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту ҳам ўз вақтида муҳокама қилган. Буюк олимнинг сўз ва фикрлари бугунги кунгача ўз долзарблигини йўқотмаган.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАСАВВИФЛАРИ МЕРОСИНИНГ ДЕСТРУКТИВ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ҒОЯВИЙ АҲАМИЯТИ

**Курбанов Джамшид Джураевич – БМТИ академик лицейи кафедра мудири, НавДПИ мустақил тадқиқотчиси**

*Мақолада Марказий Осиё мутасаввифларининг диний фалсафий қарашлари таҳлил этилиб, ғаразли ғоялар ва деструктив жараёнларга қарши курашда маърифий аҳамияти фалсафа тарихи контекстида таҳлил этилган. Муаллифнинг илмий-назарий концепцияси, хожагон-нақшбандия таълимоти маънавий-ахлоқий қарашларининг герменевтик таҳлили орқали асосланган.*

*В статье анализируются религиозно-философские взгляды суфиев Центральной Азии и роль просвещения в борьбе с предвзятыми идеями и деструктивными процессами в контексте истории философии. Научно-теоретическая концепция автора основана на герменевтическом анализе духовно-нравственных воззрений учения Ходжагон-Накшбанди.*

*The article analyzes the religious and philosophical views of the Sufis of Central Asia and the role of enlightenment in the fight against prejudice and destructive processes in the context of the history of philosophy. The scientific-theoretical concept of the author is based on the hermeneutic analysis of the spiritual-moral views of the Khojagon-Naqshbandi doctrine.*

**Таянч сўзлар:** *Жаҳолатга қарши маърифат, «оммавий маданият», Учинчи Ренессанс, кубравия,, хожагон-нақшбандия, диний фундаментализм, ақидапарастлик*

Тарихан зўравонлик ва адолатсизликка қарши курашган тасаввуф таълимотининг фалсафий моҳиятини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Тасаввуфнинг ғоявий ва ижтимоий-сиёсий қарашларида замонавий ислом ниқобидаги диний фундаментализм ва экстремизм мутлақо рад этилган. Ўрта асрлар жамиятида ижтимоий-мафкуравий мавқега эга бўлган ўзига хос назарий тизим сифатида унинг таълимоти сўнгги ўн йилликларда тадқиқотчилар томонидан диний адоватнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда катта қизиқиш уйғотди.

Тасаввуф диний ва фалсафий таълимот сифатида ўрта аср мутасаввифларининг ноёб фалсафий, ахлоқий, эстетик тафаккури ғояларини ифода этади. Замонавий глобаллашув шароитида ёшларга унинг асл инсоний манбаларини ўргатишимиз ва шу йўл орқали уларнинг онгида турли деструктив ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришимиз ҳар қачонгидан муҳим. Тасаввуфнинг

инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, аждодларга ҳурмат, зўравонликка нафрат руҳида тарбияловчи, уларни эзгулик ва бунёдкорликка бўлган мақсадларини қамраб олади. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев «Бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, «оммавий маданият» каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги боскичга кўтаришимиз зарур» - дея таъкидлайди[261]. Ушбу жиҳатдан таълим тизимида тасаввуфга алоҳида эътибор берилиши ёшларнинг маънавияти ва билим олишдаги талабчанлигини белгилаб беради. Зеро, тадқиқотчи Б. Зиёмуҳаммадов таъкидлаганидек, тасаввуф диний таълимот бўлиши билан бирга, тажрибада юзага чиқадиган амалий билим ҳамдир. Калом ва фалсафада имон руҳий, ақлий бир ҳодиса сифатида баҳоланса, тасаввуфда ахлоқий турмуш тарзи – маънавият, яъни ўзаро ҳамжиҳатлик меҳр-муҳаббат ва ҳол сифатида баҳоланади[262].

Тасаввуф таълимотининг шаклланиши X-XI асрлар мусулмон дунёсида ислом ниқобида турли оқим ва мазҳаб вакилларининг низолари кучайиб бориши шароитида намоён бўлади. Бир қатор сохта мутаассиб оқимларнинг салафийлик, жиҳод ёки бошқа радикал ғоялари кенг сиёсий майдонда ўзини глобал лойиҳанинг ролини талаб қилган пайтдан бошлаб, унга қарши туриш учун Ислом ичида мафкуравий кўмак топишга интилиш зарур эди. Диний фундаментализм ва экстремизм ғоялари маълум психологик макияжга эга инсонлар учун муҳим жозибага, шунингдек, ўз жонига қасд қилувчи ёшларни ўзига жалб қиладиган маълум бир энергия "ғайрат" га эга. Шу сабабли, бугунги замонавий дунёда диний мутаассиблик ва экстремизмга фақат кучли ички энергия ва ажойиб эстетик жозибага эга лойиҳа қарши туриши мумкин. Бу борада тасаввуфшунос олим И.Ҳаққул таъкидлаганидек, тасаввуф мафкураси учун, ҳеч шубҳасизки, ожизлик ва қарамликка кўниш, зулм ва золимликка ён бериш, нафс ҳирсида олий турғуларни қурбон айлаш, маҳдудлик ва ақидапарастлик майллари бегона ҳисобланади[263]. Шунинг учун ёшларни диний фундаментализм ва экстремизм ғояларига қарши маънавий тафаккурни шакллантиришда тасаввуф таълимоти муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта асрларда дин ниқобида мутаассиблар мусулмон мистик қарашларига, хусусан, инсон эътиқоди, табиат ва материя масалаларида жамиятнинг илғор фикрли қатламига қарши кураш олиб боришган. Натижада тасаввуф таълимоти элитар тафаккур ва халқ динининг маҳсули сифатида зўравонлик, ақидапарастлик ва сохта сиёсий мафкуранинг доктринасига қарши ижтимоий норозилик сифатида хизмат қилди. Бу борада тадқиқотчи Сафарова Н.О. фикр билдириб, «мутасаввифларнинг маънавий мероси диний адоват, мазҳабларо низо, халқлараро душманликни инкор этиб, турли динлар ўртасида ҳурмат-эҳтиром ва муросасозликни, халқлараро ишонч ва тотувликни тарғиб қилиш анъаналарига бой бўлган» – дея таъкидлайди[264].

Диний фундаментализм ва экстремизм ғояларидан фарқли равишда Мовароуннаҳр мутасаввифлари ўз асарларида жамиятда умуминсоний муҳаббатни сингдиришни, атрофдаги маънавий ва моддий дунёни севиш орқали унинг меъёрини сақлаш ҳақида фикрлар берадилар. Жумладан, Нажмиддин Кубро инсоннинг ақл-заковати, билими ва амалларини бағрикенглик, ҳамкорлик ва муроса йўлида сарфлаши лозимлигини таъкидлаб, динлар ёки мазҳабларнинг айирмачилигига қарши чиқади. Шайхнинг ўзлари суннийликка эътиқод қўйган бўлсалар-да, шиа аҳли билан суннийлар орасида хусумат ва жанжал келиб чиқишига йўл қўймаган. Жумладан, кубравия силсиласида шиа ва сунний мазҳабидаги кишилар бирга таълим олишганлиги манбаларда мавжуд. Аслини олганда тасаввуф мазҳаблар айирмачилигидан, диний низолар ва радикал ғоялардан устун туради. Бу борада тасаввуфшунос олим Н. Комилов фикр билдириб, Намиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд каби Мовароуннаҳр шайхлари Жунайд Боғдодийнинг йўлини маъқул кўрган бўлсалар-да, бошқа шайхларнинг йўлларига нафрат билдирмаганларини таъкидлайди[265].

Марказий Осиё мутасаввифларининг фалсафий қарашларида жамиятда миллати, дини, ирқидан қатъий назар барча инсонлар билан муросаю-мадорада умргузаронлик қилиш Аллоҳни таниш йўлида хос амаллардан биридир. Ҳақиқат йўлида муваффақиятли ҳаракат қилиш учун, инсон

---

[261] Қаранг. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 17 б.

[262] Бўри Зиёмуҳаммадов. Комилликка элтувчи китоб. Тошкент «Turin iqbol» нашриёти 2006., 207 б

[263] Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Тузувчи ва муҳаррир: Жонибек Субҳон. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., Тошкент - 2001 й., 63 б., 11 б.

[264] Сафарова Н., Терроризм (Тарихий-фалсафий таҳлил)/Н.Сафарова; масъул муҳаррир Р.Раҳмонов. – Т:. Noshir, 2009 – 159 б.

[265] Комилов Нажмиддин. Нажмиддин Кубро: Рисола. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 32 б., 20-бет

эзгу амаллар қилиши ва одамларга ёрдам бериши керак, шунда Аллоҳ унга қийин вазиятда ёрдам беради. Бу борада Баҳоуддин Нақшбанд ўгитларида *"Сиз яқин дўстларингизга ва ҳатто бутун жамиятга хайрихоҳ бўлишингиз лозим, чунки, хайрихоҳликсиз, ҳақиқат йўлида (Худога) бориш мумкин эмас"* – дея таъкидлайдилар[266]. Демак, одамларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий тенглиги принципини Мовароуннаҳр мутасаввифлари ахлоқининг асосий тамойиллари доирасига киритишимиз мумкин. Ушбу тамойилга кўра, Аллоҳ барча одамларни бир хил яратган, ҳамма одамлар бир хил тарзда туғилиб вафот этади, уларни тенгсиз (бой ва камбағал, дўст ва душман, мусулмон ва ғайридин) синфларга ажратиш адолатсизликдир. Марказий Осиё мутасаввифлари ахлоқий таълимотида ушбу тамойил ўзини бағрикенглик принципининг ажралмас элементи сифатида кўрсатди. Бугунги замонавий дин ниқоби остида турли низо ва урушларнинг олдини олиш ва жамият меъёрини сақлаб диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашиш учун ҳам Мовароуннаҳр шайхларининг мазкур амаллари аҳамият касб этади.

Жамиятда диний экстремизм, мутаассиблик ва фундаментализмга қарши ғоя сифатида Марказий Осиё мутасаввифларининг дунёқараши қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- барча диний ақидаларга, халқларнинг урф-одат, қадрият ва маросимларига нисбатан диний бағрикенглик муносабатида бўлиш;
- жамиятда дин номидан радикал ҳаракатларни амалга ошириш, куч ишлатиш, диний низо ва адоватни қўзғаш каби амалларни рад этиш орқали турли динларга мансуб халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини тасдиқлаш;
- сохта мафкуравий оқимлар уламоларининг Қуръон ва суннатга даъво қилаётган тўқима ғояларини ва бидъат амалларини рад этиш орқали жамиятнинг маънавий муҳитини ахлоқий меъёрлари ва мезонларининг бузилишини олдини олиш.

Марказий Осиё мутасаввифлари ахлоқий таълимотида юқоридаги фикрларимиз бағрикенглик принципининг ажралмас элементи сифатида кўрсатди. Бугунги замонавий дин ниқоби остида содир бўлаётган турли низо ва урушларнинг олдини олиш, жамият меъёрини сақлаб диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашиш, ёшлар онгида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш маданиятини шакллантиришда Марказий Осиё мутасаввифларининг ижтимоий, диний фалсафий дунёқараши аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қаранг. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 17 б.
2. Бўри Зиёмуҳаммадов. Комилликка элтувчи китоб. Тошкент «Turin iqbol» нашриёти 2006., 207 б
3. Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Тузувчи ва муҳаррир: Жонибек Субҳон. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., Тошкент - 2001 й., 63 б., 11 б.
4. Сафарова Н., Терроризм (Тарихий-фалсафий таҳлил)/Н.Сафарова; масъул муҳаррир Р.Раҳмонов. – Т:. Noshir, 2009 – 159 б.
5. Комилов Нажмиддин. Нажмиддин Кубро: Рисола. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 32 б., 20-бет
6. Мухаммадходжаев А. Идеология накшбандизма. -Душанбе: Дониш, 1991., ст. 55

## ПРЕДПОСЫЛКИ ФОРМИРОВАНИЯ НОВОЙ ЭПОХИ ВОЗРОЖДЕНИЯ – ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА В УЗБЕКИСТАНЕ.

**Югай Е.В. - НавГПИ, преподаватель кафедры «Английского языка и литературы»**

**Аннотация:** В данной статье рассматривается возрождение новой эпохи Ренессанса третьего периода в Узбекистане, и как Золотой век Ислама оставил свои предпосылки на современный цифровой Узбекистан.

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada O’zbekistonda Islom Uyg’onish davrining uchinchi bosqichi va shuningdek Islomning oltin davri bugungi Raqamli O’zbekistonga qoldirgan o’z ta’siri haqida so’z yuritiladi.

**Abstract:** In this article revival of a new era of the Renaissance of the third period in Uzbekistan and as the Golden Age of Islam left the preconditions to Modern Digital Uzbekistan is considered.

[266] Мухаммадходжаев А. Идеология накшбандизма. -Душанбе: Дониш, 1991., ст. 55

**Ключевые слова:** исламское возрождение, исламский ренессанс, Центральная Азия, Возрождение, новая эпоха, Золотой век Ислама, цифровой Узбекистан.

**Key words:** Islamic revival, Islamic renaissance, Central Asia, revival, new era, the Golden Age of Islam, Digital Uzbekistan.

**Kalit so`zlar:** islomiy tiklanish, Islom Uyg`onish davri, Markaziy Osiyo, Tiklanish, yangi davr, Islomning oltin davri, raqamli Uzbekiston.

Возрождение, или Ренессанс- имеющая мировое значение эпоха в истории культуры Европы, пришедшая на смену Средним векам и предшествующая Просвещению и Новому времени [1]. В Италии на этапах Проторенессанса (XIII век) и Высокого Ренессанса (XIV-XVI века) возрождалась в новых исторических условиях античность. В выступлении Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвящённом Дню учителей и наставникам, было отмечено формирование в Узбекистане фундамента **новой эпохи Возрождения – Третьего Ренессанса** путем масштабных демократических реформ, в том числе в системе образования. «Как показывает история, наша земля, расположенная на перекрестке дорог Великого шелкового пути, испокон веков была одним из очагов высокой цивилизации и культуры. О трехтысячелетней истории нашей государственности свидетельствуют богатое научное и культурное наследие народа, древние письмена, уникальные архитектурные памятники, редкие манускрипты, различные артефакты» [2].

Благодаря огромному вниманию к науке и образованию развитые государства мира достигают высокого прогресса и благосостояния. Что же возрождалось и когда происходит исчисление Первого Возрождения на территории Центральной Азии и какие культурные аспекты мы можем прослеживать на историческом пути развития общества?

**Первый Ренессанс или Золотой век ислама** на территории Центральной Азии, - это исторический период примерно с середины VIII по середину XIII века, в начале которого Арабский халифат был крупнейшим государством своего времени. В рамках халифата сложилось общемусульманское культурное пространство, которое продолжало существовать и после его распада. Благодаря этому, исламские учёные, писатели и деятели искусства указанного периода внесли значительный вклад в развитие мировой науки и культуры. После распада Арабского халифата развитие исламской культуры ненадолго подхватывает персидское государство Саманидов, а впоследствии череда тюркских империй Газни, Караханидов, Тимуридов, Сельджуков, Хулагуидов. Говард Тернер пишет: «мусульманские художники и ученые, рабочие и князья вместе создали уникальную культуру, которая имеет прямое и косвенное влияние на каждом континенте» [3].

При «Исламском Возрождении» развились математика, медицина, философия, физика, химия и другие науки. Исламская культура, простиравшаяся от южной Испании до Китая, вобрала в себя достижения ученых из самых разных национальностей и вероисповеданий. Она развивала знания египтян, греков и римлян, добившись прорывов, подготовивших почву для эпохи Возрождения. В этот период на нашей земле появилась целая плеяда корифеев науки, имена и труды которых и сегодня широко известны всему миру. Мухаммад Хорезми, Ахмад Фергани, Абу Райхан Беруни, Абу Али ибн Сина, Махмуд Замахшари и десятки других ученых, которые своей научной деятельностью и открытиями мирового значения внесли огромный вклад в общечеловеческое развитие. Нельзя не упомянуть таких великих мыслителей «Золотого века Исламской культуры», как Имам Бухари, Имам Термези, Имам Матуриди, Бурханиддин Маргинони, Абул Муин Насафи, где они по праву являются честью и гордостью всего мусульманского мира.

Уже в этот период с именем выдающегося математика аль-Хорезми связывают введение десятичной системы счёта, дробей, тригонометрических функций, и множество других великих достижений, без которых не возможно представить современную математику. Он написал первую книгу по алгебре под названием «аль-Джабр валь-Мугабиле». Слово «аль-Джабр» из названия книги стало звучать на Западе как «Алгебра». Имя же самого ученого стало нарицательным и обозначать порядок действий, однозначно приводящий к результату – алгоритм, где в последующем мы будем связывать это с более сложным понятием, как «Цифровая культура».

Началом эпохи **Второго Возрождения** в нашем крае можно считать создание в XV веке Сахибкираном Амиром Темуром великой империи. **Тимуридский Ренессанс**– феномен расцвета искусств и наук в империи Тимуридов[4]. По формальным и содержательным критериям являлся аналогом европейского Возрождения. Тимуридский Ренессанс достигает своего пика в XV веке, когда заканчивается эпоха локального переселения народов и разорительного монгольского владычества. Символично, что Тамерлан отстраивает разрушенный Чингисханом Самарканд. В эпоху Тимуридов возрождается интерес к персидской классике, начинается масштабное строительство архитектурных сооружений (мавзолеи, медресе, китабхане), расцветает суфийская поэзия с акцентом

на человеческие отношения, формируется реалистическая живопись (гератская миниатюра, настенная живопись), новый импульс получает математика и астрономия, в начале XVI века тимурид Бабур осваивает огнестрельное оружие. В этот период мы отмечаем таких выдающихся ученых, как Казизода Руми, Мирзо Улугбека, Гиёсиддина Коши, Али Кушчи, великих поэтов Лутфи, Саккоки, Хафиза Хорезми, Абдурахмана Джами, Алишера Навои, Бабура. По всему миру распространилась слава об историках Шарафиддине Али Язди, Мирхонде, Хондамире, художниках Махмуде Музаххибе, Камолиддине Бехзоде, многих каллиграфах, музыкантах, музыковедах и архитекторах.

В этот период основными центрами науки в империи Тимуридов были Бухара, Герат, Самарканд. В Самарканде находилось Медресе Улугбека (1420). Ещё одним центром научной жизни была обсерватория в Самарканде (1424), где такие ученые как Аль-Каши, Казы-хаде Руми рассматривали вопросы определения расстояния до Луны и Солнца. В 1437 году коллектив ученых (в том числе Аль-Каши и Ал-Кушчи) создает звездный атлас, вошедший в историю как Гурганский зидж. В области математики систематически излагается теория десятичных дробей, решаются уравнения.

Наши предки несли знамя просвещения в борьбе с невежеством, направили весь свой интеллектуальный и духовный потенциал на изучение и обогащение научных достижений человечества и поэтому нам удалось достичь таких больших высот в науке и культуре. И уже сегодня мы подошли к следующему жизненному периоду, где создаётся фундамент новой эпохи Возрождения – **Третьему Ренессансу**. Говоря об Узбекистане, здесь поистине нужно отметить не малый вклад в восстановлении богатого духовного и культурного наследия первого президента Республики Узбекистан Ислама Каримова. Где он не однократно говорил: «Для реализации целей и задач сохранения нашей духовности, необходимо, чтобы каждый человек осознавал себя достойным гражданином своей страны, глубже осваивал историю, богатую культуру и наследие великих предков, осознанно воспринимал сегодняшнюю быстроизменяющуюся действительность, самостоятельно мыслил и чувствовал свою причастность к преобразованиям в государстве» [5].

Сегодня новая система культурных ценностей носит специфический характер, в этот сложный переходный период с развитием компьютеризации и информатизации в Узбекистане, становится видна культурная значимость цифровых средств (Интернет, искусственный интеллект, системное и прикладное программное обеспечение, компьютерная графика, системы виртуальной реальности и т.д.), где наше государство уделяет большое внимание основным задачам цифрового развития Республики Узбекистан:

- обеспечение систематического и последовательного процесса развития цифровой экономики, электронного правительства, информационно-коммуникационных и инновационных технологий;
- повышение цифровой грамотности населения и подготовка высококвалифицированных кадров в сфере цифровых технологий, создание благоприятных условий для переквалификации кадров, популяризацию методов удаленной работы;
- расширение телекоммуникационной инфраструктуры и центров обработки данных, формирование необходимой инфраструктуры для предоставления научному сообществу и реализации инновационных проектов;
- совершенствование нормативно-правового регулирования цифровой экономики, создание «регуляторных песочниц» для проведения правовых экспериментов, связанных с регулированием отношений при внедрении новых технологий;
- повышение эффективности сбора и обработки данных, создание новых экономических ценностей, путем эффективной утилизации данных, повышение доступности данных для населения и субъектов предпринимательства;
- внедрение современных форм финансирования IT-проектов и компаний (венчурное финансирование, краудфандинг, IPO, токенизация активов), повышение прозрачности и доступности государственного заказа в сфере информационных технологий, создание венчурных фондов и технологических парков, привлечение зарубежных инвестиций и стимулирование разработки экспорт-ориентированной продукции, поддержку в монетизации цифровых продуктов и услуг;
- расширение международного сотрудничества в сфере цифрового развития, активное изучение и внедрение зарубежного опыта, установление сотрудничества с крупными зарубежными компаниями по реализации совместных проектов.[6]

Первостепенное значение имеет развитие духовно-нравственного мира граждан, особенно молодых. На этапе возрождения с развитием цифровизации в стране стоит отметить и её влияние на культуру общества в общем. Где можно прослеживать это цифровое развитие культуры? Сегодня

элементарный поход в музей продемонстрирует перед вами достижения в области инженерного дела, навигации, архитектуры, математики и медицины на основе интерактивных дисплеев, где экспозиция объединена в единое арт- пространство, осмысленное и интерактивное. Если же вы попадёте в кинотеатр, то вы не просто ощутите себя зрителем, а как задействованным персонажем, где во время просмотра в зале меняется освещение, цвет, музыка и по стенам пролетают сюжеты из фильма. Если же мы будем говорить об искусстве, то здесь во всю идёт интерактивное взаимодействие с клиентами не только во время посещения выставок, но и через онлаин- форматы. Развитие цифровизации затрагивает все сферы нашей жизни, учреждения культуры не стоят в стороне и демонстрируют готовность к внедрению современных технологий.

Не смотря на сложный период пандемии, где наша современная система образования внедряет активный этап компьютеризации и информатизации, культурная значимость цифровых средств вне зависимости от их достоинств и недостатков очевидна. Данные процессы переломны, зависящие от финансирования, от уровня развития университетов, от уровня готовности профессорско-преподавательского состава и т.п. Этап цифровизации, в котором мы очутились спонтанно и независимо от инфраструктурных изменений, является лаконичным следствием предшествующих социальных перемен. Цифровизация приносит в университет каждый студент в своем гаджете (смартфоне, планшете...), она не требует программы внедрения, ей не нужны дополнительные ресурсы. Предельная простота использования и изображения, максимальная скорость передачи данных - вот основополагающие составляющие цифровизации.

Новые технологии превращают объекты культуры в востребованные общественные пространства и в этот период глобализации, особенно актуальное значение приобретает усиление в обществе национальной идеи и духовно-нравственного иммунитета, защита молодого поколения от негативного влияния вредоносных идей и различных вызовов, воспитание гармонично развитой, преданной Родине, обладающей самостоятельным мышлением и твердой волей молодежи.

**Используемая литература:**


1. wikipedia.org
2. http://uza.uz/ru/politics/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziye-30-09-2020
3. https://middleages.fandom.com/ru/wiki/Золотой_век_ислама
4. https://wiki2.org/ru/Тимуридский_Ренессанс
5. http://fondkarimov.uz/islam-karimov/tsitaty/
6. Постановление президента республики Узбекистан об утверждении Концепции национальной стратегии «Цифровой Узбекистан 2030», ID-10574


## ЖАМИЯТДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ


**Курбанов Джамшид Джураевич –**
БМТИ академик лицейи кафедра мудири, НавДПИ мустақил тадқиқотчиси



*Мақолада Абу Райҳон Беруний илмий мероси таҳлил этилиб, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда қарашлари фалсафа тарихи контекстида таҳлил этилган. Муаллифнинг илмий-назарий таҳлили Абу Райҳон Беруний илмий мероси ва маънавий-ахлоқий қарашларининг герменевтик таҳлили орқали асосланган.*

*В статье анализируется научное наследие Абу Райхана Беруни и его взгляды на обеспечение мира и стабильности в обществе в контексте истории философии. Авторский научно-теоретический анализ основан на герменевтическом анализе научного наследия и духовно-нравственных взглядов Абу Райхана Беруни.*

*The article analyzes the scientific heritage of Abu Raikhan Beruni and his views on ensuring peace and stability in society in the context of the history of philosophy. The author's scientific and theoretical analysis is based on the hermeneutic analysis of the scientific heritage and spiritual and moral views of Abu Raikhan Beruni.*



**Таянч сўзлар:** *Абу Райҳон Беруний, муътазилийлар, сохта салафийлар, «Ҳиндистон», «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак».*


Тарихан жуда кўп миллат ва элат вакилларини бағрига олган юртимиз мутафаккирларнинг жамият ва оила, тинчлик ва барқарорлик, адолат ва мурувват, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик,

бағрикенглик ва тотувлик каби ғоялари муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё мутафаккирларининг мероси, аввало, юртимизда фуқаролар учун сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда сафарбар этувчи бир ғоявий даъват бўлса, иккинчи томондан, диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашда ғоявий ҳамда сиёсий манба бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё мутафаккирларининг мероси ўрта асрларда жамият барқарорлигига таъсир кўрсатган муътазилийлар, сохта салафийлар ва бошқа ақидапараст ғояларга қарши жамият тинчлиги ва барқарорлиги каби муаммоларини изоҳлашда ҳам Қуръон принципларига, ҳам мантиқий ёндашувларга таянар эди. Жамиятдаги ўзаро ишонч, тинчликсеварлик ва бағрикенглик каби фазилатларининг энг юқори даражасига эришган қалбнинг мукаммаллиги уларнинг ҳар бирининг шахсий назариясини намоён этди. Бу борада Сафарова Н.О. таъкидлаганидек, «Марказий Осиё мутафаккирлари халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик, адоват ҳис-туйғуларининг кучайишига сабаб бўлувчи диний мутассиблик ва ғаразни қоралаб, диний бағрикенглик ҳамда муросасозлик ғояларини илгари сурганлар»[267].

Марказий Осиё мутафаккирлари жамиятдаги адолат, тинчлик ва барқарорлик борасида қарашларида давлат ва жамият, ҳаёт ва ўлим, яхши ва ёмон, бунёдкор ва вайронкор каби тушунчаларга ўзларининг ғояларини қуришди. Шу асосда Абу Райҳон Берунийнинг қарашлари фикримизга мисол бўлади. Мутафаккирнинг илмий мероси Марказий Осиё фалсафасининг умумий ютуқларини жамиятда инсоннинг оқилона ва муносиб ҳаёти, умуман мавжудликнинг асоси бўлган яхлит қарашни шакллантиришга ёрдам беради.

Жамиятда барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутувчи диннинг тенглиги ва диний бағрикенглик ғоясини Абу Райҳон Беруний тарихий воқеалар мисолида кўриб чиқди. Мутафаккир инсоният жамиятини маърифий бўлмаган ва маърифатли одамларга ажратиб, динни тушунишнинг икки шаклига, яъни содда одамларда маърифатли ва юзаки ташқи ритуализмга алоқадор бўлмаган чуқур тушунчага жавоб берди. Диний масалаларни тафаккур орқали шарҳлайдиган кишиларни жамиятнинг энг яхши қисми деб ҳисоблади ва бу мутафаккирнинг бошқа динларга нисбатан бағрикенглиги ва холислигини, шунингдек, диний хурофот ва ихтилофларга қарши нафратини англатади. Жумладан, бошқа олимлар ҳар хил динлар билан қизғин баҳс-мунозарага кириб турли устунликка эга бўлишга ҳаракат қилишса-да, Беруний холислиги билан ўзининг «Ҳиндистон» асарида ҳиндларнинг динини тавсифи сифатида динни "рад этмаслик, фақат фактларни тасвирлаш учун" тадқиқотларини қайд этади[268].

Абу Райҳон Беруний жамиятда тинчликсевар ва адолатли инсонларни жасоратли кишилар дея таъкидлаб, ўз қарашларида, улар атрофдагилар ва бутун жамият томонидан маъқулланишга лойиқлигини қайд этади. Мутафаккир қадрлайдиган ижобий фазилатларидан бири жамият тинчлиги учун адолат ва ҳақиқатга интилишдир, чунки уларсиз бошқа фазилатларни шакллантириш мумкин эмас. "Ҳақиқий жасорат" ни жамиятдаги адолат орқали аниқлаши Берунийнинг жамиятдаги турли фитна ва ихтилофларга нисбатан муносабатини намоён этади. Жумладан, «Ҳиндистон» асарида: «Оломон жасорат учун талаб қиладиган (ахлоқий) фазилат, жангга киришиш истаги ва ўлимга шошилишга тайёрлиги, унинг (яъни жасоратнинг) турларидан биридир; Бошқа барча навлардан устун келадиган жасорат ўлимга нисбатан нафратдан иборат бўлади, хоҳ у сўзда, хоҳ амалда (бўлсин)» – дея таъкидлайди[269]. Демак, Беруний фикрича, инсоннинг адолатпарварлиги, ундан сўнг жамиятда ўрнатиладиган тинчлик “жанг майдонидаги қаҳрамонона” ўлимга бўлган истакдан ҳам юқори ҳақиқий жасорат ҳисобланади.

Жамиятда шахслараро муносабат ва яшаш меъёрларининг бузилиши, мавжуд тартиблар ва мезонларни инкор этиш, уларга енгил муносабатда бўлиш кишини жамиятдан узоқлашишга сабаб бўлади. Бундай кишилар керак бўлса шу жамиятда яшаб оила ва атрофидаги кишиларнинг ҳаракатларидан текинхўр қурт мисоли кир қидиради. Текинхўр қурт тимсолидаги инсон жамият вужудидаги офатга айланади, жамиятни кемиради, заиф жойларига жойлашиб олиб, қонини сўради, жонини суғуриб олади. Яна нолийди, кир қидиради, гўёки уни сиғдиришмаяпти[270]. Қатъият ва ироданинг етишмаслиги, билимсизлиги туфайли ташқи таъсир ва атрофдаги жоҳил кимласаларнинг ақидасига берилиб ўзининг жамияти, оиласи ва ота-онасига қурол кўтаради. Ташқи таъсир ва бегона ақидаларнинг инсонга таъсири ҳақида Беруний "Ҳиндистон" асарида қуйидаги ҳақ гапни таъкидлайди: «Инсон ҳар қандай ташқи муҳит таъсири остида бундай салбий фазилатлар ва ёмонликларга эга бўлади, чунки у ўз табиатига кўра иложи борича кўп мақтовга эга бўлишга

[267] Сафарова Н., Терроризм (Тарихий-фалсафий таҳлил) – Т:. Ношир, 2009 – 156 б., 140 б.
[268] : БИРУНИ А. Индия: Пер. с араб./Репринт с изд. 1963 г. — М.:Ладомир, 1995. - 727 с., ст.7.
[269] Индия. Перевод Л. Б. Халидова и Ю. II. Завадовского: комментарии В. Г. Эрмана и Л. Б. Халидова. Избр. произв. т. 2. Ташкент, 1963., ст. 58
[270] Н.Жўраев. «Тахайюл, тасаввур, тафаккур». «Янги аср афлоди», 2015 йил., 113-114 б.

интилади, чунки қалблар буни аксини севиш учун яратилган»[271]. Берунийнинг фикрига кўра, ёмонлик қилишга қодир одамдан нафақат ўзининг жамияти, балки бутун инсоният нафратланади, чунки маънавий соғлом инсоннинг қалби атрофдаги жамиятни севиш учун яралган.

Бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик, бағрикенглик, тинчликсеварлик, озодлик сингари ижтимоий ҳодисалар ҳар бир жамиятнинг ўзини сақлашга бўлган интилиши эканлиги Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида ўзига хос тарзда кўрсатиб ўтилган. Бу борада Беруний ўз асарларида юртимизда форслар, сўғдлар, хоразмликлар, турклар, яҳудийлар ва бошқа миллат вакиллари азалдан яшаб, ушбу минтақанинг маданий ва маънавий ҳаётига ижобий ҳисса қўшганлигини таъкидлайди. Бундай қараш рус тадқиқотчиси Тимофеев И.В. асарида ҳам таъкидлаб ўтилган. Жумладан, тадқиқотчи «Беруний» асарида, X асрда Самарқандда катта зардуштийлар жамоаси жойлашганлигини, Бухоронинг Ромитан, Ромуш, Бухор каби қишлоқларида зардуштийлар ҳамжамияти ва ибодатхоналари мавжудлигини қайд этади. Тадқиқотчи фикрини давом эттириб, Бухорода христианлар, яҳудийлар ва бутпарастлар ўзларининг бутлари ва диний анжомларини ҳеч қандай қаршиликсиз мусулмонлар масжиди атрофида сотишганлигини таъкидлаб, Мовароуннаҳрнинг кўплаб шаҳарлари мисли кўрилмаган бундай маданий ва маънавий юксалишни бошдан кечирганлигидан ҳайратини яширмайди[272].

Абу Райҳон Беруний илмий меросининг жаҳолат, бузғунчилик, миллатлараро адоват ва диний экстремизмга қарши курашдаги аҳамияти ҳақидаги қуйидаги хулоса қилишимиз мумкин:

- Абу Райҳон Беруний илмий мероси диний-мазҳабий мутаассиблик ва жаҳолатга қарши курашда шаклланган дунёқараш сифатида бугунги кунда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга;

- жамиятда "энг юқори яхшилик" ва шахсий "камолот" га эришиши деб тушуниладиган инсоннинг тинчлик ва барқарорликка бўлган табиий истакларини рўёбга чиқаришда муҳим манба ҳисобланади;

- Берунийнинг қарашларида жамиятдаги ақидапарастлик ва ғоявий сохта таълимотларга қарши ахлоқий масалалар ўз аксини топиб, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғоялари юксак даражада эътироф этилган;

Таъкидлаш жоизки, дунёда турли қарама-қаршиликлар кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва ақидапарастлик хавфи кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳдикали замонда тинчлик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораёган шароитда, «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак», деган даъватнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканимизни унутмасдан, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак[273]. Бунинг учун ўз тарихимиз, урф-одатларимиз, аждодларимиз меросини чуқур ўрганишимиз, уни тадқиқ этишимиз ва кундалик ҳаётимизда жорий этишимиз лозим. Зеро, Марказий Осиё мутафаккирларининг мероси ўрта асрларда диний-мазҳабий мутаассиблик, зўравонлик ва жаҳолатга қарши курашда шаклланган дунёқараш сифатида бугунги кунда ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 592 б., 401 б.
2. БИРУНИ А. Индия: Пер. с араб./Репринт с изд. 1963 г. — М.:Ладомир, 1995. - 727 с., ст.7.
3. Индия. Перевод Л. Б. Халидова и Ю. II. Завадовского: комментарии В. Г. Эрмана и Л. Б. Халидова. Избр. произв. т. 2. Ташкент, 1963., ст. 58
4. Абу Райхан Беруни. Индия. // Избранные произведения. - Тошкент: Фан, 1963. С. 58.
5. Сафарова Н., Терроризм (Тарихий-фалсафий таҳлил) – Т:. Ношир, 2009 – 156 б., 140 б.
6. Н.Жўраев. «Тахайюл, тасаввур, тафаккур». «Янги аср афлоди», 2015 йил., 113-114 б.
7. Тимофеев И. В. Бируни. — М. : Мол. гвардия, 1S86. — 304 с., ил. — (Жизнь замечат. людей. Сер. биогр. Вып. 14(671)). ст. 45

[271] Абу Райхан Беруни. Индия. // Избранные произведения. - Тошкент: Фан, 1963. С. 58.
[272] Тимофеев И. В. Бируни. — М. : Мол. гвардия, 1S86. — 304 с., ил. — (Жизнь замечат. людей. Сер. биогр. Вып. 14(671)). ст. 45
[273] Мирзиёев, Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 592 б., 401 б.

# О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ САЙЙИДА ШАРИФА ДЖУРДЖАНИ В НАУЧНО-ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ САМАРКАНДА ЭПОХИ АМИРА ТИМУРА

**Мухаммадихон Бузруков, СамГУ**

Тасаввуф (суфизм) как составная часть мирового культурного наследия, является неотъемлемой частью мусульманской жизни. Он имеет особое значение в духовном развитии человечества. Без него не можно представить средневековую научную, религиозную, философскую и общественно-политическую мысль народов Центральной Азии.

В современном глабализационном мире усиливается активизация религиозного фактора в мусульманских странах. В таких условиях появляется необходимость поиска средств установления толерантности и взаимопонимания в обществе с использованием исламского научного, духовного наследия. Которые дошли до нас в рукописных источниках и считаются огромным культурным наследием. Этим определяется актуальность изучения и исследования суфизма.

Начиная с момента своего возникновения, суфизм относящееся почти ко всем отраслям социально-религиозной жизни и взаимоотношениям между мусульман, служит объектом постоянного изучения и исследования. Сегодня среднеазиатский суфизм изучается не только отечественными, но и зарубежными исследователями. Исследования осуществляются с разных точек зрения: научно-философской (или социально-философской), художественно-эстетической, исторической, духовно-просветительской и других, в ведущих научных центрах, высших учебных заведениях мира.

Например, в исследованиях отечественных ученых Н.Комилов[274], Э.Каримов[275] освещены этапы развития истории суфизма, в работах Н.Сафаровой изложена история происхождения учения ходжагон и философские взгляды некоторых его представителей[276]. Нам хотелось обратить внимание исследованиям В.Л. Вяткина[277], А.А. Семёнова[278], В.А. Гордлевского[279], Б.Валиходжаева[280], З.Қутибаева[281], Э.Э.Каримова[282], М.Нуритдинова[283] и многих других в которых освещены деятельность некоторых суфийских ученых, их место в развитии суфийского учения, и социально-политической жизни своего времени.

Потому что, суфизм сыграл важную роль в распространение исламской культуры и цивилизации. Его представители своими трудами и деятельностью внесли значительный вклад в стабилизацию обстановки своей эпохи, выступали за справедливость, мир и дружбу между людьми. В связи с этим приобретает большое значение исследование творчества отдельных личностей из известнейших представителей суфизма, в конкретных исторических периодах. Однако творчество некоторых из них до сих пор не подвергалось должному научному исследованию.

Например, деятельность представителя позднего ***калама, мутакаллима***[284] Али ибн Мухаммада, известного по прозванию Саййид Шариф Джурджани (1340-1413), проходившая в

---

[274] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Моваройннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – 448 б.; Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: А.Қодирий ном. халқ мероси наш., 1995. – 32 б.

[275] Каримов Э.Э. Йасавийа и ходжагон-накшбандийа: история действительная и вымышленная. – Ташкент: Узбекистан, 2000. – 80 с.;

[276] Сафарова Н. Хожагон тариқати. – Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2003.

[277] Вяткин В.Л. О Ходже Ахраре // Туркестанские ведемости. – Ташкент, 1898. – № 3.; Шайх Юсуф Хамадани // Туркестанские ведемости. – Ташкент, 1899. – № 79.; Из биографии Ходжи Ахрара // Туркестанские ведемости. – Ташкент, 1904. – № 147.

[278] Семёнов А.А. Бухарский шейхъ Беха-уд-динъ (По персидской рукописи). Восточный сборникъ в честь А.Н. Веселовского. Труды по востоковеденію, издаваемые Лазаревскимъ институмомъ восточныхъ языковъ. Вып. XLIII. С. 202-211. – М., 1914. – 480 с.; Рассказъ шугнанскихъ исмаилитовъ о бухарскомъ шейхе Беха-уд-динъ. Записки Восточнаго отделенія императорскаго русскаго археологическаго общества. Том XXII. Вып. III-IV. – Петроградъ: Тирографія императорской академіи наукъ, 1915. – С. 321-326.

[279] Гордлевский В.А. Бахауддин Накшбенд Бухарский (К вопросу и наслоениях в исламе). Избранные сочинения в 4 т. – М.: Изд. Вост. лит., 1962. Т. 3. – 588 с.

[280] Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 152 б.; Буюк маънавий муршид. – Тошкент: Фан, 2004.- 169 б.

[281] Қутибоев З. Хожа Аҳрор Валий. – Тошкент: Фан, 1996. – 156 б.

[282] Каримов Э.Э. Хўжа Аҳрор: ҳаёти ва фаолияти. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 48 б.; Каримов Э.Э. Некоторые аспекты политической и религиозно-философской практики Накшбандия в Мавераннахре XV в. В сб.: Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Ташкент: Наука, 1991. – С. 74-89; Каримов Э.Э. Некоторые аспекты политической и религиозно-философской практики Накшбандия в Мавераннахре XV в. В сб.: Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Ташкент: Наука, 1991. – С. 74-89;

[283] Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XV-XVIII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикрлар. – Тошкент: Фан, 1991. – ... б.;

[284] Журжоний // Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. З.Ҳусниддинов таҳрир остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 86.

Самарканде считается актуальной малоизученной проблемой. Целестное исследование которого в рамках одной статьи невозможна. Она является сложной диссертационной монографической задачей. Эта статья ограничивается коротким освещением суфийской деятельности мыслителя, котороя проходила в Самарканде.

Создание Амиром Темуром централизованного государства, объединение разрозненных областей, прекращение междоусобиц и нападений кочевников создали объективные предпосылки для развития внутренней и внешней торговли, стимулировали рост ремесленного производства, расширение торгово-хозяйственных связей. Оживление торговли привело к интенсивному развитию ремесла, укреплению международных связей государства Амира Темура.

Амир Темур вошел в мировую историю не только как выдающийся полководец и государственный деятель, создавший мощное и процветающее государство. Он превратил свою столицу – Самарканд в один из культурных и научных центров мира.

«Самарканд же стал крупнейшим центром, определившим общий стиль эпохи не только в пределах Мавераннахра, но и во всей темуридской державе[285]. Эту мысль А.Ю. Якубовского, выраженный по поводу искусства эпохи Амира Тимура можно применить и для науки того периода. Безусловно, определенный стимул и развитие этого процесса внесли иностранные специалисты своего дела, волей Сахибкирана (или государя) оказавшиеся в Самарканде.

Саййид Шариф Джурджани родился в 1340 году в близи Астрабада[286], провинции Джурджан (Гурган), расположенной на юго-восточном побережье Каспийского моря. Много путешествовал по городам Среднего Востока, где совершенствовал познания. Около 1374 году прибыл в Шираз, где занимался преподавательской деятельностью. После захвата города Амиром Тимуром в 1387 году был перевезен в Самарканд[287]. Здесь он получил должность главы ученых всего Мавераннахра. Прожил около 20 лет, находясь при дворе Амира Тимура. После смерти последнего в 1405 году вернулся в Шираз, где и умер в 1413 году[288]. Он оказал решающую роль (или влияние) на трансформацию состояния высшего образования эпохи Амира Тимура и тимуридов[289].

Несмотря на долгие путешествия, Саййид Шариф Джурджани написал много произведений, принесших ему известность. В основном это были учебники для молодых философов и теологов, студентов медресе[290]. Некоторые которых изданы в Турции[291].

Его произведение «Китаб ат-Та'рифат» («Книга определений») как словарь философских терминов, сохранило свою значимость до наших дней, составляя основу большого терминологического философского словаря на арабском языке, насчитывающим тысячи страниц[292]. В этой работе мыслитель пишет: «Тасаввуф – это серьёзное учение, в котором нет места бесполезным шуткам, это очищение сердца от стремления к мирскому и очищение души от всех негативных качеств. Это воздержание от всех порывов страсти и воспитание всех полезных духовных качеств. Это следование истинному знанию, это совершение деяний, ведущих в вечность, это наставление всем, это искреннее повиновение Аллаху и следование Пророку»[293].

Кроме этого имеются еще несколько произведений Саййида Шарифа Джурджани, посвященные суфийской тематике: «Таълийқатун ъалаа Аворифул Маъориф лис-Суҳравардий» («Комментарий к трактату Сухраварди «'Авариф ал-ма'ариф» («Дары Божственного знания»), «Шарҳул Одоб ли Азудуддин Ийжий» («Комментарий к трактату Азудуддин Ийджи «Одоб», «Рисолаи Шавқия», «Рисолаи Баҳоия» – произведение посвященное Баха ад-дину Накшбанду[294].

---

[285] Якубовский А.Ю. Мастера Ирана в Средней Азии при Тимуре // III международный конгресс по иранскому искусству и археологии. Доклады. – М-Л., 1939. – С. 280.

[286] Ўрта асрларда Каспий денгизининг жануби-шарқий томонида, Деҳистон билан Мозандарон оралиғида жойлашган ката бир шаҳар. Ҳозир шимолий Эроннинг кичик бир шаҳри бўлиб, Гургон (арабчада Журжон) деб аталади.

[287] Фасих Ахмад ибн Джалал ад-Дин Мухаммад ал Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод). Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю. Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980. – С. 111.

[288] Тауфик Камал Ибрагим, Сагадаев А.В. ал-Джурджани // Ислам. М., 1991. – С. 69.

[289] Муминов А.К. Научное наследие ханафитских ученых Центральной Азии и Казахстана. Том № 4 монографии в рамках гранта на тему: «Проведение исследовательских работ по развитию Казахстанской школы Исламоведения». – Астана: Фонд поддержки духовных ценностей, 2018. – С. 153-154. (- 217 с.)

[290] Аликулов Ҳ. Амир Темур ва Саййид Журжоний // Мулоқот. 1997. № 4. – Б. 36 (35-36)

[291] Özturan Mehmet. On Sayyid Sharīf al-Jurjānī's Risala fī taqsīm al-'ilm: Analysis and Critical Edition // NAZARİYAT Journal for the History of Islamic Philosophy and Sciences 1/2 (May 2015): 95-124.; Sahip Aktaş, Seyyid Şerîf el-Cürcânî'nin Risâle fî tahkîk-i ma'ne'l-harf Başlikli Risâlesinin Tahkikli Neşri // İslâm Araştirmalari Dergisi, 40 (2018), 69-93.;

[292] Анри Корбен. История исламской философии. Перевод Джаввода Таботабои. Техран, 1380. С.388. (на перс. яз.)

[293] Sayyid Sharīf al-Jurjānī, Kitāb al-Ta'rīfāt, ed. Muhammad Abd al-Raḥmān Mar'ashlī. – Beirut: Dār al-nafā'is, 2003.

[294] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. – Тошкент: Hilol-nashr, 2019 – Б. 65-66.

В суфийских житиях эпохи тимуридов, например в произведении Абдурахмана Джами “Нафахат”[295], написанном в 1476-1478 годах Саййид Шариф Джурджани приведен как накшбандий шейх. Это прослеживается и в произведении Алишера Наваи[296].

Из накшбандийской житии “Рашахат” Фахраддина Али Сафи выясняется, что Саййид Шариф Джурджани в Самарканде изучил учение Баха ад-дина Накшбанда из его первого заместителя Ала ад-дина Аттара в медресе потомков “автора Хидаи (т.е. Бурханаддина Маргинани)”[297].

В заключении надо отметить, что тщательное изучение деятельности Саййида Шарифа Джурджани в Самарканде приводит к следующим научным навизнам:

– Учение Баха ад-дина Накшбанда через его первого заместителя Алааддина Аттара и Саййида Шарифа Джурджани проник во двор Амира Тимура;

– Изучение Саййида Шарифа Джурджани в самаркандском медресе потомков “автора Хидаи” учения накшбандии свидетельствует о взаимоотношениях накшбандийских шейхов с потомками Бурхан ад-дина Маргинани, которые наследственно заменяли пост «шайхалислама» государства Амира Тимура и считали себя последователями тариката «сухравардия». Это яркий пример толерантности того времени;

– Становление главы мударрисов Самарканда, самого выдающегося мыслителя эпохи Амира Тимура муридом Ала ад-дина Аттара в то время служил доказательством признания нового учения со стороны дворцовой среды Амира Тимура.

– Развитие и духовно-интеллектуальный прогресс мирового сообщества немыслим без дальнейшей разработки и исследования духовного наследия, так как именно оно связывает различные поколения народов и обеспечивает передачу и обмен творческим опытом, научными, духовными достижениями различных эпох. Эта взаимосвязь наиболее рельефно прослеживается в истории суфийской философии средневековья.

## ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИНИНГ ЎРНИ

**Бозорова Рўзигул –ТИКХММИ Бухоро филиали ассистенти.**

Ислом дини ҳаёт фалсафаси экани, у жами аъзоларини энг юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаши, инсонпарвалик, алқпарварлик, адолат, ҳалоллик бошқа динларда олийжаноб ахлоқни тарғиб этишини яхши англаб етмоқ, ислом тарихидан хабардор бўлиб, ватандош уламоларимизнинг ислом тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини билмоқ ҳар қайсимиз учун муҳимдир.

Дин қадим-қадимдан инсоният учун зарур бўлган маънавий қадриятларни ўзида акс эттириб, эзгулик меҳр-оқибат, поклик, ҳалоллик, дўстлик ва биродарлик ғояларини амалга оширишга хизмат қилиб келади. Кўпгина миллий қадриятларнинг завол топмасдан яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу хусусиятлари билан боғлиқ.

Динлараро бағрикенглик – бу хилма-хил дин ва мазхаб эгаларининг бир-бирининг эътиқодини ўзаро ҳурмат қилиб тушуниб, ягона замин, ягона Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашидир.

Дунёдаги барча динлар эзгулик ғояларига асосланади. Улар одамларни тўғрилик, софлик, шафқат ва бағрикенгликка ундайди. Ҳамда бировга озор бермасликка, ёмон ишлардан тийилишда, нафс куйига тушиб, адашмасликка чақиради.

Бугунги кунда инсоният бошига тушаётган хавф-хатарлар экологик ҳалокатлар, террорчилик ва диний экстремизм каби офат-балолар динларни эзгулиги барча инсонлар учун ягона бўлган жаҳонда, Ватанимизда тинчликни сақлаб қолиш йўлида бирлаштириш ва ҳамкорлик қилишга ундамокда.

Диний бағрикенглик ғояси муайян жамиятда бутун, дунёда турли дин ва мазхабга эътиқод қилувчи одамлар, халқлар диний конфесциялар ўртасида дўстона алоқаларни ўрнатиш, уларнинг кучи ва истеъдодини бунёдкорлик ишларида сафарбар этишга хизмат қилади.

Тинчлик ва бағрикенгликнинг муҳим шарти бўлган бу ғоя бугунги кунда фақат диндорлар учун эмас, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини ҳам назарда тутади.

---

[295] Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Форс тилида, тошбосма. – Лакҳнав 1910. – Б. 349.

[296] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик, 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 265-266.

[297] Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. – Б. 216.

Қадимда буюк ипак йўли айнан бизнинг йирик шаҳарларимиз орқали ўтган. Бу йўл орқали турли дин вакиллари юртимизда келиб, бу ерда муким яшаб қолган. Уларнинг диний эътиқодига ҳеч ким зарар етказмаган. Ҳозир ҳам бу “Виждон эркинлиги” билан кафолатланади ва давлатимиз “Мадҳия”сида ҳам алоҳида таъкидланади:

Бағрикенг ўзбекнинг учмас иймони
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот.
Истиқлол машъали тинчлик посбони
Ҳаксевар она юрт, мангу бўл обод.

Динлараро бағрикенглик – инсониятнинг маърифий асосда тараққий этиш заруратидан келиб чиқиб, эзгулик йўлидаги барча дин вакилларининг манфаатларига мос эканини англатишга ва шу асосда ҳаракат қилишга даъват этади.

2017 йил 15 июнь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев диний уламоларга ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга мўлжалланган илмий мактаблар ташкил этиш таклиф қилди.

“Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида динимиз равнақи йўлида беқиёс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда”. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар ташкил этишни таклиф этди.

Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этиш, фойдали бўлишини таъкидлади.

Хулоса ўрнида биз биринчи Предидентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз. “Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало Аллоҳ ва унинг Расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз”.

## BURXONIDDIN AL - MARG‘INONIY ASARLARIDA HUQUQIY MASALALARNING YECHIMI

**Ergasheva Hayotxon Samandarovna – NavDPI magistranti**

**Annotatsiya:** maqolada Burhoniddin al - Marg‘inoniy asarlarida islom fiqhi, tavxid va kalom ilmiga oid falsafiy qarashlari bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** islom, fiqx, kalom, hadis, ijara, sovg‘a, qarz.

**Аннотация:** В статье описаны философские взгляды Бурханиддина ал-Маргинани на исламское правоведение, монотеизм и теологию.

**Ключевые слова**: ислам, юриспруденция, калам, хадис, рента, дар, долг.

**Annotation:** The article describes the philosophical views of Burhaniddin al-Marginani on Islamic jurisprudence, monotheism and theology.

**Keywords**: Islam, jurisprudence, kalam, hadith, rent, gift, debt.

Burhonuddin al-Marg‘inoniy - buyuk mutafakkir olim, islom dunyosi huquqshunosligining rivojlanishiga o‘lkan hissa qo‘shgan, faylasuf alloma, tavxid ilmi bilan shug‘ullangan ulug‘ allomadir.

Burhonuddin al-Marg‘inoniyning yoshlik davri Farg‘ona viloyatining Rishton qishlog‘i va Marg‘ilon shahrida o‘tgan. U islom huquqshunosligiga oid to‘g‘ri yo‘l deb nomlangan mashhur “Hidoya” asarini birinchi qismini Marg‘ilon shahrida yozgan. Burxoniddin al - Marg‘inoniy ilm egallashga qiziqishi natijasida Samarqand shahrida o‘z faoliyatini olib boradi va hayotining asosiy qismini o‘sha davrning ilm-fan markazlaridan biri hisoblangan Samarqand shahrida o‘tkazadi.

Fiqx ilmida chuqur bilimga ega bo‘lsada, Burhonuddin al-Marg‘inoniy hayotining oxirigacha ustozlarining asarlarini o‘rgangan. “Kitob ul-mashoyix” asarida u o‘zi ta’lim olgan 40 dan ortiq shayx va allomalarni, jumladan, Najmiddin Umar ibn Muhammad an-Nasafiy, Abu al-Asir al-Baydaviy, Abu Yoqub as-Siyariy, Abu Ishoq an-Navqadiy, Ja’far al-Hinduvoniy kabi uztozlarini sanab o‘tgan. U fiqx ilmi rivojlanishiga ulkan hissa qo‘shishi bilan bir qatorda, ko‘plab shogirdlarni ham yetishtirgan.

Burhoniddin al - Marg‘inoniy asarlaridagi g‘oyalar insonlarni komillikka, o‘zaro mehr - oqibatga, insonparvarlik, yurtparvarlikka yetaklaydi. U tabarruk zotning hayoti tom ma’nodagi ilmiy va insoniy jasorat, bukilmas iroda, so‘nmas e’tiqod timsolidir. Buyuk vatandoshimiz bashariyatga tengsiz ma’naviy meros qoldirib ketdi. Millionlab insonlarning ibodat va o‘zaro munosabatlaridagi muammolarini yechimini ko‘rsatib, haq va ezgulik yo‘liga chorlab kelmoqda.

Burhoniddin Marg‘inoniyni o‘rganishda ikkita jihatga e’tibor berish mumkin:

**Birinchidan**: Burhoniddin al-Marg‘inoniyning asarlarida, xususan, “Hidoya”da bitilgan shariat ahkomlari avvalgi buyuk faqhshunoslarning fikrlari va boshqalarning e’tiroz va qo‘shilishlari bilan adolat mezoni ustida yoritilgan. Unda kishining dunyoqarashini, fikr mulohazasini o‘tkirlaydigan, masalaga adolat ko‘zi bilan qarashga undaydigan yorqin dalil va hujjatlar oyat va hadislar misolida keltirilgan.

**Ikkinchidan**: Burhoniddin al-Marg‘inoniy bobomizning fiqhiy qarashi musaffo islom ta’limotining sunniylik aqidasi bilan bog‘liq bo‘lib, bugungi kunda turli xil ixtiloflarning oldini olishda muhim ahamiyatga egadir. Marg‘inoniy fiqhiy qarashlaridan o‘rin olgan “Ahli ilmlar o‘rtasidagi o‘zaro hurmat”, “Musulmonlar jamoasi bilan birga bo‘lish”, “Muhammad sollallohu alayhi va sallamning ummatiga zid ish qilmaslik” kabi tamoyillarning ahamiyatini tasavvur qilish qiyin emas. Ul zotning fiqhiy asarini o‘qigan har-bir kishinig hayot yo‘li hidoyat ziyosi ila munavvar bo‘ladi.

Burxoniddin al - Marg‘inoniyning eng mashhur asari hisoblangan “Hidoya” asari imom Muhammad ash-Shayboniy, Quduriyning “al-Muxtasar al-Quduriy” asarlari asosida tashkil qilingan. “Hidoya”da “Muxtasar”da mavjud huquqiy asoslar keltirilsada, biroq, uni alohida asar sifatida e’tirof etish mumkin. Chunki unda ko‘rib chiqilgan masalalar Quduriyning “al-Muxtasar al-Quduriy”dan ko‘ra kengroq yoritilgan.

“Hidoya” to‘rt juzdan iborat bo‘lib, u alohida bob va bo‘limlarga bo‘lingan 57 ta kitobni o‘z ichiga mujassam etadi. Har bir kitob islom huquqining muayyan qismiga bag‘ishlangan. “Hidoya”da huquqiy masalalarning yechimi dastlab Sahobalar, mujtahid olimlar va Movaraunnahrdan chiqqan yirik fiqh olimlari fikrlarining bayoni va unga boshqa mualliflar e’tirozlari yoki qo‘shilishlarini izhor etish yo‘li bilan berilgan.

Birinchi juz besh kitobdan iborat bo‘lib, u namoz, ro‘za va zakotga bag‘ishlangan.

Ikkinchi juzga 36 bo‘lim nikoh, emizish, taloq, qullarni ozod qilish, topib olingan bolaning nasabini aniqlash, topib olingan narsa, qochib ketgan qullar, bedarak yo‘qolganlar, sherikchilik va vaqf mulki kabi masalalar kiritilgan.

Uchinchi 36 bob va 37 bo‘limdan iborat juzda esa oldi-sotdi, pul muammolari, kafolat, pulni birovga o‘tkazish, qozilarning vazifalari, guvohlik, berilgan guvohlikdan qaytish,vakolat, da’vo, iqror bo‘lish, sulh, bir ishda pul bilan sherik bo‘lish, pulni saqlashga berish, qarz berish, sovg‘a, ijara, muayyan shart asosida cheklangan ozodlik berilgan qullar, voliylik, majbur qilish, homiylik, qisman ozod bo‘lgan qullar va bosqinchilik xususidagi masalalar o‘rin olgan.

To‘rtinchi juzda esa shafoat, meros taqsimlash, dehqonchilik hamda bog‘dorchilik xususida shartnoma, qurbonlikka so‘yiladigan jonzod haqida, umuman qurbonlik qilish haqida, shariatga zid yomon narsalar haqida, tashlandiq yerlarni o‘zlashtirish xususida, taqiqlangan ichimliklar haqida, ovchilik, garovga berish, jinoyatlar xususida, xun haqi to‘lash, vasiyat kabi masalalar yoritilgan.

“Hidoya” boshqa manbalardan o‘zining mantiqiy ketma-ketligi va mavzular joylashi va mavzular sharhlarining o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi. Burhonuddin al-Marg‘inoniyning “Hidoya” asari islom huquqshunosligiing rivojlanishiga katta hissa qo‘shgan va o‘chmas iz qoldirgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Saidov.A.X. “Musulmonlar huquqi asoslari” .T.: Ichki ishlar akademiyasi vazirligi. 1994 yil. 21 b
2. Saidov.A.X. “Sharq va inson huquqlari: tarixiy va huquqiy lavhalar”. T.: Ijtimoiy fikr, 1998. 216 b

## ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ВА АКСИОЛОГИЯ

**Мансурова Малоҳат Юнус қизи** – Навоий давлат педагогика институти “Таълим муассасаларини бошқариш” йўналиши 2 курс магистранти

Ислом сўзи луғатда бўйсуниш ва тинчлик маъноларини англатади. Бу икки тушунча ўзаро боғлиқдир. Қаерда белгиланган меъёрларга бўйсуниш бор, ўша ерда тинчлик бор. Қайси жойда итоатсизлик, исёнкорлик ҳукмрон.

Ислом динининг асрлар давомида башариятни эзгуликка, маърифатга чорлаб келаётгани, йиллар давомида ҳаётбахш маънолари кишилар қалбидан ўрин олиб, ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда, турмушига рўзғор сафолигини, дунёқарашига ҳидоят зиёсини олиб кираётган тушунчаларини исломий қадриятлар деб атаймиз.

Бу қадриятлар имон, эътиқод, виждон, диёнат, маънавият каби ўлмас ва енгилмас туйғулар самарасидир. Бу қадриятлар олий даражадаги одоб-ахлоқ, чуқур билим ва маърифат тақозосидир. Бу қадриятлар тинчликсеварлик ва сулҳпарварлик, ҳақсеварлик ва инсонпарварлик, ватансеварлик ва халқпарварлик, билимсеварлик ва маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ва бунёдкорлик каби бугун умуминсоний дея эътироф этилган, жаҳон тамаддуни тараққиётига бемисл улуш қўшган анъаналар ҳосиласидир.

Ислом таълимотининг моҳиятида юксак ахлоқий қадриятларни муҳофаза қилиш ётади. Масалан, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ота-онага яхшилик қилиш таъкидланган. Бу қадрият савоби улуғ амаллардан ҳисобланади. Шоир таъкидлаганидек, “Отанг билан онанг қалби ўтар Каъба тавофидин, Алар кўнглини шод этсанг бу хизмат ҳам ибодатдир”. Исломдаги беш асоснинг моҳиятига эътибор қаратилса уларнинг барчаси инсоният учун қадрият ҳисобланган эзгуликларга чорлаши маълум бўлади. Масалан, имоннинг энг кичик белгиси йўлдан кишиларга озор берадиган нарсани олиб ташлаш дейилади. Инсонлар учун йўл қуриш ёхуд йўлларни обод қилиш қадриятига имон белгиси сифатида қаралган.

Ислом асослари инсониятни фаҳш ва бузғунчи ишлардан қайтариши қайд этилган. Савоб учун очлик ва ташналикни ирода қилса-ю, ёмонликлардан тийилмаса, бундай машаққатдан ҳеч қандай манфаат йўқлиги, савоб учун улуғ зиёратга борса-ю аммо тилини бузуқ сўзлардан, ўзини фиску фужур ишлардан тиймаса ҳатто узоқ давом этган сафаридан ҳам фойда бўлмаслиги таъкидланган. Даромадини қирқдан бирини эҳтиёжманд кишиларга бераман деса-ю, бу даромад нопок йўллардан келган бўлса, ёхуд нопок йўлларга сарфланса, савоб қиламан, деб гуноҳ ва жиноятга ботиб кетиши ҳақида огоҳлантирилган. Демак, исломда савоб ва қадрият тушунчалари ўзаро чамбарчас боғланган.

Исломий қадриятлари орасида биринчи ўринда турувчи бу албатта имондир. Имон барча эзгуликлар манбаи, яхшилик ва гўзаллик асоси сифатида қаралади. Мўмин сўзининг маъноси – имонли, имон эгаси деганидир. Ҳалоллик, поклик, ҳаё, вафо, тўғрисўзлик, садоқат сингари барча маънавий фазилатлар имоннинг бўлаклари сифатида талқин этилади. “Имон етмишдан ортиқ бўлаклардан ташкил топган, ҳаё имоннинг бўлагидир” дейилади ҳадиси шарифда.

Ўзини имонли деб ҳисобловчи ҳар бир инсон атрофга фақат эзгулик соғиниши ва кишиларга озор берадиган ишларнинг барчасидан ўзини тийиши лозим. Бу борада авлиёлар авлиёси, мутафаккирлар мутафаккири, шоирлар султони бўлган Алишер Навоий инсониятга ибратдир. Алишер Навоийнинг умрини буюк ишларга бағишлашига сабаб бўлган туйғу комил имон эди. Шунинг учун ҳазрат: “Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглимға сол, Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо” дея муножот қилдилар.

Исломдаги энг муҳим қадриятлардани яна бири ҳалолликдир. Буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг: “Ибодат ўн қисм бўлса, шундан тўққиз қисми ҳалолликни талаб қилиш, қолган бир қисми бошқа ибодатлардир” деган фикрлари ҳалоллик мақоми қанчалар юксак эканини кўрсатиб беради. Ҳалоллик ҳар томонлама покликни ифодалайди. Шу ўринда яна Навоий ўгитлари ёдга келди. Буюк мутафаккир баркамоллик намунаси бўлган Фарҳодни тавсифлаб, “Демангким, кўзи поку ҳам сўзи пок, Дили поку, тили поку ҳам ўзи пок” дейдилар.

Ҳалолликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ўғрилик, порахўрлик, фирибгарлик, давлат мулкини талон-тарож қилиш каби бу кишилар мулкига тажовуз ва хиёнат қилишдан тийилишдир. Ислом таълимотига кўра энг бечора кимса бу ўзгаларнинг шаъни, соғлиги ва мулкига тажовуз қилган киши ҳисобланади. Унинг энг бечора дейилишининг сабаби қилган гуноҳи ва жиноятининг то ўзи зулм қилган кишисининг розилигини олмагунча кечирилмаслигидандир.

Ҳалоллик муҳимлигидан, унга олиб борувчи воситаларнинг барчаси, айниқса, меҳнат қилиш, касбу ҳунар билан шуғулланиш ҳам исломий қадриятлар орасида алоҳида ўрин тутади. Кишилар ҳақига кўз олайтириш, тамаъгирлик, дангасалик муқаддас динимизга қораланади. Ҳадиси шарифда “Инсон ўз қўли билан ишлаб топган луқмасидан ширинроқ неъмат йўқ” экани таъкидланган. Шунинг учун, диёримиздан ўтган буюк аллома ва мутафаккирлар касбу ҳунар билан шуғулланганлар. Масалан, Тошкентнинг Ҳастимом – Ҳазрат Имом даҳасига номи қўйилган Абу Бакр Шоший қаффоллик, яъни қулфсозлик қилганлар. Абу Саъид Харроз косибликни, Абу Ҳафс Ҳаддод темирчиликни касб қилган бўлсалар, Баҳоуддин Нақшбанд матога гул солганлар.

Исломда инсон ҳақи шунчалар улуғвор мақомдаки, банданинг ҳақига хиёнат қилиш Яратганнинг ҳақига хиёнат қилишдан оғирроқ ҳисобланади. Чунки Парвардигор ҳеч нарсага муҳтож эмас, ҳожатлардан пок зот. У ўзининг ҳақини кечиши мумкин. Аммо, бир инсон бошқа инсонга тажовуз қилса, то ўзи зулм қилган кимсанинг розилигини олмагунча гуноҳи кечирилмайди.

Ислом маданияти мусулмон халқлар томонидан яратилган жаҳон тамаддуни хазинасидан муносиб ўрин олган беназир илмий асарлар, санъат намуналари, бетакрор обида ва зиёратгоҳларни, шунингдек, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда зикр этилган, олимлар, фозиллар, мутафаккирлар томонидан жамланган, инсоният маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган имон, виждон, диёнат, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат каби ахлоқий фазилатларни ўзида акс эттиради.

Ўзбекистоннинг ислом маданиятига ривожига ўрни беқиёс. Бу диёрдан чиққан бухорийлар, самарқандий, термизий, хоразмий, насафий, марғиноний, шошийлар асарларисиз ислом илм-фани ва адабиётини тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон обида ва зиёратгоҳлари халқимиз маънавиятини юксалтиришша муҳим омил бўлиши билан бирга дунё аҳлини, хусусан, диёримизга ташриф буюрувчи меҳмонлар, сайёҳлар ва зиёратчиларни ўзига ром этиб келмоқда. Ватанимизнинг ислом цивилазицияси ривожидаги беназир ўрнини ҳисобга олган ҳолда АЙСЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 2020 йилда Бухоро ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди.

Ақл соҳиблари фитратда, яъни ҳар қандай гуноҳдан пок туғилиб, вояга етиши асносида шаклланади, ўзгаради. Мана шу ўзгариш инсоний танлов асосига қурилган бўлиб, унинг кейинги ҳаётини белгилаб беради. Инсонда фақат ота-она ва ватанни танлаш имкони берилмаган. Шундан бўлса керак, улар мудом қиёсланади. Дин ҳам танловлардан бири ва шунинг баробарида ҳуқуқ ҳамдир.

2016 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзусидаги 43-сессияси очилиш маросимидаги нутқида бу ғоя “Бешикдан қабргача илм изла” деган машҳур ҳадисга ҳамоҳанглигини таъкидлайди. Шунингдек, “Бугун маърифатга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир” дея, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилганлигин алоҳида айтиб ўтади.

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифида “Адашган инсонларни маърифатга чақиришимиз керак” ҳамда БМТ Бош Ассамблеясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини киритди.

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида улуғ ватандошларимиз – алгоритм асосчиси **Ал-Хоразмий**, қомусий олим **Ал-Фарғоний**, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган **Абу Райҳон Беруний**, Ғарбда Авиценна номи билан танилган **Ибн Сино,** давлат арбоби ва буюк астроном **Мирзо Улуғбек** сингари мутафаккир зотларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади.

Бугунги кунда Ўзбекистон китоб фондларида **100 мингдан зиёд қўлёзмалар** сақланмоқда, уларнинг асосий қисми **ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда **300 дан ортиқ** илмий-тадқиқот муассасаси, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва инновация марказлари фаолият олиб бормоқда.

Президентимиз ушбу анжуман **буюк аллома Мирзо Улуғбек** Бухоро шаҳрида бунёд этган мадраса пештоқига битилган **“Илм эгаллаш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир”,** деган ҳадиси шарифни ҳаётимиз қоидасига айлантиришга хизмат қилишини ҳам эътироф этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки давлатимиз раҳбарини шу қадар ташвишлантираётган миллат тақдири, ахоли, айниқса, ёшлар маънавияти ҳар бир ақл эгасини дахлдорликка чақириши лозимлиги қуйидаги: “Бугун маърифатга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Маънавият – энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз бўлиши лозим. Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”, дея таъкидларида намоён бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

# ДИНИЙ МУТААССИБЛИК МОҲИЯТИНИ ТУРЛИ ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРДА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

**Қаххоров Сарвар Сайфиддинович**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси**

**Аннотация:** Ушбу мақолада диний мутаассиблик муаммоси, мутаассиб оқимларга янги аъзони жалб қилиш усуллари, унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари муҳокама қилинган. Шунингдек, ақидапараст оқимларнинг таъсирига тушиб қолишни сабаблари ёритилган.
**Калит сўзлар:** мутаассиблик, ақидапарастлик, шахс, психология, ахборот олами, гуруҳ, онг.

**Abstract:** This article discusses the problem of religious bigotry, ways to attract a new member to fanatical movements, its socio-psychological features. It also explains the reasons for being influenced by fanatical currents.
**Keywords:** fanaticism, bigotry, personality, psychology, information world, group, consciousness.

Бугунги кунга келиб бутун жаҳонга хавф солаётган диний экстремизм ва халқаро терроризмни келтириб чиқарувчи омиллардан бири диний мутаассибликдир. Диний мутаассиб оқимларга аъзо бўлганлар ундан чиқиб кетиш учун шахсий ва ижтимоий омиллардан маҳрум бўлган қулларга айланадилар. Оқим вакиллари тафаккурни усталик билан бошқариш усулларидан фойдаланадилар.

Диний мутаассиблик муаммоси бир қатор фанлар тизимида турлича ўрганилган. Жумладан, тарих, социология, фалсафа, диншунослик ва психология фанлари доирасида. Масалан, тарих фани тизимида диний мутаассиблик тарихий ёндашув асосида таҳлил этилганида диний мутаассибликнинг ривожланишига бир қатор асослар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, тарих фани доирасидаги тадқиқотларда диний мутаассибликнинг пайдо бўлишини сиёсий (имомат) масаласидан бошланганлиги ва ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омиллар қаторида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири алоҳидалиги таъкидланади. “Мафкуравий бўшлиқ, кўпинча, инсонда жамиятдаги мавжуд ҳолат, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, ўзининг иродасини бошқа шахсга бўйсундириш ва дунёқарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади”[298]. Қолаверса, А.К. Каримовга тегишли диссертациянинг “Мутаассиб гуруҳлар ғояларининг тарқалиш сабаблари ва уларнинг фаолиятидаги мақсад ва услублар” номли бўлимда халқаро экстремистик гуруҳлар томонидан қўлланилаётган тактик услубларни Марказий Осиё минтақасида фаолияти кузатилган мутаассиб тузилмалар фаолиятида хам кузатиш мумкинлиги таъкидланади. Улар аҳоли орасидан асосан, оила аъзолари, яқин қариндошлар, кўпроқ иқтисодий қийинчиликка учраган ёки етарли эътиборга эга бўлмаган шахслар турли йўллар орқали жалб қилинган. Америкалик мутахассис Б.Женкинс мутаассиб-террорчи ташкилотларнинг энг хатарли жиҳати бу узоқ вақт аҳоли ўртасида қўрқув ва ваҳима солишга хизмат қилувчи психологик хужум услуби сифатида талқин қилади.

Тарих фани доирасидаги адабиётларда диний мутаассиблик масаласи хронологик ва ижтимоий-сиёсий ва тарихий бир вазиятнинг тақозоси сифатида таҳлил килинади. Асосий мавзу бўлиб диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, ривожланиши ва ҳозирги кўринишлари ҳисобланади. Аммо тарих фанлари тизимида мутаассиб шахс, унинг фаолияти, шаклланишининг аниқ системаси, психологик усулларнинг илмий таҳлили ва уларга оид илмий ечимлар деярли учрамайди. Унда бўлган воқеалар даврийлик жиҳатидан таҳлил этилади, холос. Шунингдек, диний мутаассиблик масаласи кенг қамровли муаммо бўлиб, уни фақатгина биргина фан доирасида тўлиқ ўрганиб бўлмайди.

Диншунослик (Исломшунослик) ва Фалсафа йуналишидаги адабиётларни тадқиқ этиб, бошқа тадқиқотларга нисбатан айнан бу фанлар тизимида диний мутаассиблик муаммоси батафсилроқ ёритилганлигини кўришимиз мумкин.

“Мутаассиблик - кенг маънода муайян ғояларнинг тўғри эканлигига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилганликни, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва ғояларга муросасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти- ҳаракатларни англатади”. Юқоридаги адабиётда диний мутаассиблик масаласи нисбатан аникрок таҳлил этилган бўлиб, унда “ўзгалар” ва “ўзгачалар” алоҳида таъкидланган[299].

[298] Каримов А.К “Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари замонавий кўринишлари ва унга қарши курашиш асослари” Ўзбекистан мисолида диссертация автореферати. - Т.: 2012. 15. б.
[299] Бекмирзаев И., Аллоқулов А. “Исломшунослик асослари”. Тошкент ислом университети, - Т.: 2012. 97. б.

“Диний мутаассиблик эса ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмасликни билдиради”. Мазкур таърифда диний мутаассиблик фаолият сифатида таҳлил этилмоқда. Бу фаолиятни асоси қилиб эса “ўзи”никига шак- шубҳасиз ишониш ва шуни асосида “бошқа” ҳар қандай мазҳаб ва фирқани тан олмаслик, балки ўз қарашларини бошқаларга мажбурлаб сингдириш ҳолати олинади. Қолаверса, диний мутаассиблик фаолиятига хос қатор хусусиятлар санаб ўтилади. Улардан:

1. Диндаги муайян қоидаларни ўз ғояларига ва унда ифодаланган мақсадларига бўйсундириш;

2. Шу мақсадларини амалга оширишда тушунтириш, ишонтириш ва энг асосийси, муросасизлик, куч ишлатиш ва зўравонликка таяниш;

3. “Соф Ислом”дан чекинган давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ва исломда “ширк” (бутпарастлик)ка барҳам беришга даъво килиш;

4. Азиз-авлиёлар хотираларига ҳурмат, қабрлари жойлашган ҳудуларни обод килиш ва озода сақлашни ҳам бутпарастлик деб ҳисоблайдилар;

5. Ақидапарастликка асосланган ғояларни ёйиш орқали давлатга, унинг раҳбарларига бўлган ишончни йўққа чиқариш;

Қолаверса, ушбу манбада мутаассибликни “инсон билимсизлиги ва жоҳиллигининг бир шаклидир”, деган фикр илгари сурилади. Диний таассуб тушунчаси фанатизм иборасида ҳам ўз ифодасини топади. Фанатизм ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, балки уларни диний асосларни бузишда айблаб, уларга карши уруш очишга чақирадиган омиллардандир. “Диний фанатизм диний экстремизм ва терроризмга замин яратади. Айнан муайян диний конфессия ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб, фанатик унсурларнинг фаолият мафкурасини “диний экстремизм” деб аталади”[300].

Ҳозирги даврдаги тараққиёт, халқлараро муносабатлар уруш муносабатидан кўра тинчлик ва ҳамкорликка асосланади. Шу муносабат билан ҳар қандай диндаги таассубона қарашлар, дунёда тинчлик ва тенгликка салбий таъсир кўрсатиши табиийдир. Қолаверса, ҳадисларда “Ибодатнинг яхшиси енгилрогидир” дейилади. Диний манбаларда мутаассибликка қарши катор чақирув ва буйруқлар мавжудлигига қарамай, шахсларни динга таассубона ёндашувлари уларни диний билимлари саёз эканликларидан хабар беради.

Диний мутаассиб гурухларнинг яна бир муҳим жиҳати бу - уларга жамоавий психологик таъсир ўтказиб, дунёвий давлат ҳокимияти фаолиятига нисбатан ишончсизлик ҳолатини шакллантириш мумкин. Бошқа бир адабиётда эса экстремизм тушунчаси лотинча “ашаддий” сўзидан олинганлиги таъкидланади. “Бундай дунёқарашга эга бўлган киши бошқача нуқтаи-назарлар билан умуман келишмайди ва ўз қарашларини амалга ошириш учун сўнгги чора - мавжуд тузумни ағдариб ташлаш, ўз ғояларини куч ишлатиш ёрдамида сингдириш, бошқача фикрлайдиган кишиларни йўқ қилишгача бўлган амалиётни қўллайди”[301].

Чиндан ҳам, мутаассиб оқимлар фаолиятини таҳлил этишда уларни чора қолмаган тақдирда энг қабиҳ усуллардан ҳам фойдаланишларини яхши биламиз. Бундай разиллик ислом динида катъий кораланган бўлса-да, улар ўз сиёсий мақсадлари йўлида ҳеч нимадан қайтмайдилар.

Хулоса қилганда эса, фалсафа тизимидаги адабиётларда диний мутаассиблик бу - мафкуравий қарамлик билан характерланса, диншунослик (исломшунослик) фанларида эса, асосан ақидавий бўлинишлар асосида пайдо бўлувчи ва асл мақсади сиёсий ҳокимятга эга бўлиш, жамият ва инсонларга катта хавф туғдираётган куч сифатида ифодаланади.

Юкоридаги фанлар тизимида ҳам мутаассиб шахс, унинг ўзига ҳос хусусиятлари, диний мутаассибликнинг шаклланиш омилларига аниқ психологик далиллар билан ёндашилмаган. Диний мутаассиб шахс ва гуруҳни коррекциялашга оид аниқ дастурлар ишлаб чиқилмаганлигини эътиборга олиш лозим.

[300] Бекмирзаев И., Аллоқулов А. “Исломшунослик асослари”. Тошкент ислом университети, - Т.: 2012. 112. б.
[301] Олтинов У., Примов Т. “Ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш: муаммо ва ечимлар”. - Т.: 2006. 6. б.

# АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОД УММОНИДАН ИЛҲОМ ОЛГАН АКАДЕМИК

**Гулова Аноргул Ахтамовна - БухДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси**

Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросининг кўлами ва таъсир даражаси шунчалик кенг-ки, шу боис у замон ва макон чегараларини тан олмайди. Унинг асарларида умуминсоний қадриятлар мадҳ этилади. Бу ҳар қандай миллатга мансуб инсон маънавияти учун сув ва ҳаводай зарурдир. Аммо, Алишер Навоий ва унинг асарлари туркийзабон халқлар, жумладан, биз ўзбеклар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва халқнинг миллат сифатида юзага чиқишида бошқа бирор бир шахсият Алишер Навоийчалик чуқур из қолдирмаган. Шунинг учун бизда Навоийни тушуниш ва тушунтириш йўлидаги изланишлар ҳеч қачон тўхтаб қолмаган.

Хусусан, бу жараён 20-асрда ўзгача шиддат билан бўй кўрсатди. Бунда миллат фидойлари ва маърифатпарварининг ўрни беқиёс. Навоий ижодини тадқиқ этиш билан чекланиб қолмай, бевосита мутафаккир яратган ижод уммонидан илҳом олиб асарлар яратган ижодкорлардан бири саналган академик Ғафур Ғуломнинг ҳам бу борада алоҳида ўрни бор. У аввало, Ҳазрат Навоийнинг бадиий ижод қоидаларини ўз даври талабларига кўра имкони борича ижодий ўзлаштирган назмий қалам соҳиби эди. Хусусан, у улуғ шоирнинг айрим ғазалларига мухаммаслар боғлаган ва шеърларида аллома бадиий сиймосини гавдалантирган. Хусусан, шоир шундай дейди:

Бирор шоҳ байтингни ёдда тутмаган,
Каттадир, кичикдир, бизда киши йўқ.
Олтин болдоқдаги нефрит кўз каби,
Асаринг биз учун бўлди қора чўғ.

Адабиётшунос олим Ғафур Ғуломнинг Навоий асарлари тадқиқотчиси сифатидаги дастлабки ишлари қаторига Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони асл матн ва кенг ўқувчиларга мўлжалланган насрий баёни (махсус шарҳлари билан) нашрини айтишимиз мумкин. “Фарҳод ва Ширин” достони матн ва насрий баёни 1940 йилда лотин ёзувида, 1956 йилда эса кирилл ёзувида нашр этилган.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом буюк мутафаккир Алишер Навоий меросига алоҳида аҳамият қаратган. У шарқшунос олимлар: В. В. Бартольд, А.С. Самойлович, Е.Э. Бертельс, А.К. Боровков, С. Е. Малов, Н.Ю. Якубовский, А.А. Семёнов, Ҳ.Орасли, Б.Қорриев, А.Мирзоев, Ш.Абилов каби татар, озарбайжон, туркман, тожик, рус олимларининг Навоий ижоди масалаларига бағишланган тадқиқотлари билан яқиндан танишган. Ўзининг Навоий қўмитасидаги йигирма етти йиллик фаолиятида И.Султон, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, М.Шайхзода, Ҳ.Зариф, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов, Ғ.Каримов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева каби навоийшунослар билан ҳамкор-ҳамнафас ишлаган. Улар ижодларини синчковлик билан кузатиб борган, ўрни билан уларнинг айрим фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўрган. Шу боис ҳам Ғафур Ғуломдай Навоий ижодининг зукко тадқиқотчиси билдирган аксарият фикр-мулоҳазалар бугун ҳам ўз қимматини сақлаб турибди[302].

Навоийшунос олим Ғ.Ғулом “Девони Фоний” таркибига кирган баъзи ғазалларни таржима қилган. Бундан ташқари, Алишер Навоий ҳаёт йўли ва ижодий мероси доирасида кенг илмий изланишлар олиб бориб мақолалар эълон қилган, нуфузли анжуманларда ўз маърузалари билан чиқишлар қилган. XX аср 40-йилларидан 60-йиллари иккинчи ярмигача бўлган вақт оралиғида олиб борган тадқиқотлари, айрим замондош адиблар, хусусан, Ойбекка бўлган муносабатида унинг Навоийга бўлган муносабати ёрқин ифодасини топган. Ғ.Ғулом қарашларида ўша даврларда адабиёт-санъат олдида турган вазифалар кўлами акс этганлигининг боиси ҳам шу. Шунинг учун улар навоийшуносликнинг ривожланиш босқичларига хос хусусиятлардан холи эмас.

Олим, фақатгина, Алишер Навоий ижодий меросини ўрганибгина қолмай, ижодкор замондошлари тадқиқотлари ва адабий жараённи ҳам кузатиб бориб, ўрни келганда уларга ўз муносабатини билдирган. Навоийшунос олим Ойбекнинг «Навоийнинг адабий мероси», «Навоий идеяларининг кенглиги», «Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва ижод йўли» сингари мақолалари навоийшунослик равнақида алоҳида таъкидлаган. Академикнинг «Ойбек ёзувчи ва олим» номли мақоласи 1955 йилда ёзилган бўлиб, унда Ойбекнинг Навоий яшаган давр ва шоир ижодий меросини чуқур ўргангани «Навоий» романи муваффақиятини таъминлаган асосий омил сифатида изоҳланади.

1966 йилда Ғафур Ғулом Навоий қўмитасининг улуғ шоир таваллудининг 525 йиллиги муносабати

[302] “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий-2017. 162-бет.

билан ўтказилган X анъанавий илмий сессиясида «Буюк устоз» номли маъруза билан қатнашади. У Алишер Навоийнинг туркий тил ва адабиёт ривожига қўшган муносиб ҳиссасига, зуллисонайнлик маҳоратига алоҳида урғу бериб, мазкур анжуманни «халқ маданиятининг байрами»,- деб эътироф этади. Ҳазрат Навоий ижодидан илҳом олган Ғ.Ғулом ўзбек адабиётини камол топтириш, унинг имкониятларини кенгайтиришдаги Навоийнинг алоҳида фидоийлигини эътироф этади. Академик, илмий жамоатчилик олдида ҳар сафар чиқиш қилганда Навоий шахсияти ва ижодига оид маълум бир масаланинг янги бир қиррасини кашф этиб, янги бир гап айтишнинг уддасидан чиқади. Мазкур ҳолат унинг олим, миллат жонкуяри сифатида масъулият билан ўз устида тинимсиз иш олиб борганлигининг далили ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ш.Сирожиддинов, Д.Юсупова, О.Давлатов.”Навоийшунослик”, Т.:Тамаддун.2018.
2. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий-2017.
3. Фитрат. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006.
4. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том. –Тошкент: Фан, 2000.
5. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар.-Тошкент: Маънавият, 2007.
6. Шарафиддинов О. Танланган асарлар.-Т.: Фан,1978.
7. Зоҳидов В.Улуғ шоир ижодининг қалби.Т.Ўзбекистон, 1970.


## TARIX FALSAFASI VA MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXI


**F.M.Bafoyev**



**Summary**The article presents views and comments on the history of the peoples of Central Asia from the point of view of the philosophy of history.


Ma’lumki, har qanday ijtimoiy hodisaning mohiyatini va uning jamiyatning rivojlanish jarayonidagi o‘rnini faqat u butun jamiyatning rivojlanish jarayoniga bog‘lab, ya’ni umumiy tarixiy jarayon doirasida o‘rganilgan taqdirdagina tushunish mumkin. Tarix falsafasining asosiy vazifalaridan biri – o‘zgaruvchan va murakkab ijtimoiy dunyoda hayot mazmuniga doir mo‘ljallarni topish, insoniyat mavjudligining har bir muayyan davrida uning oldida turgan ustuvor vazifalarni belgilashdir. Har bir inson va kishilik hamjamiyati hayotining burilish davrlarida uning oldida hayot mazmuni nimada degan savol ko‘ndalang bo‘ladi.

O‘zbek xalqi Markaziy Osiyodagi boshqa xalqlar bilan birga umuminsoniy boyliklar xazinasiga o‘zining salmoqli va o‘ziga xos tarzida hissasini qo‘shib keldi va kelmoqda. Qadimgi Sharq atamasida uyg‘unlashgan Misr, Mesopatamiya, Sharqiy O‘rta dengiz bo‘yi mamlakatlari, Hindiston, Xitoy va Eronning qadimiy sivilizatsiyasi bilan bir qatorda Markaziy Osiyo ham madaniyat beshiklaridan biri hisoblanadi. Markaziy Osiyo xalqlari tarixining jahon madaniyatining rivojlanishiga keng ko‘lamda ta’sir ko‘rsatganligi, umuminsoniy moddiy-ma’naviy boyliklarning shakllanishiga Markaziy Osiyo xalqlari qo‘shgan hissa shundan dalolat beradiki, uning madaniyati jahondagi boshqa xalqlarning madaniyati singari g‘oyat xilma-xil madaniy ta’sirlarning ko‘p asrlik mahsuli bo‘lib, o‘zga madaniyatlar va xalqlarning ma’naviy boyliklarini qabul qilish imkonini tug‘dirdi. Bugungi kunda shuni to‘la tushinib yetish kerakki (tarix bunda ko‘maklashishi lozim), hozirgi zamon jahon taraqqiyotining dialektikasi shundayki, har bir xalq o‘z aloqalarini boshqa xalqlar bilan yanada baynalmilallashtirganida, jahon hamjamiyatida ishtirok etganidagi o‘z milliy manfaatlari va maqsadlarini ro‘yobga chiqara oladi. Shu bilan birga, bu g‘oya teran ildizlari uzoq qadimda borib taqaladigan, har bir xalqning jonli qalbini ifoda etuvchi milliy an’analardan va o‘tmishdan voz kechish kerak, degan ma’noni mutlaqo anglatmaydi. Bugungi kunda negizini umuminsoniy qadriyatlarning tub ahamiyatini anglab yetish tashkil etishi lozim bo‘lgan chinakam baynalmilalchilikning kosmopolitizmga biron dahli yo‘q. Baynalmilalchilik, madaniyatlar unifikatsiyasi –yaqin o‘tmishimizda boshdan kechirganimiz va shu tushunchaning o‘zini obro‘sizlantirishga olib kelgan, mehrobiga milliy boyliklar ayqash-uyqash taxlanaveradigan til ilohiyoti emas. Aksincha, Markaziy Osiyo xalqlarining ulug‘ tarixiy o‘tmishiga murojaat qilishi o‘z ajdodlarining olamshumul yutuqlaridan mamnunlik, shukronalik tuyg‘usini baxsh etadi, fuqarolik hissini shakllantirish, o‘z milliy birligiga mansubligidan qonuniy faxrlanish hissini uyg‘otadi. Bizda sho‘rolarning 70 yil mobaynida ildiz otgan milliy qadriyatlar, an’analar, madaniyat va turmush tarzidan halokatli uzilishini bartaraf etishda buning ahamiyati beqiyos. Chunki o‘z tarixiy ildizlarini, o‘z xalqining tarixini tashkil etuvchi o‘tmish avlodlari hayoti bilan uzilmas ma’naviy aloqalarni anglab yetmay turib, o‘z zaminining chinakam fuqarosi va chinakam vatanparvari bo‘lish mumkin emas.

Ayni damda tarixni idrok etish madaniyatini, tarixiy tafakkur madaniyatini shakllantirish zarur, zero, tarix nechog‘li ahamiyatli bo‘lmasin, kezi kelganda xavfli hamdir. Pol Valeri ta’kidlaganidek, tarix “orzular tug‘diradi, xalqlarni sarxush qiladi, soxta xotiralarini keltirib chiqaradi”. Boshqacha aytganda, tarixiy bilim

faqat tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘libgina qolmay, balki, undan milliy biqiqlik hislarini uyg‘otishga, boshqa xalqlarga nisbatan adovatga olib kelishda, tajovuzkorlik siyosati va maqsadlarini asoslashda ham foydalanishi mumkin. Postsovet makonida bunga misollar ko‘plab topiladi, xolbuki ayrim davlatlar o‘zining siyosiy ritorikasida bundan yetarlicha, muntazam foydalanmoqda. Oqibatda milliy yagonachilik ruhiyati shakllanib, xavfsizlik arxitekturasiga soya tashlamoqda.

Tarixiy tafakkur, shunday qilib, milliy mustaqillik hissiyotining xalqlarimiz uchun fojiaviy oqibatlar keltirib chiqarishi mumkin bo‘lgan milliy biqiqlikka aylanib ketishiga yo‘l qo‘ymaydigan nozik hadni topishga ko‘maklashmog‘i kerak.

Insoniyat ma’naviy tariqqiyotida ham bizning yurtimizning ahamiyati buyuk. Bu borada Markaziy Osiyoning noyobligi shu bilan izohlanadiki, bu o‘lka o‘z davrida barcha jahon dinlari: zardushtiylik, buddizm, isaviylik va islom tarqalgan yagona xududdir. Markaziy Osiyo tarixini o‘rganish o‘zaro bog‘liqlikdagi jahon sivilizatsiyasining barcha muxim ma’naviy asoslari bilan tanishish uchun ajoyib imkoniyat yaratadi.

Shuningdek, o‘rta asrlarda Markaziy Osiyo xalqlarining jahon fani madaniyati, me’morchiligi va tasviriy san’atiga qo‘shgan hissasini tegishlicha baholashimiz darkor. Ana shunday bebaho hissaning barcha xilma-xil ko‘rinishlaridan ikki muhim davrni, musulmon davri Markaziy Osiyo madaniyatining ikki muhtasham cho‘qqisini ko‘rsatib o‘tish joizdir: 1) insoniyatga Rudakiy, Firdavsiy, Balxiy, Daqiqiy, al-Farg‘oniy, al-Xujandiy, al- Forobiy, Ibn Sino, Nizomulmulk, Narshaxiy, al-Beruniy, Bayhaqiy, Xayyom singari buyuk ahli donishlarini tuhfa etgan. IX-XII asrlar davri; 2) Sheroziy , Kamol Xujandiy, Jomiy, Navoiy, Ulug‘bek, Behzod, Mirxond, Xondamir, Bobur singari ijodiy muvafaqqiyatlari Yevropa Uyg‘onish davrining muvaffaqiyatlari bilan bemalol bellasha oladigan ulug‘ kishilarning hayoti va faoliyati bilan bog‘liq XIV –XV asrlardagi Temuriylar davri.

Albatta XIV-XV asrlar davrining tarixiy adabiyotlarida ko‘pincha Temuriylar Uyg‘onish davri deb atalishi tasodifiy emas, bunda, shubhasiz, o‘sha davr O‘rta Sharqdagi turli sohalar: ilm-fandagi, adabiyotdagi, badiiy ijoddagi jihatning Evropa Uyg‘onish davridagi o‘xshashligi nazarda tutilgan. Buxoro, Samarqand va Markaziy Osiyoning boshqa shaharlaridagi muhtasham me’morchilik obidalari bu fikrni yana bir bor isbotlaydi.

Markaziy Osiyoning qadimgi va o‘rta asr madaniy taraqqiyotini faqat uning aholisiga o‘troq dehqonchilik qismining ijodiy mevasidir, deyish noto‘g‘ri bo‘lur edi. Nomadizm ahamiyatini umumiy tarzda shunday ifodalash mumkin: 1) ilgari inson tomonidan foydalanilmagan juda katta hududlarining xo‘jalik va madaniy jihatdan o‘zlashtirilishi; 2) muhim qo‘shin turi sifatida otliq qo‘shinning paydo bo‘lishi; 3) tovar-pul munosabatlarining keng ko‘lamda rivojlanishi, zero, bundan ko‘chmanchilar ko‘proq manfaatdor bo‘lishgan; 4) turk hoqonligi, qoraxoniylik davlati, mo‘g‘ul imperiyasi singari ko‘chmanchilarning buyuk imperiyalari o‘z tarkibidagi xalqlar o‘rtasida keng ko‘lamda madaniy va iqtisodiy aloqalarning rivojlanishiga imkon yaratadi. 5) savdoda, xususan karvon savdosida ko‘chmanchilarning faolligi ma’lum; 6) Markaziy Osiyoda shaharlar faqat vohalar ichkarisida va ularning ko‘chmanchilar dashti bilan chegaralaridagina emas, balki ko‘chmanchilar viloyatlarning ichkarisida ham vujudga kelgan; 7) ko‘chmanchi qabilalar va xalqlar Markaziy Osiyoning hozirgi xalqlarning etnogenezida muhim rol o‘ynagan; 8) ko‘chmanchilarning epik rivoyatlari Markaziy Osiyo xalqlari ma’naviy madaniyatining tarkibiy qismi hisoblanadi va boshqalar.

## ҒАЗЗОЛИЙНИНГ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ ВА ФАЙЛАСУФЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

**Эшпулатов Иноят Сапарович**

Ғаззолий ислом файласуфлари каби илмларни назарий ва амалий қисмлар бўлади. Унинг мулоҳазаларига кўра, амалий илмларнинг биринчиси бу – ахлоқ бўлиб, ушбу илм қалбнинг билиши, кучи ва хусусиятларидан баҳс этади.

Ғаззолий аввало ахлоқнинг таърифи устида ишлаган. Ахлоқ сўзи – дейди Ғаззолий, “нафсга ўрнашган бир малакадир. Ундан ҳар қандай бир фикрни қийинлаштирмасдан (инсон) ҳолатлари осонлик билан пайдо бўлади. Унга кўра ақл ва дин нуқтаи-назаридан аҳд этилган ва гўзал ҳисобланган ишлар бу малакадан пайдо бўлса, бунга гўзал ахлоқ, ёмон ишлар пайдо бўлса, унга ҳам ифлос ахлоқ дейилади.”

Ғаззолий ахлоқнинг таърифини берганидан сўнг бу майдоннинг аввало Мискавайфда кўрилгани каби руҳнинг билими кучи ва хусусиятлари билан бошлаши кераклигини қабул этади. Ғаззолий ўзидан олдинги мутафаккирларда кўрилгани каби руҳнинг ягона ва комил бир жавҳар бўлганини айтади ва жавҳар ишининг зикр этиш, ҳимоялаш, ўйлаш (тафаккур) яхшини ёмондан айириш, маънавий нуқтаи-назардан иборат бўлганини изоҳлайди.

Ғаззолий руҳни наботий рух, ҳайвоний руҳ ва инсоний руҳ сифатида учга бўлади. Айни пайда бу бўлиш Қуста ибн Лука тарафидан ҳам қилинган. Наботий руҳнинг уч кучи бор бўлиб: Туғдирувчи куч (ал-қувват ал-муваллида), катталаштирувчи куч (ал-қувват ал-мураббийа), озиқлантирувчи куч (ал-қувват ал-ғазийа). Ғаззолий бу руҳ тушунчасини қабул қилиш билан руҳнинг илк пиллапоясини жисмоний дунёга боғлайди, шундай қилиб асос руҳ билан жисмоний дунё алоқасини ўртага қўяди.

Ҳайвоний руҳнинг эса икки кучи бор эканлиги: ҳараат кучи (ал-қувват ал-муҳаррика) ва қамраб олувчи куч (мудрика). Биринчиси ҳам иккига бўлинади: ҳаракатга ташвиқ этувчи маъносидаги турткиловчи куч ва ҳаракатни тўғридан-тўғри қилган ва фоил маъносидаги муҳаррик кучдир. Биринчи куч ҳам иккига бўлинади. Шаҳват кучи ва ғазаб кучи.

Қамраб олувчи куч ҳам иккига бўлинади. Зоҳирий ва ботиний кучлар. Биринчиси бешта сезгидир. Иккинчиси эса тўрт қисмга бўлиниб фикрлаш кучи билан бешта бўлади. Хаёл кучи, ваҳм кучи, хофиза кучи ҳайвонларда сезиш тасаввури билан ва инсонларда муфаккир кучи.

Инсоний руҳнинг икки кучи бордир:

Билиш ва қилиш. Бу ҳар икки кучга ҳам ақл номи берилади. Билиш кучи, қилиш кучидан устундир. Лекин бу кучнинг ҳам устида бўлган ва бунга таъсир ўтказиб, унинг ҳам улардан фойдаланганлиги янада устун кучлар бор. Булар малаклар бўлиб, инсоний руҳларга билим ташишда вазифалидир. Билиш кучи ҳам уларга йўналган.

Қилиш кучи инсон танасини ҳаракатга ўтказган илк кучдир. Билиш кучи эса назария номи берилган бир куч бўлиб, бу куч модда. Макон ва ўлчовдан айри шаклда тушуниладиган ҳақиқатларни идрок этади. Ғаззолийнинг ахлоқ фалсафасида бу нуқтада ақл ва аҳамиятни ўртага чиқаришдир. Ғаззолий “Мишкот ал-Анвор” рисоласида ақлнинг ҳар бир нарсанинг ўзига, сирига ва ҳақиқатларига етиша олишини сабаб ва ҳикматларини ҳал этишини ифода этмоқда. Ақл ҳам бошқаларни, ҳамда ўзини идрок этгани каби ўз хусусиятларини ҳам идрок этади. Бунга кўра ақл учун узоқлик ва яқинлик сўз мавзуси эмас ва бу туйғу органларининг янглишишларидан узоқдир. Ғаззолийга кўра, ақл эгаларининг янглишишларининг сабаби эса ақлли инсонларнинг ўз ваҳм ва хаёллари билан тахмин этганлари бир неча эътиқодларни, ақлнинг ҳукми ҳисоблашларидан келиб чиқмоқда. Ғаззолий ақл сўзининг ёнида қалб ва нафс сўзларига ҳам алоҳида аҳамият беради ва уч сўзни бир маънода қўллайди. Унга кўра инсон юраги билгани пайтда нафсини, нафсини билгани вақтда эса раббини билади.

Ғаззолийнинг ақл тушунчасига ўтишидан олдин айни маънони берган қалб тушунчасига диққатни қаратишимиз керак. Унга кўра, қалб тушунчасининг икки маъноси бор. Биринчиси жонлиликнинг манбаси бўлган арчанинг ёнғоғи шаклидаги гўшт парчаси. Иккинчи маъноси эса, инсонда англаган, билган, ориф бўлган нарсанинг ўзидир. Ғаззолий бу тасниф билан алоқали равишда ақлга ҳам икки маънони беради. Биринчиси ашёнинг ҳақиқатини билишдан иборат бўлган ақл, иккинчиси эса илмларни англаган, қалбнинг ўз маъносидир. Ғаззолийга кўра, Қуръон ва суннатда қалб тушунчаси нарсанинг ҳақиқатини билишнинг мутаносиби равишда қўлланилмоқда. Ғаззолий қалбнинг қувватларини синфлантирилишида, аслида ақл қувватларининг синфлантирилишини амалга оширган. Унга кўра, қалбнинг биринчи қуввати муҳаррик ва ташвиқ этувчи бўлишидир. У фойдали нарсаларни қўлга киритиш учун ташвиқ ва таҳриқ этади, ёки зарарли нарсаларни бартараф қилишга ҳаракат қилади. Ғаззолий бу қувватларни ирода тушунчаси билан ифода этади. Иккинчиси эса орзуларни ўрнига келтириш учун органларни тўғридан ҳаракатга ўтказган қувватдир. Учинчиси ашёни таъриф этиб англаган ва идрок этган кучдир. Буларга илм ва идрок ҳам дейилади. Идрок қувватини ҳам ташқи ва ички бўлиш шарти билан иккига бўлади.

Ғаззолий ақл тушунчасини қалб тушунчасидан кенгроқ муҳокама қилади. Унинг ақл мавзусида диққатни тортган нуқталаридан энг муҳими, ақлнинг даражаларидан баҳс этар экан файласуфларнинг бўлинишини кузатганлигидир. У навбати билан тўрт таърифни беради:

1) Ақл инсонни бошқа жонлилардан айирган бир хусусиятдир. Бошқача ифода билан бу ақл, бизни ҳайвонлардан ажратган ва назарий билимларнинг пайдо бўлишини пайдо қилган ақлдир. Бу Фаробий ва Ибн Синонинг ҳавулоний ақл деб атаган нарсасидир.

2) Яхшини ёмондан ажратадиган бир боланинг, жоиз бўлган нарсаларни жоиз, жоиз бўлмаганини ножоиз деб билиши. Бу таъриф биринчи таърифнинг энг яқин шўбасидир, яъни қисмидир. Сўз мавзуси билимларни қўлга киритган ақл файласуфларининг тили билан феъл даражасидаги (ал-ақл бил филл) ақлнинг даражасидир. Бу ақл нарсаларнинг идроки билан қозонилган билимларнинг воситаси билан феъл ҳолига ўтади.

3) Ақл тажриба йўли билан қўлга киритилган илмдир. Тажриба дунёси бой бўлганга ақлли дейилади. Бу таъриф биринчи ва иккинчи таърифларнинг шўбасидир. Ғаззолийнинг ақл билан тажриба ўртасид алоқа ўрнатиши диққатни тортувчидир. Тажриба йўли билан қўлга киритилган нарсаларнинг билимини ишлатиш, ақлнинг ишлашини ўрнига келтириш демакдир. Ақлнинг туйғу

органларини қўлланиши, уларнинг келтирганлари билан қийматлантириши Ғаззолийнинг эпистемологиясида муҳим ўрин эгаллайди.

4) Ақл бутун ишларнинг натижасини тушуниш кучига эгадир. Бу таърифда диққатни жалб қиладигани ақлнинг натижа беришидир. У ақлнинг охирги мевасидир. Бу ақл учинчи ақл билан биргаликда касбий яъни қозонилган бир ақлдир. Бу ақл файласуфларнинг ифодаси билан ақли мустафотдир.

Ғаззолий бу таснифлашда файласуфларни зикр этмасдан, бу билимларни оятларга, кўпинча эса ҳадисларга таяниб, ўзига хос ҳукмлар сифатида тақдим этади. Бу ҳолат унинг фалсафани исломийлаштирганлиги шаклида ҳукм берилади. Лекин Ғаззолийнинг яратганининг илк яратгани ақлдир, ҳадисини Иҳёда “ақлнинг шарафи” бўлимида зикр этиши уни янги афлотунчи қиёсларидан қутқаролмайди. Чунки бу фалсафада ақл, яратгандан файз ва содир бўлиш йўли билан чиққан илк борлиқдир. Бунга кўра ақл тангрининг вакили ва расулидир. Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, “ахлоқ илми жуда кенг ва дин унинг хусусиятларида охирги даражада илгарилаб кетган. Ахлоқий таълимнинг йўли, барча ишларда диннинг қонунларига эргашиш билан мумкиндир...”. Ғаззолийнинг бу ердаги андишаси амалиётдан келиб чиқмоқда. Бу нуқтаи-назардан илк қадам диндан бошланади. Фақат тамални шакллантирган бу дин тақлид билан бошланса ҳам илм билан ривожлантирилиши керак. Бу қабул, бир қараганда диннинг ақл билан, ақлнинг дин билан ўзаро алоқаси маъносида келмоқда. Чунки, унга кўра, “ўзида илм ва балоғат нуқтаи-назаридан камчилик бўлган киши ҳалок бўлгандир. Ахлоқ ва ақлий хусусиятлар ўзида мужассам этган киши, ориф ва обиддир. Ақл тамалли ахлоқнинг вакилларидан Мискавайх ҳам ахлоқий таълимга дин билан бошланиши кераклигини ҳимоя қилади. Мисковайх учун асл бўлган, бу ердаги диний тамойилларнинг тўғри англашилишидир. Бу тўғри тушуниш, унинг ақл билан мувофиқлик шаклид бўлиши демакдир. Бу ўхшашликка қарамасдан Ғаззолий бу нуқтада файласуфларни нишонга олиб, “интеллектуал бўлган лекин ахлоқий бўлмаган киши фосиқдир” дейди. Лекин Ғаззолий бу нуқтада қатъий эмас. Унга кўра, бу салбий ҳолат файласуфнинг илм соҳиби бўлиши туфайли узоққа жўзилмади. Чунки, унинг илм билан балоғатга эришган, фақат бадандаги нуқсонлар уни кирлатгандир. Руҳ жавҳарининг тескарисига кўра бу кирлилик Ғаззолийга кўра, ўткинчидир.

## ШАРҚДА ШОИРЛАР СОЦИАЛ ҚИЁФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ БЎЛИШИ БОСҚИЧЛАРИ

**Дўланбоева Ойгул Аслбек қизи**
**Ўзбекистон Миллий университети Социология кафедраси таянч докторанти**

**Аннотация:** Шарқ жамиятларида, хусусан мусулмон шарқ мамлакатларида шоир статуси, шернинг ижтимоий ҳаётдаги ахамияти ғарбона қарашлардан ўзига хос даражада фарқ қилган. Бу маънода Ғарб ва Шарқ тафаккур тарзини қиёсий тахлил қилиш юртимиз тарихида, жумладан Марказий Осиё халқлари ҳаётида шоир статусининг ахамиятини унинг ўзига хос трансформация жараёнларини кузатишга имкон беради.

**Abstract:** In the East, particularly in Muslim countries, the status of the poet and the importance of poetry in social life differs from Western views. In this sense, the comparison of the Eastern and Western ways of thinking allows us to observe the transformation of the status and significance of the poet in the history of our country, as well as the entire Central Asia.

Шарқда шеърият нафақат санъат тури, балки бирор маълумот, ахборотни ифодалаш усули сифатида ҳам намоён бўлади. Шу боис шеъриятдан хабардорлик, шоирлик ҳис-туйғу ва муайян дунёқарашни ифодалаш билан бирга маълум даражада билимга эга эканликни, саводхонликни англатган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қадимги Шарқ, хусусан, исломгача бўлган давр тарихига оид ёзма манбаларнинг кам етиб келганлиги ёки уларнинг кам ўрганилганлиги туфайли айни замонларда яшаб ўтган шоирлар ҳаётининг ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий жиҳатлари хусусида маълумотлар кам учрайди. Бу эса ушбу даврда яшаб ижод қилган шоирларнинг социал қиёфасини яратишда илмий аниқлик нуқтаи назаридан бирмунча мураккабликларни юзага келтиради. VIII асрда Марказий Осиё худудига ислом динини тарқалиши, шунингдек, Қуръоннинг ифодаланиш шакли шериятга яқин саж усулида эканлиги шериятнинг нафақат маданий, балки ижтимоий маънода ҳам трансформация бўлишига олиб келди.

Масалан қиссахонлик, қасида, маснавий каби жанрларнинг пайдо бўлиши шоирдан тарих, дин ва бошқа билимлардан хабардор бўлишни талаб этди. Натижада зиёли қатлам орасида шоирлик ўзига хос социал қиёфа касб этди. Масалан X асрларда Араб халифалигида яшаб ўтган шоир Ал-

Надим Ал-Фахрийнинг асарларида тарих, илоҳиётшунослик, ҳуқуқшунослик, филология соҳаларига оид маълумотлар келтирилади[303].

Юқорида айтиб ўтилганидек, шеър санъат тури бўлиш билан бирга, муайян билимларни ифодалаш шакли сифатида ҳам намоён бўлган. Ахолининг саводхонлик даражаси паст бўлганлиги боис, эсда сақлаб қолиниши керак бўлган билимлар шеър шаклида ёд олинган ҳолда авлоддан авлодга узатилган. Бу маънода шоирлар керакли билимларни авлоддан авлодга узатиш функциясини ҳам бажарганлар. Рус олими Бертелснинг фикрига кўра, бошқа соҳага оид маълумотларнинг қофияга солиниши уларнинг тез ёдда қолишига сабаб бўлган. Оқибатда тиббиёт, илоҳиёт, тарих каби соҳаларга доир билимлар ҳам, шеър шаклида яратилган. Мисол учун Ибн Сино, ёки Умар Хаёмнинг тиббиёт, математика, фалсафага оид асарлари шеърий шаклда бўлган.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг Мажолис-Ун Нафоис асарида тиббиёт, фалакиёт, яъни астрономия илми билан машғул бир қатор шоирларнинг номлари келтирилади.

“Мавлоно Мухаммад Хусайн табобатга машҳур эрди, аммо шеър ҳам айтур эрди. Асру содава гўл киши эрди.”. Мавлоно Салохиддин шаҳр масжиди жомеъида Мулук гунбазида ходимдур. Бу матлаъ анингдурким[304]”.

Навоийнинг мазкур асари темурийлар даврида шоирларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ҳақида қимматли маълумотларни беради. Ушбу асар ҳамда ундан кейин яратилган таскираларга асосланиб, халқимиз тарихида, маданиятида шоирларнинг ўрни, уларнинг ижтимоий функцияларини таҳлил қилиш мумкин. Навоийнинг “Мажолис Ун Нафоис” асари нафис мажлислар деган маънони англатади. Ушбу асар саккиз мажлис, яъни бўлимдан иборат бўлиб, Навоийдан олдин яшаб ўтган ҳамда унга замондош бўлган шоирлар ҳақида маълумот беради. Асарнинг тўртинчи, бешинчи, еттинчи, саккизинчи мажлислари, яъни бўлимлари Самарқанд ва Хуросондаги шоир шаҳзодалар, амирлар, ва шоҳларга бағишланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу маълумотлар таҳлили ўша даврларда шоирлик статуси сиёсий, иқтисодий элитага мансубликни англатган деган хулосани беради. Бу ўринда шарқшунос-олим Бертелснинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Форс маданиятининг таъсири оқибатида Темурийлар саройларида шеърга муносабат ўзига хос маъно касб этди. Темурий шаҳзодалар ҳарбий санъат билан бирга Қуръон ёд олиш, шеър ёзиш каби машғулотларни ҳам ўрганганлар[305].

Амир Темургача бўлган даврда мўғул хонлари саройларида ушбу анъана деярли кузатилмайди. Масалан, Навоий Темур ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни келтиради:

“Мулук шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни:

Темур Кўрагон – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”[306].

Бироқ, кейинчалик Самарқанда ҳам, Хуросонда ҳам, шоирлик сиёсий элитанинг ўзига хос маданият белгиси сифатида намоён бўлишини кузатиш мумкин:

“Сайид Аҳмад Мирзо — салим табъ ва пок зеҳн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида «Латофатнома» анингдур. Бу туркча матлаи яхши вақеъ бўлуб турким.

Бойқаро Мирзо — бовужуди улким, Султон Соҳибқироннинг туғқон оғаси эрди. Йиллар Балх (қуббат ул-исломий)да салтанат қилди. Ва лекин шикаста нафслиқ ва кичик кўнгуллук, тавозуъ ва таъзимлиқ киши эрди ва ҳақшунослиғи аъло мартабада эрди. Табъи дағи назм ҳулъясидин муарро эмас эрди. Бу матлаъ анингдурким”[307].

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, айнан ушбу даврда шоирлик ижтимоий статус сифатида жамият иерархиясининг юқори бўғинидан жой олган. Зеро, сиёсий ва маданий элитадан муайян даражада шериятдан хабардорлик талаб этилган. Натижада шоирнинг социал қиёфаси муҳим аҳамият касб этган. Жамият иерархиясидаги юқори статус, ижтимоий сиёсий фаоллик мазкур социал қиёфанинг ажралмас белгиси сифатида қабул қилинган. Бу маънода Султон Хусайн Бойқаро, Захириддин Мухаммад Бобур каби подшоҳ шоирлар ҳар икки жиҳатдан ҳам истеъдодларини намоён эта олишган.

Ҳатто ушбу даврда қозилар, вазирлар, амирлар ҳам қайсидир маънода шоир социал қиёфасини ўзида намоён этган. Зеро мазкур лавозим кишилари ҳам ўзларини ижтимоий-маданий элитага мансуб эканлигини кўрсатиш мақсадида шеър ёзиш орқали шеъриятдан хабардорликларини

[303] Бертельс Е.Э. Избранные труды. – М.: Наука, 1988г. - Б.40.
[304] Ўша ерда. Б.45.
[305] Бертельс Е.Э. Избранные труды. – М.: Наука, 1988г. - Б.55.
[306] Навоий А. Мажолис ун нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997й. – Б.134.
[307] Навоий А. Мажолис ун нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997й. – Б.135.

намоён этганлар. Навоий томонидан келтириб ўтилган қуйидаги маълумотлар бунинг яққол мисоли бўла олади:

“Мавлоно Абдулваҳҳоб — донишманд ва зуфунун киши эрди ва Машҳад шаҳрида кози эрди ушбу матла анингдур...

Фазлуллоҳ Абуллайсий – Самарқанд акобиридиндур. Фақиҳ Абуллайс авлодидандур. Фиқҳда ани Абу Ҳанифаи Соний дерлар эрди ва арабиятда Ибн Ҳожиб каффасида тутарлар эрди” [308].

Темурийлар даврида вужудга келган ушбу анъана то XIX асргача давом этиб, шоирнинг социал қиёфаси сиёсий-маданий элитанинг ўзига хос белгиси сифатида сақланиб қолди. Бу айниқса Қўқон, Хива хонликларидаги ижтимоий-маданий ҳаётда яққол акс этди. Ушбу даврларда тузилган таскираларда келтирилган шоирларнинг сарой муҳитига яқинлиги, жамиятдаги статуси, функциялари темурийлар давридаги шоирларнинг социал қиёфасидан деярли фарқ қилмайди. Ушбу жиҳатлар Фазли Намангоний, Пўлатхон Қаюмийларнинг таскираий шуаро асарларида акс этган.

XX асрнинг бошларида юзага келган миллий озодлик ҳаракати ва маърифатпарварлик ғоялари жамиятда шоирларнинг социал қиёфасини кескин ўзгартириб юборди. Шоирларнинг статуси, функциялари, қадрият мўлжаллари ўзига хос мазмун-моҳият касб этди. Мумтоз адабиётга хос бўлган нозик таблик, сарой доираларига яқинлик каби сифатлар маърифатпарварлик, инқилобчилик, курашувчанлик хусусиятлари билан алмашилди. Адабиёт, шу жумладан, шеърият кишиларга маърифат улашиш, жамиятни янгилашда восита сифатида қабул қилинди. Ушбу жараёнларни амалга оширишда табийки, шоир ёзувчиларнинг роли катта бўлди. Жадидчиларнинг кўзга кўринган вакиллари шоир ёзувчилардан эканлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Жадидчиларнинг асарлари, уларнинг ижтимоий фаолияти шоирнинг жамиятдаги ижтимоий роли тубдан ўзгарганлигини кўрсатади. Ижтимоий рол ва статуснинг ўзгариши эса, ўз навбатида шоирнинг социал қиёфасини трансформация бўлишига сабаб бўлади. Фитратнинг қуйидаги фикрлари жадидчилик даврида шоирлар социал қиёфасининг трансформацияга учраганлигини яққол тасдиқлади:

“Аввалари бўлганидек сарой мажлисларида гўзал юзларни мадх этиб ғазал битувчи шоирлардан кўра, халқ орасида мактаб тузиб, маърифат улашган кишидан фойда кўп” [309].

XX асрнинг 20 йилларига келиб шоирларнинг социал қиёфаси кескин трансформацияга учради. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар, тоталитар тизимнинг ўрнатилиши, зиёли қатламнинг вакили сифатида шоирдан янгича ижтимоий рол, функциялар, ҳамда қадриятий мўлжалларни талаб қилди. Ушбу даврда ижодкор, хусусан, шоир ёзувчиларнинг жамиятдаги роли доминант синф пролетариат маънфатларидан келиб чиқиб баҳоланди. Бу ғоянинг назариётчилари сифатида “формал” мактаб вакиллари: Ю.Н. Тынянов, В. Б. Шкловский, Б. М. Эйхнбаум, каби олимларни келтириш мумкин. Мазкур олимларнинг фикрига кўра, ижодкорнинг жамиятдаги функцияси ижтимоий сиёсий воқейликдан келиб чиққан холда белгиланади. “Формал” мактаб вакиллари ижтимоий-сиёсий воқейлик деганда, материалистик дунёқараш илгари сурган ишлаб чиқариш муносабатларини тушунмаганлар. Ю.Н.Тынянов биографик материал, шоир ёзувчининг меҳнат шароити, адабий жараёндаги муносабатларнинг шакли, буюртмачи ва нашрларнинг таъсири каби омилларни ижтимоий воқелик сифатида кўрсатади[310]. Юқорида санаб ўтилган омиллар ижодкор, хусусан, шоирнинг социал статусини белгилашда асос сифатида кўрсатилди.

Шоир социал қиёфасини белгилашда ушбу даврга хос бўлган яна бир хусусият – давлатнинг асосий буюртмачи сифатида мақомга эга бўлишидир. 1934 йилда собиқ иттифоқнинг барча мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ёзувчилар уюшмасининг ташкил этилиши шоир ёзувчиларнинг ўзига хос интеллектуал қатлам бўлиб шаклланишига, янгича социал қиёфа касб этишига асос бўлди. Иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан давлат ҳимоясига олиниши шоир социал статусининг ижтимоий мавқеини оширди. Ижод жараёнини доимий назоратда бўлиши эса, шоирдан ҳукмрон мафкуранинг тарғиботчиси, тарбияловчи каби социал функцияни талаб этди. Натижада шоир ўзига хос статус, функция, қадриятий мўлжаллар, бошқача қилиб айтганда социал қиёфага эга бўлди. Ушбу шаклдаги социал қиёфанинг 1990 йилларгача, қайсидир элементлари бугунги кунгача сақланиб қолди.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни умумлаштириб айтиш мумкинки, шоирларнинг социал қиёфаси уларнинг жамиятдаги статуси, роллари ижтимоий-сиёсий фаоллиги, қадрияти мўлжаллари каби кўрсатгичлар билан белгиланади. Мазкур социал қиёфа кишилик жамиятининг турли даврларида турлича баҳоланган. Чунки инсониятнинг тарихи давомида санъатга, адабиётга муносабат бирдай бўлмаган. Бундан ташқари, Ғарб ва Шарқ жамиятларидаги ментал хусусиятлар,

[308] Навоий А. Мажолис ун нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997й. – Б.86.
[309] Фитрат А. Танланган асарлар. 2 жилд. – Т.: Маънавият, 2000й. – Б.36.
[310] Тынянов Ю.А. Литературная эволюция: Избранные труды. – М.: Аграф, 2002г. – Б.95.

муайян тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий вазиятлар ҳам, санъат, адабиёт, шоирга нисбатан турлича муносабатни талаб қилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бертельс Е.Э. Избранные труды. – М.: Наука, 1988г.
2. Навоий А. Мажолис ун нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 13 жилд. – Т.: Фан, 1997й.
3. Фитрат А. Танланган асарлар. 2 жилд. – Т.: Маънавият, 2000й.
4. Тынянов Ю.А. Литературная эволюция: Избранные труды. – М.: Аграф, 2002г.

## ИЗУЧЕНИЕ РОЛИ ТЕОЛОГОВ-БУХАРЦЕВ В ФОРМИРОВАНИИ ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ, НА ОСНОВЕ НАУЧНЫХ РАБОТ

**Мубинов Мухаммадали Акобирович**
**Бухарский Государственный Университет Преподаватель кафедры Истории Бухары Город Бухара, Узбекистан**

**ANNOTATION:** The current article is drawn up in order to investigate activities and explorations about the role of central Asian theologians in the process of implantation of Islam. Having analyzed this work, one can make independent conclusions about both: scientific and widely shared literature.

**KEY WORDS:** theology, fikh, ordo, “the gold circle”, tarikat, shariat, al-Bukhari, Naqshbandia, the seven saints.

**АННОТАЦИЯ:** Данная статья составлена для изучения мероприятий и исследовательских работ, проведенных в целях ознакомления с ролью бухарских ученых-теологов в процессе внедрения исламской религии их жизнедеятельности. Анализ данной работы, дает возможность делать самостоятельные выводы, как о научных работах, так и работ, предназначенных для широкой аудитории.

**КЛЮЧЕВЫЕ ПОНЯТИЯ:** теология, фикх, орден, золотое кольцо, тарикат, шариат, Аль-Бухари, Накшбандия, семь пиров (наставников).

Территория Бухары с незапамятных времен считается местом, подарившей миру великих мыслителей Востока, мудрецов, и, несомненно, теологов. В разные временные формации здесь проживали выдающиеся хадисоведы, суфисты, члены духовно-религиозных орденов, о которых впоследствии заговорил целый мир. Именно благодаря им Бухара по сей день славится как город, который озаряет мир своей святостью.

Деятельность среднеазиатских теологов всегда вызывала необычайный интерес у европейцев. По этой простой причине они проделали большой труд по их изучению. Результаты этого труда еще один раз доказывает какое важное значение имели наши улемы в формировании и повсеместном распространении исламской религии.

Текст достаточно современной книги, названной «Биография Имама Бухари» (“The biography of Imam Bukhari”) сравнительно новый, но, несмотря на это он содержит уйму полезной информации о рождении и ранней жизни, учителях, характере, об уровне знания фикха и суждениях о фикхе Имама аль-Бухари[311]. Такой же масштабной является работа, изданная в Малайзии. В данной работе «Ас-Саххих аль-Бухори» рассматривается, скорее, как исторический источник, сообщающий о ранних стадиях распространения ислама. В книге собраны лучшие главы «Аль-Жоме» и интерпретированы Мухаммадом Асадом[312].

Не менее значим труд А. Франка. В своей работе он рассказывает о вероятности построения сыном Абдулхалика Гиждувани мавзолея в Туркестане, который мог быть построен также и учеником Ахмада Яссави Хусейнбеком[313].

А. Мария Элизабет Лоу приводит в пример хадис о пророке Мухаммаде, увидевшем свет, исходящий в небо с Земли. Этот озаряющий свет был направлен из священной Бухары.[314]

Очень интересна по своему содержанию и следующая книга, название которой можно перевести как «Классический Ислам и традиции суфийского учения Накшбандия», написанная верховным исламским консулом Америки – шейхом Мухаммадом Каббани. Книга содержит изложенные по

[311] “The Biography oh Imam Bukhari”. By IDP research division. 2019
[312] “ Sahih al Bukhari. The early years of islam” Pola Hamida Asad.1981. IBT. Kuala Lumpur.
[313] “Bukhara and the muslims of Russia: sufism, education and the paradox of islamic prestige”. Boston. 2012
[314] “Everyday Islam in Post-Soviet Central Asia”. Maria Elisabeth Louw. 2007.NY.

порядку сведения членов «Золотого кольца»: их историю, происхождение, деятельность, идеи и прочее.[315]

Впрочем, этим не подразумевается, что научные деяния не велись лишь в Европе. Мы имеем достаточно материалов, казахских, киргизских, а также украинских, русских, и, несомненно, узбекских. Среди них можно выделить статьи Кобзевой О. («История исламской культуры и ее изучение в современном Узбекистане». Россия и Мусульманский мир.2017), Магомедовой З.А. («История проникновения Накшбандийского тариката в Дагестан». Известия ВУЗов. Северо-Кавказский регион. Общественные науки.2009), Анохина А.Н. (« О поручительстве и залоге в хадисах Имама аль-Бухари». Ученые записки Крымского Федерального Университета им. Вернадского. Юридические науки. 2008), Алсабекова М.Х. («Ходжа Ахмед Яссави и распространение суфийского направления ислама в Казахстане». Вестник Академии Знания. 2013), Ямаевой Л.А («Суфийские братства на Южном Урале». Проблемы Востоковедения.2008) и других.

Небывалое количество произведений имеется раскрывающих особенности жизни и деятельности среднеазиатских религиозных деятелей и в отечественных трудах. Подавляюще большинство из них было издано уже в период независимости, так как любые изыскания в данной тематике были ограничены до 90-х годов ввиду конкретных политических причин. Именно независимость дала возможность ещё более глубокого изучения деятельности тех, кем гордится не только Узбекистан, но и весь исламский мир.

В основном это небольшого объема брошюры, справочники и сборники научных статей. Проанализируем их на примере нижеупомянутых трудов.

Одним из более значимых авторов, издавших много работ по изучаемой теме, был Садриддин Салим Бухорий. Его произведения невозможно просто обойти стороной, ибо они содержат значимые, достоверные сведения.

Рассмотрим его пособие, посвященное Абу Хавс Кабиру[316]. Данное пособие рассчитано на широкий круг читателей и примечательно содержанием достоверной информации о выдающемся мыслителе Абу Хавс Кабире, а также об улемах, покоящихся рядом с ним, в его мавзолее.

Абу Хавс Кабир имел важное значение в социально-культурной жизни Мавераннахра. Ведь именно благодаря его деяниям в стане открывается ряд учебных заведений, предназначенных для религиозных правоведов на основе учения ханафийа. Из-за пропаганды им в Мавераннахре учения Ханафийа его знали как «Учителя ученых и мыслителей Мавераннахра»[317]. Имел он величественный дворец, от которого, к слову, сохранилась всего лишь определенная часть (молельня), а также неимоверное количество учеников по всей стране.

Более обширные содержательные сведения об этом религиозном деятеле вбирает в себя работа еще одного автора - Нарзуллы Юлдашева под названием «Хожат Барор имом Абу Хавс Кабир Бухорий», изданная в Бухаре в 1994 году. Здесь можно встретить очень интересные факты: начиная от года его рождения (150 год хиджры)[318] в Бухаре. Данная работа показывает, что он являлся учеником известного исламского правоведа Абу Ханифы ан Нуъмон ибн Собита. Также в источнике сообщается, что Абу Хавс Кабир исповедовал шиитский толк исламской религии и проделал немалый труд на пути распространения мазхаба ханафия.

В общем счете Н. Юлдашев издал определенное количество работ по изучаемой теме. В их перечень можно соотнести его книгу, также написанную на родном языке «История некоторых святых Бухары» («Бухородаги айрим авлиёлар тарихи») в 1993 году.

«Самая сложна и непостижимая тайна - это сам человек, познание им себя самого»[319]. Эти слова в полной мере отражают основную идею работы М.Н. Болтаева, посвященную жизнедеятельности Абдулхолика Гиждувони. В своем научном труде автор приводит к сведению читателя тот факт, что Гиждувани являлся духовным наставником и учителем Бахауддина Накшбанди.

В книге делается отсылка к произведениям самого Гиждувани, число которых равнялось четырем:

-«Рисола-и тарикат»;
- «Рисола-и сахабийа»;
- «Васиятнома»;
- «Зикри Абдулхолик Гиждувоний»

[315] “Classical Islam and the Naqshbandi sufi tradition” Chairman, Islamic Supreme Council of America Shaykh Muhammad Hisham Kabbani.
[316] Садриддин Салим Бухорий. «Хазрат Абу Хавс Кабир. Имом Хожатбарор».:Бухоро. 2006.
[317] Как сообщает источник, данная надпись была обнаружена в эпитафии мыслителя.
[318] В григорианском летоисчислении данная дата отождествляется с 767 годом
[319] «Хужа Абдулхолик Гиждувоний – инсондуст хаким, ърифат шайх». М.Н.Болтаев.:1994. – Б.43.

Выделяется среди всех трудов работа З. Жамоловой[320]. Особенной ее делает список «силсилаи шариф», так называемый «золотой круг», включенный автором в состав книги. Список представляет собой порядковое изложение всех членов (39) «золотого кольца» с годами их жизни. Так, к примеру, в данное объединение входили: Хазрат Абу Бакр Сиддик (572-634), Имом Жаъфар ас-Содык (700-765), Хожа Абдулхолик Гиждувоний (1103-1179) и множество других.

В добавок можно упомянуть и внутренних правилах данного круга, которых автор насчитывает 17: Сабр, факр, тавозе, хавф, такво, ихлос, шукр, таваккал, ризо, якин, зикр, унс, курб, васл, мухаббат, вужуд, галаба[321].

Считаю долгом упомянуть и о другом произведении Садриддина Салима Бухори, (изданную на узбекском языке) «Бахоуддин Накшбанд ёки етти пир»[322]. Работа содержит очень важные и содержательные сведения о деятельности шейха Бахауддина (1318-1389), о его влиянии в духовго-религиозный орден «Накшбандия», о его жизненном пути, наставлениях и передовых идеях, которые составляют основу его учения.

Очень уместно будет упомянуть здесь о работе издательства «Нашриёт» при Бухарском Государственном университете, посвященное шейху Бахауддину. В работе отражены жизненный путь шейха, а также тезисы и статьи ученых, проводивших свои исследования по данным вопросам.

Имеет место быть в этой статье и труд Г.Наврузовой «Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси», так как автор рассматривает в своей работы влияние учения накшбандия на умы народных масс.

Бахауддин Мухаммад бин Бурхан ад-дин Мухаммад аль-Бухари родился в 718 году Хиджры в 10 км от Бухары. Его родители – Саид Жалолиддин и Биби Арифа пользовались большим уважением среди сельского населения. С семи лет Бахоуддин уже знал наизусть Коран. Его учителями были Мухаммад Бабаи Саммаси и Абдулхолик Гиждувоний.

Своими деяниями Бахоуддин Накшбан оставил после себя неизгладимый след. К слову, как говорил первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов: «В современном сложном и тревожном мире, когда все еще продолжаются конфликты и столкновения, призывы Накшбанда – уважать и свято чтить человека независимо от его национальности, языка и религиозных убеждений, утверждать атмосферу взаимной любви и доброты, заботиться о сиротах и помогать нуждающимся – приобретают особое значение».

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА БУХОРИЙЛАРНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**Ойбек Ражабов – ўқитувчи, Бухду**

*Ушбу мақолада Марказий Осиё илмий-маданий меросини, ислом дини, тасаввуф, маданият-маърифат ва тарихий тафаккурни ривожланишида муносиб ҳисса қўшган Бухорийларнинг илмий-ижодий ва маънавий мероси илмий жиҳатдан таҳлил этилган*

*In this article, scientific-creative and spiritual heritage of Bukhara, who made a worthy contribution to the development of the scientific-cultural heritage of Central Asia, Islamic religion, mysticism, culture-enlightenment and historical thinking, was scientifically analyzed*

*Барс Бойкандий Бухорий*. Унинг фаолияти Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврига тўғри келиб, у 874-907 йилларда Мавороуннаҳрда ҳукмдорлик қилган Исмоил ибн Аҳмад ас-Самонийнинг саркардаси бўлган[323]. Ўзининг тиришқоқлиги, ҳарбий ишга салоҳияти, интизомга қатъий риоя этиши, қийин ва оғир, мураккаб вазиятларда тез қарор қабул қила олиши билан амир Исмоил ибн Аҳмадга манзур бўлиб, оддий ёлланма аскарликдан марказлашган давлатнинг сипоҳсолори (лашкарбоши) даражасига етган. Шундан кейин Амир Исмоил уни Хуросоннинг Рай, Табаристон ва Журжон вилоятларига ҳоким этиб тайинлаган. Ҳокимлик лавозимида ишлар экан, бутун Хуросонда катта мавқега эга бўлган. Унинг ихтиёридаги Хуросон қўшини деб ном олган тўрт минг отликдан иборат гвардия нафақат Мавороуннаҳрда, балки халифаликда ҳам машҳур бўлган. Амир Исмоилнинг

[320] «Етти пири комил». З.Жамолова.:2005. – Б.23.
[321] Там же. Стр.7
[322] «Бахоуддин Накшбанд ёки етти пир». Садриддин Салим Бухорий.: Т. Ёзувчи.1993
[323] Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотининг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VII –XI асрлар). – Тошкент, 2020. – Б. 23.

вафотидан кейин унинг ўғли Аҳмад ибн Исмоил билан ўрталарида низо келиб чиққанлиги боис Бойкандий халифалик пойтахти Бағдодга йўл олади ва халифа ал-Муқтадир томонидан Бану Ҳамдан қабилалари ерларига юборилиб, Диёр Роббиа вилоятига ҳоким этиб тайинланади[324]. Сараланган отлиқ қўшини билан вилоят ҳокими бўлиб турган Барс Бойкандийнинг янада юқори лавозимга кўтарилиб боришидан хавфсираган халифанинг атрофидаги амалдорлар унга суиқасд уюштириб ўлдирадилар. Барс Бойкандий тўғрисида Наршахий, Ибн ал-Асир, Ибн Ҳавқал ўзларининг асарларида маълумот берган.

*Муҳаммад Калободий Бухорий.* (ёки ал-Калобозий), *Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ* алБухорий [(?, Калобод (*Бухоро* ш. яқинида) - 990 ёки 995, ?) - ҳанафийлик фақиҳи, тасаввуф бўйича араб тилида ёзилган энг машҳур илк асарлардан бирининг муаллифи[325]. Бухорода вафот этган деб тахмин қилинади. Калободий ҳуқуқни Муҳаммад ибн Фадладан ўрганган, суфий *шайх* Қосим Фарисга шогирд тушган. Калободий ёзган 5 ёки 6 асардан 2 таси бизгача етиб келган. Пайғамбарнинг баъзи ҳадисларига ахлоқий тусдаги қисқа *шарҳ* — «Маъоний ал-ахбор ва ат-таъарруф ли-мазҳаб ахл ат-тасаввуф» («Хабарлар маънолари ва тасаввуф аҳли мазҳаби билан танишиш китоби») исломнинг биринчи уч асрида тасаввуфни ўрганишда асосий асарлардан бири бўлди. Китобни суфийларнинг кейинги авлодлари юқори баҳолаган. Хусусан, шайх Яҳё *ас*-Сухравардий ал-Мақтул (1191 й. в. э.) «агар «Ат-Таъарруф» бўлмаганда тасаввуфдан бехабар қолардик» деган эди[326]. Суфийларнинг қарашлари ва амалиёт усули баён этилган бу асарда тасаввуфнинг ислом ақидаларига тўғри келмайдиган жиҳатларини келиштиришга уриниш бор эди.

Бунда тасаввуф бутунлай «тақводорлик» доирасидан чиқмайди, у ўзининг диндорлик йўлига шубҳа туғдирмайди деб тушунтирилган. Асар 75 бобдан иборат, уни 3 қисмга бўлиш мумкин: биринчи — тарихий қисмида суфий ва тасаввуф тушунчасига таъриф берилади, машҳур мутасаввифлар, уларнинг тасаввуфии жасоратлари ҳақида ҳикоя ва ривоятлар; иккинчи — диний ақидаларни ҳимоя қилувчи қисмида суфийлик ақоиди усули, мутасаввифлар тақводорлигининг исботи; учинчи — тасаввуф амалиёти қисмида тасаввуф йўлининг асосий босқичлари, суфийлар ўртасида қабул қилинган баъзи атамалар баён қилинади. Калободий асарига кўплаб шарҳлар ёзилди. *Абу Иброҳим Исмоил* ибн Муҳаммад ал-Мустамлийнинг (1042 й. в. э.*)* форс тилида ёзган «Нур ал-мурийдий («Муридлар нури») асари *шуҳрат* қозонди. Бу шарҳ тасаввуф тарихига оид манба сифатида деярли оригинал асардан қолишмайди. Унинг фиҳристларидан бири 1081 й. 7 апр. да кўчирилган, бу бизгача етиб келган қад. форсий қўлёзмалардан иккинчиси ҳисобланади.

*Ҳисомий Қоракўлий Бухорий.* Темурийлар даврида Қоракўлда яшаб ўтган, илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшганганлиги тўғрисида унчалик кўп бўлмаса-да, айрим маълумотлар сақланиб қолган. Ҳисомий Қоракўлий (Девона Ҳусомий ёки Девонаи Ҳисобий) 1442 йилда туғилиб 1505 йилда вафот этган. У созанда, бастакор, хонанда ва шоир бўлган. Хўжа Аҳрорнинг таклифига биноан, Қоракўлдан Самарқандга кўчиб келган ва унинг хонақосида бошқа ҳофизлар билан биргаликда Жалолиддин Румий, Қосим Анвар ва ўзининг ғазалларига битилган асарларни куйлаган. Ўрта асрнинг машҳур мусиқашуносларидан ҳисобланган Дарвешали Чангийнинг мусиқа тўғрисидаги рисоласида Девонайи Ҳисомийдан кўпгина нақшлар, пешравлар ва шеърий девонлар мерос бўлиб қолганлиги таъкидланади[327].

*Мирзо Содиқ Жондорий Бухорий* (тўлиқ номи: Мирзо Муҳаммад Содиқ ибн Абдували Мунший Жондорий) (18 а. 50-й.лари, Жондор тумани — 1819, Карши) — шоир. «Содиқ» тахаллуси б-н ижод қилган. У сарой хизматига чақирилиб, Бухоро манғит ҳукмдорлари амир Дониёл, амир Шоҳмурод ва амир Ҳайдарлар даврида оддий мирза (мунший)ликдан мирзабоши — бош муншийлик даражасига кўтарилади. Мирзо Содиқ Жондорийдан бизгача 4670 байт етиб келган[328]. Унинг 2 девони ва бир муншаот (хатлар, номалар) тўплами мавжуд: биринчи девони 300 дан ортиқ ғазал, 14 мухаммас, 59 рубоий, 20 қитъа, 2 қасида, 34 муаммо ва 20 фардни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси «Дахмаи шоҳон» («Шоҳлар қабристони»), «Рафъи тумани Оҳугиру Хайробод» («Оҳугир Хайробод туманларига саёҳат»), «Қазову қадар»(«Қисмат»), «Ошиқ шудани дарвеш ба духтаре» («Дарвешнинг бир қизга ошиқ бўлгани») номли достон маснавийлари ҳамда 33 та таърихқитъадан иборат. М.С.Ж.нинг 27 та қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади.

---

[324] Кўрсатилган асар. – Б. 29.

[325] Раҳимов К. Моваруннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотининг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VII –XI асрлар). – Тошкент, 2020. – Б. 45..

[326] Ўша жойда

[327] Ахмедов Б. Ўзбекистн тарихи манбалари. – Тошкент, 2001. – Б. 165.

[328] Кўрсатилган асар. – Б. 187.

*Шайх Сулаймон Бухорий,* У 1821 йилда Қоракўл туманининг Қундуз қишлоғида туғилган. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлиги учун ҳам у ёшлигидан савод чиқаради. Бухоро мадрасаларида таҳсил олади ва ўз даврининг мукаммал илмларидан хабардор бўлади. Адабиётга ҳавас қўяди, шарқ классиклари Навоий, Лутфий, Мунис, Огаҳий ва бошқаларнинг асарларини мутолаа қилади. «Нақший» тахаллуси билан шеърлар ёзади. 25 ёшида, яъни 1846 йилда Бухоро амири Насруллохон уни Туркия давлатига элчи қилиб юборади ва бир вақтнинг ўзида Истанбулдаги ўзбек қавмининг раиси ҳам қилиб тайинлайди. Амирликнинг Туркиядаги Шехбендери (элчиси) бўлиб ишлар экан, Султон Абдулҳамид номидан Европа Давлатлари вакиллари билан музокора олиб боришга қатнашган[329].

Истанбулда у «Муҳожирин» деб аталган турк қабилаларининг илмий жамиятига аъзо қилиб сайланади ва 1875 йилда Венгриянинг Сакден шаҳрида ўтказилган туркшуносларнинг халқаро анжуманида шу жамият номидан қатнашади. Сулаймон Бухорий томонидан Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Амир Умархоннинг бир қатор китоблари нашр эттирилган. Шайх Сулаймон Бухорий ўз саёҳати давомида Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон ва Хитойда бўлади, бу мамлакатлар халқларининг урф-одатлари ва маданияти билан яқиндан танишади.

Сулаймон Бухорий кўп йиллик илмий тадқиқотларини жамлаб, «Луғати Чиғатой ва Турки Усмоний(икки жилдли)» луғатини тузади. У 1882 йилда Истанбул шаҳрида «Меҳрон» матбаасида нашр этилади. С. Бухорийнинг меҳнати самараси шундаки, ушбу китобда Аҳмад Яссавийдан Завқийга қадар ўтган юз нафарга яқин ўзбек шоирларининг асарларидан намуналар келтирилади. Биргина Навоий асарларидан 400 дан ортиқ мисол қаламга олинган. Сулаймон Бухорий ҳижрий 1298 (мелодий 1882-1883) йилда вафот этган.

## НОСИРИДДИН ТУСИЙ ГНОСТИЦИЗМИ-ИРФОНИЙ БИЛИШ НАЗАРИЯСИ ВА ИЛМЛАР ТАСНИФИ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАЪЛИМОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДГИ МЕТОДОЛОГИК ЎРНИ

**Қўшшаева Нафиса Мансуровна**
БухДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”кафедраси ўқитувчиси

Барча даврларда хам илимларни таснифлаш энг асосий ва зарурий муаммолардан бири хисобланган. Бир сира тадқиқотчилар илим тарихини янги даврда майдонга келганини ва илимшуносликнинг мустақил бир фан каби XX асрда барқарор бўлганини билдирадилар.Мусулмон шарқида илимлар таснифоти илк бор қилган Халил ибн Ахмад Фараҳидий (718-791) ҳисобланади.Баъзи тадқиқотчилар машҳур Араб олими Абу Мусо Жобир ибн Ҳаййанинг (721-815) “Китоб – ал – ҳудуд” асарида илимларни таснифоти муаммоларининг қўйилишидан бахс этсада бу асарда бу асарда муаммо ҳолида қаралмайди.Бу жиҳатдан ҳам ислом дунёсида илимлар таснифотининг берилиши муаммоли асосли ҳолда Ҳалил ибн Аҳмаддан бошланади.Ҳалил ибн Аҳмаддан сўнг Ёқуб ал Киндий (800-873) ўзининг илимлар таснифотини беради.

Шарқ оламида илимлар таснифотини мукаммал шакилда берган файласуф Абу Наср Фаробий (870-950) бўлади. Унинг бир қанча асарларида бу муаммо кенг шакилда таҳлил қилинади.Носириддин Тусий (1201 – 1274) ҳам ўзининг ўткир закоси билан ушбу муаммога алоҳида тўхталади. Илимнинг моҳияти ва илимларнинг таснифоти борасида ўз фикирларини билдиради. Тушунча тарихида илимларни таснифотини илк маротаба берган Аристотел тушунчаларидан, Ал Киндий таснифидан ва Фаробий таснифидан баҳс этган Тусий ҳам илмларнинг таснифини ўзига хос шакилда тасниф этади. “Агар илимларнинг таснифотини назардан кечирсак, ҳар иш фалсафа билан боғлиқ экани билан бошланади.Чунки қадим даврда илмлар фалсафадан айрилмас эди. Тасодифий эмаски , Аристотел ҳам илмлар таснифотини фалсафагача боғлиқ ҳиссалари каби беришга ҳаракат қилган.”

Носириддин Тусий ҳам илимларни систематик шаклда санаб кўрсатган. У илмлар таснифини берар экан, назарий ҳикмат ва амалий ҳикмат дея икки гуруҳга бўлади.[330] Назарий ҳикматнинг илмий назариялар , амалий ҳикматда эса практик фаолиятга алоқадор. Агар ҳар бир шахсда назарий ҳикмат ва амалий ҳикмат баробар формада бўлса, бу вақтда энг комил олим каби ўртага чиқади.

Илмлар таснифоти ҳақида сўз юритганда Носириддин Тусийга кўра ҳам илм ҳикматинг ва таркиб ҳиссасидир. Азарбайжон олими А.Ризаев ҳақли равишда қайд этгани каби “Тусийнинг илмлар таснифоти ўз аҳамияти, теранлиги ва сиқиёси эътиборига кўра, диққатни жалб этади... Тусий

[329] Ахмедов Б. Ўзбекистн тарихи манбалари. – Тошкент, 2001. – Б. 191
[330]Tusi Nəsirəddin. Əxlaqi Nasiri. Bakı: “Lider” nəşriyyatı, 2005. – Б. 14.

XIII асрда оригинал таснифот системасини яратади. Ўзидан аввалги файласуфларни таснифларини қиёслаш йўлида муҳим қадамни қўйди."[331] Шарқ перипатерик файласуфларидан Фаробий, Беруний ва Ибн Синонинг илмлар таснифига доир фикрлари Носириддин Тусийнинг илмшунослик (ёки илм ҳақидаги илм) борасидаги фикрлари учун замин ҳозирлади. У илмларни таснифлашда Шарқ перипатерикларининг нуқтаи – назаридан келиб чиқиб, таҳлил этади.

"Илм борлиқларнинг ҳақиқатидан нима бўлганини тасаввур этмоқ, инсоннинг эратувчи ақли, нафси - амр ва соғлом тушунчаси доирасида унинг хусусият ва кайфиятларини кашф этмоқдир." Тусийга кўра ҳақиқатда мавжуд бўлган бутун борлиқлар зарурий ва мумкин борлиқ каби икки қисмга бўлинганидек ҳикмат илми ҳам икки қисмга бўлинади. Назарий ҳикмат ҳам ўз ўрнида борлиқларни бор бўлиш этиборига кўра икки қисмга ажратилади.Бу ерда асосий жиҳат борлиқларнинг модда бўла олиши мумкин ва мумкин эмаслиги алоқаси асосий ўрин тутади. Назарий хикмат бу жаҳатдан икки қисмга ажратилади:

1. Модда билан алоқадор бўлган борлиқлар ҳақидаги илм.

2. Модда билан алоқадор бўлмаган борлиқлар ҳақида бўлган илм.[332]

Натижа ҳам навбатида икки қисмга бўлинади, буларнинг бир қисмида модданинг иштироки бўлмасдан ҳам тасаввур қила олинади.Иккинчи қисмда эса модданинг иштироки соясида мумкин бўлганлар ҳақидагилар мавзунинг обектига ўгирилади.

Юқорида берилган изоҳлардан сўнг Тусий назарий ҳикмат илмини уч қисмга бўлади:

1. Метафизика – табиатнинг орқасида, Аллома бу тушунчани " Мадад ат – табиат" деб номлайди.

2. Риёзиёт.

3. Табиат илимлари.

Назарий ҳикмат илмининг бу уч бўлинишининг ҳам ҳар бирининг асосий ва кўмакчи бўлимлари бор. Жумладан Метафизика илмининг икки асосий формаси мавжуд: Илоҳиёт ва фалсафа. Қатъий аҳком ва схоластика билан йўғрилган илоҳиёт зарурий борлиқнинг мавжудлигидан, бу борлиқнинг характер жиҳатдан зарурий борлиқ фаолиятининг форма ва усулларидан бахс этади. Фалсафа эса фалсафий категорияларининг мохияти изоҳи бўлиб, бу борада маълумотлар беради.Метафизика илимнинг асосий бўлимларидан бошқа кўмакчи бўлимлари ҳам фаолият кўрсатади.Булар нубувват, имомот ва охират бўлимлари мисол бўла олади. Нубувват бўлимида Пайғамбарлик ва унинг шартларидан баҳс этади. Имомат бўлимида эса имомлик ва унинг шартларидан бахс юритилади. Тусий ўзининг "Тажридул – этиқод" номли китобининг " Нубувват " фаслида нубувват ва имомотнинг бир бири билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини изоҳ этади.Охират бўлимида эса, дунё ҳақида музокаралар юритади.

У ўзининг "Авсафул – Ашраф" (Шарофатли инсонларнинг хусусиятлари) номли асарида қайд этадики: "Аллоҳга иймон келтирганлар дунёда хам, охиратда хам маҳкам бир сўз билан собитқадам этади.[333]

Тусий "Тадрид ул – эътиқод" ҳам охират дунёсининг вожибблигидан бахс этиб, қайд этадики, барча инсонлар ёлғиз охиратда ҳақиқатни очиқчасига кўрсатадилар.Назарий ҳикмат илмининг иккинчи формаси бўлган риёзиёт илми одатларининг, ўлчовларнинг, само жисмларининг ва товушларининг характер хусусиятларини шарх этади. Бу жиҳатдан Тусий назарий илмни тўрт қисмга бўлади.

1.Ҳандаса.

2. Одатлар илми.

3. Нужум ва ҳаёт илми.

4. Оҳангшунослик.

Ҳандаса ўлчовлар ва ўлчовларнинг характерини ўрганади.Одатлар эса одатлар ва уларнинг характерларини ўрганади. Нужум ва ҳаёт илмида эса, само жисмларининг бир – бири билан бўлган алоқаси, уларнинг фарқли ва ўхшаш ҳусусиятлари таҳлил этилади. Тусий мусиқа илмини оҳангшуносликка киритади. Ушбу илм айни замонда мусиқий товушлардан, бу товушларнинг кайфиятларидан баҳс этади.

Илмларни таснифлаш борасида ўз фикрларини давом эттирган Тусий риёзиёт илмининг кўмакчи бўлимлари борлигини қайд этади. Унингча, бу кўмакчилар, жабр, муқабила механика ва бошқалар.Ҳозир бу фанларнинг баъзилари мустақил илм соҳасига айланган. Баъзилари эса риёзиётдан чиқарилиб, илм соҳасига айланган.

---

[331]Рзаев А. НасирэддинТуси. Баку: Элм, 1863. – Б. 71-79.

[332]Tusi Nəsirəddin. Əxlaqi Nasiri. Bakı: "Lider" nəşriyyatı, 2005. – Б. 17.

[333]Абдуламир ал-Асом. Ал-ФайласуфНосириддинат-Тусий. Байрут, 1980. – Б. 23.

Илмлар таснифини ўз даврида дунёқарашига уйғун ҳолда тадқиқ этган Тусий табиат илмларини саккиз қисмга бўлади.

1. Табий одатлар – бунда замон ва макон, ҳаракат, собитлик, чеклилилик ва чексизлик каби тушунчаларнинг моҳияти очилади.

2. Оталар ва аломатлар – само ва ер жисмларининг характерлари, соддалик ва мураккаблик каби тушунчалар бу ерда ўз аксини топади.

3. Ковно – фасад- бунда моддаларнинг пайдо бўлиши ва йўқолиши, уларнинг бир формадан бошқа формага утиши ўрганилади.

4. Само тазаҳурлари – бунда табиат ҳодисаларининг сабаби ва моҳияти ўрганилади. Бу ҳодисаларнинг сабаби ва моҳияти ўрганилади. Бу ҳодисаларнинг асл мағзи очилади.Тусий яшаган даврда само илми тўрт қисмга бўлинган.

1. География астраномия.

2. “Ҳикмат ул – афлак” деб номланган бўлимда планеталарнинг ҳаракат траекторияси ўрганилган.

3. “Илмул аҳком ул нужум” – бунда ўн икки буржнинг спесифик хусусияти ҳақида маълумот берилган.

4. “Илми ул – рукат ” бунда замоннинг хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Бу даврда замоннинг ўлчови билан шуғулланган одамлар “Муваққит” дейилган. Само илмининг ичида “Илми ул – рукат” яъни, замоннинг ўлчанмаси ва географик астраномия булимлари бошқа бўлимлардан кўра каттароқ аҳамиятга эга бўлган.

1.Маданиятшунослик – бўлимида мураккаб моддаларнинг таркиблари борасида сўз юритилди. Бу тушунча ҳозирги даврда минералогия ва кимё илмига ўхшашдир.

2. Набодод илми.

3. Ҳайвонот илми.

4. Нафс илми – яъни, психалогия илмида инсонларнинг характер хусусиятлари ва аҳволларидан баҳс этади.

Тусий ўзининг илимлар таснифотиданда нужум аҳкомлари деб номланган. Астраномия илмини ҳам риёзиётнинг,ҳам табиат илмининг кўмакчиси сифатида кўрсатади.Тусий мантиқ илмини ҳеч бир илмига киритмасдан, қайд этадики, “ Мантиқ илмига келганда эса, демак лозимдирки, у ашёларнинг кайфиятини билмоқ, мажҳул бўлганларни ўртага чиқармоқ усулидан иборатдир. Демак асл маънода у таълим илмидир (Илмлар илмидир), бошқа илмларни ўрганмоқ учун бир ҳолат, бир савиядир.

Тусий назарий ҳикматнинг бўлимлари борасида маълумот бергандан сўнг, амалий ҳикмат илмининг ҳам таснифотини беради.Амалий ҳикмат илми инсонларнинг амалий фаолияти билан билан боғлиқдир. Амалий ҳикмат билвосита инсонларнинг хаёт–шароитини мақсадига уйғун шаклда яхшилантирилишича тўғри йўналтирилгандир. Амалий ҳикмат икки қисмга бўлинади. Булар фарқий ва умумийдир. Умумий амалий ҳикмат ўз навбатида иккига ажралади.

1. Яшаш маскани бўлган уй ва манзил билан ўртоқ бўлганлар.

2. Янада кўп инсонлар тупланадиган шаҳар, вилоят ва ўлка кабилар билан ўртоқ бўлганлар.

3. Амалий ҳикмат борасида “ Аҳлоқи Носирий ”асарида кенг маълумот берган Тусий ҳикмат илмининг бу бўлимини 3 қисмга ажратади:

1. Аҳлоқи тамийзламак илми ёхуд этика.

2. Оила қуриш илми.

3.Ўлка ёки шаҳарларни идора этмоқ илми. Ёки сиёсат илми.[334]

Ахлоқни ажратиш илмида этик – ахлоқни категориялар шарҳ этади, илмни бу соҳасида бошланғич ва мақсадлардан иборат бўлиши ҳақида икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратилади. Бошланғичлар ёхуд асосларда инсоний нафс ва инсоний нафсларнинг комиллиги ва ноқислигининг нимадан иборат бўлиши ҳақида маълумот беради. Хайр ва саодатнинг нимадан иборат бўлиши ҳам бу ерда изоҳ этади.

Оила қуриш илмида оиланинг яратилиш сабаблари, оилани идора этмоқ қоидалари, авлод тарбия қилмоқ, бола бурчи ва волиданинг маъсулияти каби жиҳатлар бу ерда шарҳ этилади.Ижтимоий – сиёсий дунёқараши эса давлат ёхуд шаҳарларни идора этмоқ илмида изоҳ этилади. Бунда халқларнинг маданятига бўлган эхтиёжининг ва ижтимоий жиҳатларининг асл моҳиятининг очиб беради. Давлат бошлиғи билан халқнинг бир – бири ўртасидаги алоқа, ирода этиш хусусиятларининг бу ерда кенг шарҳи ўз аксини топган.

[334]Tusi Nəsirəddin. Əxlaqi Nasiri. Bakı: “Lider” nəşriyyatı, 2005. – Б. 67.

Булардан фарқли ўлароқ амалий ҳикмат соҳасида инсонларнинг ўз яшаш шароитларининг яхшиламоқ учун қилиниши лозим бўлган тадбирлар ҳам (табий) ва қарорий (ихтиёрий) каби икки қисмга бўлинади. Тусий илмлар таснифотининг берар экан бу тадбирларнинг аслида илмларнинг таснифотига алоқадор бўлиши борасида маълумот беради.Фитрий бўлган тадбирлар уйғоқ инсонларнинг ҳаёт тажрибаси билан ўрганади. Замонанинг турли туман йўлларидан фитрий ёки табий бўлган тадбирларнинг сояда уйғун йўлини топмоқ, бу фитрий қобилятлар бир маёқ ролини ўйнайди.

Ихтиёрий ва ёки қарорий бўлганларнинг қарори натижасида формалашган одат ва ананаларнинг тўпланишига дейилади. Ихтиёрий бўлган тадбирлар Аллоҳнинг ва унинг пайғамбарларининг буйруғи натижасида ҳам барқарор бўла олади. Бу нуқтаи назардан ҳам қарорий бўлганлар уч қисмга бўлинади:

1. Фордий одамларга оид бўлганлар; ибодат ва зиёрат буларга оиддир.
2. Оила муносабатига оид бўлганлар; никоҳ, тўй буларга оиддир.
3. Шаҳар аҳолисига оид бўлганлар; идора этмоқ, жазо бермоқ, қонунлар.

Бу жиҳатдан бўлган муносабатлар, фиқҳ яъни мусулмон ҳуқуқи воситаси билан тартибга солинади. Жамиятда юз берган бутун жараёнлар қонунлар билан идора этилиши шариат аҳкомларига асосланган фиқиҳга асосланади. Ислом ҳуқуқи бўлган фиқҳ асосан Қурони Каримга, Ҳадисга,ижмога ва қиёсга асосланади.

Хулоса қилиб айтганда, Носириддин Тусий илмларни таснифотига хам асосий эътибор каратиб, илимнинг мохияти айнан таснифлаш орқали очиб беришга ҳаракат килади. Қолаверса Тусий таснифотлаш жараёнида барча табий илимлардан тортиб диний илимларгача бўлган илимларни таснифот қилади,ҳамда ўз ўрнида мухим жиҳатдан асослаб беради.

Тусий илмлар таснифини ўз даврида дунёқарашига уйғун ҳолда тадқиқ этган. Чунки хар қандай илимни ўқиб ўрганишдан аввал унинг тавсиноти ва унга дахлдорлик , боғлиқлик жиҳатларини кўриб чиқиш ва ўрганиш баробаридагина ҳар қандай илимни ўрганиш ва таҳлил қила олиш қобилияти шакилланиши мумкин.

[1]Tusi Nəsirəddin. Əxlaqi Nasiri. Bakı: “Lider” nəşriyyatı, 2005. – Б. 14.

[1]Рзаев А. НасирэддинТуси. Баку: Элм, 1863. – Б. 71-79.

[1]Tusi Nəsirəddin. Əxlaqi Nasiri. Bakı: “Lider” nəşriyyatı, 2005. – Б. 17.

## МУСУЛМОН РЕНЕССАНСИ – ШАРҚ ТАМАДДУНИ ЖАВОҲИРИ

**Н.А.Жумаева БухДУ катта ўқитувчиси**
**Ш. Муяссаров БухДУ III босқич талабаси**

**Annotation:** *In the article, The Information provided by the founders of the Renaissance, who made scientific and creative discoveries in the history of the Central Asian region, in particular, the territory of today's Uzbekistan as an ancient cradle of science, culture and art, and made an unprecedented contribution to the development of the Universal humanities.*

Тарих фанига “Мусулмон Ренессанси” тушунчаси таниқли Австрия шарқшуноси Адам Мец (1876-1946) томонидан XX аср бошларида, янада аниқроғи, 1909 йилда киритилган. Олим “Шарқ” атамасини тарихий мазмунда ишлатиб, бунда Ўрта ер денгизидан то Европа қитъасигача (субконтинентгача) бўлган юртларни ва бу ҳудудларда IX-XII асрларда маданият юксакларга кўтарилганлигини кўзда тутган. Мазкур ўлкалар қадимий цивилизация бешигидир[335].

Собиқ совет даврида тарих ва ўқув адабиётларида фақат Ғарб Уйғониш даври ҳақида гап борарди. Шарқдаги Уйғониш жараёни ҳақида эса лом-лим дейилмасди. Чунки тарих фанида европоцентризм ғояси ҳукмрон, Ғарб илғор, Шарқ қолоқ ақидаси устувор эди. Ваҳоланки, ўша даврда австриялик олим А.Мец, рус олими Н.Конрад Шарқ Ренессанси ҳақида холисона фикрларини билдиришган. Ўзбек олимларидан И.Мўминов, М.Хайруллаев, Ф.Сулаймонова, Б.Қосимов, Т.Ширинов ҳам Шарқ Уйғониш даври ҳақидаги теран фикрларни салмоқли асарларида баён этган.

Темурийлар Ренессанси – Мусулмон Ренессанси Шарқ тамаддуни тожидаги жавоҳирлардан бири саналиб, уни ўрганишга бағишланган баъзи тадқиқотлар яратилди.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида тарихда биринчи маротаба: “Марказий Осиё Уйғониш

[335] Мец А Мусульманский ренесанс..- М:1973.

даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман", деб таъкидлагани бежиз эмас[336].

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, "Авесто"да ҳам маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илғор ғоялар илгари сурилган.

Ўзбекистон ҳудудлари тарихан Буюк ипак йўлининг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳамиша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар.

Биринчи Шарқ Уйғониш даври — IX-XII асрларда минтақамизда юз берган "Мусулмон Ренессанси" ҳисобланади. Шарқ Уйғониш даврида буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеъриятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, рассомчиликда Камолиддин Беҳзод баракали ижод қилганлар. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшди.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври — XIV-XVI асрлардаги иккинчи "Темурийлар Ренессанси"дир. Бунда Амир Темур бунёд этган улуғ салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳозирги даврда жаҳонга "ҳали-ҳануз ўз таъсирини ўтказаётган Ўрта Осиё цивилизацияси асосчиси", қолаверса, тарихда ҳам ўчмас из қолдирган буюк давлат арбоби, музаффар саркарда, моҳир дипломат, жонкуяр илм-фан ҳомийси, буюк бобокалонимиз Амир Темур асос солган салтанат ўзига хос салмоқли ўринга эгадир. "XV аср тақдирини белгилаб берган буюк сиймо" — Соҳибқирон ва унинг ворислари Туркистон, Хуросон, Форс, Озарбайжон ва Араб дунёсида бир ярим асрга яқин ҳукм суриб, марказлашган салоҳиятли туркий давлат ташкил этганди.

Амир Темур асос солган тамаддун XIV–XVI асрлар Турон тарихининг "олтин даври" – Уйғониш даврининг алоҳида босқичи "Мусулмон – Ренессанси" (А.Мец), "Шарқ Уйғониши" (Н.И.Конрад), ҳозирда "Темурийлар Ренессанси" номлари билан жаҳонда эътироф этилди ва тарихга абадий муҳрланди. Машҳур француз олими Люсьен Керен таъкидлаганидек, "европалик ижодкорлар Амир Темурни Шарқ Ренессансининг бунёдкори сифатида қадрлайдилар"[337].

XV асрда бугун Соҳибқирон Амир Темур бобокалонимиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берган. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилган. Бу даврда шаҳарсозлик, меъморлик, тасвирий ва амалий санъат, наққошлик, зардўзлик, металлга бадиий ишлов бериш, хаттотлик, илм-фан ва таълим-тарбия, бадиий ижодиёт, китобат санъати ва кутубхоначилик, мусиқашунослик каби соҳалар ниҳоятда ривожланган. Туронзамин Ренессанси таъсири Хуросон ва Ҳиндистон, ҳаттоки Европа мамлакатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Европа халқлари Темурийлар Ренессансини теран таҳлил қилганлар.

Амир Темур илм-фан ва маданият равнақига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъатшунослар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Бу олиймақом сиёсат натижасида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солинган.

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо — Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, Ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан ер юзининг сайқали сифатида эътироф этиладиган Самарқанд шаҳрини ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбобидир.

Кўплаб тарихчи олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XVI асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир

[336]Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
[337]Мец А Мусульманский ренесанс..- М:1973.

кўрсатган. Шарқ Уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Машҳур француз темуршуноси Л.Керен таъкидлаганидек: “Амир Темур инсоният ривожига ажойиб миниатюралар, тенги йўқ сирланган сопол идишлар, шеърият ва илҳомга тўла фалсафий асарлар яратилишига имкон яратган ўзининг улуғвор даври билан улкан ҳисса қўшган. Соҳибқирон бобомиз “Темурийлар Уйғониш даври” деб аталмиш сермаҳсул маданий меросга асос солган”.

**Адабиётлар рўхати.**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

2. Мец А. Мусульманский ренесанс..- М:1973.

3. Халқ сўзи газетасининг 3 сентябр 2020 йил сони.

## “АВЕСТО”ДА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИ

**Мунисхон Гуламова-Бухоро давлат университети**
**Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси докторанти**

**Annotation Annotation**: This article embodies the ideas of tolerance in the Avesta, the sacred book of Zoroastrianism.

**Keywords**: tolerace, Zoroastrianism, gracious thought, appy, social life, moral maturity, healty of heart (soul) , spiritual perfection.

Халқимизнинғ ижтимоий-фалсафий меросининг мухим таркибий қисми бўлған мутафаккирларимиз томонидан ривожлантириб келииган бағрикенғлик ғоялари узоқ тарихга эга. Албатта, ушбу ғояларнинг турлари ҳар хилдир, улар ижтимоий, диний, миллий, ирқий, ахлоқий тус олған. Шуни таъкидлаш керакки, мутафаккирлари-мизнинг ушбу таълимотлари, бир томондан, мадапият ривожлаиишида муҳим назарий-концептуал рол ўйнағаи бўлса, иккинчи томондан, улар маданият толерантлиғиниић тарихий-фалсафий неғичларини ташкил атади.

Айтиш керакки, ижтимоий-фадсафий тафаккуримизнинг кўпчилик оқимлари ва уларнинг вакиллари меросида бағрикенглик муаммолари у ёки бу даражада қўйилган. Бағрикенғлик ғояларининг шаклланиши қадимги даврда пайдо бўлган ва ривожлапиб келган маънавий меросимизга бориб тақалади.

Қадимги даврда минтақамиздаги ижтимоий ҳаётда, кишилар онгида, давлат фаолиятида зўравонликка қарши қаратилган барқарорлик, бағрикенглик ғояларинш шаклланишига улкан ҳисса киритган маънавий манбалар орасида зардуштийлик диии ва унииг асосий китоби «Авесто» муҳим жой олган.Умуман олганда халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қамраб олган «Авесто» айниқса барқарорлик ва бағрикенглик қадриятларига, улар асосида ижтимоий ва шахсий ҳаётни қуриш кераклигига катта эътибор бериб, унинг шу хусусиятлари кўпгина бошқа халкдар интилишларига мос келди ва улар орасида кенг тарқалди. Қадимги Хуросон, Форс, Ироқ, Мўғул, Балхдан тортиб, Сурия, Хитой, Рум, Турфон, Ҳабашистон, Ҳиндистон ва бир неча бошқа мамлакатларда зардуштийлик таълимоти ва ғоялари ўз мустақил жойини топди. Кейинчалик у бир неча мамлакатларда расмий дин сифатида қабул қилинганлиги маълум.

Зардуштийлик пайдо бўлган жойи мутахассислар томонидан ҳар хил кўрсатилмокда. Лекин ҳозирги вақтда уларнинг кўпчилиги зардуштийлик таълимоти Хоразм ҳудудида вужудга келган, деб таъкидламокда.

Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто» ўша даврда халқнинг яккахудолик динига мойиллигиии маълум даражада ифода этиб, лекин охириғача ушбу вазифапи бажаролмасдан уни дуалистик ғоялари билап маьлум даражада боғлаган. Ушбу таълимотда, дунё асосмда иккита ибтидо сифатида яхшиликниг рамзи бўлғаи Ахура Мазда ҳамда унга қарши турган ёвузлик рамчи Ахриман таъкидламади. Зардуштийликнипг яккахудоликка бўлган катта мойиллиги Ахура Маздани асосчиси худо деб билишида, дунё у томонидан яратилған деб уқтиришида ўз ифодасини топади. Бир томондан, жамият ва инсон ўша даврдаги шароитда барқарорликни, бағрикенгликни ўрнатиш ўзига хос йўлларини топиш ва жорий эттириш қанчалик қийин эканини ифодалаб, икки ибтидо ўртасида курашни тан олган. Иккинчи томомдан эса, ушбу жараён охири барқарорликни келтиришиға ишониб, ардуштийлик жамият ва инсон қалби, маънавий оламида яхшилик ғолиб бўлишиға ишонади. Шунинг учун Зардушт Ахура Маздага шуидай мурожаат этади: «Эй, оламни яратған Зот! Эй, Ҳақиқат! Замин

ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги иккинчи жой дер?» Ахура Мазда берган жавобида унинг яхшилик ғолиб бўлишига ишонгани қуйидаги сўзларда намоён бўлади: «Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади» Ахура Мазда оламдаги барча эзгу ишларни, яхшилик, ёруғликни ўзида мужассамлаштирувчи тангри қиёфасида гавдалантирилади. Эгизак руҳларнинг иккинчиси Анхра Майнйу эса ўзида зулмат, қабоҳат, жаҳолат кучларини мужассамлаштирувчи қудрат тимсолида намоён бўлади». Юқорида зардуштийлик таълимоти ва эътиқоди бўйича яхшиликнинғ ғалаба қозониши, ёмонликнииг йўқ бўлиб кетишиға ишонишлиги, Ахура Мазданиг асосий худо, яратувчи сифатида тан олиниши булар ҳаммаси ушбу диний-фалсафий оқ,им, унинғ асосида шакллапган диний қарашлар кейинчалик вужудга келган яккахудолик учуи маълум маънода замин тайёрлаб борган деган хулосаға олиб боради.

“Авесто»даги эзгулик худоси Ахура Мазданинг охири енгиб чиқиши, унииг оламнинг аслида якка ибтидоси сифатида талқин қилиниши, ушбу динға сиғинадиган халкларнинг маънавияти ёвузликка, ёмонликка, зўравонликка карши яратилган туйғулар, ғоялар, бағрикенгликка интилиш чуқур акс этғанлигидан далолат беради. Зардуштийлик диний-фалсафий та'ълимоти шундан далолат берадики, инсоният тарихнинг илк даврларидан бошлаб бағрикенглик ғояларини маънавий-диний ва назарий-услубий жиҳатдан асослашга интилган. Демак, бу ғоялар инсон ҳаётида ҳеч қачон тасодифий равишда вужудга келмаган, балки унинг онги, маънавияти, дунёқарашига чуқур хос бўлиб, уларнинг моҳиятини ташкил қилади. Шунинг учун Зардуштийлик, хусусан «Авесто» - ҳозирги замон дунёсида глобал тус олган бағрикенглик, барқарорлик учун курашда алоҳида ўзига хос ўринга эга.

Зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг яхлитлигини, унинг яхшиликни тарғибот қилиш, ғалаба қозониш йўлларини белгилаш ва амалга оширишни учта тамойил таъминлайди. У ҳам бўлса “эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амал”дир. Форс тилида бу “Пиндори нек”, “Гуфтори нек”, “Кирдори нек”деб берилгандир. Бу учта тамойилнинғ ўзаро чамбарчас боғланиши ва бир-бирини белгилаши албатта бежиз бўлмаган. Инсоннинг яхшиликка, покликка интилиши, уларнинг мазмун ва моҳиятини анғлаши, тегишли амал-тадбирларни белгилаши аввало “эзгу фикрига” боғликдир. Лекин инсон “эзгу фикрга” эришиши билан кифояланмаслиги керак эди, чунки у бошқа одамларни ҳам ўз яқинларини, вақти келганда жамиятни ҳам ўзи англаган қадриятларга аввало “эзғу сўз” орқали ундаши ва чорлаши мумкин. Ҳақиқий яхшилик фақат яхши ният ва сўз билан чекланмайди, зарурий равишда уларни амалга оширилиши, ҳаётга тадбиқ этилиши шарт. Усиз улар қуруқ интилиш бўлиб қолади. Шунинғ учун зардуштийлик мазкур тамойиллар тизимига энғ муҳим компонент сифатида “эзгу амални” ҳам киритиб, ушбу тизимнинг яхлитлиги ва узвий ички ўзаро боғликдигини таъминлайди, муттасил ва аниқ мақсадли жараён сифатида намоён қилади. Ўзининг максад ва вазифаларига биноан зардуштийлик жамият ва инсон ҳаётининг деярли ҳамма жиҳатларини қамрайди. Ушбу кўпқиррали қарашларни бағрикенглик ғоялари бирлаштириб, уларга чуқур сингади. “Авесто” таълимоти бўйича, Ахура Мазда мехр-шафқатга чорлаш орқали кишиларни мангу фароғатга етакласа, Анхра Маниу уларнинғ қалбларига қўрқув ва даҳшат солиш туфайли ўзиға тобе қилишға уринади. Лскии охири ҳақиқат, яхшилик, эзгулик, бағрикешлик, меҳр-шафқат ғоялари ғалаба қилиши муқаррар.

Зардуштийлик таълимотинимг яхшилик ва бағрикенгликка қаратилгани унинг табиатга муносабатида ҳам ўз аксини топган. Бунинг муҳимлиги шундан иборатки, табиат бутун жамият ва инсон ҳаётининг энг муҳим асосларидан бирини ташкил этади, уларнинғ мувозанатини белгилайди. Шунинг учун, табиатга, атроф-муҳитга зардуштийлик томонидан катта эхтиром билан каралиши, ҳамма одамларни шунға чақирилиши бу таълимотнипғ анг мухим бағрикенглик томонларидан бирини ташкил қилади. Бунинг асосида табиатни илоҳийлаштириш, улуғланиш етади. Бу аввало уиинг ифлосланилиши, қонун ва тартибини бузилишини қоралаш, табиатни, моддий оламни ташкил қилувчи унсурлар Ер, Сув, Ҳаво, Оловни муқаддас деб билишда ўз ифодасини топади. Ьунга ёрқии мисол қилиб «Авесто»дан қуйидағи сўзларни келтириш мумкин: «Йо Ахура Мазданинг фарзанди бўлмиш олов, сени ва бошқа оловларни яхши сувлар ва хамма ўсимликлар деб тан оламиз ва эътиқод қиламиз».

Зардуштийлик ижтимоий ҳаётга катта эътибор бсрған ҳолда, унинг адолатли, эзгули, инсонға хайрли бўлиши учун айниқса ёшларга тўғри йўл кўрсатишга катта эътибор беради. Шунда энг муҳим муаммолардан бири сифатида ушбу минтақада, жумладан ҳозирғи замон Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик тизимларининг бағрикенғлик асосида мустаҳкамланиши ва ривожланиши керакпигини уқтиради.

Зардуппийлик таьлимоти, ўз замонаси давлати ва жамиятининг бағрикенглик асосида ривожланиши учун маълум чора-тадбирларни амалга ошириш, кишиларнинг онгига бағрикенглик ғояларини сингдириш зарурлигини таъкидлайди. Аввало уларга чорвадор қабилалар ва деҳқончилик

билан шуғулланувчи гурухлар манфаатларини тушунтириб, уларнинг ҳаёти ва турмуш тарзлари бир-бирига қарама-қарши эмаслигини, фақат мувозанат ва ўзаро боғлиқ ҳолда мустаҳкамланиши ва ривожланишини тарғиб қилган. Ушбу таълимот ҳар қандай уруш, талон-тарожликка қарши туриш руҳида кишиларни, аввало ёшларни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани айниқса катта аҳамият касб этади.

"Адолат тантана қилиши зарур, ёвузликка барҳам бериш керак", ярамас шоҳлар ҳукм суришига йўл бермаслик лозим". Ушбу гаплар нафақат йўл-йўриқ ва насиҳатлар, балки қатъий талаб ва шартлар сифатида қабул қилинишига мўлжалланган.

Шу нуқтаи назардан қуйидаги сўзлар муҳим аҳамият касб этади: «Яхши сўзлар илоҳий қонун руҳидаги, яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилади. Инсон ўз фикр - хаелида бошкдларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши даргазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди чупкм буидай ҳолатида У яхши ниятини йўқотади, Бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади". Худди замонамизни назарда тутган ва зўравоплик, акидапарастлмкка қарши қаратилган ушбу ажойиб фикрлар бсжиз аитплмагаи бўлиб, маълум чуқур ғоявий-маънавий моҳиятга эгадир. Illy муносабат билан «Авесто»дан қуйидаги гаплар келтириш мумкин: "Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб шплар билан узгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардаи юз ўгираман"[1]. Ушбу сўзларни ҳар бир зардуштийликии қабул қилган киши ёшлик давридан бошлаб ўзига хос калима сифатида ўзлаштириши ва унга бўйсуниши керак эди.

Зардуштийликнинг бутун халққа тааллукди бўлган бағрикенглик ғоялари билан суғорилган таълимотининг мазмун ва моҳиятини қуйидаги «Авесто»дан келтирилган парча ифодалайди: «Тенгликда яшанғлар, астойдил меҳнат қилинглар ва худолар сизларни яхши кўриб қолади».

Бағрикенглик ояларини умумлаштирадиган, моҳиятларини яхлитлаштирилган қуйидаги парчани келтириш лозимдир. «Яхши фикр илоҳий қонун руҳидаги, яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, ўз маслакдош биродарлари билан дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилишда руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилади. Инсон ўз фикр-ҳаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши даргазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди, чунки бундай ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат хақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади". Ушбу сўзлар бағрикенглик ғояларининг моҳиятини, хусусиятларини очиб берадиган анг ёрқин намуналардам биридир.

Демак, "Авесто"да Зардуштийлик таълимотининг муҳим таркибий қисми бўлган бағрикенглик ғоялари ифодалаб берилгандир.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИЛМИЙ МЕРОСИ ФИҚҲ-ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛИГИНИ ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ

**БухДУ ўқитувчиси Г.С.Омарова**
**10-синф ўқувчиси С.У.Усмонова**

Resume. The article is enriched with theoretical recommendations of specific methods of studying Islamic jurisprudence-Islamic jurisprudence. Scientific differences between Western and Eastern legal sources are analyzed. The study of Islamic jurisprudence provides information on scientific, historical, comparative and dogmatic methods.

Ғарб ҳуқуқининг манбалари улар дунёвий тизим бўлгани сабабли қонунлар ва урф одатлардан иборат. Аммо ислом ҳуқуқи дунёвий ҳуқуқ бўлган ҳолда диний моҳиятга эга бўлгани учун, ўзининг сарчинасини илоҳий манбадан олади, бу эса ғарб ҳуқуқи билан унинг асосий фарқини кўрсатади. Исломий ҳуқуқнинг асосий манбалари буюк фақиҳлар томонидан якдиллик билан тўртта деб тан олинган бўлиб, ислом қонунчилиги ва унинг асосий қисми бўлмиш ислом ҳуқуқи қўйидаги услубларда ўрганилади:

**Биринчиси: Илмий услуб**. Ушбу услуб асосида фиқҳнинг туб моҳиятига етиб бориш учун унинг асосий манбалари, усулул-фиқҳ (ислом ҳуқуқи методологияси), фиқҳий мактаблар (мазҳаблар)

юзага келишининг омиллари, фиқҳий ҳукмларнинг фалсафий томонларини очиб бериш билан бирга фуруъул-фиқҳ яъни, фиқҳий назарияларнинг амалий ҳаёт билан уйғунлашгани кўрсатиб ўтилади.

Ушбу соҳада Оврўпалик олимлардан Германиялик шарқшунос ва исломшунос олим Эдуард Сахов ёзган “Ислом фиқҳининг энг қадимий тарихи борасида” номли асари, Аннимарли Шиммил хоним асарлари, Ульрих Рудольф ёзган “Ал-Мотуридий ва Самарқанд илоҳиёти” асари[90] Венгриялик исломшунос олим ёзган “Исломда ақида ва шариат” номли асар ва “фиқҳ” илми ҳақида Ислом энциклопедиясида ёзган илмий мақоласи, “Аҳлуз-зоҳир” ва бошқа асарлари, Англиялик олим доктор Жузеф Шахт ёзган “Муҳаммад фиққининг асоси ва бошланғич нуқтаси”, христиан араб олими Мажид Хаддурий ёзган “Исломда уруш ва сулҳ қонуни” ва бошқа асарлари катта аҳамиятга эга.[5]

Мисрлик олим имом Муҳаммад Абу Заҳро, кўп сонли қимматли илмий асарлар муаллифлар Абдурраҳмон Тож, Ас-Санҳурий, шайх Шалтут, Ҳиндистонлик Муҳаммад Ҳамидулло, Файзий, “Хулосаи қонуни Муҳаммадий”, Ливанлик Субҳий Муҳаассамоний “Исломда фиқҳ фалсафаси” асарлари билан бу соҳада ниҳоят муҳим тадқиқотлари олиб бориб, ислом ҳуқуқининг барча қирраларини ёритиб берганлар. Шунингдек профессор А.Х.Саидов томонидан ёзилган “Основу мусульманское право” номли китоб ўзига хос аҳамиятга эга.[2.148]

**Иккинчиси: Тарихий услуб** асосида ислом ҳуқуқи юзага келиши, ўсиб ривожланиш босқичлари, турли мазҳаблар топилишининг объектив ва субъектив омиллари, тарихий фактларга асосланиб ўрганилади. ислом ҳуқуқини тарихий услубда ўрганиш ушбу фанни аниқроқ ангалб олиб тарих жараёнида тутган ўрнини ҳар томонлама кўрсатишга ёрдам беради.

Бу соҳада ёзилган Абу Заҳронинг “Ислом мазҳаблари тарихи”, суннийликнинг тўртта мазҳаблари асосчилари ҳақидаги муҳим китоблари, доктор Муҳаммад Юсуф Мусо ёзган “Ислом фиққи тарихи” китоби,шайх Муҳаммад Хузарийбекнинг “Тарихут-ташриъил-исломий” (Ислом шариати тарихи), доктор Аҳмад Шалабийнинг “Ат-ташриъу вал-қазоъ фил-фикрил-исломий” (исломий тафаккурда қонун ва суд), Абдуллатиф ас-Субкий, Муҳаммад Али ас-Соис ва Муҳаммад Юсуф ал-Баририйнинг “Тарихут-ташриъил-исломий” китоби, турк олимлари Саййидбек ва Исмоил Ҳаққий ёзган асарлар махсусан диққатга сазовордир.[3]

**Учинчиси: Қиёсий услуб**. Ушбу услубдан мақсад ислом ҳуқуқини бошқа ҳуқуқий тизимлар билан солиштириб ўрганиб, бир-биридан таъсирлангани ёки бир-бирига таъсир ўтказгани, шунингдек, ўхшаш ва қарама-қарши томонларини очиб беришдан иборатдир.

Ушбу соҳада Мисрлик олим Саййид Абдулло Али Ҳусайн ёзган «Ал-Муқоранатут-ташриъийя байнал-қавонинил-вазъийя ват-ташриъил-исломий» (дунёвий қонунлар ва ислом шариатини (қонунларини) қиёсий қонуншунослик асосида ўрганиш) 4 жилдлик муҳим китоб, Абдулқодир Ўда ёзган икки жилдлик “Ат-Ташриъул-жиноий ал-исломий муқоранатан бил-қонунил-вазъий” (ислом жиноий қонунларини вазъий қонунлар билан қиёсий ўрганиш) 2 жилдлик китоби, доктор Муҳаммад Жаъфарий Лангрудий ёзган “Ислом ҳуқуқида ҳуқуқий мактаблар”, проф. А. Саидов ёзган “Сравнительное правоведение” китоби ва бошқа бир қатор китоблар катта аҳамиятга эгадир. Ислом мазҳаблари бўйича ҳуқуқий соҳада ёзилган энг муҳим асар имом Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асари ҳисобланади.[4]

**Тўртинчиси: Жазмий (догматик) услуб**. Ушбу услаб асосида ислом таълимоти ва шариат, замон ва макон яъни, ижтимоий ва иқтисодий шароитдан ажратилиб ўрганилади.

Догматик услуб шариат ва ислом ҳуқуқини ҳақиқий ва ҳаётий мазмунидан узоқлаштириб, шахс, жамият ва давлатнинг барча фаолиятлари ва хатти ҳаракатини шариат вакиллари деб тан олинган кишилар назорати остида қўяди. Бундай қарашлар ислом ҳуқуқининг ривожланиш ва ҳаёт билан уйғунлашиш йўлини тўсиб қўяди. Айрим ислом давлатларида чиқарилган қонунларга биноан парламент чиқарган қарорларни руҳонийлар намояндалари назорат ва бекор қилиш салоҳиятига эгадирлар.

Ваҳҳобийлик ҳаракати асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб қаламига мансуб асарлар, ал-Ихвонул-муслимин (мусулмон биродарлар) ташкилоти раҳбарлари, жумладан Саййид Қутб ёзган “Маъолим фит-тариқ” (йўллардаги аломатлар) номли китоб, Шукрий Мустафо ёзган “ал-Хилофа” китоби, “ҳизбут-таҳририл-исломий” ҳаракати асосчиси Тақиюддин Набаҳоний ёзган “Низомул-ислом” рисоласи шулар жумласидандир.[7]

Шунингдек, Толибон томонидан Афғонистонда олиб борилаётган сиёсат, шариатни догматик услубда талқин ва татбиқ қилишнинг энг қўпол шаклидир.

Ибн Таймия Тақийюддин Аҳмад (661-728 ҳ. 1263-1328 й.) ҳанбалий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан бири сифатида мазҳаб бўйича тажаддуд (янгиланиш) тамойлини илгари сурди ва кўп асарлар ёзди. Унинг фаолият ва назариялари катта жанжалларга сабаб бўлгани учун дарс этиш ман этилди ва умрининг охиригача Дамашқ қалъасида маҳбусликда ўтказди.[9]

Фойдаланган адабиётлар.

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида” // Маҳалла, 1999 йил, 10-16 апрел.
2. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основние правовие системи современности): Учебник / Под ред. В.А. Туманова. – М.: Юристъ, 2003. - 448 с.
3. З.Ҳусниддинов, Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, олимлар, 6-бет, “Мовароуннаҳр”, Тошкент, 2000.
4. Исломда ҳуқуқ, Типловчи Мажид Хаддурий-Ҳерберт Ж.Лебисни, 34-бет, Франклин нашриёти ёрдамида нашр этилган. Теҳрон-Нью-Йорк, Сипехр босмахонаси, 1336 й.
5. Исломда ҳукуқ, 40-бет.
6. Абулфазл Ибн Манзур. Лисонул-араб. 3-жилд, 421-422 бетлар, Бейрут, Дор Содир, 1997. 510 б.
7. “Ислом энциклопедияси”, 11-жилд, 424-бет, 1970 й. Истанбул.
8. Доктор Муҳаммад Жаъфар Жаъфарий Лангродий, “Хукук терминологияси”, 386 бет, Техрон, 1376 ҳ.й.
9. Журжи Зайдон, “Ислом маданияти тарихи”, 3-жилд, Теҳрон, 1336 ҳ.й, 102-103 бетлар.
10. Имом Абу Мансур Мотуридий ва унинг издошларидан “Куллиёти Абул-бақо” ривояти асосида; “Кашшофу истилоҳотил-фунун”, 1-жилд, 836-бет.
11. Абдулло Аҳмад ан-Наим, “Ислом қонунларини ривожлантириш йилида”, 42-бет, Сино нашри, 1994.
12. “Ислом энциклопедияси”, 11-жилд, 430-бет.
13. “Ислом қонунларини ривожлантириш йилида”, 42-бет.
14. https://religions.uz/

## ҒАЗЗОЛИЙ РУҲ ЭРКИНЛИГИ ҲАҚИДА

**Жаҳонгир Қиличев – ЎзМУ, 1-босқич магистри**

**Resume.** The article analyzes the philosophical views of Ghazali. Ghazali is an Islamic theologian, jurist, philosopher and mystic, originally from the Khorasan region of Persia. One of the most authoritative teachers, who are among the founders of Sufism. Ghazali's activities were aimed at forming a comprehensive and systematic teaching of Sufism, as well as at forming the theoretical foundations of Sufism.

Имом Ғазолийнинг руҳ ҳақидаги қарашлари асосан “Кимёйи саодат” асарида келтирилган. Ғаззолий барча инсонларнинг аввал руҳлари яратилиб, улар Аллоҳга “Сенга иймон келтирамиз, ҳақиқат ва эзгулик йўлида яшаймиз, бизни ҳақ йўлга ҳидоят қил, бизни адашганлардан, ғазабингга учрайдиганлардан қилмагин, биз фақат сенга ибодат қиламиз, фақат сендан нажот тилаймиз” – деб ваъда берганларини, сўнг кўпчилик инсонлар ал-Мисоқ-Аҳдлашув куни берган ана шу ваъдасини унутиб, ёвузлик, гуноҳкорлик йўлида яшаётганларини айтади[338]. Мутафаккир фикрича, сўнг одамлар икки гуруҳга бўлиндилар. Бир гуруҳи Худога берган ваъдаларини унутиб иймонсиз қолдилар. Буларнинг кўзи очиқ, лекин қалби кўр бўлиб қолган. Бошқа гуруҳ одамлари ақл, тафаккур ва дилнинг қудрати ёрдамида ваъдаларни эсладилар ва иймонли, фазилатли, сабр-қаноатли, шукр қилувчи, меҳр-мурувватли, раҳмдил, олийжаноб инсонлар бўлиб қолдилар. Булар ҳақиқат ва маърифат нури билан қалби, кўнгли ёришган одамлардир. Бизнинг назаримизда Ал-Ғаззолий айнан шу таълимоти туфайли, тасаввуф вакиллари томонидан тан олинди. Ғаззолий тавҳид моҳиятини англаб етмоқ учун ақл ва мантиқнинг ўзи кифоя қилмаслигини тан олиб, тасаввуф ирфони қадриятлари ҳимоясига ўтади[339]. Жумладан, мутафаккир таъкидлашича инсон қалби турли иллатлардан пок бўлса унинг руҳиятни англаши шу қадар енгил бўлади. “Баъзи инсонларда ажойиб, камёб фаросат ва ажиб маслаҳатлар илҳом тариқаси билан кўнглига келади. Бу турдаги илҳом – ҳис, сезги йўли билан эмас. Балки ғайб оламидан дил дарчасига этган шуъладир. Яъни илоҳий руҳдир. Бу далил билан дил бу оламдан эмас, балки фаришталар оламидан эканлиги билинади. Ҳис, сезгилар бу олам илмини касб қилиш учун яратилган. Дил ойнаси то ухламагунча ёки вафот этмагунча очилмас дейилса, хато бўлади. Агар бедорликда ҳам киши ўзига риёзатни лозим тутса ва дилни ғазаб ва шаҳватдан, ёмон хулқлардан халос қилиб, хилват ихтиёр қилса, зоҳирий оламдан назарни йиғиб, ҳавас йўлини тўсиб қўйса, дилга фаришталар олами манзаралари очилади. Аллоҳ таолога зикрини кўнгли ва тили билан айтиб ва кўп сўзламай, нафақат ўзидан, балки ҳамма оламдан узилиб, фақат

[338] Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. - Тошкент: Адолат, 2005. - Б. 11
[339] Қаранг: Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 63.

Аллоҳ таолодан умид қилса, инсон бедор бўлса ҳам дил дарчаси очилиб, ўзгалар уйқуда кўрганини бу бедорликда кўради. Унга яқин фаришталар ва руҳлар яхши суратлар билан кўринадилар. Ва пайғамбарларни кўрадилар, улардан фойда ва мадад топадилар”[340].

Имом Абу Ҳамид Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида ёзадилар: “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок шоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш руҳий камолот хислати мавжуд”. Демак, инсонни тарбиялаш, унинг моддий-ҳайвоний ҳирсларини барҳам топтириш (гарчи бу тамом мумкин бўлмасада!) мумкин, ёинки, тасаввуф таълимотига асосан, инсон руҳи мутлоқ руҳнинг бир қисми бўлганлиги боис у моддий тубанликни тарк этиши, илоҳ сари парвоз қилиши керак. Бунинг учун инсон инсонлигини идрок этиб, ботиние оламни поклаб, маърифат нурларига бориши шарт. Бундан юқоридаги фикримизга аниқлик киритадиган яна бир хулоса келиб чиқади: модомики инсон икки олам сарвари, шарафул махлуқот экан, бу унинг илоҳий-раҳмоний жиҳатига қараб айтилган гап бўлиб, комил инсонга ишорадир. Комил инсон-жамики инсонларнинг ҳақиқатидир, яъни одамийлар одамийсидир. Биз ҳар биримиз илму-амал, фазлу камол касб этиб, ана шу ҳақиқат сари интилишимиз лозим.

Ғаззолийнинг қарашлари кенг қамровли таълимот ҳисобланади. Уларнинг ичида ўзига хос ўринга эга бўлгани бу инсон маънавий борлиғи тўғрисидаги қарашлари. Хусусан, унинг “Иҳйа ал-улум-ад-дин” асарида барча инсонларнинг аввал руҳдан яратилиб, улар Аллоҳга “Сенга иймон келтирамиз, ҳақиқат ва эзгулик йўлида яшаймиз, бизна ҳақ йўлга ҳидоят қил, бизни адашганлардан, ғазабинга учрайдиганлардан қилмагин, биз фақат Сенга ибодат қиламиз, фақат Сендан нажот тилаймиз”- деб ваъда берганларини, сўнг кўпчилик инсонлар ал – Мисоқ – Аҳдлашув куни берган ана шу ваъдасини унутиб, ёвузлик, гуноҳкорлик йўлида яшаётганларни айтади. Мутафаккир инсонларни икки тоифага бўлади: Биринчи тоифадаги одамлар Ал – Мисоҳда Худога ваъдаларини унутиб, иймонсиз бўлиб, қолган. Бундай инсонларнинг кўзи очиқ, лекин қалби кўр бўлиб, қолган. Иккинчи тоифадаги одамлар эса ақл, тафаккур ва дилнинг қудрати ёрдамида ваъдаларини эслаб, иймонли, фазилатли, сабр-қаноатли, шукр қилувчи, меҳр-мурувватли, раҳмдил олий жаноб инсонлар бўлиб, қолган. Булар ҳақиқат ва маърифат нури билан қалби, кўнли ёришган одамлардир.

Имом Ғаззолий ўзининг “Ихёу улумид-дин” (“Дин илмларини жонлантириш”) номли асарида инсон моҳиятини белгилаб берувчи энг муҳим муносабатлар устоз ва таълим олувчи муносабатлари одобига доир вазифаларни талқин қилади. Ҳозирги таълим-тарбияда олимнинг қуйидаги таълимотларидан фойдаланиш мумкин: толиби илм энг аввало қалбини жирканч ҳулқлардан, ёмон сифатлардан поклаб олиши керак; толиби илм илмига кибрланмаслиги, такаббурлик қилмаслиги, устозига қарши чиқмаслиги шарт. Табибга қулоқ тутгандек, барча ишда муаллим насиҳатига қулоқ солиши, унга ҳурмат кўрсатиши лозим; толиби илм фойдали илмларнинг барчасини эгалламоғи ва ўз мақсадига етишмоғи лозим; толиби илм илм олишда барча тартибларга риоя қилиши, муомала илмини чуқур эгаллаши ва фойдаланишни одат қилиши керак; толиби илмнинг мақсади бу дунёда ботинини зийнатлаб, фазилат билан гўзаллаштириш, охиратда эса Аллохга яқинлик ҳосил қилиш[341].

Инсон борлиқдаги энг буюк зот. Инсоннинг ахлоқий ҳаёти эса унинг ахлоқий тарбияси билан боғлиқ. Зеро ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнларидан бири. Гўзал фазилатлар инсонга хос нарса, фақат унинг мулки эмас. Яхши фазилат жамиятнинг бойлиги, умуминсоний маънога эга. Ижобий фазилатга эга бўлган кишилар жамиятга таъсир қилади, унинг ривожланишини тезлаштиради.

Шундай қилиб, Абу Ҳомид Ғаззолий яшаган даврда ислом дини Яқин ва Ўрта Шарқ халкларининг ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаган. Ислом доирасида вужудга келган турли мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маънавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатган Бу давр илмий адабиётларда Шарқ Уйғониш даври деб номланган. Абу Ҳомид Ғаззолий “Ҳужжатул ислом” ва “Баҳри буғроқ” деган юксак унвонларга сазовор бўлган илоҳиёт олими, етук файласуф, мутасаввиф олимдир. У турли соҳаларга оид кўплаб асарлар ёзган. Мутафаккир илмий фаолияти икки йўналишда бўлган: фалсафани танқид ва муноқаша қилиш; исломий аҳлоққа, руҳга ва ҳақиқатларга чақириш. Имом Ғаззолий яшаган давр ила бугунги куннинг диний-дунёвий ҳаётида ҳам, тушунчаларида ҳам тафовутлар мавжуд, у пайтда муҳим бўлган баъзи нарсала бугун эскирган, у пайтда рад қилинган баъзи нарсалар бугун муҳимга айланган бўлиши мумкин. Лекин шунга қарамай, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг илмий мероси жаҳон фалсафий тафаккурига катта таъсир кўрсатган.

---

[340] Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Руҳ ҳақиқати. - Тошкент: Адолат, 2005. - Б. 46-47.

[341] Қаранг: Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий . Иҳёу улумид дин. – (Дин илмларини жонлантириш). Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 119-133.

## “LAHJATU-L-LUG‘OT” MUALLIFI SHAYXULISLOM MEHMED AS’AD AFANDI

**Umida Radjapova,**
**Urganch davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi**

**Resume:** The article reveals the peculiarities of the work "Lahjatu-l-lug'at", created in the 18th century by Sheikhulislam Muhammad (Mehmed) Asad Efendi, its role in the study of the historical lexicon of Turkic languages in connection with the personality of the author given.

“Lahjatu-l-lug‘ot” muallifi Shayxulislom Muhammad (Mehmed) As’ad Afandi olti shayxulislom yetishib chiqqan, oila a’zolarining er-u ayol vakillari aksariyati she’r, adabiyot bilan mashg‘ul bo‘lgan nihoyatda ziyoli va madaniyatli muhitda tarbiya topgan olim, adib, shoir, fozil, musiqashunos, xayr-u saxovat egasi bo‘lgan zotlar naslidandir. U mudarrislik va qozilikdan tortib, komissiya a’zoligi va shayxulislomlikka qadar turli davlat vazifalarida ishlagan. Ko‘p qirrali shaxsiyati, zakovati, barq urgan millat tuyg‘ulari va yana ko‘plab fazilatlari uning ismini hozirgi kunda ham xotirlashga arzirli zot ekanini ko‘rsatib turibdi. Ta’kidlash lozimki, turkiy lug‘atnavoislik sohasida katta iz qoldirgan Muhammad (Mehmed) As’ad Afandi turkiy islom dunyosida o‘ziga xos mavqega ega bo‘lgan shaxsiyat sifatida alohida e’tibor molikdir. Shayxulislom Abu Is’hoq Ismoil Afandi (vafoti 1137//1725)ning o‘g‘li, shayxulislom Mirzazoda Shayx Muhammad Afandi (vafoti 1147//1735)ning kuyovi, shayxulislom Is’hoq Afandi (vafoti 1147//1734)ning ukasi, shayxulislom Mirzazoda Muhammad Said Afandi (vafoti 1188//1775)ning qayinog‘asi, shayxulislom Abu Said Muhammad Afandi (vafoti 1072//1662) va shayxulislom Muhammad Sharif Afandi (vafoti 1204//1790)larning otasi hamda shayxulislom Atoulloh Muhammad Afandi (vafoti 1126//1811)ning bobosi bo‘lmish Muhammad (Mehmed) As’ad Afandi 1026//1685-yilda Istanbulda tug‘ilgan. Otasi Abu Is’hoq Ismoil Afandidan farqlash maqsadida Abu Is’hoqzoda nomi bilan shuhrat tutgan[342].

O‘zi tarbiya topgan muhitga xos bo‘lgan madaniyati sababli ba’zan juda og‘ir til ishlatgan As’ad Afandi kerakli joyda nihoyatda sodda va oddiy tildan foydalanishni bilgan. O‘z davri va muhitining yetuk so‘z san’atkorlari Boqiy, Noiliy, Nohiydan tortib Nadimgacha bag‘oyat keng she’r diyorida qalam surgan mukammal inson, shayxulislom bo‘lishiga qaramay, musiqa tarixida ham ba’zi masalalarda kashshof bo‘lib xizmat qilgan. Uning qalamiga mansub “Tazkirayi xonandagon” yoki “Tazkirayi musiqiyshunoson” bu janrda yozilgan ilk asar, hatto Usmonlilar davrining yagona namunasidir. Ko‘p sonli kuylar yaratgan. Bulardan o‘n uch atrofida kuy (basta) bizgacha yetib kelgan. Devon, gulchilikka doir bir asar va bir necha suraning tafsiri muallifi sanalmish As’ad Afandining eng muhim jihatlaridan biri turkiy filologiya tarixida ilk marotaba turkcha-arabcha-forscha lug‘at yaratganidir. E’tibor berish kerakki, “Lahjatu-l-lug‘ot”da bosh lug‘at maqola sifatida turkiy so‘z berilgan bo‘lib, so‘ngra o‘sha so‘zlarning arab va fors tillaridagi shakl va ma’nolari beriladi. Bu degani asar muallifining taraqqiyparvar millatsevarligining yorqin bir dalilidir. Muallif fikricha, turkiylashib bo‘lgan va xalq orasida qo‘llaniladigan har bir so‘z turkiydir. Asarda alohida ko‘rsatilgan 3661 ta so‘z, ya’ni lug‘at maqola mavjuddir. Muallif alohida modda sifatida olgan bu so‘zlarning asl shakllarini yoki qaysi so‘zning talaffuzi yanglish ekanini ko‘rsatib, turk tiliga, ayni paytda turkiy tillar sofligini saqlashga katta xizmati singan. Shunday tushuncha va qarash asosida tayyorlangan asarning hozirgi yozuvga tabdil etilishi barcha turkey tillar uchun ham nihoyatda muhim sanalgani bois lug‘at Ahmet Qirqqilich tomonidan nashr qilinishi turkologiyaning tarixiy lug‘atshunoslik sohasidagi muhim ishlardan biri bo‘ldi[343]. Turk Dil Kurumuning turkiy tillar tarixiy lug‘atlarini nashrga tayyorlash va bu asarlarni foydalanish uchun qulay holatga keltirish bo‘yicha tayyorlagan loyihasi Shayxulislom As’ad Afandining “Lahjatu-l-lug‘ot” nomli asarini joriy turk alifbosiga o‘girilishi uchun katta omil bo‘lib xizmat qildi. Ushbu nashrda modda boshi sifatida keltirilgan so‘zlarning yoniga qavs ichida arab harfli shakli yozilgan, shuningdek, modda ichida ko‘rsatilgan arab va fors tilidagi ifodalarning yozilishida ham asl holatlariga amal qilingan. Modda boshida va ichida kelgan ibora, termin va maqollar qalin, o‘qilishlarini egik, izohlari esa oddiy o‘lchamda yozilgan. Matn qismidan avval yangi alifboga tabdil qilishda qo‘llanilgan usul haqida ma’lumot berilgan. Asardan foydalanishni qulaylashtirish va foydalanish imkoniyatini kengaytirish uchun lug‘atda imloni saqlagan holda eski yozuvdan yangi yozuvga alohida indeks tayyorlangan. Lug‘atdan joy olgan maqol va hikmatli so‘zlar uchun ham alohida indeks ishlab chiqilgan. Xususan, lug‘atda tibbiy terminlar alohida izohlangan holda uchinchi, alohida indeks shaklida berish ma’qul

[342] Alpaydın Mehmed Akif. Şeyhülislâm Mehmed Es’ed Efendi ve Hülasâtü’t-tebyîn fî Tefsiti Süreti Yâsın isemli eseri. Amasya Üniversitesi Ilahıyat Fakültesı Dergisi. 2017. №8. – S. 364.

[343] Şeyhülislâm Mehmed Esad Efendi. Lehcetü’l-lügat. Yazırlayan Doç. Dr. H.Ahmet Kırkkılıç. Ankara: Turk Dil Kurumu Yayinlari, Bizim Büro Basımevı, 1999.

topilgan. Oxirida asarda uchraydigan arxaik so‘zlarning ham ma’nosi, ham qaysi moddada kelganligi ko‘rsatatilib, alohida indeks qilib berilgan. Indekslarning barchasi kitob oxiriga joylashtirilgan.

Kitob 851 bet hajmga ega bo‘lib, bir ustun shaklida yozilgan. Ba’zi moddalar bir necha satr bilan izohlansa, ba’zilari bir necha sahifagacha boradi. Ba’zi so‘zlarning arabcha va forscha tarjimalari, ba’zi tarjimalarining ma’nolari, ba’zilari uchun esa misollar bilan birga berilgan. Masalan, arabcha va forscha ma’nolari bilan o‘n uch sahifani egallagan *arslon* ارسلان moddasida 515 ta, to‘rt sahifadan joy olgan *tangri taolo* تگری تعالی moddasida 242 ta, olti sahifa hajmida bo‘lgan *su* سو moddasida 220 ta, to‘rt sahifali *yer* یر moddasida 163 ta muqobil bor.

Lug‘at muqaddimasining dastlabki satrlaridan muallifi uslubi, o‘ta yuksak badiiy mahorati va bilimi xususida tasavvur hosil qilishimiz mumkin:

بسم الله الرحمن الرحيم، سبحان مَن أنطقَ مسحل لسن اللَّسن المسلاق، ودره العِيّ والعيّ عن فطن السّلَّاق، فسبحان مَن ألغى اللّغى بركن العروبة مِمَّن هو مصلاق، وجعل العرابة لزيفان الجهالة أمحض الدّرياق، نحمده على ما عوّم المفلقين في قاموس الجرس بمزهر صحاح الفصاحة، وبلّغهم من راموز العواهن إلى نهاية سيف الإعجاز بمصباح البراعة، ونشكره على ما أدخلهم كنز اللغة الذي بأساس البلاغة محكم البنيان، وصدرهم فائقين في ديوان الأدب بلسان العرب، ودزالة البيان، ونصلي ونسلم على محمد النبي العربي الذي خصّ به العروبية وصراح المعجزات، ونصّ على خاتميته في الرسالة بالآيات البيّنات، وعلى آله وأصحابه الذين هم مجمع بحار العلوم، وضياء الحلوم في الفهوم، ومغرب الهدى كالنجوم، ما تجرّس المدود مجملاً ومفصّلاً، وتنطّس الملسن بالخفايا مكمّلاً

Bismillahir rohmanir rohiym

“Subhona man antaqa mishala lasnil lasanil misloq va darahal ‘ayya val ‘ayya an fatinis saloq. Fasubhona man alg‘al lag‘o bizakinil ‘urubati mimman huva misloq va ja’alal ‘arobata liziyfonil jaholati mahza tiryoq. Nahmaduhu ‘alo mo ‘avvamal mufliqiyna fiy qomusil jaras bimazhar sihohil fasohati va ballag‘ahum min romuzil ‘avohini ilo nihoyati sayfil e’joz bimisbohil baro‘ati va nashkuruhu ‘alo mo adxalahum kanzal lug‘atillazi asosil balog‘ati muhkamul bunyon va sadarahum foiqina fiy diyvonil adabi bilisonil arab va jazolatil bayon. Va nusalliy va nusallimu ‘alo Muhammadinin nabiyyil ‘arabiyllaziy xassa bihil ‘urubata va sarohal mu’jizoti va nassa ‘alo xotimatihi fir risolati bil oyootil bayyinoti va ‘alo olihi va ashobihillaziyna hum majma’u bihoril ‘uluum va ziyoul huluumi fil fuhuumi va mug‘rabul hudo kan nujumi mo tajrisul mizvadu mujmalan va mufassalan va tantisul malsina bil xafoyo mukammalan”, ya’ni “Fasohat egovini so‘zlatgan va nutq o‘tkirligidagi nuqsonni yo‘q qilgan Zot pokdir. Og‘zini to‘ldirib g‘o‘ldiraydiganlardan ortiqcha so‘zni sof arabcha tushuntirish ila bekor qilgan va arabchani jaholat zahriga qarshi taryoq qilgan Zot pokdir. Mufliq (g‘arib she’r aytuvchi) shoirlarni ohang dengizida fasohatning to‘g‘ri ilhomi bilan suzdirgani va ularni mahorat chirog‘i ila novda dengizidan e’joz qilichining nihoyasiga etkazgani uchun Unga hamd aytamiz. Ularni ulug‘lik poydevori balog‘at asosi bo‘lmish til xazinasiga kiritgani va ularni adab devonida arab tili va bayon ulug‘vorligi ila ustun qilgani uchun unga shukr qilamiz. Arab tili va mo‘’jizalarni u bilan xoslagan, risolat xotimasini ochiq oydin oyatlar bilan keltirgan arabiynaxod nabiy Muhammadga va ilm dengizining jamlanmasi, fahmda aql ziyosi va yulduzlar kabi hidoyat tongi va karvon tuyasining jaranglagan qo‘ng‘irog‘i kabi aql chirog‘i va yashirin balog‘atni mukammal bilgan oilasi va ashoblariga salovot va salom aytamiz”[344].

Ko‘rinadiki, “Lahjatu-l-lug‘ot” turkiy islom olamidagi atoqli olim, qator ijtimoiy fanlar bilimdoni qalamiga mansub asar sifatida turkiy tillar, jumladan, o‘zbek tili tarixiy leksikasi taraqqiyotida muhim o‘rin tutadi.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ИЛМИЙ, МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Шаропов Дилшод – Бухду, магистрант**

*Resume. In this article, the historian scientist, diplomat and statesman Abdurazzak Samarkandi scientifically analyzed the role of scientific and creative activity of in the study of the scientific and cultural heritage and history of Central Asia, the historical significance of the information on Islam, mysticism and history mentioned in his works*

Камолуддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий (1413—1482 йй.) Ҳиротнинг бадавлат ва нуфузли хонадонлариниг бирига мансуб бўлиб, отаси Шоҳруҳ ҳузурида қози аскар ва имомлик лавозимида ишлаган. Абдураззоқ яхши ўқиди ва фиқҳ, тафсир, ҳадис, араб тили, ғазал ва тарих илмларини пухта эгаллади. У ўз замонининг етук олимларидан бўлиб етишди.

Абдураззоқ Самарқандий 1438 йили ўзининг қози Азудиддиннинг араб тили грамматикасининг баъзи масалаларини (юклама ва олмош) тадқиқ этувчи «Рисолайи Азудия»

[344] Lahjatu-l-lug‘ot, qo‘lyozma. Muhammad Rog‘ib Posho kutubxonasi, №1440. 1[a]-varaq.

китобига бағишланган шарҳини ёзиб тамомлади ва Шоҳруҳга тақдим қилди. Ҳукмдор асар билан танишиб ва ёш олимдаги улкан салоҳиятни кўриб, уни сарой хизматига (фикримизча девони иншога) тайин қилди, Шу вақтдан бошлаб то 1463 йилга қадар Абдураззоқ Самарқандий дастлаб Шоҳруҳ, сўнгра Абулқосим Бобур (1451—1457 йй.) ва бошқа Темурий шаҳзодаларнинг саройида хизмат қилди[345].

Абдураззоқ Самарқандий қўпроқ хорижий давлатлар билан олиб бориладиган дипломатик ёзишмаларни ҳозирлаш, шунингдек элчилик ишлари билан машғул бўлган. Масалан, у Шоҳруҳ даврида 1441 йили Жанубий Ҳиндистонга элчи қилиб юборилади. Каликут шаҳрида ҳамда Вижаянагар рожалигида бўлиб, орадан икки йил ўтгач, 1444 йилнинг 27 декабрида Ҳиротга қайтиб келади[346]. Мазкур элчилик Темурийлар давлатининг Ҳиндистон билан муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистон сафари вақтида кўрган-билганларини тўплаб, бир хотира сифатида ёзиб қолдирган ва бу маълумот Темурийлар давлати билан Ҳиндистоннинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, айниқса Ҳиндистоннинг ижтимоий ва маданйи ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутади. Абдураззоқ Самарқандий 1447 йили Шоҳруҳнинг топшириғи билан Ғилонга борди ва унинг ҳокими амир Муҳаммад билан музокаралар олиб борди. Ўша йили у Мисрга элчи қилиб тайинланди, лекин Шоҳруҳнинг вафоти (1447 йил 12 март) туфайли бу ташриф амалга ошмай қолди. Абдураззоқ Самарқандий Абулқосим Бобур хизматида бўлган кезларида унинг ҳарбий юришларида, масалан, 1458 йили Мозандарон ва 1454 йили Самарқанд устига қилган юришларида қатнашди. 1463 йили Султон Абу Саид (у Ҳиротни 1458 йили эгаллаган) уни Ҳиротдаги Шоҳруҳ хонақосига шайх қилиб тайинлади ва Абдураззоқ умрининг охиригача ўша манзилда истиқомат қилиб, асосан илмий иш билан машғул бўлди[347].

Абдураззоқ Самарқандий йирик тилшунос олим сифатида ҳам ном қолдирди. У Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIV - XV асрлардаги ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаётидан, шунингдек, Темурийлар давлатининг қўшни мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой ва бошқа) билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари тарихидан баҳс юритувчи «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн» («Икки саодатли юддузнинг чиқиш жойи ва икки азим дарёнинг қўшилиш ери») деб аталувчи асари билан машҳур бўлди. Асар 1467-1470 йиллар орасида ёзилган. «Матлаъ ус-саъдайн» икки қисм (дафтар)дан иборат[348].

Элхон Абу Саъид (1316-1335 йй.) давридан то Амир Темурнинг вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтиришигача бўлган давр (1405 йил) тарихи ва Шоҳруҳнинг Темурийлар империясининг олий ҳукмдори деб эълон қилиниши (1405 йил)дан то Темурий Абу Саъиднинг ўддирилиши (1469 йил)гача бўлган тарихи. Асарнинг 1427 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган қисми компиляция бўлиб, Ҳофизи Абрунинг «Мажмуъ ат-таворих» китоби асосида ёзилган[349]. «Матлаъ ус-саъдайн»нинг иккични қисми, хусусан унинг 1427—1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисми асл нусха бўлиб, Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг шу давр ичидаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Асарда воқеалар хронологик тартибда келтирилган. Бу ҳол асардан фойдаланишда катта қулайликлар туғдиради, албатта. Абдураззоқ Самарқандий ва унинг мазкур асари рус ва хорижий мамлакатлар олимлари (Б.А.Дорн, В.В.Бартольд, В.Ф.Минорский, А.Ю.Якубовский, И.П.Петрушевский, Б.Г.Ғафуров, А.Ў.Ўринбоев, Б.А.Аҳмедов, М.Е.Катрмер, М.Шармуа, А.Галлан, Муҳаммад Шафеъ ва бошқалар) томонидан биринчи даражали тарихий манба сифатида юксак баҳоланган[350].

«Матлаъ ус-саъдайн»нинг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе шаҳарлари ва хорижий мамлакатлар (Англия, Франция, Ҳиндистон, Эрон ва б.)нинг кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг матни (иккинчи дафтари) покистонлик шарқшунос олим Муҳаммад Шафеъ тарафидан 1941 ва 1949 йилларда Лоҳурда чоп этилган. Айрим парчалар рус, инглиз, француз ва турк тилларида эълон қилинган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга қилган сафари баён этилган қисми ҳамда иккинчи дафтарнинг 1405— 1427 йиллар воқеаларини ўз ичига олган биринчи қисми (жузъ) А.Ўринбоев тарафидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1960 ва 1969 йиллари чоп этилган.

---

[345] Саидқулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Т: Ўқитувчи, 1993. – Б. 97.
[346] Темур ва Улуғбекм даври тарихи. Т: 1996. – Б.153.
[347] Абдураззоқ Самарқандий., Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. биринчи ва иккинчи қисмлар, Т., 2008. – Б. 3.
[348] Абдураззоқ Самарқандий., Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. биринчи ва иккинчи қисмлар, Т., 2008. – Б. 3-4.
[349] Абдураззоқ Самарқандий., Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. биринчи ва иккинчи қисмлар, Т., 2008. – Б. 4.
[350] Саидқулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Т: Ўқитувчи, 1993. – Б. 97.

«Матлаи саъдайн» ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг нодирлиги ва ишончлилиги билан XV—XVI асрларданоқ бошқа тарихий асарларга бош манба бўлиб хизмат қилган, тарихий адабиётни севувчи ўқувчиларнинг юксак баҳосини қозониб келган. Сўнгроқ эса ундаги айрим тарихий масалаларга оид маълумотлар Европа тарихий адабиётидан ҳам ўрин эгаллаган, баъзи кичик парчалари бошқа тилларга таржима ҳам қилинган. Таржималар орасида энг диққатга сазовори француз шарқшуноси Катрмернинг 1843 йили Парижда нашр этилган ишидир. Унда Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрух ҳукмронлик даври (1405—1447)дан бошланғич ўн уч йили (1405—1417) га оид тарихий маълумотлар форсчадан француз тилига таржима қилинган ҳамда бу таржима кетида Катрмер Абдураззоқ Самарқандийнинг 1442—1444 йиллардаги Ҳиндистон сафари тўғрисидаги маълумотларни ҳам французча таржимаси ва форсча матни билан келтирган. Бироқ бу таржималар асарнинг бирор жилдини ҳам тўла қамрамайди ва ҳозирги кунда жуда ноёбдир. Шунинг учун кўпчилик мутахассислар ва тадқиқотчилар у таржималардан фойдаланишга муяссар эмаслар.

«Матлаи саъдайн»нинг ўзбек тилидаги нашри унинг форсча аслияти иккинчи жилдидан иборат бўлиши кўзда тутилади. Яъни бунда асарнинг оригиналлик жиҳатидан энг қимматли деб топилган қисми ўрта аср форс тилидан ўзбекчага таржима қилиниб, тарихчилар ва кенг ўқувчилар оммаси эътиборига ҳавола қилинади.

Абдураззоқ яшаган, давлат ишларида фаол қатнашган даврларга оид унинг ўзи кўриб ёки бошқа шоҳидлардан эшитиб ёзган тарихий маълумотлар ана шу иккинчи жилднинг асосий қисмини ташкил этади. Бу маълумотларнинг бош манба сифатида қиммати каттадир. Биринчи жилд эса Абдураззокдан илгари ёзилган асарлар, хусусан, Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» («Бойсунғурга бағишланган тарихлар сараси») номли китоби асосида ёзилган. Шунинг учун, агар биринчи жилддаги маълу-мотларни ўзбек тилида нашр этиш лозим бўлар экан, аввало, XIV аср тарихидан сўзловчи ана шу «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий» асарини нашр этиш маъқул бўлади[351].

«Матлаи саъдайн» иккинчи жиддининг ўзбекча нашрини тайёрлаш иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиси Шарқшунослик институтида ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида бошланган эди. Чунончи, асарнинг алоҳида бир мавзуга—Абдураззоқ Самарқандийнинг темурийлар давлати элчиси сифатида 1442— 1444 йилларда Ҳиротдан Жанубий Ҳиндистонга қилган сафарига бағишланган қисми ушбу сатрлар муаллифи томонидан 1960 йили нашрдан чиқарилди. 1965 йили эса Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятини кенгроқ ёритишга мўлжалланган махсус китобча ҳам нашр этилиб, унда мазкур «Сафарнома»нинг кириш қисмига ёзилган бош мақола тарихнависнинг яшаган даврига оид айрим қўшимча маълумот ва хулосалар билан тўлатилди.

1969 йилда Тошкентда «Матлаи саъдайн» нинг иккинчи жилдидан биринчи қисми, яъни 807 (1405)—832 (1428—1429) йиллар воқеаларини ўз ичига қамраб олган боблар таржималари ўзбек тилида китоб ҳолида нашр этилди. Бу қисмдаги 1405—1427 йиллар воқеаларини Абдураззоқ Самарқандий ўзидан олдин ёзилган тарихий асарлардан, хусусан, «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий»дан фойдаланиб ёзган. Бундан кейин нашр этиш мўлжалланган қисми 833 (1429—1430)—875 (1470) йиллар воқеалари бўлиб, Абдураззоқ Самарқандийнинг ўзи бевосита иштирокчи ёки замондош бўлгани ҳамда тарихий асар ёзишдан илгари давлат хизматида эканлигида қаламга олиб юргани воқеалар баёни эди. Аммо ўша даврда собиқ шўро иттифоқида Амир Темур шахси ва фаолиятига нисбатан салбий қарашлар авж олгач, бу нашрни амалга ошириш имконияти бўлмади. Ниҳоят, истиқлол шарофати билан «Матлаи саъдайн» иккинчи жилдининг ўзбекча таржимаси тўла ҳолида икки китобда нашр этилаётир. Биринчи китоб 807 (1405)— 832 (1428—1429) йиллар, иккинчи китоб 833 (1429—1430)—875 (1470) йиллар воқеалари тасвирланган боблар таржимасини ўз ичига олади[352].

Ушбу таржимани тайёрлашда «Матлаи саъдайн»нинг покистонлик олим профессор Муҳаммад Шафе (1963 йили вафот этган) томонидан Лоҳурда нашр этилган форсча матнига таянилди. Ҳозирда маълум бўлишича, дунёдаги Шарқ қўлёзмалари сақланаётган йирик кутубхоналарнинг деярли ҳар бирида «Матлаи саъдайн»нинг бир ёки бир неча нусхаси учрайди. Шарқ қўлёзмалари каталогларидан маълум бўлишича, асарнинг иккинчи жилди қўлёзмаларидан 20 дан ортиғи дунё кутубхоналарида мавжуддир. Бу қўлёзма нусхаларнинг барчасини жамлаб тузилган форсча танқидий матн ҳозирча мавжуд бўлмаса-да, Муҳаммад Шафенинг нашри асарни танқидий ўрганиб, унинг илмий ишлар учун ишончли матнини барпо этишдаги биринчи, аммо анчагина пухта ишдир.

[351] Бартольд В.В. Новый источник по истории тимуридов. Соч., Том 8, М., 1973. – С. 354-374.
[352] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаъ баҳрайн. А.Ўринбоев таржимаси. Т., 1965. – Б. 115-125.

**BADIIY ASARDA KELTIRILGAN AFSONA, RIVOYATLARNING MILLIY–MADANIY JIHATLARI VA SHAXS MA'NAVIYATIDAGI AHAMIYATI**
(O'tkir Hoshimov asarlari asosida)

**Ziyatova Nafosat-NavDPI o'zbek tili va adabiyoti fakulteti talabasi**

**Annotatsiya**: Afsonalar va islomiy rivoyatlar inson ma'naviy-ma'rifiy kamolotining asosi bo'lgan axloq-odob tarbiyasining barcha qirralarini o'z ichiga olgan. Badiiy asarlarda bu kabi hikoyatlarning keltirilishi asar mazmun-mohiyatini boyitib falsafiy mushohada qilishga undaydi o'quvchini. Bu esa milliy madaniyatni, qadriyatlarni, o'zlashtirish asnosida inson ma'naviy-axloqiy kamolotining yuksalishiga xizmat qiladi.

**Kalit so'zlar**: afsonalar, rivoyatlar, badiiy asar, ma'naviyat, odob-axloq, lingvokulturologiya, milliy madaniyat, milliy tarbiya.

**Annotation:** Myths and legends cover all aspects of moral education, which is the basis of human spiritual and enlightenment perfection.The presence of such stories in works of art enriches the content of the work and encourages the reader to make philosophical observations. This contributes to the spiritual and moral development of man through the assimilation of national culture and values.

**Keywords:** myths, legends, works of art, spirituality, morality, linguaculturology, national culture, national education.

Insonning insonligi, birinchi navbatda uning ma'naviy-axloqiy jihatdan barkamolligi, pokligi bilan belgilanadi. Hozirgi kunda bu kabi masalalar umuminsoniy ahamiyatga molik muammo bo'lib qolmoqda.Yoshlarni iymoni, e'tiqodi va axloqiy fazilatlari –ma'naviyati kuchli, qalbida milliy mas'uliyat tuyg'usi mustahkam inson sifatida tarbiyalash dolzarb masalaga aylangan. Buning uchun hammaga dasturilamal bo'luvchi kitoblar bizning asosiy tayanchimiz hisoblanadi. Ajdodlar tomonidan yaratilgan va bizga qadar yetib kelgan ma'naviy boyliklar bu-ular tomonidan yaratilgan ertak,rivoyat, doston va boshqa xalq og'zaki ijodi namunalari hamda hozirgi davrdagi yozma adabiyot namunalari ham ma'naviy boylik sanaladi. Bunday rivoyatlarning badiiy asarlarda qo'llanishi asar mazmun-mohiyatini boyitib, falsafiy mushohadaga undaydi o'quvchini.

Shu ma'noda ite'dodli yozuvchi O'tkir Hoshimov asarlariga e'tiboringizni qaratmoqchimiz. Adib asarlaridagi g'oyani hayotdan, odamlardan, jamiyatdan oladi. Uning "Ikki eshik orasi", "Dunyoning ishlari", "Bahor qaytmaydi" kabi vb. asarlaridagi qo'ni-qo'shnilar, mahalla-kuy, ota-ona va farzandlar, qarindoshlar, oila a'zolari o'rtasidagi munosabatlar teran tasvirlangan. Yozuvchi asarlarida rivoyatlar, afsonalardan ham foydalangan. "Bahor qaytmaydi" qissasida Qonqus daryosi haqidagi rivoyatlardan biri ketitilgan: "*Bir vaqtlari bu yerdan katta daryo o'tgan , deyishadi... Daryo bo'yida katta shahar bor ekan... Bir kuni shaharga dushman hujum qilibdi. Shahar odamlari daryoning ko'prigini buzib tashlashibdi... Daryoning kechuv joyi bor ekan-u, uni shahardagi ikki yigitdan boshqa hech kim bilmas ekan. ikkala do'st bitta qizni yaxshi ko'rishar ekan. Ikinchi yigit do'stidan qanday bo'lmasin qasos olishga qizni qo'lga kiritishga qasam ichgan ekan. Dushman shaharni o'rab o'lishi bilan o'sha yigit xoinlik qilibdi. Daryodan suzib o'tib, dushman sarkardasiga sirni aytibdi:"Agar sen raqibimni o'ldirib, sevgilimni menga topshirishga va'da bersang, yo'lni ko'rsataman",- debdi. Sarkarda rozi bo'libdi. Dushmanlar kechuvdan o'tib, shaharni bosib olishibdi. Qizning sevgilisi urushda o'libdi. Sarkarda xoinni chaqirib, may tutibdi. Xizmat haqingni ol,- debdi. Xoin may ichib oxirgi tilagini aytibdi:"Men sening buyrug'ingni bajardim. Endi sen ham mening shartimni bajar. Odamlaringga ayt, sevgilimni olib kelishsin". Sarkarda kulibdi. "Sevgilingni ko'rish senga nasib qilmaydi. Hozir ichganing may emas, zahar! O'z do'stiga xiyonat qilgan odam menga do'st bo'lolmaydi. Sen qon qusib o'lasan,-" debdi. Xoin chindan ham qon qusib o'libdi.*" [1.141-b.] "Bahor qaytmaydi" qissasi boshlanish qismida bejizga berilmagan. Qissada ham shu rivoyatga o'xshash hozirgi zamondagi hodisani ko'rish mumkin. Asarning oxirida do'stiga xiyonat qilish, ochko'zlik, manmanlik, shuhratparastlikning ayanchli oqibati ham bayon etilgan.

"Dunyoning ishlari" asaridagi "Ikki afsona" hikoyasi kishini falsafiy mushohada qilishga undaydi: *Yer yuzida iflos narsalar ko'p deb, oftobning sira yer yuziga chiqqisi kelmas ekan. Xudo uni ovutarkan, sen chiqavergin yer yuzini iflos narsalardan tozalaydigan odamlar bor, der ekan. Shuning uchun kim yer yuzini tozalasa, osha eng yaxshi odam bo'larkan. ...Oftob har kuni yana Xudoga nola qilarkan. Yer yuzida yomon odamlar bor. Ularniyam ko'rgim kelmaydi, der ekan. Tangri uni ovutarkan. Sen chiqavergin, qancha ko'p nur sochsang, yer yuzida yomon odamlar shuncha kamayadi, der ekan.* [2.15-b.]

Bu o'rinda ekologik tarbiya g'oyasi ham singdirilganini ko'rish mumkin. Atrof-muhitni toza tutish kerakligini uqtirish bilan birga insonlarning ham qalban toza bo'lishga, yomonlik qilmaslikka chaqiriq yangrayotgandek go'yo.

Shu hikoyada ikkinchi afsona asosida oila vatan ichidagi vatan ekanligi, inson yaqinlarini, oilasini, Vatanini yaxshi ko‘rishi kerakligi, hatto jonivorlarga ozor bermaslik sodda, lekin teran ifodalab berilgan:

*...Bir bor ekan, bir yo‘q ekan. Qadim zamonda bir yigit bo‘lgan ekan. O‘zi yaxshi yigit ekan-u, bir kuni onasini xafa qilib qo‘yibdi. ...Ertalab ko‘chaga chiqsa, qo‘shni kampir ikki bukilib obkashda suv olib ketayotganmish. Yigit yugurib borib kampirning qo‘lidan obkashni olmoqchi bo‘libdi. Kampir bo‘lsa, rahmat o‘rniga yigitning yelkasiga obkash bilan rosa uribdi. ...”Sen, - debdi kampir yigitga, - birovning ko‘nglini ovlashdan oldin o‘z onangning ko‘nglini og‘ritmaslikni o‘rgan”.* [2.16-b.]

Ona o‘gliga: ”*Odam eng avvalo o‘zining yaqinlarini yaxshi ko‘rishi kerak. Dunyoda yaxshi odamlar ko‘p. Judayam ko‘p. Ammo sen adangni, opangni, akalaringni yaxshi ko‘rishing kerak*",-deydi.

*- Sizniyam, - deyman uning gapini bo‘lib.*

*- Meniyam... - deydi onam kulib. - Meniyam yaxshi ko‘rmasang, dunyoda hech kimni yaxshi ko‘rolmaydigan bo‘lib qolasan.*

*- Uyimizniyam, - deyman mahmadonalik qilib. Oyimni jahli chiqmaydi.*

*- Uyimizniyam, - deydi ma'qullab. - O‘z uyimizni yaxshi ko‘rmasang, yuz qavatli uylarniyam yaxshi ko‘rolmaysan.*

*Sen o‘sha shaharlarni yaxshi ko‘rish uchun Toshkentni yaxshi ko‘rishing kerak. Toshkentni yaxshi ko‘rish uchun o‘zimizning Do‘mbrobodni yaxshi ko‘rgin, xo‘pmi?*

Keltirilgan rivoyat juda qisqa, lekin bola rivoyatning mag‘zini chaqishi, tushunishi uchun muallif tomonidan o‘ziga xos usul (metodik tavsiya) singdirib yuborilganini ko‘rish mumkin. Bolalarga ertak, rivoyat, hikoyatlar aytganda mana shunday o‘ziga xos izoh berib, ayni paytdagi hayot, davr bilan bog‘lab tushuntirish kitobxonlik madaniyatini oshirish bilan birga kitobga bo‘lgan qiziqishni oshiradi. Onalar, buvijonlar tomonidan ertak, hikoya aytilayotganda ana shunday xulosalarni ham singdirib borish tarbiyaning o‘ziga xos usuli sanaladi. Tarbiya ana shu ildizlardan ozuqa oladi. Milliy tarbiya - u yoki bu millatni, elatni tashkil etuvchi kishilarni milliy madaniyatini meros, qadriyatlarni, urf-odatlarni, an’analarni o‘zlashtirishdagi faoliyatni rivojlantirishdir. Badiiy asarlarda esa ibratli hikoyatlarni keltirish ularning inson hayotidagi ahamiyatini anglash va ularga amal qilish ko‘nikmasini shakllantiradi va insonni mushohada qilishga undaydi. Avlodlar tomonidan yaratilgan va keyingi avlodga yetib kelgan barcha ma’naviy boyliklar—bizning merosimiz sanaladi. Bu ma’naviy meros insonni to‘g‘rilikka, halollikka, poklikka, vatanparvarlik va insonparvarlikka, ezgulikka, umuman olganda, yuksak axloqlilikka yo‘naltiradi. Bu o‘z navbatida umuminsoniy qadriyatlarning mohiyati va mazmunining bir qismi sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘tkir Hoshimov. Sevgi qissalari. Hikoyalar va qissalar: Bahor qaytmaydi. T.:2013. www.ziyouz.com kutubxonasi
2. O‘tkir Hoshimov. Dunyoning ishlari. T.:2018.
3. Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. Darslik. T.:2019.23-b.

## ABDULLA ORIPOVNING ”HIKMAT SADOLAR” TURKUMI SHE’RLARIDAGI DINIY URF-ODATLARGA BOG`LIQ ATAMALAR LINGVOPOETIKASI

**Qurbonov Davron-NavDPI talabasi**

*Annotatsiya:* Abdulla Oripovning ”Hikmat sadolari” turkumi she’rlari hadislar asosida yaratilgan. She’rlarda axloqiy kamolot, halollik va poklik, iymon va vijdon bilan bog‘liq bo‘lgan masalalarga oid fikrlar bayon etilgan. Maqolada she’rlardagi ba’zi dinga oid so‘z-atamalarning ma’no xususiyatlari va matndagi lingvopoetik jihatlari ham yoritilgan.

*Kalit so‘zlar*: she’rlar, hadislar, atamalar, lingvopoetika.

*Annotation*: Abdulla Aripov's poems "Voices of Wisdom" are based on hadiths. The poems express thoughts on issues related to moral maturity, honesty and purity, faith and conscience. The article also discusses the semantic features of some religious terms in the poems and the linguopoetic aspects of the text.
*Keywords*: poems, hadiths, terms, linguopoetics.

Tilimizda ma’lum fan, kasb-hunar vakillari qo‘llaydigan va tushunadigan maxsus so‘zlar bor. Ular terminlar-atamalardir. Terminlar fan, texnika, adabiyot, san’at va boshqa sohalarga oid ixtisoslashgan, qo‘llanishi muayyan soha bilan chegaralangan tushunchalarni ifodalaydigan nominativ birliklardir: ularning mazmun planida muayyan soha tushunchalari ifodalangan bo‘ladi. Barcha sohalarda b’olgani kabi diniy atamalar ham bor va ular ham maxsus ma’nolarga ega. Albatta, bunday atamalarning matnda qo‘llanishi o‘ziga xos izoh talab qiladi. Jumladan, she’riyatda diniy atamalar yoki hadislar keltirilsa, ularning ma’rifiy jihatlari haqida fikr yuritish lozim bo‘ladi. Shoir Abdulla Oripovning ”Hikmat sadolari”(Ellik hadis)[1.] turkumi she’rlaridagi ba’zi atamalar lingvopoetikasi haqida fikr yuritamiz.

Islomda ota-onaga mehr-muhabbat, iamxo‘rlik, farzand tarbiyasi va oilaga sadoqat masalalariga alohida e’tibor berilgan. Kishilarni yaxshilik qilish, savob ishlarga qo‘l urish, insofli-diyonatli, vijdonli bo‘lish, mehr-shafqatlilik, to‘irilik, rostguylik, sofdil bo‘lish, birodarga yordam berish, kamtarlikka chaqirish ioyalari ilgari surilgan. Hadislarda axloqiy kamolot, halollik va poklik, iymon va vijdon bilan boiliq bo‘lgan birorta ham muhim masala e’tibordan chetda qolmaganini ko‘ramiz.

Sen gunoh qildingmi bechora banda,
Sen shayton makriga uchdingmi nogoh.
Tinching qolmadimi ruh ila tanda,
Endi nadomatlar bo‘ldimi hamroh.

“O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da *gunoh, gunohkor [3]* so‘zlarining bosh ma’nosi *din.* qisqartmasi (Ya’ni bunday qisqartmalar bilan berilgan so‘zlar dinga oid so‘z, so‘z birikmasi ) bilan berilgan.

*Gunoh* (*forscha “ayb”)*1 *din.* Shariat qonuniga, diniy aqidalarga xilof ish, xatti-harakat. Gunohkor (forscha *gunoh qiluvchi, aybdor”*) 1 *din.* Shariat qonuniga, din aqi-dalariga xilof ish qilgan shaxs, aybdor.

Gunoh qilgan najot, chora axtaradiki, ammo gunohkorga najot eshiklari yopilgan. Unda biror-bir imkon yo‘q. Shunday paytdagi holatga shoir quyidagi misralarda juda g‘ozal ta’rif bergan:

Yo‘q, hali olamda mavjuddir shafqat,
Yo‘q hali tebranar mehr beshigi.
Tavba qil, tavba qil, tavba qil faqat,
Senga ochiq faqat tavba eshigi. (“Tavba” 182-b.)

“Hidoyat yo‘li” she’rida esa Naqshbandiya ta’limotidagi "Ko‘ngil xudoda bo‘lsin-u, qo‘l ish bilan band bo‘lsin" ("Dil ba yoru, dast ba kor") shiori keltirilgan:

U senga ko‘rsatdi hidoyat yo‘lin,
Yurgil yo yurmassan, o‘zing bil, Inson.
Boshingga nogahon balolar yog‘ar
Labingdan uchgan chog‘ jaholat so‘zing.
G‘oyibdan baxt kutib oltirmoq nechun,
Dastingga kor berdi qalbingdagi yor.
Zaminda ko‘rgazgan qilmishing uchun
Osmonni malomat qilmog‘ing bekor. (Hidoyat yo‘li. 180-b.)

Naqshbandiya ta’limotida imon mustahkamligi, Haq-taologa sidqidildan itoat etish, ixlos va ma’naviy kamolot asosiy o‘rin egallaydi. Rasm-rusumlar, odatlarni ko‘r-ko‘rona ado etish, riyo, soxta dindorlik qoralanadi. Axloqiy poklik, qanoatli, sabrli bo‘lish, ixtiyoriy faqirlik bilan Allohga intilish yuksak fazilat hisoblanadi. Bu ta’limotda odamning qadri mansabi, boyligi bilan emas, ma’naviy komilligi bilan o‘lchanadi. Hunar, kasb egallab, o‘z mehnati bilan halol luqma yeb yashash talab qilinadi, tilanchilik, darbadarlik bilan kun kechirish isnod sanaladi.

G‘iybat qilish – og‘ir gunoh. G‘iybat qiynalib hosil qilingan yaxshiliklarni yeydi. Yaxshiliklar endi to‘planganida ularni sochib yuboradi. Kunlar davomida mashaqqat ila qilingan ibodatlarni til vayron qiladi. Bu haqida hadislarda juda ko‘p sharhlar berilgan. “G‘iybat” she’rida shoir ana shu hadislarga ishora qilgan:

Do‘zax yo‘llaridan o‘tarkan Rasul,
Atrofga ko‘z tashlar edi damodam.
Kimdir faryod solib yug‘lardi nuqul
Otashda yonardi o‘zga bir odam.
Yo‘lning kanorida –shundoq sarhadda
O‘limtik yer edi allaqanday zot.
Nogoh Rasulilloh boqib hayratda,
Jabrailga dedi:-Bu kimdir, hayhot!?
Jabrail aytdikim:-Bunda har kimsa
Jazosin olgaydir qilmishiga xos.
O‘limtik yeguvchi bul banda esa,
Umrin g‘iybat bilan o‘tkazgan xolos. (“G‘iybat”. 185-b.)

Oisha Roziyallohu Anhudan rivoyat qilinadi: «Men Nabiy sollallohu alayhi vasallamga Safiyaning sifatlari mana bular, deb sanadim. SHunda Nabiy sollallohu alayhi vasallam: «Dengiz suviga qo‘shsa, uni ham buzadigan so‘z aytding», dedilar *(Abu Dovud rivoyati).* (Buning ma’nosi quyidagicha: g‘iybat shu qadar iflos narsaki, uni solsa, hatto dengizning ham hidi va ta’mini buzib yuboradi. Birgina g‘iybat so‘z ulkan dengizga shuncha ta’sir qilsa, bir kunda takror-takror aytilayotgan g‘iybatlarning ta’siri qanday bo‘larkin?)

Tilni tiyish ulkan xayru baraka bo‘lish bilan birga benihoya savobli amaldir, chunki tilni tiyish juda ko‘p yomon ishlarga kirishishdan to‘sadigan ibodatdir.

Abdulla Oripovning ”Hikmat sadolari” she’riy turkumida hadislarga asoslanib yozilgan she’rlar o‘rin olgan. Bu she’rlarda insonning kamolotga erishishi uchun talab etiladigan insoniy fazilatlar ifoda etilgan. She’rlarga asosan hadislardagi (“Ibodat”, “Hayit”, “Savob”,”Shafqat”, “Hasad”, “G‘iybat”, “Kibr” kabi vb.) atamalar nom qilib tanlangan. O‘zgalarga bo‘lgan mehr-oqibat ko‘rsatish, saxiylik, ochiq ko‘ngillik, ota-ona va yaqinlarga nisbatan muruvvatli bo‘lish, ularga g‘amxo‘rlik qilish, mehnat va kasb-hunarni ulug‘lash, halollik, poklik, do‘stlik, oliyjanoblik, rahm-shafqatlilik, halol luqmani sharaflash, kamtarlik, rostgo‘ylik va vijdonlilik, sabr-bardosh, shukronalikka da’vat, o‘zaro mehr, yetimparvarlik, vafo va sadoqat, kabi xislatlar hadislarga asoslangan holda talqin qilingan. Bundan tashqari, insonning o‘zini yomon illatlardan tiyishi, yaxshilik sari intilishi kerakligi borasidagi pand-nasihatlar ham o‘z aksini topganki, bularning barchasi komil insonni shakllantirishda asosiy mezon bo‘lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar:


1. A.Oripov. Men nechun sevaman O‘zbekistonni. She’rlar.T.2006.
2. Imom al Buxoriy."Al- adab al-mufrad". www.ziyouz.com kutubxonasi
3. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik.1-jild.T.:2006.525-b.

## ДЖУЙБАРСКИЕ ХОДЖИ В ДУХОВНО-КУЛЬТУРНОЙ ЖИЗНИ МАВЕРАННАХРА

**Халим Тураев**
**доктор исторических наук, профессор (Бухара)**

Джуйбарские ходжи Бухары в течение двух столетий сохранили свой духовно-религиозный и общественно- политический статус, независимо от династических перемен и политической обстановки в средневековом Мавераннахре. Несметное материальное состояние Джуйбаридов дало возможность им оказаться в центре духовно-культурных процессов, происходящих в государстве Шейбанидов и Аштарханидов. Они заявили о себе не только как духовный, но и общественный лидер, покровитель представителям умственного труда, меценат, благотворитель и т.п.

Они хорошо понимали, что деятельное участие в духовно-культурной жизни общества и оказание материальной поддержки поэтам, художникам, каллиграфам послужит стимулом для обретения ими высокого статуса и общественного положения в обществе. Духовное лидерство способствовало Джуйбаридам занимать достойное место в иерархии тариката Накшбандийа и быть признанным в среде духовной элиты. В основном три представителя дома Джуйбаридов считали себя последователями тариката Накшбандийа - это Ходжа Ислам –глава дома, Ходжа Саъд и Ходжа Тадж ад-Дин.

В цепи духовной преемственности, т.е. силсила значится имя Ходжа Ислама как последователя тариката Накшбандийа. После смерти видного представителя Накшбандийа Махдуми Аъзама Ходжа Косони в 1542 г. часть его последователей перешла к Ходжа Исламу. Помимо того, некоторые приверженцы Ходжа Ислама изъявили желание стать его официальным муридом, и в конечном итоге добились его согласия. Следует упомянут имя таких его муридов как Мулла А'мод, Мулла Исмат, Мир Кашмири ( т.е. Бадр ад-Дин Кашмири), Мулла Касым, Хусайн Сарахси и др. Среди его последователей были поэты, историки, чтецы Корана нараспев (хафиз). Ученики были как из Бухары, так и из других из других городов Мавераннахра как Ташкент, Андижан, Самарканд, Хива. Отдельные ученики пользовались материальным и духовным покровительством Ходжа Ислама. Один из его учеников Мир Марви настолько сильно завоевал симпатию бухарского правителя из династии Шейбанидов Абдулла-хана, что последний в его честь построил хонакох, в котором Мир Марви несколько лет занимал должность шейха этого хонакоха.

Можно наблюдать такой парадокс, что несколько его учеников побывали в Мекке и обрели статус паломника, но Ходжа Ислам не решился совершит паломничество. Тем не менее, он оказывал им материальную и духовную поддержку. Один из его учеников Турсун Мухаммад обладал красивым почерком в насхе. Другой его ученик Саййид Хошим Ходжа Марви вспоминает так: «Сорок лет мы испытывали затруднение в решении ряда вопросов по тарикату. Обратились к шейхам и специальным трактатам, но увы, вопросы оставались открытыми. Как только удостоились беседы святейшества Ишана, т.е. Ходжа Ислама, на все вопросы получили исчерпывающего ответа».

В официальных средневековых хрониках сын Ходжа Ислама Ходжа Са’д упоминается как духовный преемник своего отца. Приводятся его поучительные высказывания относительно духовного совершенства человека. Судя по ним, духовное воспитание Ходжа Са’д поднял на уровень общественного воспитания, и тем самым старался повышать социальную активность населения. Основные принципы духовного воспитания Ходжа Са’да заключаются в следующем: оказание благотворительности бедным и нуждающимся; участие лишь в полезных беседах; примыкать к беседам благочестивых; нетерпимость к лицемерию; быть милостивым, щедрым, терпеливым; отказ от мирских развлечений, не поддаваться склокам; быть учтивым.

Бухарский правитель Абдулла-хан, также другие удельные правители с большим почтением относились к Ходжа Са’ду, и в его лице видели своего духовного наставника. Например, Абдулла-хан перед каждым походом получал благословение его и свои триумфы считал результатом искренних благословений Ходжа Са’да.

При очередном представителе Джуйбаридов Ходжа Тадж ад-Дине квартал Джуйбар Бухары обрел особый духовный статус, куда стремились приверженцы Ходжа Тадж ад-Дина, чтобы удостоится его нравоучительных бесед и обрести душевное равновесие. Отдельные талантливые каллиграфы, художники, переплетчики (саххаф), чтецы Корана (кори), которые были замечены Ходжа Тадж ад-Дином, не оставались в стороне от его снисхождения. Обратимся к фактам. Хафиз Баки от отрочества воспитывался у Ходжа Тадж ад-Дина. В итоге стал искусным чтецом Корана. При

поддержке Ходжа Тадж ад-Дина занимал должность имама хонакоха в Джуйбаре. По возвращению из хаджа по дороге умер, а тело привезли в Сумитан и похоронили в семейной усыпальнице Джуйбаридов.

Искусный каллиграф Мулла Амин Хусейн, который безупречно составлял тексты в насхе и таълике, был личным секретарем Ходжа Тадж ад-Дина. Мулла Жалма' достиг высокого совершенства в искусстве по изготовлению переплетов книг и в этом ремесле был уникумом своего времени. Он не раз пользовался материальной поддержкой Ходжа Тадж ад-Дина. После его смерти сын продолжает профессию отца, и он также был материально обласкан Ходжа Тадж ад-Дином.

Под покровительством Ходжа Тадж ад-Дина Мирза Мухаммад Хафиз в кротчайший срок приобрел навыки читать Коран нараспев. Медресе в Сумитане, где расположена семейная усыпальница Джуйбаридов, было под постоянным углом внимания Ходжа Тадж ад-Дина. Он часто посещал медресе, чтобы узнать о состоянии обучения и положении студентов.

Не менее известный представитель этого дома Мухаммад Юсуф Ходжа имел немаловажное место в литературной среде Бухары XVII в. Он сочинял стихи под поэтическим псевдонимом «Ишрати». Отрывки из его стихов:

Фурсати вақти гул, фасли хазонам бигузашт,
Чашм пушида кушодам, ки баҳорам бигузашт.
Ишратий, умр чу барқ ба назар жилва намуд,
Ман надонам ки, чи вақт омад, онам бигузашт.

Листопад позади, наступил сезон цветов,
Когда открыл глаза, а весна уже прошла.
Ишрати, жизнь оказалась молнией,
Даже не успел заметит, когда она прошла.

Следовательно, Джуйбариды внесли большой вклад в развитие литературной среды в Бухаре.

Строительство целый ряд зданий богоугодного, просветительского и хозяйственного значения, которые достойно украшают сегодня архитектурный облик Бухары и Узбекистана в целом, связано с именем Джуйбаридов. Это архитектурный комплекс Чорбакр, медресе Гаукушон, медресе Калобод, мечеть Ходжа Калон в Бухаре, Хонакох и минарет в Зандани. Вместе с тем, ряд нуждающихся в ремонте зданий Джуйбаридами были отремонтированы или же перестроены. В рукописных источниках приводится перечень этих зданий. .По свидетельству источников их число было внушительным.

По собственной инициативе Джуйбаридов было составлено три сочинения по истории этого святого семейства: "*Раузат ар-ризван"* Бадр ад-Дина Кашмири, "*Матлаб ат-талибин"* Мухаммад Талиба, "*Саъдийа"* Хусейна ас-Сарахси. Более тысячи томов рукописей хранилось в их семейной библиотеке.

Одним словом, Джуйбариды внесли определенный вклад в развитие духовно-культурной жизни средневекового Мавераннахра.

## ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ЖАМИЯТ БИРДАМЛИГИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

**Хусниддин Ахмедов,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси Малака ошириш маркази директори,**
**сиёсий фанлар доктори, доцент**

**Abstract**

*This article examines the essence of the concept of tolerance, religious tolerance, the idea of tolerance in Islamic sources, the principles of religious tolerance in Uzbekistan and their legal basis.*

***Key words:*** *tolerance, religious tolerance, Islamic sources, principles, ideas, heritage, welfare of society.*

"Бағрикенглик" тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, этика, диншунослик каби фанлар доирасида кенг истифода этилади. "Толерантлик" – лотинча "tolerare", яъни "чидамоқ", "сабр қилмоқ" маъносини англатган бу сўз, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади.

Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, “чидамлилик”, “бардошлилик”, “тоқатлилик”, “ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”, “мурувватлилик”, “ҳимматлилик”, “кечиримлилик”, “меҳрибонлик”, “ҳамдардлик” каби маъноларга эга.

Шу ўринда бағрикенгликнинг муҳим йўналишларидан бири “диний бағрикенглик” эканлигини алоҳида қайд этишимиз лозим. Турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд фарқлардан қатъий назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англатадиган мазкур тушунча, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этишини назарда тутади. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, *“Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”*.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда динлараро бағрикенглик нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутган, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланган ғоя сифатида эътироф этилиб келинмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу ғоя демократик жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз турли динларга мансуб кишиларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасидаги тотувликни таъминлаш борасидаги ишларнинг асосий мезонига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Шу маънода Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “”Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиққани чуқур мантиқий асосга эгадир. Зеро, муқаддас динимиз бағрикенгликка, эзгу амаллар ва бахту саодатга олиб борадиган йўл айнан маърифат эканини алоҳида уқтиради”[353].

Бугунги кунда ислоҳотларнинг туб негизида халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларимиз, аҳолининг руҳи ва кайфияти ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиниб иш юритилаётгани қувонарли ҳол. Ҳар қандай ислоҳотнинг пировард-натижаси, аввало, унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади.

Президентимиз ташаббуси билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилганлиги ва ушбу стратегияда бешинчи йўналиш сифатида *“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”* белгиланлиги фикримизнинг тасдиғидир. Бу ҳам, юртимизда фуқароларимиз хавфсизлиги, миллатлар ва диний бағрикенгликка берилаётган эътибордан далолат беради.

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмаган. Бу эса, миллати ва диний қарашидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар, бир сўз билан айтганда инсон маънавий қиёфаси юртимиз аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Маълумки, ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қилади. Зеро, хайрли ишларда ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш, Яратганнинг талабидир. Қуръони каримда Аллоҳ таоло: «Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!..», (Моида сураси, 2-оят) деб марҳамат қилган.

Ҳадиси шарифларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар: “Имоннинг афзали сабр ва бағрикенгликдир”. Чиндан ҳам ислом дини таълимотига кўра, бағрикенг бўлиш имон белгисидир. Ислом ўзидан аввалги самовий динларни (яҳудийлик, насронийлик) ҳурмат қилиш билан чекланмай, ўша дин аҳлларига чексиз мурувватлар кўрсатган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйган. Маданияти ва анъаналарига эҳтиром билан қараган. Асрлар давомида бу

[353]Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 456.

қоидаларга амал қилиб яшаган мусулмонлар бир-бирларига ва ҳатто ораларида яшайдиган бошқа дин вакилларига нисбатан мурувват кўрсатиб, бутун инсониятга ибрат бўлишган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, глобаллашиб бораётган бугунги кунда жамият ҳаётида миллатлараро мулоқот, сабр-тоқат, диний бағрикенгликни кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб вазифага айланди. Ушбу жараёнда юртимизда тўпланган асрий тажрибалардан унумли фойдаланиш, бу борада замонавий реалликларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш янада муҳим аҳамият касб этишини чуқур англаган ҳолда фаолиятимизни шунга мос ҳолда сидқидилдан Ватанимиз равнақи йўлида садоқат ва фидоийлик билан хизмат қилишимиз зарур.

## РАЗВИТИЕ ИДЕИ СОДРУЖЕСТВА, МИРА, ТОЛЕРАНТНОСТИ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ МЫСЛИТЕЛЕЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Мардонова Ф.Б., доцент, Жумаева Ф.Р., доцент**
**Навоийский государственный педагогический институт, Узбекистан**

**Аннотация:** Ушбу мақолада буюк шарқ мутафаккирларининг тинчлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик хақидаги қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, алломаларнинг ижтимоий – фалсафий ғояларидаги толерантлик ва гуманистик қарашлари ўз аксини топган.
**Калит сўзлар:** тинчлик, тотувлик , ҳамжиҳатлик, бағрикенлик, маънавий мерос.
**Аннотация:** В данной статье проанализированы взгляды великих восточных мыслителей о мире, согласии, содружестве. Также отражены в социально – философских идеях гуманистические взгляды ученых.
**Ключевые слова:** мир, согласие, содружество, толерантность, духовное наследие.
**Annotation :** The point of view of Eastern scientists about peace, kind and friendship are analyzed in this article. Scientists' social- philosophical ideas of tolerance and humanistic point of view are also reflected in this article.
**Key words:** tolerance, peace, international harmony, spiritual inheritance, Commonwealth.

Как отмечают многие исследователи, некоторые Центральноазиатские мыслители вкладывали в традиционное понятие «бағрикенглик» те или иные аспекты нынешнего понимания «толерантности», тем самым ещё более облегчая возможность его современного использования.

История социально-философской мысли Центральной Азии средних веков свидетельствует об успешной идейной борьбе против религиозного фанатизма и вражды через международное согласие и солидарность, религиозную толерантность и взаимное доверие, через стремление к экономическому культурному сотрудничеству с народами стран разных вероисповеданий. Бесконечно огромен вклад, возникший в то время теоретико-философских и духовно-нравственных идей, в достижении определённых результатов в области политики, экономики и права. В истории социально-философской мысли народов Центральной Азии подход к социальной культурно-нравственной сущности религии с точки зрения социально-экономического и культурно-духовного условия времени, применения её ценностей в условиях реальной жизни имел богатую традицию уже в начале средних веков. Основной заслугой религии в ней, в первую очередь, было воспитание людей в духе высокой нравственности, призыв к взаимному согласию и сотрудничеству, и в результате всё это привело к обеспечению стабильности, мира и благополучия, согласия среди людей. Мыслители Центральной Азии, обвиняя религиозный фанатизм и религиозную корысть, ставшие причиной усиления чувства, недоверия и вражды между народами и странами, выдвигали вперёд идеи религиозной толерантности, а также соглашения между представителями разных вероисповеданий. Такая традиция подхода к религии в средние века укреплялась попыткой практического применения этих идей к социальной, культурной и духовной жизни.

Одним из великих мыслителей, который последовательно разработал и попытался теоретически и философски обосновать идею установления мира и согласия между народами, жить в сотрудничестве и солидарности, был наш соотечественник Абу Наср Фараби. Он был сторонником эвдемонизма (счастья). Он утверждал, что сущность человеческая – удостаиваться подлинного счастья. В своих многих произведениях Фараби, в частности, в трактатах «О взглядах жителей добродетельного города», «О достоинстве, о счастье и совершенстве» показал исторические и социальные причины происхождения человеческого коллектива. А также он показывает основную причину того, что люди не могут жить без помощи друг друга, только сотрудничество и взаимопомощь могут быть причиной возникновения человеческого коллектива, стабильности и

развития общества. Об этом Фараби пишет так: «Человек, по своей природе, состоит таким образом, что для своего существования и для достижения высшего совершенства нуждается во многом. Он один не может всего этого достигнуть, для его достижения он нуждается в человеческом обществе. Каждый из членов общества обеспечивает его одним, в чём он нуждается. Каждый член общества бывает в таком положении по отношению друг к другу. Вот поэтому через соединение друг с другом люди достигают совершенства, к которому они стремятся».[354]

Как и Абу Наср аль-Фараби, Ибн Сино своеобразно показал такие социальные явления, как солидарность, взаимное содружество, согласие, свобода, которые являются стремлением каждого индивида оберегать себя.[355] Коллективный строй станет стабильным на основе взаимной помощи и принципов содружества его членов. «Если между ними возникнет конфликт, то пусть каждый из них воспримет справедливость, полезной всем членам коллектива, а несправедливость поймут вредным для членов коллектива».[356]

Следующий мыслитель своего времени, Абу Райхан Беруни приводит исторические сведения о том, что у нас, на Родине, расположенной на Великом шёлковом пути, в характере народа высокоразвиты национальная и религиозная толерантность. Вместе с тем, Беруни, как гуманный мыслитель, показывает, что такое положение и порядок впоследствии разрушились в результате различного грабежа, мародёрства и вражды. Например, в произведении «Минерология» Беруни пишет так: «Потребности у человека настолько разнообразны, что сам один не может их всех удовлетворить. Для удовлетворения недостаточно помощника. Потребности разнообразны, и их очень много. Только при помощи коллектива, состоящего из несколько человек, можно их удовлетворить. Для этого люди вынуждены создавать города».[357] Учёный эти свои мысли утверждает в произведении «Геодезия»: «И множественность (человеческих) потребностей и недостаточность удерживать себя от них, малочисленность средств самозащиты, многочисленность врагов заставило людей объединиться родственными связями в общество, в нём каждый его член бывает в отношениях взаимопомощи, занимаются работой удовлетворения своих и других потребностей».[358]

Такие традиции, которые происходили в социально-экономической и культурно-духовной жизни народов Центральной Азии, были продолжены в последующем этапе эпохи Возрождения со стороны таких мыслителей, как Ходжа Ахмада Яссави, Руми, Джами, Навои. Они, под влиянием появившего социально-политического и культурно-духовного условия, по-своему трактуя идеи предков о причине появления человеческих коллективов для процветания общества, воспевали, прежде всего, о прекращении войны и истребления между странами, вражды между религиями, конфликтов и споров между людьми. Также в прекрасных художественных эпизодах и примерах описывали желаемое общество, основанное на содружестве, согласии, на договорённости между людьми, где были приостановлены конфликты и вражда, где господствовала социальная справедливость.

Таким образом, можно утверждать, что достижение составляющих сущности понятий “толерантность”, “согласие”, “содружество” во все времена считалось актуальной темой и в настоящее время является одной из важных задач, не потерявших своего значения в условиях глобализации.

**ЛИТЕРАТУРА:**


1. Хайруллаев М.М. Фараби. — Тошкент: 1975. – Б. 302–303.
2. Ибн Сина. Избранные философские произведения. — М.: Наука, 1980.
3. Болтаев М. Абу Али Ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти. — Бухоро, 2001. — Б.17.
4. Абу Райхан Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) — М.:1963. —С. 11.
5. Абу Райхан Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояния между населенными пунктами (“Геодезия”). Т. III. —М.: 1966. — С. 83.


[354] См. Хайруллаев М.М. Фараби. — Тошкент: 1975. – Б. 302–303.
[355] См.: Ибн Сина. Избранные философские произведения. — М.: Наука, 1980.
[356] Болтаев М. Абу Али Ибн Синонинг фалсафий-ижтимоий таълимоти. — Бухоро, 2001. — Б.17.
[357] См.: Абу Райхан Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) — М.:1963. —С. 11.
[358] См.: Абу Райхан Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояния между населенными пунктами (“Геодезия”). Т. III. —М.: 1966. — С. 83.

# BARKAMOL SHAXSNI TARBIYALASHDA NAQSHBANDIYA TARIQATINING TUTGAN O`RNI

**F.O.Xodjiyeva dots., D.X. Eshonkulova o`qituvchi – NavDPI, O`zbekiston**

**Annotatsiya** . Ushbu maqolada Naqshbandiya tariqati, **u**ning boshqa suluklardan farqi, Hazrati Bahouddin Naqshbandiyning hayotbaxsh hikmatlari, ta'lim-tarbiya haqidagi qarashlari va bu hikmatlar orqali barkamol shaxsni tarbiyalash masalalari haqida fikri bayon etilgan.

**RESUME.** In this article, the Nakshbandi sect speaks about the difference between the Nakshbandi sect and the other sects, about the life span of Hagar Bahauddin Nakshbandi, his views on education and ways to train a competent person through these wisdom.

Erkin va farovon hayot kechirayotgan bu tabarruk zamin istiqlolgacha og`ir, musibatli tarix silsilalarini boshdan kechirdi. Biroq shunday zamonlarda ham dunyo madaniyati rivojiga o`z ulushlarini qo`sha olgan mashhur olimu fuzalolarini yetishtirib bera oldi.

Mustaqil yurtimizning buyukligi va zaminimizning muqaddasligi haqida birinchi prezidentimiz I.Karimov: "Butun umrini imon va e'tiqod, vatanparvarlik va insonparvarlik, poklik va halollik, ilm va ma'rifat, adolat va diyonat yo'lida fido etgan zotlarning mo`tabar xoklari makon topgan zamingina muqaddasdir. Agar shunday insonlar bo`lmasa, ular dahosining nafasi sezilib turmasa, har qanday zamin oddiy tuproq bo`lib qolaveradi[359]", - deb bejiz ta'kidlamagan edilar.

Darhaqiqat, xalqimiz yetishtirib bergan buyuk zotlar nafaqat dunyoviy ilmda, balki diniy ilmda ham o`zlarini tanita oldilar. Shu bois ham bugungi kunda islom dunyosi ularni e'zozlab, nomlarini sharaflab kelmoqdalar. Ular tufayli bir necha asrlardan buyon islom dini xalqimiz qalbidan chuqur joy olib, hayot ma'nosini anglash, ilmiy madaniyatimiz va turmush tarzimizni, qadriyatlarimiz, urf-odat va an'analarimizni bezavol saqlashda muqaddas dinimiz qudratli omil bo`lib xizmat qilib kelmoqda.

Islom madaniyatini ravnaq toptirishda muhim hissa qo'shgan allomalarimizdan biri – Bahouddin Naqshbanddir. I.A. Karimovning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida u kishining muborak siymosini alohida ajratib turishini ta'kidlab: "Ota-bobolarimiz ulug` avliyo Bahouddin Naqshbandga chin dildan ixlos qo'yib, uni "Bahouddin Balogardon" deb ta'riflab kelishida teran ma'no bor", deb yozadilar.[360]

Ha, sohib karomatli avliyo Bahouddin Naqshband ta'limoti, uning o`gitlari bugungi kunda oldimizda turgan vazifalarni vijdonan bajarishga, yoshlarimizni amalga oshirilayotgan islohotlarga dahldorligini his etishga chorlamoqda.

Naqshbandiya tariqati halol mehnat qilish orqali kun kechirish g'oyasini targ'ib qiladi. Bahouddin Naqshband tomonidan ilgari surilgan "Dil ba yoru, dast ba kor" shiori fikrimizning yorqin isbotidir. Shuning uchun ham Naqshbandiya tariqatida kishilar mehnat qilish evaziga hayot kechirish, tunu kun toat-ibodat bilan shug`ullanib, oila, jamiyat yumushlarini tark etish emas, balki oilani farovon, mamlakatni obod etish yo`lida mehnat qilish talab etiladi. Ushbu talab hadislar mazmunida olg`a surilgan g`oyalarga to`la mos tushadi. Bahouddin Naqshbandning o'zi ham oddiy, pok inson bo'lib, halol mehnat qilish evaziga kun kechirgan.

Naqshbandiya tariqatining boshqa suluklardan yana bir farqi shu ediki, boshqa suluklarning tarafdorlari pir oldiga yig`ilib, "Zikri aloniya"ni amalga oshirardilar, ya'ni, ovoz chiqarib zikr tushsalar, Naqshbandiya tariqatining tarafdorlari "Zikri xufiya"ni amalga oshirganlar, ya'ni, ular tomonidan Ollohga qilinayotgan toat-ibodat ovoz chiqarmasdan bajarilar edi. "Zikri aloniya"ning mohiyatiga ko'ra Alloh ismi yoki "Lo iloha illolloh" kalimasi bor ovozda ohang yordamida aytilib, raqsu samo' asosida bajarilgan. "Zikri xufiya" amalini bajarish vaqtida esa muridlar bir joyga to'planishlari shart emas, har kim o'z uyida tinch, osuda, shovqin-suronsiz, raqsu samo'siz Allohning ismi va muqaddas so'zlarni dilda yod etib, kunduzlari o'z ishi bilan mashg'ul bo'laveradi. "Zikri xufiya" amalini Hazrati Hoja Bahovuddin Naqshbandiy Abdulholiq G'ijduvoniydan o'zlashtirgan. Mutafakkirlar - Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiylar ham shu suluk vakillari sanalganlar.

Uchinchi farq shundan iborat ediki, Naqshbandiya sulukining valiylar bemordan o'zlariga kasallikni tortib olib, so'ngra kasallikni o'z vujudlaridan chiqarib tashlash xislatiga ega bo'lganlar.

To'rtinchi farqi, Naqshbandiya sulukidagi avliyolar boshqa ba'zi avliyolardek, karomatfurushlikka yo`l qo`ymagan. Har bir muridning Allohga yetishishi hamda vahdat hosil qilishi uchun ma'naviy va ruhiy poklanish maqsadi yo'lida uning har qanday bid'atga qarshi kurashishi talab etilgan. Avliyolik kuch-quvvatini esa faqat ezgu ishlar: ilm-ma'rifatni rivojlantirish, shuningdek, xalqning ma'naviy jihatdan

[359] Karimov I.A. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. – T:. O'zbekiston, 1997, 184 – b.
[360] Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008, 40 – b.

poklanishini ta’minlash yo’lida har qanday zulm va bid’atga qarshi kurashishga sarflagan. Ushbu suluk valiylari shu kabi ezgu amallari bilan xalq orasida bevosita obro’ qozongan. Buni biz “Maqomati Hoja Naqshband” asarida bayon etilgan voqealar va Hazrati Hoja Bahovuddin Naqshbandiy tomonidan ifoda etilgan hikoyatlar mazmunidan ham anglash mumkin. Xususan, Bahouddin Naqshband musulmonlikning mohiyatini quyidagicha yoritgan edi: “Musulmonlik - bu iloji boricha hukmlarga bo’ysunish, taqvoga rioya qilish, amalni bajarishga intilish va bekorlikdan uzoq bo’lib, bularning hammasi nuri safo va rahmat hamda valoyat darajasiga yetishish vositasidir. Avliyolarning aziz manzili va maqomlariga mana shu sifat va parvarish orqali yetiladi”[361]. Ushbu fikrning mantiqiy davomi sifatida o’z tariqatining maqsadini Hazrati Hoja Bahovuddin Naqshband yana shunday bayon etadi: “Bizning tariqatimiz jahriya zikri-yu, raqs emas, bizning tariqatimiz, anjumanda xilvat, vatanda safardir. Xilvatda shuhrat bor, shuhrat esa ofatdir. Jam’iyatda xayriyat bo’ladi, jam’iyat esa suhbatda bo’ladi. Agar bu yo’l toliblaridan bir guruhi bir-birovlari bilan hamsuhbat bo’lsalar, bu suhbatda xayru baraka ko’p bo’ladi. Umid borki, bu ishga doimo amal qilinsa, oxiri haqiqiy iymon bilan yakunlanadi”[1].

Bahouddin Naqshbandiyning ta’lim-tarbiya haqidagi fikrlari g`oyat qimmatlidir. U barkamol insonni tarbiyalash dastlab odobdan boshlanishini ta’kidlab shunday degan edi: “Adab xulqni chiroyli qilish, so`z va fe’lni soz qilishdir… Adab saqlash-muhabbat samarasi, yana muhabbat daraxtining urug`i hamdir. Odam o`zini bir xil sifat va ko`rinishda olib yurishi lozim, toki odamlarda unga tasarruf ta’masi paydo bo`lmasin”[362]

Naqshbandiy do`stlik va o`rtoqlikka katta e’tibor bergan va agar do`stdan ayb izlayversak do`stsiz qolamiz, hech kim dunyoda beayb emas, degan purma’no fikrlarni qoldirib ketgan. Bizga ma’lumki sabrlilik oliy fazilatdir. Sabr haqida Naqshbandiy “Sabr va chidamda nog`ora kabi bo`lmoq lozimki, u qanchalik shapaloq yemasin, biroq o`z adabiga xilof ovoz chiqarmaydi”.

Bu hikmatlardan ko’rinib turibdiki, Naqshbandiya tariqati odob-axloq tariqati, chunki bu tariqat aynan insonning ma’naviy-axloqiy kamolga yetishi uning xulq-odob talablari mohiyatini anglashi, ushbu qoidalarga amal qilishiga bog’liqdir. Buni biz Hazrat Bahouddin Naqshbandning ma’naviy-axloqiy qiyofasidan ham bilsak bo’ladi. “Maqomati Hoja Naqshband” asarida shunday deyiladi: “Ularning axloqlaridan bir shingili shuki, agar ular biror do’st yoki darveshning uyiga borib qolsalar, ularning barcha farzandlari va yaqinlarining hamda xizmatkorlarining ahvolini so’rar va har birining ko’nglini bir yo’l bilan topar edilar. Do’st hamsoyalar va darvesh oshinolardan hamisha rozi va xushnud bo’lardilar. Ularning bu lutfi har bir kishiga to’g’ri yo’l uchun dalolat qiluvchi edi”.

Naqshbandiya tariqati asosida har bir insonning halol, pok bo’lishi, o’z mehnati bilan hayot kechirishi kerakligi, sabr-qanoatli bo’lishi, kamtar, samimiy bo’lishi, iymon va e’tiqodini mustahkam tutishi, dilda xudoni jo etib, amalda xalq bilan birga bo’lish kabi olijanob xislatlarni tarkib toptirish yotadi. Bu xislatlarni o’zlashtirib borish jarayonida inson poklana boradi va ruhan Allohga yetishiga o’zini tayyorlaydi.

Naqshbandiya tariqati kishilarni mehr-oqibat, samimiylik, halollik, mehnatsevarlik, rostgo’ylik, sabr-qanoatga ega bo’lish sari yo’llar ekan, ularda yomon illatlar: harom ishlar, ya’ni, o’g’rilik, nopoklik, xasislik, yolg’onchilik, firibgarlik, ta’magirlik, boylikka hirs qo’yish kabilarni qoralaydi. Buni biz Hazrati Hoja Bahouddin Naqshbandning quyidagi fikrlaridan ham bilsak bo’ladi:

“Shamga o’xshagin, toki hammaga ravshanlik bag’ishla, o’zing esa qorong’ida bo’l, “Hoyu havas va nafs ahllari tutgan ishlar asosining barchasi zalolat (adashuv)dan iboratdir. Ishlarda niyatni to’g’ri qilish eng muhim narsadir”, “Kishi o’zining nafsiga tuhmat qilishi kerak. Kimki Haq subhonahu inoyati bilan o’z nafsining yomonligini tanigan, uning hiyla-nayrangini anglagan bo’lsa, bunday qilish unga oson bo’ladi. Bu yo’ldan yuruvchilarda o’zgalarning gunohini ham o’zlaridan deb bilish hollari ko’p bo’ladi”.

Bu hikmatlarda komil insonni tarbiyalash uslublari ham bayon etilgan: “Suhbatimizga yetishadigan guruhlardan ba’zilari shundayki, ularning ko’ngillarida muhabbat urug’i bor, ammo xalaqit beruvchi xasu hashaklar tufayli o’solmaydi, bizga esa uni poklash lozim. Ba’zilarida muhabbat urug’i yo’q, bizga esa uni paydo qilish lozim”; “Murshid tolibnnig o’tgan, hozirgi va kelajak kabi uch holidan boxabar bo’lishi kerak, shundagina uni tarbiya qila oladi”; “Tolib amal qilishi zarur bo’lgan shartlardan biri shuki, u Haq Taolo do’stlaridan biri bo’lgan do’st bilan hamsuhbat bo’lib, o’z holidan voqif bo’lishi zarur. Suhbat zamonini o’zining o’tmish zamoni bilan solishtirib ko’rsin, nuqsondan kamol sari ketayotganini o’zida mushohada qilsa, bu azizning suhbatida mulozamatda bo’lishni o’zi uchun farzi ayn hisoblasin”.

Naqshbandiyaning asosiy yo’li Haqqa yetishga intilish, xufiya zikr qilish bo’lib, ba’zi bid’atlarni rad etadi. Masalan, darbadarlik, qashshoqlik, musiqa chalib, ashula va raqs tushib, zikr tushish (samo’) va ovoz chiqarib (jahr) zikr qilish va boshqalar. Aziz-avliyolar, ularning mozorlariga sig’inish man etilib, har qanday madadni faqat Allohdan so’rash kerakligi ta’kidlanadi. Ruhan poklanib, manmanlik, kibru havodan

[361] Abul Muhsin Muhammad ibn Muhammad Ali. Bahouddin Balogardon. -Toshkent, Yozuvchi, 1993. 75-78-betlar

[362] O.Hasanboyeva va boshqalar. Pedagogika tarixi. Toshkent.2014 y. 36-bet

voz kechib, oddiy o’z mehnati bilan kun kechirishga da’vat etadi.

Demak, Naqshbandiya tariqatining asosini insonning ham ruhan, ham jismonan poklanishi tashkil etib, bu esa hozirgi davrda ham yoshlar tarbiyasida o’z ahamiyatini yo`qotmagan. Bugungi kunda yosh avlodni bakamol inson etib tarbiyalashda Naqshbandiya tariqatining axloqiy tizimi, yo’l va usullari qo’l keladi. Zero, aqliy, axloqiy, jismoniy kamol topgan shaxsni shakllantirishda mazkur tariqat g’oyalari muhim omil bo’lib xizmat qiladi

## XUSAYN VOIZ KOSHIFIYNING TASAVVUFIY QARASHLARIDA KOMIL INSON SIFATLARI

**D.A.Axatova** –NavDPI Umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi dotsenti
**X.A. Axatova-** NavDPI Umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi o`qituvchisi

**Резюме.** Mazkur maqolada notiqlik sanati namoyandasi va nazariyotchisi, mutafakkir, ilohiyotchi olim Husayn Voiz Koshifiyning «Futuvvatnomai Sultoniy» asarida ilgari surilgan tasavvufiy qarshlari va komil insonga xos ma’naviy-axloqiy sifatlar hamda ularning bugungi ahamiyati haqida fikr yuritilgan.

**Resume.** This article discusses the mystical contradictions and spiritual and moral qualities of the perfect man and their significance today, put forward in the work "Futuvvatnomai Sultani" by Hussein Voiz Kashifi, a representative and theorist of the art of oratory, thinker, theologian.

Barkamol avlodni tarbiyalash, komil insonni shakllantirishni orzu qilgan va bu yo’lda tinmay kurashgan, ma’naviy merosimiz tarixida katta iz qoldirgan allomalardan biri, Ikkinchi Renessans davrining yirik vakili Husayn Voiz Koshifiydir (1440 – 1505). U 1440 yilda Xuroson viloyatining Sabzavor shahrida tug`iladi. 1468 yilning oxirlarida Koshifiy Xirotga keladi va qolgan umrini asosan Xirotda Temuriylar rahnamoligida o‘tkazadi. Kamoliddin Husayn - allomaning ism-sharifi, voiz (notiq) - laqabi, Koshifiy (kashf qilmoq, yaratmoq) - adabiy taxallusidir.

Koshifiy notiqlik sanati namoyandasi va nazariyotchisi, mutafakkir, ilohiyotchi olim sifatida falsafa, axloq, tilshunoslik, adabiyotshunoslik, geologiya, tarix, kimyo va boshqalarga oid 200 dan ortiq asarlar yozib qoldirgan. Ulardan "Axloqi Karim", "Anvari Suxayliy", "Javohirnoma", "Sonlar haqida risola", "Iskandar oynasi". "Xotamtoy haqida risola" va odob - axloq haqidagi qarashlar ifodalangan "Axloqi Muxsiniy" va "Futuvvatnomai sultoniy" asarlaridir[363]. U asarlarini o‘z davrining ilmiy tili - fors tilida yozgan bo‘lib, undan ko‘pgina ilmiy, badiiy tarjima asarlari ham meros qolgan. Koshifiy Xuroson shaxarlarida va’z aytib, xulq-odob qoidalari, Qur’on va Hadis masalalarini sharxlab, xalq orasida xurmat-e’tibor qozongan.

Koshifiyning asarlarida ilgari surilgan g`oyalar hozirgi kunimiz uchun ham o’ta dolzarb hisoblanadi. Shuning uchun Koshifiyning tasavvufga, ma’naviy-axloqiy tarbiyaga oid qarashlarini keng o’rganish va yoshlar o’rtasida targ`ib qilish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biridir.

Adibning «Futuvvatnomai Sultoniy» asari javonmardlik ilmining qoida-nizomlarini ifoda etgan. Futuvvat (javonmardlik) ilmi ham tasavvuf - sufiylikka muvofiq kelib, insonni axloqan poklash, mehru shafqat, himmat va mardlik ko‘rsatishni targ‘ib etgan. Bu jihatdan ilohiyot ishqida dunyodan yuz o’girgan, jismini ma’naviy kamolot yo’lida qurbon etgan darvesh bilan birodarlik, fidoyilik udumiga sodiq javonmardlarning maqsadlari mos edi. Tasavvufning tavba, sabr, qanoat, parxez kabi talablari futuvvatchilar tomonidan qabul qilinib, amaliy hayotiy qoidalarga aylantirganlar. Tasavvuf futuvvatda yuksak g‘oyalarning amaliy-ijtimoiy tadbiqini ko‘rsa, futuvvat esa tasavvufda nazariy e’tiqodi asosini topgan.

So’fiylarni ham Husayn Voiz Koshifiy «Futuvvatnomai sultoniy» nomli asarida uch guruhga ajratgan: muoshirlar, mutarasmlar, muhaqqiqlar. Muoshirlar – tariqat ahlining muxlislari. Ular darveshlarga muhabbat bilan qaraydilar, darveshlar suhbatida ishtirok etadilar, ularning xizmatlarini bajaradilar va savobga o’zlarini sherik deb biladilar. «Mutarasm» so’zining ma’nosi rasmu rusumga ergashuvchi demak, ammo mutarasmlar darveshlarning odatlariga zohiran taqlid qilsalar-da, botinan hol talabgoridirlar va shu toifiga ixloslari tufayli fayzdan bahramanddirlar.

Muhaqqiqlar – Haqqa yetganlar, ularni oliy martabali so’fiylar deb ta’riflash mumkin. Haqiqiy avliyolar, shayxi murshidlar shular ichidan yetishib chiqqan[364].

«Futuvvatnomai sultoniy»da asosan javonmardlik qoida va yo`riqlari ko`rsatib berilgan. Odatda, Futuvvat sifatlari mavjud kishini fatiy deganlar. Fatiyning lug‘aviy ma’nosi - yoshlik. Bu so‘z yosh yigitga

[363] 363 O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil, 243 b
[364] Komilov N. Tasavvuf. – T.: Movarounnahr” – “O`zbekiston”, 2009. 6 b

nisbat berilib aytiladi. Shu bilan birga majoziy ma'noda insoniy fazilatlar nuqtayi nazaridan kamolot chegarasini zabt etgan odamga - yoshlarga nisbatan qo'llangan. Umrini do'stlar xizmatiga bag'ishlash, faqat yaxshilikni o'ylab, yaxshilik qilishdan charchamaslik, ezgu xulq-atvorga ega bo'lish, borini o'zgalar bilan baham ko'rish, muhtojlarga yordam berish, piru-ustozlar, do'stu-birodarlar nomusi, sharafini himoya etish, zohiran va batinan pok yurib, pokiza insonlar suhbatini qozonish - shunday sifatlarni o'zida mujassasmlashtirgan insonlarni javonmardlar, axiylar, yoxud fatiylar deb ataganlar. Qadimiy Xuroson, Mavorounnaxr shaxrida X asrdan boshlab, javonmardlik yoki futuvvatchilik harakati keng yoyilgan edi. Futuvvatchilar muayyan qoida talablarga rioya etar, ma'naviy va jismoniy yetuklikka intilar, qayerdaki bo'lmasinlar, nima ish bilan shug'ullanmasinlar mardlik va oliyjanoblik namunasini ko'rsatar, zulm va haqsizlikka qarshi kurashardilar. Ular nazarida dunyo boyligi emas, inson qadri ustun turgan. Oltin kumushni javonmardlar nazar-pisand qilmaganlar, balki uni ma'naviy taraqqiyot uchun bir vosita deb qaraganlar xolos. Arab sayyohi Ibn Batuta (XIII asr) "Safarnoma" kitobidida: "Men dunyoni kezib bunday odamlar (ya'ni javonmardlar)dan ko'ra ezgu niyatli va ezgu xulqli kishilarni ko'rmadim… Ularni Iroqda shotir, Xurosonda sarbador, Mag'ribda (Andalusiyada) sukra deydilar. Ularga tobe joylarda adolat rasmi shunday rivojlanganki, ularni lashkarboshilari xonalarida oltin va kumush tangalar yerga sochilib yotadi va egasi topilmaguncha hech kim bu pullarga tegmaydi"[365],-deb yozgan edi.

Javonmardlar jamoasiga qabul qilingan yosh yigit ("faytiy" degani ham javonmard degani ham yosh, mard yigit ma'nosini beradi) farzand deb uning beliga axd belbog'ini bog'lagan ustoz ota deb yuritilgan. Javonmardlar shu zaylda bir-birlarini aka-ukalari, birodarlari hisoblanganlar va birodar birodari uchun jonini berishga tayyor turgan. Yana bir arab olimi Ibn Havqal Movarounnahr javonmardlari haqida bunday hikoya etadi: "Movarounnahr xalqini javonmardligi shu darajadaki, go'yo barchasi bir xonadonda yashayotgandekdirlar. Birontasi boshqasining uyiga borsa, o'z uyiga kirgandek bo'ladi. Juda mehribon do'stdirlar va kechasi keladigan mehmonlardan xijil bo'lmaydilar, uni tanimasalar ham hech bir muzd-mukofot kutmay mehribonlik ko'rsatadilar".

Javonmardlikning ruknlari (ustunlari) o'n ikkita bo'lgan: oltita zoxiriy, oltita botiniy. *Zoxiriy ruknlar:*

1. G'iybat, yolg`on, bo'xton, behuda so'zdan tilni tiyish.
2. Nojo'ya, nomaqbul so'zlardan quloqni berkitish.
3. Ko'rish nojoiz narsalardan ko'zni yumish.
4. Harom narsalardan qo'lni tortish.
5. Borish man qilingan joylardan oyoqni tortish.
6. Harom ovqatdan ogizni, zinodan a'zoni berkitish.

*Botiniy ruknlar:*

1. Saxovat.
2. Kamtarlik (tavoze').
3. Qanoat.
4. Avf va marhamat.
5. Kibr va gururni tark etish.
6. G`ubr (ko'ngilni dunyo tashvishlaridan tozalanib, do'st (xudo) muhabbatining makoniga, ishq sultoni o'tiradigan taxtga aylanishi. Asarda keltirilishicha futuvvat sharti 71 ta bo'lib, uning 48 tasi vujudiy, 23 tasi azaliydir[366].

Asardagi tariqat ahlining odobi haqidagi fasllar ham ahamiyatlidir. Unda tariqat ahlining ko'nglini asrash, ko'z, quloq, til, og'iz, qo'l va farj (tanosil a'zosi)ni saqlash odobi, tariqat ardobi va ularning toifalari odobi, o'tirish odobi, suhbat odobi, mehmon kutish, yo'lda yurish, salom berish odobi, kasal ko'rishga borish, janoza, ta'ziyaga borish odoblari, kasb-kor, savdo-tijorat odoblari, ma'rakaga borish odoblari bayon etilib, turmush odobiga oid har bir hatti-harakatning uslubi ham o'z ichida bayon etilgan. So'ng turli kasb egalarining odobi, faoliyati ta'riflangan.

Xulosa qilib aytganda Husayn Voiz Koshifiyning nuqtai-nazariga ko`ra, komil inson o`zida eng oliy insoniy ma'naviy-axloqiy xislatlarni mujassam eta olgan, boshqalarga o`rnak bo`ladigan shaxs bo`lishi lozim. Bunday komil insonlarning sa'yi-harakatlari asosida ijtimoiy taraqqiyot yuz beradi, jamiyatda tinchlik va farovonlik qaror topadi. Asar barkamol shaxs va malakali mutaxassis tarbiyalash masalalariga jiddiy e'tibor qaratilayotgan hozirgi davrda yana ham muhim ahamiyat kasb etadi.

---

[365] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 й. -3 б.

[366] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний. Нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2011, 19-20 б

# ТАСАВВУФ ШАЙХЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Доц. Сафаров Т.Т. – Бух.МТИ**

Миллат, халқ, жамият, миллий маънавият, ҳамда мафкура тараққиётида тасаввуф тариқатларининг аҳамияти ва ижобий таъсири катта ўрин эгаллаб келмоқда. «Марказий Осиё халқлари, ижтимоий тоифалари гуруҳларининг ижтимоий ҳаёти ва хусусан, уларнинг маънавий-маърифий тараққиётида сўфизм жуда муҳим аҳамият касб этгандир[367]» деб ёзади таниқли олим Б. Валихўжаев. Дарҳақиқат, тасаввуфнинг кубравия, яссавия, нақшбандия ва бошқа тариқатлари шайхларининг фалсафий, диний, бадиий асарлари, ғоялари ва қарашлари халқимиз дунёқараши маънавияти ва ахлоқини ривожланишида хизмат этиб келмоқда.

Тасаввуф шайхлари инсоният ҳаётининг муаммолари бўйича фикр юритиб, ўз ижтимоий идеали ва адолатли жамият қандай бўлиши ҳақида эзгу орзу ният қилар эдилар. Уларнинг такомил топган адолатли жамият идеалида инсон қадр – қиммати, Оллоҳ олдида ҳамманинг тенглиги, инсон эрки, озодлиги тамойиллари асосий ўринни эгаллайди. Нақшбандия тариқати шайхлари ижодида диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига хайрихоҳлик, турли элатлар, халқлар биродарлиги ғояси ва фикрлари анча устун туради[368]. Тасаввуф шайхлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар, воқеаларни таҳлил ва талқин этиб, қимматли ижтимоий – сиёсий, маърифий ғояларни илгари сурдилар. Улар меҳнаткашлар, айниқса ҳунармандлар, деҳқонлар меҳнати, ҳаёт тарзини улуғлайдилар.

Шуни қайд этиш керакки, нақшбандия шайхлари комил инсон, адолатли жамият ғояларини олға сурганлар, инсон доимо умид ва интилиш билан яшаши ва ўз мақсадига эришиши учун курашиши лозимлигини кўрсатиб ўтганлар[369]. Тасаввуф таълимотида ижтимоий, маънавий идеал ҳақида фикр юритганда, яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, мутасаввуфлар ўз даврининг мафкурачилари сифатида ижтимоий, иқтисодий соҳадаги тенгсизликларни ҳамда шахсий қобилият, иқтидор борасидаги тафовутларни аввало Оллоҳдан ва кишиларнинг ялқовлигидан, гуноҳкорлигидан деб билганлар. Улар шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари учун, аввало, ижтимоий тенглик, озодлик, социал шароит ва адолат ўрнатилишининг объектив омиллари, йўлларини чуқур таҳлил эта олмаганлар. Тасаввуф шайхлари, шу билан бирга, ҳали ўша даврдаёқ ижтимоий ҳаётни яхшилаш, адолат ўрнатиш тўғрисида янги илғор ижодий маънодаги ғоялар, фикрлар билан ҳам чиққанлар. Бу борада уларнинг инсон ўз-ўзини ва оламни билиб яшаши, ижтимоий – сиёсий, ахлоқий муаммоларни англаб яшаши зарурлиги ҳақидаги фикрлари, айниқса диққатга сазовордир[370].

Тасаввуф шайхларининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий идеаллари ўша давр ижтимоий ҳаётининг талаб - эҳтиёжлари, асосий муаммолари асосида шаклланган, албатта. Ўрта аср Шарқининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги зиддиятлар, феодал тарқоқлик, жамиятдаги зулм-ситам ва адолатсизликлар тасаввуф таълимотида ўз ифодасини топган. Тасаввуф шайхларининг қарашлари, ғоялари, идеалларидаги умумийлик ва хилма-хилликнинг негизида улар яшаган ҳудуд ва мамлакатлардаги иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маънавий реаллик ётади. Мутасаввуфларнинг илғор фикрлари, ғоялари билан чиқишлари, жамиятда адолат, тинчлик, барқарорлик ўрнатишга ҳаракатлари ижтимоий ҳаётдаги воқеалар ва зиддиятлар тақозосидир. Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрда баъзи тасаввуф тариқатлари расмий сиёсий ҳокимиятга қарши, мухолифат кучларнинг маънавияти, расмий мафкураси бўлиб шаклланган ва ҳатто шунга хизмат қилган.

Тасаввуф таълимотида исломнинг асосий арконлари, ғояларига таянган ҳолда, янги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий фикрлар , ғоялар илгари сурилди ва ҳаёт мазмуни, инсон қадри, илоҳий севги, адолат, инсонийлик, комиллик тушунчалари янада илмий аниқлаштирилди. Жумладан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Мақсад талаби, яъни илм олиш ва Ҳаққа етиш йўлида ҳимматингиз онқадар бўлсинким, башарти менинг бошимга оёқ қўйиб, ўтишга тўғри келса-ю ўтмасангиз асло кечирмасман!» деган даъвати бунга мисол бўла олади. Халқлар, элатлар, гуруҳлар, тоифалар, ҳаётини юртма-юрт юриб ўрганган мутасаввуфлар турли миллат ва турли дин вакилларини ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва бағрикенгликка чақирдилар. Улар ўз даврининг кишилари сифатида такомил топган ва социал адолат ўрнатилган жамият ва давлат тўғрисидаги ўз ижтимоий- ахлоқий

---

[367]"Мулокот", 2-сон 1998 й. 56- бет

[368]«Межрелигиозное согласие важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии ( на примере Республики Узбекистан)» Материалы международной научно-практической конференции, состоявшейся 15-16 ноября 2002 г. в Ташкенте . Т., 2002 йил, 57-бет.

[369]Н. Комилов. Тасаввуф. Т., 1996 й. 1-китоб

[370]М.Орипов.Социальный идеал ислама. Т., 1989 й 37 бет

идеалларини яратдилар. Улар инсон қадр-қиммати, ирода эркинлиги, ҳуқуқи ва фаровонлиги таъминланган барқарор, обод жамият ҳақида мушоҳада қилдилар. Тасаввуф шайхлари идеал жамият ва давлат деб, шариат тамойилларига асосланган, тасаввуф мафкураси устувор бўлган теократик давлатни тушунганлар. Албатта, улар подшони кенгашиб, сайлаб қўйиш ғоясини ҳам илгари сурган эдилар. Улар расмий ислом уламоларининг қарашларидан фарқли ўлароқ, давлатни бошқаришда тарих, фиқх илми ва бошқа дунёвий илмлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар, ўзлари бу борада қимматли янги ғояларни ишлаб чиқдилар[371]. Айниқса, маломатия, нақшбандия, кубравия, сухровардия тариқатлари шайхлари илм-фан нур, ёруғлик эканлиги, инсон диний ва дунёвий билимларсиз яшай олмаслигини алоҳида таъкидлайдилар. Тасаввуф мактаблари, тариқатлари баъзи бир қонун-қоидалари, маросимлари, шаклий белгилари, усуллари жиҳатидан ( жаҳрия, хуфия, зоҳирий, ботиний) бир-биридан фарқ қилсада, моҳият, мазмун, асосий мақсад ва талаблари жиҳатидан умумийликка, яхлитликка эгадир.

Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари тарихидан маълумки, хурофот, нодонлик, жаҳолат элу- юрт бошига оғир мусибатлар, фожиаларни келтирган. Диннинг асл моҳиятини, аҳамиятини яхши тушунган мутасаввуфлар илм-маърифат кишилари сифатида жаҳолатга қарши курашганлар, муайян тарихий вазиятларда ижтиомий-сиёсий, маънавий муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашганлар, халқни , турли тоифаларни ўз орқасидан эргаштириб, жамиятда катта мавқега эга бўлганлар. Тасаввуф намояндалари катта журъат ва жасорат билан жамиятдаги мавжуд иллатларга, ҳукмрон доираларнинг молпарастлик, маишатпарастликларига қарши чиққанлар. Абдуллоҳ Ансорий, Ардашер Аббодий, Махдуми Аъзам, Хўжа Аҳрори Валий ижоди ва ҳаётий фаолияти фикримиз тасдиғи бўла олади. Уларнинг фикрича, адолатли жамиятда гуруҳлар, элатлар ҳамкорлиги, иноқлиги ва инсон шаъни-шавкати, қадри таъминланган, маънавий юксалиши учун шароит яратилган бўлиши лозим[372].

Нақшбандия тариқати шайхлари давлат Оллоҳнинг хоҳиши билан ердаги ишларни, муносабатларни бошқариш ва тартибни сақлаш учун инсоният мавжудлигининг ягона шакли сифатида вужудга келади, давлатсиз инсоният жамияти бўлмайди, деб талқин қиладилар[373]. Шайх Махдуми Аъзам фикрича, ҳукмдорлар диний ва дунёвий қонунлардан чекинмай, давлатни бошқаруви, диний, сиёсий ва ҳуқуқий вазифаларни уйғунлаштириб, иш олиб бориши керак[374]. Унинг фикрича, подшолар шариатни билмагани ва бузгани учун ҳам мутасаввуфлар давлат бошқарув ишига аралашишга мажбурдирлар. «Зўравонлик ва «ёвузликнинг қўлини қисқартириш» учун ҳам шайхлар сиёсатга аралашуви, султонлар билан мулоқотда бўлиши зарурдир[375]».

Мафкуравий курашлар жаҳонда янада кескинлашган ҳозирги даврда, муқаддас исломнинг асл моҳиятини аниқлаш ва комил инсонни шакллантиришда тасаввуф таълимотини ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Динни ниқоб қилиб олиб, қўпорувчилик, бузғунчилик билан тинчлик, барқарорликка хавф ва таҳдид солаётган ақидапарстлар ва террористлар башарасини фош этишда бу таълимот жуда асқотмоқда. Ҳуқуқий, демократик ва фуқаролик жамиятини қураётган халқимиз ислом ва тасаввуф маънавий мероси, тарихий тажрибаси ҳамда қадриятларидан танқидий фойдаланиб, фаровон, озод ва обод ҳаётни бунёд этишга албатта эришадилар. Чунки, буюк боболаримиз оилада, жамоада, тўйда, маракада, суҳбатда, хуллас, ҳар хил вазиятда киши узини қандай тутиши тўғрисида ахлоқий қоидалар, нормаларни ишлаб чиқиб, бой мерос қолдирганлар. Уларнинг ҳаёт йўли, турмуш тарзи ҳам биз учун ибрат ва тақлид намунасидир.

## ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ

**М.Т.Вохидова, Бухоро муҳандислик-технология институти,**
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти**
**М.У.Мирзаева, Бухоро муҳандислик-технология институти, М7-20 ТЖБАКТ гуруҳ магистранти**

Шарқ азалдан илм-фан маънавият маърифатнинг марказларидан бири бўлиб келган, бу заминда яшаб ижод қилган мутафаккирлар жахон илм - фани ва жамиятини ривожлантиришда ўзларининг улкан хиссаларини қўшишган. Буни биз Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Аҳмад Дониш, Румий ва бошқа мутафаккирлар ҳаёти ва ижодида кўришимиз мумкин.

[371]Анри Массэ. Ислам. Москва 1963 й, 85 бетда
[372]К. Олимов. Харасанский суфизм. Душанбе.1994 г, 215 стр
[373] Ислам. Энциклопедический словарь. Москва.1991 й,383-385 бетлар
[374]Ислам. Энциклопедический словарь. Москва.1991 й,383-385 бетлар
[375].Ўша жойда.

Жаҳон маънавияти ва маърифатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган шоир, мутафаккирлардан бири Жалолиддин Румийдир.

Румий ижодида Шарқ халқлари огзаки ижоди намуналари - юзлаб ривоят, афсона, масал, мақол, матал, рамзий ҳикоятлар орқали ислом ва тасаввуф ғоялари маснавий турда талқин этилган. Жомий ва Навоий Румий ижодига юксак баҳо беришган. Машраб эса, "Маснавийи маънавий"дан илҳомланиб, "Мабдаи нур" ахлоқий-таълимий достонини яратган

Мавлоно Жалолиддин Румий ўзидан кейинги авлодларга жуда катта илмий мерос ёзиб қолдирган:

1. Жалолиддин Румийнинг Девони. Бу асар рубоий ва ғазаллардан иборат бўлиб, “Девони кабир”, “Қуллиёти Шамс Табризий”, “Улуғ девон”, “Девони Шамс Табризий” ёки “Девони Шамсул-ҳақойиқ” деб ҳам аталади.

Девондаги ғазаллар ва рубоийларда инсоний завқ-шавқ ва ҳаяжоннинг энг мустаффо ифодаси, кучли ҳис-ҳаяжон ҳамда шахсий саргузаштларнинг ажойиб тимсоллари тасвирланган.

2. Жалолиддин Румий ижодининг энг ёрқин дурдонаси унинг “Маснавийи маънавий” асаридир. Бу асар “Маснавийи шариф”, “Маънавият денгизи”, “Тасаввуф қомуси” деб донг таратган бўлиб, уни чин маънода “Дунёнинг китоби” дейиш мумкин ёки бошқача қилиб айтсак, бу асар инсони комил фалсафасидир.[376]

Мавлоно Румий ҳазратлари “Маснавий”ни шундай таърифлайди: “Маснавий” ҳақиқатига етишмоқ, илоҳий сирларга воқиф ва ошно бўлишни хоҳлайдиганларга нурли бир йўлдир[377].

3. “Фийҳи мо-фийҳи” – Жалолиддин Румийнинг илоҳиёт, тасаввуф, ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги қайдлари, дўстлари ва суҳбатдошлари даврасида айтилган фикрлари, баҳс мунозараларда пайдо бўлган мулоҳазалар тўпламидан ташкил топган асардир.

4. “Мавоизи мажолиси сабъа” ёки “Мажолиси сабъа” (“Етти мажлис”) бўлиб, унинг ваъзу нутқларини ўз ичига олган. Етти мажлисдан иборат бу асар мурид ва шогирдлар томонидан ёзиб олиниб, таҳрир қилинган. Бу асар Румийнинг етти ўгит ва панд насиҳатларидан иборат.

5. “Макотиб” ёки “Мактубот” номли асари. Бу асар ёзишмалар жанрида бўлиб, Мавлононинг ёру дўстлари ва муридлари, турли даврларда мухталиф шахсиятларга (замондошларига) ёзган 144 та мактубдан ташкил топган. Румий олам ва одам моҳиятини англатадиган, яшаш сир синоатларини ўргатиб, уни камолот касб этишга йўллайдиган ҳикматлар орқали инсон сифатларини, олам воқеа-ҳодисалари, донолик ва густоҳлик, Замин ва Коинот мавзуларини моҳирона мадҳ этган.

Жалолиддин Румий ҳазратлари инсон руҳининг тубига тушиб, инсоннинг ботин оламини мушоҳада қилган. Румий олам ва одам моҳиятини англатадиган, яшаш сир синоатларини ўргатиб, уни камолот касб этишга йўллайдиган ҳикматлар орқали инсон сифатларини, олам воқеа-ҳодисалари, донолик ва густоҳлик, фаросат ва гумроҳлик, муҳаббат ва мангулик, Оллоҳ, Замин ва Коинот мавзуларини моҳирона мадҳ этган.

Инсоният камолотида ақлу тафаккурнинг ўрни беқиёсдир. Шарқу –Ғарб мутафаккирлари ақл масаласига ҳамма вақт эътибор беришган.

Жалолиддин Румий инсоннинг ахлоқий такомиллашувига кўпроқ эътибор беради. Унинг фикрича, ҳаётнинг мазмуни ва моҳияти бу – инсоннинг асосий вазифаси бўлган, ўзини фанога яъни, бутун борлиқ билан бирлашишга интилишдир, ёки бошқача қилиб айтганда, инсоннинг камолотга эришиш жараёнидир[378].

Ҳазрати Алишер Навоий ўзининг "Насоимул муҳаб-бат" асарида Жалолиддин Румий хусусида фикрларини баён этиб, уни буюк файласуф шоирлар устози комил, мунаввар бир сиймо деб таърифу-тафсиф этади. Унинг маънавий дунёсини характерловчи бир ривоят келтирадилар.

"Мавлоно бир куни мен олтмиш уч масҳад билан биргаман дебди. Бу гап унинг рақиби Қози Сирожиддин Казнавийнинг қулоғига бориб етибди. Қози бир муридини чақириб, шу гапни кўпчилик ичида Жалолиддиндан сўра, айтганига иқрор бўлса, аяма, ҳақорат қил,- деб буюрибди. Мурид шундай қилибди. Мавлонони оғизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақоратлабди. Шунда Жалолиддин Румий табассум қилиб, "Биз ўшалар билан ҳам биргамиз" дея ҳақоратловчини мулзам этган экан".

Жалолиддин Румий 50 ёшида у бутун ҳаёти давомида эгаллаган уммонни ҳақ-ҳақиқий йўлида топган бор бисотини инсонларга қолсин деб, яхлит бир китобга жо этишга аҳду-паймон

---

[376] Эргаш Очилов. Жаҳон адабиётининг муаззам сиймоси.(Сўз боши). Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.: “Шарқ”, 2008.–10- б.

[377] У.Н.Тўпбош «Бир кўза сув» Тошкент.Ўз.Р ФА “Фан” 2007. 200 б.

[378] Геюшев З.Б. “Вопросы морали в трудах Джалаледдина Руми” Из истории средневековой Восточной философии. Боку. Альманах 1989. 106 с.

қилади ва "Маснавий"ни яратади. Авлодлар бу китобни "Форсий Қуръон" ҳам деб аташади. Маснавий қофияли қўш мисра демакдир. Мазкур асарни шогирдлари Шамсиддин, Салоҳиддин, Ҳисомиддинлар китоб шаклига келтиришган. Шоирнинг дўстларидан бири - Шогирдларингизнинг учховидан қайси бири баланд, Шамсиддинми, Салоҳиддинми ёки Ҳисомиддинми?

- Эй рафиқ деб нидо қилди шоир, Шамс қуёш эрди, Салоҳиддин ой, шоҳ Ҳусниддин эса юлдуз. Қуёш ботса тунни ой ёритур, магар ойни булут қопласа, тунни юлдуздан бўлак не ёритур,-дея жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, ўн беш йил давомида яратилган "Маснавий" китоби оламни эгаллашга ва уни англашга интилган буюк инсоннинг руҳий қомусидир.

Жалолиддин Румий башарият билан абадий бирга қолди, унинг ўзи ҳам буни билгандай: "Мен тахтдан тобутга сакрайдиган султонлардан эмасман, менинг манглайимда абадият муҳри барқарор" деганди. Қолаверса у шундай васият этган:

Мен ўлган кун дамодам,чекмангиз ғам.
Уни ҳижрон куни деб ўйламанг ҳам.
Бу ҳижронмас сира, васли висолдир,
Қуёш ботса, тағин бўлғуси пайдо,
Тўкилса ерга дон, бўлгай Ҳувайдо.

Шоир Куниёдаги Аълойиддин тепалиги устидаги қабристонда дафн қилинди. Орадан икки ярим аср ўтгач, Яшил гумбаз - Қуббаи Ҳазра унинг қабри устида бунёд этилди.

Жаҳон шеърияти қомусидан жой олган, халқ ва бинобарин башарият шоири, доҳий санъаткор, буюк мўъжизакор, муаззам сиймо қарийб саккиз асрдан буён ўз шеърияти билан дунё халқлари қалбида яшаб келяпти.

Хулоса қилиб, шундай фикрларни илгари суриш мумкинки, Мавлоно Жалолиддин Румий башарият мутафаккири сифатида инсониятга ўзининг бой маънавий меросини қолдириш билан бирга инсонийлик фазилатлари меҳр, муҳаббат, адолатлилик, бағрикенглик, ҳимматлилик каби фазилатларни юксалтириш, уни чуқур ўрганиш ва керкли даражада сабоқ олиш, маънавият масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган глобаллашув жараёнида ёш авлоднинг таълим-тарбияси борасидаги бу омиллар жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

## ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МУЖАССАМЛАШУВИ

**М.Т.Вохидова, Бухоро муҳандислик-технология институти,**
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,**
**У.Т.Мирзаев, Бухоро муҳандислик-технология институти,**
**“Қурилиш материаллари ва конструкциялари технологияси” кафедраси катта ўқитувчиси**

Мамлакатимизда турли динлар ва конфессиялар бир-бири билан доимо муроса тамойиллари талаблари доирасида тинч-тотув яшаган. Ўзбек халқи қадимдан, барча макон ва замонда бошқа халқ, конфессия ва дин вакилларига нисбатан доимо хайрихоҳ ва ҳурматни энг олий қадрият сифатида кўргани ва унга тўла амал қилганини кўрсатади. Мусулмоннинг ҳаёти фаровон бўлиши учун нафақат ўзи балки ён атрофидаги ёру дўстлари ҳам мустаҳкам имонли ва юксак илм эгаси, бағрикенг бўлиши лозим. Ўзбекистонда 130 га яқин миллат вакиллари турли динларга эътиқод қилувчи халқлар бўлиб, тинч-омон, аҳил-иноқ яшаб келмоқдалар. Ана шу эзгулик ва тинчлик-осойишталик омили бўлган диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга диёримизда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминда, бир ватанда, буюк ғоя ва соф ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашлиги – диний бағрикенгликнинг ёрқин намунаси.

Маънавият шахс, миллат, гуруҳлар, дунёқараш, иймони, ахлоқий, диний, фалсафий, илмий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари тизимидир. Кенг маънода маънавият тушунчаси диний, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва илмий билимларни, ғояларни ўз ичига қамраб олади.

Ислом маънавияти Аллоҳга имон келтириш, эҳсон талабларини бажариш борасидаги арконлардан иборат, деб қараш етарли эмас. Ислом – бу диний, фалсафий таълимот ва ахлоқ, ўзликни, оламни, жамиятни англаб яшаш тарзи ҳамдир. Ислом дини жозибадор, ҳаётий ғоялар, қоидалар, кўрсатмалар, талаблар тизими сифатида инсон ҳаёти ва бутун амалиёти учун доим асқотмоқда.

Ислом маънавиятининг иймон – эътиқод, виждон, инсон камолоти, саховат, мурувват, хайриҳоҳлик, ҳалоллик, адолат тўғрисидаги асл гуманистик ғоялари, кўрсатмалари жаҳон халқи эътиборини ўзига жалб қилиб келаётганлиги бежиз эмас. Ислом маънавиятининг ҳайратлантирувчи томони шундаки, бундан XV аср илгари инсон табиати ва ижтимоий муносабатларининг турли ҳолатлари, вазиятлари унда ҳисобга олинганлигини гувоҳи бўламиз. Қуръон ва Ҳадисларда инсон ва жамият ҳаётига алоқадор амалий ҳаракатлар белгилаб берилган. Инчунин, Қуръон суралари номларидаёқ қандай мазмун, маънавий-ахлоқий талаб, қоидалар уларда ўз ифодасини топганлигини англаб етамиз: “Нисо”, “Ҳаж”, “Худжурат”, “Нахл”, “Бақара”, “Рум”, “Анфол”...

Уларда инсон виждонига, ақл-заковатига мурожаат этилган қоида ва ғоялар ифодаланган бўлиб, барча фарз, вожиб талаблар, ҳамда ман этиш, таъқиқлар ҳам шу мақсад, моҳиятга қаратилган.

Инсонни азиз ва мукаррам деб улуғлаш, уни Аллоҳнинг ердаги халифаси деб кўрсатиш, илмни (Қуръонда бу атама 750 марта келтирилган) тоат-ибодатдан афзал маънавият эканлигини билдиради. Оила муқаддаслиги, унинг шахс, жамият маънавий камолотида мухим ўрин тутиши Қуръонда алоҳида таъкидланади. Ислом манбаларида бағрикенглик ғояси адолат, яхшилик, саховат, меҳрибонлик, хайриҳоҳлик, қадр-қиммат каби ахлоқий-маънавий фазилатлар билан чамбарчас ҳолда келтирилади. Амалда ҳам бу шариат қонун-қоидалари ҳар бир мўминдан талаб қилинган.

Пайғамбаримиз саҳобаларга ва мўминларга кўрсатмалар берар экан: “Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади”, деган экан.

Дарҳақиқат, инсоният комилликка интилган сари бағрикенг, саховатли, шафқатли, камтарин бўла боради, натижада жоҳиллик, ёвузлик, бахиллик барҳам топади.

Ислом динида илм-маърифатга эътиборини шунда ҳам кўрамизки, Муҳаммад (с.а.в.) Бадр жангидан сўнг асир тушган ғайри динларни сотиш, ўлдириш, уларнинг ҳар қайсиси ўнтадан мусулмонни соводхонликка ўргатганидан сўнг озод этилиши ҳақида буйруқ беради. Халифа Али ибн Толиб ҳам ўз нутқларда “биз ақл-фаросат, маданият, саводхонлик асосида қолоқлик ва жоҳилликдан қутила оламиз”, деб айтарди (Сайид мужтабо китоби).

Ислом-инсон ички дунёсига, фикрлаш тарзи ва руҳиятига мурожаат қилиб, етуклик томон элтувчи маънавиятдир. Ҳаттоки, чет эл олимлари ҳам ислом дини ҳидоя йўли сифатида адолатпешалик, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувватлилик, бунёдкорлик ғояларига бойлигини тан оладилар. Инглиз ёзувчиси Бернард Шоу шундай ёзади: “Ислом дини ўз энергия кучи, жозибаси, бой мазмуни билан ҳаммани ўз эътиборига тортувчи ягона диндир. Маданияти, тили, ҳар хил кишиларни ихтилофлари, келишмовчилиги, тафаввутларидан қатъий назар улардан қутилишнинг умумий ечимига олиб келувчи диндир”. XX асрда яшаб, ижод қилган таниқли итальян олими Лаура Вальери ҳам “Қуръонда билим хазинаси яъни оламни тушуниш жамланган, ундан ҳамма халқлар фойдаланиши лозим. Қуръон ҳақиқатан илоҳий ваҳийдан нозил бўлгандир” деб, ёзади. Ислом динида инсонпарварлик ғоялари биринчи ўринда туради. Бу дин инсонни коинотнинг гултожи деб билади. Қуръони Каримнинг “Ал-Исро” сурасида ***“Биз одам болаларини азизу мукаррам қилдик”***, - деган оят бор. Бироқ, афсуски, ҳамма инсонлар ҳам шу шарафга муносиб эмас. Бу номга муносиб бўлиш учун инсон камолот сари интилиши керак, зеро комил инсон – инсонларнинг ҳақиқатидир.[379]

Инсон – табиатан тузалишидан кўра бузилишга мойилроқ хилқатдир. Одам Ато ва Момо Ҳаво замонларидан бошлабоқ шундай бўлиб келмоқда. Ровийларнинг айтишича, Одам Ато ман этилган ишни қилиб, хатога йўл қўйган. Одамликдан Инсонлик даражасига тушган. Инсон унутувчан, қилма деган ишни қилиб қўйиши ҳам мумкин бўлган киши, деганидир. Шунинг учун ҳам одамзодни доимо эзгуликка чорлаб, яхши хулқ-атворга эга бўлишга ундаб, ёмон нарсалардан тийилишга даъват этиб турмоқ шарт. Шу маънода диннинг ҳам, давлатнинг ҳам бош вазифаси муштаракдир. Дин халқни яхши хулқли бўлишга ундайди, давлат эса яхши хулқни фуқаролари турмушига жорий этади

Ҳозирги глобаллашув ва ахборотлар асрида фойдали, ижобий ғоялар, илмий янгиликлар билан бирга турли халқлар онги, ҳаётга бузғунчи, зарарли ёт ғоялар ва одатлар ҳам илмий чегараларни кечиб ўтиб, кириб келаверади. Ўзбекистон халқлари ўз менталитети, миллий ўзлиги ва қадриятларини сақлаб қолиш учун ўз диний, ахлоқий қадриятларидан фойдаланиб ривожланишини тақозо этмоқда. Жаҳон ҳалқи ислом ахлоқи, фикҳи (ҳуқуқи) турли мажороларни, халқаро муносабатлардаги муаммоларни ечишда ўзининг универсал ҳарактери, гуманистик мазмуни билан жуда асқотаётганлигини тан олинмоқда.

Турли динларни узоқ яхши ўрганган Сайид Мужтобо Мусавий адолат, саҳоват, бағрикенглик каби исломий фазилтлар, умман диний таълим-тарбия, маърифат инсониятни ҳалокатлардан сақлаб қолишда асосий омил бўлиб хизмат қилади, деб уқтиради.

[379] Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Сўзбоши. Н.Комилов. 4-бет

# ИСЛОМ ДИНИДА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Юсупова Дилдора Дилшатовна-**
**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети**
**“Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси доценти в.б.,**
**фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**Аннотация.** Ушбу мақола диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, эътиқод эркинлиги масалаларига бағишланган. Мақолада ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони Каримда келтирилган диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, биродарлик ҳақидаги оятлар ҳақида фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

**Калит сўзлар:** бағрикенглик, диний бағрикенглик, эътиқод, конфессия, ҳамжиҳатлик, тотувлик.

**Аннотация.** Настоящая статья посвящена вопросам толерантности, единства и свободы вероисповедания. В статье приведены аяты священного источника исламской религии Корана о толерантности, единстве, братстве.

**Ключевые слова:** толерантность, религиозная толерантность, вера, конфессия, единство, согласие.

**Annotation.** This article focuses on issues of tolerance, unity and freedom of religion. The article presents the verses of the sacred source of the Islamic Koran religion about tolerance, unity, fraternity.

**Key words:** tolerance, religious tolerance, faith, confession, unity, harmony.

Бугунги глобаллашув даврида диний низолар авж олиб, жаҳон ҳамжамияти учун муаммо келтириб чиқараётган бир пайтда дунёда диний бағрикенгликни таъминлаш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда ҳам бу хусусда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, бир замин, бир ватанда ўзга миллат ва дин вакиллари билан дўст-биродар, тинч-тотувликда яшашга ундаб келиниши ҳам бежиз эмас.

Маълумки, Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат ҳисобланади. У ўзининг узоқ тарихий даври давомида бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби ғояларни олий қадрият даражасига кўтарган замин сифатида эътироф этилишида динимизнинг ўрни беқиёсдир. Хусусан, ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони Каримда диний бағрикенглик масаласи бир қатор сураларда ўз ифодасини топганлигини қуйидаги оятлар исботлайди:

“Динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатлиларни севар”[380];

“Динда зўрлаш йўқ”[381];

“... бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни адолатсизлик қилишга ундамасин! Одил бўлингиз!”[382].

Ислом дини бағрикенглик динидир. Дарҳақиқат, ислом дини тинчлик ва ҳамжиҳатликка ундовчи дин эканлигини юқоридаги оятлар ҳам кўрсатиб турибди. Аллоҳ юқоридаги оятларда бошқа дин вакилларини ҳурмат қилиш, уларга бағрикенглик муносабатида бўлиш, ҳеч қайси дин вакилларини беҳурмат қилмаслик, уларга озор етказмаслик ва адолатни шиор қилиш ҳақида огоҳлантиради.

Шунингдек, бу оятларда ислом динига мажбуран киритиш, унга даъват қилиш, ўзга миллат ёки дин вакилларини менсимаслик ёхуд ёқтирмаслик уларга қарши адолатсизлик қилишга ундамаслк лозимлиги уқтирилади.

Бағрикенглик хусусида сўз борганда, бутун инсониятга ўзининг олийҳимматлилиги, меҳрибонлиги билан ўрнак бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг бир ҳадисларини эслаб ўтиш жоиздир: “Оиша розияллоҳу анҳо: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг иккита қўшним бор,

[380] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Мумтаҳана сураси, 8-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 550.

[381] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Бақара сураси, 256-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 42.

[382] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Моида сураси, 8-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 108.

уларнинг қай бирига ҳадя берай?" дедим. У зот: "Эшиги сенга яқинроғига", дедилар"[383]. Ушбу ҳадисдан маълумки, Расули акрамнинг мана шу фикрлари ҳам у инсоннинг бағрикенг инсон сифатида ислом умматигагина эмас, балки бутун инсониятга ибрат эканликларини кўрсатади.

Юнус сурасининг 99-оятида : "Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи) даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!"[384] деб таърифланганида ҳам турли диний эътиқод вакилларини ислом дини байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмаслиги талқин қилинади.

Маълумки, ислом дини ҳар доим инсонларни ўзини-ўзи назорат қилишга, ҳар куни, ҳар дақиқада яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаб, оғир кунларга бардош беришга, яхши кунларга интилиб яшашга даъват қилиб келади. Ислом дини халқимиз учун ҳамиша имон, ахлоқ-одоб, илм ва маърифат дини бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам бу маърифат инсонларга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларига, бошқа дин вакиллари билан аҳил-иноқ яшашларига асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: "Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъий назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир"[385].

Қаердаки тинчлик бўлса, у ерда ўсиш, ривожланиш ва эртанги кунга ишонч бўлади. Ана шу ҳолатларни таъминлашда бағрикенглик омили муҳим хусусият касб этади .

Қуръони Каримда "Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!.."[386] – деб марҳамат қилинади. Дарҳақиқат, ислом динимиз бутун инсониятга эзгулик, мурувват қўлларини чўзишни, ҳатто бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарғиб қилиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, диний бағрикенглик миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув даврида ташқи дунё билан ҳар соҳада алоқалар ривожланиб бораётган бугунги кунда, айниқса толерантлик муносабатида юксак маданият даражасига эришиш ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Турли конфессия вакиллари билан ягона ҳудудда мақсадлар муштараклигида маънавий-ахлоқий қадриятларга содиқ бўлиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг гаровидир. Шу боис, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1995 йилни "Халқаро бағрикенглик йили" ва 16 ноябрь "Халқаро бағрикенглик куни" деб эълон қилинганлиги ҳам дунёда тинчлик-тотувлик ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. // Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001.
2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз./ Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Олтин силсила: 3-жуз. Саҳиҳул Бухорий. – Тошкент: "Hilol-nashr", 2020.


[383] Олтин силсила: 3-жуз. Саҳиҳул Бухорий. / Қўшниланинг қайсиниси яқинроқ? / 2259. – Тошкент: "Hilol-nashr", 2020. – Б. 222.

[384] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Юнус сураси, 99-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 220.

[385] Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз./ Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 31.

[386] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Моида сураси, 2-оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. –Б. 106.

# ТИНЧЛИК ВА ВАТАНПАРВАРЛИК — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСИ СИФАТИДА

**П.А.Сативалдиев**
**Навоий давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси тадқиқотчиси**

***«Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади».***
***Ш. Мирзиёев***

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларида катта ислоҳотларнинг содир бўлиши келажак авлод тарбияси олдига муҳим вазифаларни қўйди. Бу аввало, келажак авлодни ана шу ўзгаришларга дадил мослаша оладиган юксак билим, кенг дунёқараш ва эътиқодга эга бўлишини талаб этади. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий онг, миллий ғурур тушунчаларини сингдириш учун улар маънавий жиҳатдан соғлом бўлишлари зарур. Маънавий соғломлик эса жисмоний ва руҳий соғломлик билан чамбарчас боғлиқ. Маънавий соғломликнинг акси бўлган эътиқодсизлик, турли ёт оқим ва мафкураларга эргашиш ҳолати жамиятни инқироз сари етаклайди.

Ватан инсоннинг руҳияти, турмуш тарзи, онги ва тафаккури, ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассам бўлган тушунчадир. Ватан остонадан, ўзи туғилиб ўсган гўшадан бошланади. Шунинг учун бола ўзи яшаб, нафас олиб турган хонадонида улғайиб вояга етишишида муҳташам ва қудратли макон бўлган она заминига меҳр-муҳаббат ва садоқати абадий бўлмоғи зарур. Ҳар бир инсоннинг ватанига бўлган муҳаббати она сути, она алласи ва ота-она меҳри билан унинг вужудига сингиб боради, ота-онасини авлод-аждодлари, уларнинг анъаналари, урф-одатлари, касб-корларини севувчи фарзанд ўзгаларни ҳам севади. Миллати, халқи, адабиёти, санъати, дини ва маданиятидан ғурурланиб, ўзи ўсган юрт табиатидан илҳомланиб, унинг муқаддас тупроғи қадрини англайди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – миллати, тили ва касбидан қатъий назар, ёшларда Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялаш натижасида тараққиётнинг юксак даражасига эришиш мумкинлигини ўтган асрнинг 60-70-йилларида Японияда вужудга келган «Япон мўъжизаси» мисолида яққол кўриш мумкин.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Инсонинг ҳаёт ҳақидаги дастлабки қарашлари оилада шаклланса,ижтимоий муҳит таъсирида муттасил ривожланиб боради. Ҳозирги кунда оила, маҳалла, таълим муассаси ўртасидаги алоқани узвийлигини таъминлаш ҳамда уларни ҳар бири ўзининг функционал вазифасини бажаришга эришиш лозим. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш турли шаклларда, жумладан, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолибликни қўлга киритган шахслар билан учрашувлар очиқ давра суҳбати ўтказиш; илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглар, муайян мавзуга бағишланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар; Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, филм ва мултфилмлар, бадиий ва мусиқий асарлар, ОАВ, Веб-сайтларда Ватани улуғлаш, инсони миллий ғурурини уйғатувчи ғояларни доимий тарғиб қилиш; Таълим муассасалари талаба ёшларини тарихий музейлар ва ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси билан боғлиқ маданият ва истироҳат боғларига экскурсиялар уюштириш каби тадбирлар орқали уларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш орқали самарали механизм яратиш мумкин.

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгараётган, минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий курашлар тобора кескинлашаётган бир шароитда мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари биз учун янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг долзарблиги қуйидагиларда кўринади:

– **биринчидан,** республика даражасида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини мувофиқлаштирувчи ташкилотнинг мавжуд эмаслиги, мазкур ишлар тизимини белгиловчи ягона концепция ишлаб чиқилмаганлиги;

– **иккинчидан,** ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик иштирокининг сустлиги;

**– учинчидан,** ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида Қуролли тузилмалар, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва таълим муассасалари ўртасида самарали ҳамкорликнинг йўқлиги;

**– тўртинчидан,** маҳаллаларда, таълим муассасаларида ва ҳарбий қисмларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини принципиал жиҳатдан янгича ёндашув асосида йўлга қўйиш ва тизимга солишга ҳаётий муҳим эҳтиёж сезилаётганлиги.

Юқоридаги масалалардан кўриниб турибдика, юртимизда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлигини ошириш, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири – маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш учун жисмонан чиниққан, фидойи инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишга ижтимоий зарурат туғилиши табиий бўлиб, унинг акси таълим-тарбия жараёнида акс этмоқда. Ватан муқаддасдир. Ундан қиммат, ундан азиз, ундан ширин, ундан улуғ неъмат, бойлик йўқдир. Шу бойликни қадрлаган, ундан чексиз фахрланган инсонгина оиласи, халқи, атроф муҳитга, жамиятига меҳр-муҳаббатли бўлади.

## АЁЛЛАРНИНГ ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР САФИДА БЎЛИШИ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ ХУСУСИДА

**М.Э.Ачилова - НавДПИ, катта ўқитувчи**

***Резюме.*** *Мазкур мақолада хотин-қизларга нисбатан қилинган диний зўравонлик оқибатлари ва уларнинг айрим ижтимоий-сиёсий сабаблари ўрганилган.*

Ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида аёллар бунёдкорлик, эзгулик тарафдори бўлиб келганини тарих инкор қилмайди. Оила тотувлигида, равнақида, фарзандлар камолотида муҳим рол ўйнаган аёл, жамиятнинг сиёсий барқарорлигида, иқтисодий ютуқларида ҳам ўзига хос таъсир доирасига эга бўлган. Инсоният тарихидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: ватанпарварлик, эрксеварлик ғоялари билан яшаган малика Тўмарис, оқилона маслаҳатлари билан адолат ва маърифат уруғини буюк соҳибқирон қалбига сингдирган Сароймулкхоним, адабиёт ва санъатга бўлган юксак қобилияти ва иқтидори эвазига давлатни одилона бошқарган Увайсий, истиқлол, адолатли ва маърифатли жамият ҳақида орзу-умидлар қилган унинг замондошлари - Дилшоди Барно, Анбар Отин каби аёлларимизнинг хизматларини тарих унутмайди.

Ғарб тарихида матонат ва жасорат тимсоли бўлган, аскарларни илҳомлантириб, жангга етаклаган аёл лашкарбошилардан-саксонларнинг ҳарбий доҳийси Баадицея, XV аср француз армиясини инглизларга қарши курашга руҳлантирган Жанна д’ Арк, инглиз қироличаси Елизавета I ларнинг фаолияти эса тинчлик, тотувликка қаратилганлиги билан қадрлидир.

Лекин террорчилик ҳаракатлари авж олган ҳозирги тараққиёт босқичида аёлларимизни айнан шундай гуруҳлар таркибида кўриш албатта ачинарли ҳолдир. Гўзаллик, поклик, эзгулик, бунёдкорлик тимсоли бўлиб келган аёлларимизни террорчи сифатида тасаввур қилиш барчамизга эриш туюлади.

Социолик олим Энтони Гидденснинг таъкидлашига кўра, «кўпчилик террористик гуруҳларда эркаклар билан бир хил рол ўйнайдиган аёллар мавжуд»[387]лиги айни ҳақиқат.

Аввало террористик ҳаракатлар фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, унинг **«нодавлат гуруҳларнинг сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан фойдаланиши»**[388] эканлигини англаш мумкин. Демак кўриниб турибдики, бундай ташкилотлар ўз сиёсий мақсадларига зўравонлик, куч ишлатиш йўли билан эришмоқчи бўладилар. Табиийки, бундай ёвузлик ва ваҳшийликлар аёллар жисмига номуносибдир. Шундай экан, уларни бу каби қабоҳат, разолатга ундайдиган ва ҳатто ўзини қурбон қилишдан ҳам қайтмасликка мажбур қиладиган сабаблар нималардан иборат, деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Таъкидлаш лозимки, аксарият ҳолларда Марказий Осиёга кириб келган террористик гуруҳлар диний қадриятларни “асосий мақсад” қилиб оладилар,

[387] Э. Гидденс. Социология. Т., 2002, 403-бет.
[388] Ўша асар. 843-бет.

лекин амалда ундан фақат ниқоб сифатида фойдаланиб, ўзларининг сиёсий мақсадларини кўзлайдилар ва шу йўлда ҳеч қандай ваҳшийликлардан қайтмайдилар.

Динга эътиқоди кучли аёллар эса ана шу ҳийла ва асл мақсадни тушунмаган ҳолда бу ҳаракатга ҳайриҳох бўлиб, “Оллоҳ йўлида”, “Оллоҳ хохиши билан” бўлган ҳар қандай фаолиятни сўзсиз бажарадилар. Ва айнан мана шу ҳолатлар билан диний қадриятларимизга зид ҳатти-ҳаракатларни содир этадилар. Ваҳоланки, муқаддас динимизда бировни ҳаққига хиёнат қилиш, бировни хунига сабабчи бўлиш қаттиқ қораланади. Зеро, ҳадисларда айтилишича, «Оллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади».

**Иккинчи сабаб** сифатида ҳукумат сиёсатидан норозиликнинг очиқ–ойдин ифодаланишини келтириш мумкин. Маълум бир ҳудуд ва минтақаларда бир неча йиллардан буён давом этаётган урушлар (Афғонистон, Чеченистон, Ироқ ва ҳок.) туфайли ўз яқинларидан ажралган аёллардаги руҳий тушкунлик кайфиятидан усталик билан фойдаланиш орқали улар мана шу ҳаракатларга жалб этилмоқда.

**Учинчи сабабни** ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан боғлаш мумкин. Инсон борки ҳар доим яхши яшашни, бекаму-кўст ҳаёт кечиришни орзу қилади. Бу истак айниқса аёлларда кучли бўлади. Бундай турмуш тарзига эга бўлишнинг чекланганлиги ўзининг объектив ва субъектив сабаблари билан боғлиқ.. Кўп ҳолларда бу мақсадга эришишда кишилар осон йўлларни қидиришади. Ваҳоланки, бундай яшаш тарзига эга бўлиш учун ҳар бир инсон ўз қобилият ва иқтидорини ривожлантириши, ақлий дунёқарашини кенгайтириши зарур. Сермашаққатли бу йўл ҳаммага ҳам ёқавермайди ва ҳамма ҳам бунинг уддасидан чиқавермайди. Натижа ўз-ўзидан маълум: **иродаси бўш, енгил-елпи ҳаёт тарзига кўниккан, ташаббускорликдан йироқ аёллар террористик кайфиятдаги ташкилотлар таъсирига осон тушиб қолишади.**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, террористик ташкилотлар фаолиятига аёлларни жалб қилинишининг биз билмаган сабаблари ҳам бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай ёвузликка йўл очиб бериш, қабоҳат ва разолатни авж олдиришдан аввал аёл - яратувчи ва яшнатувчи, келажак авлод давомийлигини таъминловчи шахс эканлигини унутмаслиги лозим.

## ТАРИҚАТ ПИРЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ БУГУНГИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

**Қаршиев Р.М. НавДПИ Тарих факультети декани, т.ф.н., доцент**
**Абуев Ҳ.О. НавДПИ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)**

Ҳар бир халқ ёки миллат маънавий эхтиёжини аждодлари яратган меъросдан қондиради. Аждодлар меъроси ўзликни англашнинг бош меъзонидир. Тарихан яратилган фалсафий, диний ва илмий мерос келажак маънавий, илмий тараққиёти учун пойдевор ҳисобланади. Тарихан мамлакатимиз ҳудудида туғилиб, яшаб ижод қилган буюк алломаларимиз меъроси неча асрларки жаҳон тамаддунининг асоси ва етакчи кучи сифатида келмоқда. Буюк алломаларимизнинг меъроси ўзига хос хусусияти шундаки, улар диний ва дунёвий илмларни ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ этишди. Бу билан инсон доимо рухий ва моддий эхтиёжга эга эканлиги, булар инсоният борлиғининг ажралмас бўлаги эканлигини исботлаб беришди. Шунингдек, ислом динининг ўзига ҳослиги, илм ва илм эгаларига хайрихоҳ дин эканлигини яна бир бор намоён қилишди. Шу боис алломаларимиз мероси нафақат миллий мерос сифатида, балки, жаҳон умуммиллий мерос сифатида улуғланиб келинмоқда.

Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Каффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор Валий, Мухаммад Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган[389].

Ватанимиз тарихи узоқ ўтмишга эга. Узоқ тарихий давр мобайнида мамлакатимиз ҳудудида кўплаб буюк шахслар етишиб чиққан. Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан мустақиллик йиллари давомида тарихий буюк алломаларимиз меросини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудидан етишиб чиққан ислом дини равнақига, бу динни олтин асрини яратишга

[389] Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон” 2017. -Б. 28.

ўзининг улкан ҳиссасини қўшган алломаларимиз сафи олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида ошиб бормоқда. Бу маънавий мерос нафақат маънавий юксалишга, балки, мамлакатимиз иқтисодий юксалишига катта ҳисса қўшмоқда. Улар туғилиб яшаб ўтган жой ва қабрлари зиёратгоҳларга айлантирилиб, жаҳон сайёҳлик марказлари сифатида сайёхларда қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Нафақат мамлакатимизда балки ислом оламида етти пир сифатида ном қозонган ислом дини тасаввуф тариқати намоёндалари ва улар қолдирга мерос жаҳон маънавий меъроси дурдонаси сифатида улуғланади. Ислом динининг иккинчи ватани бўлган Бухоронинг бу буюк фарзандлари Бухоронинг шариф шаҳар сифатида ном қозонишида ўз ўринларига эга.

Бу қутлуғ заминда етишиб чиққан Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Мир Саид Кулол, Хўжа Ориф Ревгарий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк мутафаккирларнинг номлари, уларнинг бой мероси бутун Шарқ ва Ғарб оламига машхурдир[390].

Қадимий Бухоро замини буюк тариқат пирлари – Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревгарий Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саид Амир Кулол ва Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга машҳурдир.

Ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувоний – Хожаи Жаҳон, Абдухолиқ номи билан бутун дунёга машҳур. Бу буюк етти тариқат пирларининг аввали, Ҳазрат Абдухолиқ ўзининг “Тариқат одоби” китобида фарзандга қуйидагича насиҳат қилади: “Эй фарзанд! Илм билан бирга одобни ҳам ўрган. Зеро, одобсиз одам Оллоҳ лутфидан маҳрумдир. Халқ билан асло низо-жанжал этма. Яхши хулқ, нек одоб ила умргузаронлик айла. Суннати санияни маҳкам тут, салафи солиҳин, тақволи имомлар йўлларига эргаш. Бидъат аҳлидан йироқ бўл, зеро, ҳар қандай бидъат гуноҳдир”[391]. Ушбу буюк тариқат пирининг қарашларида илм ҳар қандай давр ва замон учун тарбия билан уйғун бўлиши кераклиги уқтирилади. Афсуски бугунги кунда юқори мартабали мулозимларимиз бунга аҳамият беришмаяпти. Гўёки ўзини халқпарвар қилиб кўрсатгандек, устоз таълим бераётганда ўқувчини хохлагандай ўтириш, хоҳлагандай кийиниш кераклигини жорий қилмоқдалар.

Хожа Ориф Моҳитобон (Хожа Ориф Ревгарий) – хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчиларидан бири, бухоролик етти пирнинг иккинчиси.

Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида Ревгар қишлоғи (ҳозирги Шофиркон шаҳридаги Хожа Ориф маҳалласи)да XII аср ўрталарида туғилган.

Хожа Ориф хожагон тариқатининг асосчиси Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг тўртинчи халифаси бўлиб, устози вафотидан сўнг бу тариқатни бошқарган[392]. Бу киши томонидан “Орифнома” китоби ёзилган. Бу китобда ёзилишича “Одоб нек одамлар зийнатидур!” Биз биламизки, одоб бу тартиб интизом, маълум одат ва қоидаларга амал қилишдур. Тартиб интизом йўқ жойда самара бўлмайди.

Мутаффаккир ушбу китобида авлиёлик аломатлари ҳақида маълумот беради. Унга кўра авлиёлик аломати учтадир: биринчиси – баланд даражани эгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ, иккинчиси – сабру тоқати еткунича парҳезкорлик қилмоқ, учинчиси – то кучи етгунича инсоф қилмоқ. Бу инсоний хислатларни инсон ўзида шакллантириши ва бунга ҳаракат қилиши кишини улуғлик сари етакловчи энг асосий омил сифатида намоён бўлади.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (XII аср охири, Вобкент туманидаги Анжир Фағнав (ҳозирги Анжирбоғ) қишлоғи - 1286) – хожагон нақшбандия силсиласининг йирик намоёндаси, Бухоролик етти пирнинг учинчиси[393]. Бу кишининг ўзига хос хислатлари хар қандай ишда Оллоҳни ёд этиш, ҳар қандай иш Оллоҳ йўлида ва у учун эканлиги, шунингдек, кишиларга яхшилик қилиш, яхшилик йўлида юксак даражада ўрнак бўла олишликдир.

Ромитоний Хожа Али, Хожаи Азизон (XIII аср ўрталари – Қўрғон қишлоғи – 1316/1321) – хожагон нақшбандия тариқати вакили бухоролик етти пирнинг тўртинчиси. Бу кишининг бизгача “Маноқиби Хожа Али Азизон Ромитаний” асари етиб келган[394]. Ушбу асарда Ромитаний тасаввуф аҳлининг ахлоқ одоби, хожагон тариқати қонун-қоидалари билан боғлиқ қарашлари панд-насиҳатлари жамланган. Ушбу қарашларда кишиларнинг мол дунёга берилмаслиги, яхши хулқ эгаси бўлишлик ва илм ва одобни кундалик ҳаётининг асоси сифатида билишлиги эътироф қилинади.

Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий – 1254 йилда Бухоро вилояти Рометан туманиниг Самос қишлоғида туғилганлар. Хожагон – нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси бухоролик етти

[390] Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: “Ўзбекистон” 2017. -Б.145.
[391] Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Тошкент: “Янги аср авлоди”2010. -Б.9.
[392] Ражабов Қ., Бобомуродов К. Шофиркон тумани тарихи.- Тошкент: “Тафаккур”2015. -Б.51.
[393] Ражабов Қ., Рахмонов К. Вобкент тумани тарихи. – Тошкент “Тафаккур” 2015. – Б.52.
[394] Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи.- Тошкент. “Тафаккур” 2016. – Б. 214.

пирнинг бешинчиси. Бу киши карoматгўй киши бўлиб, Баҳоуддинни туғилмасларидан олдин “Бу тупроқдан бир эр иси келмоқа, шу зот барокотидин Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айлангай” деб башорат қиладилар. Баҳоуддинни туғилганидан уч кундан сўнг маънавий фарзандликка қабул қиладилар.[395] Бу киши инсоннинг маънавий бойлигини юксалишида улуғ кишилар суҳбати муҳимлиги айтиб ўтади.

Сайид Амир Кулол – асли исмлари Саид Амир Калон. Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида (ҳозирги Когон тумани ҳудуди) 1288 йилда туғилган. Бухоролик етти пирнинг олтинчиси.

Адабиётларда бу кишини 114 та авлиё бўлган халифалари борлиги қайд этилган. Улардан энг машхурлари Баҳоуддин Нақшбанд, Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Ёдгор Валий, Шайх Жамолиддин Деҳаи Осиё, Шайх Шамсуддин Кулол, Хожа Дарзунийлардир[396]. Мир Кулол нафақат инсон балки табиатдаги барча ҳайвонот ва ўсимлик оламига меҳр шавқатли бўлишни зиён етказмасликни инсонийликнинг энг улуғ фазилати ва ҳаққа етишнинг йўли сифатида билади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд, Шоҳи Нақшбанд, Хожаи Бузрук, Балогардон номлари билан машхур – нақшбандия тариқатининг асосчиси, бухоролик етти пирнинг еттинчиси. Нақшбандия ўз давридан то бугунги кунга қадар кенг ёйилганлиги сабаби таълимотининг асосида “Қўнглинг худога бўлсину, қўл иш билан банд бўлсин” шиори ётганлигини бугунги кунда кўпчилигимизга маълум. бунинг замирида Оллоҳга ботинан, қалбан ихлос қилиш тушунчаси туради.

Шунинг билан бирга баъзи адабиётларда Нақшбанд ўзидан олдинги пирларининг қоидаларини асос қилиб олган ҳолда учта янги қоидани киритади. Яъни, “вуқуфи замоний”(замондан огоҳ бўлиш), “вуқуфи ададий” (сондан огоҳ бўлиш), ва “вуқуфи қалбий” (қалбдан огоҳ бўлиш)[397]. Ушбу тариқатнинг асоси хуфия зикр бўлиб, риёсиз ҳалол меҳнат билан кун кечиришдир. Нақшбанд ислом оламида ўз ўрнига эга тариқатга асос солди. Барча мусулмонларнинг пири сифатида ҳаққа етиш йўлини кўрсатиб берди.

Демак, шундай дунё маънавий тамаддунини асосини яратган, улкан меърос қолдирган улуғ ва буюк алломаларимиз бор экан миллий маънавиятимиз ҳеч қачон сўнмайди. Бу алломаларимиз қарашлари замирида ҳар қандай замон ва макон учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий таълимни биринчи ўринга қўйиш ҳар қандай тараққиётнинг мустаҳкам асоси эканлиги туради. Халқимизнинг неча минг йиллар давомида яратган маънавиятнинг олтин қоидаларини бугунги кунда қандайдир “янги маънавият” билан аралаштириш ёки таълим ва тарбияда сингдиришга ҳаракат қилиш маънавий қарамликдан бошқа нарса эмас. Бугунги кунда маънавиятимизнинг олтин қоидалари асосида таълим ва тарбияни олиб бориш энг мухим кечиктириб бўлмайдиган эхтиёж ва заруратдир.

**Summary:** Signs of the Islamic mysticism of Bukhara Abduxoliq G’ijduvoniy, Xoja Muhammad Orif ar Revgariy Xoja Mahmud Anjir Fag’naviy, Xoja Ali Rometaniy, Xoja Muhammad Boboyi Samosiy, Said Amir Kulol va Hazrat Bahouddin Naqshband service and scientific heritage plays a major role in the development of Islam. These great scholars are the founders of the golden age of Islam. for this reason, Bukhara, the second homeland of the Islamic religion.

## ИСЛОМ ДИНИДА БАҒРИКЕНГЛИК ВА САҲОВАТЛИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

**Мадаева Мўътабархон Омонуллаевна-**
**БАА Ўзбекистондаги ваколатхонаси котибаси**

**RESUME.** This article is devoted to the study of the principles of tolerance and mercy in Islam. Islam, being a monotheistic religion, in its essence reflects the humanistic principles of the coexistence of peoples and nations. Uzbekistan, reflecting in its history the deep roots of the Islamic phenomenon, in social life and in the character of the people shows the positive sides of the Islamic religion.

Аслини олганда бағрикенглик инсониятга хос бўлган жиҳатлардан биридир. Замонавий жамиятда миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, бағрикенглик асосий тамойил ҳисобланади. Ва бу жиҳат инсонлар орасида тотувлик, бирodарлик хислатларини сингдириб, турли низо, қарама-қаршиликлар, жанжаллар, келишмовчиликларни олдини олади. Бу эса юртнинг тинчлигини, осойишталигини таъминлайди. Авлодлар орасида ўз юртга бўлган ҳурмат-эътибор, ғурур туйғусини уйғотади. Ўзбекистонимизда жуда кўп миллат ва элатлар яшайди, уларнинг ўз диний эътиқоди, ўзгача дунёқараши, ўзгача маданияти бор, уларнинг тинч-тотувликда, аҳлликда яшашлари замирида диний бағрикенглик фундаментал асос сифатида хизмат қилишини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Шу

[395] Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Тошкент: “Янги аср авлоди”2010. -Б.15.
[396] Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Тошкент: “Янги аср авлоди”2010. -Б.17.
[397] Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt” 2011. -Б.15.

билан бирга ўзга миллат ва элатларнинг эътиқод эркинлигига ҳурмат билан ёндашиб уларни тушунган ҳолда тўғри қабул қилишимиз керак, зеро бу ҳақда муқаддас китобларда, буюк олимларимизнинг илмий меъросларида ҳалол яшаш, камтар бўлиш, саҳоват, мард ва ҳақиқатгўй бўлиш ҳақида кўп ёзилган.

Ислом монотеистик дин бўлиб, унинг инсониятга тушиши Аллоҳ Таолодан нозил қилинган Қуръони каримнинг Муҳаммад Алайҳиссалом расули пайғамбари орқали юборилганида ифодаланган. Ислом дини инсонларни тинчликка, яхшиликка, бағрикенглик, меҳр-мурувватга, ватанпарварликка тарғиб этади. Ва мўъмин мусулмонларни икки дунё саодатига етказади. Ислом динида 5 рукн: 1. Имон. 2. Намоз. 3. Рўза тутиш. 4. Закот бериш. 5. Ҳаж амалини бажариш (имкони борларга) фарз қилиб берилган. Ислом динининг мукаммаллиги фундаментал асоси бўлмиш Қурони Каримда, ҳадисларда акс этган. Шу билан бирга исломда эътиқод эркинлигини сақлаб қолган ҳолда, силаи раҳм, одоб, ахлоқ, инсонларга яхшилик қилиш, меҳрибонлилик жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ислом дини тарихида пайғамбар Муҳаммад САВнинг бағрикенгликларидан фақатгина мўъмин мусулмонлар эмас, балки барча халқлар, миллатлар, элатлар боринки, бутун инсоният ўрнак олишга интилгани баён қилинади. Тарихдан маълумки, Мадинага Насронийлар гуруҳи Нажрондан келишади. Уларга Расулуллоҳ САВ ибодат қилишларига масжиди набавийдан жой ажратиб бериб, ўрнак оладиган даражада бошқа дин вакилларига саҳоватлик билан муносабат билдирадилар. Шунингдек улар инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатга эътибор қаратган ҳолда бегоналарга ҳам мулойим муносабатда бўлиб, совғалар билан сийлаб ва ўзлари ҳам ҳадялар олар эдилар. Кўпгина ҳадислар ҳам қўшничилик одоблари ҳақида келтирилгандир. «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса, қўшнисига яхшилик қилсин», ушбу келтирилган ҳадис Абу Ҳурайра (р.а)дан ривоят қилинган бўлиб, илм аҳллари мазкур ҳадисни ўрганиб, қўшнилар хоҳ мусулмон, хоҳ ғайридин бўлсин яхшилик барчага баробар қилинишини таъкидлаганлар. Юқоридаги иқтибосга яна бир ривоят келтирилган. Абдуллоҳ Ибн Умар (р.а) бир хизматчисига қўй сўйишини айтадилар, қўйни сўйиб бўлгандан сўнг, биринчи бўлиб яҳудий қўшнига бериб тарқатишни буюрадилар. Ва Саҳоба Абдуллоҳ Ибн Умар (р.а) Расулуллоҳ САВ нинг “Жаброил қўшниларнинг ҳаққи борасида кўп гапирганки, қўшни меросхўр бўлиши ҳақида ўйлаб қолганман”, - деган гапларини эсга олган эканлар. Шу хусусда Қуръони Каримнинг Юсуф сурасида инсонларга улар қайси дин ва дунёқарашларидан қатъи назар маданият одоби билан муносабатда бўлиш ҳақида оятлар келтирилган. Юсуф алайҳиссалом кўп қийинчиликларга учрайдилар, уларни ҳатто ноҳақ зиндонга ҳам ташлашади, лекин улар душманларнинг уларга кўрсатган жабру ситамларига қарши қасос олмайдилар. Балки қасос ўрнига душманларига ёрдам беришга ҳаракат қиладилар.

Ўзбек халқи тарихида ислом қадриятлари фольклор, адабиёт орқали инсонлар онги ва маданиятига ўрнаша борди. Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ахлоқий фикр-мулоҳазаларини ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида виждонли, меҳнатсевар, саҳоватли, мурувватли, камтар инсонни ҳақиқий инсон деб таърифлайди ва бу хислатларни янада тарбиялаш керакки, бу хислатлар оммага тарқалсин деган ғояни илгари суради. Ва бу ғояларини ҳикояларида тавсифлайди. Алишер Навоий ижоди, шу жумладан “Сабъаи сайёр” достонининг аксарият таҳлилларида илоҳий ва яратилган борлиқнинг муносабатини ҳал этишда тасаввуфий қарашлар етакчилик қилади. Тасаввуфда оламни яратувчиси, илк сабабчиси Худодир. У нафақат оламни яратган, балки борлиқнинг иерархик босқичлари ўзидан нурлантириб шакллантиргани ҳолда, уни яратишда давом этган. Олам Худо томонидан яратилган, ва у бу оламда унинг зарурий борлиғи сифатида мавжудликда давом этади. Алишер Навоийда эса Шарқ оламида ўзига хос бўлган пантеистик таълимотнинг инсон фалсафаси кучли акс этган ракурсида кўрамиз. Инсон фалсафаси буюк адиб ижодида инсони комилликнинг энг гўзал ахлоқий-маънавий даражасида акс этади.

Шуни айтиб ўтишимиз лозимки, бағрикенгликни тарғиб этиш ҳозирги вақтда кенг оммалашиб бормоқда, бу мавзу ҳақида кўрсатувлар, хабарлар эшиттиришларида репортажлар бериб борилмоқда. Ҳатто кино, театр, мультфильмларда саҳоватлик, яхшилик, инсонийлик борасидаги лавҳаларни учратишимиз мумкин. Оддий мисол келтирсам, Насриддин афанди, бир камбағални алдаб, унинг ягона бойлиги бўлган сигирини олиб қўйган бойга нисбатан хийла ишлатиб сигирни учта боласи, хотини билан ночор аҳволда қолган камбағалга қайтариб беришида, инсонийлик саҳоватини кўришимиз мумкин. Бинобарин, халқ оғзаки ижодида ҳам, биз ҳозирда фикр юритаётган мавзу бағрикенглик борасида: “Яхши сўз – жон озиғи” , “Яхшилик қил, сувга от, билса балиқ билар, билмаса, Холиқ”, “Яхшилик нур келтирар, ёмонлик зулмат” каби сахийлик, яхшилик тарғиб қилувчи мақоллар борлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Шунинг учун ҳам миллий қадриятларга холисона эътибор бериб уларни негизини чуқур англаб, миллий маънавий жиҳатларнининг ўзига хос хусусиятларини англаймиз.

Ислом динида инсонларга яхши муносабатда бўлмоқлик, ёрдам бериш, мурувват кўрсатиш умуман олганда одамларга яхшилик қилиш савобли амаллар қаторига киради. Шундай экан гўзал фазилатлардан бўлмиш бағрикенглик, меҳр-мурувват, хайр-саҳоват инсонлар орасида улар қайси диний эътиқодда бўлишларидан катъи назар меҳр ришталарини узвий боғлашга, миллатлараро тотувликнинг бардавом ва барқарор бўлишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Шайх Абдулазиз Мансур таржималари. “Oqituvchi” нашриёти, Тошкент - 2020.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент-2008.
3. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. “Фан” нашриёти. Тошкент-1998.
4. Ўзбек халқ мақоллари. Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти. Тошкент-1978.
5. Афанди латифалари. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент 1990.

## ТАСАВВУФ ДОИРАЛАРИДА ИБН АЛ-АРАБИЙНИНГ КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ ЁРИТИЛИШИ

**Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н. Г.А.Бердиева**

Асрлар давомида турли диний-фалсафий таълимотлар ва уларнинг йирик намояндалари “комил инсон” ғоясини шакллантиришда у ёки бу даражада ўз ҳиссаларини қўшиб борганлар. Жумладан, тасаввуф таълимотидаги “комил инсон” концепцияси – яхлит бир қарашлар тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши фалсафий тасаввуф доираларида ушбу ғоянинг нақадар кенг қулоч ёзганини кўрсатиб бера олади. Фалсафий тасаввуф инсон ва борлиқ масаласига эътиборини қаратар экан, аксар ҳолларда мазкур ғояни четлаб ўтмайди. Бу борадаги фарқлар турли мутасаввиф файласуфларнинг инсон ва борлиқни тушунишдаги принципиал ёндошувларида яққол кўзга ташлансада, умумий кесишув нуқталари доимо мавжуд бўлиб келган.

Тасаввуфда “комил инсон” (*ал-Инсану-л-камил*) концепциясининг тизимли тарзда юзага келиши бевосита Ибн ал-Арабий номи билан боғлиқ ҳисобланади. Ҳар ҳолда, кейинги давр мутасаввифлари орасида бу мавзуга мурожаат қилгани борки, аксари Ибн ал-Арабий ғояларидан таъсирлангани қайд этилган. “Комил инсон” Ибн ал-Арабий томонидан асос солинган “Ваҳдату-л-вужуд” таълимотлар тизимининг таркибий қисми ҳисобланган ҳолда, анчайин мураккаб ва ўзига хос талқинга ҳам эгадир. Умуман, Ибн ал-Арабий илгари сурган ҳар бир алоҳида ғоя бир-бирига боғлиқ тарзда ривожланиб, бир вақтнинг ўзида бири иккинчисидан мустақил ва тугал ҳисобланиши мумкин, дея оламиз. “Комил инсон” концепцияси ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун, мавзуни ёритиш давомида “Ваҳдату-л-вужуд” ва “Тажаллий” каби ғоя ва таълимотларга мурожаат қилиш ўринли бўлади.

Аввало, Ибн ал-Арабийнинг мусулмон Европаси – Андалусияда вояга етгани, унинг тафаккури ва дунёқарашида бир вақтнинг ўзида Ғарб ва мусулмон оламининг диний-фалсафий таълимотларининг ўзаро уйғун шаклда ривожланишига қулай шароит яратган эди. “Ваҳдату-л-вужуд” Ибн ал-Арабийнинг борлиқ ҳақидаги таълимотлар тизими бўлиб, милодий III-IV асрларда вужудга келган неоплатоникларнинг эманация ҳақидаги таълимотига яқин турувчи ғояларни илгари суради. Шу билан бирга, Европалик машҳур олима А.Шиммелнинг гувоҳлик беришича, таълимотнинг асосий манбаини ташкил этувчи “ал-Футуҳату-л-маккийя” ва “Фусусу-л-ҳикам” каби асарларнинг тил услуби шу даражада мавҳумки, таълимотни баъзилар пантеизм (А.Афифий), баъзилар эса монизм ёки экзистенцал монизм (Л.Массиньон) деб талқин қилганлар[398].

“Ваҳдату-л-вужуд” таълимоти Худонинг моддий борлиқда тажаллий этиши – жилоланиши, гўёки моддий борлиқ бир ойна бўлиб, Худо унда ўзини акс эттиради, лекин бу акс унинг ўзи ҳам эмас, ундан ташқари ҳам эмас – деган ғояни илгари суради. Шу жиҳатдан у пантеизм (фалсафий тасаввуфда “Ваҳдату-л-мавжуд” – Худонинг моддий борлиққа сингиб кетган ва у билан бирга абадийдир деб даъво қилувчи таълимот)дан тубдан фарқ қилади[399]. Ибн ал-Арабийнинг “тажаллий” ҳақидаги ғоясини Жомийнинг қуйидаги таърифи очиб беради:

[398] Смотр. Шиммель А. Мир исламского мистицизма. Москва: 2000. – С. 211-212.

[399] Фахриддинов З. Тасаввуф фалсафасида “Ваҳдатул вужуд” таълимоти.// Баркамол авлод – келажак пойдевори III. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 73-74.

*Аъён ҳама шишаҳои гуногун буд,*
*К-афтода бар он партави хуршеди вужуд.*
*Ҳар шиша, ки буд сурх ё зарду кабуд,*
*Хуршед дар ҳам ба ҳамон ранг намуд.*

“Аъён турли хил шишаларга ўхшайди. Бу шишаларга вужуд қуёшининг шуъласи тушди. Натижада, қуёш шуъласи шиша қизил бўлса қизил, сариқ бўлса сариқ, кўк бўлса кўк рангда товланади[400]”.Ибн ал-Арабий “*ал-А‘йану-с-сабита*” деганда, яратилувчан, лекин хали яратилмаган нарсаларнинг прототипи – илк бирламчи нусхасинини назарда тутади. Унинг фикрича, Мутлақнинг “тажаллиси” тартибсиз эмас, балки, азалдан Мутлақнинг ўзида бўлувчи “*ал-А‘йану-с-сабита*”га мос тарзда амалга ошади[401]. Шу тариқа Унинг зотию сифатлари Ўзи яратган борлиқда жилоланиб, акс этиб туради. Илоҳнинг мукаммаллик сифатлари коинотда дискрет (мунфасал) ҳолатда бўлади. Фақат инсондагина улар яхлит жамул-жам бўлган ва янада айнанроқ, худдики, “мухтасар” бир тарзда акс этган. Шунинг учун “комил инсон”да Мутлақ ўзини бутун борича, тўлиқ идрок этади. Инсон гўё Унинг ўзлигига айланиб боради[402].

“Комил инсон” инсон тушунчаси биринчи навбатда борлиқ муаммоси билан боғлиқ онтологик муаммо ҳисобланади. Ибн ал-Арабийга кўра, аввалда олам жонсиз эди. Одамнинг пайдо бўлиши уни жонлантирди. Инсон Илоҳий исм ва сифатларининг намоён бўлишига айланди. У бутун борлиқда ўзининг ҳақирлигига қарамай, Ҳақиқат қароргоҳи бўлди. У жамики оламда мавжуд бўлган моддий ва руҳий даражаларни қамраб олди. Аллоҳ фақат инсонгагина ўзининг барча исмларини ошкор қилди. Асл “комил инсон” Муҳаммад (с.а.в.) бўлди. У қолган барча махлуқотларнинг устидан бундай устунликка ҳали Одам бор бўлмаганидаёқ эришди. “Комил инсон” махлуқот оламининг мақсади ва мантиқий ниҳояси ҳисобланади. Илоҳий ирода фақат у орқали амалга ошади[403]. Мазкур ғоянинг мағзи буюк туркийзабон шоир ва мутафаккир ҳамда мутасаввиф олим Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида ҳам мухтасар бир тарзда ўз аксини топган:

*Мунча ғаройибки мисол айладинг,*
*Барчани миръоти жамол айладинг.*
*Ганжинг аро нақд фаровон эди,*
*Лек баридин ғараз инсон эди*[404].

Лекин, бу ғоялар ундан аввалроқ, VIII асрда вужудга келган шиаларнинг исмоилия оқими доктриналарида ҳам кўзга ташлана бошлаган эди. Умуман олганда, бу оқимнинг кўпгина ғояларини тасаввуф ривожининг турли босқичларида тез-тез кўзга ташланишини кузатиши мумкин. Хулоса қилганда, Ибн ал-Арабий фалсафий мероси ва унинг ғоялари чуқур таҳлилий тадқиқотлар учун бой манба бўлиб, барча даврларда турли қарашлар ва қизғин баҳсларга сабаб бўлган. Жумладан, у тизимлаштирган “комил инсон” концепцияси ҳам унинг даҳоси нақадар мураккаб эканини кўрсатиб берувчи, уни тушуниб етишга, бу соҳада тинимсиз илмий изланишлар олиб боришга ундовчи омил вазифасини ўтаб келмоқда.

## ТАСАВВУФ - ИНСОН ҚАЛБИГА ВА ИЙМОНИГА ЙЎЛ ОЧИШ ИЛМИДИР

**Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н. Г.А.Бердиева**

Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир. Тасаввуф Шарқ маънавияти тарихида муҳим ўрин эгаллаб келган тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёяди. Гап шундаки, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш юз беради, айниқса, халифа Усмон замонларида бойликка ружуъ қўйиш, қимматбаҳо туҳфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Умавия халифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, хазина тўплаш авж олди. Яъни диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол

[400] Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдатул-вужуд таълимоти. Тошкент: 2008. – Б. 152.
[401] Кныш А. Вахдат ал-вуджуд. // Ислам: Энцилопедический словарь. / отв. секр. С.М.Прозоров. Москва: 1991. – С. 48.
[402] Тот же источник.
[403] Инсани камил. // Исламский энциклопедический словарь. / Авт.: А. Ализаде. Москва: 2007.
[404]Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. // Хамса. Тошкент: Ўз.ФА нашриёти, 1960. – Б. 19.

диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса, қаноат ва зуҳдни (“зуҳд” сўзидан “зоҳид” сўзи келиб чиққан) асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланганлар. Тасаввуф илми-моҳиятан ва мазмунан инсон ҳақидаги илмдир. У инсонларнинг кўнглига, қалбига, руҳига хитоб этган, одамларни ҳамиша поклик ва эзгуликка чорлаган, тўғрилик, ростгўйлик, ҳалоллик ва тинчликни тарғиб қилган, ёмонларни йўлга солишига даъват этган. Тасаввуфчи, шайхлар ва уларнинг шогирдлари сўфийлик йўлини тутган кишиларни на дунёдан, на охиратдан таъма қилмасликка, нафс кўчасидан ўтмасликка ундаганлар. Сўфийлик одоб-аҳлоқли, қалби ва руҳи пок, билими юқори инсонларни-яъники комил инсонларни тарбиялаб камолга етказишни ўзларининг асосий бурчи ва мақсади деб билганлар. Бошқа сўз билан айтганда, инсоннинг руҳий-маънавий камолоти тасаввуфнинг асосий мақсади бўлиб, бу мақсад йўлида ҳар бир улуғ шайх ўз тартиб қоидаларини ишлаб чиққан ва шу асосда турли тариқат сулуклари шаклланган.

Тасаввуф аҳли учун асосий масала қалбни поклаш, уни худбинлик зангидан тозалаш бўлган. Улар бу ишни нафсни поклашдан бошлаганлар. Бунинг учун нафсни поклаш йўлларини ишлаб чиққанлар. Нафсни ва шу орқали кўнгилни поклаш эса риёзат чекиш орқалигина бўлади. Риёзат чекиш шунчаки, сабр-тоқатли бўлиш, қийинчиликларга бардош бериш эмас. Балки, ҳақ йўлида онгли равишда инсон ўз олдига улуғ бир мақсадни белгилаб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни зиммасига олиб, тўсиқларни енгиб ўтиб, олға мақсад сари интилиш риёзат бўлади. Тасаввуф тариқатлари риёзат чекиш орқали инсон нафси ва кўнглини поклаш йўли бўлиб, уни темирчининг оловли курасига қиёс этиш мумкин. Унда инсон кўнгли аввал мумдек юмшаб шакл олади, сўнг чиниқтирилади ва сайқал берилади. Охирида кўнгил пўлат кўзгу сингари сайқал топадики, ўзида илоҳий нурни акслантириб, ой сингари нурланиб, ўзи ҳам атрофга зиё тарата бошлайди. Ана шундай кўнгил эгаси комил инсондир. Бундай инсон ўзидан атрофга зиё таратади, ўзга инсонлар руҳини хам маърифатли этади, кўнгилларни нурлантиради. Буюк сўфийлар, тасаввуф тариқатларининг йўлбошчилари ана шундай комил инсон бўлганлар. Улар риёзат чекиш орқалигина у дунё ва бу дунё саодатига эришганлар.

Тасаввуф гарчи VIII аср ўрталари ва IX аср бошларида юзага келган бўлсада, унинг назарияси ва амалиёти X-XIII асрлар давомида тасаввуф адабиётларида ишлаб чиқилиб ўзининг олий босқичига кўтарилган ва нақшбандия тараққиётида мукаммал нихоя топган. Уларда инсон ва унинг Худога муносабати қандай бўлиши кераклиги, Худо ва инсон бирлиги, инсонни Аллох билан қўшилиши ҳакидаги таълимот акс этган. Рухий-маънавий камолотга эришиш йўллари кўрсатиб берилди.

Бу йўллар тўрт босқичдан иборат.

1 Шариат

2 Тариқат

3 Маърифат

4 Ҳақиқат

Шариат. Бунга кўра сўфийлик йўлини тутган тариқат аҳли аввало шариатнинг барча талабларига буйсуниши, уларни бекаму-кўст эгаллаши ва амал қилиши керак.

Тариқатга кўтарилиши мумкин. Бунда муридлар ўз пирлари-муршидларга (шайхларга) итоат этиши, ўз шахсий истакларидан воз кечиши шарт. Яъни мурид ўз ихтиёрини бутунлай пир (устоз) ихтиёрига топшириши лозим.

Маърифатга кўтариладилар. Бунда коинотнинг (борлиқнинг)бирлиги Худога мужассам бўлиши, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлиги ақл билан эмас, балки қалб билан англаб етилади.

Ҳақиқат ҳисобланиб, сўфий (зохид) «шахс сифатида тугаб» «ҳақиқат»га, Худога етишади, унга сингиб кетиб абадийликка эришади. Бунга сўфийлар махсус руҳий ва жисмоний ҳаракатлар-сиғиниш ва ибодатлар орқали интиладилар.

Юқорида айтилган даражага эришиш учун инсон қалбининг поклиги, нафсидан устунлиги, Оллоҳга муҳаббати мустаҳкам бўлиши лозим ва Сўфийликда тариқатлар жуда кўп бўлган.

1. Нақшбандия 2. Яссавия 3. Кубравия.

Бундан ташқари ҳозиргача айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб келаётган Қодирия (Эрон ва Афғонистонда) рифоия (Эрон) тайфурия (араб мамлакатлари) мавлавия (Туркия) чиштия (Ҳиндистон ва Покистон) Бектошия (Туркия) Савафия (Эрон) ва бошқалар шулар жумласидандир

Ўрта Осиёда эса илгаридан Нақшбандия, Кубровийлик, Яссавийлик тариқатлари тарқалган.

Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб уни “Баҳоуддин балогардон”деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг “дилинг оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олийжаноб маъно – моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди.

Албатта ҳар бир тариқатнинг асли Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассалламга бориб тақалади. Шу сабабли унинг томирлари узун ҳисобланади. Аммо маълум шайх номи ила машҳур бўлган катта тариқатларнинг аксари бешинчи ва олтинчи ҳижрий асрларга тўғри келади.

Хулоса ўрнида юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб «…тасаввуф – бу илоҳият олами, инсон маънавияти, руҳияти, эҳтиёжлари ва унинг Худога муносабати ҳақидаги фалсафий таълимот» – дейишимиз мумкин. Содда қилиб айтганда, тасаввуф инсон қалбига сайқал бериш илмидир.

## РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ В СРЕДНЕЙ АЗИИ В ПЕРИОД ПЕРВОГО И ВТОРОГО РЕНЕССАНСА

**Азимов Адиз Абдуллаевич, старший преподаватель кафедры «Социальные науки» Бухарского инженерно - технологического института. Узбекистан.**

Resume: The article analyzes the tolerant attitude towards different religions during the reign of the Samanids and Amir Timur. And also as a result of this, science, culture and literature are developing in the country.

Key words: Central Asia, tolerance, religious tolerance, scientific development, Renaissance, Islam, Christianity, Zoroastrianism.

**Аннотация:** *в статье анализируется толерантное отношения к разным религиям в эпохи правления Саманидов и Амира Тимура. А также в результате этого в стране развивается наука, культура и литература.*

**Ключевые слова:** *Средняя Азия, толерантность, веротерпимость, развития науки, ренессанс, Ислам, Христианство, Зороастризм.*

Средняя Азия по геоэкономическому расположению лежит на перекрёстке Великого шёлковому пути, между Западом и Востока. А этот фактор в свою очередь привело к тому что здесь очень с древнего времени жили разные народности. Основу социально-политической и экономического развития в Среднеазиатском регионе является терпимость: политическая, национальная и религиозная. Средняя Азия находиться на перекрёстке торговых дорог, на Великой шёлковой пути между Западом и Востоком.

Как известно зороастризм появилось с начала появлению государственности в Средней Азии. Вера в бога, добра и зла, философское понятия о миропорядка, о четырёх элементах основу всего живого, это считалось основой учения зароастризма. Главная идеология Зароастризма в Средней Азии считалось благой мысли, благие дела и благие слова. Последуюшие века в этот регион через кочевые племена проник буддизм[1].

В начале века в Среднюю Азию начали перекачиваться христиане. Особенно в период правления сасанидского царя Шопура из Европы переселились учёные, литераторы и часть населения, христианство через Иран проник в Среднюю Азию.

В VIII веке нашей эры в Среднюю Азию завоевали арабы, захватчики для покорения народов Мавераннахра активно проповедуют ислам. Но насильственным путём заставить народ исповедовать ислам им не удается, по этому они через освобождения мусульманского населения региона от хараджа сумеют ввести новую религию[2]. Но местная населения не полностью отказывается от прежних религий своих предков, в результате после освобождения народов Средней Азии от поработителей, народы жившие в регионе сумели восстановить прежние традиции и отчасти религию. Но от ислама народ не отказался. Таким образом в течении многих веков в Средней Азии начали жит люди разных национальностей и вероисповедания.

Во второй части нашего исследования мы постараемся проанализировать религиозную толерантность у правителей разных эпох начиная от Саманидов до эпохи правления великого Амира Тимура.

Уже начале IX-го века Саманидские правители начали строит свою государства на принципе национальной и религиозной толерантности. Немаловажную роль в социально-экономическому

развитию в государстве Саманидов сыграло вопрос религии, и отношения к нему правителей. Как утверждает Сафа [3]. При дворе Саманидов служили люди разных вероисповедании и течений: Сунниты и шииты, христиане и зароастрийцы, им было предоставлена полная свобода действий и свобода мысли. Наряду с мечетями работали церкви и зароастрийские учения.

Саманиди не припятьствовали проведению дисскуции на разные рода науки в том числе на религиозные темы[4]. Государство как правила не вмешивалось споры и борьбу происходящих между представителями различных сект и учений, между сторонниками фикхи и суфизма, мутакаллимами и мутализитами и всегда держалось в стороне от этого. Саманиди не преследовали представителей религиозных течений. Исключениям быль только исмаилити-карматы, это течения начала открыто бороться с правящей династии, и претендовать на политическую власть в регионе [5].

Веротерпимость Саманидов дали ряд положительных результатов : во-первых благодаря такой политике народы жившее на тот период в Мавераннахре и Хорасане сохранили свое прежнюю бытования через сохранения и восстановления своих прежних обычаев и традиций, а потом вошедшее в новых формах в круг верования и обычаев эпохи Ислама.

Во-вторых многие учёные, литераторы, ремесленники других взглядов и верования преследуемые в разных частях Халифата начали переселяться в Бухару, Самарканд и другие города Мавераннахра и Хорасана.

В третьих представители разных религиозных убеждений и сект во владениях Саманидов стекались и относительно свободно могли высказывать свои мысли, а это полемика свою очередь способствовало развитию научной и религиозной мысли. Для борьбы со своими противниками защитники Ислама дольны были обратиться к трудам античных - греческих философов, этот факт привёл к глубокому изучению проблем философии в Исламе [6].

Толерантное политика продолжилось и во время правления Амира Тимура второго ренессанса в Средней Азии и всего востока. Амир Тимур является основателем централизованного узбекского государства. Он смог освободить народы Средней Азии от 150 летного захвата монгольской порабощения. Для правления своего огромного государства Амир Тимур должен был вести толерантную политику. Ислама. В эпоху правления Амира Тимура представители всех религий имели одинаковые права, Даже многие представители западных стран побывавших в государстве Амира Тимура утверждали что под его правлениям все народы разных религиозных взглядов христиане и мусульмане, буддисты и евреи жили в мире и согласии. Утверждения того что христиане при Амире Тимуре не имели прав никого основания не имеет. Французский историк Жан –Пол Ру своих работах утверждает что когда Амир Тимур увидел в каком плачевным состоянии находился кладбища восточных христиан (несториантов) и их церковь то приказал отреставрировать кладбище святого Иоанна и святого Сергея а также построит заново Церковь. Еще одним фактом толерантности Амира Тимура к христианстве является тот факт что по просьбе папы Римского и некоторых королей Европейских стран Амир Тимур вступил в войну против Османского правителя Боязида I Илдирим. Тот факт что при дворе в неволи держались представительницы из аристократических семей Европы были освобождении из неволи и отправлены с почестями свою Родину [7].В столице Амира Тимура в Самарканде действовал церковь святого Иоана [8] Религиозная толерантность продолжилось при правлении внука Амира Тимура Улугбек. По свидетельству очевидцев Улугбек свей академии проводил научные дискуции и приглашал туда учёных разных взглядов и религий.

Подведя итоги можем сказать что В период правления Саманидов отношения между разными народами и религиями были толерантными и терпимыми друг к другу и это отношения продолжилось и даже развивалось в период правления Амира Тимура.

Сегодня Узбекистан строить демократическое, правовое, гражданское общества, отношения между народами и религиями является главной в политике независимого Узбекистана. При создании нового общества Узбекистан всегда старался придерживаться на свою богатую историю и традиции, и Узбекистан дальше будет всё делать для благополучия всех народов живущих в этом регионе, и будет стараться сохранит свобразность своей культуры и религии.

**Литература:**


1. Ртеveладзе Е.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Цивилизация древнего Узбекистана: очерки и государственности и права. - Т.: Adolat, 2001.
2. История Узбекистана 7 класс. Ташкент - 2017. Стр 32.
3. *Сафа. Тарихи адабийат.Т 1 стр. 18*
4. *Всемирная История. Т III V 1957 и 153*
5. *А.Мирзоев. Рудаки. V 1958 г стр 57.*
6. Исламская цивилизация. История и современность. Актуальный философский дискурс. Ч-1

7. *Ру Жан-Пол.ТЕМИРЛАН./Жан-ПОЛЬ РУ ПерС Фр.Е. А. Соколова; Послесл. В.Л.Егорова прил.4-е изд. М ; Молодая гвардия 2007 с 202*

8. *Ибн Арабшо.Темур тарихидан тақдир ажойиботлари.(Знамненательные рассказы из истории Темура)перю с араб. Предсловия. Т. «мехнат» 1992 .с96*

## РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ И МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ В ИСЛАМЕ

**НГПИ, кафедра русского языка и литературы**
**Преподаватель Батыралиева Ш.П.**

***Annotation***: This article deals with the importance of the principles, of tolerance, and interreligious harmony in our life when studying the history of religions in which mankind today believes. It also talks about Islam, which considers freedom of religion as an inalienable right of a person with consciousness and will.

В процессе глобализации вопрос религиозной терпимости, межрелигиозного согласия, взаимного сотрудничества является одним из важнейших принципов мира и развития развитых и развивающихся стран.

Если мы посмотрим на историю, то с древних времен наша страна - это земля, населенная разными народами, разными культурами, языками, обычаями, разными религиями, со своим образом жизни и отличными друг от друга

Радует то, что граждане нашей страны, независимо от их религии, работают вместе, в мире и спокойствии, для развития нашей страны и подают пример для всего мира. В главной энциклопедии республики говорится, что представители всех национальностей, проживающие в нашей стране, независимо от национальности, языка, убеждений, социального положения, составляют народ Узбекистана и их права и интересы, а также свобода вероисповедания гарантированы. В частности, согласно статье 18 Конституции Республики Узбекистан «Все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом, независимо от пола, расы, национальности, языка, религии, социального положения, происхождение, вероисповедание, личный и социальный статус.[405]

В связи с этим в нашей стране были усовершенствованы правовые основы свободы совести, и сегодня в нашей стране созданы все условия для того, чтобы люди разных религий могли беспрепятственно верить в свою религию.

Религиозная толерантность и межнациональное согласие в нашей стране имеют исторические корни и прочную правовую основу, создана прочная правовая основа взаимоотношений светского государства и религий. Это признано и признано во всем мире.

Особую роль приобретает в настоящее время совершенствование внутреннего мира молодежи, и вопрос формирования толерантности. Толерантность в современных условиях реализуется во многих сферах: научно-профессиональной деятельности, в быту, при взаимоотношениях между людьми, в социальной и др. Наибольшее развитие толерантности можно видеть в религиозной сфере. Рассмотрим представления о толерантности, которые используются как в традиционных науках – философии, психологии, педагогике, социологии и т.п., так и в религиозной области. Толерантностью проникнуты религиозные постулаты и правила ислама, христианства, иудаизма, где в основе религии лежат вера с признанием единобожия. Рассмотрим понятие толерантности в одной из названных религий – в исламе. Ислам в переводе с арабского означает «Мир», «Предание себя [Всевышнему]», «Покорность [Всевышнему]». Терпимость является ключевым идеалом ислама, а веротерпимость и толерантность, считаются основными характеристиками исламского мировоззрения[406].

В истории человечества ислам был одной из первых религий, которая продвигала идею о том, что люди разных религий могут жить в обществе, основанном на принципах религиозной терпимости, межрелигиозного сотрудничества, мира и безопасности, равенства, и претворяла ее в жизнь.

Действительно, можно с уверенностью сказать, что ислам был одним из первых, кто ввел толерантность.

Ислам рассматривает свободу вероисповедания как неотъемлемое право человека, обладающего сознанием и волей. Толерантность мусульманской религии по отношению к иноверцам

[405] Конституция РУз; Конституция Республики Узбекистан. Т.: «Узбекистан», 2015.

[406] Штейнберг В.Э., Калимуллин Р.Х., Манько Н.Н., Галиев Р.Г. Исламский дидактический шамаиль как детерминант толерантности

доказывает тот факт, что в арабском халифате, так же как и в Османской империи, отношение к немусульманам было довольно терпимым. Республика Узбекистан является суверенным демократическим государством светского характера. Данное понимание закреплено в основном законе государства - Конституции Республики Узбекистан, где сказано: «Религиозные организации и объединения отделены от государства и равны перед законом. Государство не вмешивается в деятельность религиозных объединений» (ст. 61).

Инструкции, изложенные в основных источниках ислама и о том, как им следовать наш Пророк Мухаммад (саас), сохраняются и по сей день. Мирное сосуществование в нашем обществе людей разных вероисповеданий, дружеский диалог в поддержку принципов межрелигиозного согласия свидетельствуют о постоянной стабильности наших древних традиций.

21 декабря 2017 в ООН была принята по инициативе Узбекистана резолюция «Просвещение и религиозная толерантность» для обеспечения мира, спокойствия и религиозной толерантности. Резолюция подтверждает активную поддержку религиозно-просветительских инициатив Президента Узбекистана Ш. Мирзиеёва, нашим народом и международным сообществом. Резолюция «Просвещение и религиозная толерантность», направленная на решение таких острых на сегодняшний день проблем, волнующих мировое сообщество, как терроризм, экстремизм, насилие, нетерпимость, пропагандирует науку и просвещение, справедливое и толерантное отношение к другим и политику миролюбия.

Ислам не испытывает вражды к другим вероубеждениям, ислам осуждает насилие и террор, ведь всех людей Аллах Всевышний создал из одной души, и различие в убеждениях это в природе человека. Убеждения не продаются и не покупаются, и нет принуждения в них, эти различия в убеждениях не препятствуют во взаимопомощи и сотрудничестве, ведь все небесные религии согласны в том, что нужно поклоняться Единому Богу и отличаться благим нравом, и все согласны, что благие слова важны нам всем в нашей жизни. Исламские идеалы призывают нас всех строить мир среди всех людей, ведь у людей очень много общего, так давайте использовать наши силы, чтобы 26 остановить пролитие крови, сотрудничать сообща в очищении религиозных чувств от скрытой злобы и ненависти, которые обходятся человечеству тяжелой и гнетущей ценой.

В этой статье мы подробно рассмотрели важность принципов толерантности и межрелигиозной гармонии в нашей жизни при изучении истории религий, в которые сегодня верит человечество. Таким образом, люди получат наиболее точное представление о народах, нациях и народах, которые жили раньше, зная историю различных религий на основе принципа терпимости.

Изучение максимально точной информации о разных религиях, глубокое понимание природы толерантности в них служит главным критерием единства, согласия, мира и спокойствия для людей в эпоху глобализации.

В заключение, независимо от религии, языка, национальности, расы, прежде всего, уважение и почтение к человечеству - одно из благородных качеств, унаследованных от многих тысячелетий истории человечества. Следовательно, жизнь на принципах терпимости, взаимной гармонии и межрелигиозной гармонии является требованием как нашего времени, так и нашей религии.

**Список литературы**

1. Конституция РУз; Конституция Республики Узбекистан. Т.: «Узбекистан», 2015.

2. Закон РУз «О свободе совести и религиозных организациях». [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://products.norma.uz/ (дата обращения: 08.02.2019).

3. Штейнберг В.Э., Калимуллин Р.Х., Манько Н.Н., Галиев Р.Г. Исламский дидактический шамаиль как детерминант толерантности: для студентов с углубленным изучением истории и культуры ислама – Уфа: Изд-во БГПУ, 2012, - 165 с.

4. ИДЕАЛЫ И ЦЕННОСТИ ИСЛАМА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ XXI ВЕКА. Материалы Международной научно-практической конференции, посвященной 110-летию медресе «Галия» (г. Уфа, 9–10 ноября 2016 г.) / Составители: Д.М. Абдрахманов, Г.В. Балягова, З.Л. Сизоненко, В.С. Хазиев. – Уфа: «Мир печати», 2016. – 440 с

# БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Норова Малика Файзуллоевна**
**Бухоро давлат университети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси**

Бағрикенглик— бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир.

Бағрикенглик ён бериш, андиша ёки хушомад эмас. Бағрикенглик энг аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Ҳар қандай вазиятда ҳам бағрикенглик ана шу асосий қадриятларга тажовузларнинг баҳонаси бўлиб хизмат қилмайди. Бағрикенгликни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим.

Бағрикенглик инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм (шу жумладан, маданий плюрализм), демократия, ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир. Бағрикенглик ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлақлаштиришдан воз кечишни англатувчи ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган қоидаларни тасдиқловчи тушунчадир.

Сайфиддин Бохарзий фикрича, комил инсон тинчликсевар, сулҳпарвар, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик учун ҳаракат қилувчи, бу йўлда жидду жаҳд ва жасоратга эга инсондир. У бу ғоясини қуйидаги рубоийсида ифодали тарзда баён этади:

در جنگ چو آهنیم و در صلح چو موم
بر دوست مبارکیم و بر دشمن شوم
از غیرت ما برند آثار بمصر
وز هیبت ما برند زنار بروم[407]

Дар ҷанг чу оҳанем ва дар сулҳ чун мум,
Бар дӯст муборакам ва бар душман шум.
Аз ғайрати мо баранд осор ба Миср,
В-аз ҳайбати мо баранд зи нор бирум.

**Мазмуни:**

Мен урушда темирдай (қаттиқ қаршиман),
Тинчлик учун мумдайман.
Дўстларга муборакман, душманларга эса шум.
Бизнинг ғайратимиз таъсири сизни этади Мисргача,
Бизнинг ҳайбатимиз эса, Олловдан қутқариб этади Румгача.

Сайфиддин Бохарзийнинг бу мисралари Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг қуйидаги рубоийларига ҳамоҳанг:

Бар дўст муборакам, бар душман – шум,
Бар дар жанг чу оҳанам, бар сулҳ чу мум.
Сарчашмайи нур Ғиждувон манзилимост,
Ман тиғи дудама мезанам то дар Рум.

**Мазмуни:**

Дўстларга муборакман, душман учун шум,
Урушга қарши темирдай қаттиқман, сулҳ учун мумдай юмшоқман.
Нур сарчашмаси бўлган Ғиждувон бизнинг манзилимиздир.
Биз икки учли тиғмиз, Румга қадар урурмиз[408].

Сайфиддин Бохарзий ва Абдухолиқ Ғиждувоний рубоийларидаги дастлабки мисралар таҳлили шуни кўрсатадики, улар дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, тинчлик тарафдори бўлиб, душманлик, қарама-қаршиликни қоралаган. Бу икки буюк шахс, Хожагон ва Кубравия таълимотининг намояндалари уруш ва жанжалга қалқондек қарши туриб, тинчлик ва осудаликни оқлаб чиққанлар. Бу эса миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик каби ғояларга уйғундир.

[407] سيف الدين باخرزي، عادل اسير دهلوي، رباعيات دهلی، تهران: .نشرديبايه .1396 ص 76.
[408] Наврўзова Г.Н. Абдухолиқ Ғиждувоний. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. – Б.53-54.

Сайфиддин Бохарзий Мовароуннаҳрда турли миллат вакиллари истиқомат қилган бир даврда милатлараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик ғояларини илгари сурган. Бу каби ғоялар айни вақтда Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга ҳам ҳамоҳангдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 130 тадан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликда, бир оила фарзандларидек истиқомат қилиб, тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Сайфиддин Бохарзий ҳаёт йўли у кишининг комил инсон ахлоқига эга шахс эканлигини кўрсатади. Бунга манбалар ва тарихий воқеалар етарлича гувоҳлик беради. Сайфиддин Бохарзий мўғуллар истилоси ва ҳукмронлигига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Унинг халқ оммаси ўртасидаги юқори нуфузидан чўчиган мўғул ҳукмдорлари у билан келишишга интилган. “Тарихи Банокатий” (XV аср) асарида ёзилишича, Чингизхонинг невараси Олтин Ўрда хони Беркахон Бухорога махсус келиб, Сайфиддин Бохарзийдан ислом динини қабул қилган (XIII асрнинг 50 йиллари) ва унга мурид тушган. У мусулмон бўлгач, ўзига Баракахон исмини олган. Баракахон Шимолий Кавказдан Сибиргача чўзилган улкан давлат ҳудудида ислом динини жорий қилган, масжид ва мадрасалар қурдирган. Бу воқеадан кейин Сайфиддин Бохарзийга Шайх-ул Олам (Олам шайхи) унвони, Бухоро шаҳрига эса Бухоройи Шариф мақоми берилган[409]. Сайфиддин Бохарзий халқни бирлаштириш, мамлакатда илм-фанни яна қайта тиклаш, ислом динининг кенг ёйилиши учун катта ишларни амалга оширди. Бохарзийга кўплаб ерлар вақф қилиб берилган ва бу ерлардан у фақатгана халқнинг ижтимоий ҳимояси учун фойдаланади[410].

У ўзи эришган нуфуздан ғурурланиб кетмайди, доимо камтарлик, олижаноблик фазилатларини тарғиб қилади:

باڤوت‌پیل، مور می باید بود
باملک د و ڭون، عور می‌باید بود
گیرم که تو سرفراز عالم شده اي
آخرنه بزیر گورمی‌باید بود[411]

Бо қуввати фил мӯр мебояд буд,

Бо мулки ду кавн уввор мебояд буд.

Гирам, ки ту сарфарози олам шудаӣ,

Охир на ба зери гӯр мебояд буд.

**Мазмуни:**

Филнинг қувватига эга бўлсанг ҳам, мўру чумолидай ўзингни тут.

Икки оламнинг мулкига эга бўлсанг ҳам, Уввор -жуда кичик қушчадек (Синчалак)дек ўзингни тут.

Бутун оламда сен ўзингни машҳур қилган бўлсанг ҳам,

Охирида жойинг қабр бўлади.

(Сен бутун оламда баланд мартабага эришиб, ҳурматда иззатда бўлсанг-да, умрингни охири борлигини ва қабрда кетишингни эсингда тут.)

Бу рубоийда Шайхул Олам комил инсоннинг асосий фазилати фақр, хушуъ, ниёзмандлик эканлигини таъкидлаган. Оллоҳ жуда катта куч-қувват, молу-мулк, юксак мартаба берганида ҳам, бу олам фоний эканлигини унутмаслиги, уларнинг ҳаммаси ўткинчи бўлиб, охирги манзил қабр эканлигини чуқур мулоҳаза қилиб кўришга чақиради.

Тасаввуфда фақр тушунчаси мавжуд. Фақр тариқат йўлига кирган орифларнинг мақомларидан бири. Фақрлик тасаввуфда моддий етишмовчилик ёки тиланчилик билан эмас, балки Худо олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақирлигини ҳис қилиш билан тенгдир. Пайғамбар (с.а.в.) баралла: “Фақрлик фахримдир”, деганлар. Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичда ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичда ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда унинг учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи қолмайди[412].

Хулоса қилиб айтганда, Сайфиддин Бохарзий фикрича, комил инсон ватанпарварлик, бағрикенглик, тинчликсеварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, камтаринлик, жавонмардлик, сабрлилик, адолатлилик, донолик, мардлик, фидоийлик, олий ҳимматлик ва халқпарварлик каби инсоний фазилатларга эга бўлиши керак.

**Адабиётлар рўйхати**

1 سیف الدین باخرزي، عادل اسیر دهلوي، رباعیات دهلی، تهران: .نشردیبایه .1396 ص 76.

[409] Бу ҳақда батафсил қаранг: Норова М.Ф. Боҳарзий ва унинг вақф ерлари // НамДУ илмий ахборотномаси. 2019. №12. – Б.107-114.

[410] Бу ҳақда батафсил қаранг: Норова М.Ф. Боҳарзий ва унинг вақф ерлари // НамДУ илмий ахборотномаси. 2019. №12. – Б.107-114.

[411] سیف الدین باخرزي، عادل اسیر دهلوي، رباعیات دهلی، نشر ملک بک دپو تهران: .نشردیبایه .1396 ص.69.

[412] Қаранг: Тасаввуф атамалари. Изоҳли луғат. 1-китоб. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2015. – Б.286.

2.Наврўзова Г.Н. Абдухолиқ Ғиждувоний. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. – Б.53-54.

3.Бу ҳақда батафсил қаранг: Норова М.Ф. Боҳарзий ва унинг вақф ерлари // НамДУ илмий ахборотномаси. 2019. №12. – Б.107-114.

4.69.ص 1396. .نشردیبایه :سیف الدین باخرزي، عادل اسیر دهلوي، رباعیات دهلی، نشر ملک بک دپو تهران

5.Қаранг: Тасаввуф атамалари. Изоҳли луғат. 1-китоб. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 2015. – Б.286.

# ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ “МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ” ҒОЯЛАРИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Норбўтаев Исломбек Мусурмонович**
**Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси**

**Аннатация:** Ушбу мақола жамиятимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимида миллий юксалиш ғояларининг аҳамиятини очиб беради. Мақолада “Миллий юксалиш” тушунчасини тарғиб қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш омиллари назарда тутилади ҳамда ислом манбаларидаги тинчликсеварлик ва бағрикенглик тамойиллари билан умумлаштирилган ҳолда назарий – методологик асослари очиб берилади.

**Калит сўзлар:** Миллий юксалиш, пировард, инсонпарварлик, бағрикенглик, башарият, таълим, тарбия, мафкуравий тарбия, маънавий таҳдид, барқарорлик, ахборот хуружи, умумий қонуният.

**Annotation:** This article reveals the importance of the ideas of national uplift in the system of national and universal values of our society. The article considers the factors that promote the concept of "national uplift" and increase its effectiveness, as well as the theoretical and methodological basis of generalization of the principles of peace and tolerance in Islamic sources.

**Keywords:** National rise, ultimately, humanity, tolerance, education, upbringing, ideological education, spiritual threat, stability, information crisis, universal legitimacy.

Тамаддунинг илк босқичи бошланиб инсон онгли равишда ҳаёт кечира бошлаган даврларда инсоният кундалик ҳаёти маънавий ҳаёт билан боғлана бошланди. Инсонлар ўртасидаги қадирят эҳтиёжлар омили ўлароқ зарурат юзасидан ўртага чиқди. Жаҳон саҳнида пайдо бўлиб, мустақил тараққиёт йўлидан боришга ҳаракат қилган ҳар қандай халқ ва давлат ўзининг миллий тикланиш, ривожланиш ҳамда юксалиш тамойилларини белгилаши инсоният тарихи ва тамаддунининг асосий қонуниятларидан биридир. Ўтган асрларда миллий тараққиёт йўлига ўтган мамлакатлар ҳаёти ва тараққиёти қонуниятлари ҳамда уларнинг ҳар бирининг юксалиш тамойиллари амалиётга татбиқ этилгани буни яққол исботлайди. Ислом давлатларининг ва мусулмон халқларнинг Ислом динининг илк даврларидан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган муддатдаги тарихи кўзда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тарих дунё бошланганидан то ҳозирги, биз яшаб турган пайтгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ислом динидаги узоқ тарихдан маълумки инсонпарварлик ва диёнат тушунчалари динимизда олий қадирят сифатида эътироф этилади. Айни бажариладиган ибодатларимиз ва диний амалларимизнинг аксари ушбу ғоянинг индивидуал кўринишидаги ҳодиса десак муболаға бўлмайди. Бағрикенглик масаласида пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳис-салом) ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга намуна бўлдилар. Нажрондан Мадинага ташриф буюрган насронийлар жамоаси ўз ибодатларини бажариб олишлари учун Расулуллоҳ (алайҳис-салом) масжиди набавийни ажратиб берганлари тарихдан маълум ва машҳур. Шунингдек, у зот аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳадя бериб, улардан ҳам турли ҳадялар қабул қилардилар. Қўшничилик одоблари, уларга яхшилик қилиш борасида Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Жумладан, Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин».** Уламолар мазкур ҳадисларни ўрганиб чиқиб, яхшилик фақат мусулмон қўшнига эмас, балки, бошқа дин вакилига ҳам бирдек қилинади, дейдилар. Бу борада қуйидаги ривоят нақл қилинади: Бир куни саҳобийлардан Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) хизматкорига бир қўй сўйишни буюрадилар. Хизматкор ишга киришгач унга: «Қўйни сўйиб бўлгандан кейин, уни тарқатишни яҳудий қўшнимиздан бошлагин», деб такрор-такрор таъкидлаб, сўнг «Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг: **«Жаброил менга қўшничилик ҳаққи борасида шу даражада кўп кўрсатма бердики, мен қўшни ҳам мерос олса керак деб ўйлаб қолдим»,** деганларини эшитганман дедилар. Кундалик ҳаётимизда таҳлил қиладиган ва режалаштиришимиз

мумкин бўлган ишларимиз жамият миқиёсида олиб қарайдиган бўлсак жуда кўп. Айни бу бўшлиқларни тўлдирувчи воситалар ҳар дойим ҳам самара беравермайди. Бугунги кун Ўзбекистон Республикасида ёшлар самарадорлигини ошириш, жамият ахлоқий қарашларини ривожлантириш мақсадида “Миллий юксалиш” атамаси кенг қўлланилмоқда. Бу тушунчанинг афзалликлари шундаки унинг асоси маърифат, самарадорлиги адолат ва натижаси юксак тараққиётдир. Муқаддас динимиз бўлган ислом динида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари айнан “Миллий юксалиш” ғоялари маънан қўллаб-қувватлайди ва асосий иммун тизимини ҳосил қилади. Динимиздаги ушбу манбаларга мисол қилиб қуйидаги фикрларимизни келтиришимиз мумкин. Қуръони карим «Рум» сураси 22-оятига кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир. Дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Аллоҳ дастлаб одамзотни бир ота ва бир онадан яратди, сўнгра уларни турли миллат ва элат ҳамда халқларга ажратишни ирода қилди. Бу борада Қуръони каримда шундай дейилади: **«Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак** (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво)**дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила** (элат)**лар қилиб қўйдик»** (Ҳужурот, 13). Бундай ранг-барангликдаги ҳикмат эса, умумий фаровонлик йўлида халқлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари, ҳамжиҳат ва иноқ яшамоқлари, ҳамда ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиб ўз ютуқларини бир-бирлари билан баҳам кўришларида намоён бўлади.

Динларнинг турли-туманлиги **«Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер** (юзи)**даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»** (Юнус, 99), дейилган ояти карима асосида Яратган томонидан ўрнатилган экан, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмас. Қуръони каримнинг бошқа бир оятида: **«**(Эй, Муҳаммад!) **Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топувчиларни яхши билувчидир»**(Қасас, 56) деб марҳамат қилинган. Бундан, ислом динига киритишда, ҳаттоки, Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳам ўзлари истаган кишиларни кирита олмасликлари, балки, бу Аллоҳ таолонинг ҳукмида экани келиб чиқади. Исломда эътиқод эркинлиги аниқ қайд қилиб қўйилиши баробарида бошқа диёнатларнинг барча ибодатхоналари ҳимоя ва мудофаа қилиниши, динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адоватга сабаб бўлмаслиги, яхшилик, силаи раҳмдан тўсмаслиги каби ахлоқ масалалари ҳам батафсил баён қилинган. Дарҳақиқат ислом асоси бундай адолат тамойиллари асосида қурилганлиги “Миллий юксалиш” ғоялари жамият томонидан қабул қилинишини толерант асосда амалга оширишда ўзини муқобил таклиф сифатида номоён қилади. Бизга маълумки ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан бир-бирига зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қилади ҳамда кишилик жамиятидаги ижтимоий мувозанатни турғун ҳолда давомийлигини ифода этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1 Ўзбекистон миллий энцлопедияси. Тошкент – 2014.й
2 Миллий ғоя: Асосий тушунча ва томойиллар. Т.2004 й
3 Бурҳониддин Марғилоний: “Ҳидоя” Тошкент.2018 й
4 Muslim.uz sayti
5 Buxoriy.Uz sayti

## ИСЛОМ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА БАҒРИКЕНГЛИК ХИСЛАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Хушвақов Муҳаммадюсуф Ашурович – Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги малака ошириш маркази ўқитувчиси**

Инсоният тарихидан маълумки, қадимдан инсонлар ўзаро аҳилликда яшаб, меҳнат қилиб, жамоавий ҳаёт кечирганлар. Шу сабабли турли ижтимоий гуруҳлар: уруғ, қабила, шаҳар, қишлоқ каби шаклланган.

Инсонлар гарчи жамоа ҳолда яшаш, ҳаётий заруратларига, фаровонликка интилишларида бир хил бўлсаларда, ирқи, дини, яшаш шарт-шароити ва маданиятида бир-бирларидан сезиларли фарқлар билан жамиятлар, халқлар кўринишида ажралиб туради. Бу ҳақиқат ислом дини манбаларида ўз аксини топган:

**“Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик..”**[413]. Қуръоннинг мазкур ояти донишманд ва файласуфлар англаган, тарих тасдиқлаган ҳақиқатни яна бир бор таъкидлайди. Дунёдаги бу турфа хиллик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ.

Демак, инсон табиатида маданийлик хусусияти устундир. Шу маънодаки, жамиятсиз ўз ҳаётини қура олмайди, мукаммал бўла олмайди, орзу-умидларига эриша олмайди. Инсонни ўз муҳити “фарзанди”, дейиш мумкин. Чунки, унинг онги тарбия топадиган муҳитидаги мавжуд одатлар, қарашлар таъсирида шаклланади. Бундан ташқари, табиий равишда ҳар бир инсоннинг ички дунёси, мизожи, ўй-фикрлари, майллари, қобилиятлари хилма-хиллиги ҳам инобатга олинса, кишилар ва жамиятлардаги хоҳиш-истаклар, манфаатлар тўқнашувини табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин.

Айни шу омил жамиятда бағрикенглик тушунчасининг амалда бўлишини тақозо этади. Шу ўринда, юқоридаги оят мазмунидаги **“ўзаро танишишингиз учун”** жумласига эътибор қаратиш лозим: муфассир олимлар танишишдан мақсад ўзаро ёрдам, яхшиликда ҳамкорлик қилиш ва бир-бирининг ҳақ-ҳуқуқини таниш ҳамда уларга риоя этиш эканлигини алоҳида таъкидлаб, оятдан мурод бир-бирларини инкор этиш, душманлик қилиш эмаслигини айтадилар.[414]

Шу билан бирга, Имом Абу Довуд, Ибн Ҳажар Асқалоний ва бошқа кўплаб муҳаддислар томонидан ривоят қилинган қуйидаги машҳур ҳадис ислом таълимотидаги диний бағрикенгликнинг ёрқин ифодаси бўлади: *“Ким бир аҳдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса ёки унинг ҳаққини поймол этса, ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага буюрса, ёки ундан ўз розилигисиз бир нарса олса, Қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан”.*

Ислом дини ҳамиша инсон қадр-қимматига катта эътибор берган ва бошқа дин вакилларининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини юксак қадрлаган[415].

Маълумки, кишилик жамияти тараққиётидаги кўплаб ижтимоий масалаларнинг ҳал қилинишида динларнинг мавқеи, жамиятни маънавий жиҳатдан камол топтиришда диний қадриятларнинг аҳамияти юқори бўлган. Диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий, руҳий таъсири нуқтаи назаридан диндан турли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари кузатилган. Бугунги кунда ҳам дин ниқобидаги экстремизм ва фанатизм, халқлар, миллатлар орасида низо чиқариш каби салбий иллатлар ҳамон сақланиб қолмоқда[416]. Шу маънода бағрикенглик масаласи асосан диний, яъни динлараро муносабатларда кўпроқ аҳамият касб этиши табиий.

Шунингдек, қайд этилган динлараро илиқлик мазмунидаги аҳамиятига асло путур етказмаган ҳолда, бағрикенгликнинг бошқа кўринишларини ҳам кенг тарғиб этиш орқали бугун жамиятимизда ўзаро ижтимоий муносабатларда юқори даражага эришиш, ёшлар тарбиясида муҳим натижаларни эгаллашни ҳам истисно қилмаслигимиз лозим.

Бу борада юртимизда анъанавий ислом динидаги эзгулик ғояларининг ижобий таъсирини эътироф этиш жоиз. Ислом – бағрикенглик динидир. Бу ҳол ушбу диннинг шаръий қонун-қоидалар ва ҳукмларни жорий қилишда енгиллик ва кенгликка катта эътибор қаратишида ҳам яққол кўзга ташланади.

Қуръони каримда инсонларни ҳар бир ишда, муомала-муносабатларда чиройли хулқли, кечиримли, бағрикенг бўлишга чорланади: **“Афвни олинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан эса юз ўгиринг”**.[417] Ушбу оятда инсонларнинг ўзаро муносабатларида топилиши лозим бўлган юксак ахлоқий фазилатлар жамланган. Айнан афв – кечиримлилик кишиларга нисбатан муросали бўлиш, бағрикенг бўлишни тақозо этади.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса бағрикенглик иймондан экани айтилади: Расулуллоҳдан иймоннинг афзали ҳақида сўралганида, *“сабр ва бағрикенглик”*, деб жавоб бердилар. Ислом таълимоти ҳудди бағрикенгликка чорлаганидек, тошбағирлик ва қўполлик каби сифатлардан қайтаради. Бу қайтариқ энг аввало Парвардигор томонидан Пайғамбар алайҳиссаломга қилинган хитобда ўз аксини топади: **“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Муҳаммад) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (Улар)**

---

[413] Хужурот сураси:13-оят. Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 617 б. 517-б.

[414] Шайх Муҳаммад Юсуф М.С. Тафсири ҳилол. – Тошкент: Шарқ, 2007. 5-ж. – 670 б. 558-б.

[415] Каримов Ж. Жаҳолатга қарши маърифат. Ўқув қўлланма. –Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019. – 211 б. 15-б.

[416] Alimova, Mahfuza (2019) “Actual development trends of religious studies in uzbekistan” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 42. 332-339. 333-б.

[417]Аъроф сураси: 199-оят. Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 617 б. 176-б.

**атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар...".**[418] Яъни, Парвардигор ўзининг пайғамбарига бўлган раҳмати туфайли умматларига мулойим бўлганини ва агар қўполлик билан муомалада бўлганларида атрофидагиларнинг барчаси у зотдан, пировардида диндан узоқлашиб кетган бўлишини эслатади.

Юқорида қайд этилганидек, бағрикенглик ижтимоий ҳаётнинг турли ҳолатларида зарурий хислат бўлиб, олимлар унинг қуйидаги кўринишларини санаб ўтадилар:

- Бағрикенглик – диёнатидан қатъий назар инсон зотига мурувватли, карамли бўлишга далолат қилувчи хушфеълликдир.
- Бағрикенглик – очиқ юзлилик ва самимийликдир.
- Бағрикенглик – заифлик ва хорлик эмасдир.
- Бағрикенглик – муносабатларда ростгўйлик ва хиёнатдан йироқ бўлишдир.
- Бағрикенглик – инсонларни тўғри йўлга чақиришнинг энг самарали услубларидандир.
- Бағрикенглик – айни ҳақиқатга бўйсуниш ва таслим бўлишдир.

Шу ўринда, бағрикенглик бошқаларнинг қарашларини кўр-кўрона қабул қилиш сифатида тушунилмаслиги ҳам керак. Бағрикенглик – бошқаларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, ўзи қўшилмасада бошқа миллат ва дин вакилларининг анъаналари, қадриятлари ва маданиятини тўғри тушунишда ўз ифодасини топади.

Шунингдек, бағрикенглик деганда турли хил ноинсоний, ноҳақ ҳаракатларга нисбатан лоқайдликни ҳам тушунилмайди. Зўравонлик, инсон қадр-қимматини, шаънини камситиш, турли кўринишларда ўзини бошқалардан устун кўрсатиш каби иллатларга муроса қилиш бағрикенглик эмас. Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элатлар биргаликда яшаши, 16 та конфессияга мансуб диний жамоалар мавжудлиги юртимизда бағрикенглик масаласи ўта долзарб эканини англатади. Шу нуқтаи назардан юртимизда бу масалада зарурий чоралар йўлга қўйилган. Жумладан, Конституциямизнинг 4-моддасида қайд этилган, "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" принципи мамлакат фуқароларини ўзаро бағрикенглик ғояси асосида яшашлари учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади[419]. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш бўйича таклифи[420] эса жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотиш билан бир қаторда, юртимиз фуқароларини ушбу масалага нисбатан қарашларини ўзгартирди.

Бугунги кунда, дунёда авж олаётган шахсий ёки маълум бир давлат манфаатлари кўзланган ҳолда турли кўринишдаги тажовузкорлик ҳаракатлари, бунда инсон учун муқаддас бўлган туйғулардан айёрона фойдаланишга уринишлар, айниқса дин ниқоби остида халқлар, маданиятлар ўртасида низо чиқариш, нифоқ уруғини сочиш ҳаракатлари, албатта, бағрикенглик тамойилларининг қарор топишига тўсқинлик қилмоқда. Аммо мазкур салбий ҳолатларнинг хатарли оқибатлари халқаро жамоатчиликнинг кўз ўнгида бағрикенглик заруратини намоён қилади. Шунинг учун бугун барча бағрикенглик муаммосининг долзарблигини англаган ҳолатда бу муаммонинг ечимига жиддий эътибор қаратмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, кишиларнинг маънавий баркамоллигини юксалтириш жараёнида айниқса, ёш авлодда миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик туйғуларини қарор топтириш баробарида уларда инсон қадр-қиммати, кишининг шаъни, ҳақ-ҳуқуқлари энг олий қадрият тушунчаларини устувор мезон сифатида шакллантириб бориш лозим. Бу борада асрлар давомида сайқалланиб келган, миллий қадриятларимиз билан уйғунлашиб кетган ислом дини кўрсатмаларидан ҳам самарали фойдаланиш керак. Зеро, Қуръони каримда **"Дарҳақиқат, (Биз) одам фарзандларини азиз ва мукаррам қилдик"**[421] дея, инсон мақоми нақадар юқори эканига ишора қилинади.

Шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳар қандай ижтимоий муносабатларида бағрикенглик хислатини қарор топтириш лозим. Бунинг учун ёшларга бағрикенглик ҳақида зарур маълумотларни бериш, ўзбек халқининг бағрикенглиги намуналари билан таништириш, ҳар бир инсоннинг ўзига хос, бетакрор, ноёб ҳилқат эканлиги, ўзаро муносабатларда самимийлик, меҳр-оқибатли бўлиш ҳақидаги ғояни сингдириш каби ишларни мунтазам амалга ошириш керакли самарани беради деб, ҳисоблаймиз.

---

[418] Оли Имрон сураси, 159-оят. Ўша манба. 71-б.
[419] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 76 б.
[420] Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясини 72-сессиясидаги нутқи. www.http://uza.uz/
[421] Исро сураси: 70-оят.

# ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНИШИ

**НавДПИ Факультетлараро чет тиллар кафедраси**
**ўқитувчи Пўлатова Зубайда Абдуравуповна**

*Resume. This article discusses the transmission of the ideas of peace and tolerance in Islamic sources.*

Республикамизда фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларида бағрикенглик, хусусан диний бағрикенглик муҳим омил сифатида намоён бўлади. Зеро, миллий анъаналар ва қадриятларга жиддий эътибор қаратиш уларни умумбашарий тамойиллар билан уйғунлаштириш натижасида барча соҳадаги ислоҳотларнинг миллий манфаатлар билан мос келиши таъминланади. Кишилик жамияти янги минг йилликка қадам қўйган бир даврда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар, миллатлараро низолар, экстремизм ва терроризм каби муаммоларнинг ечимини топишда диний бағрикенглик масаласи муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюцияда таъкидлаганидек, «Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади.... Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир». [422]

Тинчликпарварлик - ислом динининг моҳияти Бугунги кунда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар мавжуд эканлиги, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги кўринишдаги тахдидларнинг пайдо бўлиши ва бунинг натижасида бузғунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб олаётгани очиқ- ойдин хавф туғдирмоқда. Ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган мутаассиб уюшмалар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги хақидаги тасаввурларга таяниб, уларни ягона мақсад остида бирлашуви ғоясини илгари суради. Бундай кучлар шу йўл билан хар бир давлатнинг ўзи тараққиёт йўлидан чиқаришга ҳаракат қилади, қаерда ғоявий бўшлиқ, лоқайдлик бўлса, бепарволик бўлса улар ўша ерда пайдо бўлишади.[423]

«Бағрикенглик» сўзи эса деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб «бағрикенглик» чидамлилик, бардошлик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин.Бағрикенглик тўғрисидаги соф илмий-фалсафий қарашлар асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илгари сурилган. Жумладан, толерантлик (бағрикенглик) тушунчасини инглиз иммунологи П. Медавр 1953 йилда илмий муомалага киритган. Дастлаб, мазкур тушунча токсикология, фармокалогия фанларида қўлланилган бўлса, кейинчалик фалсафа, сиёсатшунослик ва бошқа соҳаларда ишлатилган. Бағрикенглик бунёдкор ғоя сифатида инсон онгига сингибгина қолмай, балки йиллар давомида шаклланиб ҳам бормоқда.[424]

**Conclusion:** In regards to other cities of Uzbekistan Bukhara has sustained an immense impact and broadened ways of its development for trade and tremendous culture that call upon world heritage of UNESCO and precious formalization. Bukhara is the peak of the pearl east, which brings prosperity and world-building .The sights are famous for their elevations and huge patterns that are famous for their ideals all over the world. Bukhara is a symbol of the happiness of every Islamic nation in which the soul does not fall. The prosperity and development of this city lends itself irresistibly and majestically to its exploration

**List of reference:**

1 History of Uzbekistan 11 grade of Narzulla Juraev, Akbar Zamonov, publishing house , Tashkent Uzbekistan 2018.
2 https://dnanews.com.pk/bukhara-declaration-ziyarah-tourism-great-potential-improving-cultural-humanitarian-ties/

## RUMIY DUNYOQARASHINING MA’NAVIY ILDIZLARI

**Каримова Раъно Маликовна**
**НДПИ, катта ўқитувчиси**

“Buyuklar xotirasi abadiydir”. O’lkamizning har bir dahosi bunday ta’rifga to’la to’kis haqlidir. Chunki buyuklikning ma’nosi quyidagilardan iborat deb o’ylayman, o’zini tanib o’zgalarni unutmaslik, o’zi va o’zgalar uchun yashab ijod qilish, bugunni o’zgalarning kelajagi uchun yoritmoqdan iborat. Buyuk bo’lish uchun komil insonda shunday bir qalb bo’lishi kerakki, u shu qalb ila dunyoning butun shodliku g’amlarini dark aylashi, kuchli bir ong kerakki hayotning barcha muammolarini hal qilib uni ravon til orqali yaqinlari do’stlari va nihoyat jamiyatga yetkazib berolsa, insonlar qalbidagi mahbub inson buyuklikning asl ma’nolardandir.

Ana shu barcha sifatlarni o’ziga shior aylagan zot bu Jaloliddin Rumiydir. Bu gumanist hurfikr zot hali hanuz olimlarni jamiyatdagi har bir ongli shaxsining fikr mulohazalarini markazidadir. Shu davrgacha ham juda ko’p izlanishlar olib borilgan, bir qancha tillarda uning asarlari tarjima va tahlillar qilingan, ammo biroq qanchalik uning ko’p qirralari ochilgan bo’lsa ham shu hajmdan ko’p qismi mubhamligicha qolmoqda. Sababi uning o’zi ta’kidlaganidek uning asarlarini bir marotabada asl ma’noni anglash mushkul va uning asarlari bir-biridan ayro emas.

Bugungi kunda Mavlono Jaloliddin Rumiy merosiga bo’lgan munosabat yana ham kuchaydi. Ma’lumki, 2007 yil hazrat Jaloliddin Rumiyning tavalludiga 800 yil to‘lishi munosabati bilan YuNESKO tomonidan “Xalqaro Mavlono Rumiy yili” deb e’lon qilingan.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov ajdodlarimiz merosini yana ham kengroq o’rganishni, uning asarlarini xalqimizga sodda va tushunarli tarzda yetkazish zarurligini uqtirdilar. Haqiqatan ham, Rumiy shaxsiyati, asarlarining yoshlarimizni ma`naviy yetuk, har jihatdan mukammal qilib tarbiyalashdagi o’rni benihoyadir. Bundan tashqari hozirgi kunda turli terroristik chiqishlar, aqidaparastlik, diniy ekstremizm kabi vayronkor va buzg’unchi g’oyalar yoshlar ongiga salbiy ta’sir ko’rsatmoqda. Davlatimiz rahbari I.Karimov e’tirof etganidek, “...hozirgi murakkab va tahlikali zamonda milliy o’zligimiz, azaliy qadriyatlarimizga yot va begona bo’lgan turli xil xurujlar, yoshlarimizning ongi va qalbini egallashga qaratilgan g’arazli intilishlar tobora kuchayib borayotgani barchamizni yanada hushyor va ogoh bo’lishga da’vat etishi tabiiydir”[441].

Mavlono Jaloliddin o’zining shohasari va serma’no jilodar so’zlari orqali barcha qalblarga yo’l topib borgan, o’zi esa borliqda doim Komil insonni izini izlardi. U insonni Haq taolloning buyuk yaratilgan maxluqoti deb bilar edi. Uning zehnida Tangrining yaratgan bacha odamlari o’rtasida hech qanday farq qo’ymasdi. Uning uchun musulmonu nasroniy, yahudiyu hind ham birday edi. U borliqning obodligini tinchlik totuvlikda, Insonning ma’naviy kamolotidagi hurfikrlilikda, birodarliku birdamlikda, tengliku totuvlikda ko’rardi. Uning bunday durdona falsafiy fikrlari yeru osmonni bir-birining panohiga mo’htojligiyu bir-birisiz tasavvur qilishning imkoni yo’qligigachadir. Uning barcha asarlarida o’zining davridagi riyokor dindorlariyu, yolg’onchiyu makkorlarga nisbatan hech qanday hurmati yo’qligi bildirib o’tgan, buning alayhida esa komil insonning xalqparvarliku saxovatmandlik, ochiqqo’lliku ochiqko’ngillilik bo’lgan bo’lgan xislatlarini tarannum etgan.

Jaloliddin Rumiy odamlarga o’zligini tanishi darsini beradi. Xalqni to’g’ri yo’lga hidoyat qiladi. Uning barcha asarlarida esa futuvvat va muhabbat doim rahnamolik qilgan va u bularni hamma uchun talqin qilgandir.

Mavlono Rumiyning hozirgi kunda o’rganilishing yana bir sabablaridan biri bu bizning bugingi kunimizning ma’naviy ruhiy savollariga beriladigan javobidir. Uning shoh asari bo’lmish “Masnaviy ma’naviy” asari 1280 mavzularni o’z ichiga olib, bugun va ertamizning barcha holatlarida o’zining irfoniy falsafiy qarashlari bilan javob beradi.

*Mashvarat idroku hushyori dihad.*
*Aqlhoro aqlho yori dihad.*
*(Mashvarat idroku hushyorlik berar,*
*Aqllarga aqllar yordam berar).*

*Xayolat peshi nazaram va nomat virdi zabonam*
*Zikri tu dar qalbam, ba kujo binavisam?*
*(Xiyoling ko’zim oldida, noming tilim ustina,*
*Zikring qalbimda, nomingni qayon yozay?)*
*Tir manam, kamon manam,*

[441]Каримов И. А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Ишонч, 2009 йил 6 декабр.

*Pir manam, javon manam.*
*Davlati jovidon manam,*
*Man na manam, na man manam.*
*(O'q mana men, yoy mana men,*
*Pir mana men, yosh mana men.*
*Jovidon davlat mana men*
*Men men emasman, emasman men men)*

Rumiyni o'rganish, uni tushinish va tanish uchun uning asarlarini asl tilda o'qish lozim. Chunki uning asarlariga har bor murojaat qilar ekanmiz yangi, yangi fikr va g'oyalarga duch kelaveramiz va bu o'zining qay darajada serma'no va sermahsul ijodligidan dalolat beradi.

## ИСЛОМ МАЪРИФИЙ МАНБАЛАРИДА БАРҒРИКЕНГЛИКНИНГ МОҲИЯТИ

**Собит Эркинович Бобомуродов-**
**НДПИ катта ўқитувчиси**

*This article explains the essence of the Qur'an and hadith about peace and tolerance, the foundation of Islam, against the vices such as intolerance and intolerance from the shortcomings that exist in the community of individuals, from small groups to large groups.*

Кишилик жамияти ҳамиша ўзига хос манфаатларга эга бўлган катта-кичик гуруҳ ва қатламлар ҳамда воқеа-ҳодисаларга турлича ёндашувларнинг мавжудлиги билан характерланиб келган. Манфаатлар ва ёндашувлар хилма-хиллиги;

- **бир томондан**, ижтимоий ҳаётнинг бойишига, ривожланишнинг оқилона йўлларини топишга;
- **иккинчи томондан**, жамият тараққиётини издан чиқарган муросасизлик ва тоқатсизликнинг турли кўринишлари пайдо бўлишига замин яратган.

Тарих бағрикенглик ва муросасизлик ҳолатлари жамият тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлганидан далолат беради.

Бугун дунё глобаллашув, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида тобора яхлит ва бир бутун характер касб этиб бормоқда. Капитал ва товарлар оқими билан бир қаторда, уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг ҳаракат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу одамлар орасида ўзаро муросасизлик, тоқатсизлик кўринишларини бартараф қилиш, жамиятда бағрикенглик маданиятини қарор топтириш том маънода глобал, инсоният истиқболига дахлдор масалага айланганини кўрсатади.

Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади. **"Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси"**да таъкидланганидек, "Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди".

«Бағрикенглик» чинакам исломий фазилат бўлиб, араб тилида **«Самааҳатул ислам»** дейилади. Исломнинг бағрикенглигини биз ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий намуналарида тўлиқ ва равшан кўришимиз мумкин. Зеро, умуман рисолатнинг мақсади, асосий вазифаси одамзотнинг бу дунёдаги ҳаётини енгиллатиб бериш, охиратда эса абадий роҳат маконидан ўрин олишига ёрдам беришдир. Шунинг учун Қуръони Каримнинг услубига қарасак, ўқиганимизда баъзан мўминларнинг қалбини жунбушга келтирувчи, уларнинг диққатларини муҳим бир масалага қаратувчи хитоб билан бошланган ояти карималарни кўп учратамиз. Бу оятларда **«Йаа айюҳаллазийна ааманууа», «Эй иймон келтирганлар!»** деган буюк хитоб билан бошланади. Демак, бу хитоб билан бошлаган оятларда айнан мўмин-мусулмонларга тегишли масалалар келган бўлади. Аммо Каломуллоҳнинг қолган барча оятлари умуминсоний, умумбашарий кўрсатмалар бўлиб, уларда динидан, ирқидан, жинсидан қатъи назар, Бани Одам назарда тутилади.

Ҳадиси шарифларда ҳам худди шундай. **«Кимки…»** деб бошланган барча ҳадисларда мутлақ инсон кўзда тутилади. Масалан**, «Кимки бир дарахт экса ва ундан ҳайвонми, қушми, ҳашаротми, одамзотми еса, уни эккан одамга савоб бўлади»,** деган мазмундаги ҳадисни олайлик. Бу ерда ҳар қандай инсон назарда тутилган, унинг дини ёки бошқа жиҳати қайд қилинмаган.

Яна бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: – **«Одамларга раҳм қилмаганга Аллоҳ ҳам раҳм қилмайди»**, деганлар. Бу ерда ҳам мусулмонлар эмас, умуман ҳар бир инсон, ҳар қандай одам тушунилади. Яна бир мисол. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига бир гуруҳ

ансорийлар келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули! Сақиф қабиласи ҳидоятга кирмаяпти, уларни дуоибад қилинг» дейишганида у зот алайҳиссалом «Аллоҳумма, иҳди Сақифа» – «Аллоҳим, Сақифни ҳидоят қил», дедилар. Ансорийлар яна «Эй Аллоҳнинг Расули! Уларни дуоибад қилинг» дейишди. Бироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна «Аллоҳим! Сақифни ҳидоят қилгин» дедилар. Учинчи маротаба сўрашганда ҳам шу дуони қилдилар. Мана, бағрикенгликнинг ёрқин намунаси. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг бу муборак дуолари ижобат бўлиб, ана шу Сақиф қавмидан кейинчалик буюк зотлар, улуғ уламолар етишиб чиқди.

Бундан бошқа ҳолатларда ҳам, бир гуруҳ саҳобалар мушрикларни дуоибад қилишларини сўраб, у зотга мурожаат қилишганда «Мен лаънатловчи қилиб юборилмаганман. Мен раҳмат қилиб юборилганман» деганлар.

«**Ва маа арсалнаака иллаа роҳматал лил оламийн**» («Эй Муҳаммад алайҳиссалом! Биз сизни оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик») ояти сўзимизнинг далилидир.

Қуръони каримда яна бир оятда қуйидагича дейилади **“...Аллоҳ учун (тўғриликда) собит турувчи, одиллик билан гувоҳлик берувчи бўлингиз: бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин!.. (Моида 8)**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда эса: ***“Халқнинг барчаси Аллоҳнинг измидадир. Уларнинг Аллоҳга маҳбуброғи аҳлига наф берувчирогидир”,*** дейилган (Баззор ривояти).

Мурувват, диний бағрикенглик Исломнинг тамал тоши, эътиқод ва динлар тарихидаги бир янгилик бўлди. Ислом илк даврданоқ собиқ динларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмади, турфа мазҳаб ва мафкураларга қарши таассуб этмади. Биринчи кунларданоқ диний бағрикенгликнинг оламшумул шиорларини ўртага ташлади: “Барча самовий динлар бир манба, бир булоқдан сув ичади, ҳамма пайғамбарлар биродардирлар. Динлардаги ихтилофлар қотиллик ва адоватларга сабаб бўлмаслиги, яхшилик, силаи раҳмдан тўсмаслиги лозим”, деган тамойилга амал қилди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу борада Ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга ибрат-намуна бўлдилар. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳадялар бериб, улардан ҳам қабул қилар эдилар.

Демак, кўнглида адоват бўлмаган ҳамда жамиятга зарари тегмайдиган кишилар билан яхши муомалада бўлиб, улар билан дунёвий ишларда ҳамкорлик қилиш, шунинг билан бирга тинчлик ишига раҳна соладиган, нафақат Ислом, балки бошқа динлар равнақига ҳам зиён етказиш ғаразида бўлган кишиларга нисбатан муроса қилмаслик динимиз талабидир. Динимизнинг асоси – Қуръони карим ва суннати набавияда кўни-қўшничилик ва бошқа турли кўринишдаги ўзаро муомалаларда ҳам бағрикенгликка тарғиб қилинган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўплаб ҳадисларида ғайридинга ҳам инсонийлик юзасидан яхши муомалада бўлишга тарғиб қилганлар.

**“Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар”. (мумтаҳана 8)**

Сарвари олам ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир ҳадиси шарифларида бундай деб марҳамат қилганлар: ***“Барча дин аҳлига хайру-эҳсон қилингизлар”.*** Динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорларнинг, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Азал-азалдан юртимизнинг йирик шаҳарларида турли миллат вакилларининг ибодатларини эмин-эркин адо этишларига алоҳида эътибор қаратилган, шароитлар яратилган, тарихимизнинг оғир синовли дамларида ҳам диний асосда можароларнинг чиқмаганлиги халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажрибага эга эканлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, динимизнинг тинчликка бўлган эътибори нечоғлик катта ҳамда бағрикенглик унинг негизи эканлиги яққол кўриниб турибди.

## ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ ГАРОВИ

**Соттиев Акрамжон Йўлдошович**
**Бухоро муҳандислик-технология институти 3 босқич талабаси.**

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб дунё шиддат билан ўзгара бошлади. Инсоният ҳаётига глобаллашув жараёнлари ўзининг кучли таъсирини кенг ёйди. Бу ҳодиса айни вақда диний бағрикенглик масаласини ҳам жаҳон ҳамжамияти олдига долзарб масалалардан бири сифатида қўйди.

Ўзбекистон кўп миллатли ва конфессияли давлат. Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдиз ва мустаҳкам қонуний асосларга эга бўлиб, дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб белгиланган. Ушбу моддани амалга ошириш механизми 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунида кенг ёритиб берилган. Унинг 3-моддасига кўра, Виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб белгиланган. БМТ томонидан динлараро бағрикенглик ғоясини бутун дунёга тарғиб этиш мақсадида 2011 йилнинг 1-7 февраль кунларини бутун жаҳонда “Динлараро муносабатлар уйғунлиги бутунжаҳон ҳафталиги” деб эълон қилган эди.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил яшайди. Ана шундай кўп сонли миллат ва элат вакилларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда. Шунингдек, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айни пайтда турли миллат ва элатларнинг миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш, бойитиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларимизда етти тилда-ўзбек, қорақалпоқ, рус, қирғиз, туркман. қозоқ ва тожик тилларида билим берилаётгани, шунингдек, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллатларнинг ўнта тилида фаолият олиб бораётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Республикадаги православ эътиқодига амал қилувчилар учун “Слово жизни” газетаси, “Восток свыше” журнали, шунингдек, ибодат маърузалари ва бошқа маърифий нашрлар чоп этиляпти. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларда барча миллат вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратилгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани бу борадаги фаолиятнинг яққол далилидир. Мустақиллик йилларида республикамизда юзлаб масжидлар, черковлар, синагога ва ибодат уйлари қурилди ва қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги “Ҳазрати Имом” мажмуи, вилоят марказларидаги жомеъ масжидлар, Тошкентдаги Рус православ черковлари, шунингдек, буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостол черкови, Қорақалпоғистон Республикасидаги “Султан Вайс бобо” ва “Мухаммад Норимжоний” зиёратгоҳлари, “Пантейлемон” черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Юртимизда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бердақ, Ажинияз ҳайкаллари қаторида Ганжавий, Руставели, Пушкин, Шевченколарнинг ҳайкаллари ҳам кўча ва майдонларимизга файз бахш этиб турибди. Буларнинг барчаси динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг кўринишидир.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларнинг пайдо бўлаётганлиги дўстлик ва ҳамжиҳатлик кўрғонининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади ҳамда мамлакатимизда диний маърифат асосларини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик анъаналарини барқарор давом эттириш билан боғлиқ масалаларга бундай ўзига хос дифференциал ёндашув, шубҳасиз, мамлакатимизда асрий анъаналарга эга бўлган бағрикенглик муҳитини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Халқимиз онгида минг йилликлар мобайнида шаклланган бағрикенглик ҳамда юксак илму-маърифат анъаналари бугунги кунда конфессиялараро соғлом мулоқотни барқарорлаштириш, динийлик ва дунёвийлик мувозанатини таъминлашга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

# АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНИЙ ИНСОН МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

**Гуландом Юнусова БухМТИ доценти,**
**фалсафа фанлари доктори**

Инсоният тафаккури тарихида бир неча минг йиллар аввал ҳам унинг ўзлигини билишга интилиш, тарих саҳнасида ўз мавқеини таниш ва жамият ва табиатни бошқариш ва ўзгартиришга иштиёқ кучли бўлган. Бу борада биз инсон аталмиш буюк мавжудот, қолаверса, сирли мавжудотни ўрганишга киришар эканмиз, энг аввало фалсафий таълимотлар асоси саналмиш қадимги юнон фалсафасига мурожаат этишни лозим топдик.

Антропология тарихида инсоннинг тана ва руҳини ўрганишга бағишланган бир қанча таълимотлардан[442] фарқли ўлароқ Суқрот ва Платоннинг инсон ҳақидаги қарашлари ўзига хос.

Суқрот “Инсон – бу унинг жони, борликда мана шундай бўлиши лаҳзасидан бошлаб, унинг бошқа мавжудотдан фарқ этувчи махсус сифати мана шунда: “Жон” деб Суқрот одамнинг ақли, хиради, фикрлаш фаоллиги ва ахлоқий жиҳатдан мўлжалланган юриш-туриши, амалиёти деб билар эди”[443]. Демак инсонда ақл ва фикрлаш қуввати бор экан у тинмай кўпроқ билимларни эгаллашга интилади ва бу билан ўзида илоҳий сифатларни орттиради. Зеро, Суқрот таълимотининг асосини ҳам мана шу ғоя ташкил этади. Унинг фикрича, инсон илоҳий донишмандликка интилиш мумкин, аммо унга етолмайди, фақат Худо ҳақиқий, якка донишманддир. Демак, инсоннинг ақлий ва ҳиссий идроки, қобилиятлари чекланган. Бироқ Суқрот инсонни мутлақ чекланган ёки илоҳий кучга мутлақ банди, қул қилиб қўймайди. “Инсонга ўлмас руҳни билишга интилиш хислатининг инъом этилгани ҳам етарлидир, ундан ортиғига қодири мутлақнинг ўзи қодир. Руҳ инсон билимларини тўпловчи ва сақловчидир.Инсон билими, аслида, у тўплаган билимлар ҳақида руҳнинг хотираларидир”[444].

Платоннинг инсон концепцияси жоннинг моҳияти ва таннинг ўзаро тартибига асосланади. Тан руҳнинг зиндони, бундан эса барча жисмоний ва дунёвийликдан доимо узоқлашиш илоҳийликка яқинлашиш мавзуи келиб чиқади. ”Таннинг ўлими жонга янги ҳаёт бағишлайди, ҳамма ёмонликлар, ёввойи ҳирслар, нохушликлар, жоҳиллик, ақлсизликни илдизи Платон фикрича, тана ёки жисм ҳисобланади. Жон тандан қочади, бу ҳақда “Федон” диалогида муфассал гапирилган. Ҳақиқий файласуф дунёвий боғланишларга эга эмас, ҳақиқий фалсафа ўлишга машқ қилишдир. Ўлим доимий, мунтазам эмас, руҳий ҳаёт абадий”[445]. Платон асарлари асосида бундай хулосани берган файласуф олим М.Н.Болтаевнинг фикрига кўра “Инсон – барча борлиқларнинг натижасидир”. Демак инсонда ҳам руҳий ва ҳам моддий олам мужассам экан у мудом руҳий юксалишга интилиши табиий.

Бу борада инсон сирини ўз асарларида таҳлил қилишга киришган Саййид Абдулқодир Гийлонийда ҳам шунга ўхшаш ғояни учратамиз. Зеро қадимги юнон фалсафасини ўрганмаган ва ундан баҳраманд бўлмаган таълимот бўлмаса керак. Унга кўра Абдулқодир Гийлоний “Инсон шарафига лойиқ бўлгани шуки, ўз қадрини билмоқлик ва ҳаққи бўлмаган нарсаларни нафси учун даъво қилмасликдир...Илм соҳиби учун керакли бўлгани, “тифли маоний” номи берилган инсоният ҳақиқатини англамоқдир. Тавҳид исмларини (зикр этишда) давом этиб, уни (яъни қалбни) тарбиялаш керак. Жисмоний оламдан кечиб, руҳоний оламга эришмоқ лозим. Ўшал томон, сир оламидирки, Аллоҳ таолонинг зотидан ғайри (бирор нарса) йўқ. Ундан бошқа бирор диёр ҳам йўққи, у жой сўнгсиз-ҳудудсиз бир саҳродир”[446]. Демак, Гийлоний таъриф берган инсон – бу ўз сирини билишга интилган, илоҳий маърифатни эгаллай оладиган мавжудот экан. Гийлоний инсонларни билиш даражасига қараб авом, хос, асл ва ҳақиқий инсонлар дейди. У буни тафаккур билан боғлайди.

Тафаккурни Гийлоний “инсон борлиғида жузъий жой олган тафаккур илми”[447] деб изоҳлайди. Бундан маълум бўладики, Гийлоний инсон борлиғини бир бутун деб унинг бир бўлаги, жузъини тафаккур илми, тафаккур қила олиш қувватлари демоқда. Бизга маълумки, инсонни фикрлаш қуввати инсон танасининг бош қисмида жойлашган мия фаолияти билан боғлиқ. Инсон ўз

[442] Биологизм, социологизм, психологизм таълимотларига ишора.
[443] Болтаев М.Н. Сократ ва Платон. Бухоро, 2006. Б-7.
[444] Ғарб фалсафаси. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2004. Б-71.
[445] Болтаев М.Н. Сократ ва Платон. Бухоро, 2006. Б-82.
[446] Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор.Мактубот. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Жўрабоев О. Т.: Мовароуннаҳр, 2005. Б-64.
[447] Ўша жойда. 50-бет.

фикрини баён этиш учун унга нутқ қобилияти берилганки, бу ҳам танадаги тил билан боғлиқ. Ўз фикрини ёзиб қолдириш учун қўл ёрдам беради. Тафаккурдаги ғоялар ҳам тана ёрдамида амалга ошади.

Гийлоний асарида тафаккурга оид уч хил ҳадисни келтиради:

1.Бир онлик тафаккур бир йиллик ибодатдан хайрлидир.

2.Бир онлик тафаккур етмиш йиллик ибодатдан хайрлидир.

3.Бир онлик тафаккур минг йиллик ибодатдан хайрлидир.

Бу ҳадисларни инсоннинг даражасига қараб Гийлоний шундай шарҳ этади: "- (Биринчиси), кимки бирор ҳикматли иш ҳақида фикрлаб, унинг бир қисмидан кўпгина жузълар борлигини ва улардан ҳам бир қанча ишлар ҳосил бўлганини ўйласа, бу тафаккур дейилади. Бундай юритилган тафаккур бир йиллик ибодатга бадалдир;

- (иккинчиси), кимки қилган ибодати ҳақида фикр юритса ва унинг ҳикматига нисбатан ирфон туйғусини ҳис этса, бу тафаккурни етмиш йиллик ибодатга бадал бўлади деймиз;

- (учинчиси), кимки илоҳий маърифатни ўйлаб Аллоҳ таолога нисбатан тўла ирфон туйғусига соҳиб бўлмоқни тиласа, унинг тафаккури минг йиллик ибодатга бадал бўлади"[448].

Гийлоний бир йиллик ибодатга бадал бўладиган тафаккурга бўлган ҳикматли иш ҳақида фикрлаш жараёнини киритади. Демак, бу ерда зоҳирий билим, бўлиб ўтган иш жараёнини кўриш, эшитиш, ҳис этиш, таъм билиш барча сезги аъзолари билан уйғун равишда ўйлаш, таҳлил этиш назарда тутилмоқда. Етмиш йиллик ибодатга бадал бўладиган тафаккур инсоннинг ўзи қилган ибодати ҳақида тафаккур юритиш, яъни ўз-ўзини англаш, билиш, таҳлил этиш, мушоҳада этиш ҳақида гап бораяпти. Бу ботиний билим бўлиб, зоҳирий билимга нисбатан устундир. Лекин инсон ўзи ҳақида мушоҳада этади. Минг йиллик ибодатга бадал бўладиган бир онлик тафаккур илоҳий маърифат, яъни ирфон соҳиби бўлишдир. Бундай инсон бутун борлиқни яхлит кўради ва унда ўз ўрни, мақсад-моҳияти, бутун борлиқ унинг хизматида, тасарруфи учун берилганлигини ҳис этади, кўради. Бундай инсонни Гийлоний бир жойда "ҳақиқий инсон"[449], бошқа жойда "асл инсон"[450] деган тушунчалар билан баҳо беради. Бундай инсонлар ўз аслини билиши ва аслий ватанига қайта олиши мумкин, деган ғояни илгари суради.

У илм эгаллаш зарурлиги ва бу инсониятни таназзулдан асрашини таъкидлаб қуйидаги фикрни билдиради: "Ҳақиқатдан ҳам илм, қадрли бўлган нарсалар орасида инсонга жуда юксак даражада шараф бермоқда; (чунки илм орқали инсон) олий мартабага лойиқ бўлмоқда; негаки, илм энг қийматли зийнат бўлиб, маънан энг устун тижоратни келтириб чиқармоқда"[451]. У илм - ҳаёт, жаҳолат - ўлим деган ғояга асосланган.

Демак, инсон моҳиятини энг аввало илм, маърифат ва тафаккур ташкил этар экан. Шундай экан, биз ёшларимизни илм олиш, маърифатни англашга ва тафаккур қилишга ундашимиз ва фикр, дунёқараш оламини кенгайтиришга масъулмиз.Зеро, тафаккур олами кенг ва соғлом бўлган авлодгина янгидан янги марраларни забт этишга, соғлом фикрлаб ҳаётни фаровон этишга хизмат қилишига ишонамиз.

## ИСЛОМ ДИНИДА ТАССАВВУФ ОДОБИ

**Ҳайдаров Юлдаш Ҳазратович**
**Бухоро Вилоят ХТХҚТМО ҳудудий маркази "Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси" кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент**

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, Ислом оламида VIII–асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёя бошлади.

Машҳур сўфий аёл Робия Адвия Тангрига муножотларида нола қилиб айтар экан: "Эй парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатнинг тамаъида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан қўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзахингда куйдир–мингдан минг розиман! Аммо агар сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!"[452]

Исломшунос олим Аҳмад Заки Валидийлар оиласида Нақшбандий тариқатига ихлос қилишлари ҳақида ўз "Хотиралари"да қуйидагича фикр билдиради: "Отам ва онам у Бухородаги Шайх Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси эшигидаги дарахтга бели билан суянса тузалишига ишонгани учун Бухорога бориб машҳур шайхнинг қабрини зиёрат қилди. Отам ва онам бирор киши Бухорони

[448] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний.Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 50.
[449] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний.Сиррул асрор. Мактубот.– Т.: Мовароуннаҳр. – Б. 51.
[450] Ўша жойда. – Б.49
[451] Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний.Сиррул асрор. Мактубот.– Т.: Мовароуннаҳр. – Б. 34
[452] Н.Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т. "Ёзувчи" нашриёти 1996й. 6-бет

зиёрат қилиб қайтиши билан худди зиёратдан келган киши Маккадан қайтган ҳожидек зиёрат этиш учун боришарди” деб таъкидлайди.[453]

Шу тариқа дунёдан кўнгил узган, аммо Зоҳидларларга ўхшамайдиган, “бир назар билан тупроқни кимё этадиган” зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар. Табийки, ана шундай бир вазиятда давр бу жараённи мўътадил ҳолда тутувчи ва тасаввуфнинг жамиятдаги маънавий маърифий, фалсафий-ирфоний миссиясини эслатиб турувчи мутафаккир бир зотга эҳтиёж сезар эди. Хусусан, нақшбандия улуғлари Абдураҳмон Жомийнинг тариқатга киришини катта қувонч ва мамнуният билан қайд этдилар. Жумладан нақшбандия тариқатининг Хуросондаги улуғ шайхи, Жомийнинг муршиди бўлмиш Саъдиддин Қошғарий “Ҳақ субҳона таъоло биз ошуфтаҳол фақирларга бу соҳибкамол йигитнингсуҳбатига етиш шарафини иноят айлади,”[454]

Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV-XV асрлардаги сиёсий ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда ниҳоятда муҳим роль ўйнайди, маънавий ўзгаришлар маълум эркинлик учун ғоявий асос, омил бўлиб хизмат қилди. Темур ва Темурий шаҳзодалар, кўп олим–фозиллар, ҳунармандлар нақшбандия таълимотидан озуқа олдилар, ўз фаолиятлари ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар. ХВасрда яшаб ижод этган нақшбандия таълимотининг йирик вакили Хўжа Аҳрор Вали фақат маданий ҳаётдагина эмас, сиёсий –иқтисодий тинчлик ва ривожланишида муҳим ижобий роль ўйнади. Тасаввуф ғояларининг сарчашмалари устида баҳс бўлганидай, биринчи сўфийлар ким эди, деган саволга ҳам турли хил жавоблар мавжуд. Зайниддин Воиз Кошифий “Футуватномаи султоний” асарида келтирадики, биринчи сўфий Одам алайҳиссаломнинг фарзандларидан бири Шиш деган киши эди[455]. У оқ пўстин кийиб юргани учун шу номни олган эди. Алишер Навоийнинг “Насойимул мухаббат” асарида биринчи сўфий сифатида ҳазрати пайғамбаримизнинг замондоши ва муҳиби Увайс Қараний тилга олинади. Лекин Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳотул унс” асарида биринчи марта эл орасида сўфий лақаби билан шуҳрат қозонган киши Абуҳошим Куфий эканлиги айтилган. Абуҳошим эса Гуҳарининг маълумотига қараганда 788 йилида вафот этган.[456] Шунингдек: Абуҳошимнинг атоқли бир дарвеш замондоши бўлган Сўфиёна Саврий дейди: “Мен Абуҳошимни кўрганимга қадар сўфий нима эканини билмас эдим ва унгача ҳам зуҳд ва муомала, таваккул тариқи ва муҳаббат тариқида собит бузрукворлар бор эдилар, лекин аввал кишиким уни сўфий деб атадилар ул эди ва унгача бирор кишини бу ном билан атамаган эдилар.”[457]

Рамла шаҳрида биринчи бино этилган хонақоҳни ҳам Абуҳошим қурдирган дейдилар. Аммо Жомий шу муносабат билан бир ривоятни келтиради: Насроний амирлардан бири овга чиқади, саҳрода иккита одам икки томондан рўбаро келиб, бир бирлари билан қучоқлашиб кўришадилар ва егуликларини ўртага қўйиб овқатланадилар. Сўнгра хайрлашиб иккиси икки томонга қараб йўлида давом этади. Буни кузатиб турган Амир уларнинг ҳаракатларига қизиқиб қолиб, бирини тўхтатиб сўрайди: “Сен қучоқлашиб кўришган одаминг ким эди?” Дарвеш жавоб беради: “Билмадим” Амир яна сўради: “Сенинг киминг бўларди?” Дарвеш деди “У менга ҳеч ким эмас”. Шундан кейин насроний амир деди: “сизларни бир бирларингиз билан боғлаб турган бу улфатчилик қаердан пайдо бўлди?” Дарвеш деди: “Бу бизнинг тариқатимиз.”

Ушбу ривоятни Абдураҳмон Жомий Абуҳошим Куфий муносабати билан келтиради. Шунга асосланиб, Абуҳожимни биринчи хонақоҳ кўрган сўфий сифатида тилга оладилар.

“Абуҳожим насроний роҳиблар каби узун жун кийим кийиб юрар ва ҳамиша тақво билан кун ўтказарди.”[458]

Хулоса ўрнида, тасаввуф тарихи Ислом тарихи билан бирга ривожланиб, Ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Агар дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Боғдод шаҳарларида саноқли даражада зоҳид ва сўфийлар яшаган бўлса, бора-бора мусулмон оламида шайху машшойихлар, сўфий дарвешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, юқорида айтганимиздай, бу ўзига хос Ўрта аср маданий-маърифий, аҳлоқий қарашлар тизимида шаклланди.

[453] Ord. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar ... –Ankara: 1999, §43. S 58
[454] Абдулвосеъ Бохарзий. Мақомоти Жомий. 8-78-бетлар.
[455] Футувватномаи султоний “Мерос” нашриёти 1994й. 18-бет
[456] Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1 жилд. Муқаддима, 55-бет
[457] А.Жомий. Нафоҳотул унс, Тошканд, 1913й 27-бет
[458] Гуҳарин, кўрсатилган асар 53-бет.

# АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙНИНГ БАҒРИКЕНГЛИГИ

**Гуламова Мавжуда Тошпўлатовна,**
**кимё фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)**

## АННОТАЦИЯ

**Abstract:** The article explores al-Kumushkhanavi's tolerant human qualities. It is shown that the Kumushkhanavi was a tolerant man: he donated his earnings honestly, studied perfect science and taught it to students, built a printing house, published scientific books and distributed them to students free of charge, built an interest-free bank and supported the people economically.

The life of Ahmad Ziyouddin al-Kumushkhanavi is a great help in educating our youth to be tolerant people.

**Keywords:** Allah, Holy Quran, Hadith, Prophet, Naqshbandi, Tariqah, Tolerance, Honest Profession, Patience**.**

Бағрикенглик тушунчаси ўзгаларнинг хулқ - атвори, яшаш турмуш тарзи, фикр - мулоҳазалари, гапириши, ҳис - туйғулари, эътиқоди, ҳаракатларига нисбатан сабр - тоқатли, чидамли бўлишини англатади. Ўзбек тилида нашр этилган луғатларда бағрикенглик «толерантлик» (толерантлик - лот.тилида: "tolerantio" матонат - чидам, сабр-тоқат) тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади. Бағрикенглик - ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенг-феълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунчадир

Россияда чоп қилинган социологик луғатда толерантликка қуйидагича таъриф берилади:

а) Ёт одамнинг турмуш тарзи, хулқи, урф-одати, хиссиёти, фикри, ғояси, эътиқодига чидамлилик билан ёндашув;

б) ноқулай омилларни сезмай қолиш натижасида содир бўлган ходисаларга боғрикенглик билан ёндашув;

в) ноқулай, номақбул хиссий омиллар таъсирига хам чидам билан ёндашув[459]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг нафси учун ҳеч қачон ғазаб қилмаганлар, бировдан ўч олмаганлар.Шу сабабли буюкларнинг буюги даражасида мақталганлар. Бундай гўзал сифатлар пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари амал қилган йўлда собит қолган "Аҳли суннат вал-жамоат" эътиқодида бўлган валийлар, авлиёлар ва пайғамбаримизнинг умматларида кузатилган.

Бағрикенг кишилар тимсоли сифатида, ҳозирги кунда дунё бўйлаб кенг тарқалган нақшбандия тариқати асосчиси, Бухоройи шарифда яшаб ўтган ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва шу тариқатнинг давом этирган тасаввуф намояндалари ҳисобланадилар[460] . Уларнинг узоқ умр кўришлари, илм ўрганишлари, соғлом бўлишлари, саховатпешаликлари, омма билан яхши муносабатда бўлишлари, ҳар бир ишга Аллоҳга таваккул қилишлари, улардаги бағрикенглик сифатларидир.

Нақшбандия таълимотини буюк намояндалардан бири "Силсилаи шариф" "олтин занжир"да 32 - ҳалқанинг пири муршиди Ахмад Зиёуддин ал – Кумушхонавий мана шундай бағрикенг инсонлардандир [461].

Аҳмад Зиёуддин ал - Кумушхонавий ҳижрий 1228 (милодий 1813) йилда Рум диёри ҳозирги Туркиянинг Кумушхона шаҳрининг "Амирлар" маҳалласида бой хонадонда дунёга келган, аждодлари Бухорои Шарифдан бўлган. Оталари солиҳ инсон бўлиб, тижорат билан шуғулланган .

Ахмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий беш ёшида ўкишни бошлаб, саккиз ёшида Куръони каримни ёд олиб, "Ҳофизи Қуръон" бўлган,"Далоили хойрот", Қасидаи Бурда" ва "Ҳизбул Аъзам" каби китобларни қироат қилишга устозлардан рухсат олган [462].

Олийҳимматли, серғайрат, иродали, қатъий хулқ соҳиби бўлмоқ илм талаб қилишда зарур бўлган инсоний фазилат ҳисобланади. Бу гўзал сифатлар

Ахмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийда намоён бўлган.

Ахмад Зиёуддин ал – Кумушхонавий ўн ёшида отаси Қора денгиз атрофидаги шаҳарлардан бири Турабзонга ҳижрат қилади. У ердаги пешқадам олимлардан олат(балоғат), сарфу наҳв, маъоний (адабиёт, бадиият) ва мантиқ билимларини, ҳамда шариат илмларини ўргана бошлайди. Ёш бўлишига

---

[459] Российская социологическая энциклопедия. – М. : Наука, 1998. – 278 с.

[460] Г.Н.Наврўзова Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси.Т.: "Фан", 2005. Т,: 63 б.

[461] Гуламова М.Т. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси - Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий. Журнал. Имом Бухорий сабоқлари 2020. №2. 28 б.

[462] Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий,таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Мовароуннаҳр; 2000й. 302 б.

қарамай, дўконда отасига ҳам ёрдам бериб, бир томондан илоҳий ишқ ва шавқ билан илм таҳсилига сайъ ва ғайрат қилар эди, аммо мақсади кўпроқ илм олишда эди.

Аҳмад Зиёуддин ал - Кумушхонавий мукаммал илми сабабли - илм талабида бўлган кишиларга исломий дарс берувчи уламо вазифасига тайинланди. Шариат илмларини мукаммал ўрганиб, тасаввуф ва тарикат соҳасида шайх Ахмад Зиёуддин Арводийдан дарс олиб камол топган. Шайх Кумушхонавийга пири муршидлари 240 та асарни ўқитиш ва ўргатиш вазифасини топширган. Кумушхонавий энг буюк саховат илм тарқатиш эканлигини қалбларидан англаб, толиби илмларга ўз илмларини холис ўргатган[463].

Аҳмад Зиёуддин ал - Кумушхонавий уч йилдан ортиқ Носирия ва Жомиъ ул-Азҳар дорилфунинида ўз таснифлари бўлган "Ромузул- аҳодис" ҳадислар денгизи китобини етти марта ўқитган[464].

Шайхнинг ўзи олтмишга яқин тасаввуф, ҳадис, фиқҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида қимматли асарлар битган. Бу асарларнинг қўлёзма ва бошқа нусхалари Туркия, Миср, Европадаги катта кутубхоналар фондида, шу қатори Республикамиз Фанлар академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида ҳам сақланган.

Ҳозирги кунда ҳам олим Зиёуддин Ахмад Кумушхонавийнинг энг машҳур асарларидан ислом аҳли фойдаланиб келмоқда

Шу сабабли шайх Кумушхонавийнинг муридларининг сони миллиондан ортиқ бўлган. Бу сифатлар у кишида бўлган бағрикенгликни қирраларидан бирини кўрсатади.

Ахмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийнинг бағрикенглик сифатидан яъни бири илм олувчилар, китобхонлар сонини кўпайтириш, халқ маънавиятини юксалтириш мақсадида босмахона қурдириб, илмий китобларни илм толибларига бепул тарқатг[465].

Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийнинг бағрикенг инсон эканлигини кўрсатувчи далиллар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Мукаммал илмни ўрганиб, толиби илмларга холис ўргатиши.
2. Олтмишга яқин тасаввуф, ҳадис, фиқҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида қимматли асарлар ёзгани.
3. Босмахона қурдириб, илмий китобларни нашр этиб илм толибларига бепул тарқатиши.

У кишининг амалга оширган илмий меҳнатлари кўлами шундай кенг бўлганки, бу ишларни бажаришда кимларнингдир балки , бир неча умри етмаган бўлур эди.

Ҳақиқатан ҳам Аҳмад ал- Кумушхонавий жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилган ва пассивлик, дангасалик ва дангасаликка қарши курашган. У доимо хизматни ва қурбонликни биринчи ўринга қўйган, ҳеч қачон вақтини бекорга сарфламаган. Бундан ташқари, у ислом тафаккурида ва хулқ-атворида одамларни огоҳлантиришдан тийилмаган.

Бундан кўринаяптики, Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийнинг ҳаётлари ёшларимизни бағрикенг инсон қилиб тарбиялашда ибрат бўлади, деб ҳисоблайман.

**Иқтибослар /Сноски/ References**


1. Российская социологическая энциклопедия. – М. : Наука, 1998. – 278 с.
2. Г.Н.Наврўзова Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси.Т.: "Фан", 2005. Т,: 63 б.
3. Гуламова М.Т. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси - Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий. Журнал. Имом Бухорий сабоқлари 2020. №2. 28 б.
4. Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий,таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Моваройннаҳр; 2000й. 302 б.
5. Гуламова М.Т. Ахмад Зиёуддин Кумушхонавий хаёти ва маънавий мероси //"Buxoro islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmni barqaror rivojlantirish istiqbollari" Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman Buxoro, 2020 yil 24-fevral, 173-175 b.
6. Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий,таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Моваройннаҳр; 2000й. 305 б.


[463] Гуламова М.Т. Ахмад Зиёуддин Кумушхонавий хаёти ва маънавий мероси //"Buxoro islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmni barqaror rivojlantirish istiqbollari" Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman Buxoro, 2020 yil 24-fevral, 173-175 b.

[464]Зиёвуддин Ахмад Ал-Кумушхонавий,таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Моваройннаҳр; 2000й. 305 б.

[465] Гуламова М.Т. "Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Ахмад ал - Кумушхонавий" "Жахон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, накшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий маънавий меросининг умумбашарий ахамияти"мавзусидаги халкаро илмий конференция материаллари. 2 - китоб, Навоий: 2019 й.9 б.

7. Гуламова М.Т. “Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Ахмад ал - Кумушхонавий” “Жахон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, накшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий маънавий меросининг умумбашарий ахамияти”мавзусидаги халкаро илмий конференция материаллари. 2 - китоб, Навоий: 2019 й.9 б.

## НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА БОРЛИҚ ВА ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНИ

**Норов Тожи Омонович –**
**ТДИУ ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти, фалсафа доктори(PhD).**

Тасаввуфни асосини сўфизм ташкил этади. Афсуски, бу сўз, истилоҳни ва тушунчани, этимологияси - келиб чиқиши, такомили ва талқинлари билан боғлиқ баҳс-мунозаралар ва ихтилофлар ҳозиргача давом этади.

Бу масалада, таниқли тасаввуфшунос олим И.Ҳаққуловнинг кўплаб илмий мақола ва китобларида, хусусан, докторлик диссертациясида унинг келиб чиқиши қуйидаги таърифлайди:

Айрим тасаввуфшунослар –арабча “суфа” - жун мато сўзидан келиб чиққан деган фикрда;

- Айрим олимлар бу сўз исломгача бўлган деган фикрда;
- Яна бир гуруҳ олимлар – “соф” яъни тозалик, поклик тарзида талқин қилишади
- Яна бир гуруҳ эса – суфий сўзини умуман юнонча “софа” (София-софос) – яъни фалсафани ўзагини ташкил қилган донишмандлик деб айтишади, дейилган[466].

А. Абдураҳмоновнинг “Саодатга элтувчи йўл” китобида, “Сўфий” деган истилоҳнинг келиб чиқиши ҳақида 8 хил фикр мавжуд деб қуйидаги хулосаларни беради:

*Биринчиси*, баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиққан, чунки бундай мусулмонлар илоҳий йўлга кирганларнинг биринчи сафида турувчилардир деганлар;

*Иккинчи*си, бошқа бирлари эса “сўфий” сўзи “суффа” сўзидан ҳосил бўлган, чунки суффа аҳли пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларидаёқ таркидунё қилган тақводор диндорлар бўлиб, сўфийлар шуларга тақлид қилганликлари учун шундай ном келиб чиққан, деб тушунтирганлар;

*Учинчи*, гуруҳ кишилар “сўфий” сўзи “сафо” сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифа кишиларнинг қалби сидқу сафо қуёшидек порлаб туради деганлар;

*Тўртинчиси,* баъзилар сўфий “суфуҳ” сўзидан ҳосил бўлган, чунки «суфуҳ» бирон-бир нарсанинг хулосаси бўлганлиги сабабли, уларни сўфий деб айтганлар;

*Бешинчиси,* айрим уламолар сўфий сўзи “соф”, яъни софлик, поклик, тоза, руҳий камолот мазмунига эга деб тушунтирганлар;

*Олтинчиси,* баъзилар бу сўз юнонча “софос” (донишмандпик) сўзидан олинган деганлар;

*Еттинчиси,* олимларнинг баъзилари эса юнонча “суф”, файласуф сўзининг охирги қисмидан олинган деган мулоҳаза ҳам билдирганлар;

*Саккизинчиси,* аксарият олим ва уламолар сўфий сўзи арабча “суф” сўзидан ҳосил бўлган, чунки бу сўзнинг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган мато маъносини беради, деб айтганлар[467]. Дарҳақиқат, тасаввуф ва унинг ўзагини ташкил қилган сўфийлик истилоҳининг келиб чиқиши билан боғлиқ савол жуда баҳсли ва ихтилофли. Афсуски, тасаввуф олимлари ўз қарашларини амалий талқини масаласи ҳам айнан шундай ихтилофли кечган.

Эътиборли жиҳати шундаки, тасаввуф тариқи Навоий асарларида оддий, холис, ҳеч қандай ортиқча ҳашамларсиз, айнан маърифий тарзда, яъни илмий-назарий ҳамда амалий тарзда таърифланган. Хусусан, мавзу унинг деярли ҳамма асарларида учрагани ҳолда, унинг 770 сўфийлар ва шайхлар фаолиятига бағишланган “Насойим ул-муҳаббат” асари бунга мисол бўлади. Хусусан, бу тоифанинг бошқа тоифалардин хусусиятларини қуйидагича баён қилинади: "...буларнинг аввал ишлари тавбадурким, Ҳақ с.т барча манфий ишлардин аларға ижтиноб каромат қилғай ва андин сўнгра луқмаи ҳиллиятиким, ул бобда улча мумкиндир, саъй қилурлар. Ҳар ойина “косиб Оллоҳнинг севган бандасидир” мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларға иштиғол қилибдурлар".

Бу бобга мисол сифатида деярли улуғ машойихлар ўз меҳнатлари билан ҳалол луқма еганлари мисоллар билан битилган. Масалан, уларнинг оддий косибчилик билан ҳалол луқма еганлари қуйидаги тарзда келтирилган. Шайх Абу Саид Харроз - камар устаси, Хожа Абдулло Ансорий –

[466] Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Т – 1993. –Б-12

[467] Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи йўл. Т.: “Мовароуннаҳр” 2005, иккинчи қисм. 323-328 бб.

этикдўзлик қилгани, Шайх Муҳаммад Саккок – пичоқчилик, Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод – темирчилик, Шайх Абубакр Ҳаббоз – новвойлик, Шайх Абулаббос Омилий – хирқадўзлик, Шайх Абулхайр – қассоблик, шайх Иброҳим Ожурий – ғиштпазлик, Хуросон элининг пири Мирчаи Сафолфуруш – дошгарлик(кулолчилик), Шайх Абулҳасан Музаййин ва Шайх Баннонлар - ҳаммол, Шайх Абулҳасан – нажжор(дурадгор), ва мутааххир машойихдин замоннинг ягонаси Ҳазрат Хожа Баҳовуддин Нақшбанд кимҳо нақшини (матога нақш бериш санъати) боғламоққа машҳурдирлар[468].

Ундан кейин исломнинг беш устуни бўлган имон келтириш, беш маҳал намоз, рўза, закот ва ҳаж амалларини ***бенуқсон*** бажарганликлари айтилган. Ундан кейин эса: шариат риояти ва тариқат одоби, ҳилм яъни ўта хушмуомолалик, ризо, сабр, сидқ, риёзат, каби хислатлари мисоллар билан баён қилинган.

Ундан кейин, айрим сўфий шайхларнинг кароматлари бобида тўхтаб ўтилган. Шунингдек, уларнинг кароматлари ҳар бир шайхнинг ўзларига алоҳида бағишланган мақолаларда ҳам алоҳида баён қилинган[469].

Шунингдек, мутафаккирнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг 2 боби – “Ҳамида афъол ва замима хисол хосияти” – яъни яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти бобида баён қилинган[470].

Бу мисоллар орқали Навоий, бу улуғ авлиёларни шахсий ҳаёт тарзида намуна бўлиш орқали буюкликка эришганлигини исботлайди. Мутафаккирнинг шахсий ҳаёт тарзи ҳам бунга ёрқин мисол бўлади.

Навоий асарлари изоҳли луғатида Тасаввуф – сўфийлик, тасаввуф йўли деб изоҳланган[471].

Тасаввуф тариқи ибораси – сўфийлик, сўфизм йўли сифатида изоҳланади[472].

Луғатда, тариқат – йўл, маслак, сўфийлик йўли тарзида изоҳ берилган[473].

Профессор Н.Комилов таъкидлаганидек, “тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, лекин, у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратга ғарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди”[474].

Бизнинг назаримизда ҳам тасаввуф мавзусининг зиддиятли жиҳати шунда. Ҳақиқат йўлида молдан ҳам жондан ҳам кечган ***футувватчилар***нинг ҳам аксарияти айнан тасаввуф таълимоти таъсирида шаклланган кишилар эдилан. Хусусан, ***сарбадорлар ҳам футувватчилар*** эканлигини айтиш жоиздир.

Е.Э. Бертельс: «Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин»[475], деганида ҳақ эди.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат” да тасаввуф тарихини бошланишига асос сифатида, Абдухошим Сўфий мақоласида шундай дейди: Аввал кишиким, сўфий дедилар ул эрди. Куфийул аслдур, Шомда шайх эрди ва Суфён Саврий қ.с. била муосир эрди. Ва Суфён сўзидирким, “Агар Абдухошим Сўфий бўлмаганда эди, риёнинг нозик маъноларини тушуниб етмаган бўлар эдим”. Аввал хонақоҳким сўфийлар учун бино қилдилар, Шомнинг Рамласида эрди”[476]

Бу ерда Навоий сўфийлар хонақоҳси икки сўфий дарвешнинг мутлақо бир-бирига нотаниш бўлишига қарамай, тариқат юзасидан улар ўртасидаги ўта кучли меҳр-оқибат, ўта юксак одамийлик маънавиятига асосланганлигини кўрган бир тарсо, ихлос юзасидан биринчи хонақоҳни сўфийларга атаб қуриб берганлиги ҳикояти орқали баён қилган[477]

Навоий “Лисон ут-тайр”нинг “Маърифат водийсининг васфи” бобида тасаввуфнинг маърифий жиҳатлари хусусида фалсафий-мажозий тарзда баён қилади: “Билгилки, Ишқ водийсидан кейин Маърифат водийси келади. Бу жойнинг ниҳоятда бепоён бир даштдан иборат эканлигига кўз ташла. Кимки бу водийга кирса, у ердаги аҳволнинг ***ихтилофли*** эканлигини кўради. Бу жой шундай бир водийдирки, уни юз туман минг турли йўллар кесиб ўтади, аммо улардан бири иккинчисига сира ўхшамайди. Бутун ва бўлак ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам шу ерда мавжуд. Тараққиёт ҳам, таназзул ҳам шу жойдадир. Унда сен юз туман йўловчини бекарор бир тарзда, ҳар бирини ўзга бир

---

[468] Навоий. А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ: 20 томлик. 17 т. Т.: “Фан”, 2001. 15 б.
[469] Навоий. А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ: 20 томлик. 17 т. Т.: “Фан”, 2001. 23 бет.
[470] Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. 20 жилдлик МАТ. 14 жилд . 47-71 бетлар.
[471] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. 3 жилд Тошкент, “Фан” 1983. 194 бет.
[472] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. 3 жилд Тошкент, “Фан” 1983. 194 бет.
[473] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. 3 жилд Тошкент, “Фан” 1983. 189 бет.
[474] Н. Комилов. Тасаввуф. ‘’MOVAROUNAHR’’, ‘’O’ZBEKISTOT’’ NMIU, 2009. 3 б.
[475] Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. —М.: Наука. 1995. С. 54.
[476] Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 17 т. Насойим ул-муҳаббат. Т.: “Фан”, 2001. 28 б.
[477] Навоий. А. МАТ: 20 томлик. 17 т. Насойим ул-муҳаббат. Т.: “Фан”, 2001. 28 б.

йўлдан кетиб бораётган ҳолда кўрасан. ***Уларнинг ҳар бири ўзи кетаётган йўл билан фахрланади, ҳар бири йўлни ўз йўли томонга буради. Бири хуш тутган йўлни иккинчиси хоҳламайди, ҳар бирининг кўзига ўзиники яхши кўринади, бошқасини эса назарга илмайди.***

Йўлбошловчи пайғамбар ҳам бу ҳақда шундай деган: *"Кимки ҳаққа эришмоқ учун сафарга отланса ва бу йўлнинг сон-саноқсиз кўп эканлигини кўрмоқчи бўлса, уни* ***халқ олаётган нафасга*** *қиёс этсин*".

Сулук ичра ихтилоф кўп бўлиб, ***улардан кўпи қуйқали, софи эса оздир***. Бу соф табиат эгалари сирасига пайғамбар шариати қонун-қоидаларига тобеъ бўлганлар киради[478].

Матн мазмунидан кўриниб турганидек, тасаввуф тариқатлари ва сулуклари намоёндалари йўлларини ҳаммасини ҳам тўғри ва нуқсонсиз деб бўлмас экан. Ваҳоланки, тасаввуф йўллари ҳаммаси ҳам содда, инсонпаварлик таомилларига мос бўлмагани, мазмуни равон ва оддий, омма учун у қадар тушунарли бўлмагани учун, ҳамма сулуклар ва тариқатлар ҳам унчалик оммалашмаган. Улар тарихий нуқтаи назардан ўрганилган, лекин, оммалашмаган. Пайғамбар даъвати сифатида, халқ олаётган нафасга дейилганда, Навоий, нафақат тасаввуф, умуман диннинг инсонпарварлик, халқчил негизга эга эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилганлиги аён бўлади.

Мутафаккир, "Ҳайрат ул-аброр"да оламни яралишидан мақсад одамни яралиши эди деган теран ғояни илгари сурганини айтиб ўтган эдик.

"...Бу йўлларнинг бари қуйқали бўлмаганидек, ҳаммасини ҳам соф деб бўлмайди. Улус ичра эътиқодларда бу хил ихтилоф бўлмоғи зарурий бир ҳолдир"[479]. Ҳар қандай таълимот, хусусан динлар, диндаги ҳар қандай мазҳаб, сулук, тариқат қанчалик баландпарвоз баҳоланмасин, улар инсоннинг камолотига хизмат қилмаса ҳеч нимага арзимайдиган ваъзхонлик бўлиб қолиши айтилган. Назаримизда, тасаввуф йўллари ҳаммаси соф бўлмагани ҳолда, улар тадқиқотлар жараёнида ҳаммасини ҳам ***"осмонлаштириш"*** таомиллари давом этиб келмоқда. Уларни ***"ерлаштириш"*** соддалаштириш керак деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, илмий тадқиқотда объектив илмий хулоса чиқариш таомили устувор бўлиши муҳим.

Хулоса қилиб айтилганда, Навоий асарларида тасаввуф, шариат, тариқат ва сулукларда талаб қилинган барча одоб жуда ажойиб тасвирлаб берилган.

Тасаввуф билан боғлиқ қарашлар ва хулосалар билан боғлиқ баҳс-мунозаралар ҳали давом этаверади.

***Назаримизда бу ҳолни қуйидаги сабаблари бор:***

*Биринчидан*: мавзунинг илгариги манбаъларда ҳам талқинларининг ҳар хиллиги бўлиб, уларда аниқ ва якдил хулоса йўқлиги. Аслда бу оддий ҳол бўлиб, ўз даврида илоҳиёт мавзусида ҳам плюралистик ёндошув бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳолат Навоий асарларида ҳам айтиб ўтилган;

*иккинчидан:* мавзуни тўлиқ ва чуқур ўрганилмаганлиги;

*учинчидан:* масаланинг дунёвий ва илоҳий асосларини ўрганишда мантиқий изчиллик йўқлиги;

*тўртинчидан:* мавзунинг ёритилишида толерантлик ва холислик етишмаётганлиги;

*бешинчидан:* мавзунинг илоҳий талқинида мафкуравий ва ахлоқий нуқтаи назардан келиб чиқиб, дадил якдиллик, унинг оқибатида журъат етишмаётганлиги;

*олтинчидан:* мавзунинг фалсафий талқинида ҳам плюралистик ёндошув йўқлиги. Хусусан, ҳалигача масала талқинида илоҳий ёки дунёвий талқин позициясига ўтиб кетилаётганлиги;

*еттинчидан:* мавзу талқинида аксар ҳолларда ўта эмоционал, ҳиссиёт ва ўта бўртирилган ҳолда ёндошув устуворлиги ва ҳаказо.

## АБДУРАУФ ФИТРАТ АСАРЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИ /ИСЛОМ МАНБАЛАРИ АСОСИДА/

**Мавлуда Эргашева Зулқандар қизи - Юридик фанлар номзоди доцент**
**Машҳура Эргашева Ғайбулло қизи Бухоро туманидаги**
**3-умумтаълим мактабининг ҳуқуқ ва тарбия фани ўқитувчиси**

**Abstract:** The national spiritual heritage is the unique wealth of our nation, our people. This wealth, which is the greatest value, is deeply reflected in the ideas of our sacred religion, our learned ancestors, our thinkers.

[478] Navoiy. Alisher. Lisonut-tayr. **www.ziyouz.com** кутубхонаси.79-80 b.
[479] Navoiy. Alisher. Lisonut-tayr. www.ziyouz.com кутубхонаси.79-80 b.

Таъкидлаш жоизки, қомусий олим Абдурауф Фитрат ўз даврида етимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бажарилишига эътиборсизлик, улар тарбиясига аҳамиятсизлик, бундай болаларнинг жисмоний ва маънавий камолоти тўғрисида қайғурмаслик каби иллатлар содир бўлаётганлигини кўрсатиб берган. Фитратнинг ёзишича, вояга етмаган, ота-онасиз етим болани қозилар шариат ҳукми билан бирор қариндошига берадилар. Агар у шахс ишончли одам бўлса, боланинг пулини ҳам унга берганлар акс ҳолда ўша одам ўша етимни таъминлаши керак бўлган.[480]

Мутафаккир етим тарбиясини ўз зиммасига олиш, унинг жисмоний ва руҳий камолоти учун қайғуриш етимга, умуман, ҳеч қандай зарар етказмасдан, озор бермасдан ўз болалари қаторида қабул қилиш ва отасизлигини эслатмаслик –инсонийлик нуқтаи назаридан шартдир, деб уқтиради.[481]

У, инсонлар етимларга нисбатан самимий, шафқатли ва меҳрибон бўлишлари керак, деб ҳисоблайди: “ Инсон раҳмдил ва мурувватли бўлиши лозим. Раҳмдил ва мурувватли одам етимлар ҳаққига яхшилик қилади”[482].

Фитрат айрим шахсларнинг етим пулини олиши учун унинг тарбиясини ўз зиммасига олишлари, сўнгра етимнинг пулини зўравонлик билан ўз манфаатлари учун сарфлашларини аёвсиз фош этади: “ Етим пулларини қўлга олиб, бир хазина топган одамга ўхшаб, ундан фойдаламиз ва довдираб сарф қиламиз, асл эгасини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Улар балоғатга етгач, минг ҳисоб-китоб билан ҳақларини зўрға оладилар. [483]

Васийлар ва ҳомийлар бундай жирканч ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан шуғулланмасликлари керак, –деб уқтиради Фитрат ,– етимнинг пулини олиш, унинг ҳаққига хиёнат қилиш оғир гуноҳдир.[484]

Етимлар молини ўзлаштириш қаттиқ гуноҳ–жиноят эканлиги шариатнинг асосий манбаси Қуръони Каримда ҳам кўрсатилган, дейди Фитрат, жумладан Нисо сураси 6-7 оятларида шундай ёзилган: “ Етим молини болалигида ўзларига сарф қилинглар, улғайгандан сўнг меросларини ўзларига топширинг. Улар молини сарф қилган бўлсангиз, етимлар моли сизга ҳаром бўлади, ундан харж қилманг, уларнинг молини ўзлаштирманг. Бундай ишларингизнинг ҳар бири катта гуноҳдир”.[485]

Малакатимизда етимларнинг бажарилмайди,– деб норозилик билдиради у ва бу тўғрида Қуръони Каримдан (Анъом сураси 152-оят) намуна келтиради: “ Етим молига яқинлашманг, агарда етим учун энг яхши восита бўлмаса”, яъни етим молига қўл чўзаётган бўлсангиз, ниятингиз тижорат қилиб етим бойлигини кўпайтириш бўлса майли фақат етим балоғатга етгунча”. [486]

Мутафаккир фикрича, айрим инсонлар етимнинг моли фалокат ва бахтсизлик келтиради, деб, етим болалар тарбияси ва уларнинг ҳимоясини ўз зиммаларига олмайдилар. Бу шахсларнинг ҳаракати етимлар манфаатига зид ва зарардир.[487] Абдурауф Фитрат адолат ва инсоф эгалари бўлган инсонлар, албатта, етимларнинг ўзларини ва мол-мулкларини ўз ҳимояларига олишлари ҳамда бу тўғрида ғамхўрлик кўрсатишлари керак, деб уқтиради. “Агарда ҳақиқатан ҳам етимларга нисбатан ниятларингиз пок бўлса, адолат фикрида бўлсангиз ҳеч хавфсираманг, етимлар тарбияси ва молларининг ҳимоясини ўз зиммангизга олинг. Уларнинг моллари ва пойқадамлари жуда шарофатли ва муборакдир.[488]

Фитратнинг фикрича, етимларни ўз қарамоғига олган шахслар уларнинг ҳақиқий, қонуний вакиллари ҳисобланиб, етим болаларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари керак. Ўз васийлиги ва ҳомийлигидаги вояга етмаган шахсларга –улар ҳақ –ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам беришлари, шунингдек, етим болалар ҳуқуқларининг бошқа шахслар томонидан суистеъмол қилинишидан ҳимоя қилишлари шарт.

Абдурауф Фитрат васийлар ва ҳомийлар етим болаларни тарбиялаши, ўқитиши, уларнинг моддий таъминоти билан шуғулланиши яъни боқиши, шунингдек, болаларнинг соғлиги туғрисида –жисмонан соғлом, руҳан кучли, маънан ва ахлоқан етук–баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун қайғуришлари ва ғамхўрлик қилишлари шарт, деб таъкидлайди[489].

У васийлар ва ҳомийларнинг ўз қарамоғидаги вояга етмаган болалар билан биргаликда яшаши қатъий талаб қилинади, чунки улар ўз васийлиги ва ҳомийлигидаги болаларнинг ягона қонуний

---

[480] Фитрат А. Оила, Т.: Маънавият. 1998, 105-б.
[481] Ўша жойда.
[482] Ўша жойда.
[483] Кўрсатилган асар, 105-106-бб.
[484] Фитрат А. Оила, 105-106-бб.
[485] Эргашева М. “Адолат фикрида бўлсангиз...”/ Фитрат меросида инсон ҳуқуқлари масалалари.// Ҳаёт ва Қонун, 2000, 1-сон, 94-б.
[486] Фитрат А. Оила, 105-б.
[487] Кўрсатилган асар, 106-б.
[488] Ўша жойда.
[489] Фитрат А. Оила, 105-б.

вакили –жавобгар шахслардир–деб уқтиради: “ Етимни уйга олиб келсангиз фарзандингиз билан бир хил кўринг, фарзандингизга тенг муомалада бўлингиз, бу ҳам инсофдан ва ҳам шариатда лозимдир”[490] .

Мутафаккирнинг фикрича, мамлакатнинг мулкдор ва саховатли инсонлари гуруҳ-гуруҳ иттифоқлар тузиб, турли хил жамиятлар ташкил қилишлари, ҳар бир жамият миллатнинг бирор эҳтиёжини эътиборга олиб ҳаракат қилиши лозим, жумладан “етимларни ҳимоя қилиш” жамияти.

Шундай жамиятларнинг бирини ташкил қилиш вақтида, аввало, унинг хатти-ҳаракати ва вазифалари кенгаш қароридан ўтказилиб, бу тўғрида қонун қабул қилиб, жамиятнинг мақсад ва моҳияти эълон қилиниши керак.[491] Бир сўз билан айтганда, Фитрат дунёқараши ва илмий фаолияти ҳам ислом маънавияти билан муштаракдир. Мутафаккир ислом маънавияти, яъни илоҳиёт илмидаги шундай нуқталарни топиб таҳлил ва татбиқ этадики, уларда дин билан дунёвийлик ўзаро зид эмас, балки туташ эканлигини кўрсатади.

Хуллас, Абдурауф Фитратнинг бу борадаги илғор ғоялари ҳозирги даврда ҳам ўз қийматини мутлақо йўқотган эмас, аксинча, аллома аждодимиз илгари сурган долзарб муаммолар бугунги кунда оилаларда тинч-тотувлик бағрикенглик ва соғлом турмуш тарзини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Фитрат А. Оила, Т.: Маънавият. 1998.
2. Фитрат А. Раҳбари нажот. Т.:Шарқ. 2001.
3. Эргашева М. “Адолат фикрида бўлсангиз...”/ Фитрат меросида инсон ҳуқуқлари масалалари.// Ҳаёт ва Қонун, 2000, 1-сон.


## ТАСАВВУФ ВА ПСИХОЛОГИЯ


**Х.М.Алимов-**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси доценти в.б. , психология фанлари номзоди**


Тасаввуф шундай бир муҳташам қасрки, бу қасрда ҳамма нарса мужассам: дин ҳам, фалсафа ҳам, мантиқ ҳам, педагогика ҳам, фиқҳ ҳам, тафсир ҳам, физиология ҳам, этика ҳам, эстетика ҳам ва ҳ.к. Шу жумладан, психология ҳам. Фикримизча, тасаввуф таълимоти ва амалиётида психологиянинг ўрни жуда катта. Чунки тасаввуфнинг марказий тушунчаларидан бири нафс билан мужодала – психология фанининг предметларидан биридир. Шу нуқтаи назардан тасаввуф таълимоти ва амалиёти психологик таҳлилга муҳтож.

Тасаввуф таълимоти ва амалиёти масаласида ўтган асрнинг бошида яшаган К.Казанскийнинг асари айниқса диққатга сазовор. У ўзининг асарида “прагматик мистицизм психологлар, этнопсихологлар ва медик-психиатрларнинг ҳар томонлама тадқиқотларининг предмети бўлиши лозим. Маълумки, “мистик билиш йўлининг” амалиёти қандайдир маълум тизимга келтирилган турли хил психотехник, руҳий-диний ва жисмоний машқларнинг вариатив тўпламидан иборат. Мазкур тизим ўзида мажбурий компонентлар сифатида қуйидагиларни мужассамлаштиради: ўз ўзига сингиш (мушоҳада), позицияларни аниқлаштириш (жалса), нафасни назорат қилиш (ҳабс-ан-нафс, ҳибс-и-дам), координациялашган ритмик ҳаракатлар ва теомнемния формулаларини маълум такрорлаш (зикр). Мақсад битта – инсон психикасига, унинг нозик нуқталаригача таъсир қилиш”[492].

Муҳаммад Иқбол шундай деб ёзади: ”Бутун инсоний ҳаёт келиб чиқиши бўйича руҳоний бўлсагина инсоний борлиқнинг соф психологик пойдеворини қидириш мумкин бўлади”.[493] Муаллиф бу билан айтмоқчи бўлаяптики, Аллоҳ ўзининг руҳидан Одам танасига пуфлади ва руҳ кирди. Демак, унинг қолган барча умри тана ва руҳ билан бирга кечади.

Дарҳақиқат, руҳ – психология фанининг тадқиқот предмети бўла оладими? Руҳ ва психика ўртасидаги алоқа нимадан иборат?

Инсон танасининг тузилиши, унинг сир-синоати ҳозирги замон биология, анатомия ва физиология фанлари томонидан батафсил ўрганилган. Бироқ тана билан бирга яшаётган руҳ ҳақида

---

[490] Фитрат А. Оила, 106-б.
[491] Фитрат А. Раҳбари нажот. Т.:Шарқ. 2001, 110-б.
[492] Тримингем Дж.С.Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ., А.А.Ставиской, под редакцией и с предисл. О.Ф.Акимушкина. –М.:Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – 328 с. -209-бет.
[493] Икбал Мухаммад. Реконструкция религиозной мысли в исламе. – М.: Восточная литература, 2002.

маълумотлар жуда кам. Бунинг сабаби балки шариат аҳлининг руҳни ўрганишга қарши бўлганлигидадир. Шундай бўлсада, тасаввуф илми бу масалага тўхталиб ўтади ва ўзининг муносабатини билдиради.

Маълумки, психика бош миянинг функцияси (хусусияти) ҳисобланади. Руҳ эса илоҳий ибтидога эга. Ҳатто уларнинг келиб чиқиш манбаи бўйича ҳам фарқи кузатилмоқда. Қолаверса, психиканинг бир бўлаги ҳисобланган ақлий фаолият дунёни англаш ва идрок этишдан иборатдир. Агар ақлий фаолият амалга ошмай қолса, табиийки, инсон англаёлмай, идрок эта олмай қолади. Ақлий фаолият ёрдамида инсон ақл бовар қилмас кашфиётлар, ихтиролар қилиши мумкин. Бироқ ёлғиз миянинг ўзи билан, аниқроғи унинг ақлий фаолияти билан Яратувчисини танимай ўтганлар қанча. Демак, инсон психикаси инсонни инсон қилиб турган ягона манба эмас экан. Инсонни инсон қилиб туган нарса ундаги руҳ бўлиб чиқаяпти. Уларнинг фарқи ҳам шундадир. Бу ҳақда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шундай деб ёзади:"Шунинг учун ҳам илм ва маърифатнинг юқори чўққисига чиққан барча олимлар ҳам, улкан илмий кашфиётларни қилишига қарамай, қалблари қулфли бўлгани учун, моғор босган бўлгани учун Аллоҳ таолони таниш ва У Зотнинг ҳидоятига юриш бахтига муяссар бўлмайдилар"[494]. Демак, психика инсоннинг борлиқни англаш ва идрок этишига хизмат қилар экан-у, бироқ Аллоҳ таолони таниш даражасига уни чиқариб қўя олмас экан. Бу ишни руҳ бажаради. Чунки руҳнинг манбаи раббоний ва у Ўз Раббисига интилади. "Руҳдан қалбга ўтадиган ҳис-туйғуларнинг барчаси Аллоҳ таолога қаратилгандир, уларда У Зотга нисбатан шавқ, муҳаббат ва улуғлаш бордир. Аммо шу билан бирга, инсоннинг қалби атрофида ҳавои нафс ҳам бор. Ана ўша нафс тарбия кўрмаган, иймон суви ила суғорилмаган банданинг нафси бўлса, унда акс этган шавқ, муҳаббат ва интилиш Аллоҳ таолодан бошқа тарафга бурилиб кетади. Оқибатда мазкур банда ўзига ўхшаган бандаларга ва дунёнинг зебу зийнатига муҳаббат қўяди"[495]. Психиканинг манбаи мия эса "қора балчиқ лойдан" келиб чиқади.

Абу Ҳамид Ғаззолий ҳам руҳ ҳақида ўз фикрини илгари суради Унинг фикрига кўра, эни, бўйи ва миқдори бор ҳар қандай нарса халқ оламидан, яъни яратилган оламдан ҳисобланади. Руҳнинг эса бундай сифатлари мавжуд эмас. Демак, йўқ бўлиш қисматига ҳам эга эмас. Аллоҳ таоло руҳни абадий йўқолмаслик, ўлчам ва миқдорга эга бўлмаслик сифатлари билан яратган.

Руҳга бадан тобе ҳисобланади. Инсоний руҳга хос яна бир сифат маърифат билан боғлиқлигидир, яъни руҳ - маърифатга эга бўлиш имкониятига эга. Латиф руҳ жисм ҳам эмас, ўзича мавжуд ҳам бўлмайди, балки жавҳардир (субстанциядир). Мана шу латиф руҳ маърифатига эришиш учун инсон маърифатли бўлмоғи лозим. Бу эса риёзатсиз амалга ошмайди. Ўз риёзатини камолга етказган кишигина маърифатга эга бўлади, демак, руҳ ҳақиқатини тушунади.

Руҳнинг яна бир сифати - унинг ўзини ҳам, Парвардигорини ҳам билишлигидир. Шунингдек, у ақл билан топиб бўлмайдиган юксак масалаларни ҳам идрок эта олади. Руҳ – ўзгарувчан. У ривожланади, юксалади, бироқ фоний эмас. Шу ўринда бир нарсани инобатга олиш зарур, яъни ҳайвоний руҳ фоний, ўткинчи ва у то ўтиб кетгунича инсоний руҳ билан бирга ҳаёт кечиради. Агар инсоний руҳ ҳайвоний руҳ устидан ҳукмрон бўлсагина инсон ўзлигини билиш ва таниш даражасига кўтарилади. Бунинг учун солик ўз руҳига Аллоҳнинг маликлик сифатини сингдириши талаб этилади. Инсоннинг ўз ахлоқини тузатиши соф психологик ҳодиса ҳисобланади ва у ўзида ўзи билан кураш, ўзини таҳлил қилиш, ўзини назорат қилиш, ўзини бошқариш сингари психологик сифатларни мужассамлаштиради.

Хожа Юсуф Ҳамадоний руҳ кирган борлиқларни доимо ҳаракатда деб билади. Демак, тана аслида ўлик нарса бўлиб, унга руҳ тириклик бағишлайди. Одамни фаолиятга келтирувчи барча аъзолар руҳ туфайли ҳаракатланишини таъкидлаяпти муаллиф. Руҳнинг муҳим хусусияти - Ҳаққа бўйсинишдан иборатдир. Хожа Юсуф Ҳомадоний таъкидлаганларидек, "Руҳ кўришда кўздир ва кўзда кўришдир ва кўрадиган кўзнинг кўрувчисидир. Руҳ кўришни ҳам кўради. Шунингдек, эшитиш ва эшитилган, сўзлашув ва сўзлашилган, ҳидлаш ва ҳидланган, тотиш ва тотилган, англаш ва англашилганнинг эшиги ҳам руҳдир".[496]

Руҳнинг яна бир сифати ирода ва ихтиёрнинг унда яширинганлигидир. Аъзоларни руҳ ҳаракатга келтирди ва аъзолар билан ҳаркатлантирувчи бир бирига ўхшамайди. Ҳаракатланувчи - ўлади ва ўлик нарса. Ҳаракатлантирувчи руҳ бўлиб, у ўлмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Икбал Мухаммад. Реконструкция религиозной мысли в исламе. – М.: Восточная литература, 2002. – 200 с.

[494] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Хислатли ҳикматлар шарҳи. 4-жуз. – Т.: "Hilol-Nashr", 2014. 114-бет.
[495] Ўша асар, 116-бет.
[496] Хожа Юсуф Ҳомадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт) – Т.: "Янги аср авлоди", 2003. 50-бет.

2. Тринингем Дж.С.Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ., А.А.Ставиской, под редакцией и с предисл. О.Ф.Акимушкина. –М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – 328 с.
3. Хожа Юсуф Ҳомадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт) – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – 63 бет.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Хислатли ҳикматлар шарҳи. 4-жуз. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2014. – 271 бет.

## САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ АСАРЛАРИ – ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

***Темиров Фаррух Умедович. т.ф.ф.д (PhD). Бухоро давлат университети***

*Ушбу мақолада маърифатпарвар адиб, йирик сўз санъаткори ва жамоат арбоби Садриддин Айнийнинг асарларида Шарқ алломалари-мутафаккирларининг илмий-маънавий мероси, ренессансга қўшган муносиб ҳиссаси ва уларнинг диний-маърифий қарашлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган*

*In this article, The Scientific and spiritual heritage of Eastern scientists-thinkers, their contribution to the Renaissance and their religious and educational views have been scientifically analyzed in the works of the enlightener writer, great speech artist and public figure Sadriddin Ayni*

Маълумки, маърифатпарвар адиб, ёзувчи ва адабиётшунос олим Садриддин Айний (1878-1954 й) шарқ қўлёзма манбаларининг моҳир тадқиқотчиси ва таржимон сифатида ҳам танилган. Олим Самарқандда яшаган йиллари (1917-1954 й)да кўплаб асарлар ёзиш билан бирга Ўрта Осиёнинг қадимги, илк ва ўрта асрлар даври тарихига оид кўплаб тарихий манбаларни тадқиқ қилган, уларни нашрга тайёрлашга ҳам бошчилик қилган. Шунингдек, нодир қўлёзма асарлар асосида кўплаб тарихий, илмий, адабий асарлар ва мақолаларни эълон қилди. Жумладан, муаллифнинг “Таърихи амирони манғитияи Бухоро”[497] (“Бухоро манғит амирлари тарихи”), “Намунаи адабиёти тожик”[498] (“Тожик адабиётидан намуналар”), “Исёни Муқанна”[499] (“Муқанна исёни”) каби асарлари араб, форс ва туркий тиллардаги шарқ қўлёзма манбалари асосида яратилган.

Жумладан, Самарқанд тарихига оид муҳим манбалардан бири бўлган тарихчи олим Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асари 1921 йили, ўлкашунос олим Абдулмўмин Сатторий[500] томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган эди. Бу таржима 1925 йили С.Айний томонидан таҳрир қилиниб, нашрга тайёрланган. У Абдулмўмин Сатторий таржимасига айрим тузатишлар киритиш билан бирга, китоб сўзбоши ва зарур атамаларга изоҳлар ҳам ёзган. Лекин асар нашрга тайёрланганича қолиб кетган. С.Айнийнинг ёзишича, Абдулмўмин Сатторий “Самария” асарини қўлёзма нусха асосида таржима қилган, лекин бу қайси нусха эканлиги кўрсатилмаган[501]. Таржима биринчи бор таҳрир қилинганда адиб бу асарнинг Н.И.Веселовский бостирган матнидан фойдаланган[502].

Шарқшунос олим С.Айний “Тожик адабиётидан намуналар” асарига тартиб беришда ўзбек, форс-тожик адабиёти тарихида X – XIX асрларда тузилган Хожа Ҳасан Нисорийнинг “Музаккир ул – аҳбоб”, Мутрибий Бухорийнинг “Тазкират уш – шуаро”, Қори Раҳматулло Возеҳнинг “Туҳфатул аҳбоб”, Муҳаммад ас-Саолибийнинг “Йатимат ад – даҳр”, Муҳаммад Авфий Бухорийнинг “Лубоб ул-албоб”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон”, Афзал Махдум Пирмастий Бухорийнинг “Афзал-ут-тазкор фикри зикр-уш-шуаро в-ал-ашъор”, Шарифжон Махдум Садр Зиёнинг “Тазкират – уш – шуарои мутақаддимин” ва бошқа тазкираларидан бўлак юзлаб девонлар, тазкира ва тарихий нодир китоблардан ҳам хабардор бўлган. Олим уларни синчиклаб ўрганган, тазкира, тарихий асарларнинг яхши жиҳатларини ижодий ривожлантирган.

С.Айний асосий эътиборини адабиёт тарихида ҳали яхши ўрганилмаган, кам тадқиқ этилган муаммоларга қаратади. Олимнинг шарқшунослик ва адабиётшуносликдаги катта илмий ишлари сирасига “Фирдавсий ва унинг Шоҳномаси ҳақида”, “Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино”, “Шайх

[497] Айнй С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Тошкент: Туркистон давлат нашриёти, 1923.
[498] Айнй С. Намунаи адабиёти точик. – Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳирии шўравии Сўсиёлистй, 1926.
[499] Айнй С. Исёни Муқанна. – Душанбе: Маориф, 1978.
[500] **Абдулмўмин Сатторий -** истеъдодли маҳаллий ўлкашунос олим. 1925 йилнинг 23 июлида сил касали билан вафот этган.
[501] Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 7 – 10.
[502] Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 7 – 10.

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий”, “Камол Хўжандий”[503], “Устоз Рудакий”[504], “Алишер Навоий”[505], “Восифий ва унинг “Бадоеъ ул-вақое” асари ҳақида”[506], “Мирзо Абдулқодир Бедил”[507] каби илмий - адабий мақолаларни киритиш мумкин.

Жумладан, С.Айний Бедил ҳақида шундай ёзган: “Бедилнинг услуби ва манераси ўзига хос. Бедил услубининг янгича йўналиш эканлиги ўз замонидаёқ маълум ва машҳур эди”[508]. Унинг “Мирзо Абдулқодир Бедил” монографиясига 1954 йилда машҳур шарқшунос олим, профессор Е.Бертельс мазмундор сўзбоши ёзиб: “Бу очерк Бедилга доир деярли ҳар бир асарда учрайдиган бир қатор чалкашлик, нотўғри тушунишларни бартараф этади”[509] – деган фикр келтирилган. Олимнинг “Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино”[510] номли асари буюк қомусий олим ва табибнинг вафотига 900 йил тўлиши муносабати билан яратилган бўлиб, муаллифнинг қомусий илм эгаси эканини ва кўпгина шарқ тилларини (шу жумладан, араб тилини) яхши билишини асослаб туради. Муаллиф бу асарида Ибн Синонинг илмий ижодини мукаммал ўрганиб, таҳлил этган.

Темурийлар даврида яшаб ижод этган йирик диний уламоларга бағишлаб мақбаралар қурилган. Жумладан, Самарқанддаги Шайх Нуриддин Басир ва Шайх Бурҳониддин Сағажи мақбаралари шулар жумласидан (айрим манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур бу ҳар иккала уламони ўзининг пири сифатида билган (худди Аҳмад Яссавий сингари – Ф.Т). Буларнинг биринчиси сўфийлик оқими вакили бўлиб, кўпроқ “қутби – Чоҳардаҳум”, яъни “14-қутб” (суфийликдаги диний унвон) номи билан машҳур бўлган Шайх Нуриддин Басир мақбарасидир. С.Айнийнинг “Қутби чоҳардаҳумнинг кўриниши” (“14 – Қутбнинг кўриниши”). мақоласида, Амир Темур томонидан Шайх Нуриддин Басир қабри устига мақбара қурганлиги, унинг атрофини обод қилганлигини айтиб: “Амир Темур ўз ҳукумати замонида Шайх Нуриддин Басирга ҳурмати ва эътибори юзасидан унинг мозорини арк қўрғони ичида олган, ҳам қабри устида юксак бир гумбаз ясатиб, гумбаз устидан олтиндан қубба қўйдуриб ўтқузғондир”[511].

Муаллифнинг фикрича, Шайх Нуриддин Басир Тошкентда туғилиб, кейинчалик Самарқандга кўчиб ўтган ва шу ерда дафн этилган. “Шайх Нуриддин Басир Самарқанддаги Кўкмачит маҳалласида ўлуб, шу маҳалланинг ёвуқларидан оқадиган “Жўйи Чашмайи Навадон” (“Навадон булоғи ариғи”) бўйида Самарқанд аркининг (ҳозирғи Тупроқ қўрғон) кунчиқар томонида кўмилгандир”[512].

С.Айнийнинг ёзишича, Амир Темур ўз даврининг машҳур муридларидан бўлган Шайх Бурҳониддин Сағажи вафотидан сўнг унинг мақбарасини қуришга фармойиш беради. Бу мақбара Руҳобод номи билан аталган. Ўрта Осиё меъморий обидаларининг моҳир тадқиқотчиси, тарихчи олима, академик Г.А. Пугаченкованинг қайд этишича, Руҳобод номи билан машҳур бўлган ушбу мақбара бир хонали, гумбазли ҳашаматли ғиштин бино бўлиб, мураббаъ тарҳли, унинг чархи гумбазида дарчалар ишланган. Бош тарзидаги равоқсимон дарвозахона ўйма-ўйма парчинлар билан қопланган. “Шуниси эътиборга сазоворки, бир-бирида анча масофада қурилган учта ҳашаматли мақбара – Қутби-Чоҳардаҳум, Руҳобод ва Гўри Амир бир-бирига ўхшашдир. Уларнинг гумбазлари Самарқандда сероб бўлган кўм-кўк дарахтлар оша қад кўтариб турибди”[513].

Маълумки, 1535-1536 йилларда бунёд қилинган Мир Араб мадрасаси Бухорода ўз даврида машҳур ва маълум илм масканларидан бири бўлган. С.Айний ҳам 1890-1891 йиллар давомида ушбу мадрасада турли фанлардан таҳсил олган. Олим кейинчалик бу мадраса ҳақидаги хотиралари, унинг илмий савияси тўғрисида “Маориф ва ўқитғучи” журналининг 1927 йил 5-сонида араб алифбосида ва эски ўзбек тилида “Мир Араб иморатлари”[514] номли мақоласини чоп этган. С.Айний масалага холисона, мафкуравий таъсирларсиз ёндашган ва Мир Араб шахсияти ва у қурдирган мадрасанинг диний илм ўчоқларидан бири бўлганлигини тарихий асарлар ва ҳужжатларга суяниб очиб берган. Шу

[503]Айнй С. Камол Хужандий // Шарқи сурх. 1957, № 5. – Саҳ. 70-76.
[504]Айнй С. Устод Рудакий // Шарқи сурх. 1940, № 2. – Саҳ. 30-43.
[505]Айнй С. Алишер Навоий // Шарқи сурх. 1941, № 1. – Саҳ. 23- 28.; № 2. – Саҳ. 36-43; № 4 – 5. – Саҳ. 15 -36.
[506]Айнй С. Восифй ва асари ў “Бадоеъ ул - вақоеъ” // Шарқи сурх. 1946, № 4 – 5. – Саҳ. 19-29.
[507]Айнй С. Мирзо Абдулқодир Бедил. – Сталинобод: нашриёти давлати Тожикистон, 1954. 339. Саҳ.
[508]Айнй С. Мирзо Абдулқодир Бедил. – Саҳ. 5.
[509]Айнй С. Мирзо Абдулқодир Бедил. – Сталинобод, 1954. – Саҳ.5 – 8; Е.Э.Бертельс Айнийнинг “Бедил” монографиясига муқаддима / Айний замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 125-129.
[510]Айнй С. Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино. – Сталинобод: Нашрдавтож, 1939.
[511] Айний С. Қутби чаҳордаҳум (14-қутб)нинг кўриниши. // Маориф ва о`утувчи. 1926, № 5. – Б.31-32.
[512] Айний С. Қутби чаҳордаҳум (14-қутб)нинг кўриниши. // Маориф ва ўқитувчи. 1926, № 5. – Б. 32.
[513] Пугаченкова Г. Темурнинг ме`морий мероси. Т: 1996. – Б. 34 – 36.
[514]Тарихнавис адиб Айнийнинг ушбу мақоласини, тарихчи ва шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Ҳ.Ҳ.Тўраев жиддий ўрганиб, биринчи марта илмий жамоатчиликка эълон қилган. (Қаранг: Ҳ.Тўраев. Садриддин Айнийнинг кам маълум бўлган тадқиқоти // Бухоро мавжлари. 2009, № 2. – Б. 22 – 23.

жиҳат бу мақоланинг ўзбек, рус ва тожик тилларидаги тўла асарлар тўпламида нашр этилмаганлигига сабаб бўлган бўлса керак.

Бу тарихий тадқиқот Зайнуддин Восифийнинг “Бадоеъ ул - вақое” асарига ҳамда муаллиф таъкидига кўра, Мир Араб авлодлари қўлида сақланган мақомотга асосланган. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, С.Айний Зайнуддин Восифий меросига мурожаат қилган дастлабки тадқиқотчилардандир[515]. Жумладан, адиб мақолада шундай ёзган: “Мир Араб иморатларини ёзишдан бурун унинг таржима ҳолидан қисқача маълумот бериш керак. Мир Арабнинг оти мир Абдулло бўлиб, Яман вилоятига қарашлик Хузрамавт шаҳрида туғилгандир. 22 яшарлик чоғида ўз юрти Арабистондан Туркистон сари ҳижрат қилғон. Мунда Самарқандда Хўжа Аҳрор халқасига кирган. Хўжа Аҳрор ўлгандан кейин Сайрамга бориб ерлашгандир. Мир Арабнинг шайбонийлар даврида шуҳрати чиқиб, ушбу хонадондан бўлиб, Бухоро 918-948 ҳижрийда ҳукм сурган Убайдуллахондан кўп ҳиммат кўрган ва унинг давлат, соясида кўп молу мулкка эга бўлғондир”[516].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Садриддин Айний адабиётшунос ва шарқшунос олим сифатида Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий-ижодий фаолияти, илмий меросини чуқур ўрганган, катта-кичик асарлар, илмий-адабий ва тарихий мақолалар ёзган, улар томонидан қолдирилган бой илмий меросни туркий ва форс тилларидан таржима қилишда, таҳрир қилиб нашр эттиришда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

## УМАР ХАЙЁМ ТАЪЛИМОТИДА ТАСАВВУФ ОДОБИ

**Шодиев Жаҳонгир Жўрақулович**
**Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**

Умар Хайём ҳақида унинг ҳаёти, асарлари, илмий ва адабий шахси ҳақида сўз юритганда, айниқса унинг рубоийларидаги тасаввуф рамзлари айниқса инсонни ўзига жалб этади. Шубҳасиз, Хайём номининг дунёга танилишида энг катта омил унинг илмий асарлари эмас, балки унинг ноёб рубоийларидир.

Мутафаккир тасаввуф таълимотида майни Аллоҳга бўлган муҳаббат талқинидан фойдаланган ҳолда, бу муҳаббат, аввало Аллоҳ томонидан яратилган мавжудотлари ичида энг афзали бўлган инсонга бўлган муҳаббат бўлмоғи зарурлигини таъкидламоқдадир.

Умар Хайём “Мавжудликнинг умумийлиги” ҳақидаги асарида ақл, жон, муҳаббат ҳақида фикр юритади. У ибн Синога ўхшаб ақл ва жонни бир неча шаклларга ажратади. Ақлнинг энг юқори шакли фаол ақлдир. Фаол ақл муҳаббат ёрдамида жонга таъсир этади ва у билан биргаликда оламни ҳаракатга келтиради. Жон эса ўз-ўзини англашга интилади ва муҳаббат орқали фаол ақлга яқинлашади. Умар Хайём фикрича, жон ва фаол ақлни бирлаштирувчи куч-бу муҳаббатдир. Албатта, бу муҳаббат руҳий муҳаббат бўлиб, жонни ўз-ўзини англашга ёрдам беради, фаол ақлни эса, жон билан бирлашишига хизмат қилади.

Умар Хайёмнинг муҳаббат ҳақидаги фикрлари тасаввуфдаги қарашларга ниҳоятда яқин бўлган. Сўфийлар таълимотида Худо бутун борлиқ билан бирлашиб кетган, унинг нури борлиқнинг ҳар бир заррачасида, ҳар бир вужудида мавжуд. Шунинг учун сўфийлар дунёқарашида Аллоҳга бўлган муҳаббат бутун борлиқ билан бирлашиб кетиши ва ўз “Мен”лигини енгишда намоён бўлади. Ўз “Мен”идан воз кечиш анча мураккаб жараён бўлиб, зиддият ва қийинчиликларга бойдир. Умар Хайёмнинг бир қанча асарларида руҳий муҳаббат олқишланган бўлса, бошқа бир қисмида ер унинг инсоний, оддий инсонлараро муҳаббати афзалроқ кўринади:

Гул фасли, сув бўйи, кўкаламда гар.
Бўлса уч – тўрт улфат, ой юзли дилбар,
Қадаҳни сипқорғил, тонгда ичганлар –
Масжиду черковдан қутулғандирлар.[517]

Умар Хайм ўз “Мен”лигидан кечиш, инсон учун ниҳоятда мураккаб жараён деб ҳисоблайди ва бу нарса руҳий эркинликни йўқотишга ҳам олиб келиши мумкин деб ўйлайди. Бу эса, ўз навбатида, инсонни бошқаларнинг акси, нусхасига айлантириб қўйиши мумкин. Шундай қилиб, Умар Хайём фикрича, руҳий муҳаббатга эга бўлган инсон, моддий оламнинг барча гўзаллиги-ю, ҳис-туйғуларидан воз кечмайди. Ҳис-туйғулар масалан, майга ва гўзал маъшуқага бўлган ҳиссиётлар руҳий муҳаббатнинг бир кўриниши, шакли деб ҳисобланади. Умар Хайём шеъриятида руҳий

[515]Айний С. Намунаи адабиёти точик.– Москва: Чопхонаи нашриёти марказии халқии Жамоҳири шўравии Сусиёлистй, 1926. – Саҳ. 154; Унинг ўзи: Айнй С. Восифй ва асари ў “Бадоеъ ул - вақоеъ” // Шарқи сурх, 1946, № 4-5. – Саҳ. 1 -29.
[516]Айний С. Мир Араб иморатлари // Маориф ва ўқитғучи. 1927, № 5. – Б. 35.
[517] Умар Хайём. Рубоийлар. – Т.: бадиий адабиёт. 1971 йил, 58 б.

муҳаббат энг кучли ҳаётий бир қувватдир. Инсон ҳаёти қисқа, лекин ўлим инсон танасидаги руҳни енга олмайди, ҳатто, тана ҳам изчил ҳаётдан йўқолмайди. У тупроқдан ўсимликка, ўсимликдан тошга, сувга, ҳавога айланади. Моддий тана материянинг айланма ҳаракатида тинимсиз иштирок этади. Руҳ эса тананинг ўлимидан кейин оламий руҳга қўшилиб кетади. Ўлим-бу йўқ бўлиб кетиш эмас, балки бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтишдир деган фикрни маъқуллайди.

با تو بخرابات اگر گویم راز،
به ز آنکه بمحراب کنم بی تو نماز.
ای اول و ای آخر خلقان همه تو
خواهی مرا بسوز و خواهی بنواز.[518]

**Ўқилиши:**

Бо Ту ба харобота гар гўям роз,
Беҳ зонки ба меҳроб кунам бе Ту намоз.
Эй Аввалу эй Охир, халқон ҳама Ту,
Хоҳе маро би сўз-у, хоҳи бинвоз.

**Мазмуни:**

Сен билан ишқнинг харобот майхонасида гаплашиб юрганим,
Сени эсламасдан меҳроб ёнида намоз ўқиганимдан яхшироқдир.
Эй, ҳамма нарсанинг Яратувчиси бўлган Аввал ва Охир зот,
Истасанг мени дўзахингга солиб куйдир-у, истасанг жаннат билан сийла.

**Таржимаси:**

Майхонада гар Сенла айласам роз,
Яхшироқ Сенсиз ўқигандан намоз.
Холиқисан бор нарсанинг бошдан охир,
Иста, жаннат бер ва ё дўзахга бос.

Умар Хайём ҳаётни чексиз ва бепоён уммонга ўхшатади, айрим инсонларнинг ҳаёти эса, бу уммонга қўшилиб оқаётган дарёлардир. Мутафаккир фикрича, барча дарёлар ҳам денгизга қўшила олмайди, айримлари йўлда саёзлашиб, туриб қолган кўлмакларга айланиб қолади. Ҳаёт дарёсида тўғри сўз ва ҳалол инсонлар оқимга мослаша олмай чўкиб кетишлари мумкин, иккиюзламачи ва нопок шахслар эса, оқимга мослашиб ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўладилар. Ҳаёт ўзи катта бир томошага ўхшайди, инсон эса томошабинга. Бу томошани саҳналаштирувчи Аллоҳ инсон тафаккури учун парда орқасида яширинган ажойиб бир сирдир. Оламнинг бу сирини ҳеч қандай донишманд ва олим била олмайди.

## HAMJIHATLIK VA BARQARORLIK – MAMLAKATIMIZ TARAQQIYOTINING ASOSI

**S.B.Jumayev-O’zbekiston, NavDPI doktoranti**

Hozirgi zamon ta'lim-tarbiyasi, istiqlol mafkurasini teran anglash va uni yoshlar qalbiga mustahkam singdirishdan iborat. Bu yuksak g'oyani keng anglab uni yoshlarga yetkazilishida albatta ajdodlarimiz merosini o'rganish, ulardan ta'lim-tarbiya, odob-axloq, ezgulik, fidoyilik, bag'rikenglik kabi ulug' fazilatlarga targ'ib qilishda keng foydalanib, ezgu qadriyatlarimizni zamonaviy pedagogik texnologiyalari bilan hamohang o'rganib borilsa, yoshlar ta'lim-tarbiyasi borasida qo'yilgan yuksak maqsad-vazifalarga yanada samarali erishish mumkin. Bu xususda

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning: “Biz muqaddas dinimiz arkonlari va qadriyatlarini doimo ulug'lab, shu bilan birga, dunyoviy hayotga ham qat'iy ishonch bilan intilib yashagan taqdirdagina o'z ezgu maqsadlarimizga yeta olamiz” deb aytgan so'zida yoshlar ta'lim tarbiyasini shakllantirishda albatta ma'naviy merosimiz va muqaddas dinimizning asrab avaylab uning ezgu g'oyalaridan foydalanish maqsadga muvofiqligi ta'kidlab o'tilgan.

Bugungi kunda turli millatlar o'rtasida hamjihatlik barqaror rivojlanib kelganligi bois, bag'rikenglik ham noyob qadriyat sifatida mustahkamlanib bormoqda. Hozirda jahon miqyosida millatlarning o'zligini anglash, o'z manfaatlarini himoya qilish, urf-odat, an'ana va qadriyatlarini saqlab qolish hamda ularni dunyo xalqlari o'rtasida ommalashtirishga qaratilgan harakatlar kuchaymoqda. Bu jarayon qanchalik ijobiy bo'lmasin, o'z navbatida, turli millatlar

va xalqlar o'rtasida o'zligini hamda manfaatlarini himoya qilishga bo'layotgan intilishlar tolerantlik (bag'rikenglik) tuyg'ularini tobora takomillashtirib borishni taqozo etadi.

[518] “Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. 2-рубоий. 14-бет.

XX asrning ikkinchi yarmida tolerantlik muammosi xalqaro ahamiyat kasb eta boshladi. Chunki bu muammoning ijobiy hal etilishi xalqlar va turli mamlakatlar o'rtasidagi mojarolar yechimini topish imkonini beradi. Bir-biriga sabr-toqat bilan qarash, bir-birining o'zgacha yashash huquqini tan olish, tolerantlikning bosh tamoyili hisoblanadi. Shuni alohida ta'kidlash kerakki globallashuv sharoitida insoniyatning borligi va birligi, uning kelgusida barqaror yashashining eng muhim ijtimoiy sharti – bu bag'rikenglik madaniyatining to'la shakllanishidir. Hozirgi dunyodagi mamlakatlarning aksariyati ko'p millatli ko'p madaniyatli xarakterga ega. O'zbekiston ham aynan shunday mamlakatlar qatoriga kirib, mamlakatimizda madaniyatlar mushtarakligi shakllangan. Bag'rikenglik muammosining dolzarb ahamiyat kasb etayotganligini sodir bo'layotgan global muammolar mohiyatidan ham bilish mumkin. Keyingi yillarda BMT, YUNESKO kabi nufuzli xalqaro tashkilotlar tomonidan amalga oshirilayotgan tadbirlar turli din va millat vakillarining o'zaro hamkorlikda faoliyat yuritishini shakllantirishdan iborat. Masalan, 1995 yil xalqaro bag'rikenglik yili deb

e'lon qilindi. Dinlararo muloqot kabi xalqaro tadbirlarda tolerantlikni rivojlantirishga ko'maklashuvchi shart-sharoitlarni yaratish yo'llari izlanmoqda. Globallashuv sharoitlarida insoniyatning o'zaro bog'liqligini anglash, barcha xalqlar madaniyati va diniy qarashlarini hurmat etish printsiplarini jamiyatga singdirib borish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mustaqil O'zbekiston taraqqiyotida esa milliy va umuminsoniy ma`naviyatning ana shu dialektik bog'liqligini hisobga olishimiz davr talabi. Buni esa Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ma`naviyat to'g'risidagi siyosatni ishlab chiqish va amalga oshirishda hisobga olganligining guvohimiz. Xususan, Birinchi Prezidentimiz "O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li" asarida "Milliy madaniyatning o'ziga xosligini tiklashga alohida e`tibor berilishi kerak. Shu bilan birga milliy o'z-o'zini anglashning tiklanishi jahon insonparvarlik madaniyati va umumbashariy qadriyatlari, ideallaridan bizning ko'p millatli jamiyatimiz

an`analaridan ajralib qolishi mumkin emas", -deb ta`kidlagan edi. Mustaqillikni mustahkamlash, sog'lom avlodni tarbiyalash, komil insonni voyaga yetkazish borasidagi tarbiyaviy ishlarni boyliklaridan foydalanish negiziga qurmog'imiz lozim. Bozor munosabatlariga o'tish davrida ko'p millatli davlatlar uchun milliy siyosatni to'g'ri, aniq ko'zlangan maqsad asosida olib borish juda muhimdir. Bu esa taraqqiyotning jadallashuviga yordam beradi. Millatlarning va ular madaniyatining bir-biriga ta`sir ko'rsatishi ko'p millatli davlatlarda yashayotgan xalqlarning ma`naviy-aqliy boyishi uchun yaxshi manba bo'lib xizmat qilib kelgan.

Bizning maqsadimiz yurtimizda istiqomat qiluvchi barcha insonlar uchun millati, tili va dinidan qat`iy nazar, munosib hayot sharoiti yaratib berish, rivojlangan demokratik mamlakatlardagi kafolatlanadigan turmush darajasi va erkinliklarini ta`minlash berishdan iborat bo'lmog'i lozim. Bu maqsad bizning Harakatlar strategimizda ham o'z ifodasini topgan.

## ISLOM ILMIY-MA'NAVIY OLAMIDA BAG'RIKENGLIK VA TINCHLIKSEVARLIK – UMUMINSONIY QADRIYAT SIFATIDA

**Jumayev S.B.-O'zbekiston, NavDPI doktoranti**

Bilamizki, xalqimiz boy ma'naviy-madaniy merosga ega bo'lib, yosh avlodini hamisha vatanparvarlik va insonparvarlik, do'stlik va mehnatsevarlik, mehr-oqibat va birodarlik, bag'rikenglik va kamtarlik kabi umuminsoniy fazilatlar ruhida tarbiyalab kelgan. Bu borada buyuk bobokalonlarimiz: Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Abdulxoliq G'ijduvoniy, Bahouddin Naqshband, Muhammad Muso Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Boburlar hayot yo'li ibrat maktabi bo'lib xizmat qilmoqda. Bu ma'naviy merosni zamonaviylik bilan hamohang uyg'unlashtirayotgan ko'p sonli millat va elat vakillari bugun yurtimizda ijtimoiy hamkorlik, dinlararo bag'rikenglik, millatlararo totuvlik kabi g'oyalar asosida umr guzaronlik qilmoqda.

O'zbekiston Respublikasida diniy bag'rikenglik, millatlararo totuvlik, tolerantlik kabi g'oyalar davlatimiz siyosatining asosiy tamoyillaridan biri hisoblanadi. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qator moddalarida bu masalaga alohida to'xtalgan. Jumladan, "Ijtimoiy hamkorlik" g'oyasini konstitusiyaning ko'pgina moddalarida uchratish mumkin. Bunda turli sohalarida faoliyat yuritayotgan kishilarning davlat va jamiyatni boshqarishda va turli yo'nalishlar bo'yicha taraqqiy etishi uchun hamkorligini huquqiy jihatdan mustahkamlab qo'yilgan.

Millatlararo totuvlik va hamjihatlik – umumbashariy qadiriyat. U muayyan jamiyatda yashab, yagona maqsad yo'lida mehnat qilayotgan turli millat va elat vakillari ahilligining ma'naviy asosini mustahkamlaydi, shu hududdagi tinchlik va barqarorlikning, taraqqiyotning kafolati bo'lib xizmat qiladi.

Tarixga nazar solsak har bir xalq o‘z erki, sha’ni, qadr-qimmati uchun kurashganini guvohi bo‘lamiz. Huquqiy demokratik davlat qurush har bir xalqning azaliy orzusidir.

Insoniyatning ko’p ming yillik tajribasi shundan dalolat beradiki, dunyodagi zo’ravon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o’ziga tobe qilib, bo’ysundirmoqchi, uning boyliklarini egallamoqchi bo’lsa, avvalambor, uni qurolsizlantirishga, ya’ni eng buyuk boyligi bo’lmish milliy qadriyatlari, tarixi va ma’naviyatidan judo qilishga urinadi. Bunga tarixdan ko’plab misollar topiladi. CHunki har qaysi millat yoki xalqning ma’naviyati uning bugungi hayoti va taqdirini, o’sib kelayotgan farzandlarining kelajagini belgilashda shak-shubhasiz hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoev ta’kidlaganidek: “Bir bolaga yetti mahalla ham ota, ham ona. Biz uchun jamiyatda begona bola yo’q va bo’lmasligi kerak.Hammasi o’zimizning,O’zbekistonning bolalari” [i] Binobarin, ma’naviyatga qarshi qaratilgan har qanday tahdid o’z-o’zidan mamlakat xavfsizligini, uning milliy manfaatlarini, sog’lom avlod kelajagini ta’minlash yo’lidagi jiddiy xatarlardan biriga aylanishi va oxir-oqibatda jamiyatni inqirozga olib kelishi mumkin.

Bugungi kunda mamlakatimizda 136 millat va elat, 16 diniy konfessiya vakillari yagona oila farzandlaridek yashab, mehnat qilib kelmoqda. SHuningdek, ular orasida har xil millatlarga mansub aholi mavjud bo’lib, ular ham mamlakatimizning barcha fuqarolari qatori bir xil huquq va majburiyatlarga ega. O’zbekiston qonunlarida belgilab qo’yilgan huquq va erkinliklari, manfaatlari to’liq ta’minlangan. Ta’lim olishlari, mehnat qilishlari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Jamiyatni ma’naviy yangilashdan ko’zlangan bosh maqsad – yurt tinchligi, Vatan ravnaqi, xalq erkinligi va farovonligi, komil insonni tarbiyalash, ijtimoiy hamkorlik, millatlararo totuvlik, diniy bag’rikenglik masalalaridan iborat.

Bugun yurtimizda barcha millat va elat vakillari tinch-totuv, farovon hayot kechirmoqda, kelajagi buyuk O’zbekistonning bugungi taraqqiyoti, ertangi istiqboliga munosib hissa qo’shmoqda. Ularning huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini ta’minlash, ta’lim olishlari, o’z qiziqish va layoqatlari bo’yicha kasb-hunar egallashlari, madaniyatlari, urf-odatlari, an’analarini saqlash hamda rivojlantirishlari uchun barcha imkoniyatlar yaratib berilgan. Hozirda yurtimizda mavjud barcha milliy madaniy markazlar o’z xalqlarining an’analari, marosimlarini tiklash, ularni O’zbekistonda yashovchi boshqa millat vakillariga yaqindan tanishtirish, qolaversa, o’zbek xalqining madaniyati, san’ati, tili, urf-odatlarini targ’ib etishga alohida e’tibor qaratib kelmoqda. Bu sa’y-harakatlar, tabiiyki, mamlakatimizda millatlararo munosabatlarni yanada mustahkamlashga xizmat qilmoqda.

Bag’rikenglik - bizning dunyomizdagi turli boy madaniyatlarni, o’zini ifodalashning va insonning alohidaligini namoyon qilishning xilma-xil usullarini hurmat qilish, qabul qilish va to’g’ri tushunishni anglatadi. Uni bilim, samimiyat, ochiq muloqot hamda hur fikr, vijdon va e’tiqod vujudga keltiradi. Bag’rikenglik - turli-tumanlikdagi birlikdir. Bu faqat ma’naviy burchgina emas, balki, siyosiy va huquqiy ehtiyoj hamdir. Bag’rikenglik - tinchlikka erishishni musharraf qiluvchi va urush madaniyatsizligidan tinchlik madaniyatiga eltuvchidir.

## УМАР ХАЙЁМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА РУҲИЙ ПОКЛИК , РУҲИЙ ИШҚНИНГ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНИ ВА УНИНГ ИНСОНИЯТ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Шодиев Жаҳонгир Жўрақулович**
**Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**

Инсон фикри, сўзи ва иши билан гўзалдир. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гўзаллигини белгилайди.

Тасаввуф таълимотида комил инсон муаммоси асосий тадқиқот объекти ҳисобланиб, унда бу масала жуда чуқур ва кенг таҳлил этилган. Тасаввуф таълимоти учун бу назария эмас, балки амалий масала бўлган ва тариқатларда инсоннинг камолотга етиш йўли ва услублари ихтиро этилган. Зеро, мутасаввифларнинг таъкидлашича, комил инсоннинг сийрат ва суратида илоҳийлик ва инсонийлик мужассамдир, зотан илоҳийликни инсонийликдан ва инсонийликни илоҳийликдан ажратиб тасаввур этиб бўлмайди. Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси илоҳийлик ва инсонийлик тажаллийсининг мукаммал ва олий даражаси, барча инсон зоти ягона илоҳий жавхарнинг шуъласи, тажаллийсидир. Шунинг учун борликдаги барча мавжудотлар уни ҳурмат - эҳтиром ҳамда хизмат қилмоқлари зарур.[519]

Умар Хайём билиш жараёнида ақл ва қалбнинг ўзаро муносабати масаласига тўхталиб, ақлни қалбга, руҳга эга ва ўз навбатида, ҳеч бир жонни ақл-идроксиз яшай олмайди, деб ҳисоблайди. Улар

[519] Эркин Зоиров. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. Т.: Турон замин зиё. 2015. 71 б.

биргаликда самони, сайё- раларни бошқаради. Бунда руҳ, қалб самони ўз фаолияти билан ҳаракатга келтирса, ақл уни муҳаббат билан ҳаракатга келтиради ва шунинг учун ҳам ақл руҳга, қалбга нисбатан юқорироқ туради, зарурий вужудга яқин бўлади. Шу сабабга кўра ҳақиқатни билишда мустақил, руҳ эса унинг кўмагига муҳтождир.

Ақл ва руҳ уларнинг бирлиги, мутафаккирнинг таъкидлашича, самони ҳаракатга келтирувчи куч бўлибгина қолмай, балки уни билиш воситаси ҳамдир. Зарурий вужуд ва борлиқни билиш, улар тўғрисида билимларга эга бўлиш, тушунча ва категорияларни яратиш ана шу мавжудотларнинг табиати, самонинг ҳаракати билан белгиланади.

Умар Хайём яккахудоликни, тавҳидни тан олган мусулмон файласуфдир. Лекин, айни пайтда Умар Хайём ҳамда ундан аввал ва кейин ўтган машоиййун-файласуфлар билан юнон файласуфлари, айниқса, Арасту ўртасида мустаҳкам боғлиқлик бор. Уларнинг ҳаммаси юнон файласуфлари изидан борган.

Маълумки, мусулмончиликнинг асоси-тавҳидда, яккахудоликда. Аллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Қадимги юнон мутафаккирлари айнан ана шу тавҳид йўлини фалсафий жиҳатдан асослаб берган. Юнон донишманди Суқрот ўлимга маҳкум этилганида, юнон маъбудларига шак келтиришда, ёшларни нотўғри йўлга (аслида тавҳид йўлига) даъват этишда айбланади. Лекин Суқротнинг ўлими олдидан: “Мен Унинг (уларнинг эмас!) ёнига кетяпман!” дейди. Шунингдек, Афлотуннинг ғоялар, мутлақ руҳ, эманация ҳақидаги таълимоти ҳам тўғридан-тўғри яккахудолик масаласига бориб тақалади. Лекин Суқрот ва Афлотун тавҳидни фалсафий-назарий жиҳатдан асослашга уринмаган.

Таъкидлаш жоизки, Хайём аниқ фанлар ва фалсафа борасида қай даражада етукликка эришган бўлса, ўз Раббини билишда ҳам шундай мақомга етган.

Бу ўринда икки ҳодисага эътиборни қаратмоқ лозим. Булардан бири мутафаккирнинг ўз ўлимини олдиндан сезганлиги. Байҳақийнинг эътирофича, у Умар Хайёмнинг қариндошидан қуйидагиларни эшитган: “Бир куни у (Хайём) олтин мисвок билан тишини тозалаб туриб, “Аш-Шифо” (Ибн Сино) асарининг метафизика қисмини диққат билан ўқир эди. Китобнинг яккалик ва кўплик ҳақидаги бобига келганида, у мисвокни варақ орасига қўйиб: “Шоҳидларни чақир, мен васият қилмоқчиман”, деди. Кейин у туриб, намоз ўқиди, (шундан сўнг) ҳеч нарса емади ҳам, ичмади ҳам. Хуфтон намозини ўқиб бўлганидан кейин у бошини саждага қўйди ва сажда ҳолатида, “Ё Раббим, мен Сени имконим қадар билдим. Тавбамни қабул айла, Сени билишим - менинг Сенга борадиган йўлим эди”, деди-да, жон берди”.

Иккинчи ҳодиса эса Аҳмад ан-Низомий ал-Арузий ас-Самарқандийнинг мана бу шоҳидлиги билан боғлиқ: “Беш юз олтинчи (1112/13) хожа имом Хайём ва хожа имом Музаффар Исфизорий Балхда амир Абу Саъд Жаррийнинг Қулдорлар маҳалласидаги саройига бордилар, мен эса, хизматда бўлиш учун уларга қўшилдим. Базм пайтида Ҳужжат ул-ҳақ Умар: “Менинг қабрим шундай жойда бўладики, у ерда ҳар баҳор еллар устимдан гул сочиб туради”, деганини эшитдим. Бу сўзлар мени ҳайратлантирди, бироқ мен бунақанги одам асоссиз гапирмаслигини билардим. Беш юз ўттизинчи (1135/36) йили мен Нишопурга бордим, ўшанда у улуғ инсон (ўз) юзини қабр билан тўсганига ва бу дунёи-дунни етим қолдирганига тўрт йил бўлган эди. У менинг устозим эди.

Мен жума куни унинг қабри зиёратига отландим ва уни кўрсатиб бериш учун ёнимга бир одам олдим. У мени Ҳайр қабристонига бошлаб келди. Мен чапга бурилишим билан, қўшни боғни ўраб турган девор остидаги устозим қабрини кўрдим: нок ва ўрик дарахтлари боғ деворидан ошиб ўтган, қабр устига осилган шохлари шунчалик гулларини кўп тўккан эдики, бутун қабр гулга кўмилиб ётарди. Ўшанда мен Балхда эшитган сўзларни эслаб, йиғлаб юбордим…”.

Бу икки ҳодиса Хайёмнинг, ўзи айтганидек, Худони билганлигидан далолатдир. Чунки Худони фақат ўзини билган одамгина била олади, ўзини англаб етган одамгина Худони англаб етади: “Ўзини англаб етган кишигина ўз Яратганини англаб етади…”. Ўзининг ёнига ўлим фариштаси қачон келишини билган, ўлимидан сўнг ўз қабрининг ўзи орзу қилган жой ва ўзи хоҳлаган ҳолатда бўлишига эришган одамлар оддий бандалар эмас, улар комиллик даражалари пиллапоясининг энг юқорисидан ўрин олган -инсонлардир.

گنه خوردم در خور اثبات تو نیست،
و اندیشه من به جز مناجات تو نیست.
من ذات ترا بواجبی کی دانم،
داننده ذات تو به جز ذات تو نیست[520]

[520] “Мажмуаи расоил” (“Рисолалар тўплами”) қўлёзма асарида жами 9 та алломанинг рисоласи ва назмий ижоди жамланган. Мазкур қўлёзма асар ҳижрий 1254, милодий 1838 йилда кўчирилган бўлиб, у Эроннинг “Мажлиси Сино” кутубхонасида 12828/110 рақами остида сақланади. 2-рубоий. 173-бет.

**Ўқилиши:**
Гунаҳ хўрдам, дархўри исботи Ту нест,
Ваандишаиманба жузмуножоти Ту нест.
Манзоти Туроба вожибикай донам,
Донандаизоти Ту ба жуззоти Ту нест.
**Мазмуни:**
Гуноҳ қилдим, буни Сенга исбот қилиб ўтириш шартмас,
Менинг Сенга муножот қилишдан ўзга фикрим йўқдир.
Мен Сенинг зотинг қанақалигини қайдан ҳам билардим,
Сенинг зотинг қанақалигини Сендан бошқа биладиган зотнинг ўзи йўқ.
**Таржимаси:**
Гуноҳ қилдим, керакмас Сенга ҳеч исбот,
Фикр-у, зикрим Сенгақилмоқдир муножот.
Қаёқдан ҳам билардим, зоти покингни,
Зотингни Сендан ўзга билмагай ҳеч зот.

Баъзи тадқиқотчилар Умар Хайёмни тасаввуф таълимотига яқин бўлган деб ҳисоблайдилар. Тасаввуфда май ҳаёт хурсандчилиги тимсоли сифатида ишлатилади. Инсон бу дунёга ғам-алам чекиш учунгина эмас, ҳаётдан хурсанд бўлиш учун ҳам келади. Инсон қалби муҳаббат ва хурсандчилик боғини ўзига макон қилиб танлайди. Лекин бу боққа ғурбат ва ташвиш қора илон бўлиб кириб олади. Умар Хайём фикрича, инсон руҳи бу моддий оламга қувонч учун келади. Руҳ учун инсон танаси зиндон эмас ва руҳ ундан ҳазар қилмайди, балки улар бир-бирига мойилдир.

## ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ СОБЫТИЙ ОСНОВЕ ФИЛОСОФИСКИХ И КОНКРЕТНЫХ ПРИНЦИПОВ

**Уктам Бердиев**
**Преподаватель Навоийского государственного педагогического института**

**РЕЗЮМЕ**

*В статье научно обосновывается изучение исторических событий на основе таких методологических принципов, как исторический, объективность, альтернативный, системный, социальный подход, историческая целостность. Исследователи представили теории для изучения, познания и освещения реальной истории.*

**RESUME**

*The article scientifically substantiates the study of historical events based on such methodological principles as historical, objectivity, alternative, systemic, social approach, historical integrity. Researchers presented theories for learning, understanding, and illuminating real history.*

**Ключевые слова:** исторический феномен, постмодеонисты, cientsis, anticientsis, социально-историческая целостность, принцип, методология, принцип, социальный подход, альтернатива, объективность, историческое знание.

**Keywords:** historical phenomenon, postmodernists, scientist, anticientsis, social-historical integrity, principle, methodology, principle, social approach, alternative, objectivity, historical knowledge.

Комплексный анализ исторического исследования исторических событий и исторических процессов, основных причин и характеристик политико-исторической ситуации является важнейшим фактором возникновения исторической истины. Одна из важнейших задач, стоящих сегодня перед историками, - это разные подходы и мнения авторов к вопросам исследования, разнообразие выводов, их глубокий научный анализ и получение наиболее точных выводов, основанных на истории, науке и объективности. История - это теоретическая и прикладная наука, и историк анализирует прошлое с точки зрения своего времени. [1: 163]

Каждая наука опирается на общие, то есть философские и частные принципы, применяемые во всех науках в области познания своего объекта как научного отражения. С момента обретения независимости термин «принцип» использовался вместо слова «принцип» в научной литературе, издаваемой на узбекском языке. Слово «принцип» происходит от арабского слова, обозначающего склонность, склонность и стремление. [2: 114] Слово «принцип» на латыни означает начало,

основание, первопричину. Это основа совокупности знаний и, следовательно, основные правила действий. [3: 336]

Споры и дебаты между историками и философами о том, является ли история проявлением науки или искусства, ведутся уже давно. Более постмодернисты склонны оправдывать следующий тезис. Историки же, как обычно, проводят исторические исследования, иногда споря с учеными (теми, кто считает историю наукой) и антиучеными (теми, кто пытается доказать, что история ненаучна). Между этими двумя взглядами существует третья точка зрения, которая подчеркивает, что история является наукой, но отличается от других естественных и конкретных наук своими отличительными чертами [4: 121].

Методологические принципы изучения исторических событий показывают, что, обучая историков и повышая их знания и научный потенциал, предоставлять достаточные знания о различных методах исследования и подходах к истории и делать выводы, основанные на точных, научных и исторических фактах. Основные задачи исследования.

В этой связи особое значение имеют следующие взгляды Первого Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова: «Обратной стороной является то, что субъективное мнение заразительно. Глубокий анализ, одностороннее мышление, не основанное на логике, отвлекает людей, особенно учителей истории. Они также передают студентам, что то, что они слышат, - правда. Только выводы, которые являются результатом дебатов, дискуссий, анализа, могут направить нас в правильном направлении. Это первое. Второй момент - мы объявили воспитание идеального мужчины приоритетным направлением государственной политики. Когда мы говорим об идеальном человеке, мы имеем в виду, в первую очередь, образованных, просвещенных людей, обладающих высоким сознанием, способных мыслить независимо и которые своим поведением подают пример другим. Сознательного, знающего человека сплетнями не обмануть. Он все взвешивает на весах разума и логики. Тот, кто основывает свои мысли и заключения на логике, становится зрелым человеком »[5: 6].

Одна из целей изучения истории сегодня - войти в культурно-историческую среду, сформировать способность чувствовать себя свободным во времени и пространстве, а у старшеклассника изучать сущность истории (философия истории), а не историческую. факты. Философия истории помогает сформировать самостоятельность мысли, описывает основные пути развития человеческого общества, расширяет мировоззрение, в большей степени регулирует реальную историческую широту [6: 270-271], основной целью которой является познакомить студентов с принципами научной теории познания, изучения и понимания исторических событий, а также их характеристиками, которые необходимы в процессе исторического исследования. Полное владение, знание и применение правил принципа историографии, четко разработанного при изучении исторической науки, помогает в совершенстве овладеть историческими знаниями. Познакомить историков с теориями познания, основанными на философском подходе к истории, общенаучными знаниями, идеями исторического познания, методами и принципами научного исследования исторических событий, познакомить зарубежных историков с опытом зарубежных стран и показать особую роль историка в процессе исследования - один из методологических принципов.

Другой методологический принцип исследования исторических событий - принцип историчности. Например, если мы хотим изучить историю того или иного государства с исторической точки зрения, прежде всего, когда и при каких исторических условиях оно возникло? Во-вторых, какие этапы он прошел в своем развитии? В-третьих, если он разбился, каковы были его причины, и если да, то в каком он состоянии сейчас и каким он стал? Необходимо будет четко ответить на вопросы. [7: 281] Все исторические свидетельства требуют, чтобы мы видели события во взаимосвязи друг с другом в соответствии с конкретным историческим процессом. Любое историческое событие необходимо изучать на стадии развития: как оно возникло, какие этапы прошло в своем развитии и каким оно стало в конечном итоге. Невозможно увидеть событие или человека одновременно или без учета абстрактного времени.

Одним из методологических принципов исследования исторических событий является принцип объективности. Принцип беспристрастности требует, чтобы исторические события, все связанные с ними ситуации в изучении духовной и просветительской жизни, вместе со всем набором свидетельств без исключения, были основаны на ясных, правдивых свидетельствах [8: 281], скорее, он определяет его. видеть их в их истинном контексте. Этот принцип требует комплексного анализа положительных и отрицательных аспектов каждого исторического события. Теоретические взгляды, методологическая культура, профессионализм и порядочность историка - главные факторы принципа беспристрастности.

Некоторые ученые подходят к историческому событию на основе социального подхода. Выделяется отдельная область сущности, происхождения, структуры человеческого общества, места и роли человека в обществе [9: 151], в которой события интерпретируются с учетом интересов разных слоев населения, их появление в обществе. Этот принцип можно назвать классным или партийным. Учитывается специфика практической деятельности индивидов, семей, партий или правительств в классе и узком кругу. При таком методологическом подходе исторические события часто не оцениваются точно и объективно. Это до некоторой степени освещено преувеличениями или упущениями.

Принцип альтернативности. При анализе и исследовании исторических событий и процессов научные выводы даются объективно и непредвзято, и в данном случае записываются. Никаких преувеличений и упущений не будет. Если подходить к этому на основе принципа альтернативы, история человека и человечества, эволюция его развития записываются честно и достоверно. Признание альтернатив позволяет каждой стране пересмотреть свой путь, увидеть неиспользованный потенциал процесса и извлечь уроки из них на будущее. Это потому, что интерпретация прошлого без альтернативного образа не имеет ничего общего с наукой о реальной истории. [10: 276] Научная достоверность в изучении истории прошлого обеспечивается только в том случае, если исторические события изучаются на основе всех методологические принципы и методы.

В исторической науке эти принципы отражают прежде всего корреляционно-функциональные связи культурных частей сфер общественной жизни, взаимозависимость внутренних и внешних сторон страны. В системе существ на основе взаимоотношений происходят интегралы, их формирование, совершенствование и переход в другой тип. Это представлено принципом целостности. В истории человечества историческая целостность страны и связанные с ней исторические процессы основываются на корреляционно-функциональных связях культурных частей сфер общественной жизни. «Мы хотели бы добавить, что ядро общества - это две стороны культурного единства - социально-историческое интегрированное общество со своими внутренними процессами материальной и духовной культур - два полюса страны, две другие стороны - Социальная сфера и ее единицы являются субъектом общества данной страны, то есть творцом и носителем из поколения в поколение. Остальные, то есть политическая и правовая культуры, являются мускулами этой социально-исторической целостности и процессов. Эта социально-историческая целостность обеспечивает социально-исторические процессы. Социально-исторические процессы обеспечивают существование этой целостности, страны. Социально-исторические процессы представляют собой движение социально-исторической целостности »[11:62]. Мы также видим там же, что существуют детерминанты друг друга - законы. Эти определяющие отношения в истории человечества представлены определяющим принципом. Детерминизм как философский принцип отражает закономерные связи и развитие.

Эта ситуация в истории личности, безусловно, является проявлением системности. Следовательно, в нашем историческом познании исследователь не должен упускать из виду это проявление философского принципа взаимозависимости в истории человечества как принципа исторической целостности. Принцип исторической целостности, основанный на диалектическом культурном понимании истории, дополняет историчность, систематический анализ истории человечества. Принцип систематизации, выдвинутый в исторической науке [12: 176], фактически является общим для всех наук. Таким образом, он имеет широкий охват и представляет собой философский принцип. Это часть принципа честности. Потому что объективно он состоит из целого. Система, то есть система, является законным целым. Тот факт, что эти идеи сохраняются и запоминаются исследователем как научная рефлексия, обеспечивает объективность научной работы. Принцип исторической целостности в историческом познании есть проявление принципа единства. На основе взаимозависимостей также существуют интегралы и их переход в простой комплекс. Отражение этого состояния в научном знании как научное отражение называется принципом развития. Хотя основой истории человечества является существо культуры, оно, в свою очередь, имеет существенную основу и законы развития. Это проявление существенного развития, основанного на продолжении истории человечества. В историческом познании и принцип историчности, и принцип систематики непосредственно основаны на этих субстанциальных основах и законах - законах прогрессивного субстанционального кругового цикла культурного существования и растущей потребности. Идея о том, что определенные этапы в развитии культурного образования порождают исторические этапы и периоды, составляет суть принципов исторической науки. В последнее время в науке также укоренился синергетический подход. В истории человечества сферы общественной жизни должны опережать или отставать друг от друга, или в системе стран мира

любая страна должна отставать или опережать в развитии, положительные или отрицательные эффекты должны отражаться в принципе социальной синергетики. .

Ряд исторических источников дошел до нас из истории Древнего Востока в различных формах и формах. Одна из основных задач учителя истории должна заключаться в понимании их разделения и анализа. [13: 266]

Короче говоря, методологические принципы изучения исторических явлений - как философские принципы - трансформируются в принципы исторической науки и применяются в конкретном случае. Из этой особенности проистекают особые принципы исторической науки. Идея о том, что определенные этапы в развитии культурного образования порождают исторические этапы и периоды, составляет суть принципов исторической науки. Каждая наука опирается на общие, то есть философские и частные принципы, применяемые во всех науках в области познания своего объекта как научного отражения. Опора исследователя на принципы исторической науки как научного отражения будет зависеть от его философского понимания события. Научная достоверность в изучении истории прошлого обеспечивается только в том случае, если исторические события изучаются на основе всех методологических принципов и методов и если они соблюдаются. В исторической науке эти принципы отражают прежде всего корреляционно-функциональные связи культурных частей сфер общественной жизни, взаимозависимость внутренних и внешних сторон страны.

**Список использованной литературы**

1. R.Rajabov, X.Abuyev, X.Qurbonov. Tarix fani metodologiyasi –T.: Yangi asr avlodi, 2018. P.163.
2. O`zbek tilining izohli lug`ati/ – 2. –Moskva. “Rus tili”, 1981. P.114.
3. Falsafa: ensiklopedik lug'at (ishlab chiquvchi va mas'ul muharir Q.Nazarov). – T.: “Sharq”, 2004. P.336.
4. D.Alimova, Z.Ilxomov. Tarix fani metodologiyasi. –T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2018. P.121.
5. I.A.Karimov. Tarixiy xotirasiz kelajak yo`q. – T.: Sharq, 1998. P.6.
6. R.Rajabov. Tarix fanining metodologik asoslari. – T.: Istiqlol, 2013. P.270-271.
7. R.Rajabov. Tarix fanining metodologik asoslari. – T.: Istiqlol, 2013. P.281.
8. R.Rajabov. Tarix fanining metodologik asoslari. – T.: Istiqlol, 2013. P.281.
9. Falsafa: ensiklopedik lug'at (ishlab chiquvchi va mas'ul muharir Q.Nazarov). – T.: “Sharq”, 2004. P.151.
10. R.Rajabov. Tarix fanining metodologik asoslari. – T.: Istiqlol, 2013. P.276.
11. B.Turdiboyev. Ijtimoiy-tarixiy yaxlitlik va jarayonlarni ijtimoiy-falsafiy bilishning o`ziga xos xususiyatlari. – T.: “EXTREMUM PRESS”, 2011. P.62.
12. D.Alimova, Z.Ilxomov. Tarix fani metodologiyasi. –T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2018. P.176.
13. R.Rajabov. Tarix fanining metodologik asoslari. – T.: Istiqlol, 2013. P.266.

## YOSH AVLODDA BAG`RIKENGLIK MUNOSABATLARINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI

**NavDPI Umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi**
**katta o`qituvchi M.M.Qodirova**

Jamiyatning barcha tizimlarida ro`y berayotgan o`zgarishlar uzluksiz ta’lim-tarbiya tizimidagi ta’lim jarayoni orqali yoshlarning shakllanayotgan shaxs fazilatlari sifatida namoyon bo`ladi. Shunday ekan kelajagimiz poydevori bo`lgan yosh avlodda bag`rikenglik xususiyatlarini shakllantirish barkamol shaxs tarbiyasida muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda xalqlar dinlar o`rtasidagi bag`rikenglik, tolerantlik g`oyasi dunyoda eng dolzarb masalalardan biridir. YUNESKO Bosh Assambleyasi konferensiyasining 1995- yil 16 noyabrda o`tkazilgan 28-sessiyasida qabul qilingan “Bag`rikenglik tamoyillari deklaratsiyasi” dunyoda tinchlik va totuvlikni ta’minlash, inson huquqlari va erkinliklarini ustuvorligini kafolotlash, teng huquqlilik hamda o`zoro hamkorlik munosabatlarini rivojlantirish yo`lidagi muhim qadam bo`lib xizmat qilmoqda. Konstitutsiyamizda “O`zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo`lib, jinsi, irqi, millati, e’tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeyidan qat’iy nazar, qonun oldida tengdirlar” degan tamoyilining mustahkamlab qo`yilishi esa, bu boradagi ishlarning qonuniy asosi bo`lib xizmat qiladi. Tolerantlik tuyg`usi insonning xulq-atvori, odob-axloqi, siyosiy- ma’naviy pokligi, o`z xalqiga va milliy tarixiy qadriyatlariga munosabatini belgilab beradi. Bu xususiyatlar esa har bir insonda bag`rikenglik, baynalmilallik tuyg`ularini uyg`otadi.

“2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha harakatlar strategiyasi” ning beshinchi yo`nalishi ham aynan diniy bag`rikenglik va millatlararo totuvlikni ta’minlash masalasiga bag`ishlangani mamlakat Prezidenti va Hukumatining xalqaro hujjatlarda belgilangan umuminsoniy vazifalarga qaratayotgan yuksak e’tiborining namunasi hamdir. Ma’lumki, bag`rikenglik g`oyasi millat va elatlar vakillarining bir zamin, bir vatanda olijanob g`oya va niyatlar yo`lida hamkor va hamjamiyat bo`lib yashashni anglatadi. Qadim-qadimdan millay qadriyatlarimiz ezgulik g`oyalariga asoslanib, yaxshilik, tinchlik, do`stlik kabi fazilatlarga tayanib kelgan. Odamlarni halollik, poklik, mehr-oqibat va bag`rikenglikka chorlagan. O‘zbek xalqining o‘ziga xos xususiyatlaridan biri tolerantlik (bag‘rikenglik, sabr-toqatlilik) xususiyatlaridir. Millatidan qat’iy nazar, o`zgalarning quvonchidan shodlanish, qayg`ulariga hamdard bo`lish qadimdan o`zbek xalqiga xos fazilatdir. Tolerantlik ko’p millatli jamiyatda ijtimoiy tenglikka yetishish hamda jamiyatda tinch-totuvlikni saqlashning asosi bo’lib, diniy, madaniy hayot tarziga ko’ra farqlarning borligini tan olish, o’z madaniyatini ikkinch bir madaniyatdan ustun qo’yishdan voz kechish hisoblanadi. Tolerantlik ko‘p qirrali va murakkab hodisa. Ayni chog‘da u ijtimoiy munosabatlar hodisasi sifatida jamiyatning muayyan madaniy tarixiy holatiga muvofiqdir. Jamiyat obrazining timsoli o‘laroq, u shu jamiyatga xos mentalitet, insoniy mehr-muhabbat, hurmat, oqibat, bag‘rikenglik darajasini o‘zida aks ettiradi. Tolerantlik tushunchasiga turli soha mutaxasislari ta’rif berib o`tganlar. Jumladan, tolerantlik falsafiy ma’noda-lotincha chidam, chidamlilik, toqat qilish, kengfe’llik manosida “tolerantia” so`zidan olingan bo`lib, falsafada bag`rikehglik, xayrixohlik tushunchalarini ifodalaydi. Psixologik ma’noda tolerantlik bu-individning o`z asab va ruhuy muvozanatini tiklash, muvaffaqiyatli moslashish, adovatga yo`l qo`ymaslik va uni o`rab turgan olam bilan ijobiy munosabatlarni rivojlantirish maqsadida muammoli va inqirozli vaziytlarda tashqi muhit bilan faol aloqa qilish qobiliyatini belgilovchi birlashna, integral xususiyat sifatida ma’no-mazmun kashf etgan. Torelantik yo’nalishidagi ijtimoiy ko’nikmalar- bu odamlar bilan to’g’ri muomalada bo’lish, urush-janjalli vaziyatlardan chiqa olish, odamlar bilan til topisha olish, ijtimoiy-psixologik vazminlik, ijtimoiy sezgirlik, empatiyaga moyillik, bag’ri kenglik, boshqa odamlarning yaxshi tomonlarini baholay olishdir. O‘zbek milliy qadriyatlari negizini ifodalovchi o‘zbek xalqining qator fazilatlari turkumi borki, ular tolerantlikning namoyon bo‘lish omili hisoblanadi. Masalan: hayo, ibo, kattalarga hurmat, kichiklarga izzat, mehnatsevarlik, ota-onani ulug‘lash, o‘z manfaatini ustun qo‘ymaslik, o‘zgalar harakatiga toqat kabi fazilatlar orqali tolerantlik kafolatlangandir.

Yosh avlodda tolerantlikni tarbiyalash quydagilarni o’z ichiga oladi.

1.Dunyodagi barcha narsalarning o’ziga xos xususiyatga ega ekanligini tushuntirish.

2.Millatlarning irqi, dini, hayot tarzi har xil ekanligini tushuntirish.

3.Bag’rikenglik, sabr toqatlilikning ahamiyatini tushuntirish.

4.Fuqarolarni o’zaro tinch-totuvlikda yashashga o’rgatish.

5.Yoshlarda mas’uliyatlilik, javobgarlik kabi xususiyatlarni tarbiyalash .

6.Yosh avlodda vazminlikni kuchaytirish, bag’rikenglik, sabrlilik, chidamlilik kabi xususuyatlarni tarbiyalash.

Bag`rikenglikni tarbiyalash ko’p ma’noli, murakkab tushuncha sifatiga o’quvchiga ko’p tamomlama ta’sir etishni, ularda odamni sevish, hurmat qilish tuyg’ularini, inoqlikda yashashga intilish, sabrlilik, bag’rikenglik, chidamlilik, kechirimlilik kabi xususiyatlarni shakllantirishni talab qiladi.

Yoshlarda tolerantlik xususiyatlarini tarbiyalashda mamlakatimizda hukm surayotgan siyosiy-ijtimoiy, milliy va madaniy voqeliklar mohiyatini anglashga alohida e’tibor qaratish muhim tarbiyaviy vositadir. Chunonchi, mamlakatimizda ko`plab o`zga millatlarning milliy-madaniy markazlari faoliyat ko`rsatayotgan ekan, tolerantlik tarbiyasida ularning faoliyatlarini o`rganish va tahlil etishga ham e’tibor qaratish lozim bo`ladi.

Xulosa tariqasida shuni ta’kidlash o`rinliki, o`sib kelayotgan yosh avlodga sabrlilik, bag’rikenglik , chidamlilik, kechirimlilik va boshqa xususiyatlarni singdirish va mazmunini anglatish ularning dunyoqarashi, dunyoni qabul qilshlarini, anglashlarini o`zgartirib, tolerantlik xulq-atvoriga ega bo`lishlariga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasininig Konstitutsiyasi. – T.: “O’zbekiston”, 2003 y

2.V.Karimova, N Shomurodova “Etnopsixologiya”-Toshkent-2012

3.L.G.Pochebut “Kross-kul’turnaya etnicheskaya psixologiya”, Moskva, Sank-Peterburg 2012.

4.X. M. Alimov. Milliylik va ijtimoiy ruhiyat.– T.: «O`zbekiston», 1992.

5.V.Karimova. Salomatlik psixologiyasi.- T.:Yangi avlod. 2005.

# YOSHLAR TARBIYASIDA ISLOMIY TA’LIMNING O‘RNI

**Muhammadiyeva Laziza Nizomovna**
**Navoiy Viloyat XTXQTMO hududiy markazi o‘qituvchisi**

**Rezyumi:** Maqolada Vatanimizda diniy ta’lim tizimining tarixiy ildizlari hamda uning bugungi yosh avlod ta’lim – tarbiyasi jarayoniga ta’siri yoritilgan

**Rezumi.** The article describes the historical roots of the system of religious education in our country and its impact on the process of education of today's younger generation.

Har bir xalqning obro‘- e’tibori uning tarixi, ulug‘ siymolarining insoniyat tamadduniga qo‘shgan hissasi bilan o‘lchanadi. O‘zbekiston butun islom olami uchun muhaddislar, olimu ulamolar etishtirib bergan muqaddas yurt sifatida dunyoda shuhrat qozongan. Islom dini garchi Arabistonda qaror topgan bo‘lsa-da, u o‘zbek zaminidan quvvat olganini dunyo musulmonlari yakdil e’tirof etishadi. Qadimdan Samarqandu Buxoro shaharlaridagi madrasalarda diniy hamda dunyoviy fanlardan birdek saboq berilgani bois bu yerga kelib o‘qishni islom olami yoshlari orzu qilishgan. Toshkent, Termiz, Nasaf kabi shaharlarda ham ilm-fan, ma’naviyat va ma’rifat, adabiyot, san’at ilohiyotshunoslikka yo‘g‘rilgan holda gurkurab rivojlangani haqida tarixiy ma’lumotlar guvohlik beradi. Shu bois, yurtimiz azaldan islom ilm-fani va madaniyatining qadimiy beshiklaridan biri hisoblanib kelgan. Imom Buxoriy, Burhoniddin Marg‘inoniy, Imom Termiziy, Mahmud Zamaxshariy, Qaffol Shoshiy, Bahouddin Naqshband, Xoja Ahror Valiy, Alisher Navoiy va boshqa ko‘plab allomalar nomi nafaqat islom, ayni vaqtda jahon sivilizatsiyasi tarixida haqli ravishda oltin harflar bilan bitilgan.

Mustaqillik sharofati o‘laroq diniy va milliy qadriyatlarimiz to‘laligicha tiklandi, ulug‘ ajdodlarimizning xotiralariga munosib ehtirom ko‘rsatildi, ular qoldirgan diniy-ilmiy va ma’naviy-ma’rifiy merosni o‘rganish uchun imkoniyatlar yaratildi.

Vatanimizda diniy ta’lim tizimi o‘zining ko‘p asrlik va boy an’analariga ega. Samarqand, Buxoro, Xiva, Toshkent madrasalari o‘rta asrlarning universitetlari vazifasini bajargan. O‘rta asrlardayoq Buxoro o‘zining madrasalari va ulamolari bilan shuhrat qozongan va haqli ravishda “Islom olamining quvvati” unvoniga sazovor bo‘lgan.

Musulmon renessansi, ya’ni ilmiy-ma’rifiy uyg‘onish davriga asos solgan ulug‘ ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan va bugungi kunda ham ma’rifatli dunyoni hayratga solib kelayotgan ilmiy merosni o‘rganish, ilmiy-tadqiqot ishlari olib borish, ular yaratgan ilmiy yo‘nalishlar va maktablar an’analarini davom ettirish bugungi avlod oldida turgan dolzarb vazifalar sirasiga kiradi.

O‘rta asrlardayoq Buxoro dorilfununlarida tahsil ko‘rgan yoshlar keyinchalik ulug‘ olimu fuzalolar bo‘lib yetishishgan. Ular tafsir, fiqh va boshqa diniy ilmlar qatorida riyoziyot, handasa, jug‘rofiya, ilmi nujum singari dunyoviy bilimlarda ham yuksak kamolot kasb etishgan. Mirzo Ulug‘bek Buxoro hamda Samarqandda o‘zi bunyod qilgan madrasalar peshtoqlariga barcha zamonda ibrat olsa arziydigan oyatlar va hadislarni o‘z davrining mashhur xattotlari tomonidan yozdirib qo‘ygani ham bejiz emas. Bu yozuvlar bugungi O‘zbekiston yoshlari uchun ham ibratdir.

Ayni paytda shiddat bilan o‘zgarib borayotgan zamon muqaddas islom dini ahkomlarini noto‘g‘ri talqin qilish, ularni soxtalashtirish yo‘li bilan turli fitna va buzg‘unchiliklar sodir etilayotgani dinimizning sofligini saqlash, uning tinchlik va insonparvarlikdan iborat asl mohiyatini jamiyat a’zolari va, ayniqsa, yoshlarga yetkazishga qodir, yuqori darajada ilmiy va diniy salohiyatga ega komil shaxslarni tayyorlashni taqozo qilmoqda.

Islom diniga munosabat masalasida ham o‘zbek xalqi turli murakkab davrlarda imon-e’tiqodini, dinu diyonatini pok saqlab qolib, zamonaviy dunyoda islom madaniyatini targ‘ib etishda jonbozlik ko‘rsatdi, deb ishonch bilan aytish mumkin. Fiqhga oid “Muxtasar”, Hadis kitoblari, Imom Buxoriy, Burhoniddin Marg‘inoniy, Imom Termiziy, Hakim Termiziy, Mahmud Zamahshariy, Bahouddin Naqshband kabi buyuk zotlarning boy merosi xalq ongidan qaytadan joy olishi bu zaminga ilohiy nurlarini yog‘dirdi.

Necha asrlar davomida milliy qadriyatlarimiz va xalqimiz dunyo qarashi takomilida yuksak ma’naviyat va ma’rifat bulog‘i hamda beqiyos odob – axloq maktabi bo‘lib kelgan xojagon – naqshbandiya tariqati o‘zining chuqur ildizlariga ega. Hazrati Bahouddin Naqshband taminotidan asoslangan tasavvuf talimoti Markaziy Osiyo, O‘rta va Yaqin Sharq xalqlarinig ijtimoiy-siyosiy, manaviy-madaniy hayotida juda katta ahamiyat kasb etgan.

Hazrat Bahouddin Naqshband ta’limoti ma’lum pedagogik tizim va inson ruhiy olami mohiyatiga asoslangan ta’limot, desak xato bo‘lmaydi. Chunki uning inson imkoniyatlariga mos kelishi hayot sinovidan o‘tganligidadir.

Bu ta’limot boshqalar bilan kun kechirishda tekinxo‘rlikni, ijtimoiy zulm-sitamni qat’iyan qoralaydi. Naqshbandiya tariqati amaliyotining yaqqol ajralib turadigan xususiyati insonga ko‘rsatadigan mehr-shavqatning faqat insonlargagina emas balki kosmologik, global iqtisodiy mehr-shavqat yo‘nalishiga ega ekanligidir.

Naqshbandiya tariqatida hozirgi zamon kishisida go‘zal axloqni tarbiya qilish, haq yo‘liga chinakam halollikka, pokiza rostgo‘ylik, mehr-shavqat odamiylik va vatanparvarlik ruhi bilan sug‘orilgan sufiylik ta’minotini singdirish imkoniyatlari beqiyosdir. Naqshbandiya g‘oyalari insondagi salbiy xislatlardan xoli bo‘lish, ezgu va halol, adolatli xulq-atvorni taribiyalashda ularni xufiya zikr orqali amalga oshirish, insonni haq yo‘liga intilishi orqali o‘zini poklash tizimi hisoblanadi.

Hazrat Bahouddin sohibkaromat avliyo bo‘lganlar. Hazrat Bahouddin dedilar: “G‘aflat yoxud g‘azab bilan pishirilgan taomni tanovul qilmanglar”. Agar qozonga kapkir g‘azab bilan urilsa, yoki oshpaz “Bismilloh” demasdan, shukrona qilmasdan ovqat tayyorlasa, unday taomni tanovul qilgan kishiga g‘azab, jahl, g‘aflat paydo bo‘larkan. Ogohlik bilan pishirilgan taom, shukrona bilan tayyorlangan ne’matni iste’mol qilgan kishi qalbida bunyodkorlik, toat – ibodatga, ezgu ishlarga rag‘bat paydo bo‘lar ekan. Bu so‘zlar zamirida ulkan hikmat bordir.

XII – XIII asr tasavvufining eng yorqin va eng ulug‘ namoyandalaridan yana biri bo‘lmish ulug‘ mutafakkir olim Najmiddin Kubro ana shunday buyuk zotlardan biridir. Najmiddin Kubro qalbida ruhiy ma’naviy kamolatga, g‘ayb asrori, karomat va kashfu hol ilmi xisoblanmish tasavvuf ta’limotiga ishtiyoq zo‘r edi. Shu bois u shariat ilmlarini o‘rganish barobarida tariqatdan ham xabardor bo‘lishga intilib, qator shayxlar, darveshlar suhbatida bo‘ladi, xonaqolarda xilvat o‘ltirib, riyozat bilan mashg‘ul bo‘ladi.

Kubroviya tariqati ham Quroni karim va Hadisi sharifdagi ta’limot asosida shakllangandir. Komil insonni tarbiyalash bu tariqatning asosiy vazifasi bo‘lib, Shayx Najmiddin Kubroning hayoti katta saboq, ulkan maktabdir. Kubroviya tariqatida talab, sadoqat, ishq, muhabbat, oshiqlikning inson uchun naqadar zarur ekanligi ta’kidlanadi.

Najmiddin Kubro kishilarni ezgulikka, ilmga, sahovat va mardlikka da’vat etdi. Najmiddin Kubro tarixda buyuk allomagina emas, balki o‘z vatanining ozodligi uchun mislsiz mardlik namunalarini ko‘rsatgan milliy qahramon sifatida ham nom qoldirgandir.

Mumtoz merosimiz hisoblanmish Naqshbandiya va Kubroviya tariqatining g‘oyaviy asosi Qur’on va Hadislarda bayon qilingan iymon-e’tiqod va shu asosidagi ezgulik, komillik, poklik, halol mehnat qilish tufayli halol rizq topish bo‘lib hisoblanadi.

Bugun biz, ham oilada, ham ilm dargohlarida ta’lim-tarbiya jarayonida Naqshbandiy va Najmiddin Kubro bobomizning ta’limiy-axloqiy merosini o‘rganilishining falsafiy, pedagogik, tarixiy jihatlarini farzandlarimizga, yoshlarimizga singdira olsak, bu hikmatlaridan ibrat va namuna maktabini yaratsak, bu ulug‘ zotlarning ruhi – poklarini shod aylasak, ularga munosib vorislar bo‘lardik!

Foydalanilgan adabiyotlar.


1. Sh.Mirziyoyev “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Islom akademiyasini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga sharh Toshkent, 2017-yil 15-dekabr
2. Buxoriy Sadriddin Salim. Bahouddin Naqshband yoki etti pir. Toshkent, “Navro‘z” 2017
3. G. Navro‘zova Naqshbandiya tasavvufiy ta’limoti va barkamol inson tarbiyasi. -Toshkent: Fan, 2005


## ISLOM MANBALARIDA TA’LIM VA TARBIYA UYG’UNLIGI (PAYG’AMBAR HADISLARI VA RIVOYATLARI MISOLIDA)


**Ashurov. Sh.Sh. – NavDPI, Ijtimoiy fanlar kafedrasi**


*“Islom dini bizni ezgulik va tinchlikka, asl insoniy fazilatlarni asrab- avaylashga da`vat etadi”.*
***Sh.Mirziyoyev***

Din inson hayotida muhim ahamiyatga ega bo’lgan murakkab ijtimoiy, ma’naviy va ruhiy vazifalarni ham bajaradi. Xususan, u aholini eng oliy ruhiy, axloqiy va ma’naviy qadriyatlardan, tarixiy va madaniy merosdan bahramand etish uchun xizmat qiladi. «Ma’lumki, qadimiy madaniyat va sivilizatsiyalar chorrahasi bo’lgan yurtimiz zaminidan o’rta asrlarda minglab olim-u ulamolar, buyuk mutafakkir va shoirlar, aziz-avliyolar yetishib chiqqan»... «Ularning aniq fanlar va diniy ilmlar sohasida qoldirgan bebaho merosi, butun insoniyatning ma’naviy mulki hisoblanadi»[521].

[521] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи. – 2017. – 23 декабрь.

Bashariyat taraqqiyotini din, diniy e’tiqodsiz tasavvur qilib bo’lmaydi. Din tushunchasi o’zbek tiliga arab tilidan kirib kelgan bo’lib, ishonch, inonmoq ma’nosini bildiradi. Bizning fikrimizcha, din real voqelikdagi, ijtimoiy hayotdagi narsa va hodisalarni tabiatdan, jamiyatdan tashqarida mavjud deb hisoblaydigan, ularni o’ziga xos tarzda aks ettiradigan ma’naviy e’tiqod va amalning bir turidir. Din-borliqni yaratuvchi va boshqaruvchi, adolatning yuksak namunasi, moddiy olamga xos bo’lmagan va ayni vaqtda barkamollikning oliy ko’rinishi sifatida ko’riluvchi oliy mavjudotga, ya’ni Xudoga nisbatan munosabat, tasavvuf, urf odat va marosimlar majmuidir[1].

Ta`lim va tarbiya tushunchalari o'rtasida farqlar mavjud. Ta`lim, tarbiyaning bir juz`idir. Tarbiya esa ta`limni o'z ichiga oladi. Demak, tarbiya o'z-o'zidan ta`limga nisbatan komil va keng qamrovlidir. Islomiy tarbiyaning ma`nosi esa jamiyatda har taraflama komil inson shaxsiyatini barpo qilish va albatta, bu tarbiya ruhiy, aqliy va jismoniy taraflarni o'z ichiga oladi.

Zotan, Alloh taolo insoniyatni yer yuzini obod qilish uchun yaratgan. Demak, u o'zining vazifalarini ado etishi uchun har taraflama komil va yetuk bo'lishi kerak. Buning uchun esa bizning dinimiz Islomda barcha ko'rsatma va imkoniyatlar mavjud. Eng asosiysi, inson o'zining oldiga qo'yilgan vazifalarni bajarish asnosida doimiy holda Allohga yuzlanib turishi tarbiyadir.

Yuqorida aytib o'tganimizdek, ta`lim komil tarbiyaning bir juz`idir. U esa aqlni rivojlantiradi va sayqallashtiradi. Natijada u o'z hayotida kerak bo'ladigan ilmu ma`rifatni ashyolar to'g'risidagi turli ma`lumotlarni, kasbiy mahoratini yoki kasb va hunarlarga tegishli bo'lgan fanlarni o'rganadi. Lekin tarbiyaga o'xshab keng qamrovli bo'la olmaydi. Chunki ta`lim insonni ruhiy, aqliy va jismoniy taraflarini birdek qamrab ololmaydi. Shuning uchun ham ta`lim va tarbiya doimo birga bo'lishi talab etiladi. Bu haqiqatni esa Rasulullоh sollallohu alayhi vasallamning quyidagi hadisi shariflari orqali ham bilib olishimiz mumkin.

Abu Muso roziyallohu anhudan rivoyat qilinadi: «Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam: «Alloh taolo Men orqali yuborgan hidoyat va ilmning misoli yerga yoqqan yomg'ir kabidir. Yerning ba`zi joyi yaxshi ekan, suvni qabul qilib, ko'plab nabotot va o'simliklarni o'stiribdi. Uning ba`zi joylari qattiq ekan, suvni tutib qolibdi. Bas, u bilan Alloh odamlarga manfaat beribdi. Ular undan ichibdilar, sug'oribdilar va ekin ekibdilar. Yerning ba`zi joylari silliq ekan. Suv tutmas va ekin ham o'stirmas ekan. Ana o'sha xuddi Allohning dinida faqih bo'lgan kishiga o'xshaydi. Alloh men ila yuborgan narsa unga manfaat beribdi. O'zgalarga o'rgatibdi. Boshqasi o'sha narsaga e`tibor bermagan kishiga o'xshaydi. Yana biri esa, men ila yuborilgan Allohning hidoyatini qabul qilmagan odamga o'xshaydi», dedilar». Ikki Shayx rivoyat qilishgan.

Imom Qurtubiy (r.a) «Nabiy sollallohu alayhi vasallam o'zlari orqali yuborilgan hidoyat va ilmni insonlar bir qultim suvga muhtoj bo'lib turgan holatlarida yuborilgan yomg'irga o'xshatdilar.» Ha, Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam yuborilishlaridan avval insonlar ana shunday muhtoj va nochor holda edilar. Osmondan yoqqan yomg'ir o'lik yerlarni tiriltirganidek diniy ilm va ko'rsatmalar o'lik qalblarni tiriltirdi. So'ngra Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam eshituvchilarni yomg'ir yoqqan har xil yerlarga o'xshatdilar. Ularning ba`zilarini ilmga amal qiladigan olim hamda muallim, xuddi unumdor yer o'rnida ko'rdilar. Suvni ichadi, o'zi foydalanadi va o'simliklar o'stirib boshqalarga ham foyda keltiradi. Ba`zilari esa zamonasidagi barcha ilmlarni egallaydi, lekin unga amal qilmaydi yoki unga muvofiq hayot kechirmaydi. Boshqalarga esa yetkazadi. Bu kishilar suvni o'zida saqlab qolib odamlar undagi suvdan foydalanayotgan yerga o'xshaydi.

Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam bunday kishilar to'g'risida: «Mening so'zimni eshitib boshqalarga xuddi shunday holatda yetkazgan kishini Alloh yorlaqasin», deganlar. Yana ba`zilari esa ilmni eshitadi lekin uni yodda saqlab qolmaydi, tafakkur va tadabbur ham qilmaydi. Boshqalarga ham yetkazmaydi. Bularning misoli qattiq silliq, o'ziga hech narsani yuqtirmaydigan, suvni ham qabul qilmaydigan yer kabidir. Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam ushbu hadisi shariflarida ta`lim va tarbiyani jamlab keltirdilar va bunda ilmga amal qiluvchi olim va muallimni eng oliy darajaga ko'tardilar. So'ngra, eshitgan narsasini ilm va yaxshilikni qanday eshitgan bo'lsa xuddi shunday holatda boshqalarga yetkazgan olim va muallimni keltirdilar. Rasulullоh sollallohu alayhi vasallam bu ikki toifani ta`lim va tarbiyada ishtirok etganlari uchun madh etdilar. Uchinchi toifani esa mazkur ishlarda ishtirok etmagani uchun qoraladilar. Agar ta`limni tarbiyadan ajratib qo'ysa, ta`lim cho'loq bo'ladi. U holda ta`lim go’yoki ma`lumotlar saqlanadigan quticha, idish va yana qandaydir narsaga aylanib qoladi. Natijada esa bu ma`lumotlar jamiyat uchun kerak bo'ladigan komil insonni shaxsiyatini yetishtira olmaydi. Mana shuning uchun barcha ta`lim muassasalarida ma`lum bir yo'nalish bo'yicha ta`lim berish bilan birga tarbiyani ham berib ketish kerak, aks holda qanotsiz qush kabi parvoz qila olmaydi. Qush esa parvoziga qarab turib baholanadi. Bu borada diniy ta`lim berilayotgan muassasalarni alohida zikr qilib o'tish kerak. Zotan, bu ilm ikki dunyoning obodliligiga tegishlidir. Qolaversa, bu ilm bandani o'z Robbiga ibodat qilib, bandachiligini izhor qilishni yo'l-yo'riqlarini qonunlarini o'rgatadi. Albatta bu borada ta`lim bilan birgalikda ruhiy va aqliy tarbiya ishtirok etishi kerak.

[1] Falsafa. Qomusiy lug’at. -T.: SHarq. 2004. 112-bet.

Xulosa qilib aytganda, ota-onalar va ustozlar yosh avlodni tarbiyalash, ularni ham jismonan, ham ma'nan har tomonlama kamolga yetishi uchun hadislarni ahamiyatini e'tiborga olishlari muhim ahamiyat kasb etadi. Shu jihatdan olganda, «mamlakatimizda jaholatga qarshi – ma'rifat» nomli ezgu g'oya asosida islom dinining insonparvarlik mohiyatini, tinchlik va do'stlik kabi olijanob maqsadlarga xizmat qilishini targ'ib etish kun tartibimizdagi doimiy masalalardan biri»[522] bo'ldi. Komil inson darajasiga yetishi uchun har bir kishi bolaligidan boshlab hadis ilmi sirlarini mukammal egallab, yaxshi tarbiya olgan bo'lishi va yaxshi xulq-odob, yuksak insoniy fazilatlarga ega bo'lishi kerak. Demak, islom manbalaridagi bag'rikenglik tamoyili asosida shakllangan insoniy fazilatlar turli millat va din vakillarini tinch-totuv va hamkorlikda yashashlari uchun qulay ma'naviy muhit yaratadi. Bu ta'limotda ilgari surilgan axloqiy tamoyillar va me'yorlar o'z mohiyati va mazmuni bilan umuminsoniy xarakterga ega bo'lganligi uchun, hozirgi davrda ham nazariy va amaliy ahamiyatga egadir.

## TASAVVUF TA'LIMOTI NAMOYONDALARI MEROSIDA KOMIL INSON G'OYASI

**Каримова Раьно Маликовна**
**НДПИ, катта ўқитувчиси**

Turkistonda tasavvuf tariqatlari: Yassaviya, Kubroviya va Naqshbandiya Tasavvuf ta'limoti taraqqiyotida Turkiston farzandlarining xizmati beqiyos bo'lgan. Xoja Xakim at-Termiziy, Xoja Abduxoliq G'ijduvoniy, Xoja Ahmad Yassaviy, Sulaymon Boqirg'oniy, Shayx Najmiddin Kubro, Xoja Ali Romitaniy, Abu Ali al-Farmadiy, Yusuf Hamadoniy, Bahouddin Naqshband kabi siymolar ilohiy Ma'rifat yo'lining rahnamolari bo'ldilar. Ular yaratgan ta'limot va ilgari surgan ma'naviy-axloqiy g'oyalar hozirgi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotgan emas. ―Markaziy Osiyo tarixida aql-idrok bilan jasorat, diniy dunyoqarash bilan qomusiy bilimdonlikni o'zida mujassam etgan buyuk arboblar ko'p bo'lgan. Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Xoja Bahouddin Naqshband, Xoja Ahmad Yassaviy, Al-Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Zahiriddin Bobur va boshqa ko'plab buyuk ajdodlarimiz milliy ma'naviyatimizni rivojlantirishda ulkan hissa qo'shdilar, xalqimizning milliy iftixori bo'lib qoldilar‖.[523] Shunday siymolardan biri ilm - fan va madaniyatimiz tarixida yorqin iz qoldirgan, buyuk mutasavvif Shayx Ahmad Yassaviydir. Chunonchi, Ahmad Yassaviy hikmatlarida ilgari surilgan axloqiy pandnasihatlardan molparastlikni fosh etish, kishilarni insofli, diyonatli, iymonli bo'lishga chaqirishda foydalanish o'rinli. Yassaviy inson hayotidagi katta kurash - nafsni taslim etishga xizmat qiladigan kurash deb hisoblagan. Nafsga mag`lub shoh - qul, nafsdan ustunlikka erishgan g`arib - shohdir, deb aytadi. Nafs inson uchun katta yovdir. Shu yovning boshini yanchgan, uni yenggan, nafsga taslim bo'lmagan kishining g`ururi va insoniy qadr-qimmatini hech kim poymol qila olmaydi, deb bilgan. O'z hikmatlaridan birida shunday deydi:

Nafs yo'liga kirgan kishi rasvo bo'lur,
Yo'ldan ozib, toyib, to'zib gumroh bo'lur.
Yotsa - tursa shayton bilan hamroh bo'lur....

U nafs bandalariga qarata ―Nafsni tebgil, nafsni tebgil ey badkirdor‖ deb murojaat etadi va ―Nafsim meni yo'ldan urib xor ayladi, termultirib xaloyiqqa zor ayladi‖, - deb nafs bandalarini tanqid etadi.

Nafs insondagi butunlikni, iymonni sindiradi, Ma`naviy jihatdan jarlikka qulatadi. Shu bois ―Nafsni tanib mehnat etsa rohat‖, - deb xitob qiladi. Bu g`oyalar bizning hozirgi kunimiz, tarbiyamiz uchun g`oyat muhim.

Yassaviy el orasida katta obro' orttirib, avliyo deb ulug'langan. ―Madinada Muhammad, Turkistonda-Ahmad‖ degan ovozalar tarqalgan. U Yassida vafot etgan. Mozori muqaddas qadamjoga aylangan. 1395-1397 yillarda Amir Temur Yassaviyning qabri uzra maxobatli maqbara qurdirgan. Axmad Yassaviy islom ahkomlarini turkiy xalqlar orasida yoyilishiga katta xissa qo'shdi. U o'z hikmatlarida ishq, poklik, xalollik, yolg'ondan saqlanish, kishi moliga xiyonat qilmaslik, to'g'rilik kabi insoniy fazilatlar haqida kuylaydi. U turkiy tasavvuf adabiyotida o'ziga xos maktabga asos soldi. Turkiy dunyoda biror bir so'fiy shoir yo'qki, unga ergashmagan, undan o'rganmagan bo'lsin.

Ahmad Yassaviyning tasavvufiy qarashlari uning ― Hikmatlar‖ she'riy to'plamida berilgan. Unda insoniy g'oyalar, axloqiy pand-nasixatlar, islom dini aqidalari va xadislarda ilgari surilgan ma'naviy-ma'rifiy fikrlar sodda uslub bilan, xalqona ravon tilda bayon qilingan.

Ahmad Yassaviy (1091-1167) o'z dunyoqarashini quyidagicha ifodaladi: ―Haqiqatga shunday kishi erishadiki, u barcha dunyoviy narsalardan shariatni afzal ko'radi; o'zidan, o'z hayotidan kechib tariqat tomon

[522] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz. 25.01.2020.

[523] Karimov I.A. Ўzbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. -Toshkent, 1997.140-bet.

boradi; ruhan va qalban ma‘rifatga beriladi‖. (Ahmad Yassaviy. ―Hikmatlar‖). Xudoga intiluvchilar orasida faqat shunday kishi uning joyini biladiki, u o‘z pirining (ma‘naviy ustoz) buyruqlariga boysunadi, sabru qanoat qiladi, ozi bilan kifoyalanadi, o‘zini azoblarga, qiyinchiliklarga mahkum etadi, ovqatni kam iste‘mol qiladi. Din va sufiylar aytgan ko‘rsatmalarni bajarish, azob-uqubat, ochlik, sabru-qanoat, muayyan voqeiy ehtiroslarga bo‘lgan o‘z istaklarini so‘ndirish orqali inson ―nafratli‖ dunyodan ozod bo‘ladi va Xudoga singib ketadi.

Movaraunahr tasavvuf ta‘limotida Najmidin Kubroning o‘rni alohida. Najmiddin Kubro - tasavvufning mashxur shayxlaridan biri. Kubroviya silsilasining asoschisi. Uning laqablari: ―Najmiddin‖-―Dinning yulduzi‖, ―Kubro‖―Ulug‘‖, ―Valiytarosh‖-―Valiylarni tarbiyalovchi‖.

Kubro 1145 yilda Xorazmda tavallud topgan. Yoshligidanoq xadis va kalomni o‘rganadi. Ilm istab Misr, Shom, Bag‘dod, Nishopur va Tus kabi shaharlarga boradi. O‘sha davrning buyuk shayx va olimlari: Bobo Faraj, Ismoil Kasriy, Ammor Yosir, Ruzbehxon Misriy va boshqalardan zoxiriy va botiniy ilmlarni o‘rgangan. O‘z yurtiga qaytgach, xonakox ochib, valiylik-ustozlik qilgan.

Bosqinchi Chingizxon lashkarlari 1221 yilda Xorazmga yaqinlashib yurt og‘ir ahvolda qolganida 76 yoshli Kubro ona yurtini ximoya qilishga otlanadi va mo‘g‘ullar qo‘lida qaxramonlarcha shahid bo‘ladi. Bu haqda Mirzo Ulug‘bek ―To‘rt ulus tarixi‖ asarida shunday yozadi: ―Murshidi a‘zam Shayx Najmiddin Kubro xudo amri bilan Xorazm uchun boshini tikdi. Boshini topshirishda qotil yaloviga yopishdi. Dini xaq iqlimining shohi. Ul pir sarpanjasidan u zabardast yigit yalovni chiqarib ola olmadilar. Sayidlar shayxi sarpanjasida kofir yalovini ko‘rib xayratda qolgan oqillar bu xolni sharxladilar: Yalov uchun Shayx tutib, ta‘rix aytdiki, vafotim sanasi ―shohi shuhado‖ (―shaxidlar shoxi‖) dir. Biz shunday ulug‘lardanmizki, gavhar tutamiz; oriq echki tutgan pastkash emasmiz. Imon qadaxidan bir qo‘limiz bilan may ichsak, ikkinchi qo‘limiz bilan kofir yalovidan tutamiz‖.[524]

Vatandoshimiz Najmiddin Kubroning bu jasorati avlodlar uchun, vatanparvarlikning yorqin timsolidir.

Najmiddin Kubro tariqatining o‘ziga xos xususiyati uning dunyoqarashida ifodasini topgan. Xudo va borliq masalasini xal etishda islom ta‘limotiga asoslanadi. Uning fikricha, xamma narsa va xodisalar, shu jumladan, odamzot xam uning shu‘lasi, ko‘rinishi, jilvalanishi deb hisoblaydi. Shayx Kubro odamzot umrining, dunyoning moxiyatini xam tasavvuf nuqtai nazaridan turib izohlaydi. Bu xaqda shunday degan: ―Dunyo-oylash o‘rni, ibrat manzili, ishrat saroyi, ko‘prik binosidir. U mo‘minlarning ekinzori, qidiruvchilarning bozori, intiluvchilarning savdo do‘koni, izlanuvchilarning ulovi, suluk yo‘liga kirganlarning ko‘prigi, aldanganlarning ma‘shuqasi, sodiqlarning o‘tar joyi, oriflarnig axlatxonasi va shaytonlarning o‘lkasidir. Uning bilan savdo qilganlar aldanadi, unga ko‘ngil bergan yo‘ldan ozadi.

Najmiddin Kubro inson haqidagi qarashlarida, inson o‘z mohiyati e‘tibori bilan kichik olam-―olami sugaro‖ dir, ammo unda katta olam ―olami-Kubro‖ xususiyatlari mujassamdir. Odamzot taraqqiy etib borsa, u Alloxning ―Raxim‖ va ―Raxmon‖ sifatlaridan boshqa barcha sifatlarini bilib oladi. Biroq bu yo‘lda unga piri komil raxnamolik qilishi lozimligini ta‘kidlaydi.‖[525]

Baxouddin Naqshband (1318-1389) –naqshbandiylik tariqatining buyuk namoyondasi. El orasida Xoja Bahouddin Balogardon, Xo‘jai Buzruk, Shohi Naqshband nomlari bilan mashxur. Buxoroda Qasri Xinduvon qishlog‘ida tug‘ilgan. Baxouddun Naqshband Boboyi Samosiy, Amir Kulol, Mavlono Orif Xalil ota, Kusam Shayx kabi ustozlardan saboq olgan. U ikki marta xaj qilgan. G‘aribona xayot kechirgan, faqat o‘z mehnati orqali dehqonchilik va keyinroq mis va kimxobga naqsh solish bilan kun ko‘rgan. O‘z ta‘limotini yaratishda Abduxoliq G‘ijduvoniy asos slogan ―Xojagon silsilasining sakkiz moddadan iborat qoidasiga o‘zining uch qoidasi (talabi) ni qo‘shib uni takomilga etkazdi. Shu tariqa tasavvuf naqshbandiya tariqatida yanada mukammallikka erishdi. Baxouddin taxallusi Naqshbandning dinni mustaxkamlash va taraqqiy ettirish uchun qilgan xizmatlari ulug‘ va beqiyos bo‘lganligi uchun berilgan. Ma‘nosi dinning faxri, bebaxosi demakdir. Naqshband taxallusiga kelsak, u ikki mazmunda talqin etiladi. Biri ul zot misga, matoga gul, naqsh soluvchi bo‘lganligi uchun naqshband taxallusi berilgan deb e‘tirof etiladi. Ikkinchi talqin esa Allohni qalbiga naqsh qilib olgan degan ma‘noda ifodalanadi. Baxouddin Balogardon deyilishiga sabab ustozi Shayx Boboyi Samosiyning Naqshbandga qarata aytgan ―Karomat qilibdurlarki, nozil bo‘lgan balo sening barokatingdan daf‘ bo‘lg‘ay!- so‘zlariga nisbat berilgandir.

[524] Murzo Ulug‘bek.To‘rt ulus tarixi.Toshken.Cho‘lpon.1994.165-166 betlar. 52 Mullaho‘jaeva K. Ko‘ngilga nazar. «O‘zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasi, 2001 yil, 23 noyabr. 53 Komilov N. Tasavvuf. 2-kitob. Tavhid asrori. Toshkent. G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1999, 174-bet.

[525] Islom ensiklopedyasi. 138-139-betlar; Bo‘ronov Q. Xalqimiz ma‘naviyati va ma‘rifatining teran ildizlari. 52-bet.

Baxouddin Naqshband shonu shuhratning shox supasiga ko‘tarilganlarida xam o‘zlari uchun xizmatkorlar saqlamagan ekan. Aksincha shoxu gado barobarligi to‘g‘risidagi adolatli g‘oyani ilgari surgan. ―Xojalik bandalikka to‘g‘ri kelmas, Allox oldida barcha barobar – deb aytgan.

Naqshband o‘zini doimo xukmdorlardan uzoqda tutgan. Odamlarga yahshilik qilish eng yuksak insoniy burch ekanligini ta‘kidlab, sham kabi yong‘il, elga oydinlik ulash, ammo o‘zing xilvatda turgil deb aytgan. U xamma uchun, ayniqsa oddiy xalq, xunarmandlar uchun qo‘l keladigan ―Dil ba yoru dast ba kor‖ – ―Dil yor (Allox) bilan, Qo‘l ish bilan band bo‘lsin» shiorini o‘rtaga tashlagan. Bu shior naqshbandiylikning asosiy mohiyatini tashkil etadi. Aytish joizki mazkur xayotbaxsh shiorda tasavvufni nazariy va amaliy jixatlari tugal xolga kelganligi o‘z ifodasini topgan. Chunki Allox nomi bir nafas dilni tark etsa, darxol o‘rnini g‘araz xudbin bir niyat egallashi mumkin. ―Nazar bar qadam» shu ma‘noga yaqin turib, u bexuda biror qadam qoymaslik, xar bir amaliy harakatning Allox yo‘lida qoyilayotganini xis etib, diqqat bilan kuzatib, nazardan qochirmay borish kerakligini bildiradi.[526]

Naqshband ilgari surgan ―Dil ba yoru dast ba kor» shiorini yanada soddaroq tarzda shunday izoxlash mumkin. Tasavvuf axlining maqsadi Allox vasliga erishish bo‘lsa, buning uchun tarki dunyo qilish, zoxidlik yo‘liga kirishi shart emas, balki Alloxni xar damda dilda zikr etib, qo‘l esa mehnat bilan band bo‘lgan xolda xam yetish mumkinligini anglatadi.

Bahouddin Naqshband Islomni xayot bilan, shaxs va oila bilan, jamiyat ravnaqi bilan bog‘lab ―Kam yegil, kam uxla va kam gapir‖ deb nasixat qilgan.

Amir Temur bu shiorga amal qilib, arkonu davlatga, barcha mulozimlarga aytar so‘zim shu bo‘ldi: ―Kam yenglar-ocharchilik ko‘rmasdan boy-badavlat yashaysizlar, kam uxlanglar –mukammallikka erishasizlar, kam gapiringlar –dono bo‘lasizlar»[527] – deb yozgan.

Bahouddin Naqshband xaqida Alisher Navoiy ―Nasoyim ul-muhabbat‖ asarida shunday deb yozgan: ―Oliy sifatlar egasi va mo‘tabar zot, Xaq ravshanligining shohi va to‘g‘ri yo‘lning gul soluvchisi bo‘lgan Xoja Bahouddin Naqshband bu iqlim uzra taxt qurgach, yo‘qlik mulkida xam podshox bo‘ldi‖[528]

Haqiqatdan xam, oltin silsila- ―silsilot az-zaxab» deb atalgan va ko‘ngillarda ishqu sadoqat urug‘ini ko‘kartirishga zamin yaratgan naqshbandiya tariqati musulmon olamida asrlar osha chuqur ildiz otdi. Hozirda Pokistonda Naqshbandiya tariqati Jaxon markazi faoliyat ko‘rsatmoqda. XXI asrga kelib, nafaqat musulmon olamida, balki AQSH, Germaniya, Rossiya, Avstraliya, Litva kabi mamlakatlarda xam bu tariqatga ixlosmandlar ko‘paydi.

―Naqshbandiylik tasavvufni xayotiylashtirgan ta‘limotdir,-deydi Pokistondagi naqshbandiya tariqati jaxon markazi raisi Zulfiqor Axmad. –Ushbu tariqat daraxti xali butun olamni tutadi, chunki unda kishilik tafakkurining eng amaliy va oqilona xulosasi mujassam.

## YOSH AVLOD VAKILLARINI ISLOMIY QADRIYATLARI ASOSLARI RUHIDA TARBIYALASH

**Xudjaqulova Feruza Raxmatovna**
**Nav.DPI Milliy g’oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi kafedrasi o’qituvchisi**

Mustaqillikni mustahkamlashning eng muhim ustuvor vazifalaridan biri yosh avlodda milliy g'urur tuyg'usini tarbiyalash, boy madaniy-tarixiy merosimizning munosib vorislarini voyaga etkazishdan iborat. Shubhasiz-ki, tarix saboqlari asosida bunyod etilayotgan bugungi kunimiz kelajak taraqqiyotimiz uchun zamin yaratadi. Shu bois o'zligini tiklamoqqa azm qilgan har bir millat bu yo'lda o'ziga xoslikni, mustaqil rivojlanish yo'lini tanlaydi. Bu yo'lda ajdodlar hayot tajribasi, bilim va tafakkuri, yaratgan moddiy va ma'naviy boyliklari millat va jamiyat taraqqiyoti uchun ishonchli va mustahkam tayanch bo'lib xizmat qiladi.

Hozirgi davrda yoshlarning dinga bo'lgan munosabatlari turlicha ekanligi va mustaqil qarashlari borligi yaxshi, ammo ularni ayrim hollarda ba'zi bir diniy aqidalarga moyil bo'lgan guruhlarga qo'shilib qolib, chalg'iyotganligi ham sir emas. Bunday guruhlarning oldiga qo'ygan asosiy vazifasi esa islom dini niqobi ostida siyosiy kurash, yoshlarimizning shu bilan birga butun ommaning siyosiy ongiga ta'sir ko'rsatish, buzg'unchi aqidalardan qurol sifatida foydalanishdir. Bu guruhlar ortida hokimiyat uchun kurash olib borish haqidagi ko'rsatmaga amal qiluvchi kuchlar mavjud. Bugun taraqqiyot yo'lidan izchil borishimizda, ezgu maqsadlarni amalga oshirishda zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni

[526] Imomnazarov M. Eshmuhammedova M. Milliy ma‘naviyatimiz asoslari. 176-bet.
[527] Amir Temur o‘gitlari. Toshkent, Navro‘z, 1992 y, 58-bet.
[528] Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami. 17-tom, ―Fan‖, Toshkent,2001 y, 261-265-betlar.

egallagan, mamlakatimiz istiqboli uchun ma'suliyatni o'z zimmasiga olishga qodir bo'lgan imon-e'tiqodli yoshlarni shakllantirish davlat siyosatida asosiy vazifa hisoblanadi.

Dunyoda biron din yo'qki, unda insoniyat saodati maqsad qilib olinmagan bo'lsa. Aksincha, radikal diniy oqimlar va ularning kichik guruhlari ham, bugun insoniyat xotirjamligi, tinchligi yo'liga g'ov bo'libgina qolmasdan hatto talofat va tashvishlar keltirayotgani, bugun ham ularni tegirmoniga suv quyuvchilar mavjudligidan, ularga ergashayotganlar topilayotganligidan dalolatdir.

Chorizm mustamlakachiligi davrida dinni kamsitish, imomlarni (islom murabbiylari) yo'qotish va omon qolganlarini bo'ysundirish uchun eng keskin choralarni ko'rgan edi. Din sun'iy ravishda mafkuraviy kurashning o'ta qizg'in jabhalaridan biriga aylantirib qo'yilgan edi. Islom dinining o'n minglab imomlari ta'qib qilindi. Dastlab minglab masjidlar va yuzlab madrasalar buzib tashlandi. Bu obidalarning ko'pchiligi xalqimiz uchun, insoniyat sivilizatsiyasi uchun bebaho me'moriy va tarixiy qadriyat hisoblanar edi. Islomiy ma'rifat ta'qiqlab qo'yilgan bu davrda, chin ma'nodagi bilimdon islom murabbiylari yo'q qilindi. Natijada, jaholatparast udumlar rivoj topdi, “chala mullalar” hozirgi kunda, aksariyat hollarda oliy haqiqatni faqat ulargina bilishlarini, odamlarni taqdirini hal etish huquqini da'vo qilib chiqdilar va bunga odamlarni ham jalb etishga xamon urinmoqdalar. Ularning bu so'zlariga aksariyat hollarda ayrim yoshlarimiz aldanib qolishlariga asosiy sabab ham, ularning avvalo oilada so'ng ta'lim muassasalarda etarlicha bilim olmaganligi, islom dinining tub mohiyatini bilmaganliklaridadir.

Mamlakatimizning Birinchi Prezidenti Islom Karimov o'zining “Yuksak ma'naviyat -engilmas kuch” asarida shunday deydi: “Muqaddas islom dinimizni pok saqlash, uni turli xil g'arazli xuruj va hamlalardan, tuxmat va bo'htonlardan himoya qilish, uning asl mohiyatini unib-o'sib kelayotgan yosh avlodimizga to'g'ri tushuntirish, islom madaniyatining ezgu g'oyalarini keng targ'ib etish vazifasi hamon dolzarb bo'lib kelmoqda”.

Bizning muqaddas dinimiz haqqoniyligi va bag'rikengligi, odamzodning doimo ezgulikka chorlashi, hayot sinovlarida o'zini oqlagan qadriyat va an'analarni ajdodlardan - avlodlarga etkazishdagi beqiyos o'rni va ahamiyati bilan xalqimizning ma'naviyatini shakllantirishga, har qaysi insonning Olloh marhamat qilgan bu hayotda to'g'ri yo'l tanlashi, umrning mazmunini anglashi, avvalambor, ruxiy poklanish, yaxshilik va ezgulikka intilib yashashida uning ta'sirini boshqa hech qanday kuch bilan qiyoslab bo'lmaydi.Shu bilan birga islom dini, unga e'tiqod qiluvchilarni ilm olishga, ma'rifatli bo'lishga da'vat etadi. Ilk vahiy ham “O'qi!” degan amr bo'lganligi buning yaqqol isbotidir. “Ilm” so'zi Qur'oni karimning sakkiz yuz o'n bir joyida turli ma'nolari bilan kelganligi ayni haqiqatdir.

Bir necha asrlar oldin g'arbda aholining juda ham ko'pchiligi savodsiz bo'lganligi, hatto diniy ulamolar ham o'qishni, qo'llariga qalam tutib yozishni bilmagan bir vaqtda musulmon o'lkalardan diniy va dunyoviy barcha fanlarning ilg'orlari etishib chiqdi va ancha muddat “Arab sivilizatsiyasi” nomi bilan atalib kelindi. Shu davrda musulmon olamida ilmning turli sohalarida sakson olti mingga yaqin yirik olimlar ish olib borganligi, biz bebaho hisoblagan, ma'naviy meros va mulk egasi ekanligimizning isbotidir.

Davlatimiz mustaqillikka erishgandan so'ng, o'z e'tiborini o'sib kelayotgan yosh avlodni ilmli, ma'rifatli qilib tarbiyalashga qaratdi. Buning samarasini hozirgi kunda jamiyatning har bir sohasida kuzatish mumkin. Yoshlar qaysi sohani tanlashmasin, o'z sohasi bo'yicha etarlicha bilimga ega bo'lishlari kerak. Muqaddas dinimizda keltirilgan qirqta asosiy farzlardan biri ham ilm izlash farzidir. “Ilm yo'lidagi kishi Ollohning himoyasidadir.” - deyiladi hadislarning birida.Shu o'rinda ta'kidlab o'tishimiz kerakki, ilm mansab, mol-u davlatga erishish uchun o'rganilmaydi. Zero, buyuk allomamiz Alisher Navoiy ta'kidlaganlaridek:“Ilmni kim vositai joh etar, o'ziniyu xalqini gumroh etar”.Qadriyatimizda ota-bobolar o'z farzandini Ollohdan qo'rqadigan, odamlarga yaxshilik qiladigan, oriyatli, nomusli qilib tarbiyalashgani va odob, axloq bilan birga ilmni ham o'rganishlariga alohida e'tibor ko'rsatishgan.

Yana bir buyuk ajdodlarimizdan Ali ibn Abi Talib o'z davrining siyosiy arbobi, davlat arbobi, jamiyat-ijtimoiy arbobi, shariat qozisi (sud'ya), muxaddis va mufassir, qisqa qilib aytganda Hazrati Ali taxallusi bilan yashab, ijod qilgan o'z davrining ilm arbobining shunday o'gitlari mavjud:“Farzandlaringizga davr ilmini o'rgatinglar, ular sizning davringizdan boshqa davrda dunyoga kelgandir.”Bu o'gitga amal qilgan millatning kelajagi porloq bo'ladi.Rasululloh (sallallohu alayhi va sallam) esa o'zlaridan shunday o'git qoldirganlar:“Er yuzidagi amallarning afzali uchtadir: ilm talab qilish, nafsiga qarshi kurashish va kasb qilish. Ilm talab qiladigan inson Ollohning sevikli bandasidir. Nafsiga erk bermaydigan inson Ollohning yaqinidir. Hunarli esa Ollohning do'stidir”.Boshqa bir buyuk ajdodlarimizdan biri G'iyosiddin Abulfath Umar ibn Ibrohim Hayyom Nishopuriy (1048-1131) o'z davrining matematigi, astronomi, fors faylasufi, hakim va mutaffakkir shoir, qisqa qilib aytganda Umar Hayyom taxallusi bilan yashab, ijod qilgan alloma qadimiy hunarmandlar to'g'risida shunday misrani o'git qilib qoldirgan:

Bozorda bir kulol ko'rsatib hunar,

Bir bo'lak xom loyni tepib pishitar,
Loy ingrab aytadi: hoy, sekinroq tep,
Men ham kulol edim, sendek birodar.

Yoshlarning jamiyatdagi faolliklari tobora oshib borayotgan bugungi davrda ular erishayotgan ulkan yutuqlarni e'tirof etgan holda, ularda ma'naviy mukammallikni oshirish uchun quyidagilarni inobatga olish kerak deb zarur:

- ular fanning qaysi sohasida ijod qilishmasin, diniy qadriyatlardan xabardor;
- tarixiy xotiraga ega;
- o'zliklarini anglagan;
- mustaqil fikirga ega - e'tiqodli bo'lishlari ularning yanada qudratli, komil shaxs bo'lib shakllanishiga asosdir.

Zero, bugun mustaqil diyorimizda amalga oshirilayotgan islohotlar, bir so'z bilan aytganda, davlat siyosati yoshlar faoliyatini qo'llab-quvvatlab turganligi, mamlakatimiz yoshlarining imkoniyatlari ko'lamiga kafolatdir. Undan oqilona foydalanish milliy qadriyatlarimizning asoslaridan biri bo'lmish diniy e'tiqod masalasida dinning mazmun-mohiyatini to'liq anglagan holda amal qilish muhimdir. Shundagina diniy qadriyatlarning ilmu-fan rivojidagi ahamiyati yaqqol namoyon bo'ladi.

Xulosa tariqasida yana bir bor Yurtimizning Birinchi Prezidanti I.A.Karimovning islom merosimiz to'g'risidagi chiroyli iboralariga yuzlangan bo'lardik: "Agar mendan nega milliy qadriyatlarimizning shuncha zamonlar osha bezavol yashab kelayapti, deb so'rashsa, bu - avvalo muqaddas dinimizning hisobidan deb javob bergan bo`lar edim."

## MA’NAVIYATIMIZ XAZINASIGA G‘IJDUVONIYNING QO‘SHGAN HISSASI

**Qurbonova Xolbibi To‘raqulovna**
**Navoiy Viloyat XTXQTMO hududiy markazi katta o‘qituvchisi**

*Resume. The article requested Abdukholiq Gijduvoniy's religious, scientific and spiritual ideas, as well as their role in the world.*

Tasavvuf ta’limoti tarixiga nazar solar ekanmiz, avliyolarga eng boy diyor Turkiston ekanligiga tan berasiz. Ana shu avliyolarning aksariyati bugungi O‘zbekiston hududida yashagan. Ushbu avliyolarning jahon miqyosida mashhurligini bilganingizda aqlingiz lol qoladi. Jumladan Abduxoliq G‘ijduvoniy, Muhammad Orif Revgariy, Mahmud Anjir Fag‘naviy, Xoja Ali Romitaniy, Muhammad Boboyi Samosiy, Sayyid Amir Kulol, Bahouddin Naqshband va boshqalar xalqimizning buyuk iftixoridirlar.

Prezidentimizning Buxoro viloyatiga tashrif buyurganida insoniyat tamadduni beshiklaridan bo‘lmish ushbu zaminda ne-ne buyuk allomalar, diniy va dunyoviy ilm egalari yashab, ijod qilganini ta’kidlar ekan, ular mangu qo‘nim topgan maskanlarni yanada obod etib, bu joylarda ziyoratchilar uchun zarur sharoitlar yaratish borasida mutasaddilarga tegishli ko‘rsatmalar berdi. Yurtboshimiz Yetti pir — Abduxoliq G‘ijduvoniy, Muhammad Orif Revgariy, Mahmud Anjir Fag‘naviy, Xoja Ali Romitaniy, Muhammad Boboyi Samosiy, Sayyid Amir Kulol va Bahouddin Naqshband me’moriy majmualari nafaqat yurtdoshlarimiz, balki butun dunyo musulmonlari uchun tabarruk maskanlar hisoblanishini qayd etar ekan, ularning O‘zbekistonga yangi sayyohlik yo‘nalishini ochishda muhim ahamiyat kasb etishini ta’kidladi.

“Qubbat ul-islom” — “Islom dinining gumbazi” deb ta’riflangan bu muborak maskanda tavallud topib, Yetti pirning eng ulug‘i sanalgan, xojagon tariqatining asoschisi bo‘lgan, dunyo muslimlari “Xojai Jahon” deb sharaflangan ulug‘ va buyuk pirlardan biri Xoja Abduxoliq G‘ijduvoniy bobomizdir.

Xoja Abduxoliq G‘ijduvoniy, manbalarda Yetti piri komil Payg‘ambarimiz Muhammad sallallohu alayhi vassallamdan boshlangan “Oltin silsila” ning davomchilaridan biri deb e’tirof etilgan. Bu buyuk zot ko‘ngilni nafsu hirsdan poklash, halol mehnat qilib umr kechirish, Allohni jon-dildan sevish g‘oyalarini targ‘ib qilgan. Ushbu aziz-avliyoning asarlari, qilgan ishlari zamonlar osha odamlarni tarbiyalab, ularga dinu diyonat, odob-axloq, ezgu so‘z va amaldan saboq berib kelmoqda.

Xoja Abdulxoliq G‘ijduvoniy hozirgi zamonda dunyo jamoatchiligi tomonidan eng ilg‘or demokratik tamoyillarga amal qiluvchi, ilohiyot va dunyoviylikni insonparvar nuqtalarda tutashtirgan, jahonda eng ko‘p e’tiqodchisiga ega bo‘lgan Xojagon-naqshbandiya tariqati asoschisidir.

Xoja Abdulxoliq G‘ijduvoniy hazratlari tariqat piri, muridlar tarbiyachisi bo‘lish bilan bir qatorda, “Vasoyo”, “Odobi tariqat”, “Haqoyiq ul-iymon”, “Daqoyiq ul-irfon”, “Maqomoti Yusuf Hamadoniy”, “Az guftori Xoja Abdulxoliq G‘ijduvoniy” kabi asarlar muallifi hamdir. Xojai Jahon hazratlarining asarlaridagi pand-nasihatlari o‘zlikni anglash, axloqni, botinni tuzatish, qalb imkoniyatlariga yo‘l ochish, ma’rifat siridan

voqif bo‘lib, sayru sulukni kamolga yetkazishda muhim asoslardan hisoblanib, insonni Haqning suyukli bandalaridan bo‘lishga da’vat etadi.

Abdulxoliq G‘ijduvoniy hazratlari shariat, tariqat, ma’rifat va haqiqat ahli edi. So‘zlari hujjat va dalildir, ulug‘ zotlarni tarbiyalab yetishtirgandir. Xoja Abdulxoliq valiylikda shunday martabaga erishadilarki, bir namoz vaqtida Ka’batullohga borib qaytardilar. U hazrati pirning obro‘-martabalari O‘rta Osiyo hududidan tashqarida ham ma’lum edi. Shom diyorida ul zotning xonaqoh barpo etib, muridlar tarbiyasi bilan shug‘ullanganliklari rivoyat qilinadi.

Alisher Navoiy hazratlari “Nasoyim ul-muhabbat” da Xoja Abdulxoliq G‘ijduvoniy hazratlarining ahvolini shunday ta’riflaydi: *“Alarning ravishi tariqatda hujjatdur. Barcha foruqning maqbulidurlar. Hamisha sidqu safo yo‘lida va Mustafo sallallohi alayhi vasallam shar’u sunnati mutobaatida va bid’atu havo muxolafatida qadam urubdurlar va pok ravishlarin agyor ko‘zidin yashurubdurlar...”* Ya’ni, Abdulxoliq G‘ijduvoniyning tutgan yo‘llari tariqatda hujjat-dalil va namuna hisoblanib, Haq bilan nohaqni ajratuvchi, adolatli kishilar nazdida maqbul va mo‘’tabardir. Ul zot hamisha sadoqat va safo-yorug‘lik yo‘lidan yurib, payg‘ambarimiz Muhammad alayhissalomning shariati va sunnatiga bo‘yin sunar, turli bid’at, xurofotlarga qarshi kurashib, o‘zlarining pokiza hayot tarzlarini boshqalardan pinhon tutardilar.

Xoja Abdulxoliq G‘ijduvoniyning pandu nasihatlari va tavsiyalari o‘tmishda bo‘lganidek, bugun ham biz uchun har jihatdan qadrlidir: “Ey farzand, fiqh va hadis ilmini o‘rgan, johil so‘fiylardan uzoq yur, moling fiqh kitoblari bo‘lsin, biror kishi seni maqtasa, g‘ururlanma, tanqid qilsa, ranjima. Insonlardan hech narsa so‘rama, tama’ qilma, futuvvat (saxovat) ahlidan bo‘l, Haq taolo senga nimaiki bergan bo‘lsa, xalqqa tarqat. Biron bir mansab-maqomga intilma, boyu-badavlat va raisu amirlarning huzurlariga borma, ular bilan hamsuhbat bo‘lma. Raqsu samo‘ga haddan ziyod berilma”. (Vasiyatlaridan)

Xoja Abdulxoliq G‘ijduvoniyning tasavvuf tarixidagi buyuk xizmati yangi bir tariqatga asos solgani bilangina belgilanmaydi. Xojagon tariqati vositasida u tariqatni Muhammad payg‘ambar sunnatiga muvofiqlashtirdi, uni turli bid’atlar va botil qarashlardan tozaladi. Shariatga amal qilish, undan chekinmaslikni asosiy qoidaga aylantirdi. Tarkidunyochilik va xilvatni rad etib, jamoat bilan birga bo‘lishni shart qilib qo‘ydi. Olloh muhabbati deb dunyodan kechmaslikka da’vat qildi. Luqma halolligi — har kim o‘z mehnati bilan kun ko‘rishi zarurligini tariqatning asosiy talabi qilib belgiladi. Bu tariqat taqvo deb haddan oshishni ma’qullamaydi. Axloq masalasi qat’iy qilib qo‘yildi. Bularning barchasi tasavvuf taraqqiyotida muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Xojagon-naqshbandiya real hayotiy shart-sharoitlar, insonning mavjud imkoniyatlariga asoslanganligi uning hamma zamonlar va barcha tabaqalar talabiga javob beradigan zamini mustahkam tariqat ekanligidan dalolat beradi. Shariat andozasiga solingan, bid’at va nuqsonlardan xoli Abdulxoliq G‘ijduvoniy yo‘lining asrlar davomida tariqatda hujjat va barcha guruhlarda maqbul deb e’tirof etib kelinayotgani va Turkiston, Eron, Afg‘oniston, Hindiston, Turkiya, Iroq, hatto Shimoliy Afrikada keng tarqalgan xojagon-naqshbandiya tariqatining hozirgi kunda ham dunyoning ko‘pgina mamlakatlarida faoliyat ko‘rsatayotganligining sabablari shundadir.

Buyuk mutasavvifning asarlari va amaliy faoliyatining yana bir muhim jihati e’tiborga molikdir. Bu shundan iboratki, uning ta’limotida dunyoviylik va diniylik g‘oyalari barobar holda ilgari suriladi. Allomaning e’tiqodiy va insoniy jasorati har qanday tahsinga loyiqdir. Ehtimol, mana shu jihatlari sababidan ham, uning hayotbaxsh g‘oyalari asrlar osha nafaqat O‘rta Osiyo, balki dunyo xalqlarining ijtimoiy – ma’naviy hayotida juda katta o‘rin egallab kelmoqda.

Ma’naviyatimizning tafakkur xazinasiga G‘ijduvoniy hadya etgan g‘oyalar, asos solgan tariqati va asarlari bugungi milliy mafkuramizning muhim ildizi hamda manbalaridan desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar


1. Sh.M.Mirziyoyev, Abduxoliq G‘ijduvoniy maqbarasiga tashrifi, 2019-yil 29-mart
2. S.S.Buxoriy “Bahouddin Naqshband yoki yetti pir” -T.: “Navro‘z” 2017.
3. U.Uvatov “O‘zbekiston – buyuk allomalar yurti” – Y.: “Ma’naviyat” 2010


## ТАСАВВУФ ТАРИХИ


**У.Х.Имомов – Навоий давлат педагогика институти**
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н.**
**Камолова Дурдона – Кармана тумани 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**


Шарқ мамлакатларида ислом динининг ёйилиши, ўрта асрларда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-маънавий ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Давлат ишларидан тортиб илм-фаннинг деярли барча соҳалари жумладан фалсафа, фиқҳ, ахлоқ, адабиёт, архитектура, тасвирий санъатни ислом дини таъсирисиз тасаввур қилиб бўлмаган. Мовароуннаҳрда илм-фан ва маданиятнинг

тараққий топиши билан бирга, ислом тарихи, калом илми, тафсир, ҳадис, фиқҳ, каби илмлар ҳам ривожланиб етук мутафаккирлар етишиб чиққан.

Тасаввуф – ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган ва Шарқ халқлари тарихида муҳим ўрин эгаллаган таълимотдир. Тасаввуфнинг мазмуни фалсафа, дин, шариат ҳамда одоб-ахлоқ каби тушунчалар билан бойитилган. Дастлаб тасаввуф зоҳидлик (таркидунёчилик) ҳаракати кўринишида намоён бўлган. Халифалар даврида мусулмон жамоалар ичида бўлиниш юз бериб, мол-дунёга берилиш авж олган. Бу ҳол ҳадис тўпловчи муҳаддислар ва саҳобаларнинг норозилигига сабаб бўлиб, улар мол-дунёга берилганларга қарши норозилик белгиси сифатида тасаввуфона ғояларни тарғиб этиб, тоат-ибодат билан шуғулланганлар[529]. Тасаввуфга дастлаб ҳадисларни тўпловчи муҳаддислар орасидан чиққан қорилар, тақводор ҳунарманд ва савдогарлар қўшилганлар. Кейинчалик уларнинг сафи кенгайиб борган. Шу тариқа ислом оламида маънавий ахлоқий йўналишларни тарғиб этувчи кишилар жамоаси шаклланиб уларга нисбатан кўпроқ “сўфий” атамаси қўлланилган.

Абу Райҳон Беруний эса сўфий атамаси “суф”, яъни файласуф сўзининг охирги қисмидан ясалган деган қарашларни илгари сурган[530]. Тасаввуфшунос профессор Нажмиддин Комилов эса “сўф” сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган мато маъносидан олинган ва “сўфий” атамаси келиб чиққанлигини эътироф этган[531].

Тасаввуф ахлоқнинг камол мартабасига эришмоғи учун ҳар соҳада Муҳаммад пайғамбар кўрсатган йўлдан юришдир. Тасаввуфнинг ғояси нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилмоқ, яъни Аллоҳ Расулининг хулқи билан ахлоқланишдир.

Тасаввуф мутлақ ҳақиқатга олиб борувчи таълимот бўлиб, инсонни маънавий камолотга олиб борувчи диний-фалсафий илмларни ўз ичига олади.

Тасаввуфда инсоннинг нафсга эрк бермаслиги ва уни ўз вақтида жиловлай олиши эътироф этилган. Нафсга эрк бермаслик ва жиловлай олиш маънавий етуклик тимсоли ҳисобланади. Нафс ва ғазабнинг кушандаси – билим ҳисобланиб, фақат чинакам билимгина инсонни ҳар қандай номаъқулликлардан холос этади.

Эрон олими, Сайид Содиқ Гуҳарин ўзининг “Тасаввуф ислоҳотлари шарҳи” асарида тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва қарор топишида шиа мазҳаби қарашларининг таъсири борлигини таъкидлаган[532] бўлса, бошқа бир қатор олимлар юнон фалсафаси, қадимги зардуштийлар, ҳинд фалсафий-асотирий қарашларининг ҳам ролини кўрсатиб ўтганлар.

Мазкур маълумотлар тасаввуф илмининг тарихи ислом динидан олдинги асрларда ҳам мавжуд бўлиб тараққий топиб келганлигини билдирса-да, бошқа динларга нисбатан кейинги даврларда вужудга келган ислом дини ва унинг ақидаларида Оллоҳни севиш, унинг йўлида риёзатга берилиш, натижасида ислом тасаввуфи юзага келганлигини кўриш мумкин. Ислом тасаввуфи исломдан олдинги маданиятларнинг тасаввуфидан кескин фарқ қилиб, ислом тасаввуфининг асосини ислом дининг асосий манбаларидан бўлган Қурони Карим ва ҳадислар ташкил этади.

Тасаввуфда пир – муршид ва мурид даражалари мавжуд бўлиб, муршид муридга тариқатнинг қонун-қоидалари, покланиш, нафсни тийиш, ҳалолликни ўргатган. Ҳар бир мурид ўз муршидини “пир” деб атаган[533]. Муршид тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи устоз саналган. Мурид эса одатда шогирд маъносида ишлатилган[534].

Шу билан бирга тасаввуфда йирик сўфий устозларга нисбатан “валий” атамаси ишлатилиб, валий сўзи кўпликда “Авлиё” деб ҳам юритилган. Ислом анъанасида валийлар ёки авлиёлар пайғамбарлик даражасидан кейин турган ва улар мозорларини зиёрат қилиш ислом динининг ҳанафийлик мазҳабида савобли ишлардан ҳисобланган. “Авлиё” сўзи “азиз” сўзи билан ҳам бирга ишлатилиб “азиз-авлиёлар” атамаси тасаввуфда тариқат шайхларига нисбатан қўлланилган. Ислом ақидаларга кўра валийлар ёки авлиёлар ҳар қанча кашфу кароматга эга бўлмасин, барибир оддий пайғамбарнинг мартабасига ҳам ета олишмаган[535].

Ҳаким ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” асарида валийликнинг ҳаққонийлиги, унинг нубувват (пайғамбарлик) билан боғлиқ жиҳатлари баён қилинган[536]. Ушбу асар тасаввуф илми тарихида валоят

---

[529] Ислом энциклопедияси. Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 187.
[530] Ислом энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 454-455.
[531] Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2009. – Б. 73
[532] Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент: O`zbekiston, 2009. – Б. 73.
[533] Ислом энциклопедияси. Т. Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 377.
[534] Ислом энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 324.
[535] Ислом энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 36.
[536] Ал-Ҳаким ат-Термизий. Хатм ул-авлиё. Т.: Noshir nashriyoti, 2016. – Б. 16.

(авлиёлик) масалаларини биринчи маротаба мукаммал бир назария ва тасаввуф аҳли учун маънавий васиятнома сифатида тақдим этган асардир.

Тасаввуф – шарқона тараққиётдаги кўп асрлик тажрибаларни ривожлантириб, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмлари бирлаштирган. XII аср охиридан XIV аср бошларига қадар тасаввуф ўзининг юксак чўққисига кўтарилган. Айниқса, Нажмиддин Кубро (1145–1221), Муҳйиддин Ибн Арабий (1165–1240), Яҳъё Суҳравардий (1155–1191) сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор (ваф. 1220), Аҳмад Яссавий (ваф. 1166), Жалолиддин Румий (1207–1273) каби улуғ сўфийлар тасаввуф илмининг доирасини кенгайтириб, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитганлар.

Тасаввуфда бағрикенглик, тўғрисўзлик, покланиш, ман қилинган ишлар билан шуғулланмаслик, бирор касбни эгаллаш, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш ҳалол меҳнат қилиш каби ғояларни илгари сурилади.

**Тасаввуф таълимотига кўра, имоннинг бутлигини сақлаш ниҳоятда зарур ва ибратлидир. Чунки, иймон бутлиги тасаввуф таълимотига кўра, инсонни фазл-камолотга ва унинг устига қуриладиган чинакам илмга етказади. Илм эгаллаш нафсни тийишга, нафсни тийиш эса сабр-тоқатга, сабр-тоқат инсонни диёнатга етаклайди. Диёнатлилик аввало ўз миллатини, Ватанини, биродарларини севишдир.**

Тасаввуф таълимоти амалий ҳаётда “тариқат” деб юритилади. Тариқатлар ислом динининг руҳи саналади. Тариқат – арабча “йўл” деган маънони билдириб, тасаввуф адабиётида “Аллоҳга яқинлашмоқ ва Унинг розилигига эришиш мақсадида юриш керак бўлган йўл” демакдир.

X-XI асрларга келиб ислом оламида машҳур исломшунос мутассаввуфлар раҳнамолигида турли тариқатлар пайдо бўла бошлаган. Ушбу тасаввуфий оқимлар сони ўттиз бештадан ортиқ бўлиб, улардан нақшбандия, яссавия, кубровия ва қодирия оқимлари Марказий Осиёда кенг тарқалган.

Шариат ва бошқа илмларни ўрганиш йўллари турли-туман бўлганидек, тасаввуфда ҳам бир қанча тариқалар мавжуд. Ҳар бир тариқат ўзига хос йўлдан ҳақиқатга эришади. Тасаввуфий тариқалар хилма-хил бўлса-да, уларнинг асосий мақсади битта, яъни Ҳаққа яқинлашишдир.

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида кубравия, суҳравардия, мавлавия, чиштия, сафавия, ҳайдария, яссавия, қодирия, нашқбандия, жалолия, бектошия, шозалия, неъматуллоҳия, рифоия каби тасаввуф оқимлари вужудга кела бошлаган. Жумладан Нақшбандия, Яссавия, Кубравия ва ҳозиргача айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб келаётган Қодирия (Эрон ва Афғонистонда), Рифоия (Эронда), Тайфурия (араб мамлакатларида), Мавлавия (Туркияда), Чиштия (Ҳиндистон ва Покистонда), Бектошия (Туркияда), Савафия (Эронда) ва бошқалар шулар жумласидандир.

## ИСЛОМ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ТАРАҚҚИЁТИДА БАҲОВУДДИН ВАЛАДНИНГ ЎРНИ

**Чўлиева Васила Эркиновна-**
Ўзбекистон, НавДПИ, Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Бугунги мураккаб тарихий шароитда дунёнинг турли мамлакатларида ҳар-хил ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий курашлар кундан-кунга авж олиб бормоқда. Инсониятнинг маънавий қиёфасини юксалтириш ва уларда ахлоқий фазилатларни янада ривожлантиришда фалсафа фанининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, фалсафий тафаккур тарихи тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган, ўзларининг дурдона асарлари ҳамда ғоялари билан бугунги диний ва дунёвий илмлар тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Шарқ алломаларининг бебаҳо маънавий меросини бутун дунё тан олиб, юксак эътироф этишмоқда, шунингдек, филоореантализм масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Ислом олами жаҳон фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси билан фахрланишга тўла ҳақли. Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бутун дунёда маълум ва машҳур бўлган”[537].

Барчамизга маълумки, XII-XIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфий таълимоти тарихида диний-ирфоний илмларни эгаллашга ва ўрганишга бўлган эътибор ниҳоятда юқори эди. Шу билан биргаликда бу давр мусулмон оламида ирфон босқичи ва тасаввуф фалсафаси ҳам бирмунча юксалди. Ўша даврлардан бошлаб тасаввуф фалсафасида бир қатор тариқатлар ва сулуклар ҳам шаклланди. XIII асрда Кунёда салжуқий султонларидан Аловуддин Кайқубод ҳукмронлик қиларди ва бу пайтда мамлакатда ижтимоий-сиёсий жараёнлар бирмунча барқарорлашган эди. Бу даврда

[537] Мирзиёев Ш. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида сўзлаган нутқи

тасаввуф таълимотининг 3 та оқими кенг тарқалганди. Биринчиси ваҳдат ул-вужуд тушунчасини кенг тарғиб этувчи ва тасаввуфни бевосита юксак ахлоқий таълимот сифатида тан олувчи (Андалусия ва шимолий Африка) сўфийлари; иккинчиси Миср, Сурия, Ироқлик сўфийлар ҳамда уларнинг бир-бирига ғоявий жиҳатдан қарама-қарши бўлган тариқатлари (Суҳравардийлик, Вафоийлик ва Қаландарлик) вакиллари; учинчиси Ўрта Осиё ва Эрондан келган сўфийлар (Кубравия, Яссавия ва Ҳайдария) тариқати вакиллари бўлган сўфийлар жамоаси фаолият юритарди. Бу оқимларнинг бир қисми Аҳли Суннат қоидалари доирасида иш олиб боришса, бир қисми халқнинг бой қатлами вакиллари билан яқин муносабатда бўлишар, яна маълум бир қисми эса аҳолининг қашшоқ қатлами вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишарди.

Шундай тариқатлардан бири Кубравия тариқати бўлиб, бу тариқат Шарқда анча маълум ва машҳур ҳисобланади. Мазкур тариқатнинг бир қанча вакиллари шайхлик рутбасига эришганлар. Жумладан, буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийнинг падари бузруквори, Балх шаҳрининг энг нуфузли уламоси шайх Баҳовуддин Валад, таниқли тасаввуф намояндаларидан Азизиддин Насафий ва Нажмиддин Доя каби ўнлаб ислом оламида шуҳрат қозонган шахслар Кубравия тариқатининг вакилларидандир[538].

Шайх Нажмиддин Кубро мусулмон дунёсининг энг машҳур ва забардаст мутасаввифларидан бири ҳисобланади. У зот халқ орасида Томатул Кубро, яъни турли бало-қазоларнинг олдини олувчи, асровчи ва Абул Жанноб, яъни моддий олам ҳою-ҳавасларидан кечган зот деган номлар билан шуҳрат қозонган. Кубравия силсиласини асосчиси бўлмиш Нажмиддин Кубронинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, ҳижрий VI-VII асрларда яшаган Нажмиддин Розий, Маждуддин Бағдодий, Саъдуддин Ҳамавий, Сайфиддин Бохарзий ва Баҳовуддин Валад каби сиймолар у кишининг мурид-у шогирдлари бўлган[539]. Буюк мутасаввиф Нажмиддин Кубро ҳақида Али Акбар Деҳхудо ўзининг “Луғатнома” асарида шундай маълумотни келтиради: “...у кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийракликлари ва туганмас заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масала сўралганда ҳал қилиб берар эдилар ва ҳар ким у киши билан баҳс-мунозара қилса, ғолиб чиқар эдилар”[540]. Бу зот 12 кишини ўзига муридликка қабул қилиб, уларнинг барчасини шайхлик мақомига етказиб тарбиялаганлар. Файласуф олим М. Хайруллаев шундай ёзади: “...у кишининг баъзи мурид лари мамлакат миқёсида шунчалик юқори нуфузга эга бўлганларки, ҳатто Фахриддин Розий каби файласуф ва султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам уларнинг рақобатидан хавотирланганлар”[541].

Ҳиндистонда тасаввуф фалсафаси ривожланиши XI-XII асрларда сезиларли равишда тараққий этди. Бунга сабаб эса, ўша даврларда мусулмонларнинг бу мамлакатга кириб келиши, Маҳмуд Ғазнавийнинг XI асрда, кейин эса Чингизхоннинг Ҳиндистонга қилган юришлари ҳам бу жараёнга сезиларли тарзда ўз таъсирини ўтказди. Шу тариқа Суҳравардия, Нақшбандия, Чиштия каби йирик тариқатлар қаторида Кубравия тариқати ҳам бу ўлкада кенг тарқалди.

Жалолиддин Румийнинг отаси бўлмиш шайх Баҳовуддин Валад ўз даврида Султон ул-уламо унвони билан танилган, Кубравия тариқатига мансуб бўлган машҳур воиздир. Баҳовуддин Валад Хоразм сўфийлик мактабининг тарафдори ва вакилларидан ҳисобланган[542]. Шарқдаги машҳур мутафаккир ва мутасаввиф олимлардан бири ҳисобланмиш Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳовуддин Валад шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди саналади[543]. Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида шундай ёзади: “Шайх Нажмиддин Кубро (қ.т.р.) Ҳазрат Шайхқа муридлар кўп эрдилар, аммо алардин нечаси жаҳонда ягона ва замонда муқтадо ва фарзона эдилар. Андоқки, Шайх Маждуддин Бағдодий ва шайх Саъдуддин Ҳумуйий ва Бобо Камол Жандий ва Шайх Розуддин Али Лоло ва Шайх Сайфиддин Бохарзий Шайх Нажмуддин Розий ва Шайх Жамолуддин Гилий (р.т.) ва баъзи дебдурларки, Мавлоно Баҳовуддин Валадки, ҳазрат Мавлоно Жалолуддин Румий (қ.с.)нинг волиди бўлғай, ҳам алардиндур”[544].

Баҳовуддин Валад буюк шайх Нажмиддин Кубро (618/1221) томонидан таъсис этилган Кубравия тариқатининг вакили[545] бўлиб, дунё моддиётлари ва ўткинчи ҳирслардан бутунлай воз кечиб, Нажмиддин Кубронинг ҳузурига муридликка боради. Шайх Нажмиддин Кубродан тасаввуф ва

---

[538] Имомназаров М. Маънавиятнинг ривожланиш тарихи.-Т.2008.-Б.93.

[539] Хайруллаев М. Маънавият юлдузлари.-Т.:Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001 й.-Б.154.

[540] Али Акбар Деҳхудо. Луғатнома.104-жилд.-Теҳрон университети нашриёти, 1965 й.-Б.365.

[541] Хайруллаев М. Маънавият юлдузлари.-Т.:Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001 й.-Б.155.

[542] Маматов М.А.Сущность суфизма.-УФА 2011.-стр.150.

[543] Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан.-Т.:Ўзбекистон, 1995 й.-Б.107.

[544]Навоий А.Тўла асарлар тўплами. Ўн томлик, 10-том. Насойим ул-муҳаббат.-Т.:Ғафур Ғулом нашриёти.2011 й.-Б.149.

[545] Şefik Can. Mevlânâ (Hayati-fikirleri-Eserleri), Ötüken Yayinlari.-Istanbul, 1999.-S.31.

ботиний илмларни ўрганган Баҳовуддин Валад шайхининг таважжуҳи ҳамда таҳсили туфайли ўз замонасининг буюк олими бўлиб камол топади. Шайхининг тарбиясида у ҳам шайхлик мақомига эришади ва Нажмиддин Куброни муборак қўлидан муқаддас хирқа кийган 8-шайх ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Баҳовуддин Валад мусулмон оламининг буюк мутафаккири ва забардаст воизидир. Мутасаввиф Шарқ оламида нафақат буюк воиз ва фиққшунос, балки буюк Жалолиддин Румийнинг отаси сифатида ҳам машҳур зот ҳисобланади. Шу билан бирга, ўз ўрни ва сўзига, қудратли таъсир кучига эга бўлган воиз, исломий илмлар билимдони ҳамда мукаммал ўзлаштирилган нутқ соҳиби ҳам бўлган. У ўзининг машҳур "Маориф" асарида Шарқ халқларининг ўзига хос миллий қиёфасини ва юксак ирфоний тафаккурини акс эттирган алломадир. Баҳовуддин Валад Ислом назариётчиси бўлиши билан бирга, ўз фалсафий ғояларини амалиёт билан узвий боғлагай олган алломадир. Шунингдек, у кўпроқ ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли қарашларни аподиктив ғоялар асосида халққа етказа олган. Баҳовуддин Валад сиймосидаги воиз барча миллат, дин ва мазҳабларни бирлик моҳияти ҳамда ишқ ҳидояти билан улуғлаган, уларни ҳамжиҳатликка, бағрикенгликка даъват этувчи улуғ зотдир.

## YANGI O‘ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TA’LIMNI RIVOJLANTIRISHGA QARATILGAN TUB ISLOHOTLAR VA JAHON TAJRIBASI (Navoiy viloyati misolida)

**Shirinova Feruza Inoyatovna-**
**NavDPI Tarix kafedrasi katta o‘qituvchisi**

Respublikamizda ta’lim tizimi doimo davlatning e’tiborida bo‘lmoqda. O‘tgan davr mobaynida sog’lom va har tomonlama rivojlangan avlodning shakllanishini ta’minlashga qaratilgan samarali maktabgacha ta’lim tizimini tashkil qilish bo‘yicha kompleks tashkiliy – huquqiy chora – tadbirlar amalga oshirildi. Hozirgi kunda bu soha chuqur isloh qilinish holatida. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekistonni 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasida ta’kidlaganidek, «Avvalgi uchrashuvlarda ta’lim va ilm – fan, davlatning yoshlarga doir siyosatini amalga oshirish, ta’limning yangi, zamonaviy usullarini, jumladan, axborot – kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish sohasidagi ishlar ahvoli tanqidiy tahlil qilib berilgan edi. Dolzarb vazifalarni amalga oshirish yoshlar, jamiyat va mamlakatning kelajagi uchun strategik ahamiyatga ega ekani sababli ushbu sohadagi ishlar shaxsan Bosh vazirga yuklatilgan. Sizning e’tiboringizni quyidagi vazifalarni amalga oshirishga qarataman. Birinchi vazifa – maktabgacha ta’lim sohasida»[546]. Mazkur vazifani bajarish borasida joriy yil mobaynida maktabgacha ta’limni uzluksiz ta’lim tizimining ajralmas, birlamchi bo‘g’ini sifatida takomillashtirish bo‘yicha davlatimiz rahbari tomonidan qator muhim hujjatlar qabul qilindi. Maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, moddiy – texnika bazasini mustahkamlash, maktabgacha ta’lim muassasalari tarmog’ini kengaytirish, malakali pedagog kadrlar bilan ta’minlash, bolalarni maktab ta’limiga tayyorlash darajasini tubdan yaxshilash, ta’lim – tarbiya jarayoniga zamonaviy ta’lim dasturlari va texnologiyalarini tatbiq etish, bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish uchun shart – sharoitlar yaratish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrdagi «2017-2021 yillarda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora – tadbirlari to‘g’risida»gi PQ-2707-son qarori qabul qilindi. SHu qaror bilan tasdiqlangan «Maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish bo‘yicha 2017-2021 yillarga mo‘ljallangan dastur» ning asosiy maqsadli vazifalari va yo‘nalishlari qatorida ilg’or xorijiy tajribani hisobga olgan holda bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish sharoitlarini yaratish belgilangan.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 25.10.2007 yil 225 – sonli "Maktabgacha ta’lim sohasidagi normativ huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g’risida"gi qarorida O`zbekiston Respublikasida maktabgacha ta’lim tizimini takomillashtirish, uning uzluksizligini, shuningdek Kadrlar tayyorlash milliy dasturi vazifalari samarali amalga oshirilishini ta’minlash maqsadida ishlab chiqilgan hamda davlat maktabgacha ta’lim muassasalari faoliyatini tartibga soladi deyilgan. SHuningdek, "Maktabgacha ta’lim

[546] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. Б.44-45.

muassasasi o`z faoliyatida O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlariga, O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining qarorlari va boshqa hujjatlariga, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari va farmoyishlariga, O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari va farmoyishlariga, ushbu Nizomga hamda o`z ustaviga amal qiladi" deb ko‘rsatib o‘tilgan.

Maktabgacha ta'lim muassasasi ta'lim – tarbiya va sog`lomlashtirish muassasasi hisoblanadi, quyidagilar uning asosiy vazifalari hisoblanadi: bolalarning hayotini muhofaza qilish va sog`lig`ini mustahkamlash; bola shaxsi asoslarini shakllantirish, uning bilimga qiziqishlarini rivojlantirish; bolaning intellektual, shaxsiy va jismoniy rivojlanishini ta'minlash; bolaning rivojlanishidagi nuqsonlarni zarur tarzda tuzatish; bolalarni milliy madaniyat va umuminsoniy qadriyatlar bilan qurollantirib borish.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 9 sentyabrdagi «Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora – tadbirlari to‘g'risida»gi PQ-3261-son qarorida mavjud tizimli kamchiliklar, maktabgacha ta'lim sohasida davlat siyosatini to‘liq amalga oshirishga to‘sqinlik qilayotgan sabablar ko‘rsatilgan, xususan: birinchidan, maktabgacha ta'limni boshqarishning amaldagi holati tizimli muammolarni o‘z vaqtida aniqlash va bartaraf etish, mazkur sohada, shu jumladan, nodavlat sektorda zamonaviy innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish imkonini bermayapti; ikkinchidan, maktabgacha ta'lim sohasiga investitsiyalarni jalb qilishga, shu jumladan, ijtimoiy – hammabop maktabgacha ta'lim muassasalarini tashkil etish, ularni moddiy – texnika jihatidan qayta jihozlash va ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo‘llashga qaratilgan davlat – xususiy sheriklik mexanizmlari joriy qilinmagan; uchinchidan, maktabgacha ta'lim muassasalari infratuzilmasi va moddiy – texnika bazasining amaldagi holati bolalarni maktabgacha ta'lim muassasalari bilan to‘liq qamrab olishni ta'minlashga imkon bermayapti. Umuman olganda Maktabgacha ta'lim sohasi mustaqil davlatning hamisha diqqat markazida bo‘lib keldi. Prezident SH. Mirziyoyev -"Ijtimoiy siyosatning muhim yo‘nalishi bo‘lgan maktabgacha ta'lim – tarbiya tizimining moddiy texnika bazasini mustahkamlash e'tiborimiz markazida bo‘ladi. Jumladan davlatga qarashli 1 million 109 ming o‘rinli, tasavvur qiling 1 million 109 ming o‘rinli 2 ming 200 ta bolalar bog'chasi quramiz. Kapital ta'mirlash va jihozlash masalalari hal etiladi. O‘ylaymanki, bundan ayollarimiz, yosh onalarimiz, umuman aholimiz mamnun bo‘ladi"[547]- deb ta'kidlagan edilar.

2017 yil yakunlariga ko‘ra Maktabgacha ta'lim vazirligi tizimiga 3 yoshdan 7 yoshgacha bo‘lgan 2,5 mln bola qamrab olingan. Respublikadagi MTMlar soni esa - 6154. Ulardan 5586 tasi - davlatga qarashli, 568 tasi nodavlat ta'lim muassasasidir. Bugunga kelib 859 141 nafar bola maktabgacha ta'lim bilan qamrab olingan, bu umumiy hisobning 34 foizi demakdir. Jami 1 mln 600 dan ziyod bola maktabgacha ta'lim bilan qamrab olinmagan.

"Biz 2017 yilning 30 sentyabrida tashkil topganmiz, MTMlar bizga topshirilganida ularning soni 4891 ta edi. Hozirda esa 5586 MTM faoliyat yuritmoqda. "SHuncha MTM qayerdan paydo bo‘la qoldi?" degan savol tug'ilishi mumkin. Biz birinchi marta respublika miqyosida pasportizatsiya, inventarizatsiya jarayonini o‘tkazdik. Bu O‘zbekistonda birinchi marta mutlaqo begona tashkilot - mustaqil konsalting kompaniyasi tomonidan qayd etildi. Qaydnoma davomida biz davlat bog'chalarimizdan tashqari ularning hech kim tomonidan nazorat qilinmaydigan filiallari ham mavjudligini aniqladik. SHuning uchun 800 ta shunday filialdan 600 tasi mustaqil MTMga aylantirildi"[548], - qo‘shimcha qiladi SHin.

Maktabgacha ta'lim vazirligi maqsadi - barcha bolalarni teng asosli va yuqori sifatli maktabgacha ta'lim tizimiga qamrab olish. O‘zbekistonda uzoq qishloq punktlari bor, u yerda bolalar bog'chalari yo‘q, shunday ekan, maktabgacha ta'lim olishning imkoni yo‘q. Qamrovni ta'minlash uchun MTV tomonidan o‘qitishning muqobil shakli - oilaviy MTMlar faoliyatini yo‘lga qo‘yishga doir qaror ishlab chiqildi.

Maktabgacha ta'lim tizimiga jalb qilish qamrov darajasi yuqori sanalgan aynan qishloq joylarda bunday qaroro‘zini oqlayd deb o‘ylaymiz. Ushbu qarorda oilaviy MTM daromad olish huquqiga ham ega ekanligi qayd etilgan. Bundan tashqari, oliy ma'lumotga ega bo‘la turib, muayyan sabablarga ko‘ra ishlay olmaydigan ayollar o‘z uyida ishchi yollash imkoniga ham ega bo‘ladi. Bunda boshqa joylarga nisbatan istisno mavjud, ya'ni uzoq qishloq joylarida hatto o‘rta-maxsus ma'lumotga ega ayollar ham oilaviy MTMda faoliyat yuritishi mumkin. Biz ularni shtatga kiritamiz va ular ish haqi bilan ta'minlanadi. Mebel va metodik ta'minotni vazirlik to‘liq o‘z zimmasiga yuklanadi. Ayni damda taklif etilayotgan va kelgusida ishlab chiqiladigan yana bir model - Islom taraqqiyot banki yordamida mahallalar qoshida bir xona bolalar uchun maktabgacha ta'lim ta'minoti bilan jihozlanadi.

2019 yilning yanvar oyidan har bir bolaga tug'ilishi bilan identifikatsion raqam beriladi va u keyinchalik ana shunga asosan kuzatib boriladi. Hozircha esa bu raqamlar Davlat statistika qo‘mitasi, Adliya va Sog'liqni saqlash vazirliklaridan olinadi. Qaror loyihasiga maktabgacha ta'lim muassasalari kechgacha

---

[547] Мирзиёев Ш. "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтариламиз". Т.,"Ўзбекистон" 1-жилд. 2017 й. Б.85

[548] Рахмонбердиева Л. "Мактабгача таълим ва ислоҳотлар", Kun.uz. 2018 йил. 16 август.

ishlovchi ota – onalar uchun qo‘shimcha xizmat ko‘rsatishi mumkinligiga doir taklif kiritildi. Tabiiyki, qo‘shimcha xizmatlar qo‘shimcha to‘lov evaziga ko‘rsatiladi.

Avvallari MTMlardagi pedagoglar ko‘plab hujjat turlarini to‘ldirishlariga to‘g’ri kelgan. Vaqti kelganda, qog’ozbozlik sabab bolalarga yetarlicha e’tibor qaratilmagan. CHunki rahbariyat talabini o‘z vaqtida bajarmaslik yaxshilikka olib kelmasligini yaxshi bilishgan. Ko‘plab yaxshi kadrlar aynan shu qog’ozbozlik sabab ham sevimli kasblaridan voz kechishgan. Va nihoyat, 2018 yilning 15 iyulida MTMlarda qog’ozbozlikni qisqartirishga oid qaror qabul qilindi. Unga ko‘ra, ilgari pedagoglar 9 ta hujjat turini yuritgan bo‘lsa, endi ularning soni 4 tagacha qisqartirildi. Demak, amalga oshirilayotgan barcha islohotlar natijasida bolalarimiz - sifatli maktabgacha ta’lim, pedagoglar esa - munosib ish haqi va imtiyozlar bilan ta’minlanishadi. Toki har bir bola bog’chaga borgisi kelmay ko‘z yosh to‘kmasin, yaxshi pedagoglar esa o‘z kasbini tashlamasin!

2030 yilga borib 85 foiz bola respublika MTMlariga qamrab olinishi maqsad qilinmoqda. Mamlakatimizda 2017 yil iyun oyidan Maktabgacha ta’lim tizimini tanqidiy o‘rganish va yanada takomillashtirish yuzasidan takliflar ishlab chiqish bo‘yicha komissiya tashkil etilib uning asosiy vazifalari qatorida quyidagilar belgilandi:

- maktabgacha yoshdagi bolalarni uyg’un rivojlantirish sohasidagi ilg’or xorijiy tajribani hisobga olgan holda, sifatli maktabgacha ta’limni tashkil etishda davlat talablarini qayta ko‘rib chiqish;
- mavjud amaliyot va ilg’or xorijiy tajribani o‘rgangan holda, nodavlat maktabgacha ta’lim muassasalari faoliyatini litsenziyalashning soddalashtirilgan tartibini joriy etish, ularning tashkiliy-huquqiy shakllarini takomillashtirish bo‘yicha takliflar tayyorlash.

Maktabgacha ta’lim muassasalarining davlat va nodavlat tarmoqlarini yanada kengaytirish, davlat va nodavlat maktabgacha ta’lim muassasalari o‘rtasida sog’lom raqobat muhitini shakllantirish sharoitlarini yaratish, davlat va xususiy sektor sherikligi shartlarida maktabgacha ta’lim muassasalarining yangi shakllarini joriy etish, shuningdek[549], “...maktabgacha ta’lim muassasalari faoliyatini tubdan yaxshilash, maktabgacha yoshdagi bolalar qamrovini oshirish, ilg’or xorijiy tajribani o‘rgangan holda, har jihatdan zamonaviy tizim yaratish masalasi dolzarbligicha qolmoqda»[550]. MTT larda o‘tkazilgan tahlillar bu sohasida olib borilayotgan ishlarning samarasi va natijasi yetarli darajada emasligini ko‘rsatmoqda».[551] Uzluksiz ta’lim tizimining muhim bo‘g’ini bo‘lgan maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish qaroriga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi, Qoraqalpog’iston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi, Toshkent shahar maktabgacha ta’lim bosh boshqarmasi, viloyatlar maktabgacha ta’lim boshqarmalari hamda ularning tuman (shahar)lardagi bo‘limlarini tashkil etish vazifasi belgilandi. O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi, uning hududiy bo‘linmalarining asosiy vazifalari va faoliyati yo‘nalishlari qatorida ilg’or xorijiy tajribani hisobga olgan holda maktabgacha yoshdagi bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish belgilangan. «Bolalar huquqlari xalqaro Konvensiya»sida ifodalanib, unda quyidagilar ta’kidlanadi: [552] 2017 yil 22 sentyabrda murojaat etilgan – bolalar ta’lim olish maskanlariga qatnash imkoniyatiga ega bo‘lishlari kerak; – kattalar bolalarga o‘qish faoliyati uchun sharoit yaratib berishlari lozim; – ta’lim o‘z ichiga kichik odamni jamiyat doirasida o‘z hayotini tushunib yetishga tayyorlash uchun barcha kerakli sharoitlarni qamrab olgan bo‘lishi zarur; – o‘quv jarayoni qatnashchilarining o‘zaro harakatlari bolani hurmat qilishni ifodalashga asoslangan bo‘lishi kerak. Rossiyadagi maktabgacha ta’lim tizimi doimo o‘zgaruvchan holatda bo‘lib, u muntazam ravishda yangilanadi, ko‘rinishini o‘zgartiradi va mukammallashib boradi. Bu konsepsiyada ta’limning sifat ko‘rsatkichlarini ta’minlashga muhim ahamiyat berilgan. Bu hujjat ta’lim to‘g’risidagi qonunga, Rossiya Federatsiyasi Konstitutsiyasiga, MTM to‘g’risidagi Namunaviy nizomlarga va Ta’lim vazirligining boshqa qarorlariga asoslangan. «Bolalar konferensiyasi» deb atalmish yig’ilishlarda bolalar MTM doirasida hulq – atvor qoidalarini o‘zlari belgilashadi. Bunday bog’chalarda ijod qilish, syujet – rol o‘yinlari, eksperimentlar, tabiat qo‘yni yoki shaharning korxona va tashkilotlariga ekskursiyaga borishlarga katta ahamiyat beriladi.

Integratsion bolalar bog’chalari MTMlarda sog’lom bolalar bilan birgalikda jismonan va ruhiy nosog’lom bolalar birgalikda tarbiyalanadi. Bunday sharoit oddiy bolalar uchun chidamlik, bag’rikenglik va hurmat qilishni o‘rganishga ajoyib imkoniyat, deb qaraladi. Xorijiy mamlakatlarning maktabgacha ta’lim

---

[549] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3261-сон қарори. // «Халқ сўзи», 2017 йил 11 сентябрдаги сони.

[550] [550] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3261-сон қарори. «Халқ сўзи», //2017 йил 11 сентябрдаги сони.

[551] «Халқ сўзи»//, 2017 йил 3 октябрь.

[552] https://edunews.ru/education-abroad/sistemaobrazovaniya/doshkolnoe.html

tizimlarini o‘rganish, ularning ilg’or tajribasini tahlil etish va respublikamiz sharoitiga moslashtirish bo‘yicha aniq chora – tadbirlarni ishlab chiqish mamlakatimiz maktabgacha ta’lim tizimini takomillashtirib zamonaviylashtirishga imkon yaratadi. SHu maqsad yo‘lida amalga oshirilgan ishlarga razm solsak, birgina Navoiy viloyatida bugungi kunda 1140 ta maktabgacha ta’lim tashkiloti faoliyat ko‘rsatib, hududdagi bolalarning 84 foizi MTTga qamrab olinganini kuzatish mumkin. Bu 2017 yil bilan solishtirilsa, ikki yarim baravar ko‘p demakdir. Tizimdagi islohotlarning navbatdagi bosqichida viloyatda o‘tgan yildan e’tiboran bolalarni sog’lom ovqatlantirish va ularga berilayotgan oziq – ovqat mahsulotlari sifatini ta’minlash maqsadida autsorsing xizmati yo‘lga qo‘yildi. Tizimning afzalligi MTTlarni arzon narxlarda sifatli oziq – ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash orqali tarbiyalanuvchilarni sanitariya qoidalari va me’yorlari asosida ovqatlantirishdan iboratdir. Zero, mutaxassislarning ta’kidlashicha, maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarning jisman va ma’nan uyg’unlikda kamolga yetishi ko‘p jihatdan to‘g’ri, to‘yimli va xilma-xil ovqatlanishga bog’liq. YAponiya maktabgacha ta’lim tizimi tajribasidan foydalanib 2019 yilning 14-fevralida Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasi, O‘zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi Navoiy viloyat bo‘limi va Maktabgacha ta’lim boshqarmasi hamkorligida o‘tkazilgan, «Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tashkil etilgan autsorsing xizmatining afzalliklari» mavzusidagi matbuot anjumanida OAV vakillari, mutasaddilar bilan birga tarbiyalanuvchilarning ota – onalari ham ishtirok etdi.

2019 yilning 1 yanvaridan boshqarma tasarrufidagi 210 ta davlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarining 60 tasi autsorsing usulida ovqatlantirish tizimiga o‘tkazildi. Xalq deputatlari Naoiy Viloyat kengashida Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 25 iyuldagi «Davlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida sog’lom ovqatlantirish tizimini yanada takomillashtirish to‘g’risida»gi qarori asosida Maktabgacha ta’lim vazirligi komissiyasi tomonidan tanlov o‘tkazilib, to‘rtta tadbirkorlik sub’ekti bilan bir yil muddatga shartnoma tuzilib, tadbirkorlik sub’ektlari tomonidan autsorsing usuliga o‘tgan 14 ta maktabgacha ta’lim tashkiloti oshxonalariga 2 milliard so‘mga yaqin investitsiya kiritildi.[553] Oshxona jihozlari, mebellar, idish-todivoqlar yangilangani. sarmoya yo‘naltirgan har bir tadbirkor keyingi yillarda ham hamkorlikni davom ettirishdan manfaatdor va shu niyatida tanlov shartlariga og’ishmay amal qilishi, bolalarning haqiga xiyonatning oldi olingani haqida, autsorsing xizmati joriy etilgunga qadar sabzavot mahsulotlari yetkazib berishni tenderda yutib olgan korxona bir necha oylik, hatto bir yillik zaxirani keltirib berilgan, “Autsorsing tizimida tadbirkor mahsulotlarni yirik muzlatkichlarda ijara asosida saqlab, har besh kunda keltirib, jamoa oshxona bilan bog’liq tashvishlardan bo‘shab, asosiy e’tiborni ta’lim – tarbiyaga qaratish imkoniyati yaratildi.”[554] Viloyatda 167 ta maktabgacha ta’lim muassasasi faoliyat yuritib, shundan 143 tasi davlat, 9 tasi nodavlat (4 tasi xususiy va 5 tasi davlat–xususiy sherikchilik asosida) va 15 tasi tashkilot (NKMK DK)ga qarashli maktabgacha ta’lim muassasalarini tashkil etishi, viloyat bo‘yicha 3-7 yoshgacha bo‘lgan bolalar soni 70118 nafar, shundan 28968 nafari maktabgacha ta’lim muassasalariga qamrab olingani, bu ko‘rsatkich 41,3 foizni tashkil etdi.

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БОРИШИ

**Хамраева Саодат Исломовна**
**НавДПИ Тарих кафедраси катта ўқитувчиси**

Республикамиз мустақилликни қўлга киритган илк даврдан то ҳозиргача аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Истиқлолга эришган мамлакатнинг соғлиқни сақлаш тизими учун биринчи ордени “Соғлом авлод” дея аталгани, шу номдаги халқаро хайрия жамғармасига асос солинганлиги, қатор йилларнинг инсон саломатлигига алоқадор номланишида ҳам рамзий, ҳам азалий чуқур маъно – мазмун мужассам. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, соҳани замонавий, илғор технологиялар билан такомиллаштириш, тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш натижасида катта ютуқлар қўлга киритилди.

Мувафаққият ўз – ўзидан қўлга киритилмаганидек, тиббиётнинг бугунги даражасига эришиш ҳам енгил кечмади. 2000 – 2001 – йиллардан бошлаб мамлакат соғлиқни сақлаш тизими бошқарувини такомиллаштириш, шифохоналарни замонавий чет эл асбоб – ускуналари билан жиҳозлаш,

[554] Раҳимова Х. “Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган аутсорсинг хизматининг афзалликлари”., Халқ сўзи.// 2022 18-феврал

диагностика марказларининг очилиши каби муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалар бажарилди. Худди шу даврдан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Навоий вилоятида арзирли ишлар амалга оширилди.

2003 йилда Нурота туман марказий шифохонасига қарашли туғруқ бўлими Финляндиянинг “Медико – медикал” фирмаси томонидан 1 млн. 200 000 АҚШ доллари миқдорида замонавий тиббиёт асбоб – ускуналари билан жиҳозланди[555]. Бу эса ислоҳотлар замирида ҳукуматнинг оналик ва болаликни ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган ишларининг самараси сифатида туман аҳолисига хизмат қилиб келмоқда. 2005 йилда Эндикринология диспансери таркибида Диабет мактаби ташкил этилиб, Республика Эндикринология ИТИ (Илмий текшириш институти) томонидан видео, аудио, оргтехника ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Узоқ чўл ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни яхшилаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ажратилган, қиймати 68 млн. сўмлик “ISUZU” ёпиқ юк ташувчи автомашинасида жойлашган кўчма аптека фаолият олиб борди. Вилоят ОИТС га қарши курашиш марказига 2005 йилда “Глобал – фонд” томонидан компьютер ва бошқа керакли асбоб – ускуналар, қаттиқ жиҳозлар билан биргаликда 1 та “Дамас” русумди автотранспорт берилди. Вилоят аҳолиси орасида ОИВ инфекциясини эрта аниқловчи 7 та, яъни вилоят ОИТС га қарши кураш маркази, Хатирчи, Нурота, Қизилтепа туманлари, вилоят қон қуйиш станцияси, НКМКга қарашли тиббий санитария қисми, вилоят ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлимларида ҳамда Зарафшон шаҳрида туманлараро ОИТС лабораториялари замонавий талаблар асосида жиҳозланди[556].

Булар ўз навбвтида вилоят аҳолисининг ОИВ инфекциясига сифатли текшириш ва эрта аниқлаш муаммоларини ҳал этишда катта имкониятлар яратди. Айниқса, узоқ ҳудудлар ҳисобланган Зарафшон шаҳри, Учқудуқ, Томди туманлари аҳолиси учун қулайликлар яратилиб, профилактик ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу даврда вилоят соғлиқни сақлаш тизимининг моддий – техника заҳиралари ўсди. Навоий вилояти бўйича “Саломатлик - 1”, “Саломатлик - 2” лойиҳалари асосида 2010 йилгача 8 та туман тиббиёт марказлари лабораторияларида 270,4 млн. сўмлик[557] ва қишлоқ врачлик пунктлари Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки кредит маблағлари ҳисобидан 2,7 млн. АҚШ доллари ёки 2 миллиард 737 миллион 742 минг сўмлик[558], яна бюджет маблағи ҳисобидан жами 752,5 млн. сўмлик Осиё тараққиёт банки кредити эвазига замонавий тиббий асбоб – ускуналар билан жиҳозланган бўлса, 2012 йилда 89 та ҚВП 99 турдаги 2,5 миллиард сўмлик[559], 47 та ҚВП эса 1,2 миллиард сўмлик[560], 8 та туман тиббиёт бирлашмалари туғруқ мажмуалари ва перинатал марказига 1,5 миллиард сўмлик[561] юқори технологияли тиббий аппаратуралар билан таъминланди.

2010 – 2012 – йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига замонавий компьютер томография, музлаткич камера, 8 та автоклав, жарроҳлик буюмлари келтирилди. Буларнинг умумий қиймати салкам 609 миллион сўмга тенгдир. Худди шундай, вилоят перинатал маркази, яъни туғруқ мажмуасига УТТ– Ультратовуш тўлқинлари ёрдамида амалга ошириладиган текширув бўлиб, оқ қора тасвирда ҳомила кўриниши, жойлашиши ва жинсини аниқлаш имконини беради)[562] ускунаси олинди, барча туғруқ мажмуалари учун жарроҳлик жамламалари ажратилди. Қишлоқ врачлик пунктларига 35 та ФЭК аппарати олинди. Вилоят ўсмирлар марказига Флюорография – (Флюорография, радиофотография, рентгенофотография – рентгенодианостика усули; бунда объектнинг рентген аппарати экранидаги тасвири унчалик катта бўлмаган фотоплёнкага туширилади. Ўлчами 70х70 ёки 90х90 бўлган флюорограммаларда кўкрак қафаси аъзолари тасвири олинади. Флюорография, асосан, кўкрак қафаси аъзолари, сут безлари, суяк тизими ва бошқа(лар)ни текширишда қўлланилади. Яширин кечадиган касалликларни оммавий текшириш мумкинлиги унинг бошқа рентгенодиагностик усуллардан афзаллигидир. Флюорография кабинетлари кўчма ва стационар бўлади)[563] ўрнатилди.

Йиллар давомида вилоятда даволаш профилактика муасссасалари моддий – техника базаси янада такомиллаштирилди. Жумладан, республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази вилоят филиали замонавий тиббиёт ускуналаридан: “TOSIBA”, “SIEMTNS” рентген аппаратлари,

---

[555] “Дўстлик байроғи”. 2003 йил, 14 май.
[556] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 36.
[557] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 38.
[558] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 39.
[559] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 40.
[560] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 39..
[561] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 38.
[562] БАРЧАСИ УТТ, ДОПЛЕР, СКРИНИНГ, 2Д, 3Д, 4Д ҲАҚИДА - Darakchi. https://darakchi.uz/
[563] Флюорография – Бу нима? – Онлайн Тиббий Энциклопедия MedLife.Uz. https://medlife.uz/

“Кардиофакс” ЭКГ ускунаси, 32 каналли “MEDELOG” электро – энцефалография, NAGASHIMA ЛОР – комбайн, “KONE – PRO” биокимёвий анализатор, “SKREENING” ва “MASTER PLUS” ионо селектив анализатори “FRESENIUS” сунъий буйрак ускунаси, операцион лапараскоп ва вентрикулоскоп билан таъминланди. Ислом тараққиёт банки томонидан 2 миллиард сўмлик 74 турдаги 148 хил[564] асбоб – ускуналар келтирилди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Япония гранти асосида замонавий тиббий асбоб – ускуналар билан жиҳозланди. Вилоят ўсмирлар марказига ЭГДФС, УТТ, ЭКГ аппаратлари, вилоят суд – тиббий экспертиза бюросига микроскоп, кварц лампа, дистиллятор, спектрофотометр, вилоят наркология диспансери ПИИН – С искович – 1 юза ионизацион индикатор аппарати, вилоят перинатал маркази Япония гранти бўйича замонавий тиббиёт жиҳозлари, вилоят эндокринология диспансери халқаро Диабет федерацияси гранти маблағлари ҳисобидан техника жиҳозлари ва бошқа асбоб – ускуналар билан таъминланди[565]. Бундай жиҳозланишлар вилоятнинг деярли барча тиббиёт муассасаларида амалга оширилди. Натижада халққа тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланиши билан тиббий хзматнинг сифати ва самарадорлиги ҳам ошди ва кўплаб қулайликлар яратилди.

Вилоят тиббиёт муассасаларининг иш унумдорлигини ошириш ва аҳолига тез, сифатли, самарали ҳамда қулай бўлган тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш ҳар доим ВССБ ва тиббиёт муассасалари маъулларининг диққат марказида бўлган. Айниқса, ВССБга қарашли ихтисослаштирилган автокорхона моддий – техник базасининг мустаҳкамланиши бунинг яққол далилидир. 1999 йилдан то 2014 йилгача 98 та автотранспорт, жумладан НКМК томонидан Учқудуқ туманига 5 та, Томди туманига 4 та, Нурота тумани бирламчи тиббий ёрдам муассасаларига 3 та УАЗ, 1 та “Газель” шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига, “Саломатлик – 1” лойиҳаси томонидан 19 та УАЗ русумли тиббий хизмат машинаси ҚВПларга, вилоят ОИТС марказига “Глобал” фонд ҳисобидан 1 та “Дамас”, вилоят силга қарши кураш диспансери ДОТС марказига 1 та “Дамас” автотранспорти, 2007 йилда Хатирчи туман марказий шифохонасига “Беелине” компанияси томонидан 1 та “Дамас” автотранспорти ажратилди. Қолган 34 та автотранспорт Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар томонидан даволаш профилактика муассаса (ДПМ)ларига берилди[566].

**1 – жадвал.**

| т/р | Автотранспорт берган ташкилот | Учқудуқ | Томди | Нурота | Хатирчи | Вилоят ҚВПлари | Вилоят ОИТС маркази | Вилоят ДОТС марказ и | ШТЁИМ | ДПМ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | НКМК | 5 та УАЗ | 4 та УАЗ | 3 та УАЗ | | | | 1 та Газель | 1 та Газель | |
| 2 | “Саломатлик – 1” | | | | | 19 та УАЗ | | | | |
| 3 | “Глобал” фонд | | | | | | 1 та “Дамас” | | | |
| 4 | “Беелине” компанияси | | | | 1 та “Дамас” | | | | | |
| 5 | Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар | | | | | | | | | 34 та |

Навоий вилоятида 2015 йилда “Вилоят ўсма касалликлари диспансерининг 50 қатновга мўлжалланган поликлиникаси, 60 ўринли стационар ва маъмурий биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Хитой гранти ва гуманитар маблағлар ҳисобидан 16 турдаги 78 миллион 941 минг сўмлик, маҳаллий бюджет томонидан 28 миллион 500 минг сўмлик тиббий ускуналар билан

[564] Навоий вилояти статистика бошқармаси жорий архиви, 2010 йил. 2- йиғма жилд, 31 – варақ.
[565] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 38.
[566] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 39.

жиҳозланди”[567]. Худди шу йили “вилоят наркология диспансери қайта реконструкция қилинган ”Электрокимё” корхонаси санитария тиббиёт қисми биносида фаолият бошлади. 25 қатновли амбулатория, 5 ўринли кундузги даволаш, физиотерапия, биохимик ва клиник лаборатория бўлимлари, 60 ўринли стационар хизмат кўрсатаётган бино қурилишига 1 миллиард 519 миллион сўмлик маблағ сарфланди”[568].

2016 йилда “Саломатлик – 2” лойиҳаси томонидан туғруққа ёрдам берувчи муассасаларда жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун 41 дона қуритиш шкафи, 41 дона ценрифуга, 64 дона гемотокритли центрифуга билан тиббиёт бирлашмалари кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалари жиҳозланди. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида вилоятимизда бўлган “Саломатлик поезди” мутахассислари томонидан 6 минг нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Ушбу жараёнда 2 минг 900 дан ортиқ беморга “”Соғлом авлод учун халқаро жамғармасининг озиқ – овқат, кийим – кечак ҳамда дори – дармонлар, ногиронлар аравачаларидан иборат мурувват ёрдами кўрсатилди.

Хуллас, вилоят тиббиёт муассасалари моддий техник базасининг мустаҳкамланиши аҳоли ўртасида саломатликни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, ёши катта ва ёш болалар орасида турли юқумли ва хавфли касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш жараёнларида ёрдам бериб келмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 262.
2. БАРЧАСИ УТТ, ДОПЛЕР, СКРИНИНГ, 2Д, 3Д, 4Д ҲАҚИДА - Darakchi. https://darakchi.uz/
3. Флюорография – Бу нима? – Онлайн Тиббий Энциклопедия MedLife.Uz. https://medlife.uz/
4. Навоий вилояти давлат архиви. 297 – Фонд – 297. 1 – Рўйхат. 21 – йиғма жилд. 98 – варақ.
5. Навоий вилояти статистика бошқармаси жорий архиви, 2010 йил. 2- йиғма жилд, 31 – варақ.
6. “Дўстлик байроғи”. 2003 йил, 14 май.


## JISMONIY MADANIYAT FANINING NAZARIY VA USLUBIY JIHATLARI


**A.K Chuliyev-**
**NavDPI Sport turlarini o‘qitish metodikasi kafedrasi**
**katta o‘qituvchisi**


Insoniyatning yashash uchun kurashdagi barcha harakatlari bu - jismoniy tarbiyadir. Jismoniy madaniyat (tarbiya)ni shakllanish tarixi bu – ibtidoiy jamoa tuzimiga borib taqaladi. Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanining rivojlanish davrlarini juda ko‘p olimlar turli xil nazariyalari bilan ifoda etganlar. Biroq isbot talab qiladigan, ayni haqiqatga tayanadigan ma’lumotlarni biz - M.YA.Vileniskiy va B.A.Ashmarinlar e’tirof etgan beshta asosiy davrlarda ko‘ramiz[1]. Holbuki, hozirgi kunda rivojlangan sportning nazariy asoslarini shu besh davr hususiy negizi bo‘lib, jismoniy madniyat nazariyasi va metodikasi fanining rivojlanish tarixini ochib beradi.

Jismoniy madniyat nazariyasi va metodikasi fanining rivojlanish davrlari:

1. Empirik davr bilimlari
2. Quldor va o‘rta asr davri bilimlari
3. Uyg’onish davri birilimlari
4. XIX asrdan So‘nggi davr bilimlari
5. Rivojlangan mamlakatlar va shurolar davri bilimlari

Birinchi davr – Bashariyat taraqqiyotining ilk faoliyatining organizmga ta’siri xaqida eng dastlabki (empirik) bilimlar[2,1].

Bu davrda insoniyat paydo bo‘lishi, sekin-asta ongni shakllanishi natijasida dastlabki (empirik) bilimlarni paydo bo‘ldi. Bilimlarning to‘planishi, mashqlarning foydasini xis etish va uning ma’nosiga yetish hamda to‘plangan tajribalarni avloddan-avlodga o‘tkazish usullarini anglash, «jismoniy mashqlar» va «jismoniy tarbiya»ning paydo bo‘lishi uchun ulkan poydevor bo‘ldi.

Ikkinchi davr – Jismoniy tarbiya jarayonida ko‘llana boshlangan uslubiyotlarning yaratilishi-qadimgi YUnonistonda quldorlik davlati davri va O‘rta asrni o‘z ichiga oladi.

Jismoniy tarbiyadagi ko‘plab uslubiyotlar - tajribalar orqali yuzaga kelgan bo‘lib, bu davrda faylasuflar, pedagoglar, tibbiyot hodimlari xali odam organizmining funksional faoliyati qonuniyatlarini

[567] Навоий вилояти давлат архиви. 297 – Фонд – 297. 1 – Рўйхат. 21 – йиғма жилд. 98 – варақ.
[568] Расулов З. Навоий вилояти тиббиёти. Кеча ва бугун. – Тошкент. “SAHHOF”. 2021 йил. Б. 262.

unchalik o‘rganishga ulgurmagan edi. Qolaversa, jismoniy mashqlar ta’sirining mexanizmi xali yetarli darajada o‘rganilmagan, jismoniy mashqlar bilan shug’ullanishning foydasi shug’ullanuvchining faqat tashqi ko‘rinishiga qarab baho beriladigan davr bo‘lgan. Quldorlik va O‘rta asrlarda YUnonistonning jismoniy tarbiya uslubiyotlari keng ommalashgan[2,2]. Jismoniy tarbiyaning mavjud vositalari va uslubiyotlaridan kuch, chidamlilik va boshqa harakat sifatlarini rivojlantirish uchun ularni yagona tizimga birlashtirilib foydalanila boshlangan. O‘rta asrning o‘rtalariga kelib, jismoniy tarbiyaning vositslari va uslubiyotlarining turlari ko‘paydi. Gimnastika, suzish, kamondan o‘q otish, qilichbozlik bo‘yicha dastlabki qo‘llanmalar paydo bo‘ldi. Ajdodlarimiz Abu Nasr Farobiy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniylarning tan tarbiyasiga oid ilmiy dunyo qarashlari vujudga keldi.

Uchinchi davr – jismoniy tarbiya haqidagi nazariy bilimlarning intensiv to‘planishi. Uyg’onish davridan XIX asrning ohirigacha bo‘lgan davrlarni o‘z ichiga oladi.

Bu davrda inson tarbiyasi, uni o‘qitish, davolash haqidagi fanniing rivojlanishi natijasida faylasuflar, pedagog va vrachlarning jismoniy tarbiya muammolariga e’tibor qila boshlashlari davri deb qaraladi. Jismoniy tarbiyaning mohiyati haqidagi falsafiy, pedagogik, tibbiy ma’lumotlar va bilimlar vujudga kela boshladi. Bu ma’lumotlar o‘sha davrda mustaqil sanalgan falsafa, pedagogika, meditsina fanlari tarkibidan ajralib, yuzaga chiqa boshladi. Qayd qilingan ilmiy fanlarning vakillari ko‘pincha o‘z muammolarini jismoniy tarbiyaning rolini hisobga olmay xal qilish mumkin emasligini tushundilar. YAngilanish davrida yoki pedagog-gumanistlar va xayoliy sotssialistlar jismoniy tarbiyaga inson tarbiyasining majburiy qismlaridan biri deb qaray boshladilar va ilmiy tadqiqotlarning yo‘lga qo‘yilish davri boshlandi. SHveysariyalik demokrat pedagog I.G.Pestalotsii tomonidan (1746-1826) bolalar harakat qobiliyatini rivojlantirish uchun tuzilgan jismoniy mashqlar tizimida buginlar (sustavnaya) gimnastikasi umumiy pedagogika nazariyasi ichida alohida o‘rin egalladi. XVIII asrda anatomlar tomonidan jismoniy mashqlar «biomexanika»si bo‘yicha izlanishlar olib borildi. XIX asrda esa jismoniy tarbiya haqidagi ilmiy-nazariy tadqiqot ishlari vujudga keldi[2,3]. Jamiyat xayotida jismoniy tarbiyaning roli, tarbiyaning sinfiy xarakteriga ega ekanligini ilmiy asoslandi. Inson tarbiyasi jarayonining mazmuni ochildi, unda jismoniy tarbiyaning o‘rni hamda shahsning har tomonlama rivojlantirish haqidagi ilk fikrlar o‘rtaga tashlandi va ularning yo‘llari aniqlandi. Muhimi jismoniy tarbiya nazariyasiga asos solindi. Va shu soha bo‘yicha ilmiy faraz va nazariy bilimlar to‘planishi orqali jismoniy tarbiya nazariyasi mustaqil fan sifatida ajralib chiqdi.

To‘rtinchi davr – XIX asr ohiri Rossiyada Oktyabr inqilobidan so‘ng, jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi mustaqil alohida fan sifatida shakllanib bo‘ldi deb takidladi M.YA.Vilenskiy (1991).

Jismoniy tarbiya fanining yetuk olimlaridan biri rus anatomi, vrachi, pedagogi Petr Fransevich Lestgaft (1837-1909) o‘zining tarix, anatomiya, pedagogika, antropologiya, jismoniy tarbiya metodikasiga oid asarlari bilan hozirgi zamon jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanining mustaqil ilmiy-amaliy fan ekanligini isbotladi[3].

Beshinchi davr – rivojlangan mamlakatlar va sobiq sho‘rolar davlati olimlarining izlanishishlari. Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanining intensiv rivojlanishi - materialestik dialektikaga asoslanib, u ilg’or uslubiyotlarga tayangan holda amalga oshirildi[2,4].

Jismoniy tarbiya muammolarini majmuali xal etishda butun bir olimlar jamoalari, mutaxassislashtirilgan ilmiy va uquv muassasasari samarali mehnat qildi. Amaliy materiallarning ko‘pligi, yangi qonuniyatlarning ochilishi dastlabki, yagona jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyotining differensiyalashiga olib keldi. «Jismoniy madaniyatni tashkillash va bosharish», «Jismoniy mashqlar biomexanikasi», «Sport psixologiyasi», «Sport metrologiyasi», «Sport fiziologiyasi», «Jismoniy mashqlar orqaliy davolash», «Jismoniy mashqlar gigiyenasi», «Valeologiya», «Sog’lom turmush tarzi jismoniy madaniyati(SSTJM)» va boshqa yo‘nalishlar jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fanidan alohida fan sifatida ajralib chiqdi. Qayd qilingan fanlarning ayrim sohalaridan jismoniy tarbiya jarayonida keng ko‘lamda “aralash bilimlar” tarzida foydalanish lozimligi hozirgi kunda ilmiy-amaliy isbotga egadir. Jismoni madaniyat nazariyasi va metodikasi fani pedagogik jarayon muammolarini umumiy psixologika, pedagogika, fiziologiya va boshqa qator fanlarning dalillarisiz to‘la izoxlab, isbotlab bera olmayda. SHuning uchun ham, Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani boshqa fanlarga tayanadi va fanlararo aloqani uzviy bog’laydi.

Xulosa qilganda Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani kecha yoki bugun shakllanib qolmagan. Aksincha, ibtidoiy jamoa tuzimidan fundamental rivojlana boshlagan. Fanning shakllanishida har bir davrni olimlarining o‘ziga hos fanga qo‘shgan xissalari bor. Va albatta kamchiliklari ham yetarli. Fanning yutuq va kamchiliklarni tahlil qilinib, olimlar tomonidan davrlar oralig’ida jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani to‘liq shakllandi. Biroq, jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi fani boshqa fanlar bilan uzviy bog’langan.

***Foydalanilgan adabiyotlar***

1. *Vileniskiy M, Ashmarin B. “Jismoniy tarbiya fakultetlari talabalari uchun yozilgpn darslik.” Toshkent - 1991. –B. 11, 14.*

2. *Abdullayev A. “Jismoniy madaniyat nazariyasi va metodikasi” –“Navro‘z” nashriyoti, Farg’ona – 2017. –B. 13..., 17.*

3. *Matveyev A.P., Melnikov S.B., Metodika fizicheskogo vospitaniya s osnovami teorii. Uch.pos. Moskva, «Prosvesheniye» 1991 g. Sgr 191,192.*

## ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**Гулбахор Умарова**
**УзДЖТУ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти**

Турли қомусий луғатлар, илмий-ирфоний манбаларда тасаввуфнинг дунёга келиши ва бу атама моҳияти ҳақида турлича қарашлар баён этилган. Тасаввуфга,бу қарашлар моҳиятидаги уйғун нуқталарни умумлаштирган ҳолда, инсониятни руҳий-маънавий покланишга даъват этувчи ғоялар силсиласи дея таъриф бериш мумкин. Бироқ тасаввуфга берилган кўпдан кўп таърифларнинг аксариятида унга назария сифатида қараш кайфияти устуворлик қилади. Бизнингча, эса тасаввуф – соф амалиётдир. Унга амалий фаолият, ўзликни англаш ва ўзини поклаш билан боғлиқ узлуксиз жараён сифатида қараш – тасаввуф моҳиятини теранроқ англашга кўмак бериши билан бирга, унинг ижтимоий аҳамиятини ошириб, ҳар бир жамият маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини аниқ тасаввур этишга замин яратади.

Зотан, тасаввуф тариқатлари ичида ижтимоий турмушга яқинлари барча асрларда омма диққатини ўзига тортган ва шу тариқа инсоний камолот пиллапояларини босиб ўтиш билан боғлиқ сермашаққат жараённинг беминнат кўмакчисига айланган. Хожагон-нақшбандия тариқати босиб ўтган йўл ва унинг бугунги жаҳоншумул мавқеи – фикримизнинг ёрқин далилидир. Аксинча, тасаввуфни фалсафий оқим сифатида изоҳлаган ва тушунтиришга уринган Ибн Арабий каби олимларнинг назарий талқинлари туфайли баъзан унга фан тармоқларидан бири ўлароқ қараш, унинг амалий моҳиятидан узоқлашиш ҳам кузатилган.

Тасаввуф таълимоти пайғамбарлардан мерос қолган. Ҳар бир улуғ пайғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зикри билан пок этиб, Унинг буйруқларини бекаму кўст бажарган ва ҳалол меҳнат ила ризқ топишни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпонлик қилганлар. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар.

“Тасаввуф шайхлари халқнинг маънавий раҳбарлари, руҳоний мураббийлар сифатида майдонга чиқиб, пайғамбар (с.а.в.) фаолияти, ҳолатларини давом эттиришга жазм этганлар”.

Авлиёуллоҳларимиз амалий фаолиятда ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан мерос суннатга садоқат бажо этганлар. Жумладан, “Хожагон шайхлари ишсиз, маълум касб-ҳунар эгаси бўлмаган инсонларни муридликка қабул қилмаганлар, ўзлари албатта бирор касб-ҳунар билан машғул бўлганлар. Хожа Али Рометаний – тўқувчи, Муҳаммад Бобойи Самосий – боғбон, Саййид Амир Кулол – кулол, Баҳоуддин Нақшбанд – наққош, тўқувчи ва чорвадор, Амир Кулолнинг ўғли Амир Ҳамза – овчи, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор – чорвадор ва савдогар бўлишган”. Бу янглиғ ижтимоий ҳаётга вобасталик асрлар давомида хожагон тариқати мавқеининг ортишига, унга эргашувчи, қалбини имон маърифати, жисмини меҳнат роҳати билан озиқлантириш иштиёқи ила ёнган аҳли соликнинг кўпайишига замин яратган. Тасаввуф амалиёти билан машғул кишилар сўфийлар деб юритилган.

Улар қалбларини Аллоҳ зикри билан покиза қилганлари, доимо зикр айтиб юрганлари учун, яъни “сафо ул-қалб” (қалб софлиги) йўлида жонбозлик кўрсатганлари боис ҳам сўфий деб аталганлар. Бу ботиний таъриф.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак суннатларини кишилар ўртасига ёйиш, уларга доимо амал қилиш, асҳоби суфа одатларига, жандапўшликка ва қалб покизалигига қаттиқ эътибор берганлари учун сўфий деб айтилган. Бу амалий таъриф.

Бироқ сўфийликнинг роҳиблик (таркидунёчилик)дан жиддий фарқи бор. Роҳиблик Аллоҳ таоло буюрган амаллардан бўлмай, балки уни кишиларнинг ўзлари ўйлаб чиқарганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадиларки: “Исломда роҳиблик йўқ”.

Тасаввуфдаги бирор шайх ёхуд валиуллоҳ томонидан маълум тизимга солинган йўл, оқим тариқат ёхуд сулук деб юритилади. Илмий-ирфоний манбалар орқали ўтмишда бирор тариқат йўлбошчисига нисбатан пир ёки муршид, бу йўлни қабул қилган шахсга нисбатан мурид ёхуд

солик атамаларини қўллаш маълум урф сифатида амал қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Тасаввуф илми билан шуғулланган, унинг тарихи ва тараққиётини ўрганиб, ғоялари тарғибига саъй этган олимлар эса мутасаввифлар деб юритилади.

Тариқат сардорлари, яъни муршидлар валийлик сифатига эга бўлганлар. Валийлик (авлиёлик) ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган юксак мартаба бўлиб, авлиёлар Аллоҳ таоло наздида бениҳоя азиз зотлардир.

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

**Шамсиддинова Лобар Муродуллаевна Кармана туман 16-мактаб ўкитувчиси**
**Ражабова Сарвиноз Шавкатуллаевна тадқиқотчи**

*Resume. In this article, it is discussed about tht founder of the way of doctrine of Naqshbandiya , Hoja Bahouddin Naqshbandi and his spiritual heritage`s importance to the mature generations` upbringing.*

Дарҳақиқат, миллий таракиётнинг бугунги босқичида ўзбек миллатининг буюклиги ва қадимийлиги эътироф этиш билан бирга шу муътабар замин фарзандларининг умумбашарий маданиятга, жахон цивилизациясининг ривожига кўшган буюк ҳисасини чуқуррок ўрганиш ва ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш давр талабларидир.

Ана шундай буюк хилқатлардан бири Ўрта Осиё тасаввуф фалсафасининг йирик намаёндаси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳамда у кишининг муқаддас қадамжоси билан боғлик меъморий обидалар ҳакида тўхталиб ўтмокчиман. Муқаддас ислом дининг Ўрта Осиёда шакилланган тасаввуф фасафасининг йирик йуналиши 14 – асрда яшаган буюк соҳибкаромат олим, файласуф Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ Накшбандия таълимотидир. Ҳазрат Баҳоуддин 1318 йил Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида туғилган. Ул мўътабар зот асос солган Нақшбандия тариқати ўзининг моҳияти диний -фалсафий ғояларининг теранлиги, мусулмон олами ижтимоий фикрга кўрсатган таъсири жиҳатидан тасаввуф фалсафасининг бошқа йўналишларидан устунлиги хеч кимсага сир эмас Бу таълимотнинг дунёга келишида Бахоуддин Нақшбандниг маънавий устози булмиш Абдухолиқ Гиждувонийнинг ҳам хизматлари бениҳоят катта эканлигини унутмаслик лозим. Баҳоуддин устозлари Саййид Мир Кулол тарбияси билан Хожа Абдухолиқ Гиждувоний асос солган Хожагон тариқтида ориф даражасига эришади. ”Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд –Нақшбандия тариқатининг икки қутби Ғиждувоний ушбу тариқат маънавий чироғини ёққан бўлса ,Нақшбанд ушбу чироқнинг янада порлаб ёнишига улкан ҳисса қўшган. Тариқат машойихлари-Хожа Ориф Ревгарий ,Хожа Али Ромитаний, Бобойи Самосий,Сайид Амр Кулоллар эса ушбу маънавият нурининг яна ҳам порлаб ёнишига хизмат қилган шахслар бўлганлар. ”[569]

Манбаларда таъкидланишича , Бахоуддин Нақшбанд устозлари Саййид Мир Кулолдан етти йил таълим олган эканлар . Шундан сўнг у кишининг ижозатлари билан Ҳалил Ота ва Қусам Шайхлардан, Мавлоно Ориф Деггоронийдан ҳам таълим олган эканлар. ”Туҳфат аз-Зоҳиринда ” Саййид Мир Кулолнинг бир юз ўн тўртта халифалари бўлганлиги ,уларнинг етуги Мавлоно Ориф Деггороний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Жамол Деҳаи Осиёий, Шайх Шамсуддин Кулол, Шайх Ёдгорхожа, Шайх Дарзуний ва Мавлоно Жамолиддин Кейшийлар булганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Нақшбандия тариқатининг асосий талаби ва ақидаси “Дил ба ёру , даст ба кор” ҳикматида ифодаланган бўлиб, бу таълимот қалбда оллоҳни зикр этиш билан қўл меҳнатда бўлиш лозимлигини таъкидлайди , яъни инсонларни мехнатсеварликка ҳалол мехнат эвазига кун кўришга чорлайди. ” Нақшбандия таълимотича “накш банд дил банд”, яъни кунглингда Аллоҳ таоло зикрини нақш айла демакдур. Демак, нақшбандиянинг мазмуни юракда оллоҳ номини нақш айлаш ҳисобланади.” [570]

Баҳоуддин Нақшбанд бутун умрлари давомида инсонларни Аллоҳ йулида сидқидилдан хизмат қилишга чораб, доимо барчага намуна булган эканлар.

Бир ривоятда Баҳоуддин Нақшбанд қўлларидан бир неча йил тупроқ ҳиди аримаганлиги ҳақида хабар берилган экан. Бунинг сабаби бу улуғ зот кечалари кўчаларни кафтлари билан сийпалаб, ўнқир –чўнқирларни текислаб , йулда ётган хас-хашак, тиканларни териб юрарканлар. Бундан мақсад, йўлдан ўаётиб, бирор намозхон ёки кўзи ожиз киши азият

[569] Нигора Сафарова “Хожагон тариқати”.Т.2013 й. 24 -бет
[570] Садридддин Салим Бухорий “Дилда ёр”Т.Ғафур Ғулом номли адабиё ва санъат нашриёти”1993 й 14-бет

чекмаслиги , бу ишни кечаси амалга оширишниг боиси эса, Аллоҳ йўлида қилинадиган хизматни ёлғиз Аллоҳ билмоғи жоизлигида экан. Баҳоуддин Нақшбанд ўзлари туғилиб ўсган “ Қасри Орифон”да қурилаётган масжидда хизмат қилиб, масжид томига тупроқни бошларининг устига қўйиб ташиган эканлар. Шунингдек, Бахоуддин Нақшбанд кўп юртларда булиб, доимо ҳайрли ва савоб ишларни амалга оширганликлари бизга маълум. Жумладан, Макка , Мадина, Нишопур, Ҳирот , Марв, Самарқанд, Насаф каби шаҳарларда Қурони Карим, Ҳадиси Шариф илмларини халққа етказиб амалда эса хайрли ва савоб ишлари билан намуна бўлиб, халқ онгини ҳар қандай бидъатлардан халос этиш йулида саъй-ҳаракат қилган эканлар.

Бахоуддин Нақшбандни балогардон яъни балони қайтарувчи деб атайдилар. Манбаларда таъкидланишича , Амир Кулолнинг пиру- устозлари Бобойи Самосий ўз кулоҳларини Баҳоуддинга берган эканлар. Аллоҳ шу кулоҳ шарофатидан Баҳоуддинга балогардонлик карoматини ато этган экан.

Бу ҳақда Садриддин Салим Бухорий шундай дейди: “ Қалб кўзини очиб мушоҳада этсак, Баҳоуддин таълимотлари моҳиятидан қуйидаги хулосага келамиз. Ҳазрат таълимотлари Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга асосланади. Демак, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдаги кўрсатмаларга риоя қилган одам балога дуч келмайди. Аниқроғи Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф бологардондир.” Менинг таълимотимга эргашинг , амал қилинг сиздан бало даф бўлур “ деганда ул зоти шариф шуни назарда тутганлар” [571]

Бахоуддин Нақшбанд “Ҳаётнома”,”Далелул ошиқин” номли китобларнинг муаллифидир. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд 1389 йилда Бухорои шариф яқинидаги Қасри Орифонда вафот этганлар ва шу ерда дафн этилганлар.Бугунги кунда бу мақбара Хожа Баҳоуддин дахмаси ансанбли бетакрор меъморий обида, муқаддас қадимжо сифатида бутун дунё мусулмон оламининг диққатини тортиб келмоқда.

Миллий ғурур ва ифтихор рамзи сифатида , халқимизнинг юксак маданияти ва маънавиятидан гувоҳлик берувчи бу ноёб зиёратгоҳ бутун дунё мусилмон аҳлиининг диққатини тортиб келмоқда .

“Марказий Осий ва кичик Осиёда , араб дунёси ва Эронзаминда машҳур ва маълум бўлган зиёратгоҳга Нақшбанд тариқатининг тарафдорлари ва мухлисларининг оқими мана қарийиб етти асрдан буён тингани йуқ .” [572]

Бу муқаддас зиёратгоҳ Биринчи Призидентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан мусстақиллик йилларида қайта таъмирланиб , обод гўшага айлантирилди. 2019 йилнинг 16-17 феврал кунлари Призидент Ш. Мирзиёевнинг Бухорога ташрифи бу хайрли ишларнинг давоми сифатида таҳсинга лойиқ.. Ташриф давомида Призидентимиз томонидан “Ислом дини макони” номи билан машҳур бўлган Бухорои Шарифни анада ободонлаштириш, шу ерда Абдухолиқ Ғиждувоний ҳамда Бахоуддин Нақшбанд таваллуд саналарини кенг нишонлаш, “Етти Пир ”номи билан машҳур қадамжоларни анада ободонлаштириш лойиҳалари ҳақида қатор йўриқнома ва топшириқлар берди. Шу асосда бугунги кунда кенг бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Мукаддас исломий қадриятларни ўзида жо қилган , Мовороуннаҳрда ўзгача сайқал топган қимматли фалсафа Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳамда бу таълимот билан боғлик махобарли меъморий обидалар ўзининг мафтункорлиги ,бетакрорлиги билан баркамол авлод тарбиясида аждодларимизга нисбатан ҳурмат ,миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйготишда муҳим аҳамият касб этади.

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ, ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

**Гулбахор Умарова. УзДЖТУ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти**

Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз якка-ю ягонадир. Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг ягоналиги унинг бетакрор табиати, бой тарихи, меҳнаткаш инсонлари билан бир қаторда бу заминда турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек яшашларида намоён бўлмоқда. Бундай аҳиллик, дўстлик ва ҳамкорлик ўзининг чуқур тарихий илдизларига ва асосига ҳам эга. Бу асослар мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

[571] Садриддин Салим Бухорий “Дилда ёр” Т.Ғафур Ғулом номли адабиё ва санъат нашриёти”1993 й 18-бет
[572] П. Зохидов «Хожа Бухоуддин маъморий хазира» Т.2000 й. 6-7 бет

Хусусан, унинг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир»[1], - деган қоида ана шу бағрикенгликнинг замонавий сиёсий-ҳуқуқий ифодасидир. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик масалаларидан иборат. Ўзбекистоннинг 2017- 2021 йилларга мўлжалланган "Ҳаракатлар стратегияси" да ҳам миллатлараро тотувликни таъминлаш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда 136 миллат ва элат, 17 диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Шунингдек, улар орасида ҳар хил миллатларга мансуб аҳоли мавжуд бўлиб, улар ҳам мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари тўлиқ таъминланган. Таълим олишлари, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Республикада ҳозирги пайтда 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 130 дан ортиқ миллий маданий марказ фаолият олиб бормоқда.14 та миллий маданий марказ республика мақомига эга. 31та корейслар, 23 та руслар, 10 та тожиклар, 9 та қозоқлар, 9 та татарлар томонидан миллий маданий марказлар тузилган. Озарбайжонлар 8, туркманлар 7 та миллий маданий марказга эга. Украинлар ва қирғизларда 6 та, туркларда ва Европа яҳудийларида 5 тадан миллий маданий марказ бор. Немислар, поляклар ва арманлар 4 тадан миллий маданий марказ тузишган.Уйғурлар ва Бухоро яҳудийлари 3 тадан миллий маданий марказга эга. Белоруслар ва крим татарлар 2 тадан миллий маданий марказга га эга. Араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақалпоқлар, хитойлар ва дунганлар 1 тадан миллий маданий марказ тузишган. Республика байналмилал маданият маркази эса ушбу миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан 20 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик, бу борада истиқлол йилларидаги ютуқларимизни акс эттирувчи "Ўзбекистон – умумий уйимиз" альбом китоби, "Ўзбекистон – бағрикенг диёр", "Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати", "Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи" каби мақолалар тўпламлари чоп этилди. Ўзбекистонда таълим 7 тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Телевидение ва радиода 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озар-байжон) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилади. Газеталар 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, корейс, тожик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман) босилади.

Марказ томонидан ҳар йили икки марта тил байрами ўтказилади. Булар – ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясида (1999 йил) 21 февраль – Халқаро она тили куни деб эълон қилинган ва 2000 йилдан 195 та аъзо давлатларда нишонланиб келинаётган "Халқаро она тили куни" ва ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек тили бўйича нотиқлик санъати танлови ташкил этилади. Унда, асосан, русийзабон ўқувчи-ёшлар иштирок этишади.

Ўзбекистон – бағрикенг диёр. Бу иборани ҳамиша ифтихор билан тилга оламиз. Бунга тўла асосимиз бор. Тарихдан маълумки, халқимиз бошидан кечирган оғир қатағон ва Иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, крим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она-Ватанга айланди. Чунки улар шу ерда туғилиб, камолга етди, ҳаётда ўз ўрнини топди.

Турли миллат вакилларининг ижодий тадбирлари, бадиий кўргазма-лари, бир томондан, айни миллатнинг Ўзбекистон фуқароси сифатида ўз ўрни борлигини кўрсатса, иккинчи томондан, шу заминда яшовчи барча миллат-ларнинг Ўзбекистон халқи - Ўзбекистон фуқароси эканлигини намоён этувчи, мустаҳкамловчи миллий ғоя атрофида бирлашувига олиб боради.

Миллий ғоя ўз мазмун-муҳоятига кўра барча миллатлар-нинг умумий манфаатларини рўёбга чиқаради. Мамлакатда фуқароларо ва миллатлараро тотувлик ҳамда ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

# XO‘JA AHMAD YASSAVIY TA’LIMOTIDA BUYUKLIK VA MO‘JIZAVIYLIK XUSUSIYATLARI

**Djurayeva P.S. – Navoiy viloyat XTXQTMOHM “Maktabgacha, boshlang‘ich va maxsus ta’lim metodikasi” kafedrasi katta o‘qituvchisi**

**Annotation.** The study of Ahmad Yassavi's teachings, the understanding of his wisdom and teachings in the poetic expression of Islamic teachings and the ideas he founded, and the conscious role of human perfection in inculcating them in the minds of primary school students. Having the ability to lead is one of our current goals and responsibilities as educators. We must learn and put into practice through the stories and memoirs of the Yassavi sect that the acquisition of moral virtues is the path to perfection.

**Keywords:** Islam, doctrine, words of wisdom, teachings, human perfection, religious leaders, Turkestan, greatness, the teachings of Sufism, Amir Temir, wisdom.

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 1999 -yil 7-апрелдаgi «Toshkent islom universitetini tashkil etish to`g`risida»gi PF-2282 sonli Farmonining 6-bandi hamda Vazirlar Mahkamasining 6-maydagi 224-sonli qaroriga binoan Islomshunoslik ilmiy-tadqiqot markazi tashkil etilgan. Mazkur Markazning asosiy vazifalari: ajdodlarimizning boy diniy ilmiy-nazariy meroslarini tiklash, chuqur o`rganish, tahlil etish va rivojlantirish, tadqiqotlar natijalarini jamlash va umumlashtirish asosida keng jamoatchilikka etkazish; jahon sivilizatsiyasi tarixida islom dinining tutgan o`rnini tadqiq etish, rivojlanish yo`nalishlari va qonuniyatlarini nazariy va amaliy jihatdan tahlil etish; mintaqa va xalqaro doirada yuz berayotgan zamonaviy diniy jarayonlarni ilmiy tahlil qilish ekanligi bizga ma’lum. Aynan ushbu Markazda fundamental, amaliy va innovatsion tadqiqot kabi loyihalar doirasida ilmiy izlanishlar olib borilishi va «Islomshunoslik muammolarini birlamchi manbalar va ajdodlarimiz diniy-ma’rifiy merosini tizimli tahlil qilish asosida yosh avlodda sog`lom e’tiqodni shakllantirish» mavzusidagi amaliy tadqiqotlardan ommaviy vositalar manbalarni ko‘rib bormoqdamiz. Bu kabi izlanishlarning samarasi sifatida mavjud tarixiy manbalarni o‘rganishda alloma Xo‘ja Ahmad Yassaviy ta’limoti xususida yanada ijodkorona ruhda izlanish va o‘rganish maqsadva muvofiqdir deya e’tirof etmoqchiman.

Islom dini aqidalari va o‘zining asoslagan g‘oyalari she’riy tarzda bayon etish asosida keng omma orasiga kirib boradi. Yassaviy hikmatlarining axloqiy, falsafiy, ilohiy asoslari to‘g‘ridan-to‘g‘ri "Qur’on" g‘oyalari va payg‘ambarimiz Muhammad Alayhissalom hadislari negizida shakllanadi. Ahmad Yassaviy hikmatlarida payg‘ambarimiz Muhammad Alayhissalom ta’limotida ulug‘langan ma’naviy-axloqiy xislatlar - muruvvat, saxovat, qanoat va rostgo‘ylik targ‘ib qilinadi, bildirilayotgan fikrlar kishilarni faqat Allohga tobe bo‘lishga undaydi. Uning hikmatlarida pand-nasihat asosiy o‘rin tutadi. Ularning barchasida so‘fiylik tariqatining amollari - haqiqatni bilish, haqni sevish, nafsu dunyodan chekinishga da’vat etuvchi g‘oyalar o‘z aksini topgandir. Inson ruhi va ongini har qanday illat, qabohatdan ozod etish kerak, ana shundagina insonda axloqida ko‘zga tashlanuvchi ayrim nuqsonlar yuzaga kelmaydi, degan fikrlar komil insonni shakllantirishning asosiy yo‘llaridan biri sifatida e'tirof etiladi.

Xo‘ja Ahmad Yassaviy nodonlik tufayli hayotda savodsizlik, diyonatsizlik, ota-ona va ustozlarga hurmatsizlik, ma’naviy qashshoqlik, yovuzlik, takabburlik, nodon insonning eng tuban shaxs ekanligi, nodonlik, razolat hukm surgan joyda, ma’rifat bo‘lmagan o‘lkada mamlakatning inqirozga yuz tutishini alohida qayd etib o‘tadi. Alloma hikmatlarida Haqqa yetish yo‘lini targ‘ib qilar ekan, insonni jaholat botqog‘idan xalos qilish lozimligiga urg‘u beradi. U “Shariatda orif-biloh bo‘lishni, tariqatda voqif-asror bo‘lishni, haqiqatda komil-mukammal bo‘lishni, ma’rifatda daryoi ummon bo‘lishni talab qiladi”. Yuqorida bayon etilgan fikrlardan anglanadiki, Ahmad Yassaviy tomonidan ilgari surilgan g‘oyalar insonni yomon illat, nafs balosidan voz kechishga undaydi. Yomon illatlar va nafs balosidan xalos bo‘lish insonni ruhiy va jismoniy komillik sari yetaklaydi. Ahmad Yassaviy 63 yoshidan keyingi, ya’ni payg‘ambar yoshiga yetgandan so‘ng umrining davomini yerto‘lada o‘tkazgan. Shu bilan birga Yassaviya tariqati asoschisi hisoblanadi. Ular inson kamolotining ta’minlanishi uchun turli yo‘llarning samarali ekanligini asoslashga harakat qilganlar. Shu bilan birga, tadqiqotchilar Yassaviya ta’limoti g‘oyalariga ko‘ra zolim hukmdor, nopok din peshvolari, nodon va johil kishilarga nisbatan muxolifat mavjudligi ta’kidlanganligidan guvohlik beradilar.

Xo‘ja Ahmad Yassaviy yoshligini Sayramda, otasi Ibrohimning uyida o‘tkazgan. Bu paytda Turkiston shahri ko‘tarilib, Sirdaryo va Orqa qozoqlari savdo qilish uchun u erga to‘planishardi. Xoja Ahmad ularga o‘rnak bo‘lish uchun Sayramdan Turkistonga kelgan. Uning Turkistonga kelishini eski qozoq qabilalari (qipchoq, qo‘g‘irot) yaxshi ko‘rar edi va Orol dengizi xalqlari unga qushday uchib ketadigan tezkor Oq Maya olib kelishdi. Afsonaga ko‘ra, Yasaviy Turkistonda bomdod namozini o‘qigan, Oq Mayada uchib ketgan va Makkada shom namozini o‘qigan. [Әлкей Марғұлан. 52-bet].

Ahmadning ismini eshitgach, kasallar Turkistonga shoshilishdi va avliyo o‘z kasalliklarini yozishda davom etdi. Uning shuhrati olislarga tarqaldi. Xo‘ja Ahmad Turkistonda bomdod namozining ikki asosiy farzlarini va Makkada ikkita asosiy sunnatlarini o‘qiydi. U har doim oppoq otga minib, bulutlar ustida uchadi. Bir kuni avliyoning mo‘jizaviy xususiyatlariga shubha bilan qaragan bir yigit uning oldiga kelib: "Siz avliyo emassiz, siz yolg‘onchisiz", - dedi. Xo‘ja Ahmad uning gaplarini bosiqlik bilan tingladi va dedi: “Ertaga ertalab oldimga keling, biz Makkaga boramiz va u erda namoz o‘qiymiz”, - deb javob berdi u. Va’da qilinganidek, yigit ertasi kuni Xo‘ja Ahmadning oldiga keladi. To‘satdan qorli oppoq ota paydo bo‘ldi va avliyoning oldida ta’zim qildi. Xo‘ja Ahmad yigitga: “Mening orqamdan yurma, yo‘lga tushguncha ko‘zingni och”, - dedi u. Yo‘lda yigit sabrsizlanib, atrofga nazar solmoqchi bo‘ldi, lekin u yiqilib tushdi. U yo‘lbars shohining qo‘shiniga tushdi. Podshoh uni daraxtga bog‘lab, yoqib yuborishni buyurdi. Endi u o‘ldirmoqchi bo‘lganida, Makkadan qaytayotgan Xo‘ja Ahmad uni daraxt bilan ko‘tarib oldi. Ushbu mo‘jizadan hayratga tushgan Tiger, shoh Xo‘ja Ahmadni qidirib topdi va o‘limigacha unga xizmat qildi. [Sh.Kerimtegi, 233-234 betlar].

Qozon Xon Ahmad Yassaviy juma namozi uchun masjidga kelmaganini payqadi va Xo‘janing eng yaqin kishisi bo‘lgan so‘fiy Muhammad Danishpan Zarnuki-dan xabar yubordi. O‘sha paytda u juma namozi uchun o‘qilar edi. So‘fiy Muhammad qo‘rquv bilan jang oldiga kelganida: "Ey so‘fiy Muhammad, keling va menga yopishib oling, biz birga juma namoziga etib boramiz", dedi.

So‘fiy Muhammad Xo‘janing buyrug‘iga shubha qilmaydi. U bir odamni masjid ichida bir qatorda turganini ko‘rdi. U qancha urinmasin, juma namozi tugamasdan, bu ajablanarli voqeadan hali o‘ziga kelmagan so‘fiy Muhammadning jangini topa olmaydi. U etti marta masjid eshigi oldiga boradi, ammo natija bermadi. Biroq, masjid xizmatkori sirg‘alarga to‘la edi. U so‘fiyga: "Ey Darvish, bu Misr va bu masjid (buyuk masjid) Jomi Azhar", - dedi. So‘fiy u erda bir hafta turgandan so‘ng, o‘z jangini topish va yana ko'zlarini yumish uchun muqaddas joyga qaytib keldi.

Xo‘jayin so‘fini yuborib, ko‘rganlarini aytib berishga yubordi. So‘fiy kelib, o‘z voqealarini birma-bir aytib beradi. O‘sha paytda muazzinlar (azon talabalari) hali sog'lom emas edilar. Shundan so‘ng Qozon Xon va uning atrofidagilar Rabbiyning buyukligini ko‘rishadi. [K. Koch, 55 p].

Amir Temir haqida ko‘p gaplar bor. Ulardan biri o‘qiydi: Yasaviy: “Men (...) Temurni nomzod qilaman, endi u Xon Temir bo'lsin”, - dedi. Shunday qilib, sahroda sigir boqayotgan Temur uchib yurar edi, hammasi yorug‘ edi. Ammo tushida ham u juda xursandki, sigirni tashlab, uning oldida yuradi. Bir paytlar u Samarqand shahriga kirganida, odamlar uni kutib olishgan va xon uni tarbiyalashgan. U: «Bunday bo‘lishimga sabab Xo‘ja Ahmad Yassaviy ismli avliyo. Shuning uchun, men uning qabrini har qanday joyda topaman va ustiga noyob bino quraman », - deb qasamyod qildi (…). [O. Dastanov, 8-9s].

(…) Bir kuni Oqsoq Temir Turkiston viloyati yonidan o‘tib, bir kun kelib qo‘ndi. Keyin u uxlab yotganida Xo‘ja Ahmad tush ko‘rdi: "O‘rningdan tur, o‘g‘lim, Buxoroga bor, u erda seni g‘alaba kutmoqda". Quvonchga to‘lgan tushida uyg‘ongan Cho‘loq Temir keyinchalik g‘alaba qozondi.

Xo‘ja Ahmad Yassaviy singari buyuk avliyoning qo‘llab-quvvatlashini sezgan amir Turkistonda ajdodiga maqbarani qurdirgan. Maqbara qurish uchun dunyodagi eng mohir ustalar yollangan. Bugungi maqbaraning hanuzgacha o‘zining tarixiy holatini saqlab qolishi duradgorlarning katta mahoratidan bo‘lsa kerak. Ha, Xo‘ja Ahmad Yassaviy maqbarasi shu tarzda qurilgan.

Amir Temir yurishlarida omadsiz edi. U Turkistonga kelganda tush ko‘rdi: «Maqbarani boshimga qo‘ying. Siz o'zingizni dunyoda tanitasiz. Podshoh qurishni boshlaganda, ish tugamadi, ish kunduzi amalga oshirildi, kechalari devorlar yiqilib, duradgorlar bezovtalanishdi. To‘satdan judo bo‘lganidan xafa bo‘lgan va xafa bo‘lgan Amir Temir yana bir tush ko‘rdi: Hazrat Sulton: Podshoh avliyoning vahiysiga bo'ysunib, Arslon uchun maqbarani qurgandan so‘ng, hozirgi Yasaviyning buyuk maqbarasini qurishni boshladi. Oraz Kaugabay.

Ahmad Yassaviyning donoligi bolaligidan to vafotigacha namoyon bo‘ladi. Dinga sadoqatidan tashqari, uning zukkoligi, notiqligi va maqollari ham unga xos bo‘lib, otasi Ibrohim bilan uning dunyoqarashi to‘g‘risida kelishmovchiliklar bo‘lgan paytlar bo‘lgan. U Turkistonga qaytib kelgach, otasi undan mamlakat qandayligini so‘radi. Shunda yigit Ahmad: "U erdagilar sizning orqangizga urib tepishadi", - dedi. - Nega buni bila turib u erga bordingiz? “Yaxshi yo‘lni bosib o‘tish oson, endi men yomon yo‘lni bosib o‘tmoqchiman”, - dedi u.

Darhaqiqat, Xo‘ja Ahmad Yassaviy Markaziy Osiyodagi ilk tasavvufiy tariqat – “Yassaviya”ning asoschisi, nafaqat Xuroson va Movarounnahr, balki turkiyzabon xalqlarning ma’naviy tarixida keng ma’lum bo‘lgan, mutasavvif donishmand, insonparvar shoir hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiotlar:**


1. O‘zbekiston Respublikasi Fan va texnologiyalarni rivojlantirishni muvofiqlashtirish qo‘mitasi. Toshkent islom universiteti. “Yangi nashr”, 2011
2. Saqiq Sapabekuli. 124-125 bet

# ИСЛАМСКАЯ ЭКОНОМИКА

**Хатамова Гавхар Киямовна**
**Узбекистан. Нав.ГПИ.**

В середине двадцатого столетия начали проводиться компании по пропаганде идеи конкретно исламской модели экономической мысли и поведения. К концу 1970х годов «исламская экономика» была добавлена в качестве научной дисциплины в нескольких институтах, как мусульманского мира, так и Запада. Основные характеристики исламской экономики часто определяются как :

1. «Поведенческие нормы и моральные принципы», берущие своё начало в Коране и Сунне.
2. Сбор заката и других исламских налогов.
3. Запрет процента (риба), начисляемого на ссуды.

Сторонники исламской экономики обычно характеризуют её ни как социалистическую, ни как капиталистическую, а как «третий путь», который не имеет ничего общего с двумя другими системами. Среди заявлений, сделанных относительно исламской экономической системы исламскими активистами, можно выделить заявление о том, что будет сокращён разрыв между богатыми и бедными и улучшено благосостояние с помощью препятствования богатства, налогообложения богатства, наложение на кредиторов рисков посредством распределения прибыли и убытков и венчурного капитала, препятствования накоплению продуктов с целью спекуляции и других греховных действий, таких как незаконная конфискация земли.

Тем не менее, классические мусульманские учёные сделали ценный вклад в развитие исламских учений о производстве, потреблении, доходе, богатстве, бедности, налогообложении, владении землёй и т. п. Среди них Абу Юсуф, Аль-Маварди , Ибн Хазм, Аль-Сарахси , Аль-Туси , Аль-Газали, Аль-Димашки, Ибн Рашид, Ибн аль-Ухува, Аль-Шатиби, Ибн Халдун, Аль-Макризи , Аль-Даввани и Ша Валиюлла .

Наверное, самым известным исламским учёным, который писал об экономике, был Ибн Халдун, которого называли «отцом современной экономики». Во введении своей работы История мира (Китаб аль-ибар) Ибн Халдун писал о том, что сейчас называют экономическая и политическая теория, или Мукаддима. Он обсуждал то, что он называл асабия (asabiyya) (социальная сплочённость), которую он рассматривал как причину расцвета одних цивилизаций и упадка других. Ибн Халдун предполагал, что многие общественные факторы цикличны, хотя они могут резко изменить траекторию развития, что нарушит систему.

Его идея о выгодах разделения труда также связана с асабия, чем крепче социальная сплочённость, тем более сложная система разделения труда может быть создана и тем более высокие темпы роста достигнуты. Он отмечал, что рост и развитие положительно стимулируют спрос и предложение, и что силы спроса и предложения определяют уровень цен на рынке. Он также отмечал, что на развитие влияют макроэкономические факторы, такие как рост населения, развитие человеческих ресурсов и технологические достижения. На самом деле, Ибн Халдун считал рост населения прямой функцией богатства.

Согласно (Тимуру Курану), не только учения «до середины двадцатого века» можно отнести к исламской экономике, которая «воспринималась как согласованная или самостоятельная доктрина». Но примерно в . "начались кампании с целью выявления исламской модели экономической мысли и поведения. Известный мусульманский националист и автор 20 века Мухаммед Икбал, например, не обращался к религии в своих работ об экономике.

Исламские учёные, которые считали ислам комплексной системой жизни во всех её аспектах, а не духовным предписанием, считали, что можно сделать логический вывод о том, что Ислам определял экономическую жизнь, уникальную и высшую по сравнению с неисламскими системами. Согласно Энциклопедии ислама и мусульманского мира, «Исламская экономика» «возникла» в 1940х годах. Более консервативные салафи проявили меньший интерес к социально-экономическим вопросам, заявляя, что "пророк и его последователи не изучали законы экономики, не искали закономерности, не стремились понять природу торговли, производства и потребления.

Согласно экономисту Расем Кайеду, несмотря на то, что ряд университетов и институтов предлагают курсы по исламской экономике и финансам", на самом деле, большинство курсов, предлагаемых этими институтами, охватывают, скорее, исламские финансы, а не исламскую экономику." Проанализировав курсы по исламской экономике и финансам, предлагаемые в 2008 году 14 университетами в мусульманских странах, Кайед обнаружил 551 курс по традиционной экономике и финансам, и лишь 12 курсов по исламской экономике и финансам (что составило 2 % от общего

количества курсов). Согласно Кайеду, такая «ужасающая и недопустимая … халатность» ухудшалась программой курсов, в рамках которых не проводилось обсуждение «вопросов» дисциплины и не представлялась «надлежащая позиция относительно … будущего развития финансовой отрасли», скорее, это была попытка «представить в сокращённом виде как можно больше абстрактной информации».

Другой экономист (Мухаммед Акрам Хан) сокрушался, что «реальная проблема заключается в том, что, несмотря на усилия, направленные на развитие отдельной дисциплины исламской экономики, ничего особо не было создано, что можно назвать `экономикой`. Большая часть исламской экономики представляет собой теологию экономических вопросов.» Другой экономист (М. Н. Сиддики) отмечает, что исламская экономика преподаётся «традиционными экономистами с точки зрения исламской концепции».

## ФОРСИЙ ВА ТУРКИЙ АДАБИЁТДА НАСР ВА НАЗМ УЙҒУНЛИГИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

**Дусанова Тозагул Расуловна-**
**НавДПИ мустақил тадқиқотчиси**

**Аннотация:** ушбу мақолада форсий ва туркий адабиётда наср ва назм омихталигида яратилган асарларнинг тадрижий тараққиёти ва Кайковуснинг “Қобуснома“, С.Шерозийнинг “Гулистон” ва Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари ўртасидаги ғоявий муштараклик ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** наср ва назм , исломий мавзулар, шеър ,ҳикоят, байт , бадиият

***Развитие традиций сочетания прозы и поэзии в персидской и тюркской литературе***

***Аннотация:*** *В этой статье рассказывается о постепенном прогрессе произведений в персидской и тюркской литературе, созданных в прозе и прозе, а также об идейном единстве между произведениями "Кобуснома" Кайковуса, “Гулистан” С.Серозий и “Махбуб уль-Кулуб” Алишера Навои.*

***Ключевые слова:*** *проза и поэзия, исламские темы, стихотворение, повествование, байт, художественнность*

***Development of the traditions of the combination of prose and poetry in Persian and Turkic literature***

***Annotation:*** *This article describes the gradual progress of works in Persian and Turkic literature created in prose and prose, as well as the ideological unity between the works of "Qobusnoma" by Kaykovus, "Gulistan" by S. Sheroziy and "Mahbub ul-Qulub" by Alisher Navoiy.*

***Keywords:*** *prose and poetry, Islamic themes, poem, narrative, byte, artistry*

Форсий ва туркий халқлар адабиётини Қуръоний мавзулар бирлаштириб туради, чунки ҳар иккала адабиёт вакиллари ижодида Қуръоннинг катта таъсири бор. Масалан, шукр қилишга даъват Қуръони Каримда кенг ўрин тутади. Жумладан,Луқмон сурасининг 12-оятида шундай дейилган:”Оллоҳга шукр қилгин!Ким шукр қилса,фақат ўз фойдаси учун шукр қилур...”[573] Муқаддас ҳадисларимизда ҳам Оллоҳ берган неъматга шукр қилиш ва ношукрлик таъкидланади: ”Бирортангиз ўзидан моли кўпроқ, хулқи яхшироқ кишига ҳаваси келиб қараса, орқасидан ўзидан пастроқ ҳолатдаги одамга ҳам қарасин “.[574]

Шарқ мутафаккирлари дидактик асарларининг асосини Қуръони Карим суралари, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) фаолияти ва кўрсатмаларини ифодаловчи ҳадислар, ҳикматли ҳикоят ва шеърий парчалар ташкил қилади. Жумладан ,“Қобуснома” асарининг учинчи боби “Ҳақ таолонинг шукргўзарлиғи зикрида” деб номланса, тўртинчи боби “Неъматларға шукр қилмоқ зикрида“ дир. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг учинчи қисми 63-танбеҳида Шукр ва узр боиси ҳақида тўхталган бўлса, 127-танбеҳда Шукр,фикр ва умид ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этади. “Кафшсизликдин малул бўлмағил,аёғсизларға боқиб шукр қил...Ҳар неъматким,санга бериб тур ва сенингдекка бермайдур...”[575]

[573] Қуръони Карим .Ўзбекча изоҳли таржима.”Чўлпон”.Тошкент .1992 297-б

[574] Муҳаммад пайғамбар қиссаси.Ҳадислар .Тошкент “Камалак” 1991 58-б

[575] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж.9: Маҳбуб ул-қулуб.. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 546.

Форсий ва туркий адабиёт тарихида панднома йўналишидаги наср ва назм уйғунлигида ёзилган асарларнинг тадрижий тараққиёти узоқ даврларга бориб тақалади. Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Ҳусайин Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”, Жомийнинг “Баҳористон” каби асарлари форс тилида наср ва назм уйғунлиги асосида яратилган. “Қобуснома”(XI аср)Шарқ ва Марказий Осиё халқлари орасида кенг тарқалган ахлоқий-таълимий асар, форс-тожик бадиий насрининг биринчи йирик ёдгорлиги саналади. “Қобуснома“ Шарқ халқлари орасида маълум ва машҳур бўлган.Асардан ривоятлар, ихчам латифалар, кичик-кичик ҳикоятлар ва шеърий парчалар ўрин олган. “Қобуснома”даги боблар кейинчалик Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг биринчи қисмида кенг таъриф ва тавсиф этилган ҳамда шеърий парчалар келтириш орқали янада таъсирчан тасвирланган.

Даврлар ўтиши билан форсий ва туркий адабиётда насрий асарларни назмий парчалар билан безаш муайян анъанага айланди.Айниқса, Саъдий Шерозий “Гулистон”асаридан сўнг бу ижоднинг бир йўналишига айланди.

Шоир номини оламга танитган машҳур асарларидан бири “Гулистон” дир. Бу асар панднома руҳида ёзилиб, ҳар бир ҳикоя қиссадан ҳисса шаклидаги шеър –пандлар билан якунланади. Назмий матнлар баъзи насрий матнлар таркибида ҳам келади. Масалан, биринчи бобнинг 3-13-ҳикоятларида насрий матнлар орасида 6 та шеърий матн келтирилган. Адиб уларда иймон, одоб-ахлоқ, илм ўрганиш, меҳнатсеварлик, тавозе, катталарга ҳурмат, кичикларга эътибор ва иззат, ота-онага муҳаббат, тил ва муомала одоби, ширинсўзлик, яхши ният қилиш, адолат, камтарлик, қаноат, сабр ҳақида панд-насиҳат қилади.Тамагирлик, мунофиқлик, фирибгарлик, судхўрлик, ёлғончилик, дангасалик каби иллатларни қаттиқ танқид қилади ва китобхонни хулоса қилишга ундайди. Саъдий Шерозий ўз асарлари билан инсоннинг хато ва камчиликларини англатиб, кўзини очишга, тўғри ва ҳалол яшамоқ йўлларини ўргатишга бутун умрини бахш этган ижодкор ҳисобланади. Буни “Гулистон” дебочасида китобнинг ёзилиши ҳақидаги ушбу байтларда ҳам кўришимиз мумкин.

*Ҳар дамда умрдан нафас ўтади,*
*Бир қиё боққунча йитиб кетади*
*Бахтлидур яхши ном қолдирган инсон,*
*Тириксан гўрингга гуллар экиб қол…* [576]

Дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган бу асарида Саъдий ахлоқий-таълимий қарашларини ибратли кичик ҳикоялар ва дидактик лирик шеърларда мужассамлаштиради. “Гулистон” насрий –назмий йўналишдаги ахлоқий-таълимий асар бўлиб, бобларга сингдирилган ғоялар китобхонни маънавий камолотини шакллантиришга хизмат қилади. Бундай тоифалаштириш аслида мумтоз адабиётимиздаги панднома жанрига мансуб асарларнинг кўпчилигига, жумладан ҳазрат Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарига ҳам хосдир.

XV аср форс-тожик адабий ҳаётида шеърий асарлар билан бир қаторда насрни ривожлантиришга ҳам аҳамият берилар эди. Шайх Саъдийнинг “Гулистон” номли наср ва назм йўлида ёзилган ҳикоялар тўпламини ғоят севган ва уни “Жаннатдан нишон, хашак-тикони ҳам анбаргадир жон” деб таърифлаган А.Жомий 1486-87 йилларда шу асарга жавобан “Баҳористон” асарини яратган.

Алишер Навоий ҳам Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари таъсирида умрининг охирида “Маҳбуб ул-қулуб” асарини унга жавоб тарзда яратди ва Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийни ушбу асарида “Маоний аҳлининг нуктапардози” деб юксак баҳо беради. XX аср бошида етишиб чиққан жадид маърифатчиларимиз бу китоблардан илҳом олиб янги дарсликлар яратдилар. Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари шундай руҳда яратилган эди**.**

Саъдийнинг ахлоқий-таълимий руҳда битилган “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари асрлар давомида мактаб ва мадрасаларда асосий дарслик сифатида ўқитилган. Шу боис Шарқ адабиётидаги бадиий анъаналар ривожининг эстетик тамойилларини ўрганишда Алишер Навоий ижодиётига Саъдий Шерозий адабий меросининг таъсирини кузатишимиз мумкин. Бу икки улуғ донишманд адиб назмини қиёсан тадқиқ этган профессор Э.Шодиев шундай ёзади: “Алишер Навоий форс-тожик адабиётининг аллома адиблари қолдирган қимматбаҳо дурдоналарни завқ билан ўрганди. Уларнинг ижодиётидан бой маънавий озуқа олди. Гўдаклик ва ёшлик чоғларидан бошлаб шоир диққатини ўзига жалб этган, ҳам шеърияти, ҳам насрий асарлари билан мафтун этган салафларидан бири Муслиҳиддин Саъдий Шерозий эди”.[577] Зеро, Саъдийнинг “Гулистон” ва Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарларининг шаклий ўхшашлиги ва мазмуний қиёси ҳам бу фикрнинг тўғрилигини яна бир карра тасдиқлаб турибди.

[576] Саъдий Гулистон Бўстон Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа ижодий уйи .Тошкент .2014 .12-б
[577] Э.Шодиев – Саъдий Шерозий – “Гулистон” сўз боши, Душанбе.1961.20-б.

Ҳар иккала асар ҳам мазмун, ҳам мундарижа, ҳам услуб жиҳатдан бир- бирига ўхшаш бўлиб ўзига хос насиҳатнома, панднома асар ҳисобланади. Бу асарлар аниқ бир сюжетга эга бўлмай жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳларининг яхши инсоний фазилатларини таърифлаш, ёмон хислатларини танқид қилишга бағишланган.

Саъдийнинг “Гулистон” ва Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган дурдоналардан ҳисобланади. Ҳар иккала асар ҳам наср ва назм уйғунлигида яратилган бўлиб катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. “Маҳбуб ул-қулуб” Саъдий анъаналаридан яхши тўйинган, поэтик ва композицон жиҳатдан мукаммал асар бўлиб, буюк донишманднинг фалсафий дунёқараши ва комил инсон ахлоқи ҳақидаги қарашларининг насрий ва назмий ифодасидир.

Туркий адабиётда эса Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий“, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари дидактик йўналишда ёзилган. “Маҳбуб ул-қулуб” асари бадиий шакли ва ғоявий мазмуни, тузилиши, қамрови кенглиги ҳамда наср ва назм уйғунлиги асосида ёзилгани билан бошқа пандномалардан ажралиб туради.

Алишер Навоий туркий ва форс-тожик адабиётида наср ва назм уйғунлигида яратилган асарларни чуқур ўрганиб, ўша анъаналар руҳида ижод этди. Шоир бу асарни умрининг охирида яратди ва уни “Маҳбуб ул-қулуб”, яъни “Кўнгилларнинг севгани” деб атади. Бу ном билан мазкур китобда инсонга хос энг эзгу фазилатлар, уни маънавий баркамол этадиган, ўзгалар қаршисида гўзал, олийжаноб кўрсатадиган хислатлар жамланганини англатмоқчи бўлди. Дарҳақиқат, Алишер Навоий кўзлаган мақсад нафақат асар номида, айни чоғда унинг бутун маъно - мазмунида, таъриф-у тафсилотларида тўла мужассамдир. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”и наср ва назм синтези асосида яратилган ахлоқий-фалсафий йўсиндаги панднома ёки насиҳатнома тарзидаги асар бўлиб шарқ ислом адабиётининг энг юксак намунаси ҳисобланади.

## «ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» ДАРСЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Ш.Акобиров-**
**НавДПИ Умум тиббий фанлар кафедраси ўқитувчиси**

Олий таълим муассасаларида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» ўқув курсини ўқитишда экологик тарбияни амалга ошириш йўлларини такомиллаштириш талаб этилади.

Экологик тарбия экологияга оид фикрларни, дунёқарашларни, таълимотларни ва тушунчаларни ўз ичига олади. Асрлар давомида табиатни асраш унинг бойликларидан исрофгарчиликка йўл қўймай фойдаланиш инсон саломатлигини таъминлаш ва ушбу жараёнда табиатнинг беғараз ёрдамига мурожат этиш масалалари жамиятнинг илғор кишилари, хусусан алломаларни диққат-эътиборида бўлиб келган. Шу боис шахсни экологик жиҳатдан тарбиялаш узоқ тарихий жараённи босиб ўтган педагогик фаолиятни бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Қадимги одамлар томонидан ўз хавфсизлигини, ўз яқинлари, оиласи, қабиласи хавфсизлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган тушунтириш схемалари бошқа нарсалар билан бир қаторда олдиндан огоҳлантирувчи вазифани ҳам ўз ичига олган. Ушбу схемалар, асосан, офатлар ва уларнинг сабабларини бартараф этишга қаратилган бўлиб, ушбу жараён ва ҳодисаларнинг ҳалокатли оқибатларини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар доирасида амалга оширилди. Ибтидоий одамлар томонидан антропоморфик бўлган ғайритабиий шахслар, уларнинг бевосита ташувчилари (ўсимликлар, ҳайвонлар, жонсиз нарсалар) хусусиятларига қўшимча равишда, инсоний характерга эга бўлиб, улар одамларнинг хулқ-атворига хос бўлган. Бу ибтидоий одамлар учун атрофдаги табиат билан қариндошлик муносабатларини бошдан кечиришга, унга «тегишли» бўлиш туйғусини берди[578].

Табиат билимлари жараёнини илмий асосга айлантириш учун дастлабки уринишлар Месопотамия, Миср ва Хитойнинг дастлабки цивилизацияси даврида амалга оширила бошланди.

Бир томондан турли хил табиий жараёнларнинг юзага келиши бўйича эмпирик маълумотларнинг тўпланиши ва ҳисоблаш тизимларини ишлаб чиқиш ва ўлчаш воситаларини такомиллаштириш, бошқаси табиий офатларнинг (қуёш тутилиши, эрозиялар, зилзила, қурғоқчилик ва бошқалар) юқори аниқлик билан юзага келишини таҳмин қилиш имконини берди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштирилган тартибда олиб бориш. Илм-фан

[578] Мишин Б.И. Образование как фактор обеспечения личной, общественной и государственной безопасности // Образование и безопасность: проблемы, концепции, реальность: Материалы Всероссийской конференции . -М.: - С. 84

монополиясининг қадим давлатлар ҳукмдорларини оммага итоат қилишда, табиатнинг номаълум ва кутилмаган кучларини “назорат қилиш” қобилиятини кўрсатишга имкон берди. Ушбу босқичда атроф-муҳит онгида аниқ ифода этилган утилитариан ориентация мавжуд эди.

Борлиқ ҳақидаги илмий ғояларнинг ривожланишида энг катта ютуқ қадим замонларда юзага келган (мил. Ав. VIII аср – V аср). Бошидан буён табиат ҳақидаги билимларда утилитаризмдан ажралиб туриш содир бўлди. Айниқса, уни ўрганишнинг янги йўналишларининг пайдо бўлишида, дарҳол моддий ёрдам олишга йўналтирилган эмас. Дунёнинг изчил расмини яратиш ва унда ўз ўрнини эгаллаш учун одамларнинг интилишлари биринчи ўринга кўтарилди. Қадимги мутафаккирларнинг онгини эгаллаган асосий муаммолардан бири табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг муаммосидир[579].

Қадимги юнон тарихчиси Геродот (мил. Авв. 484-425) одамларда характерли хусусиятларни шакллантириш жараёни ва табиий омиллар (иқлим, ландшафт функциялари ва бошқалар) билан сиёсий тизимни яратиш жараёни билан боғлиқ эди. Қадимги юнон шифокори Гиппократ (мил. Авв. 460-377) инсон танасининг индивидуал хусусиятлари ва унинг атроф муҳит билан муносабатини ҳисобга олган ҳолда беморни даволаш кераклигини ўргатди. У атроф-муҳит омиллари (иқлим, сув ва тупроқ ҳолати, одамларнинг турмуш тарзи, мамлакат қонунлари ва бошқалар) инсоннинг жисмоний ва руҳий хусусиятларини шакллантиришда ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётганига ишонди. Гипократ таълимотига кўра, иқлим кўп жиҳатдан миллий хусусиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилайди. Машҳур файласуф - идеалист Платон (мил. Авв. 428-348) инсон муҳитида вақт ўтиб юз берадиган ўзгаришларга (асосан, салбий) ва ушбу ўзгаришлар одамларнинг ҳаётига таъсир ўтказганлигига эътибор қаратди. Платон инсоннинг яшаш муҳитининг таназзулга юз тутганлиги фактлари табиий муҳитнинг нарсалари ва ҳодисаларини қайта тиклаш, табиий офатлар белгиси бўлишини ҳисобга олиб, улар томонидан амалга оширилган иқтисодий фаолият билан боғламади.

Инсон ҳаёт хавфсизлигини амалга ошириш учун бўлган ўринишлар “таҳдид”, “хавф”, “хавфсизлик” тушунчаларининг тарихий ўзгаришини, инсоният тарихи давомида ушбу тушунчаларга киритилган маъноларни таҳлил қилишга ундайди. Буни турли хил тарихий даврларда одамларнинг фавқулодда вазиятлар ва атроф-муҳитга қарашларининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Биринчиси - оммавий қўрқув ва ташвишлар тўплами, шунингдек уларни бартараф этиш учун режалаштирилган чора-тадбирлар тўплами.

Иккинчиси- мазкур вазифани кутилганидан зиёда қилиб адо этишнинг зарурий бўғинларидан бири табиий қонуниятларни билишлик ва улар асосида маълум чора-тадбирларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай фавқулодда вазият, хавфли ҳолат ва нохушликнинг ўзига яраша сабаби мавжуд. Хусусан, дунё миқёсида кўпгина давлатларнинг асосий маблағи турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш ишларига сарфланмоқда.

Ягона ҳаёт маскани бўлган заминни асраб-авайлаш, эъзозлаш, келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат. Бу мақсадга эришишда дунё аҳли, турли ташкилот вакиллари бирлашиб ягона дастур асосида ноосферани (ақлий бошқариш) барпо этишга хизмат қилишлари лозим.

Ибтидоий ва қадимги дунё учун “фожиали онгни” шакллантиришга таъсир қилувчи асосий омиллар атрофида содир бўлган табиий ва антропоген ҳодисаларнинг (мавсум ўзгариши, инсоннинг туғилиши ва ўлими, шоҳликларнинг юксалиши ва пасайиши) ва ушбу онгни ташқи дунёга йўналтиришнинг циклик табиати эди (табиий фалокатлар, душманларни ишғол қилиш ва бошқалар).

Муаммога оид адабиётлар мазмуни билан танишиш шундан далолат бердики, кишилар ўртасида экологик билимларни тарғиб этиш, шу борадаги таълимий ва тарбиявий қарашлар асосида уларда муайян билимларни ҳосил бўлишига эришиш ижтимоий заруриятга айланган. Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Умар Ҳайём, Кайковус, Муҳаммад Содиқ Кошифийлар гарчи ўз асарларида “экология” тушунчасини қўлламаган бўлсалар-да, инсоний қадрият сифатида табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унинг неъматларидан тежаб-тергаб фойдаланиш муайян касалликларни даволашда айрим ўсимликларни даво сифатида ишлатилиши, табиий бойликларни исроф қилиш

[579] Кукин, П.П. Безопасность человека и его деятельность. // Основы безопасности жизни. — 2009. 43-44с.

катта гуноҳ эканлиги, бу каби гуноҳга йўл қўйиш жазосиз қолмаслиги ва ҳ.к каби қарашларнинг моҳиятини очиб беришган[580].

Марказий Осиёда экологик билимлар ривожланиши ўзига хос тарихга эга. Қадим замонларда Ўрта Осиё аҳолиси қайси ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларидан истеъмол қилиш мумкинлиги, сув манбаларини танлашда ва иссиқ иқлим шароитида турар жойларни қуриш, кийиниш тўғрисида маълумотларга эга бўлишган.

## ИСЛОМ ДИНИДА ТАСАВВУФ ТАРИҚАТИНИ ТУТГАН ЎРНИ

**Мирзаев Авазбек Толибжонович,**
**Андижон давлат университети, «Жаҳон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси**

Ўзбекистон халқи мустақилликка эришгач, миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, унга холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратилди. Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш, ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларини шаклланиш босқичлари ва ҳусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса ўз навбатида, миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат-эътиборни, халқ меҳнатига, ватанга севги туйғусини шакллантириш, янги қураётган жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажагини оқилона белгилаш, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

Ўзбек халқи дунё ҳамжамиятидан азалдан муносиб ўрин олган халқ сифатида миллий ва умуминсоний маънавий мерос хазинасига улкан улуш қўшиб келган халқдир. Дунё мамлакатлари ўртасида кўп соҳаларда бўлгани сингари, бу соҳада ҳам етакчи ўринларни олади. Фақат ҳозирги авлод – аждодлари яратган маънавий меросни яхши англаши, унинг илдизларини билиб дунёга қайтадан тиклашга ўз ҳиссасини қўшмоғи, шунга ҳаракт қилиши давр талабидир[581]. Ислом дини пайдо бўлганидан сўнг унинг доирасида, Қуръон ва Ҳадис аҳкомига мос равишда пайдо бўлган тасаввуфий таълимотлар X-XI асрларга келиб Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқала бошлади. Тасаввуф – Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маънавий ҳаёти тарихидаги энг мураккаб, ўзаро зиддиятларга тўлиб-тошган ва муҳим ҳодисалардан бири бўлиб, унинг учун таркидунёчилик, бу дунё бойликларидан ва нозу неъматларидан воз кечиш, Аллоҳ васлига етмак учун пок, ҳалол, ўз меҳнати ила яшаш, ихтиёрий равишдаги фақирлик характерли хусусиятлардан ҳисобланган.

XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Ҳожа Ахмад Яссавий 1041 йилда Сайрамда дунёга келган. Яссавий маданиятимиз тарихида илк туркийзабон мутасаввуф шоир сифатида маълумдир. Унинг тасаввуфни тарғиб этувчи туркийда ёзилган шеърлари тилининг халққа яқинлиги, оҳангдорлиги билан тезда машҳур бўлиб кетди.

Алишер Навоий ибораси билан айтганда, “Туркистон мулкининг улуғ Шайх-ул-машойихи” Ҳазрати Хожа Ахмад Яссавий жуда кўп мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказди[582]. Ҳожа Ахмад Яссавий Ясси(ҳозирги Туркистон) шаҳрида хонақоҳ очиб, муридлар тўплайди ва уларга таълим беради. Аҳмад Яссавий Туркистонда Яссавия тариқати ва таълимотини асослаган[583].

Айни пайтда турк тилида шеърлар ижод қила бошлайди. Бизга қадар алломанинг «Девони ҳикмат» номли шеърий тўплами етиб келган. Мазкур асарда инсоф, адолат, ҳалоллик ва тўғрилик тарғиб этилган. У тасаввуф ғояларини биринчилардан бўлиб туркийлар орасига ёйиб, ўз ғояларини оддий халққа жуда яқин ва содда услубда баён этган. Шу сабабли ўтмишда унинг ҳикматлари халк, орасида кенг оммалашиб, инсонларнинг маънавий-маърифий камолоти йўлида хизмат қилган[584].

Ҳожа Ахмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» шеърий тўплами дунёга келиши билан туркий халқлар ўзининг мустақил тариқат китобига, том маъноси ила маърифат, ҳақиқат, руҳоният қомусига соҳиб миллат ўлароқ эътироф этилган. Ахмад Яссавийдан кейинги туркий халқларнинг тарихи –

---

[580] **Беруний Абу Райҳон. Тарвиҳалар (“Жавоҳирот китоби”дан). –Т.: Мерос, 1991, -47б.; Кайковус. Қобуснома. –Т.: Мерос, 1992.-218б.; Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Ўзбекистон, 1992.-237б.; Хос Ҳожиб, Юсуф. Қутадғу билиг. –Т.: Юлдузча, 1990.-189б.**

[581] Шарифхўжаев М., Давронов З. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент Молия Институти.: 2005, 77-бет.

[582] Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, 134-135 бетлар.

[583] Абдулхолиқ Ғиждувоний (Монография) Матн / Гулчеҳра Наврўзова. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. 19-бет.

[584] Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017, 214-бет.

маънавий-ахлоқий ҳаётда янги йўналиш, янги илоҳий нуқтаи назар шаклланган, комил инсон ҳақидаги тасаввурлар тўла ойдинлашган тарих ҳисобланади. Зеро, араб ва форс тасаввуф тушунчаларини миллий эҳтиёжга мувофиқ равишда ўзлаштириш ва фавқулодда содда, халқона талқинларни яратишни ҳам тарих Ҳожа Ахмад Яссавий зиммасига юклаган эди.

Яссавий туркий тилда хикматлар айтган файласуф шоир сифатида кўпроқ донг таратган. Шундай бўлгач, унинг ҳикматларини биринчи галда сўфий шоирнинг поэтик асарлари ҳолида ўқиш ва тадқиқ қилиш лозим[585]. Қорахонийлар хукмронлиги даврида Аҳмад Яссавий қабрига сағана қурдирилган бўлиб, мўғуллар босқини даврида вайрон этилган. Яссавий вафотидан кейин 223 йил ўтиб, шахсан Амир Темур фармони билан аллома қабри узра «Ҳазрат Султон» мақбараси бунёд этилди. Тасаввуф таълимотига кўра, инсоннинг асл ватани мутлақ борлиқ. Инсон шу борлиқда пайдо бўлган, ўша муқаддас борлиққа қайтмоғи муқаррар. Шу боис ҳақиқий суфий ватан ва ватанпарварлик борасида тор тушунчага берилмаслиги керак. Яссавийлик кўплаб олим, шоир ва давлат арбоблари қалбини забт айлаган. У фақат Мовароуннаҳрда эмас, балки Хуросон, Озарбайжон, Туркияда ҳам кенг тарқалган. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда тасаввуф тариқатларини ўрганиш, унга доир асарларни таржима қилиш, атоқди машойихларнинг мақбараларини қайта қуриш ва таъмирлашга аҳамият берилмоқда. Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин, Занги ота, Шайх Хованди Тоҳур ва бошқа кўплаб тасаввуф тариқатларига мансуб пири комилларнинг хаёт ва ижодларини чуқур ўрганиш, қолдирган асарларидан халқимизни баҳраманд этиш борасида муайян ишлар қилинди[586].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ислом дини бағрида вужудга келган тасаввуф таълимоти тариқатларидан таълим олган кишилар нафақат комилликни, ислом маданиятини эгаллашга мувофиқ бўлдилар, балки бу таълимотдан баҳраманд бўлган кишилар орасидан улуғ намоёндалар ҳам етишиб чиқдики, улар тасаввуф таълимотидан узоқлашмай, қадимги маданиятимизнинг дурдоналарини сақлашга ва янги маданият қирраларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФ

**Алимова Ш.Б. –**
**Бухоро вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази «Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси**

Тасаввуф - бу одамларни ҳалоллик, поклик, тенглик, инсон қадр-қимматини улуғлаш, ўз меҳнати билан кун кўриш, бошқалар кучидан фойдаланмаслик ва ижтимоий адолат қоидаларига даъват этувчи эзгу таълимотдир. Хуросон ва Мовароуннахр ахолиси ўртасида тасаввуф-фалсафий илми тараққиётида Юсуф Ҳамадоний катта обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган. У асосан Бухоро шаҳрида яшаб ёшларга тасаввуфдан сабоқлар берган ҳамда жуда кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Юсуф Ҳамадонийни пир тутган муридларидан 213 таси машҳур шайхлар бўлиб етишганлар. Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллох Баррақий, Хожа Ахмад Яссавий, Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийлар унинг тўрт забардаст халифаси ҳисобланади. Юртимизда илдиз отган Яссавия (Ахмад Яссавий), Кубровия (Нажмиддин Кубро), Нақшбандия (Хожа Баҳовуддин Нақшбанд) таълимотлари моҳиятан шундай олижаноб ғоялар руҳи билан суғорилган. Жумладан, “Яссавия” тариқатининг бир қатор асосий қоидалари (одоблари)га назар ташлар эканмиз, бунда инсонларнинг Аллоҳ висолига етишиш йўлида тинимсиз изланишлари ҳаётнинг турли-туман синов-синоатларига дош беришлари, ўз эътиқодларида собит, эзгулик, ҳақ йўлида ҳамиша саъй-ҳаракатларда бўлишлари кераклигига алоҳида урғу берилганлиги аён бўлади. Шу боис Яссавий “Ҳикмат”ларида поклик, халоллик, тўғрилик, мехр-шафқат, ўз кучи, пешона тери ва халол мехнати билан кун кечириш, Аллох таоло висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зоҳиран хар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний ўадриятлар ифода этилган. Худди шундай юксак ғоялар Кубровия, Нақшбандия сингари тариқатларнинг мазмуни, мундарижасини ташкил этади. Мамнуният билан тилга олиш лозимки, Нажмиддин Кубро қаламига мансуб “Фавоъих ал-Жамол ва фатвотих ал-Жалол”, “Ал-Усул ал-ашора”, “Рисолотут-турк” каби 30 га яқин ноёб асарлар мавжуд. Унинг тариқатида динийлик билан дунёвийлик чамбарчас боғланиб кетган. Унинг асарларидаги кишиларнинг ҳалоллик, одамийлик, молу-дунёга ҳирс ўймаслик, ўз ножўя ишларидан тавба қилишдек ахлоқий-ғоявий, тарбиявий талаб-

[585] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 25-бет.

[586] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 8-жилд, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2004, 148-бет.

қоидалар бизнинг кунларимизда ҳам ғоятда муҳим аҳамиятга моликдир. Ўз даврининг комил инсони Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало у асос солган Нақшбандийликнинг асосий моҳияти “қўл ишда, Аллоҳ дилда”, “Кам егил, кам ухла ва кам гапир!” деган улуғ насиҳатлари ўта ҳаётийдир. Нақшбандия таълимоти ҳалол меҳнат қилишга, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-маърифат, хаттотлик, бадиий адабиёт, мусиқа билан шуғулланиш каби фойдали касб-ҳунарли ва хайрли ишлар сари даъват этади. Зотан, мустақиллик шарофати билан юртимиз тарихида, унинг маънавий сарчашмаларида сезиларли из қолдирган, уларни ўз пок руҳоний таълимотлари ила бойитган улуғ алломаларимиз – Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Каффол Шоший, Хожа Аҳрор Валий сингари бобокалонларимиз азиз номлари тикланиб, асарлари чоп этилиб, бебаҳо меросларидан баҳра олаяпмизки, бу биз учун катта бахтдир.

## YURIDIK TEXNIKUM O‘QUVCHILARINING HUQUQIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI

**U.M.Utamuradov**
**Navoiy davlat pedagogika instituti katta o‘qituvchisi**

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada yuridik texnikum o‘quvchilarining huquqiy kompetensiyalarini shakllantirish usullariga oid taklif va tavsiyalar keltirilgan.*

***Tayanch so‘zlar:*** *Huquq, kompetensiya, texnikum, kredit-modul, resurs, kollej, pedagogik faoliyat.*

Yuridik texnikum faoliyati yosh avlodni chuqur bilim va keng dunyoqarashga ega bo‘lishini ta’minlashdek ezgu maqsadga qaratilgan. Shuningdek, mazkur siyosatning tub mazmunida jahon andozalariga mos raqobatbardosh milliy kadrlarni tayyorlash, rivojlangan demokratik huquqiy davlat qurilishi jarayonlariga moslash, ta’lim oluvchilarni ma’naviy-axloqiy tarbiyalash hamda ular o‘rtasida olib boriladigan ma’rifiy ishlarning samarali shakllari hamda uslublarini ishlab chiqish va joriy etish, shu bilan birga faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo‘lgan shaxslarni tarbiyalashdek ulug‘vor maqsadlar yotadi.

Yuridik texnikumlarda ta’lim sifati, pedagogik faoliyat darajasi, o‘quv-metodik ishlar, o‘quvchilar va bitiruvchilar bilimini tavsiflovchi ma’lumotlar bazasini tizimli shakllantirish hamda ularni reyting indikatorlariga muvofiq baholash asosida yuridik texnikumlarning har yili yangilab boriladigan reytingi tashkil qilingan. O‘quvchilarning bilim saviyasi va o‘zlashtirish darajasini davlat ta’lim standartlariga muvofiqligini ta’minlash uchun yuridik texnikumda joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlari o‘tkaziladi.

Yuridik texnikum o‘quvchilarining muayyan vaqt mobaynida respublika hududidagi yuridik texnikumga, yoki xorijiy davlatdagi boshqa bir ta’lim muassasasiga o‘qish maqsadida borishi akademik mobillikni ta’minlaydi. “Shuningdek, ta’lim olish natijalariga ko‘ra o‘quvchi tomonidan muayyan fan bo‘yicha o‘zlashtirilgan o‘quv yuklamasining o‘lchov birligi-kredit belgilangan. O‘quvchilarning akademik mobilligini ta’minlash maqsadida bir ta’lim muassasasi ta’lim dasturida olingan kreditlarni boshqa ta’lim muassasasiga ko‘chirish va tan olish kredit ko‘chirish asosida amalga oshiriladi. Ta’lim elementlarini o‘zlashtirish va boshqa yutuqlarga erishish natijasida taqdim etiladigan kredit birliklarini to‘plashga kredit to‘plash natijasida erishiladi” [1, 2, 3].

Ma’lumki, yuridik texnikum bitiruvchisiga muayyan egallagan mutaxassislik bo‘yicha kasbiy faoliyatni malakali bajarish imkonini berishga qaratilgan professional ta’lim tayyorgarligining asosiy mazmunini aniqlovchi ta’lim standartlari, o‘quv rejasi, o‘quv fanlari (modullar) dasturlari, malaka amaliyot dasturlaridan iborat xujjatlar to‘plamiga ta’lim dasturlari deyiladi.

Tadqiqot davrida biz tomonimizdan ta’lim dasturlari katalogi sifatida yuridik texnikum tavsifi, kredit-modul tizimiga kirish, mavjud ta’lim mutaxassisliklari, xizmatlar va resurslar, o‘quv fanlari dasturlari, aniq ta’lim dasturlari elementlari tavsifi to‘g‘risidagi axborot o‘rganildi. O‘rganishlarimiz natijasida yuridik texnikumlarda ta’lim jarayonini boshqarish axborot tizimi tashkil etilgan bo‘lib, unga muvofiq o‘kuvchilarni ro‘yxatga olish, o‘quv materiallarni tarqatish, o‘kuvchilar va pedagog xodimlar o‘rtasida o‘zaro hamkorlikni ta’minlash, topshiriqlarni berish, nazoratlar o‘tkazish, baholash va uning natijalarini qayd etish kabi imkoniyatlarga ega bo‘lgan elektron tizim mavjud.

Yuridik texnikumlarda o‘quvchilar tomonidan bilimga oid hamda kasbiy jihatlarni qamrab oladigan, ularda bilim, ko‘nikma va malakalarni shakllantirishga qaratilgan ta’lim dasturining tarkibiy elementi sifatida nazorat qilishning tegishli turi bilan yakunlanadigan alohida o‘quv fani modul joriy etilgan. O‘zlashtirilgan modullar, to‘plangan kreditlar miqdori, olingan baholar aks ettiriladigan o‘kuvchining akademik o‘zlashtirishi bo‘yicha guvohnomasida aks ettiriladi.

Yuridik texnikumlarda ta’lim elementlari - ta’lim dasturining bir qismi bo‘lib, ta’lim olish natijalariga erishish va ta’lim dasturida ko‘rsatilgan bilimlarni o‘zlashtirishga ko‘maklashuvchi o‘qitish turi hisoblanadi.

Kuzatuvlarimizdan aniqlanishicha, yuridik texnikumlarda ta’lim jarayonlarida ayrim hanuzgacha hal qilinmagan ziddiyatli muammolar ham bor. Masalan, o‘quvchining shaxsiy ta’lim trayektoriyasini belgilab beruvchi, o‘quvchi tomonidan tanlangan hamda unga ketma-ketlikda bilimlar to‘plash va hohlagan kompetensiyalar yig‘indisiga ega bo‘lish imkoniyatini beradigan yo‘nalishlar hanuzgacha faqat qog‘ozda aks ettirilgan. Shuningdek, texnikum o‘quvchisining ta’lim trayektoriyasi institutsional hujjatlar va yo‘riqnomalar yordamida tuzilsada, turli ta’lim trayektoriyalari natijasida bir xil malaka olishga mo‘ljallanmagan. “Bularning barchasi o‘quv faoliyatining barcha turlari (ma’ruza, amaliy mashg‘ulot, seminar, amaliyot va mustaqil ishni amalga oshirish asosida kutilgan o‘quv natijalariga erishish uchun zarur bo‘lgan vaqt sarfini belgilashda namoyon bo‘lishini ta’kidlashimiz joiz” [3] .

Yuridik texnikumlarda ta’lim sifatini takomillashtirish va pedagog xodimlar o‘rtasida raqobatni shakllantirish maqsadida ta’lim jarayonini boshqarish axborot tizimi portali orqali o‘kuvchilarga modul doirasida o‘quvchilarning shaxsiy ta’lim trayektoriyasini shakllantirish jarayonida pedagog xodimlarni tanlash imkoniyati berilishiga qaramasdan, ayrim texnikumlarda mutaxassislarni keng jalb qilinmaganligi bois bu ishlarda oqsoqlik ko‘zatilmoqda.

Yuridik texnikumlarda ta’lim jarayonlarida hanuzgacha hal qilinmagan ziddiyatli muammolardan yana biri bu-ta’lim dasturi katalogi va o‘qitish sharoitlari to‘g‘risidagi batafsil ma’lumotlar yuridik texnikumlarning rasmiy veb-saytiga yuklangan va e’lon qilib borilishiga qaramasdan, ayrim texnikumlarda (Navoiy, Qashqadaryo) ular yangilanib turilmaganligini ko‘rsatib o‘tish mumkin.

Yuridik texnikumlardagi ta’lim jarayoni tahlil etilganida o‘quv jarayoni o‘quvchilar, pedagog xodimlar va ma’muriyat o‘rtasida muloqot shaklida o‘quvchiga yo‘naltirilgan yondashuv asosida rejalashtirilganligini ko‘rish mumkin, biroq, ushbu jarayonda o‘quvchilarning xohish va istaklari muhokama qilinayotganligi, barcha manfaatdor tomonlar ta’lim dasturining yaratilishi va o‘zlashtirilishining konstruktiv muhokamasiga jalb etilishida, mazkur muhokamalarda o‘quvchilar vakillari ovoz berish xuquqi orqali ishtirok etishlari sust ekanligini ko‘rish mumkin. Shuningdek, garchi, o‘quvchi o‘quv yuklamasidan tashqari o‘z ixtiyoriga ko‘ra, ro‘yxati taqdim etiladigan qo‘shimcha o‘quv modullarni, yoki boshqa ta’lim yo‘nalishi o‘quv rejasining tanlov fanlarida mavjud fanlar ro‘yxatidan qo‘shimcha fanni tanlab to‘lov-kontrakt asosida o‘qishiga ruxsat etilsada, bu borada ham ayrim texnikumlarda sustkashlik mavjudligi aniqlandi.

Kuzatuvlarimiz natijasida ko‘zga tashlangan ushbu ziddiyatli jihatlarni hal qilish uchun biz tomonimizdan quyidagicha tavsiyalar ishlab chiqildi: yuridik texnikumlarda o‘quv jarayoni o‘quv va nazorat (modullar bo‘yicha bilimlar o‘zlashtirilishini va ularning natijalarini baholash) tadbirlaridan tashkil topishini inobatga olib, o‘quv jarayonini rejalashtirishda, ta’lim dasturi katalogi va o‘quv rejasi, modullarning o‘quv dasturi (sillabus)ni ishlab chiqishda respublikamizning yetakchi ta’lim muassasalari va xorij ekspertlarini keng jalb qilish va shu asnoda o‘quv rejasi va tanlov fanlari ro‘yxatiga mos ravishda o‘quvchilarning shaxsiy ta’lim trayektoriyasini shakllantirish maqsadga muvofiq.

**Adabiyotlar**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-yanvardagi “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi PQ-5618-son qarori.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida yuridik ta’lim va fanni tubdan takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2020-yil 29-apreldagi PF 5987-son Farmoni.

3. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta’lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 10-iyul 359-son Qarori.

## BUXORO – ISLOM MA’NAVIYATI VA MADANIYATI MARKAZI

**Turdiyev Bexruz Sobirovich**
**Buxoro davlat universiteti, “Milliy g’oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi” kafedrasi izlanuvchisi**

**Abstract:** This article is dedicated to the role of Bukhara as a center of Islamic spirituality and culture in the world. The preservation and modernization of Islamic culture in ancient and eternal Bukhara is analyzed in the example of recent reforms in the city.

**Keywords:** history, islam, ISESSCO, culture, UNESCO, heritage, monuments, madrasah

Markaziy Osiyodagi eng ko'hna va boqiy shaharlardan biri bu shubhasiz Buxoro shahridir. Tarixiy manbalarga ko'ra, Buxoro jahon tamadduniga beqiyos hissa qo'shgan markazlardan biri hisoblanib, uch ming yildan ziyod tarixga ega. Bu ko'hna zamin qadimdan ilmu ma'rifat, madaniyat maskani bo'lgan. Shu bois bu go'sha ta'rifi butun olamga yoyilgan. Arxeologik qazishmalar natijasiga asosan olimlar ushbu shahar eramizgacha bo'lgan davrda hududning iqtisodiy va madaniy hayotida muhim rol o'ynagan degan xulosaga kelganlar. Shahar Buyuk ipak yo'lining yuksalishi davrida savdo markazi, Somoniylar sulolasining farovonlik davrida esa Islom dunyosi va san'ati markazlaridan biri hisoblangan. Asta-sekin Buxoro eng muhim diniy markazga aylangan va tobora ko'proq "Buxoroi Sharif" deb atashgan. Haqli ravishda bugun ham, Buxoro shariflik maqomiga sazovor bo'lgan muqaddas shaharlardan biridir. Xususan, Islom konferensiyasi tashkilotining tuzilmalaridan biri bo'lgan Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha xalqaro islom tashkiloti (ISESCO) tomonidan Buxoro shahrining 2020 yilda "Islom madaniyati poytaxti" deb e'lon qilinishi O'zbekiston, xususan uning poytaxti islom sivilizatsiyasi tarixida o'ziga xos o'ringa ega ekanligidan yana bir dalolatdir.

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgach, Buxoroda bunyodkorlik va yangilanish yo'lidan iborat keng ko'lamli islohotlar olib borildi. Quyidagi hujjatlar shaharning betakror taraqqiyot yo'li uchun yangi davrni boshlab berdi:

- 2007 yil 22 yanvar "Buxoro shahrining bosh rejasini tasdiqlash to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori[587];
- 2007 yil 11 sentyabr "Buxoro shahrining tarixiy qismidagi madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish masalalari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori;
- 2010 yil 23 mart "2020 yilgacha Buxoro shahrining madaniy meros obyektlarini tadqiq etish, konservatsiya qilish, restavratsiya qilish va zamonaviy foydalanish uchun moslashtirish bo'yicha davlat dasturi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori[588];

Bu qarorlar Buxoro shahrining o'ziga xos milliy qadriyatlarini tiklash, ularni yanada rivojlantirish, shahar madaniy merosini, ayniqsa tarixiy-me'moriy obidalarini asrab-avaylash va kelgusi avlodlarga yetkazishga xizmat qildi. Ayniqsa, buyuk bobolarimiz hayot yo'llariga, ularning insoniyat sivilizatsiyasida muhim o'rin tutgan ijodiy meroslariga katta e'tibor qaratildi va ularning yubileylari keng nishonlandi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov tashabbuslari bilan 1993-yilda Bahouddin Naqshband tavalludining 675-yilligi munosabati bilan mazkur ziyoratgoh ta'mirlandi. Majmuadagi daxmalar, maqbaralar, masjidlar, ayvonlar va madrasaning tarixiy qiyofasi tiklanib, qutlug' qadamjoga aylantirildi.

Ko'hna go'zal minoralari va madrasalari tufayli 1993-yilda Buxoro shahrining tarixiy markazi YUNESKO Butunjahon merosi ro'yxatiga kiritildi. 1997-yilda esa shaharimizning 2500 yillik yubileyi katta tantana bilan nishonlandi. Hozirgi kunda Buxoro viloyatidagi eng qadimiy arxeologik obyektlar, monumental san'at asarlari va noyob qadimiy arxitektura yodgorliklarining 2000 tasi YUNESKO tomonidan ro'yxatga olingan.

Bugun Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev rahbarliklarida Buxorodagi ulug' allomalarimiz, aziz-avliyolarimiz qadamjolarini obod etish ishlari izchil davom ettirilmoqda. U kishining Buxoro milliy ma'naviy merosini tiklash va asrab-avaylash, islom ilm-fani va ta'limini rivojlantirishga alohida e'tibor qarayotganliklari diqqatga sazovor. Prezidentiiz Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 10-mart kuni Buxoro viloyatidagi tashriflari, shahar tarixida yana bir yangi sahifani ochib berdi. Tashrif chog'ida Buxoroda amalga oshirilayotgan bunyodkorlik ishlari, olib borilayotgan islohotlar jarayoni, yirik loyihalar, rejalar ijrosi, istiqbolli loyihalar aynan 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi[589] hamda "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili" Davlat dasturidagi maqsad-vazifalar o'z ifodasini topayotganligi ta'kidlab o'tildi. Buxoroning ko'hna va boqiy shahar, deb atalishida katta ma'no bor, deb ta'kidladilar Shavkat Mirziyoyev. Bu yerdagi qadimiy obidalar, osori-atiqalar, xalqimizning betakror qadriyatlari, o'lmas an'analari asrlar osha yashab kelmoqda. Chet elliklarning, tarixchi va mutaxassislarning ularga qiziqishi doimo yuqori bo'lgan. Bundan samarali foydalanish kerak. Buxoroda tarixiy yodgorliklar, diqqatga sazovor joylar juda ko'p. Ular zamon talablari asosida ta'mirlanib, sayyohlar uchun zarur sharoitlar yaratilayotgani natijasida viloyatda turizm izchil rivojlanib borayotir.

[587] O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Buxoro shahrining bosh rejasini tasdiqlash to'g'risida" 22.01.2007 yildagi 19-sonli qarori. // https://lex.uz/docs/-1120237

[588] O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "2020-yilgacha Buxoro shahrining madaniy meros obyektlarini tadqiq etish, konservatsiya qilish, restavratsiya qilish va zamonaviy foydalanish uchun moslashtirish bo'yicha davlat dasturi to'g'risida" 23.03.2010 yildagi 49-sonli qarori. //https://lex.uz/docs/-1603726

[589] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi 07.02.2017 yildagi PF-4947-sonli Farmoni. –T.: "Adolat", 2018. – 111 b.

Buxoroning jahon sivilizatsiyasi va islom madaniyati rivojiga qo'shgan hissasi, bu zaminda ko'plab allomalar tavallud topgan va yashaganligi va ularning boy merosini chuqur o'rganish va keng targ'ib qilish uchun Buxoroda Toshkent islom universitetining maxsus fakultetini tashkil etishni taklif etdilar. Buning amaliy natijasini biz Buxoro Davlat Universitetining Tarix fakultetida maxsus "Islom tarixi va manbashunosligi" yo'nalishi tashkil etilib, 2017-2018 o'quv yilida 20 ta talaba o'qishga qabul qilinganligi misolida ko'rishimiz mumkin. Shuningdek, joriy yilning 6-sentyabr kuni "Mir Arab" oliy madrasasining ochilish marosimi bo'lib o'tdi. Ushbu diniy ta'lim muassasasining tashkil qilinishi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi Qonunda belgilangan fuqarolarning vijdon erkinligi hamda diniy ta'lim olishga bo'lgan huquqlarini amalga oshirishlari uchun yana bir imkoniyat bo'ldi. Shuningdek, mazkur quvonarli voqea 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida nazarda tutilgan diniy bag'rikenglikni ta'minlash borasidagi amaliy harakatlarning mantiqiy davomchisi bo'lib hisoblanadi.

Shuningdek, davlatimiz rahbari tomonidan 2017-yil 19-may kuni "2017-2019 yillarda Buxoro shahri va Buxoro viloyati sayyohlik salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qabul qilingan qarorlariga to'xtalib o'tsak. Ushbu qarorda Buxoro shahri va Buxoro viloyati sayyohlik salohiyatini yanada rivojlantirish, sayyohlarning madaniy merosimizning noyob obyektlari bilan keng tanishishlari uchun maksimal qulay sharoitlarni yaratish, mintaqada zamonaviy sayyohlik infratuzilmasining jadal rivojlanishini ta'minlash, sayyohlik, mehmonxona va transport xizmatlarining zamonaviy talablarga muvofiq holda turlarini kengaytirish va sifatini yaxshilash maqsadida ko'plab vazifalar amalga oshirilishi belgilab qo'yildi.

Buxoro shahri brendini olg'a siljitish va mashhur qilish yuzasidan keng reklama kampaniyasi o'tkazish, xususan, "Ipak va ziravorlar", "Qovun sayli", "Shahar kuni", "Sharq taomlari", "Buxoro hunarmandlari" kabi festivallar tashkil etish, xorijiy sayyohlik tashkilotlari va ommaviy axborot vositalari vakillari uchun info-turlar tashkillashtirish, shuningdek, ommabop xorijiy telekanallarda va maxsus veb-saytlar va ijtimoiy tarmoqlarda shaharning tarixi va osori atiqalariga bag'ishlangan ma'lumotlar joylashtirish orqali sayyohlik salohiyatini ilgari surish belgilab berildi.

Ushbu qaror ijrosini ta'minlash maqsadida 2017-yil 22-oktyabr kuni "Buxoro – Sharq gavhari" shiori ostida "Buxoro shahri kuni" festivali tashkil etildi. Festival doirasida marafon, savdo yarmarkalari, milliy hunarmandchilik mahorat darslari, milliy taomlar ko'rik-tanlovi va boshqa turli tanlovlar, ko'rgazma, ilmiy-amaliy konferentsiyasi tashkil etildi.

Bugun yana bir quvonarli hodisa Buxoro shahridagi Ark majmuasida viloyatning turizm salohiyatini yanada oshirish dasturi ishlab chiqildi va turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi tomonidan Buxoro viloyatining turizm salohiyatini yanada oshirish dasturi asosida 39 loyiha hayotga tatbiq etilmoqda. Mamlakatimizda turizmning ziyorat qilish, ekologik, ma'rifiy, etnografik, gastronomik, sport, davolash-sog'lomlashtirish, qishloq, sanoat, ishbilarmonlik turizmi va boshqa turlarini rivojlantirish bo'yicha izchil ishlar amalga oshirilmoqda. 2017-yil 14-oktyabr kuni "Qadimiy Buxoro" turizm zonasini qurish" loyihasini amlga oshirishga doir tashkiliy chora-tadbirlari to'g'risida"gi Vazirlar Mahkamasining Qarori Buxoro shahri tarixida yanada keng imkoniyatlar yaratadi.

2017-yil 11-iyul "Abduxoliq G'ijduvoniy tavalludining 915 yilligini va Baxouddin Naqshband tavalludining 700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish hamda uni o'tkazish to'g'risida"gi Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning farmoyishlari ushbu allomalar tavalludining nishonlashga bag'ishlangan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar o'tkazish, ularning hayoti va ijodiga oid nashrlar hamda ularning merosidan namunalar, jumladan, xorijiy tillarda chop etilishi, ularning muqaddas ziyoratgohlarini obodonlashtirish, ko'kalamzorlashtirish va ularning infratuzilmasini rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirilishini nazarda tutadi.

Muxtasar qilib aytganda, ko'hna va boqiy Buxoro minglab yillar bilan o'lchanadigan o'zining boy va unikal barpo etilish tarixiga ega shahardir va madaniy-ma'rifiy, ma'naviy-diniy qadriyatlarning rivojiga qo'shgan hissasi bilan bilan butun jahonga dong'i ketgan. Xullas, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning tashabbuskorlik va rahnamoliklari, zamonaviy loyiha va qarorlar sharif shahrimizni yanada go'zallashtirib, chinakam Sharq gavhariga aylantirmoqda. Buxoro hali ko'p asrlar davomida o'zining ko'hna va zamonaviy qiyofasi bilan butun jahon ahlini o'z tarixi va osori atiqalari bilan maftun etshni davom etadi.

## TAFAKKUR MUAMMOSI - SHARQ MUTAFAKKIRLARI TALQINIDA

**Salohiddin Arziyevich Xalilov**
**NavDPI o`qituvchisi**

Sharq mutafakkirlarining ta'limotlarida tafakkur muammosi alohida o'rin egallaydi. Chunki ular fikr, fikrlash, mustaqil fikrlash tushunchalarining tajrijiylik asosida vujudga kelishi, muayyan vaqt oralig'ida kechishi, ijtimoiy muhitda uning shakllanishi, u yoki bu vaziyatda shaxs mustaqil fikrlashga zarurat, ehtiyoj his etishi, atrof-muhitdagi hodisalar mohiyatiga ijodiy yondashuvni amalga oshirishning negizlari, mexanizmlari to'g'risida mulohaza yuritganlar, shaxslararo munosabatga kirishish sabab va oqibatlarini sharhlashga harakat qilgan. Bu o'rinda xalq ijodiyoti, muqaddas kitoblar, olimlarning mavzuga daxldor munosabatlari, mushohadalari, munozaralari tafakkurning rivojlanishiga alohida hissa tariqasida gavdalanadi. Lekin psixologiya tarixida buyuk allomalarimizning asarlaridagi psixologik hodisalar atroflicha o'rganilmaganligi zamonaviy olimlar oldiga ularni tadqiq etish dolzarb muammo sifatida mujassamlashadi.

Fikr, fikrlash, mustaqil fikr yuritish mohiyati to'g'risidagi dastlabki manbalardan biri bo'lib "Avesto" hisoblanadi. Zardo'shtiylik dinining muqaddas kitobi "Avesto" Zardo'sht tomonidan miloddan oldingi 548-529 yillarda Amudaryoning quyi sohilida (hozirgi Xorazm hududida) yaratilgan. Bu kitob, kishilik jamiyatidagi eng noyob, eng qadimgi bilimlar manbaidir. Uning sahifalarida jahondagi diniy, dunyoviy, tabiiy fanlar yuzasidan teran fikrlar, mulohazalar, g'oyalar bayon qilingan. Chunonchi, "Avesto"da yaxshi fikr tarbiyasi haqida quyidagi mulohazalar mujassamlashgan: a) Tarbiya hayotning eng muhim tirgagi (tayanchi) hisoblanishi lozim. Har bir yoshni shunday tarbiyalash zarurki, u avvalo o'qishni, so'ngra yozishni o'rganishi bilan eng yuksak pog'onaga ko'tarilsin, b) Men yaxshi fikr, yaxshi so'z, yaxshi ishga shon-shavkat baxsh etaman. Insoniylik, aql, iymon masalalari bu qadimiy asarning qimmatli mohiyati, shaxsdagi oliy qadriyatlar, odamga oid fazilatlar bilan uyg'unlikda aks ettirilganligidir. Muqaddas "Avesto"da insonlarning yaxshi fikrli bo'lishi, ularning bir-biri bilan mehribon, ahl, totuv, hamnafas, hamdard yashashi yuzasidan ibratli fikr-mulohazalar yoritilgan. Xuddi shu bois, uning 2700 yilligi jahon ahli tomonidan keng ko'lamda bayram qilindi.[590]

Buyuk mutafakkir Abu Mansur Muhammad ibn Muhammad al-Motrudiy (870-944) yirik suniylik kalom maktabining asoschisi hisoblanadi. U "Kitob at-tavhid" ("Yakkaxudolik haqidagi kitob") asarida hissiy qabul qilish, ahloqiy tafakkur va ishonchli manbalardan inson olishi mumkin bo'lgan odatiy ma'lumotlar mavjudligi to'g'risida fikr yuritiladi. Bu asarda muallif diniy qarashlar, bilimlar doirasidan chetga chiqqan holda bilishda aql-idrokning, so'z-mantiqqa asoslangan bilimning ahamiyati, roli haqida mulohaza yuritadi. Uning kalom ilmi nazariyasi islomiy qarashlar bilan cheklanibgina qolmasdan, balki dinning qonun-qoidalari aql-idrok yordamida talqin qilinadi. Al-Motrudiyning nazariyasi tafakkurga daxldor bo'lib, masalalarni tahlil qilish uchun aql teranligi, mustaqilligi, egiluvchanligi shart ekanligi uqtiriladi. Abu Nasr Forobiy (873-950) bilim olishning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash insonning aqli va tafakkuri orqali, ularning yordami bilan ro'yobga chiqishi mumkinligini ta'kidlaydi. Alloma o'z asarlarida tafakkur mavhumlik, umumiylik, bavositalik tavsifiga ega, shuning uchun sezgilar yordami bilan bilishni ro'yobga chiqaradi, deb tushuntiradi. Ular ta'limotiga qaraganda, tafakkur (aql) orqali inson materiyaning sezgi a'zolari tomonidan in'ikos qilinmagan noma'lum tomonlarini, umumiy qonuniyatlarini, mohiyatini tushunadi, fan tizimidagi boshqa bilimlarni egallashga erishadi. Olim aqlni insongagina xos bo'lgan quvvat ("quvvati notifa"), deb tushunadi, aql odamdagi barcha quvvatlar ustidan rahbar, ularni boshqaruvchi quvvat ekanligini ta'kidlaydi. Forobiy mantiqiy operatsiyalarni bajarish aql quvvatining vazifasi ekanligini uqtiradi. "Quvvati fikriya" esa inson mantiqiy fikrlash jarayoni yordamida amalga oshiriladi. Allomaning mulohazalaridan eng qiymatlisi shuki, fikr yuritish, tushuncha, hukm yordami bilan faoliyat amalga oshiriladi, keyinchalik xulosa chiqarish bilan u tugullanadi, deyiladi. Forobiyning mulohazasiga ko'ra, umumlashtirish, mavhumlashtirish, analiz va sintez usullari tafakkurga xosdir. Uning fikrni yaqqollikdan mavhumlikka va mavhumlikdan konkretlik yo'nalishi bo'yicha harakatlanishi to'g'risidagi farazi ham muhim ahamiyatga ega. Abu Rayhon ibn Ahmad Beruniyning (973-1048) fikricha, inson bilish, tushunish, anglash, fikrlash, muhokama qilish, o'ylash, topish kabi qobiliyat va is'tedodga ega mavjudoddir. Ularning ta'limotiga ko'ra, inson tafakkurining yordamida narsa va hodisalarni o'zaro taqqoslash, tahlil qilish tufayli rostni yolg'ondan, adolatni adolatsizlikdan, yaxshilikni yomondan, haqiqatni nohaqlikdan ajrata biladi. Alloma voqea va hodisalar mohiyatini aniq bilish uchun tafakkurni tahlil qilish operatsiyasidan foydalanish g'oyasini ilgari suradi. Beruniyning mulohazasicha, ruhiyat, ong, tafakkur atrof-muhitdagi jamiki xodisalarning ta'siriga bog'liqligi tufayli inson tafakkuri doimo ularni bilishga qaratilgan bo'ladi. Uning ta'kidlashicha, tafakkur va aql tufayli inson narsa va hodisalarni o'zaro solishtirib, qiyoslab ko'radi.

[590] Karimov I. A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q. – T.: "Sharq" nashriyot-matbaa konserni, 1998. –32 b.

Taqqoslash esa borliqning hodisalarini tushuntirish uchun inson bilimlarining foydaliligi va ishonchliligini izlashdan iboratdir. Beruniy tafakkur operatsiyalariga insonni o'rgatish unda mushohada yuritish xislatini shakllantiradi, deydi. Abu Ali ibn Sino (980-1037)ning asarlarida mujassamlashgan psixologik qarashlarida bilvosita yo'l orqali tafakkur, aql muammolariga o'z munosabatini bildiradi. Uning ta'limotida "farosat ilmi foydasi naqd ilmlardan" ekanligi, "farosat ilmidan bahramandlik-o'tkirlik" mezoni kabilar o'z ifodasini topgan. Aql ilmning makoni, unda yolg'onchilik, tubanlik, yomonlik illatlari bo'lmasligi to'g'risidagi g'oyasi muhim ahamiyat kasb etadi. Umar Xayyom (1048-1123) asarlarida o'quvchilar bilimlarini faqat o'qituvchi bergan ma'lumotlari bilan yoki kitob o'qish bilangina emas, balki hayotiy hodisalarni bevosita o'rganish, mushohada qilish jarayonida, ko'nikma va malakalarni, hatto harakat va amallarni uzluksiz ravishda takrorlash, fikrlash usullarini egallash orqali ularni o'zlashtira oladilar, degan turli xususiyatli qarashlarni bildiradi. Alisher Navoiy (1441-1501) keng ko'lamga ega bo'lgan ijodiyot sohibi bo'lganligi sababli tabiat, jamiyat, adolat, komil inson to'g'risidagi g'oyalaridan, ta'limotidan (tasavvur) tashqari, alloma inson tafakkuri yuzasidan qat'iy qarashlari mavjud va uni rivojlantirishning bir qator omillarini ham izohlash imkoniyatiga ega bo'lgan. Alisher Navoiy inson tafakkurining buyuk qudratga ega ekanligini tan oladi va jamiyat a'zolarida uning yuksak darajasi o'z ifodasini topishini orzu qiladi. Ularning asarlarida inson kamoloti, aql-zakovati uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan ijodiy xayol, fantaziya, orzu, hohish, istak to'g'risida muhim g'oyalarini ham nazariy, ham amaliy jihatdan tavsiflanadi. Navoiyning psixologiya faniga qo'shgan hissasidan biri-bu "aqlli" va "aqlsiz" odamlar to'g'risidagi tipologiyasi. Tipologiyaga taalluqli tushunchalar Navoiyning asarlarida 28 o'rinda ishlatilganligi ma'lum. Uning 28 darajasi va 28 sifati haqida fikr yuritilgan, ya'ni aqlning sifatlari tavsiflangan. Shoirning buyuk asarlari tafakkurning tadqiqot predmetiga aylanganligi, ijodiyotidagi masallar, maqollar, matallar esa inson tafakkuri darajasini o'lchash usuli bo'lib xizmat qilayotganligi uning psixologik qarashlari mukammalligidan dalolat beradi.

Abdulla Avloniy (1878-1934) ning "Turkiy guliston yoxud axloq" asarida bayon qilinishicha, fikr tarbiyasi eng keraklisi, ko'p zamonlardan beri taqdir qilinib kelgan, muallimlarning diqqatlariga suyangan, vijdonlariga yuklangan vazifadir. Fikr insonni sharofatli, g'ayratli bo'lishga sabab bo'ladi, deyilgan. Uningcha, fikrning quvvati, ziynati, kengligi muallimga ko'p jihatdan bog'liqdir. Tabiiyki, bolaning fikrlash qudrati tarbiyachining fikrlash va intilish doirasi, saviyasi bilan bevosita aloqadordir. Avloniy bola fikrini rivojlantirish masalasiga o'ziga xos tarzda yondashadi. Fikrlash iqtidorini egallash, olijanob g'oyalar tomon intilish ekanligini uqtiradi. Aqlli odamning axloqsiz bo'lishi qiyin ekanligini uqtiradi. Avloniyning mulohazasicha, sog'lom fikr, yaxshi axloq, ilm-ma'rifatga ega bo'lishi uchun badanni tarbiya qilish zarur. Idrok va zako (zakovat) deb, ochiq fikrli, xushtabiat, ziyrak bo'lmoqni aytilur, deb Avloniy idrok va zakovatga ta'rif beradi. U idrok bilan zakovatni ma'rifatparvarlik bilan uyg'unlashtiradi. Abdurauf Fitrat (1886-1938) ning ta'limotiga ko'ra, fikr va aql insonni kamolatga yetaklaydi va o'qish, o'rganish qobiliyati uni saodatmand qiladi. Uningcha, insonning komil aqli yaxshilik muhokamasidir. Fitrat o'z oldiga muhokama nima ekanligini aniqlash uchun savol qo'yadi va unga o'zi shunday tarzda javob beradi: muhokama uch qismdan tashkil topib, avvalgi hukm noma'lum bo'lib, qolgan ikki hukm avvalgisini to'ldiradi, deydi. Muhokama aniq va ravshan bo'lishi uchun uch narsa zarur hisoblanadi: a) isbot, b) istiqomat, v) sur'at. Fitratning ta'rificha, isbot-ma'lum vaziyat hukmining to'g'riligi, bexatoligidir. Istiqomat ma'lum voqea tartib hodisalar hukmining barqarorligiga, sur'at esa, to'xtovsiz, tezlik bilan tartib berilishiga aytiladi, deb fikrini yakunlaydi. Fitratning fikr rivojlanishi to'g'risidagi qarashi va g'oyasi hukmdan xulosa chiqarish vujudga kelishi haqidagi mantiq qoidasiga juda yaqin turadi.

Shunday qilib, buyuk ajdodlarimizning tafakkur, fikrlash, ularning operatsiyalari, darajalari, sifatlari, qoidalari, rivojlanishi to'g'risidagi nazariyalari o'z davri uchun muhim ahamiyat kasb etganligi bilan kifoyalanib qolmasdan, balki XXI asrda o'z qiymatini saqlab kelmoqda. Ularning psixologik qarashlari ko'p jihatdan tafakkur, aql, fikrlash jarayonlari bilish jabhalarining hosilasigina bo'lib qolmasdan, balki shaxslararo munosabatlar, shaxsni qurshab turgan psixologik muhit, hamkorlik faoliyati, xulq-atvor vaziyatining ta'sirida ro'yobga chiqishini ta'kidlaydi.

## MAKTABGACHA YOSHDAGI RIVOJLANISHDA NUQSONI BO'LGAN BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA TAYYORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH

**Ergasheva Lobar Dilmurod qizi-**
**Navoiy davlat pedagogika instituti magistranti**

Maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo'lgan bolalarni maktab ta'limiga tayyorgarligini takomillashtirishning maktabgacha tarbiya yoshda bilish faoliyatining asosi sezib bilish - idrok va ko'rgazmali tafakkur rivojlantirish hisoblanadi. Sezib bilishni rivojlantirish bilan

barcha maktabgacha tarbiya muassasalari maxsus shug‘ullanishlari lozim. Shuning uchun maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalar uchun maxsus maktabgacha tarbiya muassasalarida sezib bilishni rivojlantirish bilan bog‘liq bo‘lgan ko‘pgina vazifalar ommaviy maktabgacha tarbiya muassasasining vazifalari bilan mos keladi. Ammo, maxsus maktabgacha tarbiya muassasalarida maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarning idroki va ko‘rgazmali tafakkurining rivojlanishidagi nuqsonlarni korreksiyalash va kompensatsiyalash bilan bog‘liq maxsus vazifalar ham hal qilinadi.

Bolalarda atrof dunyo haqidagi tasavvurlar va idrokning to‘liq bo‘lishi uchun ularni shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha maxsus ishlar olib borilishi lozim. Bolani ko‘rib chiqish, ushlab ko‘rish, eshitishga va hokazolarga o‘rgatish, ya’ni unda perseptiv harakatlarni shakllantirish kerak. Shuningdek bolani ranglarni, shakllarni, tovushlarning munosabatini aniqlashga o‘rgatish lozim. Buning uchun bola o‘lchovlarni bilish kerak. Insoniyat tarixi davrida umumqabul qilingan o‘lchovlar, etalonlar ishlab chiqilgan. Ular bilan idrokning natijalari taqqoslanadi, solishtiriladi. Bular geometrik shakllar, kattaliklar shkalasi, og‘irlik o‘lchovlari tovushlar baladligi qatori, ranglar spektri, ona tilidagi fonemalar tizimidir. Idrokni shakllantirish jarayonida ushbu sensor etalonlarning tizimini o‘zlashtirib olishni ta’minlash zarur.

Idrok etish jarayonida bolada ko‘rish, eshitish, harakat, ushlab ko‘rib sezish, ta’m bilish obrazlari asta- sekin shakllana boradi. Bu vaqtda ta’limning muhim vazifasi bolada hosil bo‘lgan tasavvurlarni so‘z bilan o‘z vaqtida va to‘g‘ri bog‘lashdir. Agarda obrazlar so‘z bilan mustahkamlangan bo‘lsa bunday tasavvurlar aniq, turg‘un bo‘ladi.

Maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarda bilamizki idrokning rivojlanishi orqada qolgan bo‘ladi. Shuning uchun birinchi, maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarni maktab ta’limiga tayyorlashning maxsus korreksion vazifasi rivojlantirishni iloji boricha erta boshlashni ta’minlashdir.

Maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarda idrokning rivojlanishini orqada qolishi bilan birgalikda idrokning sekin sur’atda rivojlanishi kuzatiladi. Maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarni maktab ta’limiga tayyorlash ikkinchi vazifa idrokning rivojlanish sur’atini tezlashtirishni jadallashtirishdir.

Ajratish va predmetni butunligicha idrok etishga o‘rgatish ta’limning dastlabki davridanoq boshlanadi. Bunda diqqatni, predmetlar bilan harakat qilishga taqlid qilishni, eslab qolishni rivojlantirishga qaratilgan o‘yin va mashqlardan foydalaniladi. Bunday o‘yin va mashqlarda bolalar alohida predmetlarni ajratishga, ularning joylashishlarini kuzatishga boshqa predmetlar orasida ajratishga o‘rganadilar.

Idrokning va tasavvurlarning rivojlanishi faoliyatining rivojlanishi bilan chambarchas bog‘liq. Bunday bog‘lanish ikki tomonlama bo‘lib, bir tomondan har bir faoliyat idrokning ma’lum darajada rivojlanmaganligida shakllanadi. Boshqa tomondan esa idrokning o‘zi faoliyat jarayonida rivojlanadi. Masalan, maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolada predmetning rasmini chizish chiziq shakllanmagan. Buning asosiy sababi - idrokning past darajada rivojlanmaganligidir.

Maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarda maktabgacha ta'lim muassasalariga qabul qilinayotgan davrda idrok va tasavvurning yig‘ilgan (yo‘naltirilgan) obrazlari deyarli mavjud bo‘lmaydi. Predmetlarni ko‘zdan kechirish ancha ongli tarzda bo‘ladi, chunki bolada maqsad, ya’ni predmetlarning rasmini chizish uchun uni ko‘rib chiqish maqsadi paydo bo‘ladi. Maktabgacha ta'lim yoshida tafakkurning uch shakli: ko‘rgazma - haarkat, ko‘rgazma obrazli va so‘z - mantiq shakllari o‘zaro aloqada bo‘ladi.

Tafakkurning ushbu shakllari dunyoni bilishning yagona jarayonini hosil qiladi. Bilish faoliyatiga nutq qo‘shiladi. Nutq harakat tajribasini uzatish vositasi sifatida xizmat qiladi va tafakkurning turli shakllarini rivojlanishining turli davrlarida nutqning funksiyalari o‘zgarib boradi.

Ko‘rgazma - harakatli tafakkur insonning yangi sharoit va amaliy muammoli topshiriqni yechishning yangi usuli bilan to‘qnashganda paydo bo‘ladi. Bunday turdagi topshiriqlarga bola butun bolalik davrida - maishiy va o‘yin vaziyatlarida (holatlarida) duch keladi. Ko‘rgazma harakatli tafakkurning muhim xususiyati shuki, holatni o‘zgartirish usuli bo‘lib, amaliy harakat xizmat qiladi va u sinab ko‘rish (proba) metodi bilan amalga oshiriladi. Maktabgacha yoshdagi

rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarda ko‘rgazma - harakatli tafakkurning rivojlanishda o‘ziga xos xususiyatlar namoyon bo‘ladi. Maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarda ko‘rgazma - harakatli tafakkurning rivojlanishi orqali qoladi.

Mantiqiy tafakkur elementlarini shakllantirishda maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarni predmetlarni klassifikatsiya qilishga o‘rgatish muhim yo‘nalishlardandir. Klassifikatsiyani rivojlantirmay turib tushunchalarni shakllantirib bo‘lmaydi. Shuning uchun u bolalarda fikrlashni paydo bo‘lishida zarur manba hisoblanadi.

Maktabgacha yoshdagi rivojlanishda nuqsoni bo‘lgan bolalarni maktab ta’limiga tayyorlashga bilish jarayonlarini - idrok, tasavvur, tafakkurining rivojlanishidan iboratgina bo‘lmasdan, balki uning mazmuniga bolalarda ma’lum hajmdagi bilimlarni shakllantirish ham kiradi. Bu bilimlar bolalarga atrof hayotda moslashishga, elementar munosabatlarni va o‘zaro aloqadorlikni tushunishga imkon beradi.

## MEHRIBONLIK UYI TARBIYALANUVCHILARINI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASH MEZONLARI

**Xaydarova Shaxlo Narzullayevna**
Navoiy davlat pedagogika instituti. E-mail: xaydarovashaxlo@mail.ru

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini oilaviy hayotga tayyorlash va ularni ma’naviy-axloqiy xislatlarga ega bo’lishlari uchun alohida e’tibor qaratish lozimligi bayon etilgan.
**Annotation:** This article emphasizes the need to pay special attention to the preparation of orphans for family life and their acquisition of spiritual and moral qualities.
**Аннотация:** В данной статье подчеркивается необходимость уделять особое внимание подготовке детей-сирот к семейной жизни и приобретению ими духовно-нравственных качеств.

Har qanday jamiyat, har qanday mamlakatda tarixiy taraqqiyotning turli bosqichlarda u yoki bu sabab va sharoitlarga ko’ra ota-onalar qarovisiz qolgan bolalar mavjud bo’lib kelgan. Shunga ko’ra yetimlik ijtimoiy-tarixiy hodisa sanaladi. Yetim bolalar uchun mo’ljallangan muassasalarning rivojlanish tarixini o’rganish har qanday mamlakatda ro’y beradigan iqtisodiy qiyinchiliklar aholi turmush darajasining pasayishi hamda yetimlar, qarovsiz va jinoyatga moyil bolalar sonining ko’payishiga sabab bo’lishini ko’rish mumkin. Ayni vaqtda Rossiyada yetim, qarovsiz bolalar muammosi ijtimoiy-iqtisodiy tanglikning in’ikosi sifatida dolzarblik kasb etmoqda.

Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini oilaviy hayotga tayyorlashda ularning ma’naviy-axloqiy xislatlarga ega bo’lishlariga alohida e’tibor qaratish maqsadga muvofiqdir. Zero, tarbiyalanuvchilar ham teng huquqli a’zo sifatida jamiyat tomonidan tan olingan axloq mezonlariga rioya etishlari lozim. Xo’sh, axloq mezonlari o’zi nima? Bugungi kun talabidan kelib chiqqan holda Mehribonlik uylarining tarbiyalarida qanday ma’naviy-axloqiy xislatlarni shakllantirish taqozo etiladi? Ana shu maqsadni amalga oshirishga yo’naltirilgan pedagogik faoliyat mohiyatida nimalar aks etishi kerak? Quyida shu kabi savollar yuzasidan so’z yuritiladi. Insoniyatning fikrlay boshlashi, yaxshi-yomonni ajrata olishi muayyan jamiyatda kishili munosabatlarini tartibga soladigan axloq mezonlari, qoidalarning ishlab chiqilishiga zamin yaratdi. “Axloq (lotin. “moralis” – qoidaga, xulq-atvorga, urf-odatga taalluqli, axloqli) kishilar orasidagi munosabatlarni tartibga solishning o’ziga xos usuli, u yoki bu jamiyatda qabul qilingan va rioya qilinishi lozim bo’lgan tartib, odob, o’zaro munosabat hamda muloqotning qonun-qoidalari, mezonlari jtimoiy ong shakllaridan biri bo’lib, muayyan jamiyatda yashovchi kishilar amal qilishi zarur bo’lgan ma’lum xatti-harakat qoidalari yig’indisidir”. Manbalarda, shuningdek, axloq yig’indisi har bir inson tan oladigan yetik qadriyat; inson mavjudligining o’z-o’zini tarbiyalash, tartibga solish va boshqarishning o’ziga xos usuli sifatida ham ta’riflanadi.

“Axloq kishilar xulq-atvorlari, muloqotlari, munosabatlarining yozilmagan,

lekin jamiyat tomonidan qabul qilingan hamda qo’llab-quvvatlanadigan “oltin qoidalar”ni ifodalab, odamlarning bir-birlariga, jamiyatga, davlatga, xalq mulkiga, oilaga, ishlab chiqarish vositalariga, mehnat mahsulotlari va shu kabilarga munosabatni muayyan tartibga soladigan xatti-harakat qoidalari tizimida namoyon

bo’ladi”. Mazkur masala yuzasidan ma’lumot beruvchi manbalarda bildirilgan fikrlarni quyidagi tarzda umumlashtirish mumkin:

1) axloq ijtimoiy shaxslararo munosabatlarni tartibga soladi;

2) shaxslararo munosabatlar mazmunini belgilashga xizmat qiladi;

3) ma’naviy-axloqiy me’yor (mezon)lar xuddi qonun, huquqiy me’yorlar kabi yozma ravishda tartibga solinmaydi;
4) axloq jamoatchilik fikri bilan boshqariladi;
5) shaxsning ma’naviy-axloqiy mezonlarga rioya qilishi uning milliy-ma’naviy qadriyatlarga munosabatini, jamiyatdagi o’rni va rolini, shuningdek, dunyoqarashini belgilaydi;

Mehribonlik uylarining tarbiyalanuvchilari (ota-onasiz qolgan yoki ular bilan aloqani yo’qotgan yoshlar) jamiyat va davlat tomonidan alohida ijtimoiy muhofazalanishga muhtoj sub’ektlar sanaladilar. Mavjud sharoitda davlat tomonidan ularni ijtimoiy jihatdan muhofazalash yo’lida keng ko’lamli amaliy harakatlar tashkil etilmoqda. Biroq mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilariga ta’lim- tarbiya berish, ularning hayotiy ehtiyojlarini qondirishga davlat tomonidangina g’amxo’rlik qilinishi yetarli emas. Ularning taqdiri uchun jamiyatning har bir a’zosi mas’ul bo’la olishi zarur. Shunday ekan, mehribonlik uylarining tarbiyalanuvchilarini ijtimoiy hayotga tayyorlashda davlat bilan birga keng jamoatchilikning ishtirokini ta’minlashga erishish zamonaviy pedagogika oldida turgan dolzarb vazifalardan biri sanaladi.

“Har qanday davlatda, har qanday jamiyatda ham ota-ona qaramog’isiz qolgan bolalar bo’lgan, hozir ham mavjud va keyin ham bo’ladi. Bunday hollarda davlat bu bolalarning rivojlanishi va tarbiyalanishi ma’suliyatini o’z zimmasiga oladi. Mavjud manbalarda “yetimlik” yetimlar holati, ijtimoiy hodisa sifatida tadqin etiladi. Chunonchi, “O’zbek tilining izohli lug’ati”da “yetimlik”ning “yetimlarga xos bo’lgan hayot, yetim holati” ekanligi aytilsa, N.Egamberdieva, Z.Hoshimov, M.Mo’minovalar esa mazkur tushunchani “jamiyatda ota-onasidan judo bo’lgan bolalarning borligi bilan izohlanadigan ijtimoiy hodisa” deya talqin etadi. E.To’xtamurodov tomonidan olib borilgan tadqiqotda yetimlik ijtimoiy hodisa sifatida e’tirof etilib, unga xos bo’lgan xususiyatlar bayon qilinadi. Xususan: nazoratsizlik; kishi uchun ijtimoiy-ma’naviy to’siq; ma’naviy majruhlik; ijtimoiy himoyadan holilik; iqtisodiy nochorlik hamda jamiyat e’tiborini doim qaratishi shart bo’lgan hodisa.

Manbalarda bildirilgan fikrlarga tayangan holda “yetimlik”ning mohiyatini quyidagicha yoritish mumkin: yetimlik – ota-onaning yoki ulardan birining vafoti tufayli, shuningdek, ota-onasi yoki ulardan biri tirik bo’lgani holda farzandining tarbiyasi uchun ma’sul bo’lmaslik, unga vasiylik va g’amxo’rlik qilmaslik holatini ifodalovchi biologik, ijtimoiy hodisa bo’lib, shaxsning ruhiy va ma’naviy jihatdan to’laqonli kamol topishiga to’sqinlik qiladi.

Yuqorida bildirilgan fikrlarga qo’shilgan holda ijtimoiy yetimlikni keltirib chiqaruvchi ko’plab omillar mavjudligini aytib o’tish maqsadga muvofiqdir. Mavjud manbalarni o’rganish, Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarning ijtimoiy kelib chiqishi, ular mansub bo’lgan oilalarda qaror topgan muhit, oila a’zolarining o’zaro munosabatlari, hayotiy intilish va maqsadlarini tahlil qilish natijasida jamiyatda ijtimoiy yetimlikni keltirib chiqaruvchilar omillar quyidagilardan iborat ekanligiga ishonch hosil qilindi:

- eng ezgu umuminsoniy va milliy ma’naviy-axloqiy qarashlarga bo’lgan munosabatning tubdan o’zgarganligi;
- G’arb va Sharq madaniyati sintezi bo’lgan “oraliq madaniyat”ning shakllanishi;
- ijtimoiy sub’ektlarning ma’naviy-axloqiy e’tiqodga ega emasliklari; - ta’lim muassasalarida milliy ma’naviy-axloqiy qadriyatlarni targ’ib etishda rasmiyatchilikka yo’l qo’yilayotganligi, ta’lim oluvchilarni ularning mohiyati, mazmuni bilan tanishtirish o’rniga shaklga asosiy e’tibor qaratilayotganligi;
- pedagog xodimlarning milliy ma’naviy-axloqiy qadriyatlar (urf-odatlar, an’ana, marosimlar)ning tub asosi, ular negizida muayyan xatti-harakatlarning aks etish sabablarini chuqur bilmasliklari;
- oilada er va xotinning, ayol va erkaklar vazifalarining o’zgarayotganligi, ular tutgan o’rinlarning almashayotganligi, o’g’il bolalarda oilaviy hayotni yo’lga qo’yishda yetakchilik qilish, asosiy ma’suliyatni o’z zimmasiga olish, qizlarda esa hayo, ibo, andishalilik va farosatlilik sifatlarning tarbiyalanishiga jiddiy e’tibor berilmayotganligi;
- ota-onalarning sog’lom turmush kechirishlari (spirtli mahsulotlar va narkotik moddalarni iste’mol qilishlari, tartibsiz jinsiy hayot kechirishlari);
- yoshlarda oilaviy munosabatlar, oilaviy hayotga ma’suliyatsiz yondashuvning qaror topayotganligi;
- ommaviy axborot vositalari tomonidan “erkin muhabbat”, “ma’suliyatsiz erkinlik”, “qisqa muddatlarda boyib ketish”, “juda oddiy vaziyatlarda ham do’stga, oila a’zolariga, yaqinlarga hiyonat qilish” g’oyalarini o’zida aks ettiruvchi g’oyaviy jihatdan sayoz, yuksak badiiylikka ega bo’lmagan, mahoratli ijro orqali yetkazib berilmagan “asarlar” sonining tobora ko’payib borayotganligi;
- yoshlarni fikrlashga, ijodkorlikka, yaratuvchilik va bunyodkorlikka rag’batlantiruvchi ijtimoiy da’vatlar, targ’ibot ishlarining kutilgan natijalarni bera olmayotganliklari;
- o’smir va o’spirinlarning ongsiz ravishda Internet, mobil aloqa vositalarining salbiy ta’sir doirasiga tushib qolayotganliklari, yoshlar o’rtasida axloqiy tasvirlar, g’oyalarni targ’ib etuvchi tasvir, musiqa, qo’shiq va kliplarning keng tarqalayotganligi.

Yetimlikning ijtimoiy, ma’naviy, ruhiy va iqtisodiy oqibatlari, jamiyatning yetimlarga bo’lgan munosabatini tahlil qilish natijasida unga xos bo’lgan xususiyatlarni sanab o’tish imkoniyati yuzaga keladi.

E.To’xtamurodov Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarni ularning ma’naviy-axloqiy sifatlarga egaliklariga ko’ra ikki guruhga ajratadi. Ya’ni:

1. Axloqiy-ma’naviy xususiyatlarida ijobiylik yetakchilik qiladigan bolalar (ijodkor, ijrochi, mulohazakor, mehnatkash, oliyjanob, xushmuomala va boshqalar).

2. Ruhiyatida salbiy holatlar yuqori darajada bo’lgan bolalar (qaysar, indamas, qo’rs, jamoaga qo’shilmaydigan va boshqa bolalar).

Manbalarni nazariy tahlil qilish natijasi turli xalqlarda ota-onalar qarovisiz qolgan (yetim yoki ijtimoiy yetim) bolalarga insonparvarlik munosabatida bo’lish an’anasining juda qadim zamonlardan shakllanganligini tasdiqladi.

Xulosa qilganda, Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini oilaviy hayotga tayyorlashda ularning ma’naviy-axloqiy xislatlarga ega bo’lishlari uchun alohida e’tibor qaratish lozimligi, tarbiyalanuvchilar ham teng huquqli a’zo sifatida jamiyat tomonidan tan olingan axloq mezonlariga rioya etishlari kerakligi bugungi kunning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Хайдаров И. Индивидуальные и социально-психологические особенности личности воспитанников домов милосердия, Автореф.дисс.канд.пед.наук. Т.-1996 г
2. Bolalar ruhiyatiga psixologik-pedagogik yondashuv yo`llari (bolalardagi psixologik muammolar va ularni bartaraf etishda mutaxassis maslahati). Uslubiy qo`llanma. Respublika bolalar ijtimoiy moslashuv markazi. Toshkent-2008 y.
3. Egamberdiyeva N. Ijtimoiy pedagogika. Oliy ta`lim muassasalari uchun darslik-T.: A.Navoiy nomidagi O`zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2009 yil


## ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ-ТАСАВВУФ МАЪНАВИЯТИ АСОСИ


**Худжақулова Феруза Рахматовна**
**Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчи**


Қуйи Зарафшон воҳаси тарихи катта бир илмий мактаб. Бу заминда дунёга келган, фаолият юритган, динимиз, маънавиятимиз йўлида умрларини бахшида этган тасаввуф таълимоти намоёндалари эса мазкур Қуйи Зарафшон воҳаси маънавият мактабининг асосчиларидирлар. Бинобарин, тасаввуф гарчи узоқ Ироқ маконида вужудга келган бўлсада, у ўзининг юқори чўққисига айнан Қуйи Зарафшон заминида кўтарилади. Демак, бу заминнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тупроғи азиз, мукаррам. Бу табаррук тупроқда замон, макон, ихвон (комил инсон) каби омиллар доимо биринчи бўлган. Зарафшон воҳаси, хусусан Қуйи Зарафшон воҳаси, унинг йирик маданий, маънавий марказлари – Бухоро, Самарқанд, Кармана, Ғиждувон шаҳарлари ва Нурота воҳасида кўплаб қутб ул замон авлиёлар, тасаввуф илмининг қувваи ҳофизаси баланд билимдонлари яшаб халққа маърифат тарқатганлар. Бу улуғ зотларнинг, пиру комилларнинг, авлиёю-анбиёларнинг диний ва дунёвий, илмий ва маънавий умрбоқий ва умумбашарий меросларини ўрганиш, маданий ижтимоий ҳаётимизга тадбиқ этиш ўта муҳим аҳамият касб этади. У «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масалаларида» муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Демакки, бу замин ўтмишда ҳам бугун ҳам ўзининг маърифатли, қувваи ҳофизаси баланд, жаҳон тан олган фарзандлари билан фахрланиб, ғурурланиб келади.Шу маънода Қуйи Зарафшон воҳаси тасаввуф маънавияти тарихини чуқурроқ тадқиқ этиш, ўлкада яшаб ўтган пир ва авлиёлар тарихини маънавий ва илмий меросини комил инсон тарбияси жараёнига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, тасаввуф умрбоқий, умумбашарий таълимот. Унинг намоёндалари, вакиллари қадимда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва албатта то рўзи Маҳшаргарча давом этади. Бу ҳаётий қонуният. Уларнинг тарихини, ҳаёти фаолиятини, маънавий ва илмий меросларини ўрганиш ҳаётга ва айниқса ёш авлод тарбиясига тадбиқ этиш эса бизнинг бурчимиздир. Бу албатта истиқлолимизнинг маънавий негизларини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади, инсон шахсини шакллантиради.

Қуйи Зарафшон воҳаси тасаввуф маънавияти тарихини Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, ул зоти шариф Қуйи Зарафшон воҳаси тасаввуф институтининг асосчиларидан, йўлчи юлдузларидан ҳисобланади. Мавлоно Ориф Деггароний буюк

шахс, етук пир ва дин пешвоси бўлибгина қолмай, руҳий мўъжизалар, карамотлар, башоратлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлганлар.[591]

Мавлоно Ориф Деггароний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг таълимоти замон, ижтимоий муҳит, моддий-маиший ҳолат нуқтаи-назаридан XI-XIII ва XV-XVI аср тасаввуф маънавияти ғояларидан фарқ қилади. У таълимот дастлаб инсонларни Ватан озодлигига даъват этувчи мафкура сифатида намоён бўлди.

Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийнинг Мавороуннаҳр ва унинг ташқарисидаги мутасаввуфлар, тариқат аҳли орасида маънавий мавқеи, даражаси жуда юқори бўлган. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг таърифлашича, бу икки дўст, шогирду-устоз ҳаж сафарига борганларида

бунга ишонч ҳосил қилади. «Биз икки бор ҳаж сафарига бордик, бисёр азиз-авлиёлар суҳбатига етишдик, лекин агар Мавлоно Орифдек кишини ўша ерларда топганимизда эди, ҳаргиз бу ерларга қайтиб келмас эдик»,- деган фикрлари Мавлоно Ориф Деггароний ўз замонасининг улуғ авлиёси, пири комили бўлганлигини билдиради.

Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний оламшумул жаҳоний тариқат яратган улуғ зотдир. Ул зоти кабирнинг маънавияти, тасаввуфий қадриятларини бугун бутун дунёда аҳли илм ва аҳли зиё ўрганмоқда. Жумладан, олмон нақшбандийшунос олими Юрген Паул 1991 йил Берлинда чоп этилган «XV асрда Ўрта Осиёда нақшбандиянинг сиёсий ва ижтимоий аҳамияти» номли йирик илмий асарида Мавлоно Ориф Деггароний ҳақида қимматли маълумотлар беради. Юрген Паул фикрича, Мавлоно Ориф Деггароний Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқийдан таълим олган деб таъкидлайди.

Шуни алоҳида фахр ва ифтихор билан таъкидлаш керакки, Қуйи Зарафшон воҳасининг XIV-XV асрлар ва бундан кейинги даврлар ижтимоий, маънавий муҳитида пурҳикмат, пуркаромат, авлиё-ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ўз салоҳияти, ўрни, ҳиссаси бор.

**Биринчидан,** ул зоти бобарокат Мовароуннаҳрнинг IX-XII асрлар тасаввуф институтини орифона моҳирлик ва шарқона тавозе билан XIV асрга олиб чиқиб, замон билан боғлади, омухталади, янги тасаввуфий, фалсафий ғоялар билан бойитди. Уни аҳоли орасида фаол тарғиб қилди, турмушига сингдирди. Жамиятда, одамларда янги кўтаринки руҳоният пайдо бўлди. Шундай ижтимоий, маънавий фаол муҳит, руҳоният Мовароуннаҳрнинг сиёсий тақдирини ҳал қилиш учун кураш бораётган ўша қаттол, таҳликали замон учун жуда зарур эди;

**Иккинчидан,** Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний ўз даврининг маънавий реформатори. Демоқчимизки, Мовароуннаҳрнинг IX-XII асрлар тасаввуф маданиятида айрим хурофий кўринишлар, таркидунёчилик, мурид нинг Ҳаққа етаман деб жамиятдан ажралиб қолиши, жоҳиллик каби ҳолатлар мавжуд эди. Ориф Деггароний тасаввуфни ана шу хурофий қобиқдан тозалаб, инсон фоний дунёда ҳам моддий-маиший жиҳатдан яхши яшаши керак. Бунинг учун меҳнат қилиш зарур. Муриднинг меҳнати касб-корига асосланган, яъни ихтисослашган, профессионаллашган бўлиши шартлигини тарғиб қилди. Мавлоно Ориф Деггаронийнинг бу даъватлари аҳолининг оммавий равишда ихтисослашган меҳнат билан банд бўлишларига олиб келди. Уларнинг моддий турмуш шароити яхшилана бошлади. Ўз навбатида жамиятнинг қайта юксалиши учун иқтисодий, сиёсий асослар шакллана бошлади. Замон, улуғ ақл-заковат соҳиби – Ҳазрат Ориф Деггароний таълимотининг умри боқий, ҳаётий эканлигини кўрсатди;

**Учинчидан,** Мавлоно Ориф Деггароний таълимоти Ватан озодлиги, мустақиллиги ғоялари билан йўғрилган. У, Мовароуннаҳрда XIV асрнинг 50-60 йилларида мўғил ҳукмронлигига қарши тобора авж олаётган озодлик ҳаракатига ғоявий, маънавий даъват, мафкура бўлиб хизмат қилди. Мовароуннаҳрни мустақилликка олиб келди;

**Тўртинчидан,** қуддиса-сирриҳу-улуғ авлиё Ориф Деггароний таълимотининг марказида бугунги давлат сиёсати - жамият ва шахс ижтимоий ҳимояси масаласи туради. Ул зоти шариф: «агар бировнинг юкини кўтаришни истасанг, бутун жаҳон аҳли сенга дўст бўлғай», деб даъват қиладилар. Демоқчимизки, ҳар доим одамларга, хусусан камбағал, бечора, дардман кишиларга моддий, маънавий ёрдам қил (юкини кўтар, ҳамдард бўл в.ҳ.), Ватан, халқ, дини ислом йўлида фидоий бўл, марҳаматингни, саховатингни аяма, шунда эл ҳурматига сазовор бўласан. Лекин, сенинг бировга кўрсатган мурувватинг бетаъма, холисанлиллоҳ, Оллоҳ йўлида бўлиши керак, уни ошкор, таъна қилма, ундан кибру-ҳаволанма... маъноларидаги ҳикматлар орқали инсонларни сахий бўлишга чақирди. Жамият ва шахсга саховат ва мурувват кўрсатиш қадриятларини ҳар бир инсоннинг ижтимоий бурчи даражасига олиб чиқди. Ориф Деггароний ҳазратларининг ўзлари ҳам шахсий даромад ва жамғармаларини ўнлаб ночор одамларга тақсимлаб берган;

**Бешинчидан,** Мавлоно Ориф Деггароний ўзларининг карамотлари ва башоратлари билан жамиятда, одамлар жамоасида қулай ижтимоий муҳит яратган. Шундай йўл билан кишиларни

[591] А.Ҳотамов, Ш.Ҳалимов “Йиллар садоси”.”Адолат”, Т.1995,18-19 бетлар

худбинлик, ҳасад, ғийбат, беодоблик каби иллатлардан холис қилиб, комилликка етаклаганлар. Ул пири комилдаги бу сифатларни устозлари Саййид Амир Кулол, шогирдлари Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва муридлари, дарвешлар билан бўлган муносабат, машваратларда аниқ кўриш мумкин;

**Олтинчидан,** Ҳазрат Мавлоно Деггароний – Орифибиллоҳдирлар, яъни беўхшов, бетакрор, ноёб ақл-заковат соҳиби, олим, пири шариф, улуғ авлиё, қутби замон каби ўнлаб сифатларга эга бўлганлар. Исломда биров ўзининг тақвоси, бошқалар ибодати, илоҳий муҳаббати билан Оллоҳга яқинлашмоқчи бўлганини кўрсак, Ориф Деггароний ҳазратлари маърифат йўли билан Ҳаққа томон дадил, буюк ишонч билан бордилар. Шунинг учун ҳам ул муршиди фирдавс Туркистонда ҳам, бутун Шарқ ислом дунёсида ҳам машҳур бўлиб кетдилар;

**Еттинчидан,** Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ҳаёти ҳам, маънавияти ҳам, маърифати ҳам – урватул вуқсо яъни фақат ва фақат Қуръони Карим талабларига қатий амал қилиш ва пайғамбаримиз с.а.в., Расули Акрам Набий Ҳотамий суннатларига эргашиш йўлидир. У киши ҳаётида ўзларининг меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, донолиги, тўғри сўзлиги, гўзал одоби, ширинсуханлиги, илтифоти каби одатлари билан ўзи яшаган жамиятга ҳам, оммага ҳам намуна бўлганлар ва одамларни ҳам шунга даъват этганлар. Шу мақсадда инсонлар қалбига Оллоҳга муҳаббат уруғини сепганлар, уни ундириб, орифона заковат, жавонмардлик билан асраб-авайлаб, парваришлаганлар. Демоқчимизки, инсонлар қалбини ҳар қандай худбинлик, жоҳиллик, риё, ҳасад, бойликпарастлик каби иллатлардан тозалаб, комиллаштиришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар...

Мавлоно Ориф Деггаронийнинг мақоматлари, аҳли сунна вал жамоага қолдирган маънавий мерослари ниҳоятда чексиз ва аҳамиятлидир. Уларни ҳар доим ва муттасил ўрганиш талаб қилинади. У, умри боқий, ўз замонаси учун ҳам, миллий истиқлол даври учун ҳам зарур таълимот. Мавлоно Ориф Деггароний Қуйи Зарафшон воҳаси дунёвий ва илоҳий маданиятининг янги қатламини яратдики, ундан замонасининг шоҳлари ҳам, сиёсатчилар ҳам, оддий инсонлар ҳам баҳраманд бўлиб келмоқдалар.Фикримизни хулосалаб демоқчимизки, тасаввуф таълимотининг улуғ камарбастаси – Мавлоно Ориф Деггароний Мовароуннаҳрнинг ўша таҳликали, қаттол замони учун ўта зарур бўлган шундай маънавий қуёш яратдиларки, у ҳамон инсонлар қалбини ёритиб ва иситиб келмоқда. Бу Мавлоно Ориф Деггаронийнинг Қуйи Зарафшон воҳаси тарихидаги, маънавий муҳитидаги салоҳиятидан дарак бериб туради.

## ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО - ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ

**Гули Тўраева Баҳриддиновна**
**БухДУ, Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси**

***Аннотация:****Мақолада Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳаёти ва илмий –диний меросига доир маълумотлар келтирилди. Хожа Муҳаммад Порсонинг кароматлари ҳамда темурийлар давринининг атоқли диний вакили сифатида фаолияти ёритиб берилди.*

***Калит сўзлар :*** *Тасаввуф илми, Нақшбандия мактаби, Қуръон, ҳадис, калом, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрори Валий "Малфузот", Фахриддин Али Сафий "Рашаҳот айн ул-ҳаёт"асари.*

**Annotation:** *The article provides information on the life and scientific and religious heritage of the great representative of Khodjagon-Naqshbandiya sect Khoja Muhammad Porso. The activities of Khoja Muhammad Porso as a prominent religious representative of the Timurid period were highlighted.*

***Keywords :*** *Sufism Science, School of Naqshbandiya, Quran, Hadith, Kalam, Khoja Muhammad Porso, Khoja Ahrari Vali "Malfuzat", Fahriddin Ali Safi "Rashahat Ain ul-Hayat"work.*

Тасаввуф илмининг Нақшбандия мактаби ислом оламига мутасаввуф шайхлар билан бир қаторда етук олимларни ҳам етиштириб берган эди. Ана шундай зотлардан бири Хожа Муҳаммад Порсо ал-Бухорийдир. Унинг исми-шарифидаги «ал-Бухорий» қўшимчасига асосланиб айтиш мумкинки, Порсо Бухорода туғилган. У мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст кишилардан бири бўлиб етишди ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур.

Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳаёти, хусусан унинг мақомоти ҳақида энг ишончли маълумотлар берадиган манбалар сифатида Мавлоно Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс" тазкираси ва "Рисолаи суханони Хожа Порсо" номли кичик ҳажмли асари, Хожа Аҳрори Валийнинг

“Малфузот” ва Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” номли асарларини келтириш мумкин.[592]

Хожа Муҳаммад Порсо - тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз ал Бухорий 1345 йилда Бухорода таваллуд топган — 1419 йилда Мадинада иккинчи бор ҳаж зиёрати вақтида вафот этган нақшбандия тариқати намояндаси. Бухородаги мадрасаларда таҳсил олган. Қуръон ва ҳадисларни, калом илмини чуқур ўрганган. Баҳоуддин Нақшбанд уни шогирдликка қабул қилган ва «порсо» (тақводор, диндор) тахаллусини берган. Нақшбанд вафотидан сўнг, унинг ўрнига тариқатга раҳбарлик қилган.

Хожа Муҳаммад Порсо ўша даврдаги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган. Мовароуннаҳр ҳукмдори Халил Султон билан мулоқотда бўлган, Шоҳруҳ билан турли масалалар бўйича ёзишмалар олиб борган. Улуғбек саройи, Самарқанд ва Бухородаги илмий мунозараларда қатнашган.[593]

«Рашаҳот»да Хожа Муҳаммад Порсоннинг қуйидаги ҳикояси келтирилади: «Ҳижоз йўлида Хожаи Бузруг (Баҳоуддин) касалга чалиндилар ва васиятлар қилдилар. Шу аснода дўстлар ҳузурида бу мажлисга юзланиб: «Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заифга нимаики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Ҳақ субҳонаҳу халқига етказ», дедилар. Ҳижоз сафаридан қайтганимизда эса дўстлар ҳузурида: «Бизда нимаики бўлса, сен ҳаммасини тўлиқ олдинг», дедилар.

Хожа Муҳаммад Порсо ўз устози каби мусулмонларнинг аҳволи ҳақида қайғуриб, подшоҳлар ишига ҳам аралашиб турган. «Рашаҳот»да келтирилган бир ҳикоя аввалида Хожа Муҳаммад Порсодаги каромат қувватининг кучлилигидан далолат қилинса, сўнг давр уламоларининг ҳамда подшоҳнинг илму фаннинг соф бўлиши борасида қайғурганликлари кўрсатилади.

«Рашаҳот» муаллифи Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Муҳаммад Порсо кучли каромат соҳиби бўлса-да, бироқ буни иложи борича яширишга ҳаракат қилган. Аммо, қатгиқ зарурат туғилгандагина уни ошкор қилишга мажбур бўлган. Шундай воқеалардан бирининг тафсилоти қуйидагича:

«Ҳадисчи олимларнинг пешвоси шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий алайҳир раҳмат Мирзо Улуғбек замонида Самарқандга келган эдилар. Баъзи ғаразгўй кишилар: «Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода кўп ҳадисларни нақл қиладилар, уларнинг аснодлари тўғри ёки нотўғрилиги ҳеч кимга маълум эмас. Ҳазрати Шайх буни текшириб кўрсалар ёмон бўлмас эди», дедилар.

Ҳазрати Шайх бу ишнинг пайига тушдилар. Мирзо Улуғбекни ҳам бунга кўндириб, Бухорога одам юбордилар ва Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо)ни Самаркандга келишларини илтимос қилдилар. Шундай қилиб, Шайх Самарқанднинг шайхулисломи бўлган Хожа Исомиддин ҳамда уламоларнинг энг улуғлари билан бирга катта мажлис ташкил қилдилар. Хожа Муҳаммад ҳам мажлисга етиб келдилар. Шайх ундан илтимос қилиб, асноди билан биргаликда бир ҳадис айтишни сўрадилар. Хожа Муҳаммад айтгач, Шайх: «Бу ҳадиснинг тўғрилигига шубҳа йўқ, бироқ унинг асноди бизга маълум эмас, дедилар. Бу сўздан ҳасадчилар хурсанд бўлиб, бир-бирига кўз қисди-лар. Хожа Муҳаммад эса бу ҳадиснинг иккинчи аснодини ҳам айтиб бердилар. Шайх яна ўзининг юқоридаги сўзини такрорлади. Хожа Муҳаммад қанча аснод айтса ҳам сўзи бу ерда мақбул бўлмаслигини фаҳмладилар. Сўнг бир лаҳза муроқабага берилдилар, бироз сукутдан кейин Шайхга қараб: «Сиз фалон ҳадис китобини тан оласизми ва ундаги аснодларни мўътабар дер ҳисоблайсизми? — дедилар. Шайх: «Ҳа, у китоблардаги аснодларнинг ҳаммаси эътиборли ва ишончга лойиқдир. Ҳадис фанини таҳқиқ этувчилардан ҳеч ким унга шубҳа қилмайди, агар сиз айтган аснодлар шу китобдан бўлса, у пайтда бизнинг ҳеч қандай эътирозимиз йўқ», дедилар.

Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) Хожа Исомиддинга қараб: «Сизнинг кутубхонангизда фалон токчада, фалон китобнинг тагида, фалон рангли ва фалон жилдли китоб бор, унда биз айтган аснод фалон варақдан сўнг, фалон саҳифада батафсил келтирилган, илтифот қилиб, ходимларингиздан бир кишини юборсангиз, уни тезда олиб келса, дедилар.

Хожа Исомиддин, бу аснод ўша ерда борми-йўқми, деб иккиланиб турарди. Мажлисдагилар эса ҳангу манг бўлиб ўйга толган эдилар. Ҳазрати Хожанинг бу шахсий кутубхонада бўлмаганликлари ҳаммага маълум эди. Шундай қилиб, Хожа Исомиддин ўз яқинларидан бирини зудлик билан уйига юбориб, агар айтилган нарсалар ўша ерда бўлса, олиб келишни буюрди. У киши айтилган белгилар бўйича китоб ва аснодни топиб, мажлисга келтирди. Айтилган ҳадис ўша аснодлар билан ўша саҳифада ҳеч бир тафовутсиз мавжуд эди. Буни эшитган мажлис аҳлидан ҳайрат овозлари баланд

[592]Хидирова. Н.У. Место и роль Ходжа Мухаммада Парса в развитии тариката Ходжагон – накшбандийа (конец XIV- начало XV века). Автореф… дисс… канд… ист.. наук. –Т., 2006.

[593] Бўриев О., Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо. //Буюк сиймолар, алломалар. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996;

кўтарилди. Шайх ва бошқа уламолар таажжуб ичида қолдилар. Айниқса, Хожа Исомиддиннинг ҳайрати бошқаларникидан зиёда эди, чунки у бу аснодли китобнинг ўз уйида борлигидан бехабар эди. Бу қиссани эшитган Мирзо Улугбек Ҳазрати Хожани чақиртирганидан хижолат бўлди.[594]

«Рашаҳот»да Хожа Муҳаммад Порсонинг ўша даврдаги сиёсий воқеаларга ҳам алоқадор бўлган и ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг фаолиятидан Амир Темурнинг фарзанди Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Халил Мирзо, шунингдек, Хуросон шоҳи Шоҳрух яхши хабардор бўлганлар. Порсо Шоҳрух билан турли масалалар бўйича ёзишмалар ҳам олиб борганлиги манбаларда қайд этилган.

Хожа Муҳаммад Порсо нафақат валиуллоҳ, балки ўз даврининг йирик олимларидан эдики, унинг Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қуйидаги асарлари сақланмоқда:[595]

1. «Рисолаи қудсия» («Хода Баҳоуддиннинг қудсий калималари ҳақида рисола»).
2. «Аз анфози қудсияи машойиҳи тариқат» («Тариқат машойихла-рининг қудсий калималаридан»).
3. «Эътиқодот» («Эътиқод ҳақида рисола»).
4. «Таҳқиқот («Тасаввуф истилоҳлари ҳақида рисола»).
5. «Тафсири Қурьон («Курьон тафсири»).
6. «Ал-ҳадис ул-арбаъуна» («Қирқ ҳадис»).
7. «Рисола дар одоби мурид» («Мурид одоблари ҳақида рисола»).
8. «Рисолаи кашфия» («Карoматлар ҳақида рисола»).
9. «Рисолаи маҳбубия» («Дўстлик ҳақида рисола»).
10. «Шарҳи «Фиққи Кайдоний» («Фиққи Кайдоний» асарининг шарҳи»).
11. «Фасл ул-хитоб би-вусули-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишишда оқ ила қорани ажратувчи китоб»).
12. «Мухтасари таърихи Макка» («Макка шаҳрининг қисқача тарихи»).
13. «Фусули ситта» («Олти фасл»).
14. «Мактуби Хожа Муҳаммад Порсо ва Мавлоно Зайнуддин» («Хожа Муҳаммад Порсонинг Мавлоно ЗайнуддиЯга макгуби»).
15. «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор» («Алоуддин Аггор мақомоти»).
16. «Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» («Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақомоти»).
17. «Мукаддима ли-жомиъ ул-калим» («Жомиъ ул-калим» китобига мукаддима»).
18. «Ҳафтоду ду фирқа» («Етмиш икки фирқа»).

Институтда Хожа Муҳаммад Порсонинг қўли теккан ва ўз муҳрини босган бошқа бир муаллифнинг асари ҳам сақланмоқдаки, буларнинг барчаси унинг етук олим бўлиши билан бирга, ўзининг шахсий кутубхонасига ҳам эга эканлигини кўрсатади.

Хожа Муҳаммад Порсо икки марта ҳаж сафарини адо этган. Дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд билан, кейин 1419 йили Бухородан Термиз, Балх ва Ҳирот орқали Нишопурга, ундан эса Мадинага кириб боради. Ҳаж зиёратини амалга оширгач, касалга чалиниб, 72 ёшида вафот этади. Амир ул-мўъминин Аббос мақбараси ёнига дафн эгилади. Шайх Зайнуддин ал-Хавофий Мисрдан тарошланган оқ тош келтириб, унинг қабрига қўяди.[596]

Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асари Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини шарҳлашга бағишланган. Бу калималар Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз оғзидан эшитилган бўлиб, Муҳаммад Порсо уларни жамлаб юрган. Муҳаммад Порсо ўзининг бу асарида улуғвор устозининг қудсий калимларини келтирибгина қолмай, уларни шарҳлаб ҳам беради. Асар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, унинг хизматлари ва маънавий оламини очиб бериш ҳамда Нақшбандия сулукининг асослари ҳақида чуқур маълумотларни ўз ичига олиши билан ниҳоятда қимматлидир. Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва унга катта шуҳрат келтирган асари «Фасл ун-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») номли асаридир. Катта ҳажмга эга бўлган бу китоб ислом уламолари орасида қўлланма сифатида фойдаланилган.

Умуман олганда, Хожа Муҳаммад Порсо Марказий Осиё халқдари маънавиятида, ислом ва тасаввуф тарихида чуқур из қолдирган алломадир.

---

[594] Ислом. Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2004. –Б. 258-259;

[595] Муминов А., Пауль Ю. Мухаммад Парса// Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 3. –М.: Восточная литература, 2001;

[596] *L' horizon intellectual dun erudite du V siècle nouvelles decouverters suz la bibliothegue de Muhammad Parsa/ / Cahiers D' Asie central. – Тошкент, 1998. –P. 74-98;*

# ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР - НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ НАМОЁНДАСИ

**Қодирова Муаттар Ғанижоновна,**
**Бухоро муҳандислик технологияси институти, Бухоро**
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси стажёр-ўқитувчиси**

Юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантириш мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан биридир. Ушбу мақсад буюк аждодларимизнинг тарихий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий меросини чуқур ўрганиш, ундаги инсонпарвар ғоялардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин юртимиз, халқимиз тарихини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳаққоний тадқиқ этиш, қадимий манбаларни холислик билан асл ҳолида тиклаш, давлатчилик тарихининг илдизларини очиб бериш республикамиз маданий, маънавий ҳаётидаги асосий масалалардан бирига айланди. Тарихимизни ҳаққоний ёритишда халқимизнинг яратувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган қадимий шаҳарларимиздаги ёдгорликлар, обидалар, иншоотларни қайта қуриш, таъмирлаш, асл ҳолида бунёд этиш каби ишларга алоҳида эътибор берилди. Бу бежиз эмасди. Чунки бу маданий бойликлар тарихимизнинг асл манбалари, жонли гувоҳлари, илмий асослари ҳисобланади. Шу билан бирга биз тарихий обидаларимизни асраб авайлаш билангина чекланиб қолмадик балки, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодга етказиш каби олий мақсадларни бурчимиз деб билдик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан тасаввуф таълимотининг моҳиятини чуқур ўрганиш ва унинг бунёдкор ғояларини ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган амалий ишлар бу мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Айниқса, “...Самарқандда - Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми,

Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода - Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда - Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади[597]”, - дея таъкидлаганлари ва бу ташаббуснинг ёрқин намунаси сифатида Бухородаги тасаввуф мактабида нақшбандия таълимотининг ғоялари ўрганилаётганлиги, манбалар билан ишлаш жараёнларининг бошланганлиги бу мавзунинг тадқиқ этилиши заруриятини келтириб чиқаради.

Она диёримиз кўп йиллик инсоният тамаддунларига гувоҳ бўлган гўшадир. Унинг бой тарихий, маданий мероси кўп асрлардан буён жаҳон илм-фан аҳлини оҳанрабодек ўзига тортиб келмоқда. Уни чуқур ўрганиб, ёш авлодга, нафақат ёш авлодга бутун инсониятга етказиб, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳозирги кун олимларининг зиммасидаги катта масъулиятли вазифалардан биридир.

Ҳар бир ғоянинг асосий омили инсон бўлганидек, унинг онгу шуури, тафаккур даражаси қанчалар ёт ғоялар ва бўшлиқлардан холи бўлса, у улғайиб юксалаётган юртда жамият тараққий этади ва ривож топади.

Комил инсонни шакллантириш бугунги кунимизнинг устивор вазифаларидан биридир.

Нақшбандия тариқатининг асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд илмий мероси ўрганилаётган ва тадқиқ қилинаётган комил инсонни шакллантиришдаги эзгу ғоянинг ўзида мужассам этган ноёб маданий меросдир.

Биз ушбу кичик илмий ишимиз орқали сизга нақшбандия тариқатининг буюк меросхўрлари Хожа Баҳоуддиннинг халифаларидан суюклиси ва куёвлари Хожа Алоуддин Аттор ҳақида қисқача тўхталмоқчи ва уларнинг илмий фаолиятлари ҳақида мушоҳада этмоқчимиз.

Хожа Алоуддин Аттор Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифалари, суюкли муридларидан бири ва куёвларидир. Ул зотнинг асл исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдир, асли келиб чиқишлари Хоразмдандир. Хожа Алоуддин Аттор дейилишига сабаб ул зотдан доимо хуш бўй таралиб турар экан. Шунингдек суҳбатлари ёқимли экан. Шу боис Ҳазратга Аттор унвони берилган.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да ёзилишича Ҳазрат Баҳоуддин Хожа Алоуддин Атторни сулук бошида доимо ўзларига яқин тутганлар. Асҳоблари сабабини сўрашса, Ҳазрат дедилар: “Уни бўри еб қўймасин деб шундай этаман. Зеро, бўри яъни нафс доимо пойлаб туради. Шу сабаб ҳар лаҳза Хожа Алоуддин ҳолидан бохабар бўлиб тураман, токи у бўрига ем бўлмасин”[598].

Демак, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу фикрлари билан инсонни ҳамма вақт маҳв этувчи нарса бу нафсдир дейдилар. Чунки ортиқча нафс хоҳишларига берилиш ёхуд ўзини ҳуснига, молу

---

[597] Мирзиёев Ш.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичгакўтарамиз. 1-том. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мукаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби»мавзусидаги анжуманда сўзланган нутқ.2017 йил 15 июнь. Тошкент, Ўзбекистон, -Б.491

[598] С.С.Бухорий. Икки юз етмиш етти пир.Бухоро , 2006 йил, –Б.190

давлатига ғурурлариб, кибрга берилиш ҳам риё бўлиб, нафснинг юқорироқ чўққида намоён бўлишидир.

Ўз даврида пайғамбар Юсуф алайҳиссаломнинг ҳам оғир синовларга дуч келиши ўз ҳусну-малоҳатига кибраланиши сабаб дейилади Абдулҳай Абдурахмоновнинг “Саодатга этувчи билим” китобида.

Жуда ёш бўлган даврларида бир туш кўрадиларким, унинг таъбирини оталаридан билмоқ учун сўрайдилар: “Ота, мен тушимда кўрибманким, биз сомонни олиб боғламлар қилиб қўйган эдик, негадир акаларим тайёрлаган сомон боғлари мен тайёрлаган сомон боғларга эгилиб турибди, бунинг боиси не деганларида, - оталари бу тушни зинҳор акаларингга айта кўрма. Зеро, келажакда сенинг мақоминг олий бўлур ва бу нарса акаларингни ҳасадга олиб бормаса эди деб қўрқаман”[599] – дейдилар. Дарҳақиқат, бир куни Ҳазрати Юсуф ойнага қараб туриб, кўнгилларига шу фикр келади, “мен шунчалар гўзалманки, мени агар қул қилиб сотсалар, нархимни тўлай оладиган кимса

топилмаса керак”[600]. Лекин орадан кўп ўтмасдан Юсуф алайҳиссаломни акалари ҳийла йўли билан овга олиб чиқиш баҳонасида, у кишини қудуққа ташлаб келадилар. Йўлдан ўтаётган карвон аҳли ёш болани қудуқдан топиб олишади, томоша қилишса бола жуда гўзал суратга эга. Табиийки, уни қул бозорида сотишади ва эвазига 20 тилла тангага эга бўлишади.

Кўриб тургнингиздек, инсонни маҳв этадиган иллатлардан бири бу ўз истеъдоди ёки молу давлати, ва ёки ҳусну ҳаловатига кибрланиши бўлди.

Бугунги улғайиб келаётган ёш авлодга тарбия берар эканмиз, энг аввало уларнинг қалбида холислик ва самимият уруғларини эка олсак, ҳақиқий ватанпарвар, ўз юртига садоқатли инсонлар бўлиб етишишади.

Хожа Алоуддин Аттор айнан мана шундай комиллик тимсолларидан биридирлар. У киши Ҳазрати Бузург[601] вафотларидан кейин кўплаб муридларга устозлик қилганлар ва нақшбандия таълимотининг дунёга танилишида хизматлари беқиёсдир.

Нақшбандия таълимоти вакилларининг маънавий мероси бутун дунё аҳлини ўзига жалб этаётганлиги сабаб, бугунги кундан Бухоройи шарифга , хусусан Етти Пирлар зиёратгоҳларига сайёҳлар оқимининг тўхтовсиз келаётганлиги айнан зиёрат туризмининг ривожланишига сабаб бўлаётган бўлса не ажаб. Зеро, буюк инсонларнинг қилган эзгу ишлари улар ўтиб кетишганидан кейин минг йиллар мобайнида халқ ардоғида бўлиб, давом этиб келаверади.

Биринчи Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”[602]. Шундан келиб чиқиб, биз ёшларимиз камолоти йўлида қуйидаги тавсияларни беришни жоиз топдик:

1.Биз устозлар мана шундай эзгу ғояларга ёшларимизни ундаб, уларнинг қалбига миллий ғурур, ватан туйғусини сингдиришимизда маънавий меросимизга бўлган эътиборни кучайтиришимиз лозим;

2. Ёшларни оммавий маданият таъсиридан сақлаб қолиш учун ҳам, мумтоз таълимотлар тарихини ўрганиш, хусусан юртимиз мутафаккирларининг ижодини ўрганиш ҳар бир ўзбекнинг миллий ғурури эканлигини таъминлашимиз зарур;

3.Уларни маънавий меросимизни ўрганишга қизиқтира олсак, китобхонлик маданиятини юксалтира олсак, ўйлайманки, ҳеч қандай бузғунчи ғоя ёшларни ўз йўлидан чалғита олмайди.

Зеро, келажаги буюк ватаннинг ёшлари буюк ишларга қодирдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мукаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби»мавзусидаги анжуманда сўзланган нутқ.2017 йил 15 июнь. Тошкент, Ўзбекистон
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият 2008й.
3. С.С.Бухорий. Икки юз етмиш етти пир.Бухоро , 2006 йил


[599] А. Абдурахмонов. Саодатга этувчи билим. Тошкент, 2006 йил, -Б. 253

[600] Ўша асар

[601] Баҳоуддин Нақшбанд

[602] И.Каримов. Юксак маънавия –енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008й. –Б.8

# O‘QUVCHILARNI MILLIY SPORT TURLARIGA QIZIQISHINI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

**Sheraliyev Oybek Aliyevich-**
Navoiy davlat pedagogika instituti
Jismoniy madaniyat fakulteti talabasi

O‘zbekiston Respublikasida milliy an’ana va qadriyatlarimizni asrab-avaylab, kelajak avlodga bekamu ko‘st yetkazishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Darhaqiqat, milliy sport turlari o‘ziga xos qadriyat sifatida avlodlardan avlodlarga o‘tib boradi. Ularni ardoqlagan yoshlar qalbida Vatanga muhabbat tuyg‘usi qaror topadi, milliy ruh shakllanib, xalqimizning an’ana va urf-odatlarini e’zozlash hissi yanada kuchayadi. Milliy sport turlari yoshlarni o‘zbekona tarbiyalashning eng ta’sirchan vositalaridan biridir. Milliy sport turlari qanchalik keng yoyilsa, vatanparvar yoshlar safi shunchalik kengayadi.

Zamonaviy jamiyatda sog‘lom turmush tarzini shakllantirish, aholining, ayniqsa, yosh avlodning jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug‘ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratish, sport musobaqalari orqali yoshlarda o‘z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo‘lgan ishonchni mustahkamlash, mardlik va vatanparvarlik, ona Vatanga sadoqat tuyg‘ularini kamol toptirishga sezilarli darajada ahamiyat berilmoqda. Bu esa o‘z o‘rnida yoshlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish ishlarini tizimli tashkillashtirish hamda jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirishga yo‘naltirilgan keng ko‘lamli ishlar amalga oshirishni ta’minlaydi.

Yunon yozuvchisi Klavdiy Elianning (II—III asr) yozishicha, shu hududda umr kechirgan sak qabilasi qizlari o‘zlariga kuyovni yigitlar bilan kurashib tanlaganlar. Keyinchalik qizlar kuyovni shart qo‘yish yo‘li bilan aniqlashgan va bu shartda kurash musobaqasi bo‘lgan. Bunga o‘zbek xalq qahramonlik dostoni — “Alpomish”dagi Barchin shartlarini misol qilib ko‘rsatish mumkin. Shuningdek, Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk”, Alisher Navoiyning “Xamsa”, “Holoti Pahlavon Muhammad”, Zayniddin Vosifiyning “Badoye’ ul-vaqoye’”, Husayn Voiz Koshifiyning “Futuvvatnomai sultoniy” asarida ushbu sport turi hakida qimmatli ma’lumotlar keltirib o‘tilgan. Sharqning buyuk mutafakkirlaridan biri bo‘lmish Abu Ali Ibn Sino o‘zining “Kitob-al-qonun fit-tab” asarida “Tibbiyotga asoslangan jismoniy tarbiya va mashqlar organizmni mustahkamlashga va to‘g‘ri shakllanishiga yordam beradi hamda insonga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi” deb yozgan.

Manbalarda keltirilishicha, Zahriddin Muhammad Bobur ham o‘zining “Boburnoma” asarida o‘z jangchilari orasida milliy kurashni rivojlantirib, jismoniy mashqlarga alohida ahamiyat qaratganligini ta’kidlab o‘tadi. Kurashish san’ati ko‘p xalqlarda qadim zamonlardan buyon ma’lum. Xalqaro maydonda kurashning YUnon-rum kurashi, erkin kurash, dzyudo, sambo va boshqa turlari keng tarqalgan. Keyingi yillarda o‘zbek kurashi ham alohida sport turi sifatida dunyo miqyosida tan olina boshlandi.

Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida o‘quvchilarning milliy sport turlariga qiziqtirish orqali, avvalo o‘quvchilarda:

-yurtimiz tarixi, xalqimiz madaniyati, milliy qadriyatlarimizga nisbatan mehr-muhabbat tuyg‘ulari, vatanparvarlik hissi rivojlanadi;

-o‘z tegdoshlari va atrofdagi insonlarga nisbatan rahimdillik, olijanoblik, bag‘rikenglik, kamtarlik kabi umuminsoniy fazilatlar tarbiyalanadi;

-o‘z kuchini jilovlash, sabr-matonat, irodalilik, og‘ir damlarda to‘g‘ri qaror qabul qilish, o‘z manfaatlaridan jamoa manfaatlarini ustun qo‘yish xislatlari rivojlanib takomillashib boradi.

Ta’lim jarayonida o‘quvchilarning milliy sport turlarga qiziqishlarini bilish avvalo, ularning g‘ayratga, doimiy mashg‘ulotlar bilan bandligiga va erishayotgan yutuqlarining darajasiga ta’sirini baholash uchun katta ahamiyatga ega. Buning uchun jismoniy tarbiya mashg‘ulotlarida o‘qituvchilar tomonidan, o‘quvchilarga quyidagi sifatlarni shakllantirib rivojlantirish vazifasi qo‘yiladi:

-to‘siqlarni bartaraf etishga qiziqtirish;

-jismoniy va ruhiy mukammallika erishishga qiziqtirish;

-yuksak obro‘ga ega bo‘lishga, jamoada ma’lum o‘rin egallash istakning bo‘lishiga qiziqtirish;

-sportda erishilgan yutuqlari uchun moddiy rag‘batlantirish olishga bo‘lgan qiziqishni rivojlantirish;

-milliy sport turlari bilan shug‘ullanish asosida fe’l-atvorni shakllantirishga qiziqtirish.

Milliy sport turlari – bu sport musobaqalarining joriy etilgan qoidalari asosida polvonlarning turli texnik va taktik harakatlarini qo‘llash orqali g‘alabaga erishishga intilgan holda qarshilikni o‘zaro bartaraf etish bilan tavsiflanadigan sport turlaridir.

Zamonaviy jamiyatda sog‘lom turmush tarzini shakllantirish, aholining, ayniqsa, yosh avlodning jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug‘ullanishi uchun zamon talablariga mos shart-sharoitlar yaratish, sport musobaqalari orqali yoshlarda o‘z irodasi, kuchi va imkoniyatlariga bo‘lgan

ishonchni mustahkamlash, mardlik va vatanparvarlik, ona Vatanga sadoqat tuyg‘ularini kamol toptirishga sezilarli darajada ahamiyat berilmoqda. Bu esa o‘z o‘rnida yoshlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish ishlarini tizimli tashkillashtirish hamda jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirishga yo‘naltirilgan keng ko‘lamli ishlar amalga oshirishni ta’minlaydi.

## ТАСАВВУФ ИЛМИДА РОБИЯ АЛ-АДАВИЯНИНГ ЎРНИ

**Очилова Наргиза Салимовна.**
**Навоий шаҳар, 4- сон умумий ўрта мактаб ўқитувчиси**

Робия Адавия Шарқ тасаввуфида ҳақиқий муҳаббат – ишқи илоҳий ғоясини тарғиб этган биринчи мутасаввиф аёлдир . У тахминан 713-718 йиллар оралиғида Басрада донишманд Исмоил Адавий Кайси оиласида дунёга келган. Қиз оилада тўртинчи фарзанд бўлгани учун унга Робия деб ном қўйишган. Уни гўдаклигидаёқ ўғирлаб, қул сифатида сотиб юборишган экан. У табиатан шоира ва халқ қўшиқларини юксак маҳорат билан ижро этадиган лапарчи-хонанда бўлган. Ана шу сифатлари учун Хожаси уни озод этади. Шундан сўнг Робия бу дунё меҳридан юз ўгириб, ишқи қулга боғланади. Бир неча йил саҳрода чодирнишинлик қилиб, ўзига кўплаб муридларни жалб этгач, Басрага келиб, замонасидаги кўплаб донишмандлар билан суҳбатлар, баҳсу – мунозаралар олиб боради.

Робия ал-Адавиянинг тасаввуф тариқатидаги ўрни ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айниқса, унинг Худога муносабати диққатга сазовордир.

Биламизки, шариат Исломнинг ташқи – ҳуқуқий кўриниши ҳисобланади. Шариат талабларига риоя қилиш эса диний эътиқоднинг асосини ташкил этади. Зеро,Тангри инсонни фаришталардан улуғ қўйиб, ердаги халифам деб атади, яъни алоҳида бир муҳаббат билан яратдики, буни англаган инсон ҳам унга муҳаббат қўймоги лозим. Инсонга юбориладиган азоб-уқубатлар ана шу муҳаббат даражасининг Худо томонидан синаб кўрилишидир.

Бу муносабатини у «муҳаббат» деб атайди ва Яратганга шундай илтижо килади: «Ё, Оллоҳ юлдузлар чарақлаб турибди, одамларнинг эса кўзлари юмилган …ҳар бир ошиқ ўз маҳбубаси билан висол лаззатини тотмокда, мен эса ёлғиз Сен биланман. Ё Эгам, агар Сенга мен дўзахингдан қўрққаним учун ибодат қилаётган бўлсам, мени дўзахингда ёндир, агар жаннатинг илинжида ибодат қилаётган бўлсам, мени унга йўлатма. Агар фақат ўзингни деб ибодат қилаётган бўлсам, мендан мангу жамолингни яширин тутма»[603]. Кўриниб турибдики, Робия ал-Адавия Худога нимадандир қўрқиб ёки ниманингдир илинжида мурожаат қилаётгани йўқ, балки бир маҳбуб сифатида, яъни муҳаббат изҳори билан мурожаат этмоқда.

Робия ал-Адавиянинг тасаввуфий қарашларининг ранг-баранглиги ҳақида «Кашф ул мажҳуб ли арбобул-қулуб », «Тазкиратул авлиё» сингари манбаларда турли -туман нақллар, ҳикояту, ривоятлар келтирилган. Нақл қилишларича, кунлардан бир кун Робия бир қўлида оташ ва иккинчи қўлида сув ушлаганча кўчада кетаётган экан.

-Бу не ҳол ,буларни не қилмоқчисиз,- деб сўрашибди, уни ўраб турган одамлар:

-олов билан жаннатга ўт қўяман ,токим одамлар биҳиштга кириш умиди билан юрмасинлар, сув билан эса дўзах оташини сўндираман, токим одамлар бу қўрқинч ва азобдан абадул абад қутулсинлар,” деб жавоб берибди Робия[604]. Кўриниб турибдики, Робия Адавиянинг Оллоҳга қилинаётган ибодатни чин муҳаббат билан, бетама қилишга, берган иноятига, берган умрига шукроналик бажо келиришни уқтирмоқда.

Робия Адавиянинг фалсафий қарашларида, азалият ҳақиқати, ишқи илоҳий маърифатнинг асл моҳиятидир. Обид билан ориф ўртасидаги фарқ ҳам ана шу ҳақиқат моҳиятини англаб етишда, деб ҳисоблайди. Унинг таълимоти асосида Оламу Одам бирлиги ётади. Шунинг учун ҳам олима ғоясининг асосини пок ахлоқ, юксак даражадаги инсонпарварлик ташкил килади «Модомики гуноҳларингизни яширишга интилар экансиз, яхшиликларингизни пинҳон тутишга хам одатланинг», дейди ҳикматларидан бирида Робия. «Боязид Бистомийдан Нуралишоҳи Гунободийгача» китобининг муллифи Абдулрафеъ Хақиқат томонидан аниқланишича, мутасаввиф Робия Адавия умрининг охирларида Байтул муқаддасга кўчиб бориб яшаган ва ўша ерда 781 йили вафот этган.

Маълумки, тасаввуфнинг моҳияти икки томонлама муҳаббатни талқин этмоқдир. Шунинг учун тасаввуф ахлоқшунослигида муҳаббат ҳис-туйғулик мақомидан тушунча даражасига кўтарилади,

[603] Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т. 2003 й. 67- бет.
[604] Ҳ.Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Т. 2004 й. 24-бет.

тасаввуф исломий ахлоқ саҳифаси сифатида иш кўради. Таълимотнинг шу жиҳатларини тадқиқ этишда ишқи илоҳий ғоясини тарғиб этган биринчи мутасаввиф аёл – Робия ал Адавиянинг фалсафий қарашлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Зеро, баркамол авлодни ватанга, миллатга, ота-онага, дўстга, касбга, илм-фанга муҳаббат руҳида тарбиялашда бу маънавий мерос муҳим аҳамият касб этади.

## TASAVVUFDA BAG'RIKENGLIK VA MUROSA MADANIYATINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI

**Ibragimov Mirfayz Ikrom o'g'li**
**Buxoro davlat universiteti, Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limiy yo'nalishi 1-kurs talabasi**

**Abstract:** This article examines the origins of Sufism, its essence, the views of Sufis known in Sufism, the history of the emergence of sects in Sufism, in particular, the sects of Yassavia, Kubroviya, Naqshbandi, and the essence of these sects.

**Keywords:** Sufism, sect, Yassaviya, Kubroviya, Naqshbandi, renaissance, religious, sheikh.

Markaziy Osiyo IX - XII asrlarda madaniy yuksalish - Uyg'onish davrini o'z boshidan kechirdi va butun musulmon Sharqida, jahonda yangi madaniy qadriyatlarni yaratish jihatdan katta yutuqlarga erishdi. Bu olamshumul jarayonning eng muhim tomonlaridan biri – dunyoviy va diniy ilmlar barqaror rivoj topdi, ma'naviy jihatdan bir-birini to'ldirdi va boyitdi. Bu davrda O'rta Osiyoda tasavvuf ham shakllandi va tez taraqqiy etdi. Tasavvuf ham diniy ilm, ham e'tiqod sifatida yangi yo'nalishlarni vujudga keltirdi. Xo'jagon-Naqshbandiya, Yassaviya, Kubroviya tariqatlari O'rta Osiyoda shakllanib, boshqa musulmon o'lkalariga ham tarqaldi, rivojlandi.

Tasavvuf – bu musulmonlarni halollikka, poklikka, tenglikka, inson qadr-qimmatini yerga urmaslikka chorlovchi, har kimni o'zining halol mehnati bilan yashashga, boshqalarning kuchidan foydalanmaslikka da'vat etuvchi dunyodagi turli xalqlarning ijtimoiy, falsafiy, badiiy tafakkuridan keng o'rin egallagan va ko'p tarmoqli murakkab ta'limotdir. Abdurahmon Jomiyning "Bahoriston" asarida yozilishicha, Shayx Abdusaid Abulxayrdan "Tasavvuf nima?" deb so'raganlarida shunday javob qilgan ekanlar: "Tasavvuf - bu boshingda ne bo'lsa, chiqarib tashlash, tasavvuf - bu qo'lingda neki bor, qo'ldan chiqarish, tasavvuf - bu boshqalardan senga nima ozor yetsa, ranjimaslik"[605].

Tasavvuf uzoq asrlar davomida xalqimiz ma'naviyatini boyitishga xizmat qilib kelgan. Insonning ruhiy, axloqiy yuksalishi ilohiy muhabbat bilan yuksalib borish bu ta'limotning asosiy g'oyalari hisoblanadi. Shu bois tasavvuf chuqur insonparvarlik g'oyalari bilan bog'liq bo'lib, haqiqat talabida yurgan odamlar qalbiga yo'l topdi, odamlarning poklik, abadiy hayot, ko'ngil hurriyati haqidagi orzularini ifodalab keldi. Xalqimiz so'fiy-darveshlarga hurmat-ehtirom orqali Alloh taologa, uning insonni ulug'lagan qudrati va insonga berilgan mavqeyiga e'tiqodlarini izhor etganlar. Shayxlarning karomatlari, so'zlari va siyrat-u surati yuksak axloq va ilohiy muqaddaslik namunasi sifatida qabul qilingan. Tasavvuf shayxlari xalqning ma'naviy rahbarlari, ruhoniy murabbiylar sifatida maydonga chiqib, payg'ambar faoliyati, holatlarini davom ettirishga jazm etganlar. Shu bois, tasavvufning tarixiy taraqqiyoti, nazariy jihatlarini o'rganish borasida, yirik shayxlar, avliyolar faoliyatini o'rganish ham muhim hisoblanadi. Voqean, nazariy qarashlarning o'zi ham shayxlarning so'zi va holatlari, asarlari, nasihatlari, ular haqidagi xotiralar, rivoyat va hikoyalarni o'rganish zamirida umumlashtirilgan.

Ulug' so'fiy va shoir Farididdin Attor o'zining "Tazkirat ul-avliyo" asari muqaddimasida: "Avliyolarning so'zi kishi qalbining malhami va ruhining quvvatidir, kimki avliyo so'zini diliga jo etsa, u Qur'oni Karim va Hadislar mag'ziga eshik ochadi, o'zining holati, axloqini, qilayotgan ishlarining yaxshi-yomonligini o'ylaydigan bo'lib qoladi va hayot, oxirat, insoniylik xususida mulohaza yuritib, ichki olamini tartibga soladi", - deb qayd etganlar[606].

Islom tasavvufining eng buyuk xususiyatlaridan biri, faqat nazariy jihat bilan cheklanib qolmay, tasavvuf tamoyillarini tariqatlar yo'li orqali amaliy hayotda tadbiq etish hamdir. Nazariyada "tasavvuf" deb atalgan bu oqimga amaliyotda "tariqat" deb ta'rif beriladi.

Tariqat. Tariqat – arabcha "yo'l" degan ma'noni bildirib, tasavvuf adabiyotida "Allohga yaqinlashmoq va uning roziligiga erishish maqsadida yurish kerak bo'lgan komil inson darajasiga erishishni ko'rsatuvchi yo'l" demakdir. Ushbu yo'lda yurgan kishi "solik" deb ataladi. Solik bu yo'lda yurish davomida Allohni bilib-tanigunga qadar turli manzillar va maqomlarni bosib o'tadi. Ba'zi soliklar bu safarini

[605] Ibrohim Haqqul. "Tasavvuf va She'riyat". G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi. Toshkent, 1991. –B.10-15.
[606] Hamidjon Homidov. "Tasavvuf allomalari". Toshkent: "Sharq", 2009. –B.25.

nihoyasiga yetkaza olmay, yarim yo'lda qolib ketadilar. Ba'zilari esa bu mashaqqatli yo'lni bosib o'tib, Allohga vosil bo'ladilar, bu kishilar "vosil" deb ataladi. Bu yo'lchilik – safar chog'idagi manzillarni bosib o'tish "sayru suluk" deb ataladi[607].

Tasavvuf ta'limoti asosida inson faoliyati va uning kamoloti yotadi. O'rta Osiyoning turli o'lkalarida tasavvufning turli tariqatlari paydo bo'ladi. Xususan, XII asrda Turkistonda Yassaviya tariqati, XII asr oxirida Xorazmda Kubroviya tariqati, XIV asrda Buxoroda Xo'jagon-Naqshbandiya tariqati vujudga keladi.

Yassaviya tariqati. Yassaviya tariqati asoschisi Ahmad Yassaviy hisoblanadi. Tariqatning asoslari Yassaviyning mashhur "Devoni Hikmat" asarida bayon etilgan. Ahmad Yassaviyning fikricha, shariatsiz tariqat, tariqatsiz ma'rifat, ma'rifatsiz haqiqat bo'la olmaydi. Ularning har biri ikkinchisini to'ldiradi va takomillashtiradi. Yassaviya tariqatining asosida kamolotga uzlat va tarkidunyochilik orqali yetishish g'oyasi olg'a suriladi. Unga faqat bu dunyo rohati va farog'atidan voz kechib, uzlatda toat va ibodat yo'lida zahmat chekib, mashaqqatli mehnat qila olgan kishigina yetib boradi. Yassaviya tariqatida mashaqqatli mehnat va aziyat shariat yo'lida bo'lmog'i hamda tarkidunyochilik targ'ib etilsa-da, inson zoti sharif darajasida ulug'lanadi. Insonning har qanday mol-dunyodan va davlatdan ustun turishi ta'kidlanadi.

Kubroviya tariqati. Kubroviya tariqati asoschisi Najmiddin Kubro (asl ismi Ahmad ibn Umar Xivaqiy, uning taxallusi "dinning ulug' yulduzi" degan ma'noni anglatadi) hisoblanadi. Yassaviya tariqatidan farqli o'laroq, Kubroviya tariqati tarkidunyochilikni rad etadi. Kamolot yo'lida olib boriladigan mashaqqatli mehnat jarayonida bu dunyo noz-ne'matlaridan bahramand bo'lishning joizligi g'oyasi ilgari suriladi. Kubroviya tariqatida xalqqa va Vatanga bo'lgan muhabbat nihoyatda kuchli bo'lib, har qanday og'ir damlarda ham omma bilan birga bo'lish, Vatanni mudofaa qilish va uning mustaqilligi uchun kurashga da'vat etiladi. Xo'jagon-Naqshbandiya tariqati. Xo'jagon-Naqshbandiya tariqati asoschisi Bahouddin Naqshband hisoblanadi. Xo'ja Bahouddin "Hayotnoma" va "Dalil al-oshiqin" nomli asarlar yozib, o'z tariqatini yaratadi. Naqshbandiya tariqati insonlarni halol va pok bo'lishga, o'z mehnati bilan kun kechirishga, muhtojlarga xayr-ehson berishga, sof dil va kamtar bo'lishga chaqiradi. Uning "Dilba yor-u dastba kor" ("Ko'ngil Allohda bo'lsin-u, qo'l mehnat bilan band bo'lsin") degan hikmati Naqshbandiya tariqatining hayotiy mohiyatini ifodalaydi. U tarkidunyochilikni rad etib, mehnatsevarlik, odillik va bilimdonlikni targ'ib etadi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, tasavvuf ilmini o'rganish, uni ommaga to'g'ri yetkazib berish, musulmon ahlining burchi hisoblanadi. Yassaviya tariqatining asosini tashkil etadigan "shariatsiz tariqat, tariqatsiz ma'rifat, ma'rifatsiz haqiqat bo'la olmaydi" degan tushuncha hozirgi davrda dolzarb hisoblanadi. Xususan, tasavvufning o'zi ham ma'rifat orqali butun musulmon olamiga yoyilgan. Buni biz Yassaviyning "Devoni Hikmat" asaridan ko'rishimiz mumkin. Bu maqolani yozish davomida men ham O'zbekistonlik tasavvufshunos olimlarning ishlari bilan tanishib chiqdim. Xususan, Najmiddin Komilov, Ibrohim Haqqul, Hamidjon Homidov kabi tasavvufshunos olimlarning risolalari, maqola va kitoblarini o'rganib chiqish davomida menda tasavvuf haqida to'liq tushuncha shakllandi deb aniq aytish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Ibrohim Haqqul. "Tasavvuf va She'riyat". G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi. Toshkent – 1991-yil
2. Hamidjon Homidov. "Tasavvuf allomalari". Toshkent: "Sharq", 2009.
3. Usmon Turar. "Tasavvuf tarixi". Toshkent: "Istiqlol",1999.
4. Hamidulla Boltaboyev. "Islom tasavvufi manbalari" (Tasavvuf nazariyasi va tarixi). Toshkent: "O'qituvchi", 2005.
5. Najmiddin Komilov. "Tasavvuf". Toshkent: "Movarounnahr", 2009.

## TASAVVUFDA BAG'RIKENGLIK VA MUROSA MADANIYATI

**To'rayeva Mehriniso Faxriddin qizi**
**Buxoro Davlat Universiteti, Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi yo'nalishi talabasi**

**Anotatsiya**: Mazkur maqola tasavvuf ilmi va undagi tariqatlar,tasavvufdagi bag'rikenglik tushunchalariga, A.Yassaviy va J.Rumiyning bag'rikenglik haqidagi asarlari, O'zbekiston va Jahon hamjamiyati tomonidan tasavvufdagi bag'rikenglik g'oyalariga qaratilayotgan e'tiborlarning tahliliga bag'ishlangan.

**Kalit so'zlar:** tasavvuf, tariqat, so'fiy, bag'rikenglik, konfessiya, strategiya, renessans, millatlararototuvlik, ko'pmillatlilik.

[607] Usmon Turar. "Tasavvuf tarixi". Toshkent: "Istiqlol",1999. –B.30.

Hozirgi shiddat bilan o’zgarib borayotgan dunyoda, dunyoviy ilmlar bilan birgalikda diniy ilmlarni o’rganish,ularning asl mohiyati va mazmunini chuqur o’rganishni davrning o’zi ham talab qilmoqda. Diniy ilmlar orasida shunday bir ilm mavjudki,bu ilm mana nechchi asrlardirki insoniyatni faqat tog’ri yo’lga boshlab kelmoqda. Bu ilm tasavvuf ilmi deb ataladi. Xo’sh, tasavvuf ilmi nima, uning asl mohiyati nimadan iborat, u insoniyatning ma’naviy kamol topishida qanday yordam bera oladi degan savollar tug’ilishi tabiiy,demak ushbu savollarga javob berishni boshlaymiz.

**Tasavvuf** bu-islom axloqi bilan bezanish uchun kerakli bo’lgan ilmlarni o’rganadigan, bir tomondan din va shariat,ikkinchitomondan falsafa va hikmat ilmi bilan bog’liq holda rivojlanib kelgan o’ziga xos ta’limotdir. Tasavvuf xuddi tibbiyot ilmi badan sog’lig’iga oid ma’lumotlarni o’rganganidek, tasavvuf ham qalbni, ruhning yomon axloqlardan xalos bo’lish yo’llarini o’rgatadi. Ko’pincha tasavvuf yoki tariqat deganda mashaqqatli hayot yo’li, tarki dunyochilik, zamonaviy fan yutuqlaridan voz kechish, mehnat qilmasdan faqat ibodat qilish bilan shug’ullanish,o’zini-o’zi qiynash ko’z oldimizga keladi. Aslini olganda esa tasavvufning chin mohiyati nafsni poklash, axloqni sayqallash, ma’naviy kamolotga erishishdan iborat. Mazkur maqsadlarga erishish uchun olimlar tomonidan maxsus maktablar-tariqatlar yaratilgan[608].

Markaziy Osiyoda ham XIII-XIV asrlarda so’fiylik (sufizm) tariqatlari shakllandi. So’fiy bu tasavvuf bilan shug’ullanuvchi kishiga nisbatan ishlatiladigan atamadir. Markaziy Osiyolik tasavvuf namoyondalari vatanparvarlik, xalqparvarlik, tinchlik va bag’rikenglik, barqarorlikni mustahkamlashga xizmat qilgan islom dinining ilg’or vakillari sifatida obro’-e’tibor topdilar.

Tasavvufda tariqat (arabcha-yo’l) bu muayyan yo’lboshlovchi tomonidan Qur’on va hadislar, sahobalarning yo’l-yo’riqlari asosida ishlab chiqilgan ruhiy poklanish yo’li,metodi jamlanmasi hisoblanadi. Hozr tariqatlar ichida eng yiriklaridan biri bo’lgan Yassaviya tariqati vaRumiyning bag’rikenglik borasidagifikrlari bilan tanishib o’tamiz.

Yassaviya tariqati-asoschisi Xoja Ahmad Yassaviy. Bu tariqatning o’ziga xos jihati oshkora uslubda zikr va duo o’qish,dunyo lazzatlaridan qisman vos kechish aks etgan.Ahmad Yassaviy o’zidan kelajak avlodlarga nihoyatda boy meros qoldirgan bo’lib ular ichida “Devoni Hikmat” asari nihoyatda bebaho hisoblanadi.Zotan bu asarda ma’naviy poklanish,axloq,halollik,bag’rikenglik g’oyalari she’riy uslubda bayon qilingan.

Quyidagi she’rda, Yassaviy beva-bechoralarga rahm-shavqatli bo’lish, muruvvatli, ochiq qo’l bo’lishga undaydi jaholat va razolatni qoralaydi:

*Qayda ko’rsang ko’ngli siniq malham bo’lg’il,*
*Andoq mazlum yo’lda qolsa hamdam bo’lg’il,*
*Ummat bo’lsang g’ariblarga tobe bo’lg’il,*
*Oyat,hadis ham kim aytsa,some bo’lg’il.*
*Oqil ersang,g’ariblarning ko’ngli ovla,*
*Mustafodek elni kezib,yetim kovla,*
*G’arib,faqir,yetimlarni qilgin shodon,*
*Haqlar qilib,aziz joning ayla qurbon*[609].

XIII asrda yashab o’tgan,millatlar va elatlarning “*ma’naviy otasi*”ga aylangan, sufizm tariqatining yirik namoyondalaridan bo’lgan adib J.Rumiyning hayoti va ijodiga qiziqish, ayniqsa g’arb davlatlarida ortdi. Ma’lumot uchun 2014-yilda Rumiyning she’riy asarlari AQSHda eng ko’p sotilgan kitoblardan biri bo’lgan,buning sababi Rumiy o’z asarlarida va hayoti jarayonida barhayot g’oyalarni ilgari surgan, ya’ni hozirgi kundagi zamonaviy ideologiya asoslari bo’lgan diniy bag’rikenglik, insonlararo tenglik g’oyalari uning asarlari mohiyati hisoblanadi. Uning “Masnaviyi ma’naviy” asarida bag’rikenglik g’oyalari teran tarzda aks ettirilgan[610]. Rumiy quyidagi misralarida mehr-shavqat tushunchalarini soda tarzda kitobxonga bayon etadi:

***Mehru riqqat-vasfi insoniybuvad,***
***Xashmu shahvat-va afi hayvoniy buvad.***

(ya’ni mehr va shavqat, nazokat, muloyimlik, latofat-insoniylik vasfidir.G’azab va shahvat hayvoniylik belgisidir). E’tibor bersak Yassaviyning ham Rumiyning ham asarlarida ilgari surilgan g’oya va fikrlari tub negizida bag’rikenglik va murosa madaniyatig’oyasi yotadi.

Islom dining Markaziy Osiyoda keng tarqalgan mazhabi hanafiylikning bosh aqidaviy tamoyillari ham bag’rikenglikka asoslangan. Demak bag’rikenglik, tolerantlik tushunchalari, g’oyalari bizga yaqindagina kirib kelmagan,ular islom dini bilan birgalikda xalqimizning qon qoniga singib ketgan g’oyalar hisoblanadi. Imom A’zam Abu Hanifa tomonida boshlangan bunday bag’rikenglikning ilmiy-aqidaviy asoslari yurtimiz allomalari I.Moturudiy, Abu Muin Nasafiy kabi zotlar tomonidan davom ettirilgan. Ular

[608] Dunyo dinlari tarixi.Toshkent, 2018.73-b.
[609] Hamdijon Homidiy. Tasavvuf allomalari.Toshkent, 2005.157-159-b.
[610] Kitobxonlar davrasi. //facebook.com

tomonidan kelajak avlodlarga qoldirgan adabiy meroslar bag'rikenglikka asoslangan qo'llanmalar sifatida o'qitib kelingan va hozirgi kunda ham o'qitib kelinmoqda.

O'zbekistonda din davlatdan ajratilgan,ammo xalqdan ajratilgan emas. E'tiqod erkinligini ta'minlash borasida davlatimiz tomonidan keng ko'lamli ishlar amalga oshirilib kelindi. Hozirgi kunda mamlakatimizda 16 ta diniy konfessiya emin-erkin o'z faoliyatini olib bormoqda. Zero, diniy bag'rikenglik va qonun ustuvorligi-ko'p millatli davlat qurilishi lozim bo'lgan poydevorning birinchi qismidir. Murakkab tarixiy davrda shakllangan, jarayonlar va sinovlarni mardonavor yengib o'tgan bag'rikenglik muhiti mamalakatda tinchlik,taraqqiyot va farovonlikka xizmat qilmoqda.

Hozirgi kunga kelib, O'zbekistonda bag'rikenglik g'oyasiga har qachongidan ko'p e'tibor berib kelinmoqda. Xususan mamalakatimiz prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tashabbusi bilan ilgari surilgan 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5-ustuvor yo'nalishi aynan diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni ta'minlash masalasiga bag'ishlangan.

Hozirgi kunga kelib tasavvuf ilmiga bo'lgan qiziqish ortib bormoqda. Tasavvuf ilmining bashariyat rivoji uchun qo'shadigan hissasi Jahon hamjamiyati tomonidan ham e'tirof etib kelinmoqda. 2000-yil 18-sentyabr kuni Buxoro shahrida "Tasavvuf va dinlararo muloqot" mavzusida xalqaro simpozium bo'lib o'tdi. Unda tasavvufga "bag'rikenglikni targ'ib etuvchi, tinchlikka chaqiruvchi islom dinining o'ziga xos ko'rinishi" deb ta'rif berilgani yuqoridagi fikrlarimizning yorqin isboti hisoblanadi.

O'zbekistonda millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni saqlash borasida doim izchil siyosat yuritib kelingan va hozirgi kunda ham har qachongidan ko'p e'tibor berilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2017-yil 19-sentabr BMT bosh Assambleyasining 72-sessiyasida "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" deb nomlangan maxsus rezolyutsiya qabul qilish tashabbusi bilan chiqganlari va bu voqelik jahon hamjamiyatining diqqatini tortib, ijobiy baholangan edi. Mazkur hujjatning eng muhim tomoni uning bag'rikenglik va o'zaro hurmatni qaror toptirish, diniy erkinlikni ta'minlashga qaratilganligi e'tiborga molik. Hozirda yurtimizda Islom svilizatsiyasi markazi, ImomBuxoriy, ImomTermiziy va Imom Moturudiy xalqaro ilmiy tadqiqot markazlari, viloyatlarda kalom, hadis, fiqh, aqida va tasavvuf ilmlarini o'rganishga ixtisoslashtirilgan 5 ta ilmiy maktab faoliyat yuritmoqda.

Muhtaram Prezidentimiz yurtimiz mustaqilligining 29 yilligi munosabati bilan yo'llagan bayram tabriklarida "Xalqimizning ulug'vor qudrati jo'sh urgan hozirgi zamonda O'zbekistonda yangi bir uyg'onish uchinchi renessans davriga poydevor yaratilmoqda", -deya alohida qayd etdilar. Bu so'zlar zamirida, albatta insoniyat uchun eng katta boylik-tinchlik, uning manbai esa hamjihatlik degan g'oya mujassamligini barchamiz to'la ilg'adik.

Xullas, tasavvuf ilmini to'g'ri tushuntirish insoniyat oldidagi muhim vazifalardan biri bo'lmog'i shart. Chunki diniy va dunyoviy qarashlar uyg'unligidan iborat tasavvuf ta'limotining to'g'ri talqini ekstremistik g'oyalarga qarshi turishda, genotsid, irqchilik, turli xildagi aqidaparrastliklarga qarshi turishda xizmat qilsa, uning noto'g'ri talqini esa turli xildagi salbiy tariqatchilik harakatkariga asos yaratib beradi. Shu sababli tasavvuf ilmining asl mohiyatini yoshlarga to'g'ri tushuntirib berish hozirgi davrda asosiy vazifa bo'lmog'i lozim. Buning uchun esa tasavvuf ilmi bo'yicha mutaxassislar sonini va sifatini oshirish kerak menimcha. Zero tasavvuf bu insoniyatni komillik sari yetaklovchi,uning komil shaxs bo'lib yetishishida yagona,birdan-bir to'g'ri yo'l hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1.Dunyo dinlari tarixi.Toshkent, 2018.73-b.
2.Hamdijon Homidiy. Tasavvuf allomalari.Toshkent, 2005.157-159-b.
3.Kitobxonlar davrasi. //facebook.com
4. Uchinchi renessans-milliy g'oya sifatida. //iiau.uz
5. Alimkilov E. Konstitutsiya-millatlararo totuvlik, dinlararo bag'rikenglik va e'tiqod erkinligi garovidir. //uza.uz
6. Islom tasavvufi manbalari (tasavvuf nazariyasi va tarixi). Toshkent, 2005

## YUKSAK POG'ONALAR SARI - JADAL QADAMLAR. OLG'A O'ZBEKISTON!

**Xoshimova Kamolabonu**
**O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi Islomshunoslik yo'nalishi 3-bosqich talabasi**

*Kalit so'zlar: "Uchinchi renessans","Yil mamlakati", "Mustaqillik g'oyasi", "Yagona darcha"*

*Keywords: "Third Renaissance", "Counntry of the Year", "The idea of independence", "Single window"*

*Ключевые слова: "третий ренессанс", "Страна года", Идея независимости", "Единое окно"*

Har bir mamlakat dunyo xaritasida paydo bo'libdiki, o'z tarixi davomida ilk oyoqqa turish davri, taraqqiyotining cho'qqisiga chiqish pog'onalari va shonli hukmronligining yakunini boshdan kechiradi. Bizning jonajon vatanimiz yosh O'zbekiston ham ana shunday yuksaklik pog'onalariga shiddat bilan odimlamoqda.Yurtimizda amalga oshirilayotgan bugungi o'zgarishlar, ayniqsa, keyingi to'rt yil ichida yaqqol ko'zga tashlandi. So'zimizga davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyayevning kuni kecha O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining yigirma to'qqiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimida so'zlagan jo'shqin nutqlari ham misol bo'la oladi: *"Takidlash joizki, bugun jahon miqyosida yurtimiz haqida so'z ketganda |"Yangi O'zbekiston" iborasi takror-takror tilga olinmoqda. Bu keyingi yillarda taraqqiyotning mutlaqo yangi bosqichiga qadam qo'yganimiz, erishayotgan zalvorli yutuqlarimizning e'tirofi, jahon hamjamiyatining yurtimizga jiddiy e'tiboridir.Chunki bizga mustaqillik g'oyasi,istiqlol ruhi tayanch bo'lmoqda. Bizni ilg'or niyatlar, buyuk maqsadlar, ulkan marralar yo'lida adashmaslikka undamoqda, tanlagan yo'limiz to'g'riligiga inontirmoqda".*

